Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИ ТАФСИЛОТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Мангбурни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Шиҳобиддин
Муҳаммад ан-Насавий

Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти

Тошкент
"Ўзбекистон" нашриёти,
"Ёзувчи" нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

63.3 (5У)
Ш67

Камол Матёқубов таржимаси

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий.
Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти /Матёқубов тарж./—Т.: "Ўзбекистон"—"Ёзувчи", 1999.—432 б.
Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси ФА тарих институти.

Инсон фақат бугунги кун билангина яшамайди, унинг қалбида эртанинг умиди ҳам бўй кўрсатиши табиий. Аслида бугун ҳам, эрта ҳам ўтмишдан андоза олади. Шундай экан, биз эртанинг умидида яшаётганлар оладиган андозаларимизнинг тарихини яхши биламизми? Бизларга ўрнак бўлувчи, бизларни улуғвор ишларга, яратувчиликларга ундовчи аждодларимизни яхши биламизми? Бу мангулик саволга ҳар бир авлод ўзича жавоб ахтармоғи аниқ.

Тарихда буюк ишлари, мардликлари, қаҳрамонлиги, юртпарварлиги, озодлик учун кураши билан лол қолдирган Жалолиддин Мангуберди тақдирини яхши билиш ҳам ана шу саволга изланаётган жавоблардан биридир. Биз шу пайтгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида нималар билар эдик? Ниҳоятда оз нарса! Демак, қўлингиздаги ушбу китоб биз тақдирини, тарихини оз миқдорда биладиган юртдошимиз ҳақида ниҳоятда кўп маълумотлар бериши билан қимматлидир.

ББК 63.3 (5У)

Ш $\frac{4702620201-27}{M362(04)-99}$ **қатъий буюртма –99**

ISBN 5-8255-0626-8

© "Ўзбекистон" нашриёти,
"Ёзувчи" нашриёти, 1999 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалолиддин МАНГУБЕРДИ
таваллудининг 800 йиллигига

СУЛТОН ТАРИХИНИНГ ТАДҚИҚИ

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейишади. Шу маънода истиқлолдан кейин мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Аввало, тарихни, мозийни ўрганиш давлат аҳамиятига молик иш деб белгиланди. Шу асосда Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Замахшарий, Ҳаким ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Нақшбандий, Бобур, Феруз сингари улуғ аждодларимизнинг, алломаларимизнинг ўлмас мероси ўрганилди. Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг икки ярим минг йиллик тўйлари ўтказилди, тарихи тадқиқ этилди. Минг йиллик тарихга эга Маъмун академияси қайта тикланди ва фаолият кўрсата бошлади. Ўнлаб ноёб архитектура ёдгорликлари давлатимиз ҳомийлигида қайта тикланди.

Тарихга, мозийга нисбатан муносабат бутунлай ўзгарди, эндиликда уни яхши ва ёмонларга ажратмай, ҳар хил синфларга бўлмай, қандай мавжуд бўлса, шундай яхлит ҳолда холис, ҳаққоний, аниқ фактлар асосида дунё тарихи билан биргаликда ўрганиш талаб қилиб қўйилди.

Давлатнинг ўтмиш меросимизни тадқиқ этиш борасидаги хайрли ишлари изчил давом этмоқда. Юртимизда эндиликда "Алпомиш" достонининг тўйини, Камолиддин Беҳзод, Огаҳий таваллуд саналарини ўтказишга тайёргарлик бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти юртимиз тарихини ўрганиш, халқимизни ўтмиш қадриятларидан баҳраманд этишда яна бир улуғвор ишни бошлаб берди. 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида фармон чиқарди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақда қарори қабул қилинди. Фармон ва қарорда улуғ юртдошимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кўп ишлар қилиш белгиланган. Тўй баҳонасида Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсон, ватанпарварнинг ҳаёти, фаолияти, аждодлари тарихини тадқиқ этиш, у ҳақдаги тарихий ҳақиқатни тиклаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Мақсад улуғ, ният катта. Лекин тарихий ҳақиқатни, ўлмас меросимизни тиклаш осон эмас. Очиғини айтиш керак, халқимиз Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлиги, ватанпарварлигидан, босқинчиларга қарши курашидан қанчалик фахрланмасин, номини қанчалик улуғламасин, кейинги салкам 150 йил давомида ҳақиқий тарихидан бехабар бўлиб келди. Унинг ҳаёти ҳақидаги асарлар, битиклар ўтмишнинг узоқ йиллар қатламларида гоҳ унутилди, гоҳ ўрганиш тақиқланди. Тадқиқотлар қилинмади. Шунинг учун мамлакатимиз Президентининг Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармони унинг ҳаёти, фаолияти, юрт озодлиги учун кураши ҳақидаги тарихий ҳақиқатни халқимизга етказиш йўлидаги дастлабки энг катта тадбир бўлди, дейиш мумкин.

Бу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бизда аҳвол шундай кечган экан, эндиликда Жалолиддин тарихини ҳаққоний, холис ёритиш учун имкон борми? Унинг тақдири ҳақида, Хоразмшоҳлар давлати тарихи тўғрисида манбалар, тадқиқотлар, маълумотлар мавжудми?

Не ажабки, тарихда ҳам ғалати, ғайритабиий ҳолатлар учраб туради. Айтайлик, хоразмшоҳлар — заминимизда ҳукмронлик қилиб ўтган улуғ аждодларимиз, Жалолиддин — юртимиз фарзанди, халқимизнинг ардоқли қаҳрамони. Лекин улар тарихи ҳақида ўз тарихчиларимиздан кўра бошқа халқлар муаррихлари кўпроқ асарлар ёзиб қолдирганлар. Бу ғайритабиий ҳолат кейинги даврларда ҳам давом этган. Масалан, XIX—XX асрларда ўз тарихимизда Жалолиддин ва унинг аждодлари — Хоразмшоҳлар салтанати ҳақида илмий-тадқиқот асарлари ниҳоятда кам, умуман йўқ даражада бўлса, худди шу давр Европа, араб, турк қадимшунослигида улар тўғрисида бир неча ўнлаб илмий-тадқиқот асарлари яратилган. Умуман, дунё қадимшунослигига назар ташлайдиган бўлсак, бу мард, Ватан озодлиги йўлида фидойи инсон ҳаёти, фаолияти ҳақида кўплаб асарлар борлигини кўрамиз. У ҳақдаги XIII асрдан то ҳозиргача яратилган асарларни санайдиган бўлсак, улар салкам 500 жилдга яқин китобни ташкил этади. Бу асарларни шартли равишда икки даврга: бирин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи даври — XIII—XVIII асрларда ёзилган битикларга; иккинчи даври — XVIII—XX асрларда яратилган асарларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи даврда яратилган асарларнинг аксарияти Шарқ тарихчиларининг, ижодкорларининг қаламига мансуб ҳисобланади. Уларда Жалолиддин ҳаёти, фаолияти, тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Мўғулларга қарши олиб борган курашлари акс эттирилади. Бу асарлар муаллифларининг аксарияти Жалолиддинни кўрган, билган, у ҳақда эшитган, унинг ҳаётидан хабардор инсонлардир. Бу даврда яратилган асарлар ёдномалар, йилномалар, тарихий ҳужжатлар ва ҳар хил битиклардан иборат.

Ана шулар орасида ишончли, асосий тарихий манбалардан бири Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти" асаридир. Шиҳобиддин ан-Насавий Хуросоннинг Наса шаҳри яқинида туғилган. Шу вилоятдаги Хурандиз қалъасининг волийси бўлган. У туркий, форсий, арабий тилларни мукаммал билган. Наса шаҳри ва вилояти Хоразмшоҳлар қўл остидаги мулклардан бири бўлган. Асарни ан-Насавий 1241 йилда Жалолиддин ўлимидан 10 йил кейин ёзишга киришган ва 1249 йилда вафотидан сал олдин тугатади. Асарга 1218 йилдан 1231 йилгача Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Озарбойжон, Грузия каби давлатларда, аниқроғи, Жалолиддин қўл остида тўплаган салтанатда бўлиб ўтган воқеалар, Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятлари, Чингиз босқини даҳшатлари ҳаққоний тарзда ҳикоя қилинади. Ундаги воқеа-ҳодисалар, уларнинг иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки асар муаллифи ан-Насавий Жалолиддиннинг муншийси, шахсий котиби бўлган, у билан бирга кўп масалаларни ҳал қилишда иштирок этган. Ўзи кўрмаган, билмаган воқеаларни эса уни кўрган-билган ишончли одамларнинг ҳикоялари орқали келтиради. Ушбу асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, агар ўша даврда хоразмшоҳлар ва мўғуллар ўртасидаги кураш воқеаларини кўпчилик тарихчилар мўғуллар томонида туриб ёритган бўлсалар, бу асарда тарихга хоразмшоҳлар томонидан туриб нигоҳ ташланади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўша даврнинг бошқа тарихчилари кўра олмаган теран ҳақиқатни ан-Насавий яхши билган ва асарида кўрсатиб бера олган. Ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

салан, Хоразмшоҳлар давлатининг ички ҳаёти, Туркон хотуннинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни, салтанатнинг ичдан емирила бошлаши, қипчоқларнинг Аловуддин Муҳаммадга нисбатан сотқинлиги, Боғдод халифасининг хоразмшоҳларга нисбатан салбий муносабати, Жалолиддиннинг Грузияга юриши сабаблари, унинг аййубий, исмоилий султонлар билан ўзаро алоқаси, уларнинг султонга хиёнаткорлиги каби масалалар борки, Насавий уларни янгича асосда ёритади. Шунинг учун ҳам ўша даврда ва ундан сал кейин яшаб ўтган тарихчилардан аксарияти, жумладан, ал-Мақдисий, Абул Фидо, ибн Халдун, ал-Фуватий, ал-Айний, ал-Хазражий, ибн Шаддод, аз-Заҳабий, ас-Сафадий тўпламларида ан-Насавийнинг бу асарига Жалолиддин Мангуберди ҳаётини акс эттирувчи бирламчи, ишончли манба деб баҳо берганлар ҳамда ундан иқтибослар олганлар.

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти", ("Сират ас-султон Жалолиддин Манкбурни") асари араб тилида ёзилган. Асарнинг иккита тўлиқ бўлмаган қўлёзмаси бугунги кунгача етиб келган. Улардан бири — 1260 йилда ёзилган қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида, иккинчиси Британия музейида сақланади. Бу асар ҳақида ғарб тарихига илк маълумотни XIX аср ўрталарида К.Д' Оссон олиб киради. Унинг 1852 йилда Амстердамда нашр этилган "Мўғулларнинг Чингизхондан Амир Темургача бўлган тарихи" деб номланган асарида бу ҳақда муфассал маълумот берилган. Кейинчалик шарқшунос олим Октав Удас "Сират"ни француз тилига таржима қилади ва нашр эттиради. Бу асарнинг жаҳон тарихидаги ўрни ҳақида бир қанча мақолалар ёзади. Шундан кейин ғарб тарихида Жалолиддин тўғрисида А.Мюллер, Ж.Бойль, В.Фишель, В. Аллен, Х.Хорст, Кл.Каен, Г.Готтшалк, Б.Шпулер каби олимларнинг илмий тадқиқотлари пайдо бўлади. Улар Насавий асари билан биргаликда Жалолиддин Мангубердининг тарихдаги ўрнига ҳам муносиб баҳо берадилар.

О.Удас таржимаси асосида Насавий асарини 1914-1916 йилларда Ю.Зиё ва А.Тавҳид турк тилига ўгириб, нашр қилдирадилар. 1934 йилда бу асар Нажиб Асим таржимасида яна бир бор турк тилида нашр қилдирилади. Бунда аввалги таржимада йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилади ва асар мукаммаллаштирилади. Кейинчалик О.Удас таржимасидаги асар Қоҳирада нашр этилади. 1945 йилда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу асар Муҳаммад Али Насих томонидан форс тилига ҳам ўгирилади. 1953 йилда Ҳофиз Аҳмад Ҳамдий уни О.Удас таржимаси асосида араб тилига таржима этиб, нашрдан чиқартиради. Кейинчалик Насавий асари бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, кўплаб илмий тадқиқотлар пайдо бўлди.

"Сират" рус тилига 1850 йилдан 1900 йилгача қисқартирилган ҳолда бир неча бор таржима этилган. Унинг рус тарихида ўрганилишида Петербург университетининг профессори, шайх Муҳаммад Тантавийнинг хизматлари каттадир. Аввало, шайх Тантавий Париж Миллий кутубхонасидаги Насавий асари қўлёзмасини қайтадан кўчириб олади. Унинг йўқолган саҳифалари, ўчиб кетган жойларидаги сўзларни асар руҳидан келиб чиққан ҳолда тўлдиради. Баъзи жойларига аниқлик киритади. Шу тариқа ан-Насавий асарининг шайх Тантавий тайёрлаган нусхаси О.Удас нашр эттирган нусхасидан кўра тўлароқ ва мукаммалроқ чиқади.

Ушбу асар устидаги ишни кейинчалик озарбойжонлик тарихчи, шарқшунос олим Зиё Бунёдов давом эттиради. У ан-Насавий асарининг араб, француз, форс тилларидаги ва шайх Тантавийнинг нусхалари асосида танқидий матнини тайёрлади. Аммо бу иш 60-йиллардан бери нашр қилинмасдан қолиб келмоқда. Айни пайтда, олим асарнинг тўлиқ нусхасини, танқидий матн асосида рус тилига таржима қилиб, 1973 йилда Бокуда нашр эттирган.

Афсуски, ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги энг ишончли манба бўлган бу асари ҳам, уни тадқиқ қилиш асосида хорижлик қадимшунослар томонидан яратилган бошқа ўнлаб асарлар, мақолалар ҳам ўзбек тилига ўгирилмаган.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзилган асарлардан яна бири Нуриддин Зайдарийнинг форс тилидаги "Нафсат алмасдур фи футур заман ас-судур ва заман ас-судур ал-футур" йилномасидир. Нуриддин Зайдарий ҳам Жалолиддиннинг муншийси, котиби бўлган. Тарихчилардан айримлари Зайдарийнинг бу асарини ан-Насавийнинг "Сират"идан таржима деб баҳоласа, баъзилари алоҳида мустақил асар деб қарайдилар. Зиё Бунёдов иккала асарни — "Сират"ни ҳам, "Нафсат ал-масдур"ни ҳам ўрганиб, бир шахс, бир воқеа-ҳодисалар, бир тарих ҳақидаги икки асар деб ёзади. Нима бўлмасин, бу асарнинг борлиги, унда Жалолиддин

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мангуберди ҳақида маълумотлар берилиши тарихимизни ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар берувчи тарихий битиклардан бири Иззиддин ибн ал-Асирнинг ўн икки жилддан иборат "ал-Комил фит-тарих" ("Мукаммал тарих") асаридир. Жаҳон тарихига оид воқеалар хронологик тарзда қайд этилган бу асарда Хоразмшоҳлар давлати фаолиятига алоҳида ўрин берилган. Асар муаллифи китобида келтирган воқеаларни кўрмаган, шоҳиди бўлмаган бўлса ҳам, эшитганлари асосида яратган. Шиҳобиддин ан-Насавий Ибн ал-Асирнинг бу китобига юқори баҳо бериб, бундай деб ёзади: "У асарида баъзи ўринларда ҳақиқатдан бир оз чекинган бўлса-да, энг муҳим ва асосий воқеалардан бирортасини эътибордан четда қолдирмаган". Шунингдек, Насавий унинг бу китобидан таъсирланганини, ўз асарини яратишда ундан фойдаланганини ҳам эслатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ибн ал-Асирнинг бу асари Насавий асаридан ўн йиллар илгари ёзиб тугалланган. Ўтмиш тарихимиз тўғрисида бой манбаларга эга бўлган, жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилган бу асар ҳам ўзбекчага таржима қилинмаган.

Таниқли тарихчилар Жувайний "Тарихи жаҳонгуша", Рашидиддин "Жами ат-таворих", Жузжоний "Табақати Носирий" асарларида ҳам Жалолиддин хусусида маълумотлар берганлар. Мўғул хонлари хизматида бўлган бу тарихчилар султон ҳаёти, фаолиятини раҳнамолари талаби билан бир ёқлама ёритишга мажбур бўлганлар. Аммо шунга қарамай, улар ҳам султоннинг мардликлари, қаҳрамонликларидан кўз юмолмайдилар. У ҳақдаги тарихий ҳақиқатни эътироф этадилар. Бундай эътирофлар мўғуллар тарихи "Муқаддас битиклар"да ҳам, Чингиз хизматида бўлган хитойлик тарихчилар Елюй Чу-Цай ва Сун Цзи-чжень асарларида ҳам учрайди. Уларда Хоразмшоҳларнинг ҳаёти, мамлакати тегралари, халқлар фаолияти қаламга олинади. Жалолиддиннинг қаҳрамонликлари, кураш йўллари, қўшинлари тўғрисида маълумотлар берилади.

XIII—XVI асрлар оралиғида Шарқда яшаган бирорта тарихчи йўққи, Хоразмшоҳлар тарихини, хусусан, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, фаолиятини қаламга олмаган ёки улар тақдиридан мисоллар келтирмаган бўлсин. Ана шундай асарлар жумласига Ёқут Ҳамавийнинг "Мўъжам ал-булдан", Сибт ибн ал-Жавзийнинг "Миръ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рат аз-Заман", Ёсин ал-Умарийнинг "Ал-асар ал-Жалиййа", Закариё ал-Қазвинийнинг "Асар ал-билад", Ал-Калкашондийнинг "Субх ал-ашъё", Ибн ат-Тиктаканинг "Ал-фахри фил адаб ас-султонийя", Ибн Тағрибердининг "Ан-нужум...", Ибн Халликоннинг "Вафайат ал-аъйан", Ибн Қосирнинг "Ал-бидайа ван-ниҳайа", Ибн ал-Ибрийнинг "Тарих мухтасар ад-дувал", Ибн ал-Вардининг "Тарих", Ибн ал-Амиднинг "Тарих ал-муслимин", Фози Аҳмад Ғаффорийнинг "Жаҳоноро", Бойқақийнинг "Тарихи Бойқақий", Абул Фаражнинг "Абул Фараж тарихи", арманлар, грузинлар, албанлар ва бошқа халқларнинг тарих ҳақидаги асарлари киради.

Тўғри, бу асарлардаги тарихий фактлар, Жалолиддин ҳаётига оид маълумотларнинг ҳаммасини ҳаққоний деб бўлмайди. Баъзан фикрларда ҳам чалкашликлар учрайди. Лекин шунга қарамай уларда биз учун қимматли бўлган бир нарса бор — бу тарихимизнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган манбалари, хоразмликлар тақдирига оид маълумотлардир. Биз учун Жалолиддин тарихини ўрганишнинг биринчи даврида яратилган асарларнинг қадр-қиммати ҳам ана шунда.

Жалолиддин Мангуберди тарихини ўрганишнинг иккинчи даври XVIII—XX асрларни қамраб олади. Бу даврда яратилган асарлар, асосан, Жалолиддиннинг ҳаёти, фаолияти ҳақида XIII—XVII асрлар оралиғида ёзилган тарихий битиклар, ёдномаларни илмий табдил қилиш, тадқиқ этишдан иборат. Тадқиқотчилар доираси ҳам ниҳоятда кенгайган. Агар Жалолиддин ҳаёти, фаолияти ҳақида фақат шарқ тарихчилари, солномачилари ёзган бўлсалар, уларни тадқиқ этишга ғарб тарихшунослари, рус, араб, турк, эрон, грузин, озарбойжон олимлари ҳам қўшилдилар. Дунё қадимшуносларининг Жалолиддин тарихига қизиқиши аввалдан мавжуд эди. Бу қизиқиш Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти тафсилоти" асари француз, немис, инглиз тилларига таржима қилинганидан кейин янада кучайди. Ана шу муносабат билан ёзилган асарлар сирасига С.Лэн-Пулнинг "Мусулмонлар сулоласи", А.Мюллернинг "Ислом тарихи", Е.Давидовичнинг "Муҳаммад Хоразмшоҳнинг танга саройи", В.Розеннинг "Ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Манкбурнининг ҳаёти тафсилоти" асарига сўз", Е.Томаснинг "Хроника", М.Кейманнинг "Манбалар", К.Виттфогелнинг "Қорахи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тойлар", С.Босвортнинг "Тарих", А.Иқболнинг "Эрон тарихига доир", И.Қафасўғлининг "Хоразмшоҳлар давлати тарихи", М.Кўпрлининг "Хоразмшоҳлар", О.Таненинг "Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг замони", В.Минорскийнинг "Табриз", О.Туроннинг "Туркон хотун эмас, Теркен хотун дейиш керак", А. ал-Аззавийнинг "Ат-тарих" каби асарлари киради. Бундай асарлар рўйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин. Булардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихнинг Ўрта аср қисмида жалолиддиншунослик бўлими юзага келган. Тарихчи олимлар бу мавзуга доимий равишда мурожаат қилиб, уни янги-янги тадқиқотлар билан бойитиб боркмоқдалар. Афсуски, халқимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги асарларни ўқишдан бенасиб бўлгани каби, бу асарлар тўғрисидаги тадқиқотлар билан танишишдан ҳам бебаҳра қолмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: дунё тарихчиларининг Хоразмшоҳлар тақдирига, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, фаолиятига қизиқиши сабаби нимада? Нега муаррихлар, ижодкорлар, шарқшунослар улар меросига қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар, унинг янги-янги қирраларини топишга интилмоқдалар? Бунинг маълум сабаблари бор. Аввало, Ўрта асрлар тарихида Хоразмшоҳлар давлати катта ўрин тутади. Бу салтанатнинг ташкил топиши, кучайиши, жуда катта теграни қамраб олиши, унда маънавиятнинг юксалиши йирик шаҳарларнинг барпо этилиши, бошқа соҳаларнинг ривожланиши тарих тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, таназзулга юз тутган бу давлат бошқа бир салтанат — мўғуллар ҳукмронлигига йўл очиб берди. Айни пайтда унга, бу янги қудратли давлатга кучли зарба ҳам бера олди. Тарихда ҳукмронликнинг янгиланиш жараёни юз берди. Учинчидан, тарих ўз майдонига Хоразмшоҳлар давлати намояндаси — мард, ватанпарвар, фидойи, Ўрта аср йўлбарси, рицари деб танилган қаҳрамон Жалолиддинни олиб чиқди. Уни озодлик учун курашчига айлантирди. Қолаверса, Хоразмшоҳлар салтанати фақат Хоразмнинг ўзидагина ҳукмронлик қилмади. Бу салтанат ўз доирасига Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Аррон, Мозандарон, Озарбойжон, Грузия, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон тегараларини ҳам бирлаштириб олганди. Демак, бу давлатнинг тарихи ана шу теградаги халқларнинг ҳам тарихи эди. Ана шу сабабларга кўра муаррихлар, қадимшунос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, ижодкорлар Ўрта асрларда юксак мавқега эга бўлган бу давлат тарихига қайта-қайта мурожаат қилаётганлари табиий эди.

Собиқ шўролар империяси даврида собиқ иттифоқда ҳам Жалолиддин, Хоразмшоҳлар давлати тарихини тадқиқ этишга баъзи интилишлар бўлди. Тарихчилар, олимлар, ижодкорлар асарларида бу давр тарихи ҳақида тўла бўлмаса ҳам айрим маълумотларни ёзиб қолдирдилар. В.Бартольд "Туркистон мўғул босқини даврида" асарида Хоразмшоҳлар давлатига ҳам, сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин фаолиятига ҳам юксак баҳо берди. Аммо бу асар ҳам ўзбек тилига таржима қилинмади. Олим С.Толстов "Қадимги Хоразм маданиятини излаб" асарида ҳам бу давр тарихига тўхталиб ўтган. Илмий тилда ёзилган бу асар ниҳоятда кам нусхада нашр этилган.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзганлардан бири атоқли шоир Мақсуд Шайхзода бўлди. Унинг уруш йилларида яратган "Жалолиддин Мангуберди" тарихий драмаси саҳналаштирилди. Аммо асарнинг асл нусхаси ҳеч қаерда нашр қилинмади. Мўғуллар ҳақида тарихий асарлари билан танилган В.Ян ҳам уруш йилларида Жалолиддин тўғрисида қисса ёзган. Қисса Москвада бир гуруҳ олимлар томонидан муҳокама қилинган. Муҳокамада сталинпараст олимлар Жалолиддиннинг Грузияга юришини қоралаганлар. Муаллифни Хоразмнинг қудратини ошириб кўрсатишда, Грузиянинг мавқеини пасайтириб акс эттиришда айблаганлар. Ана шу сабабларга кўра асар нашр этилмаган. Туркманистон ва Озарбойжонда ёзувчилар Жалолиддин Мангуберди ҳақида роман ва қисса ёзганлари, улар нашр этилгани ҳақида маълумотлар бор. Грузин адиби Г. Абашидзенинг "Лашарела", "Ялдо туни", "Цотнэ" трилогиясида ҳам Жалолиддин образи яратилган. Озарбойжонлик олим Зиё Бунёдовнинг "Ануштегинлар — Хоразмшоҳлар давлати" китоби кейинги йилларда бу мавзудаги жиддий ишлардан бири бўлди. Аммо буларнинг ҳаммаси ўтмиш меросимиз, улуғ ватандошимиз тарихини ўрганиш борасида денгиздан томчи, холос.

Юқоридагилардан англашилиб турибдики, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, фаолияти, тарихини ўрганиш, тадқиқ этишнинг ўзи ҳам бир тарих. Бу жараёнда улуғ ватандошимиз, буюк аждодимиз, миллий қаҳрамонимиз тақдирини яхши билмайдиган халқимиз бир томонда турса, иккинчи томонда Жалолиддин ҳаётини ёритган, ме-

www.ziyouz.com kutubxonasi

росини тадқиқ этган дунё тарихчиларининг асарлари туради. Бундай ҳолатдан келиб чиқадиган хулоса битта, бизнинг олимларимиз ҳам тарихимизнинг ўша даврини, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятини жиддий, холис ўрганишлари, халқимизни бу борадаги мавжуд меросдан баҳраманд этишлари керак. Хорижлик олимлар томонидан яратилган Жалолиддин ҳақидаги асарларни тилимизга таржима этишлари зарур. Бу тарихнинг эгалари сифатида хорижлик олимларнинг асарларига холислик билан муносабатларини билдиришлари керак. Зеро, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлашдан мақсад ҳам ана шундан иборат. Ана шунда Президентимиз айтганидек, "Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашда, миллий ифтихорни тиклаш ҳамда ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади, тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланади".

Эътиборингизга ҳавола этилаётган Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти тафсилоти" асари шарқшунос олим Зиё Бунёдовнинг рус тилига таржимаси асосида амалга оширилди. Чунки 1973 йилда Бокуда нашр этилган бу асар бошқа нашрларига нисбатан мукаммаллиги билан ажралиб туради. Таржима жараёнида олимнинг маслаҳатларига амал қилдим, у томонидан тайёрланган асарнинг танқидий матнининг қўлёзмасидан фойдаландим. (Халқимиз учун улуғ ишни қилиб кетган Зиё аканинг охирати обод бўлсин.) Асарнинг изоҳ қисмига баъзи ўринларда ўз муносабатимни ҳам билдириб ўтдим. Шунингдек, таржима жараёнида асарнинг француз, араб тилидаги нашрларини ҳам солиштириб кўрдим.

Маълумки, асар XIII асрда классик усулда, саж асосида ёзилган. Бугунги китобхонни назарда тутиб уни эркинроқ таржима йўлини танладим. Албатта, бунда асар руҳи, Насавийнинг у ёки бу воқеаларга муносабати ва бошқа жиҳатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдим.

Юртимиз озодлиги учун курашган улуғ инсон Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги ушбу мерос, ёдгорлик асарнинг халқимиз қўлига ўз тилида 750 йилдан кейин етиб келганлиги ҳам биз учун бахтдир.

Камол МУҲАММАД ЁҚУБ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу Султон Муҳаммад ибн Такиш ибн Эл-Арслон ибн Отсиз ибн Муҳаммад ибн Ануштегин ўғли — Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти ва унинг Чингизхон билан ораларида бўлиб ўтган ғаройиб, ҳайратомуз тарихи ҳақида мукаммал ҳикоятлар.

Шунингдек, тоторлар ҳукмдори Чингизхоннинг ҳаёти тафсилоти.

Улар томонидан Ҳиндистон, Ажам мамлакатларининг босиб олиниши ва Шарқ мамлакатларининг батамом бўйсундирилиши баёни.

Кимки ўтмиш битикларин менсимас экан,
Уни олим дея айтма, дема одам ҳам.
Ким бу илмни дил-дилига жойлаб олди гар,
Ўз умрига безак бермиш олий, муҳташам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!
Алҳамдул-иллоҳи раббил оламин!

Ер у самодаги барча жонзотларни яратган, уларнинг яшашлари учун маълум муддат белгилаган, авлодлари пайдо бўлишини, кўпайишини таъминлаган ва буларнинг ҳаммасини яна ўзига қайтишини жорий қилган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Унинг учун жонзотларни биттадан яратиш ҳам, нарсаларнинг ҳаммасини бирданига ёки битта-биттадан пайдо қилиш ҳам қийин иш эмас. Унинг ҳукмронлиги улуғворлик билан чулғангандир, бошқа ҳеч ким бундай улуғвор ҳукмронликка эга бўлолмайди. Ожизлик унга ёт нарса. Асрлар ҳам уни ўзгартира олмайди, ойлар, йиллар ҳам унга дахл қилолмайди. Оламнинг яратувчиси бўлган қудратли, улуғ бу Ижодкорга ҳамду санолар бўлсин. Бу ишда Унга "коф" ва "нун" бир восита бўлиб хизмат этади. Дарҳақиқат, буларнинг ҳаммаси ёлғиз Унинг ишидир! "У бирор ишни ҳукм қилса, унга фақатгина "Бўл!" дейди, холос. Бас, у иш бўлади"*.

Ундан кейин олқишларимиз ва барча дуоларимизни бизни янглиш йўлларга тушиб қолишдан ҳимоялаган, тўғри ишларга бошлаган, Яратганнинг буюрган ҳамма амалларини тарғиб этган Муҳаммад пайғамбаримизга (Оллоҳ уни ҳамда унинг муборак хонадонидагиларни у дунёда ўзи қўлласин ва тақдирласин), унинг машҳур, олийҳиммат сафдошларига бағишладик! Ахир Қуръони Карим ва Суннани қўлларига туғ қилиб олиб, зулмат

---

* Асардаги бу ўринда ва бундан кейинги барча ўринларда Қуръони Каримдан келтириладиган оятлар маъно таржималарини шундай белгиладик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйнидаги йўлларимизни шам каби ёритган улар эмасмиди! Шунингдек, гўзал амаллари мушкнинг ёқимли ҳидлари сингари дилларга роҳат бағишлаган ва имон йўлида "Тўхтанглар! Товон тўлаймиз!" дея ҳақ сўзни айтиб ҳайқирганларни ҳам Яратган дуоларимиздан баҳраманд этсин[1].

Бу сўзларни сизларга Оллоҳнинг марҳаматидан умидвор, ўзининг аламларга тўла умр косасини сипқорган, давр эпкинлари туфайли камбағаллик балосига гирифтор бўлган, ҳукмдорларнинг биридан иккинчисининг қўлига ўтиб яшаб мусофирлик азобларини тортган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-мунший ал-Насавий (Оллоҳ унинг ишларини ўнгидан келтирсин ва ўзини балоқазолардан асрасин!) айтмоқда.

Мен ўтмишда яшаб ўтган халқлар тарихига оид асарларни ўқиганимда улардан кўплаб маълумотларни олдим. Уларда инсониятнинг отаси бўлган Одам Отадан ва унинг авлодларининг (улар ҳақига ўқиган дуоларимиз ижобат бўлсин!) турли томонларга тарқалиб кетиш давридан бошлаб то бизнинг шу кунларгача (яъни, фитрамазон ҳайитини ўтказиш тақиқлаб қўйилган пайтларгача) бўлган воқеалар қамраб олинганди.[2] Шунда бир нарсани англадимки, ҳар бир тарихчининг асосий мақсади, аввало, ўзидан олдингиларнинг айтганларини такрорлаш, сўнг уларнинг гапларига ниманидир қўшиш ёки олиб ташлаш ва ниҳоят, ўз давридаги воқеаларни ҳикоя қилиб беришдан иборат экан. Баъзан шундай бўладики, тарихчи ўтмиш ҳақида батафсил баён қилиб беради, аммо унинг сўзлари бошқаларни тўла ишонтирмайди. Нима учун? Бунинг сабаби бор, айрим ҳолларда асарларда ҳаққоний маълумотларга нисбатан миш-мишлар етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал дейишади!

Мен Ибн ал-Асир номи билан танилган Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим иншо қилган "ал-Комил" асарини ўқиганман[3]. Унда турли халқлар тақдири ҳақида кўплаб воқеалар ҳикоя қилинади. Шунингдек, унда фақат ажамликларга хос бўлган ғаройиб маълумотлар ҳам ўрин олганки, бундай маълумотлар бошқа бирорта ижодкор асарида учрамайди. У ўз асарини, онт ичиб айтаман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, "ал-Комил фит-тарих" ("Мукаммал тарих") деб атаганида тўла ҳақ. Ҳеч шубҳа йўққи, у ажамликлар тарихига оид асарини улар тилида яратганида бу халқларнинг қандайдир энг муҳим тарихий манбасига асосланганлиги аниқ. Агар у асарини бирор тарихий манбага муқояса қилиб ёзмаганида бу даражада муваффақиятга эриша олмаган бўларди. Чунки асарда одамлар ҳикоя қилиб берган воқеаларга нисбатан аниқ маълумотлар кўпроқ қамраб олинган.

Унинг асарини ўқиш асносида улуғ Султон Аловуддунё-вад-дин Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Такиш ибн Эл-Арслон ибн Отсиз ибн Ануштегин ва унинг хушбахт ўғли, дини исломни мустаҳкамлаш йўлида беҳад азият чеккан Жалолиддин Мангуберди хусусидаги (Оллоҳ иккаласининг ҳам қабрини нурга тўлдирсин ва жойлари жаннатда бўлсин!), тақдир бевафоликлари туфайли улар бошига тушган ташвишлар, бахтсизликлар тўғрисидаги маълумотларга ҳам дуч келдим[4]. Шу ўринда бир нарсани айтиш керакки, у (Ибн ал-Асир) асарида баъзи ўринларда ҳақиқатдан бир оз чекинган бўлса ҳам, энг муҳим ва асосий воқеалардан бирортасини эътибордан четда қолдирмаган. Шундан кейин ўзимча бундай хулосага келдим: ҳақиқатан ҳам, аш-Шом мамлакатида яшайдиган одамнинг Ҳиндистоннинг энг узоқ чеккаларида, Хитойнинг инсон қадами етиши қийин бўлган жойларида юз бераётган воқеаларни бировларнинг ҳикоялари орқали ёзиб олишга қарор қилиши ғаройиб иш эмасми! Ахир дунёда ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ёзиш орқали уларни абадийлаштиришдан, аждодлар тажрибаларидан хулосалар чиқаришдан, ибратомуз меросидан авлодларни манфаатдор қилишдан кўра муҳимроқ ҳамда улуғворроқ иш бормикан!

Тақдир Жалолиддиннинг бошига не ташвишларни гирифтор қилмади: у йиқилди ва яна турди, қалбидаги умид учқуни сўнди, аммо бу учқун яна пайдо бўлди. Яратганнинг марҳамати билан бу учқун оловга айланди. У бу оловнинг куч-қудрати нималарга қодирлигини кўрсатди. Босқинлар остида топталган ва қулаётган давлатни асраб қолди, уни улкан мамлакатга, ўзи эса улуғ ҳукмдорга айланди. Ўлим билан неча бор юзма-юз келди. Сизга маъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лумки, у ўз мақсадига эришиш йўлида ниҳоятда оғир синовлардан ўтди. Унинг ҳаётига назар ташласангиз тақдирнинг ғалати ўйинларини кўрасиз. Фақат қадимги афсоналардагина учрайдиган қандайдир мўъжизавий куч борлигини англайсиз. Унинг бошидан кечирган саргузаштлар ҳам адоқсиз, қўрқинчли, айни пайтда ғаройибдир. Бунинг учун унинг ўн бир йил давомида ўн тўрт марта оғир ва даҳшатли, ҳал қилувчи жангларга бошчилик қилганини эслашнинг ўзи кифоя! Шу вақт ичида у тақдир тақозосига кўра гоҳ туркийлар мамлакатларидан кетиб Ҳиндистоннинг чекка ўлкаларига бориб ҳукмронлик қилса, гоҳ Ҳиндистоннинг олис жойларидан ар-Рум мамлакатларининг марказига қайтиб келиб ҳукмдорлик қилишга улгурди. У гоҳида қудратли ҳукмдорга айланса, гоҳида ҳимоясиз ҳолда саргардон кезишга мажбур бўлди.

Мен эса эндиликда сизларга ўзим гувоҳи бўлган ёки кўрганлардан эшитганларим ўша воқеаларни баъзилар хуш кўрмайдиган ва таъбга ўтиришмайдиган лавҳалардан холи қилган ҳолда сўзлаб бермоқчиман. Айтишадики:

Гапирсам ё иншо айласам агар,
Ажамча аталмиш киноя сўзлар.
Қўлимга, тилимга бўлмасайди ғов,
Албатта, мен сўзлар водийси аро
Нутқларимга бериб минг безак, оро,
Баёнга киришиб кетардим дарров.
Сўзлар водийсига кириб келган пайт,
Тилингни боғлама, гапир, қани айт!

Машриқнинг энг улуғ алломаларидан айримлари — ёзувчилик ва нотиқлик (илми ҳол ва илми қол) санъатларида ўзини мукаммал намоён қила олганлари хоразмшоҳлар ҳақида турфа маълумотлар ёзиб қолдиришга, шу тариқа уларнинг ҳаётлари, ишлари, фаолиятларини тарих бағрида муҳрлашга интилганлар. Улар асарларида хоразмшоҳларнинг куч-қудрати ва шон-шуҳрати юксалган кунлардан бошлаб то улуғ султон Муҳаммад ибн Такиш ҳукмронлигигача бўлган даврни акс эттирганлар.

Унинг амалга оширган ишлари ниҳоятда улуғ эди: отаси унга Хуросон ва Хоразм ҳукмдорлигини мерос қилиб қолдирди, у бунга Ироқ ва Мозандаронни ҳам бирлаштирди. Шу билан бирга қўл остига Кирмон, Микрон, Кеш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сижистон, Fур, Fазна, Бомиён мамлакатларини, Ҳиндистоннинг водийларига қадар масканларни қўшиб олди. Бу ишларнинг ҳаммаси қиличлар қиндан чиқарилмасдан, ҳатто қинлар елкаларга осилмасдан амалга оширилди: у бу мамлакатларни ортиқча кучсиз, курашсиз, зўравонлик ва вайронагарчиликларсиз, фақат таҳдид, қўрқитиш билан босиб олди.

У ал-Хитой[5] ерларини, Мовароуннаҳр акобирлари ва бошқа туркий ҳукмдорлар мулкларини ҳам қўрқитиш йўли билан эгаллади. Ўзига бўйсунмаганларни йўқ қилдирди ёки уларни Хитойнинг энг чекка ўлкаларидан ўзига бошпана ахтаришга мажбур этди. У ўз қўл остига тўрт юзга яқин шаҳарларни бирлаштирди. Бошқа биров бўлганда бу даражада муваффақиятга эришиши қийин кечарди, у эса бир оғиз сўз билан қўл остига шунча миқдордаги мулкни тўплади. Унинг номи билан Форс, Аррон, Озарбойжондан то Ширвоннинг Дарбандига қадар бўлган мамлакатларнинг минбарларида хутбалар ўқилди. Ўша йилларда у Ҳамадонда икки отабек — Форс ҳумдори Саъд ибн Занги ва Озарбойжонни бошқараётган Ўзбек ибн Муҳаммад устига тўсатдан бостириб борди[6].

У Саъдни асир олди. Ўзбек эса қочиб қутулди. Аммо Ўзбекнинг ишончли таянчлари бўлган Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегин ва унинг Дандон номи билан танилган вазири Робибиддин Абулқосим ибн Али ҳам қўлга олинди[7]. Натижада Ўзбекнинг аҳволи танг бўлди. У бир шарт билан отабек Саъдни озод қилди, отабек Ўзбек мамлакатига эса ҳужум қилмаслик тўғрисида ваъда берди. Бу шартга кўра улар унинг номини мамлакатларида хутбага қўшиб ўқитадиган, ҳар йили султон хазинасига маълум миқдорда товон тўлайдиган бўлдилар. Шундан кейин ҳам у бошқа мамлакатларга юришни давом эттирди, ҳукмдорлик чегараларини кенгайтирди.

Бироқ тоторларнинг кутилмаганда бостириб кириши, оғир кулфатларни келтириб чиқарди. Ушбу асар муаллифини ҳам битикларидан, бойликларидан, яқинларидан ажратди. Кулфат домига тушганлар Оллоҳнинг иродаси билан осойишталик ўрнатилганидан кейин омонлик қирғоғига етишдилар. Кулфат доми барчани қамраб олди. Ҳаёт қийинчиликлари, тақдир ўйинлари ушбу асар муалли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фини ҳам умрининг охирги кунларига қадар синовдан ўтказди.

Акс ҳолда мен котиблик ишида орттирганим жуда кам билим, шикаста қалб, дардли фикрлар билан ўзимга алоқаси бўлмаган бу ишга киришмаган бўлардим. Аммо булар ҳақида батафсил ёзишдан аввал гапни тоторлар ватани ва уларнинг у ерларга кўчиб келиши тафсилотларини битишдан бошламоқ керак. Бу ишда эса Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлғай!

---

[1] "Тўхтанглар! Товон тўлаймиз!" мисраси исломгача бўлган давр адабиётининг назм султони деб танилган Имру ал-Қайснинг (500-540 йиллар) асарининг дастлабки сатрларидан олинган.

[2] Бу ўринда гап мўғулларнинг бостириб келиши ҳақида бормоқда. Улар Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросонни босиб олгач, бу ердаги халқларнинг миллий байрамларини, жумладан, ийд ал-фитр-рамазон ҳайитини ўтказишни тақиқлаб қўйган. Ан-Насавий шунга ишора қилмоқда.

[3] Иззиддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир (1160—1233-йиллар)нинг "ал-Комил фит-тарих" ("Мукаммал тарих") асари ҳақида сўз бормоқда. Бу асар ўн икки жилддан иборат қилиб Қоҳирада нашр этилган. Унда жаҳон тарихига оид воқеалар хронологик тарзда қаламга олинган. Кейинчалик бу асар 14 жилддан иборат ҳолда инглиз тилида 1851—1876-йиллар оралиғида нашр этилган.

[4] Бу ўринда Жалолиддин Мангуберди ва унинг отаси хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ибн Такиш ибн Эл-Арслон ибн Отсиз ибн Ануштегин ҳақида сўз бормоқда. У 1200-1220 йилларда ҳукмронлик қилган. Чингизхоннинг Хоразм давлатига юриши унинг ҳукмронлиги даврида бошланган.

Манкбурни (баъзи ҳолларда Манкбурний тарзида ҳам ёзишади) — султон Жалолиддиннинг лақаби. Бу ном, лақаб турли манбаларда ҳар хил ёзилади ва шу асосда тадқиқотчилар ҳам уни турлича тадқиқ этишга уринганлар. Жалолиддиннинг замондошлари бўлган ва ундан кейин яшаб ўтган тарихчиларнинг араб, форс тилларидаги асарларида бу ном Манкбурни ҳолида ёзилган. XVI асрда яшаган Фози Аҳмад Ғаффорий "Жаҳоноро" асарида ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг фикрларини жамлаб, бундай изоҳ беради: "Султон Жалолиддин ибн Султон Қутбиддин Муҳаммад бурнида холи бўлган, Манкбурни номи билан танилган машҳур одам эди". Маҳмуд ал-Кошға-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рий "Девону луғатит-турк" асарида "манк" сўзини "юздаги хол" тарзида изоҳлайди. Жалолиддиннинг лақабининг "Манкбурни" ҳолида ёзилиши султоннинг Ҳиндистонда пайтида зарб қилдирган тангаларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Ғарб тадқиқотчиси К. д'Оссон "Чингизхондан Амир Темургача бўлган мўғуллар тарихи" асарида унинг лақабини "Мангуберди" тарзида ўқишни тавсия қилади. Бунда "мангу" — абадийлик, худо ато қилган мангулик маъносида келади. Яъни, унинг лақабидан "уни худо мангулик қилиб берди" деган маънони келтириб чиқарган. Тарихчиларнинг аксарияти унинг бу фикрини инкор қилишади.

Лекин д'Оссоннинг бу фикри қаердан келиб чиққан? У асарида Аловуддин Отамалик Жувайнийнинг асаридаги фикрларга суянади. Жалолиддиннинг лақаби ҳақиқатан Манкбурни бўлган. Бироқ кейинчалик унинг бу лақабини айтиш бир оз қийин кечгани учун Мангубердига айланган бўлса керак. Бунда Султон Жалолиддиннинг ўлимидан кейин ҳам унинг ўлмаганлиги, дарвеш сифатида юрт кезиб юриб, халқ озодлиги учун курашларга бош бўлаётганлиги ҳақидаги гапларнинг, унинг мангулигига ишоранинг таъсири бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, Жалолиддинга халқ орасида берилган лақаб Жувайний орқали д'Оссонга етиб борган ва у уни "Мангуберди" ҳолида талқин қилган.

[5] Ал-Хитойи (Марко Поло уни Катай деб атайди) — XII-XIII асрларда Шимолий Хитойнинг номи шундай аталган. Кейинчалик бу ном бутун Хитойга нисбатан ишлатилган.

[6] Иззиддин Саъд I ибн Занги (Рашидиддин унинг номини "Музаффариддин" деб ёзади) — салғарийлар (салғурийлар) сулоласидан бўлган отабек. У 1195-1226 йилларда ҳукмронлик қилган. Отабек Саъд қўшини Хоразмшоҳ томонидан Райга яқин Хайли-Бузург деган жойда 614 (1217) йилда мағлуб этилади ва унинг ўзи асир олинади.

Музаффариддин Ўзбек ибн Муҳаммад (1210—1225-йиллар) — элдегизлар сулоласидан бўлган отабек. У Озарбойжонда ҳукмдор бўлган.

[7] Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегин (1210—1231-йиллар) — Ахар (малиги) ҳукмдори бўлган. Бу ҳақда 8-бобда ҳам маълумот берилган.

Отабек Ўзбекнинг вазирининг тўлиқ номи Робибиддин Абул Қосим Хорун ибн Али ибн Зафир Дандон. У 624 (1227) йилда вафот этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1-БОБ

ЛАЪНАТИ ТОТОРЛАР, УЛАР ВАТАНИ ВА ИШЛАРИНИНГ ИЛК БАЁНИ

Сўзни улуғ деб билувчилар ва қадрловчилардан бир қанчасининг ҳикояларидан эшитишимча, Хитой ниҳоятда катта давлат бўлиб, унинг теграсини олти ойда айланиб чиқиш мумкин экан. Айтишларича, унинг теграси яхлит девор билан ўралган бўлиб, бу девор одам ўтолмайдиган тоғлар, катта дарёлардагина узиларкан. Хитой қадим замонлардаёқ олти қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бир қисмининг теграси бир ойлик йўл ҳисобланаркан. Ҳар бир қисмни хон бошқараркан, хонлар эса улуғ хоқонга, улар таъбири билан айтганда, подшоҳга бўйсунар экан. Уларнинг султон Муҳаммадга замондош бўлган улуғ хоқони Олтинхон эди[1]. Хитойда хонлик биридан-иккинчисига — улуғидан буюгига, ёмонидан яхшисига мерос бўлиб ўтарди. Хоқон одатда Тамғажда, Хитойнинг маркази бўлган маконда яшарди[2]. Улар ёз давомида бир жойдан иккинчисига кўчиб ўтишар, шу тариқа то қиш бошлангунча бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтиб яшашар эди. Қишнинг аёзли, оғир кунларида Ганг соҳилларига, Кашмир яқинига кўчиб боришарди. Улар қишлайдиган соҳилбўйи маскани гўзал водийлар ва баланд тепаликлар билан ўралган бўлиб, бундай ғаройиб жойлар бошқа ўлкаларда йўқ эди.

Подшоҳ ўзидан кейин ҳамма нарсанинг ҳимоясини Хитой теграсида яшовчи олтита хон зиммасига юкларди. Юқорида эслатиб ўтилган хонлар орасида Душихон ҳам бор эди[3]. У лаънати Чингизхоннинг аммасига уйланганди. Бу лаънати уруғининг номи ат-Темурчи бўлиб, бу саҳронинг хўжайини деган маънони билдирарди[4]. Улар қишловни Арғун деб аталган жойда ўтказишган[5]. Бу уруғ туркий қабилалар ўртасида босқинчилиги билан ном қозонганди. Хитой ҳукмдорлари уларни буйруққа итоат этмаслиги сабабли куч-қудратини камайтириш имконига ҳам эга эмасди.

Шундай бўлдики, қонхўр Чингизхон аммасининг эри Душихон вафот этганда Олтинхон йўқ эди. Чингизхон аммасининг ҳузурига бориб, унга ҳамдардлик билдириб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўнглини кўтарди. Шундан кейин у (амма) бўлиб ўтган воқеаларни вафот этган эрининг қўл остидаги заминга икки томондан чегарадош бўлган вилоятлар ҳукмдорлари Кушлухон ва Чингизхонга ("З" ҳарфидан кейин нуқта билан ёзилади) етказишга буйруқ берди[6].

Улар иккаласини ҳам эрининг ўлганлигидан огоҳ этди. Шу билан бирга хондан ўғил фарзанд қолмаганлигини, унинг ўрнига ўз жияни Чингизхон тахтга ўтиришини, у эса ўлган хоннинг ишларини давом эттириб, қўшнилар (икки хон) билан ҳамкорликда, улар амрига бўйсуниб фаолият кўрсатишини маълум қилди.

Ўшанда ҳар иккала хон мактуб юборган беванинг фикрини маъқуллашди. Унинг Душихон вафотидан кейин юзага келган бўшлиқни тўлдириб тўғри қилганини, ҳокимиятни бошқаришда ўзларига маслаҳат солишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаганини оқилона иш деб баҳолади. Улар Олтинхон ўз қароргоҳига қайтганидан кейин у ва унинг яқинлари ҳузурида беванинг тутган йўлини қўллаб-қувватлашга сўз бердилар[7]. Шу тариқа Чингизхон Душихон қўл остида бўлган жойни бошқара бошлади. Орадан кўп ўтмай унинг ёнига қабиласидан ва уруғидан ёвуз ниятли кимсалар, муттаҳамлиги билан ном қозонган жанжалкашлар келиб қўшила бошладилар. Лаънат тошини бўйнига олган бу кимсалар туфайли уруш оловлари ўчгани йўқ, шамширлар ҳамон қонга ботишда давом этмоқда.

Олтинхон ўз шаҳри — Тамғажга қайтиб келди. Ҳожиблар, одатдагидай, унга ҳар куни у бу ерда йўқ пайтида амалга оширилган ишлардан бир қанчаси билан таништира бошладилар. Ҳузурига Чингизхон совғалари олиб кирилганда у икки хоннинг уни ўзига тавсия қилганини эшитиб ҳайрат аралаш ғазабга минди. У совғага юборилган отларнинг думини кесиб, ҳайдаб юборишни буюрди. Ҳожиблар хон ҳузуридан уни (Чингизхонни) қўллаб-қувватлаган икки хонни лаънатлай-лаънатлай чиқдилар[8]. Ўзлари ҳам зулмни шунчалик ошириб-тошириларки, Чингизхон ва унинг икки дўсти қатл қиличи бўйинлари узра хавф солиб турганлигини англадилар. Шунда улар хонга узрхоҳликни йиғиштирдилар ва Олтинхонга қарши ўзаро кураш иттифоқини туздилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] *Олтинхон* — Шимолий Хитойда 1115—1234 йилларда ҳукмронлик қилган Цзинь авлодининг бешинчи императори, у 1160—1189 йилларда император бўлган.

[2] *Тамғаж* (*Тамғач*, *Табғач*) — туркийлар ёки мўғулларга қадар яшаган халқлар билан биргаликда хитойликларнинг Вей шажараси (436—557 йиллар) пайдо бўлган маскан. Бу Шимолий Хитой учун умумий ном бўлиб қолган. Баъзи манбаларда Тамғач шаҳар деб юритилади.

[3] Душихон (Жувайний ва Жузжоний уни Туши деб атайди, Плано Карпини уни Тоссук ёки Тоссукхон дейди). Эҳтимол, бу Жучи, Жочи номининг туркийча шаклидир. Шундай ҳолда у Чингизхон аммасининг эри ҳисобланади. Бу ном бошқа манбаларда учрамайди. Рашидиддин бу шахсни Чингизхон билан иттифоқдош бўлган Тайжиут қабиласи йўлбошчиси ёки Чингизхон аждодларининг тўртинчи сулоласи вакили, яъни Тўмбинахон ўғли Жаксу, унинг ўғли Бурука ва унинг катта ўғли билан адаштиради.

[4] Бу ўринда ан-Насавий Чингизхоннинг исмини — Темурчин (Темучин)ни қабиласининг номи сифатида келтиради. Чингизхоннинг отаси Есугей Қиёт уруғидан, онаси Оэлун ака Олкунут уруғидан эди.

[5] Далай нор кўлидан оқиб чиқувчи Арғун дарёси бўйидаги водий кўзда тутилган.

[6] *Кушлухон* — Чингизхон замондоши, найманлар ҳукмдори. Унинг номи манбаларда ҳар хил учрайди. Ибн ал-асир — Кашли, Рашидиддин — Кушлу, Муқаддас битикларда — Қишлиқ, Раверти — Кожлак деб ёзишади.

"З" ҳарфидан кейин нуқта билан ёзиладиган Чингизхон номи аслида шу Темучин Чингизхонга алоқадор. Бу ерда Темучин Чингизхон билан ҳамкорлик қилган бошқа Чингизхонни аниқлаб бўлмади. Умуман, ан-Насавийнинг бу ўринда бераётган маълумотлари чалкаш ва нотўғри.

[7] Ан-Насавий бу воқеани Олтинхон номи билан боғлайди. Аслида бу ўринда гап кераитлар хони Ўнгхон (Ванхон) ҳақида бормоқда.

[8] Ўнгхон ва унинг сафдошлари Чингизхоннинг кучайиб бораётганлигини кўргач, уни йўқ қилиш ҳаракатига тушадилар. Лекин Чингизхон бу режадан огоҳ бўлади. Унга Ўнгхоннинг амирларидан бири Экс Чэрэннинг икки хизматкори Бадай ва Кишилик тайёрланаётган суиқасд ҳақида хабар етказадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2-БОБ

ЧИНГИЗХОН ВА УНИНГ ИККИ ДЎСТИ ҚЎЗҒОЛОН КЎТАРГАНИДАН КЕЙИН БУНИНГ ОҚИБАТИ НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛГАНИ БАЁНИ

Улар хон қароргоҳини ташлаб чиққанларидан кейин иттифоқдош сифатида бир-бирларига ёрдам бериш тўғрисида қасамёд қиладилар, кўзларида қаҳр-ғазаб алангаланади, дилларидаги ёвузлик юзларига чиқади. Чингизхон қабиласидан ҳузурига келганларнинг ҳаммасини ёрдамга чақиради.

Олтинхон уларнинг айбларига иқрор бўлган ҳолда ҳузурига келиши учун гоҳ огоҳлантирувчи талаблар қўйилган, гоҳ қаҳр-ғазаб ифодаланган бир қанча мактублар йўллайди. Аммо унинг бу мурожаатлари уларнинг нафратини кучайтиради. У уларни ҳар гал ҳузурига чорлаганда "улар бармоқларини қулоқларига тиқиб, кийимларини ўраб-чирмаб олдилар ва оёқ тираб турдилар ҳамда кибру ҳаво қилдилар".*

У уларни муросага келтириш учун умиди қолмагач, қўшин йиғиб, куч тўплай бошлади. Аммо жангда улар уни шармандаларча мағлуб этди. Унинг қўшин таркибига кирган хитойликларни, туркийларнинг бошқа қабилалари, уруғлари одамларини қирғин қилди. Олтинхон қўшинларининг қолдиқлари билан улардан қочиб, мамлакатни ташлаб Гангнинг нариги тарафига ўтди. Улар бу ерга жойлашиб, уни ўзига қарам қилди. Туркий қабилалардан кўплаб одамлар ўлжани қўлга киритиш мақсадида улар сафига қўшилдилар.

Олтинхоннинг аҳволи кучсизлиги сабабли янада мураккаблашди. Мағлубият натижасида кучи камайди, аҳвол шу даражага етдики, у уларни осойишта ҳамкорликда яшашга даъват этиб, мактуб ёзди. Мактубдан мақсад мулкнинг кўп қисмидан ажралиш ҳисобига бўлса ҳам қўл остидаги озгина жойни сақлаб қолиш эди. Улар унинг таклифига кўнди ва орадаги ўзаро ҳамкорлик асосидаги муносабатлар то Чингизхон ўлимига қадар давом этди[1]. Шундан кейин мамлакат ҳукмдорлигини иккови қўлга олди ва уни биргаликда бошқара бошлади. Улар Олтинхон билан осойишта яшашга келишиб, бу томондан хавф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни бартараф этганларидан кейин Болосоғунга юриш қилдилар ва уни босиб олдилар[2]. Шу билан бирга улар Болосоғунга чегарадош бўлган мамлакатни ҳам босиб олиб, ўзларига қарам қилдилар.

Бу вақтга келиб Кушлухон ҳам вафот этди ва унинг ўрнига худди отаси каби Кушлухон унвонига эга бўлган ўғли ҳукмдорликни қўлга олди[3]. Чингизхон уни ёш, ҳали ҳеч нарсага ақли етмайди ва кучсиз деб ўйлади, ўзи билан унинг отаси ўртасида тузилган мамлакатни бошқариш, мулклардан олинадиган фойдани бўлиш борасида адолат ҳамда тенглик билан иш юритиш хусусида тузилган битимнинг асосини бузди. Оқибатда улар ўртасида бир-бирларига таъна тошлари отилган ёзишма бошланди. Натижада улар бир-бирларидан ажралдилар. Ҳазил билан бошланган гап жиддий тус олди ва душманлик олови алангаланди. Кушлухон ундан ажралиб кетди.

---

[1] Қўлёзмадаги варақнинг чеккасида Чингизхон ўрнига Олтинхон ўлди, деб ёзилган. Лекин ундан кейинги ўринда сўз учта иттифоқдош ҳақида эмас, иккитаси ҳақида боради. Бу тузатишдан кейин бирон нарсани аниқлаш — ким ўлганини билиш қийин кечади. Ҳар қалай бу ерда Чингизхоннинг ҳамкори Чингизхон ўлими ҳақида гап боради.

[2] Болосоғун харобалари Чу дарёси соҳилида жойлашган. Бу ҳозирги Қозоғистон теграсида.

[3] Ота Кушлухон (Таянхон) Чингизхонга қарши урушда 1204 йилнинг майида ҳалок бўлади. Ўғил Кушлухон дастлаб тоғаси Буйруққхон, унинг ўлимидан кейин қора Хитойлар ҳукмдори Гурхон ҳузурига қочади. Гурхон қароргоҳи Чу дарёси соҳилидаги водийда, Болосоғун шаҳри яқинида жойлашганди.

3-БОБ

КУШЛУХОННИНГ ЧИНГИЗХОНДАН АЖРАЛГАНИДАН КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ БАЁНИ

Кушлухон Чингизхондан ажралганидан кейин қўшинини Қоялиқ ва Олмалиқ чегаралари томон бошлаб борди. Бу ернинг ҳукмдори Мамдухон ибн Арслонхон эди[1]. У бу ҳукмдор билан ўзаро тинч-тотув яшаш, ҳамкорлик қилиш, бир-бирига ёрдам бериш борасида аҳдлашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кушлухоннинг бу мамлакатга келиши Хитой давлатининг ҳукмдори, хонлар хони бўлган Гурхоннинг султон (Муҳаммад) билан жанг қилиши ва ундан мағлуб бўлиб қочиши пайтига тўғри келди. Бу улар ўртасидаги охирги жанг эди ва Гурхон қочиб Кошғар чегараларига қадар етиб борди[2]. Мамдухон Кушлухонни Кошғарга ҳужум қилиш ва Гурхонни асир олиш учун қайрай бошлади. У унга бундай деди: "Агар сен уни енгсанг ва мамлакат тахтига ўтқазсанг, бевафо тақдир ва беҳуда умидлар оғушидаги бирорта туркийлар ҳумкдори сенга қарши туролмайди". У (Мамдухон) бу давлат — мамлакатнинг кунлари саноқли эканлигини, уларнинг одамларининг жасадларини ва бош суякларини санайдиган вақт яқинлигини билмас эди. Кушлухон бу амалга ошмайдиган иш деб ҳисобларди. Негаки унинг фикрича, Гурхоннинг мавқеи юксак, қаҳри бошқаларда қўрқув уйғотадиган, шон-шуҳрат ва куч-қудрати ниҳоятда улуғвор эди. Кушлухон ўзидан талаб қилинаётган ишга рози бўлмагунча Мамдухон отлиқ ва пиёда қўшинларининг куч-қудратини мақташдан, уни бу ишга ундашдан тўхтамади. Кейин улар иккаласи Қояликдан тушиб, Кошғар чегаралари яқинида унга кутилмаганда ҳужум қилди. Уни ушлаб олишди ва мамлакат тахтига ўтқазишди[3]. Кушлухон саройда унинг олдида катта-катта ишларда маслаҳатлар берувчи ҳожибга айланди. Лекин унинг ўзи буюрилган ишни камдан-кам ҳолларда бажарарди.

Султон (Муҳаммад) унинг Гурхонни асир туширганини ва у билан бирга дунёнинг турли жойларидан асрлар давомида қўл остига тўплаган энг сара бойликлар ва қимматбаҳо тошларини ҳам ўзиники қилиб олганини эшитди. Шундан кейин унга (Кушлухонга) чопар йўллаб, бундай деди: "Хонлар хони менинг илкимдан, тўримдан халос бўлди. Мен уни ҳар қандай талончи учун ўлжа, ҳар қандай босқинчи учун қурбонлик сифатида қўйиб юбормадим. Сенинг кўнглинг унга давлати қудратли бўлган ва куч-қуввати тўлиб-тошган пайтда нима учун ҳужум қилишни тиламади?

Эндиликда мен уни мамлакати ва шаҳарларидан суриб чиқардим. Уни ўзининг собиқ тарафдорлар ҳамда ҳамкорлари қиличи тиғига рўпара қилдим. У қизи Тугаж хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тунни унга тегишли бўлган барча бойликлар ва қимматбаҳо буюмлар билан бирга менга келтириб бериш розилиги эвазига муросага эришганди. Бунинг эвазига мен бизнинг қиличимиз тиғидан омон қолган оз сонли аҳолисига тегмаслигим ва унга қарам бўлган мамлакатнинг қолган қисмини тортиб олмаслигим келишилган эди. Хўш, бундай пайтда мағлуб бўлганни асир олиш инсофданми эди? Агар сен ўзинг ва одамларинг учун хавфсизликни истасанг менинг ҳузуримга Гурхон ҳамда унинг қизини атрофидаги одамлари, мол-мулки, хазинаси билан жўнатасан. Жўнатмайдиган бўлсанг, бошингга шундай кун соламанки, бундан сени қатъиятинг ҳам, ўткир қиличинг ҳам асраб қололмайди".

Бунга Кушлухон тавба-тазарру билан бўйсунган ҳолда жавоб қайтарди. У унга мамлакатидаги ноёб буюмлардан иборат совға жўнатди. Бу буюмлар рўйхат қилинганда бир неча устунлардан иборат бўларди.

Шу билан бирга Гурхонни унинг ҳузурига олиб боролмаслигини билдириб, узр сўради. Гурхон эса унинг ҳузурида доимо тобелигини тан олар, илтифот кўрсатишини ўтиниб сўраб, бундай дерди: "Бу султон ва унинг отаси менга тўлов тўлаб, содиқлигини изҳор қилишарди. Мен уларга кўплаб душманларига қарши курашда ёрдам бердим. Улар иккисининг менга қандай хизмат қилганини ҳамкорларим ҳам, рақибларим ҳам, шу ерликлар ҳам, мусофирлар ҳам яхши билишади. Эндиликда унга омад кулиб боққанда у менга шундай зарба бериш ниятидаки, бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшатли. Мен у билан қизимни унга бериш шарти билан муросага эришдим. Қизим эса Оллоҳнинг менга инъом қилган буюк неъматидир. Мен ўлимдан қутулиб қолиш учун қўл остимдаги давлатдан ҳам кечдим. Уларнинг кўп шартларига кўнишга мажбур бўлдим. Чунки бусиз меҳр-шафқат ва имконият ҳам, ҳаёт ва ҳимоя ҳам бўлмаслиги аён эди. У менга ҳеч қандай жавоб бермади. Аксинча, қўрқув ва таҳлика остига тушиб қолган мамлакатнинг қўл остимда қолган қисмидан ҳам мени маҳрум қилишни истарди. Эндиликда у шундай нарсаларни талаб этмоқдаки, буларнинг ҳаммаси мени йўқ қилишга қаратилгандир ва шундай ҳақорат ёрлиқлари билан хўрламоқдаки, бундан кўра ўлим афзалдир".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кушлухон қалбида унга нисбатан меҳр-шафқат пайдо бўлди. Шу билан бирга у уни (Гурхонни) унинг қўлига топширса, туркийлар кўз ўнгида бир умр уятга қолишидан, бу уят ва шармандалик доғини юзидан осонлик билан сидириб ташлай олмаслигидан ҳам хавфсирарди.

Шу тариқа у уни, султон то бу иш чўзилганидан, оворагарчиликлар бошланишидан воқиф бўлганга қадар, бир қанча вақт мобайнида кунба-кун ҳимоя қилишда давом этди.

Султон томонидан Кушлухон ҳузурига бу иш юзасидан юборилган сўнгги элчи амир Муҳаммад ибн Қора Қосим ан-Насавий менга баъзи воқеаларни айтиб берганди. У султон топшириғига кўра Кушлухонга ҳақоратомуз гапларни айтади. Кушлухон уни занжирбанд қилишга буюради. Фақат султон қўшинларидан бири билан Кушлухон ўртасида бўлган жанг натижасида, Оллоҳ марҳамати ила асирликдан қутулади. Асирликдан халос бўлгач, султон саройига боради, азоб-уқубатларга, ҳақоратларга гирифтор бўлганини айтади. Султонга унинг сўзлари ҳақ эканлигини, буюрилган хизматни сидқидилдан бажарганлигини етказишади. Султон унга марҳамат кўрсатишга ваъда қилади ва шунга мувофиқ ўзи хоҳлаган мақсадни, истакни айтишга изн беради.

У унга ўз ниятини билдириб Хуросондаги барча вилоятлар раислари устидан раҳбарлик лавозимини фармон билан тасдиқлаб беришини илтимос қилади. Унинг бу илтимоси қондирилади[4]. Кейинчалик кўплаб раислар унинг оғир тазйиқига учрайдилар ва ҳақоратланадилар.

Олти юз ўн олтинчи (1219 йил мартдан — 1220 йил март) йил ана шундай бошланади. Бу халқ томонидан бахтсизлик деб аталган йил эди. Юқорида эслатганимиз амир Хуросон теграсини кенгайтириш учун ўз айёрликларини янада кучайтиради.

Яхшиликларнинг ҳаммаси ёмонликлар билан алмашинади. Султон қўшинидан 60 минг отлиқ лашкарларини танлаб олиб, уни Кушлухонни мағлуб қилиш ва ундан хонлар хонини тортиб олиш учун отлантиради. Бу иш султон унга қарши бир неча марта қўшинлар юбориб, Кошғар ва бошқа жойларда турли жанглар бўлиб ўтганидан кейин рўй беради. Бу жангларнинг аскарияти Кушлухоннинг мағлубияти билан якунланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] *Қоялик ва Олмалиқ* — Или дарёси соҳилидаги водийда жойлашган шаҳарлар. Қоялиқ, Олмалиқ, Фуладнинг ҳукмдори Арслонхон эди. Бироқ бу исм эмас, унинг унвони. Хоннинг тўлиқ исми Абу-л Футуҳ Муҳаммад III ибн Юсуф. Ибн Холдун уни Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон деб атайди. В. Бартольд фикрича унинг исми Арслонхон Абул Фатҳ Муҳаммад.

[2] Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қора хитойлар билан охирги жанги 1210 йилнинг август-сентябрь ойларида бўлиб ўтади. Гурхон қўшинлари мағлуб этилади ва Гурхоннинг ўзи Кошғарга қочади. Унинг қўшинининг бошлиғи Шомур Тайанку асир олинади. Хоразмшоҳлар салтанати Ўзкандга қадар кенгаяди.

[3] Гурхоннинг Кушлухон ва Арслонхон (ан-Насавий уни Мамдухон деб атайди) томонидан асир олиниши 1211 йилда юз беради. Гурхон вафотидан (1213—1214 йиллар) кейин унинг мулки Кушлухон қўл остига ўтади.

[4] Раис лавозими ҳар бир қалъа, шаҳар ва туманда бўлган. Бу лавозим эгаси маҳаллий аҳоли томонидан сайланган. Раислар вилоят волийсига бўйсунган. Бу ўринда раислар раҳбарини тайинлаш Хоразмшоҳлар давлати миқёсида амалга оширилган фавқулодда ҳол деб қараш мумкин.

4-БОБ

КУШЛУХОННИНГ ЧИНГИЗХОН ЎҒЛИ ДУШИХОН ҚЎЛИДА ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМАНЧИ ЙИЛДА (1215 ЙИЛ МАЙДАН — 1216 ЙИЛ МАЙГАЧА) ЎЛИМ ТОПИШИ БАЁНИ

(Ибн ал-Асир бу воқеани олти юз ўн олтинчи йилда бўлиб ўтди деб нотўғри белгилайди)[1].

Чингизхон Кушлухоннинг Кошғар ва Болосоғунни босиб олганини эшитгач ҳамда унга Гурхоннинг асир тушганини билгач, ўғли Душихон (Жўчи)ни 20 минг, балким, ундан ҳам кўпроқ лашкарга бош қилиб унга қарши отлантирди. Шу орқали у (Кушлухон) билан ораларида пайдо бўлган нифоқни якунига етказишни ният қилди.

Бу пайтда бошқа тарафдан Кушлухонга қарши 60 минг лашкардан иборат бўлган султон қўшинлари ҳам келарди. Султон қўшини Иргиз дарёси бўйига келди, лекин дарё музлагани сабабли ундан кечиб ўтиш имкони бўлмади. Шунда у бу ердан ўтиш учун қулай пайт бўлишини кутиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарё бўйига жойлашди. Имконият туғилганда дарёдан кечиб ўтди ва Кушлухон изини излаб тезлик билан йўлга тушди.

У бир неча кун юрганидан кейин қўшинининг илғор қисмидан чопар келиб, қарама-қарши томондан қандайдир отлиқ лашкарлар келаётгани ҳақида маълумот етказди. Бу Душихон эди. У Кушлухон устидан зафар қучиб, унинг қўшинини мағлуб этиб, бошини танасидан жудо қилиб, калласини олиб қайтаётганди[2]. У унга ва у билан бирга бўлган хитойларга ҳам ҳужум қилган, улар гўштини ўткир қиличлари тиғи билан нимталаб ярадор калхатларга емиш ҳозирлаганди. Ўзи билан бирга еру кўкка сиғмайдиган миқдорда бойлик, ўлжа олиб қайтаётганди.

Шу куни мардлар аёвсиз олишдилар, отлиқ лашкарлар жанг қилдилар. Ниҳоят, Душихон султон ҳузурига чопар юбориб, унинг олдида ер ўпишга тайёрлигини, бу юртга у душманлик мақсадида келмаганлигини, унга итоат этиш, ҳатто хизмат қилиш учун ташриф буюрганлигини билдирди. У унинг чегараларига алдоқчи ҳис-туйғулар ва ушалмайдиган орзу-умидлар билан келганлар фаолиятига барҳам бериш ҳамда султонни Кушлухон билан юзмаюз бўлишдек ортиқча заруратдан халос қилиш ниятида келганини етказди. Шу сабабли ҳам Душихон Кушлухонга ва унинг ёнида туриб султонга қарши бўлганларга ҳужум қилганлигини, уларни бир-биридан ажратиб ташлаганлигини, хотинлари ва болаларини асир олиб келаётганлигини айтди.

У ўзи билан олиб келаётган ўлжани султон қўлига топшириш ниятини, у қандай истаса шундай тақсимот қилиши мумкинлигини билдирди. Хоҳласа, уни ўзи учун жанг қилганлар қўлида қолдирсин, хоҳласа одам юбориб ўлжани қароргоҳига олдирсин.

Ниҳоят, отаси унга бу томонда султон қўшинларидан бирортасини учратиб қолгудек бўлса, уларга одоб доирасида муносабатда бўлиш ҳақида буйруқ берганлигини ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромга зид бўлган ёки уни бартараф этувчи бирор сўз айтишдан сақланиш зарурлиги хусусида огоҳлантирганлигини ҳам эслатиб ўтди.

Бироқ унинг бундай ёқимли сўзлари фойда бермади, бу гаплардан кейин ҳам султон жаҳл отидан туш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мади. Султон қўшини Душихон қўшинига нисбатан икки баравар кўп эди. Шунингдек, жанг қилиш ва ҳужум уюштиришни яхши биладиган саркардалари, лашкарбошилари ҳам кўпчиликни ташкил этарди. У қўшинимдан бир қисмини унга қарши қўйсам, бас, уларни бир ҳовуч кулга айлантиради, дайди шамоллар эса бу кулни шимол ва жанубга қадар тўзғитиб йўқ қилади, деган фикрда эди.

Ва султон унга бундай жавоб юборди: "Агар Чингизхон сенга мен билан жанг қилишни буюрмаган бўлса, Оллоҳ-таоло менга сен билан жанг қилишни буюради ва бу жанг учун менга яхшилик инъом этади. Мен учун сен ҳам, Кушлухон ҳам бир, ораларингда фарқ йўқ. Чунки сизларнинг ҳаммаларингиз бутпарастликда ҳамкордирсизлар. Шундай қилиб, сени уруш майдонига чорлайман, қиличларимиз баданларингни нимта-нимта тилишга, найзаларимиз бўғизларингга ботишга тайёр".

Шундан кейин Душихон агар жангга кирмаса орзу-умидлари саробга айланишини англади. У жанг майдонига келди ва ундан қандай чиқиш йўлларини излай бошлади. Иккала қўшин ҳам юзма-юз бўлиб саф тортдилар. Душихоннинг ўзи султон қўшинининг чап қанотига ҳужумга ўтди, бу қанотни бошдан-оёқ яксон этди. Лашкарларни тартибсизлик билан турли тарафга қочишга мажбур қилди. Агар қўшиннинг ўнг қаноти лаънатиларнинг чап қаноти устига ҳужум уюштирмаганда ва аҳволни ўнгламаганда султон лашкарларининг мағлуб бўлишига оз қолганди. Шундай қилиб, яқинлашаётган кулфат бартараф этилди, қасос ўчи олинди, чап қанотнинг мағлубият қарзи қайтарилди. Лекин, ғолиб қаердаю мағлуб кимлигини, таловчи киму таланган қаердалигини ҳеч ким билмади.

Ўша куни иккала томон ҳам жангни эртасига давом эттириш учун бир-бирларидан ажралдилар.

Кофирлар тунда кўплаб оловлар ёқдилар. Бу оловлар уларнинг қароргоҳларида мустаҳкам ўрнашиб, эртаги кунги жангга жиддий тайёргарлик кўраётганини кўрсатувчи ҳийласи эди. Аслида улар тун қоронғулигида отларига миниб қочган, бир кечада икки кунлик йўлни босиб ўтгандилар[3].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон қалбан уларнинг мард эканликларига тан берди ва кўнглини қўрқув туйғуси қамраб олди. Айтишларича, у ўз даврасида қилич ва найзани моҳирлик билан ишлатишга, жанг майдонида матонат, мардлик кўрсатишда уларга тенг келадиган, ўхшаш одамларни учратмаганман, дебди.

Султон Самарқандга қайтгач, ворислик ҳуқуқига эга бўлган амирларни тақдирлади, уларга иқто қилиб берилган мулкларни кўпайтирди, мансабларини оширди. Бужи Паҳлавонга Қутлуғхон, Ўғил ҳожибга Инонжхон унвонини берди[4]. Уларнинг ҳар бирига мардлик ва матонати учун турли совғалар улашди.

Биз юқорида султон Муҳаммад ҳаётидан айрим воқеаларни келтиришимизга сабаб тоторларнинг пайдо бўлишини тушунтиришдан иборат эди. У ҳақдаги бошқа маълумотларни эса ҳикоя қилишда давом этамиз ва бу ҳикоямиз Яратганнинг унга инъом қилган, ўлчаб берган ҳаёти якуни билан адо бўлади. Шундан кейин, агар Оллоҳ изн берса, Жалолиддин ҳақидаги маълумотлар тафсилоти билан таништирамиз.

---

[1] Мўғул қўшинлари томонидан Кушлухон лашкарлари 1216 йил баҳорида мағлуб этилади. Мўғул қўшинига Чингизхоннинг ўғли Жўчи ва Жэбе нўён бошчилик қилади. Ибн ал-Асир бу воқеани 617 йилда бўлиб ўтди деб ёзади. Ан-Насавий бу воқеани Ибн ал-Асир 616 йилда бўлиб ўтган деб ёзган дея нотўғри маълумот берган.

[2] Кушлухоннинг мўғуллардан мағлубияти ҳақида Рашидиддин тўла маълумот беради.

[3] Кушлухонни мағлуб этган мўғул қўшинлари вакиллари билан султон Аловуддин Муҳаммад ўртасидаги мулоқотларда ва бу ерда Хоразмшоҳ лашкарлари билан мўғуллар ўртасида бўлиб ўтган илк жангда Рашидиддин ва Жувайнийнинг ёзишича, Жалолиддин Мангуберди ҳам иштирок этган.

[4] Амир Бужи Паҳлавон Қутлуғхон Хоразмшоҳнинг ўғли Ўзлоғшоҳнинг тоғаси бўлган. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Жанд ва Ёркентдаги ноиби ҳисобланган.

Ўғул ҳожиб Бадриддин Инонжхон — Хоразмшоҳ амирларидан бири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5-БОБ

СУЛТОННИНГ ОЛТИ ЮЗ ЎН ТЎРТИНЧИ ЙИЛДА (1217 ЙИЛ АПРЕЛЬ — 1218 ЙИЛ МАРТ) ИРОҚ МАМЛАКАТИГА ҚАНДАЙ ЮРИШ ҚИЛГАНИ БАЁНИ

Султоннинг обрў-эътибори, нуфузи юксалиб, улуғвор ишларга қўл ура бошлади. Унинг кўз ўнгида олам гўзалликлари билан намоён бўлди, мамлакат офтоби кўк тоқининг энг баланд чўққисида порлади. Унинг қўшини девонида рўйхатга олинган отлиқ лашкарларнинг ўзи тўрт юз мингга етай деб қолди. Шундан кейин Султон бир пайтлари салжуқийлар салтанати эгаларига берилгани сингари Боғдодга ҳукмронлик ва ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқини талаб қила бошлади[1]. Шу муносабат билан у Боғдодга бир неча марта элчилар жўнатди, лекин сўраган нарсасига розилик ололмади. У ердагилар унинг Мовароуннаҳрда ва туркийлар мамлакатида қилаётган ишларидан яхши хабардор эди. Аксига олиб, у қаердадир уларнинг бир қабиласини йўқ қилса, бошқа жойда иккинчиси бош кўтариб чиқарди. Айни пайтда, у ўзи хоҳлаган нарсани қўлга киритишдан ҳам умидини узмасди, орзуларини амалга оширишга қулай пайт пойларди. Узоқ кутган мақсадига эришиш учун бутун кучини жамлаб, бахт қуёши тахти узра балқишини кутарди.

Султон иззат-ҳурмат қиладиган қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмий бу иш бўйича бир неча бор Боғдодга борган эди[2]. У бу ҳақда менга бундай ҳикоя қилиб берганди:

"Менинг Боғдодга охирги бор элчилигим юқорида эслатиб ўтилганларни "Девондан талаб қилиш" мақсадида бўлди. Улар (Халифа девонининг раҳбарлари) унинг бу талабини рад қилишди ва даъволарини асоссиз топиб, бундай дейишди: "Бу ерда (Боғдодда) ҳукмронликнинг ташқи ҳукмдорлар қўлидан қўлига ўтиши аср фалокати бўлган воқеа — Боғдоднинг харижитлар томонидан босиб олиниши ва Имом ал-Қаим биамриллоҳнинг (Оллоҳ ундан рози бўлсин!) Боғдоддан Ҳадисат Анага қочиши билан боғлиқ эди. Шундан кейин у Тўғрулбек ибн Микаилдан ёрдам сўради, оқибатда ҳаммага маълум воқеа

www.ziyouz.com kutubxonasi

салжуқийларнинг Боғдодда ҳукмронлиги учун йўл очилди[3]. Буларнинг ҳаммаси салжуқийларнинг Боғдодда ҳукмдорлик қилишларини шарт қилиб қўйди. Кейинчалик улар халифаликнинг мустаҳкам таянчига айландилар ва бу ерда ўзлари истаган, ёқтирган нарсаларни жорий этиш, хоҳлаган ишларини тақиқлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Эндиликда бизга сенинг ёрдаминг қанчалик зарур бўлмасин, бу уларга берилган имкониятлар сенга ҳам берилади деган маънони билдирмайди. Унинг (Султоннинг) қўл остидаги бир-биридан олисда бўлган мамлакатларни қамраб олган чексиз давлати камлик қиларканми? Эндиликда ислом амирлиги пойтахтига, мусулмонликни улуғлаган аждодларнинг муқаддас манзилига кўз тикишдан ўзини тия олмас эканми?"

Шундан кейин у қайтишда ўзига шайх Шиҳобиддин ас-Сухравардий (Оллоҳ уни ўз паноҳига олган бўлсин!) ҳамроҳлик қилганини, у жавоб ташрифи билан элчи бўлиб келганини айтди[4]. У уни (Султонни) талабларидан қайтаришга даъват учун юборилганди.

Шу тариқа номалар битилди, улар яна қайта юборилди, лекин бундан кутилган натижа чиқмади. Бунинг устига Маккага кетаётганларга (Султон одамларига) (Оллоҳ улардан марҳаматини аямасин!) илтифотсизлик қилинди. Султонга эса унинг одамларига нисбатан Жалолиддин ал-Ҳасан бошчилигидаги исмоилийлик ҳожиларга ҳурмат-эътибор кўпроқ бўлганлиги хабари етиб келди[5]. Бу дардни қўзғаш, ярага туз сепиш билан баробар бўлди.

Мен юқорида номини айтганим қозининг шайх Шиҳобиддиннинг бу ерда кутиб олиниши қандай кечгани ҳақидаги гапларини шахсан ўзим эшитганман. Маълумки, у ўз асридаги шайхлар орасида юксак мавқега эга бўлгани, мартабаси улуғлиги туфайли девондан Султон ҳузурига келган бошқа элчиларга нисбатан бир қадар яхши эҳтиром ва фахр билан кутиб олиниши талаб қилинарди. Шунга қарамай у сарой олдида кутиб қолади ва Султон унга анчадан кейин киришга рухсат беради[6]. Шайх ҳузурида йиғилганлар (мажлис аҳли) тинчигандан кейин, у (Оллоҳ уни паноҳида асрасин!) уларга шундай деди: "Одатга кўра ҳар қандай зафар қучган мамлакатда унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

номидан гапирувчи, ким бўлишидан қатъи назар, фаолиятининг муқаддимасини Муҳаммад (Оллоҳ у зоти мукаррамни паноҳида асрасин!) ҳадисларидан бирини айтиш билан бошламоғи керак. Бу самимий ниятларнинг ушалишига, яхшиликка хизмат қилади!" Султон бу иш учун унга рухсат берди ва ҳадис эшитиш мақсадида тиз чўкиб ўтирди. Шайх ал-Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин!) уруғ-аймоқлари, салафларига зиён етказмаслик тўғрисидаги ҳадислардан бирини айтди. Шайх ҳадисни айтиб бўлгач, Султон деди: "Гарчи мен туркий бўлиб, араб тилини яхши билмасам ҳам, сен айтган ҳадиснинг маъносини англадим. Мен ал-Аббос салафларидан бирортасига зиён-заҳмат етказганим йўқ, уларга ёмонлик қилмоқчи ҳам эмасман. Бироқ эшитишимча, Ислом амирлиги зиндонларида кўплаб мусулмонлар бормиш, улардан баъзилари ўша ерда топишиб, кўпайишар ҳам эмиш. Агар шайх бизга айтган ҳадисни ўша Ислом амири ҳузурида ҳам айтса эди, бу тўғрироқ ва фойдалироқ бўларди"[7].

Шунда шайх айтди: "Халифа қасамёд қилиб, давлатни бошқаришга киришганида Оллоҳнинг китоби ва суннийлик мазҳаби доирасидаги ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлди. Бу Ислом амирининг ваколатига ҳам мос келади. Агар халифа шу ҳуқуқ доирасида аҳолининг тинчини, осойишталигини ўйлаб бир гуруҳ мусулмонларни зиндонга ташлатган бўлса, бу унинг ваколатини суиистеъмол қилмаганини, мазҳаб талаб қилган даражада тўғри фаолият юритганини кўрсатади".

Суҳбат кейин ҳам шу йўсинда давом этди. Мен буларнинг ҳаммасини баён қилиб бермоқчи эмасман. Бундай пайтда сукут сақлаш энг тўғри йўл дейишади. Шундан кейин Шиҳобиддин қайтиб кетди, орадаги душманлик эса давом этаверди. Булардан сўнг исмоилийлар Султоннинг Ироқдаги ноиби бўлган Ўғлимиш ал-Отабекни ўлдиришди[8]. У Оллоҳнинг Каабасидан ҳаждан қайтаётган зиёратчиларни кутиб олишга чиққанида ҳаж кийимидаги бир гуруҳ одамлар унга ташланишди ва ўлдиришди. Бу пайтдан бошлаб Ироқда Султон номини хутбага қўшиб ўқитиш тўхтатилди. Султон бу мамлакатда аввалги аҳволни қайта тиклаш учун унга юриш қилди. Биз, Оллоҳ изн берса, энди шу ҳақда сўзлаб берамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Хоразмшоҳларнинг Аббосий халифалардан ҳукмдорликни тортиб олиш учун ҳаракатлари Аловуддин Муҳаммаднинг отаси Такиш (1193-1200 йй.) ҳукмронлиги даврида бошланганди. Бундай ҳаракат салжуқларнинг охирги султонлари ва Озарбойжон отабеклари даврида ҳам бўлганди. Халифани якқалаб қўйиш ва уни ўз амрига бўйсундириш ниятида бўлган отабек Жаҳон Паҳлавон (1174-1186 йиллар) бундай деб ёзади: "Агар халифа — имомнинг доимий иши намоз ўқиш бўлса, намоз — диннинг асоси, энг яхши ишлардан бири. Бу борада уларнинг иши халққа намуна бўлиб хизмат қилади, улар учун шунинг ўзи кифоя этади. Бу ҳақиқий шоҳликдир. Халифаларнинг бу дунё ишларига аралашиб шоҳлик қилишидан мазмун англашилмайди. Бу ишни улар султонларга топшириши керак".

Бундай жараёнда халифа ан-Носир (1180—1225 йиллар) нинг давлатни ва ўзига берилган имтиёзларини сақлаб қолиши осон кечмади.

У бунинг учун кўплаб ўзаро низолар, урушлар юзага келтириши зарур бўлди. XII асрнинг охирги икки ўн йиллигида эса бундай урушлар кўпайди. Ан-Носир бундай низолардан усталик билан фойдаланди, яъни икки ҳукмдорни бир-бирига қайраб қўйиб, ўзи четда қолаверди. Шу маънода у хоразмшоҳлар кучидан ҳам фойдаланди. Бироқ орадан кўп ўтмай халифа Хоразмшоҳ ўзига султон ва отабекдан кам бўлмаган рақиб эканлигини ҳам англаб етди.

Султон Такиш ҳар қанча қилса ҳам халифаликнинг жума хутбасида ўзининг номини қўшиб ўқиттиришга эриша олмади. У халифаликдан ўзининг Хуросон, Туркистон, Ироқ Форси устидан султонлигини тасдиқловчи нома олди, холос.

Такишнинг меросхўри Аловуддин Муҳаммад ўз салтанатига Эроннинг деярли барча ерларини, то Боғдодга қадар қўшиб олишга эришди. Аммо у ҳам Боғдоддаги хутбада ўз номининг қўшилиб ўқилишига эриша олмади. Бунинг устига халифа Хоразмшоҳнинг отабеклар, охирги салжуқийларга нисбатан кучли эканлигини билиб, унга қарши Аламут исмоилийларини ва Fур султонларини қайрай бошлади.

В. Бартольд таъкидлаганидек, халифа ан-Носир ва хоразмшоҳ Муҳаммад ўртасидаги душманлик Аббосийлар ва Хоразмшоҳлар салтанатининг инқирозга юз тутишига сабабчи бўлди.

2. Қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмийнинг сафардаги фаолияти ҳақида 47-, 55-56-бобларда ўқийсиз.

3. 1058 йил 7 декабрда Боғдод фотимий халифа ал-Мустансир (1036-1094 йиллар) тарафдорлари томонидан босиб олинди. Бу қўшинга бувайҳийлар саркардаси Арслон ал Басасирий

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошчилик қилади. Халифа ал-Қаим (1031—1075 йиллар) пойтахтдан Ҳадисат Анага, ундан Анбарга қочади. Халифа қочишидан олдин ал-Басасирий унга халифаликни бошқаришни фотимийлар зиммасига юклаганлиги ҳақидаги ҳужжатга имзо чектиради. Аббосий халифаларнинг барча нишонлари Муҳаммад пайғамбар ютуғи билан биргаликда Қоҳирага жўнатилди. Боғдодда халифа ал-Мустансир номига хутба ўқилади.

Халифа ал-Қаим Боғдодга бир йилдан кейин салжуқийлар султони Тўғрул (1038—1063 йиллар) ёрдами билан қайтиб келади. Ал-Басасирий Куфа яқинида тутиб олинади ва ўлдирилади. Унинг боши Боғдодга, халифага юборилади.

4. Шиҳобиддин Абу Хафс ас-Сухравардий 1145—1234 йилларда яшаган. Боғдод сўфийларининг бошлиғи, шайхлар шайхи.

5. Жалолиддин Ҳасан III (1210—1221 йиллар) — Аламут исмоилийлари ҳукмдори.

6. Сибт ибн ал-Жавзий айтишича, хоразмшоҳ Муҳаммад ас-Сухравардийга илтифот кўрсатмаган, ҳатто унга ўтиришга рухсат бермаган. Бу ўринда Сибт ибн ал-Жавзий маълумотларни ас-Сухравардийнинг бизгача етиб келмаган "Рисолат ал-Асилийя" асаридан олган бўлиши мумкин.

7. Ибн Холдуннинг ёзишича, суҳбатни хоразмшоҳ Муҳаммад бошлаган. У халифадан Боғдодда номини хутбага қўшиб ўқитишни талаб қилган, ас-Сухравардий эса жавоб тарзида Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирини айтган.

8. Сайфиддин Ўғлимиш — Озарбойжон отабеги Абу Бакр ибн Жаҳон Паҳлавоннинг ғуломларидан бири. У отабекнинг бошқа ғуломлари Шамсиддин Ойтуғмиш ва Носириддин Менгли билан биргаликда Эрон ва Ҳамадонга ҳукмдорлик қилган ғуломларнинг ўзига хос сулоласини ташкил қилган. Уларнинг номи кўпайиш маъносини билдиради.

Озарбойжон отабеги Ўзбек Менгли қўшинини Ироқда мағлуб қилиб, унинг ўзини ўлдиргандан кейин мулкини ғуломи Ўғлимишга беради ва уни бошқарувчи қилиб тайинлайди. Ўғлимиш эса хоразмшоҳ Муҳаммад тарафдори бўлиб чиқади. Ўғлимиш мулкида хутбани Хоразмшоҳ номига ўқитади. Халифа ан-Носир буни ўз имтиёзларига дахл қилиш деб билади ва исмоилийлар ёрдамида Ўғлимишни 1217—1218 йиллар оралиғида ўлдиртиради. Ироқда Хоразмшоҳ номига хутба ўқиш тўхтатилади. Бу Хоразмшоҳни ғазаблантиради. Хоразмшоҳ Ғазнани босиб олаётганда лашкарлари халифа ан-Носир билан ғурлар султонининг ёзишмаларини топиб олади. Бу ёзишмаларда халифа Ғур султонини Хоразмшоҳга қарши курашишга даъват этган эди. Хоразмшоҳ мана шу ёзишмалардан фойдаланиб, халифаликни Аббосийлар сулоласидан олиб Али ибн Абу Толиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва унинг ўғли Ҳусайн сулоласига бериш тўғрисида мамлакатдаги имомларга фатво тайёрлатади. Хоразмшоҳ мулкларида халифа ан-Носир номини хутбага қўшиб ўқитиш тўхтатилади. Халифаликка Ҳусайн сулоласидан Али ал-Мулк ат-Термизий тайинлангани эълон қилинади.

6-БОБ

СУЛТОННИНГ ИРОҚҚА ЮРИШИ ВА БУ ЕРДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Ўғлимиш ўлдирилгач, яъни Ироқни султон номидан бошқарадиган ва унинг исмини хутбага қўшиб ўқитадиган одам бўлмагач, Аррон ва Озарбойжон ҳукмдори отабек Ўзбек ибн Муҳаммадда ва Форс ҳукмдори Саъд ибн Зангида уни (Ироқни) босиб олиш иштиёқи туғилди. Улар қулай фурсатдан фойдаланиб, ҳар қайсиси ўз тарафидан юриш бошладилар. Мамлакатни ҳимоя қиладиган ва ҳимоя қилишга чақирадиган одам йўқ эди. Улар Султоннинг бу ердан жуда узоқда, туркийлар мамлакатининг узоқ чеккасида, шон-шуҳрат чўққисига кўтарилган кўйи кофирларга ва уларнинг алвастиларига қарши кураш олиб бораётганидан хабардор эдилар.

Ўзбек таклиф ва чақириқ билан атрофига катта куч тўплади. У Ироққа юриш бошлар экан, Исфаҳон аҳолисининг розилиги билан бу шаҳарга кирди. Саъд эса Райни босиб олди[1]. Ундан кейин Райга яқин бўлган Қазвин, Хувар, Симнонни ва бу мулкларга ёндош жойларни ҳам эгаллади[2].

Бу ҳақдаги миш-мишлар Самарқандда бўлган султонга ҳам етиб борди. У уларга қарши курашишга қатъий бел боғлади. Бу қарор икки отабекка қарши юришда узоқ мақсадни яқинлаштирди, эгри йўлни тўғри қилди. У энг мард йигитлар ва қаҳрамон ватанпарварлардан танлаб салкам юз мингта отлиқ лашкар тўплади, қўшинининг асосий қисмини туркийларнинг чегара жойларидаги ҳамда Мовароуннаҳр вилоятларидаги акобирлар орасидаги шавкатли амирлар, ёвқур жангчилар ҳисобига кучайтирди. Қумисга келганидан кейин лашкарларини иккинчи бор кўрикдан ўтказди[3]. Ўн икки минг кишилик енгил отлиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшин ташкил қилди. Улар шамолдан ҳам илдам юриб, тунни кунга улаб, қисқа вақт ичида (ўзлари ҳақидаги хабардан ҳам илгарироқ) Райнинг Хайли Бузургига етиб келдилар[4]. Саъд бу ерга яқин жойда эди, у ўзи томонга қўшин юриб келаётибдими ёки учиб — билмай қолди. Саъд унинг отлиқ қўшинларининг илғорини кўрганда бу Ироқни босиб олишда ўзига рақиб ҳисобланган Ўзбек лашкарлари бўлса керак, деб ўйлади. Унинг ўзи ва қўшини отларига миниб жангга кирдилар, олишувлар, ҳужумлар кўп бўлди. У томонга ҳужум кетидан ҳужум кучайди. Унинг ўзи ҳам кўп ҳужум уюштирди.

Султон унинг мақсад ва ниятини англаб етгач, қароргоҳини бузишни буюрди. Қароргоҳ бузилди. Кейин уни яна тиклашга уринишди. Шунда отабекнинг яқинлари бу иш Султоннинг иши эканлигини билдилар. Улар қоча бошладилар ва "Оллоҳнинг амри-иродаси тақдири азалий бўлди"*.

Саъд Султон ҳузурида ер ўпишга шошилди. Уни отлиқ лашкарлардан бири тутиб олди ва қўл-оёғини боғлаб Султон ҳузурига олиб борди. Султон маълум бир қарорга келгунча унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни буюрди. Султон Ҳамадонга келгунга қадар у қўли боғланган ҳолда хачир устида ётди.

Ҳар куни Ҳамадондаги майдонга отабек Саъдни, малик Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегинни ва Ўзбекнинг вазири Робибиддин Абул Қосим ибн Алини олиб чиқишарди. Робибиддин Ўзбек қочган пайтда (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз) асир тушган эди. Майдонда Султон тўп ўйнар, улар хўрланган кўйи тик турардилар. Бу ҳол улар кишанлардан озод қилиниб, кетишга рухсат берилгунча давом этди. Бу ҳақда ҳам, агар Оллоҳ изн берса, кейинроқ сўз юритамиз.

---

[1] *Рай* — Эроннинг қадимий шаҳарларидан бири. Мўғуллар томонидан бузилган. Шаҳар харобалари Теҳрондан бир неча километр жанубда жойлашган.

[2] *Хувар* — Симнон ва Рай оралиғида. Симнон (Самнон, Семнон) — Райдан Шарқ томондаги шаҳар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[3] *Кумис* — Эльбрус тоғининг шарқий тизмаларидан жануб томонда жойлашган вилоят.

4. Хайли Бузург, Ёқутнинг ёзишича, Қазвиндан 10 фарсах (60—75 километр) узоқликда жойлашган, аҳоли яшайдиган маскан бўлган.

7-БОБ

ОТАБЕК ЎЗБЕКНИНГ ИШЛАРИ, УНИНГ ИСФАҲОНДАН КЕТИШИ ВА ҲАЁТИГА ХАВФ ТУҒДИРГАН АСИРЛИК ТЎРИДАН ҚУТУЛИШИ БАЁНИ

Менга ҳикоя қилишларича, юқорида номини айтганимиз вазир Робибиддин даврининг акобирларидан бири бўлиб, унинг сочи узоқ йиллар давомида девон ишларини бошқариб туриб оқарган. Жалолиддин Озарбойжон ва Арронни аввалги ҳукмдоридан тортиб олиб эгаллагач, Робибиддин акобирлик фаолиятини тўхтатди. У уйини мадрасага айлантириб, Оллоҳ хизматига бел боғлади ва ҳаётини шу тарзда якунлашга аҳд қилди.

Ўзбек Исфаҳонда пайтида Саъднинг тақдири, унинг асир олингани ҳақда эшитди. У нима қилишини — қолишини ҳам, қочишини ҳам билмади, ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, ғамга ботди. Билдики, то "уларга кенг ер торлик қилиб қолди".* Ва у ўзига яқинлашиб келаётган ўлимдан қутулиш учун мамлакати пойтахтига қайтишдан бўлак имкон қолмаганини кўрди. У отига минди ва йўлга тушди. Ҳамадон йўлида у Султонни ё Райда бўлса керак, ё Исфаҳонга отланган бўлиши мумкин, деб ўйлади. Ҳамадонга бир кунлик йўл қолганда эса у "Султон Ҳамадонда сен ҳақингдаги янгиликни кутмоқда, унинг айғоқчилари орқангдан кузатмоқда, барча жойларда тўсиқлар қўйилган. Султон лашкарлари мамлакат бўйлаб тарқалиб сени излашмоқда", деган хабарни эшитди. Бу хабардан кейин у ўз режалари барбод бўлганини, ҳамма иш у ўйлагандан тескари рўй берганини англаб довдираб қолди. У нима қилишни — олдинга юришни ҳам, орқага қайтишни ҳам билмай тараддудга тушди. Шунда у кулфатга шерик сафдошлари билан бошига тушган бу бахтсизлик ҳақида маслаҳатлашишни ният қилди. Улардан баъзилари Исфаҳон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га қайтишни, айримлари эса тўпланган бойликни рақиблари учун ўлжа сифатида қолдириб оз сонли одамлар билан Озарбойжонга тезлик билан кетишни маслаҳат бердилар.

У (Робибиддин) бундай деди: "Мен бошқалардан фарқли ўлароқ унга Фарразин қалъасига кириб мустаҳкамлашишни маслаҳат бердим[1]. Фарразин ўша ерга яқин бўлиб, заминдаги мустаҳкамлиги билан машҳур қалъалардан бири ҳисобланарди. Шоир айтганидай:

Кўкўпар ҳайбатли девор устига қўнмоқлик учун
Ярим кунлик йўлда нафас ростламоғи шарт эди
бургутнинг.

Тоғ чўққиларидан камдан-ками тузилиши, эгаллаб бўлмаслиги, мустаҳкамлиги жиҳатдан унга тенг келарди. Қалъа эса ўша пайтда Ўзбек қўли остида эди".

Бунга жавобан Ўзбек бундай деди: "Агар мен қалъага кириб қамалиб олсам, султоннинг Ироқ асирларидан бир қанчасига буйруқ бериб, қалъани қамал қилдирмаслигига нима тўсқинлик қилади? Улар эса мақсадларига эришмагунча қамал қилишлари аниқ".

Бир сўз билан айтганда, улар қароринининг моҳияти шундан иборат бўлдики, қимматбаҳо буюмлар, бойликларини малик Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегин бошчилигидаги қўшинининг катта қисми билан биргаликда Табризга жўнатди. Бу шаҳар бойликларим ва қўшинимга паноҳ бўлар, деб ўйлади. Ўзи эса ғоят ишончли одамлари, икки юзга яқин туркий отлиқ лашкарлари билан бирга энг оғир йўллар, ўтиб бўлмас тоғлар орқали кетида бирор из ёки маълумот қолдирмасдан Озарбойжон томон йўл олди[2].

Юқорида номини тилга олганимиз вазир эса ўз жиноий ишлари учун кечирим сўраб, қилинган хиёнаткорликда айбсиз эканлигини билдириб, нимаики қилган бўлса, шайтон йўлдан урганлиги сабабли рўй берганлигини айтиб, Султонга мактуб йўллади.

Кобуд Жомнинг муқтаси, силоҳдор амир Декчек Мозандарон вилоятларидан бирида тунда унинг (Ўзбекнинг) асосий қўшинига ҳужум қилди[3]. Ҳужум натижасида қўшин бир неча гуруҳларга бўлиниб кетди ва улар юртларига тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли йўллар билан жўнадилар. Ҳужум қилувчилар гуруҳлар ва уларнинг қолдиқларини Озарбойжоннинг туманларидан бири, Оқ дарё бўйида жойлашган Майанижга қадар қувиб бордилар[4]. Малик Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегин асир олинди. У билан бирга бўлганларнинг аксарияти қўлга тушади. Асирлик тўри уларнинг улуғини ҳам, каттаю кичигини ҳам ҳақир, нотавон одамларга айлантирди. Қўшин байроғи, ноғораю сурнайлари, бойликлар ва қимматбаҳо буюмлар эса талон-тарож қилиниб, ўлжа сифатида бўлинади[5]. Вазир Робибиддин уларга бойлиги таланган, обрўсизлантирилган, пароканда бир пайтда дуч келади. У ҳам асирлар қаторида Султон қароргоҳига келтирилади. Улар унинг мактубидаги сўзларнинг ростлигига ишонишмайди, у мактубни бошига оғир ташвиш тушган пайтда, ўзини қутқариб қолиш учун ёзган, деб ўйлашади. Вақт эса ўтган эди.

Воқеаларни синчковлик билан кузатаётганлар Султоннинг ўз кўнглида кечган ўй-фикрларни қай тарзда амалга оширишига ҳам қаратишларини истардим. Султон Мовароуннаҳрнинг чекка вилоятларидан Ироқдаги бу икки ҳукмдор устига от суриб келди. Ва уларни қандай кўйга туширишни истаган бўлса, ҳаммасига тўла даражада эришди, улардан нима олмоқчи бўлган бўлса, олди.

Малик Нусратиддин Муҳаммад масаласига келсак, у асир сифатида ҳар куни отабек Саъд ва вазир Робибиддин билан бирга нотавон тарзда "кишанлар билан боғланган ҳолда" майдонга олиб келинарди. Бу аҳвол Султон туғросининг соқчиси Носириддин Давлатёр қайтиб келгунича давом этди. Бу лавозим у учун энг катта мансаб эди. Бу лавозим Хоразмшоҳлар салтанатида котиб аллиншодан кейин турса, Салжуқийлар салтанатида ундан олдинги мансаб ҳисобланарди[6]. Султон унга бу мансабни бергунча асирлик тўридан қутулиб кетган отабек Ўзбек ҳузурига элчи қилиб жўнатди. У бу орқали унга (отабекка) мамлакатининг ҳамма қисмида ўзининг исмини хутбага қўшиб ўқитишни, номида тангалар зарб этишни, йилига белгиланган миқдорда Султон хазинасига товон тўлаб туришни буюрди. Султон номини хутбага қўшиб ўқитиш ва унинг номида танга зарб этишга у зудлик билан киришди. Бу борада Султон талаблари адо этилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг номи ҳурмат билан Аррон ва Озарбойжондан тортиб то Ширвон Дарбандига қадар хутбаларда янгради. Бу қувончли хабар ҳаммаёққа тарқатилди ва Носириддин иштирокида ушбу воқеа шарафига байрамлар уюштирилди. Отабек Султонга мамлакатини ўз ҳимоясига олгани ва шу орқали уни босиб олиш ниятида юрганларга тўсиқ бўлгани учун ноёб буюмлар ҳамда совғалар юборди. У Султонга хизматлари ҳурмати учун Фарразин қалъасини инъом этди. Фақат ундан йиллик товон пулини камайтиришни илтимос қилди. Бунинг сабабини у ўзининг кучсизлиги сабабли мамлакатининг чекка ўлкаларини гуржилар босиб олганлиги билан изоҳлади. Эндиликда аҳвол шундай бўлгандики, мамлакат бойликларининг бир қисми унинг (Султоннинг) қўлига ўтганди. Отабек Султонга мамлакат бир неча бўлакларга бўлиниб ётган бундай шароитларда одатдагидан кўпроқ солиқ йиғиш, товон пули тўлаш имконияти йўқлиги ҳақидаги хабарни етказди.

Султон унинг бу гапларига ишонди, уни товон тўлашдан озод қилди. Гуржиларга эса элчи юбориб, бу мамлакат ўзининг мулкига айланганлигини, унинг масжидларида номи хутбага қўшиб айтилаётгани, тамғаси билан тангалар зарб этилаётганини билдириб, унга босқинчилик қилмаслик тўғрисида огоҳлантирди.

Агар Султон бир сабабга кўра (бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз) Ироқдан тезлик билан орқага қайтмаганида Ўзбек унинг номига ўқитган бир хутба орқасида гуржилардан нима истаса, шуни олган бўларди. Чунки Султон орқага қайтгунга қадар эллик минг отлиқ лашкардан иборат бўлган сараланган қўшинига гуржиларга ҳужум қилиш тўғрисида буйруқ берган эди. Султон элчиси гуржилар ёнидан бу юртнинг элчиси ҳамкорлигида ноёб буюмлардан иборат совғалар билан қайтди. Аммо улар Султон орқасидан Жайҳунни кечиб ўтганларида етиб келдилар.

---

[1] *Фарразин* — Қаража яқинидаги мустаҳкам қалъа. Ҳозирги Ироқ яқинида жойлашган бўлган.

[2] Отабек Ўзбекнинг қочиши ҳақида Ибн Ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин асарларида ҳам берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[3] *Кобуд Жом* (*ҳозирги номи Ҳожилар*) — Астроболнинг Шарқий қисмида жойлашган маскан. Амир Декчек ушбу жойнинг амири ва Хоразмшоҳнинг испахболи бўлган. Шу билан бирга у Хоразмшоҳ қўшини девонидаги қурол-яроғ сақланадиган бўлмасининг бошлиғи — силоҳдор ҳам бўлган.

[4] *Майаниж* — ҳозирги Эрон Озарбойжонининг Мияна шаҳри. Оқ дарё-Наҳр ал-Абйад — Сафидруд.

[5] Урушда зарур бўладиган мусиқа асбоб-анжомлари сақланадиган жой табулхона дейилган.

[6] Котиб ал-иншо мансаби халифаликдаги сарой лавозимлари ичида энг қадимгиларидан бири ҳисобланади. Халифаликдаги ҳукмдорлар ўртасида ёзишмалар Муҳаммад пайғамбар давридан бошланган. Ўша пайтда бўлғуси халифалар Абу Бакр ва Али ибн Абу Толиб унинг котиблари бўлишган. Аббосийлар даврида Девон ал-иншо ташкил этилган. Бу девоннинг энг машҳур котиблари Яҳё ибн Холид ал-Бармоқий ва Ибн ал-Муқаффа бўлишган.

Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида мамлакат ичкарисидаги ҳамда бошқа давлатлар вакиллари билан ёзишмалар, ҳужжатлар Девон ал-Иншо ёки Девон ат-Туғрада тайёрланган. Девон бошлиғи қасидагўйлик усулини мукаммал билган одам бўлган. Ҳужжатлар тайёрланганда унинг мазмуни билан бирга шаклига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

8-БОБ

НУСРАТИДДИН МУҲАММАД ИБН ПИШТЕГИННИНГ АСИР ОЛИНГАНДАН КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ ҚАНДАЙ КЕЧГАНЛИГИ БАЁНИ

Номи аввал тилга олинган Нусратиддин Муҳаммадни ҳар куни майдонга олиб чиқишар, Султон тўп ўйнар, у эса тик турарди. Кунларнинг бирида Султон унга қараб қулоқларида иккита катта, худди билакузукдек келадиган исирғалар борлигини кўриб қолди ва ундан бу ҳақда сўради. Шунда у бундай деб жавоб берди: "Султон Алп Арслон ибн Довуд гуржиларга ҳужум қилганида Оллоҳнинг марҳамати ва ёрдами билан уларни мағлуб этди[1]. Уларнинг амирлари асир қилиб олиниб, саройдан зўрлик билан ҳайдаб чиқарилди. Лекин у асирларни озод қилди ва уларнинг ҳар бирига султон номи битилган бир жуфтдан чиройли исирға тайёрлашни буюрди. Буюртма айтил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гандай бажарилди. Орадан йиллар ўтиб, уларнинг (салжуқийларнинг) давлат устунлари барҳам топди. Уларнинг ҳаммаси бандаликни бажо келтирди. Фақат менинг бувам мусулмонликни қабул қилган. Шу сабабли унинг мамлакати ва авлодлари имон-эътиқод, исломнинг марҳамати туфайли омон қолган".

Шундан кейин Султоннинг кўнглида унга нисбатан меҳр пайдо бўлди. Унинг ўзида ҳам ана шундай довруқ таратиш ва бу мерос қолган тақинчоқ эгалари шон-шуҳратига қандайдир даражада алоқадор бўлиш истаги туғилди. Шу сабабли у уни дарров фахрий кийимлар билан сийлади. Уни майдонга чақиртириб, биргаликда тўп ўйнайдиган бўлди. У Ироқдан юртига қайтмоқчи бўлганда Султон унга энг яхши, олий даражадаги кийимлар совға қилди. Шунингдек, унга аждодларидан мерос бўлиб қолган жойларга, хусусан, Ахар, Варави шаҳарлари ҳамда уларнинг теграсидаги мулклар, қалъаларга ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқини фармон (тавқи) билан тасдиқлаб берди[2]. У ундан мамлакатнинг теграсига Ўзбек давлатидаги қайси шаҳар яқин деб сўради. У "Сароб шаҳри" деб жавоб берди[3]. Ва у (Султон) унинг аввалги мулкларига ушбу шаҳарни ҳам қўшиб беришга буйруқ берди ҳамда буни фармон билан тасдиқлади. Исирға эса ўзгартирилди: унга Султон номи битилди.

Нусратиддин асирлик ҳақоратидан қутулиб, қувонч ва бойликлар билан қайтди. Юқоридаги айтилган фармонда кўрсатилган Сароб шаҳри унинг мулкларига яқин бўлсада, Ўзбек қўли остида эди. Шу сабабли у ўзига берилган бу фармонни овоза қилмади, уни хазинасининг тўрида сақлади. Шу тариқа фармон Жалолиддин Ўзбекнинг қўлидан Табризни тортиб олгунча сир тутилди. Табриз босиб олингач, у уни олдиндан огоҳлантирмасдан, ўзаро ҳамкорлик тўғрисида қасамёд қабул қилмасдан Фармонни унга ҳавола этди. Жалолиддин Аловуддиннинг бу фармони билан танишгач, унинг фармойишини қайта тиклаш тўғрисида буйруқ беради ва уни ўз номидан тасдиқлайди. У уни (Нусратиддинни) бошқаларга нисбатан ўзига яқин олди, унга самимият ва қувонч улашди. Унга ва унинг авлодларига омад кулиб боқди[4]. "Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Оллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин".*

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1]Султон Алп Арслоннинг (1062—1072 йиллар) Грузияга юриши 1064 ва 1068 йилларга тўғри келади.

[2]*Ахар* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар. Варави — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар. Кейинчалик у Бишкин, ҳозир эса Пишкин деб юритилади.

[3]*Сароб* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[4]Пиштегинлар сулоласи — Ахар ва унга яқин бўлган қасабалар ҳукмдорлари (1155—1231 йиллар), Озарбойжон отабекларига қарам бўлган. Бу сулоланинг келиб чиқиши ҳақда бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Уларда айтилишича, Ахарнинг охирги ҳукмдори Нусратиддин Муҳаммад Пиштегин грузин амирларининг авлодлари деб қаралади ва улар Алп Арслон томонидан асир олинган дейилади.

Шу билан бирга Нусратиддин аждодлари қипчоқлардан келиб чиққан, улар грузинлар сафида туриб курашган, оқибатда Алп Арслон томонидан асир олинган, деган фараз ҳам бор. Нима бўлса ҳам тангаларда "БИШТИГИН" номи зарб этилган. Аслида Пиштегин ибн Муҳаммад (1155—1210 йиллар) отабек Абу Бакр (1191—1211 йиллар) номидан, Нусратиддин эса отабек Ўзбек номидан тангалар зарб қилдирган.

9-БОБ

ФОРС ҲУКМДОРИ ОТАБЕК САЪД ИБН ЗАНГИНИНГ БАНДИЛИКДАН ҚУТУЛИШИ БАЁНИ

Отабек Саъд асир тушганидан кейин унинг ўрнига Нусратиддин Абу Бакр ҳукмдорлик қила бошлади[1]. Сахийлиги, меҳрибонлиги, ҳаммага бемалол фикр айтиш ва эркинлик бергани учун амирларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Улар унга итоат этдилар ва ҳамма уни қўллаб-қувватлашга сўз бердилар.

Султон Форс давлатини тўла даражада босиб олиш учун имконияти йўқлигини англагач ва Боғдодга ҳужум қилиш фикри туғилгач, уни (Саъдни) асирликдан озод қилди. У эса эвазига тоғнинг баланд тепасига қурилган, халқ орасида забт этиб бўлмайдиган деган номга сазовор бўлган икки қалъасини — Истахр ва Ашканаванни инъом этди[2]. У бу қалъаларни ҳожиб ал-Муаййидга берди. Султон отабек Саъдни онаси Туркон хотун уруғидан бўлган аёлга уйлантирди[3]. Унга ҳар йили хазинасига мамлакати харажасининг учдан бир қисмини товон сифатида олиб келишни буюрди[4].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отабек юртига совғалар ва ҳурмат-эҳтиром билан қайтди. У мамлакатнинг пойтахти Шерозга келганда ўғли Абу Бакр уни шаҳарга киритмайди ва ҳокимиятни беришни истамайди. Унинг кўнглида отасига қарши курашишдек ёвуз ният пайдо бўлди, кўзларида итоатсизлик жилваланди, хуллас, отага қарши чиқди. Лекин шаҳар дарвозасини ундан яширин равишда мамлакатда таниқли инсон, отабек мамлукларининг етакчиси Ҳусомиддин Тегинтош очиб беради. Абу Бакр ҳузурига отаси кириб келганда даҳшатдан қотиб қолади. Отаси қўлидаги ялангочланган қилич билан унинг юзига уради ва из қолдиради. Уларни ўзаро аралашиб кетган икки томон одамлари ушлаб қолишади. Шундан кейин отабек уни қўлга олишни буюради, у ушланади ва зиндонга ташланади. Ўғил белгиланган муддатга қадар зиндонда сақланади. Отабек ўғли билан ярашади ва уни кечиради[5].

Отабек даврида Ҳусомиддиннинг обрўси ошади. У уни малик даражасига қадар кўтаради. Бу аҳвол Саъд ўлимига қадар давом этади. Шундан кейин унинг ўрнини ўғли Абу Бакр эгаллайди[6]. Ҳусомиддин шундан кейин бошига ташвиш тушишини ва ўлим соя ташлашини билиб отини эгарлайди. У ўзидан катта миқдорда бойлик, ҳатто юк ташийдиган ҳайвонлар ҳам кўтара олмайдиган буюмлар ҳамда пул қолдириб тун қоронғулигида йўлга тушади. Вақт уни аллақачон букчайтириб қўйганди. Кексалик уни чарчатади, у қабрдан чиққан майитдек аҳволга тушади ва шу тариқа зўрға Жалолиддин ҳузурига етиб бориб, унинг бағрида паноҳ топади. Жалолиддин унга Халхал қалъаси ва атрофидаги жой билан бирга қўшиб бошқаришни топширади[7]. Бу жойни Али Балбан ал-Отабекий босиб олган эди, у ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз. У (Ҳусомиддин) бу ерда тоторлар олти юз ўн саккизинчи (1221—1222) йилда бостириб келиб, то уни ўлдиргунча яшади[8].

---

[1]Хоразмшоҳ Муҳаммад отабек Саъдни асир қилиб олгач, уни қатл қилдирмоқчи бўлади. Бироқ Завзон ҳукмдори Нусратиддин Муҳаммад ибн Лознинг илтимосига мувофиқ унинг айбини кечиради. Отабек Саъднинг ўғли Нусратиддин Абу Бакр Қутлуғхон Форсга 1226 йилдан 1260 йилга қадар ҳукмдорлик қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[2]*Истахр* — Форснинг асосий шаҳар ва қалъаларидан бири. Бу ерда XVI асргача аҳоли яшаган. Унинг харобалари Шерозинг шимолий қисмида. Ашканаван — Истахрнинг шимолий-ғарб қисмида жойлашган қалъа.

[3]Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг онаси исмини Туркон деб эмас, Теркен деб ўқиш керак. Тадқиқотчиларнинг фикрича шундай. Лекин асли номи Туркон хотун.

[4]Рашидиддин ва Жувайнийнинг ёзишича, отабек Саъд Хоразмшоҳ хазинасига Форснинг йиллик маблағининг учдан икки қисмини топшириши шарт қилиб қўйилган. Носириддин ал-Байдавийнинг айтишича, отабек Саъд ан-Насавий келтирган шартлардан ташқари қизи Малика Хотунни Жалолиддинга эрга бериши, катта ўғли Зангини Хоразмшоҳ ҳузурига гаров тариқасида юбориши мажбурий бўлган.

[5]Отабек Саъднинг ўғли отаси асир тушганини эшитгач, ўзини ҳукмдор деб эълон қилди ва хутбада унинг номини қўшиб ўқитишни тўхтатди. Лекин Саъд Хоразмшоҳ қўшини ёрдами билан Шерозга, Абу Бакрга ҳужум қилди. Унинг қўшини дарров Саъд тарафга ўтди. Саъд яна Форсни эгаллади ва ўғлини Истахр қалъасига зиндонбанд қилди. Ибн ал-Асир бу хусусда бундай деб ёзади: "У (Саъд) ўғлини асир қилиб олиш орқали мамлакатини қўлга киритди. Уни зиндонга ташлаттирди ва у қозиргача ўша ерда эмиш. Бу ҳақда мен энди, яъни 620 (1223) йилда эшитдим".

[6]Отабек Абу Бакр кейинчалик узоқни кўра оладиган ҳукмдор бўлиб етишди. Мўғуллар босқини давлати келажагига хавф солишини олдиндан англаб укаси Тахамтанни катта совға билан Угадай қоон ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Қоон унга мулкига ҳукмдорлик қилишини тасдиқлайдиган суюрғол жўнатди ва Қутлуғхон унвонини берди.

[7]*Халхал* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[8]Бу ерда 618 йил санаси нотўғри берилган. Чунки Балбан ал-Холхолий унинг сафига 625 йилда қўшилган. Демак, юқоридаги сана 628 йил бўлганда ҳақиқатга тўғри келарди.

10-БОБ

СУЛТОННИНГ БОҒДОДГА ЮРИШИ ВА УНДАН ҚАЙТИБ КЕЛИШИ БАЁНИ

Султон Ироқни ўзига қарам этмоқчи бўлганлардан тозалаб, мамлакатни тўла бўйсундириб олгач, бу борадаги мақсадига эришгач, Боғдодга юриш қилишга чоғланди[1]. У олдинга шунчалик кўп қўшин юбордики, чўллар ва саҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ролар улар билан тўлиб-тошиб, ҳатто бу масканлар қанчалик катта, кенг бўлмасин ҳаммани бағрига сиғдира олмади.

Уларнинг кетидан ўзи ҳам йўлга тушди ва Асадобод довонига кўтарилди. У Ҳамадонда вақтлигидаёқ Боғдод вилоятларини мулкий иқтоларга бўлиб чиққан, бу борада тегишли фармонларга (тавқиатга) ҳам муҳр босганди. Тоғ довонида у (Асадободда) қорга дуч келди, водий ҳам, тоғ усти ҳам қор билан қопланганди. Қор уч кеча-кундуз тўхтовсиз ёғди, чодир ва ўтовларни ҳам босиб қолди. Аҳвол аш-Шоший ал-Қоффал тасвирлагандек бўлди[2].

Булутлар тўкар эди кўкдан кумуш тангалар,
Бу ҳосилдан ёпинмиш мармар тоғлар оқ либос.
Совуқ нафас уфуриб, еларди шабодалар,
Ёрдан жудо ошиқлар оҳ тортган каби бехос.

Айни пайтда, даволаб бўлмайдиган касаллик сингари бу фалокат ҳам хавф туғдира бошлади. Гарчи замин қордан оппоқ тусга кирган бўлса-да, лашкарлар орасидан кўплаб одамларнинг ўлими туфайли қорайди. Туялардан бирортаси ҳам омон қолмади. Баъзи лашкарлар қўлларидан, айримлари эса оёқларидан ажралдилар. Муваффақиятсизлик ва омадсизлик туфайли Султон ўз ниятларидан қайтди, бу борадаги хатти-ҳаракатларидан афсусланди.

У Шиҳобиддин ас-Сухравардийни, ўзи учун Оллоҳдан шафқат сўраган ва уни адолатсизликдан огоҳлантирган инсонни элчи сифатида қайтарди[3].

Султон аввал қилган ишлари, шафқатсизлиги, бошқаларни ҳурмат-иззат қилмаганлиги, ҳақиқатни тан олмаганлиги учун афсусланди. У фикри соғлом, Оллоҳнинг жаннат ва дўзахни яратганига қаттиқ ишонадиган, исломга содиқ бўлган ҳар бир одам бажариши зарур ишларни амалга оширмаганига ўкинди. У бу уй (Аббосийлар уйи) Оллоҳнинг ўзи ва унинг кўкдаги фаришталари қўллаб-қувватлаб турадиган маскан эканлигини англаб етди. Унинг бу (уйнинг) мавжудлиги ва фаолиятининг қанча давом этиш сир-синоати ёлғиз унга (Оллоҳга) аёндир. Кимки бунга қаршилик қилмоқчи бўлса, "у дунёю охиратда зиён кўрур. Бу эса очиқ-аниқ зиёндир".*

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1]Шихобиддин ас-Сухравардийнинг элчилик фаолияти муваффақиятсиз якунланганидан кейин халифа ан-Носир Боғдод ҳимоясига жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Хоразмшоҳнинг юриши 1217 йилнинг кузида бошланади. Лекин ан-Насавий ва бошқа муаллифларнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг юриши муваффақиятсизликка учрайди. Хулван яқинида Асадобод довонида Хоразм қўшинлари қор остида қолади. Кўплаб лашкарлар ҳалок бўлади, ҳайвонларнинг ҳаммаси қирилиб кетади. Орқага қайтаётганларнинг аксарияти бану Парчам ва бану Ҳаккар қабилаларининг кўчманчилари томонидан таланади, ўлдирилади.

[2]Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қоффал аш-Шоший — шофиъийларга мансуб. У Шошда 365 йил зулҳижжада (976 йил июль-августида) вафот этган. "Ал-Қоффал" (қулф ясовчи) лақабини ярим килограмм ҳажмдаги ғаройиб қулф ва калит ясагани учун олган. Мовароуннаҳрда шофиъийлар таълимотини тарғиб қилувчилардан бири бўлган. Абул Фидо у ҳақда бундай деб ёзади: "Бу йил (365), баъзан айтишадики, уч юз олтмиш олтинчи ёки уч юз олтмиш еттинчи йилда Абу Бакр тўлиқ номи Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қоффал аш-Шоший — шофиъийлар фақиҳи, ўз даврининг имоми вафот этди. Мовароуннаҳрда ўз даврида унга тенг келадигани йўқ эди".

[3]Бу ўринда Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ҳузурига иккинчи бор элчи бўлиб келган Шиҳобиддин ас-Сухравардийдан ўзи билан ан-Носир орасида туришни, халифадан "илоҳий" ғазабини камайтиришни сўраб бериш тўғрисида илтимос қилгани назарда тутилади. Хоразм қўшинларининг Хулван яқинидаги ҳалокати ўша давр мусулмон оламида Аббосийларга зиён етказишга уринганларга берилган илоҳий жазо деб баҳоланганди. Ибн ал-Асир бу ҳақда шундай деб ёзади: "Бу Аббосийларнинг марҳаматли қонадонига берилган энг яхши имтиёзларидан биридир. Агар кимки унга ёмонлик қилмоқчи бўлса, бунинг учун муҳаққақ равишда жазога тортилади. Хоразмшоҳ ҳам ана шундай мисли кўрилмаган бахтсизликка гирифтор қилинганлардан бўлди". "Аббосийларга қарши юриш султоннинг ўзига қарши бўлиб чиқди", дейди Жувайний.

[4]Манбаларда Хоразмшоҳ давлатини емиришга олиб келган кўплаб сабаблардан ташқари яна бир нарсага, халифа ан-Носир хоразмшоҳ Муҳаммадга қарши курашда мўғуллардан фойдаланганига ҳам ишора қилинади. Бу ўринда Ибн ал-Асир дастлаб сирлироқ фикр юритади: "Тоторларнинг мусулмонлар мамлакатига бостириб киришида бошқа сабаблар ҳам борки, улар ҳақида китоб саҳифаларида айтиб бўлмайди". Бошқа бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

жойда эса Ибн ал-Асир очиқроқ ёзади: "Агар ажамликларнинг гаплари рост бўлса, айнан у (халифа ан-Носир) тоторлар ҳузурига одамларни юбориб,уларни мусулмонлар мамлакатларига ҳужум қилишга ундаган. У бу фаолияти билан дунёда энг оғир жиноятга қўл урган". Ал-Макризий халифа ан-Носирнинг мўғулларга мактуби ҳақида бундай деди: "Унинг (ан-Носирнинг) ҳукмронлиги даврида тоторлар Шарқ мамлакатларини вайрон қилдилар. Улар Ҳамадонга қадар етиб бордилар.Бунинг сабаблари қуйидагилар бўлган эди: у уларга ҳақиқатан ҳам мактуб ёзиб, бу мамлакатларга босиб киришга ундаган эди. Чунки у султон Аловуддин Муҳаммаддан қўрқар, Хоразмшоҳ Боғдодни босиб олиб, бир пайтлари салжуқийлар давридаги сингари уни ўз давлатининг пойтахтига айлантиради, деб ўйларди". Халифа ан-Носирнинг Чингизхонга мактуби тўғрисида Ибн Восил бундай деб ёзади: "Хоразмшоҳ Боғдодга юриш қилганда Халифа тоторлар ҳукмдори Чингизхонга Султон мамлакатига ҳужум қилишга ундаб мактуб ёзади". Бу фикрнинг тасдиғини Абул Фидо, Сибт ибн ал-Жавзий, Мирхонд, Абулғозий асарларида ҳам учратиш мумкин.

11-БОБ

СУЛТОН ИРОҚҚА ЮРИШ ҚИЛИШДАН ОЛДИН ҚОНУНИЙ ЖИҲАТДАН ВА ЭҲТИЁТКОРЛИК ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ УЛГУРГАНИ БАЁНИ

Амалга оширилган тадбирлардан бири Зулқарнайн навбасининг тантанали ижро қилинишининг белгиланиши бўлди[1]. Аввалги пайтларда унинг ўзи учун, бошқа султонларга ибрат қилиб кўрсатиш мақсадида, беш вақт намозга монанд равишда кунига беш марта навба белгиланган эди. Бу аҳвол Оллоҳ унинг мамлакати қудратини юксалтириб, ўзининг мартабасини оширгунга қадар давом этди. Ироққа қарши юриши даврида у беш марта навбани ўғилларига — султонларга ҳақиқий мерос қилиб берди. Бу навбалар ўғилларига мулк қилиб берилган мамлакатларда султон саройларининг дарвозалари олдида ижро қилина бошланди. Уларнинг навбалар бўйича ҳуқуқлари, бу ҳуқуқлар ўғилларнинг ҳар қайсисига қай тарзда белгиланган тафсилотлари хусусида мавриди билан тўхталиб ўтамиз. У ўзи учун Зулқарнайн навбасини танлади. Бу навба

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуёш чиқиш ва ботиш пайтида ижро қилинадиган бўлди. Уни ижро қилиш учун йигирма еттита тилла ноғорадан, турфа ранглардаги таёқлардан ва бошқа мусиқа асбобларидан фойдаланилди.

Навба ижро этилиши белгиланган кун тантанали ва улуғвор кечиши учун, ўзининг қудратини кўрсатиб қўйиш учун йигирма етти мамлакатнинг машҳур ҳукмдорлари, султонларининг ўғиллари танлаб олинди. Улар орасида Тўғрул ибн Арслон ас-Салжуқийнинг ўғли, Fур, Fазна, Ҳиндистон ҳукмдори Fиёсиддиннинг ўғиллари, Бомиён ҳукмдори Малик Аловуддин, Балх ҳукмдори Малик Тожиддин, унинг ўғли, Термиз ҳукмдори ал-Малик ал-Аъзам, Бухоро ҳукмдори Малик Санжар ва бошқалар бор эди[2]. Унинг мақсади мамлакатлар ҳукмдорлари сонини йигирма еттитага етказиш эди, шу сабабли улар сафига жияни (укасининг ўғли) Эрбозхонни ва ўз мамлакати вазири Низомулмалик Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳни ҳам қўшди[3]. Навба ижро қилинадиган пайтда тилло ноғораларни чаладиганлар ана шулардан иборат бўлди.

Султон амалга оширган тадбирлардан яна бири қуйидагича эди. У Ироққа юришдан олдин сўзда уни тан олиб, амалда ўзига зимдан қарши бўлганлардан, бошқача айтганда, кул остидаги чўғлардан Моваroуннаҳрни тозалашни ният қилганди.

Давлатпаноҳ Наса шаҳрига Ўтрорнинг ҳукмдори Тожиддин Билкахонни жўнатди ва унга ўша ерда қолишни буюрди[4]. Билкахон унинг сафига қўшилган хитойилардан биринчиси эди. У шундай чиройли эдики, қоронғу тунни кундуз каби чароғон қилиб юборарди, юзидаги нур билан тун зулматини бартараф этарди. Султон Моваroуннаҳрни хитойилардан тортиб олганидан кейин у (Билкахон) ўз хоҳиши билан (Султон) хизматига ўтганди. Чунки улар орасида яқинлик бор эди. Бу яқинлик сабабли туғилган қиёмат қарзни, виждоний бурчни, фидокорликни куч билан бузиб бўлмасди. Султон Такиш вафотидан кейин Султон (Муҳаммад) давлати ҳали мустаҳкамланиб улгурмасдан ва бошқалар ҳужумига қарши зарба бериш имкони йўқ пайтида Шиҳобиддин ал-Fурий атрофига кўплаб кучлар ҳамда қўшинни йиғиб, Хоразмга юриш қилди. Шунда Тожиддиннинг ўзи амакиваччаси, Самар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қанд ҳукмдори, султонлар султони Усмон билан биргаликда қўшинларини, хитойилар тўдаларини оёқлантириб, Андхудда Шиҳобиддин ал-Ғурийга кутилмаганда ҳужум қилди[5]. Бу ҳақда Ибн ал-Асир ўзининг "ал-Комил" асарида батафсил маълумот беради. Унинг мард, довюрак дўстларидан, садоқатли лашкарларидан кўпчилиги бу ерда ҳалок бўлади. Тожиддин Султон тахтга ўтиргач, унга қилган бу ва бошқа хизматларим унинг менга ишончини кучайтиради, ҳурмат-иззатимни оширади, ишимда муваффақиятларга йўл очиб беради, деб ўйларди.

Билкахон Султон ҳузурига келганда у унинг аввалги хизматларини эслаб ҳурмат билан кутиб олди. Султон Ироққа юриш қилишини ўйлагунга қадар ана шундай муносабат сақланиб қолди. Шундан кейин Султон унинг Мовароуннаҳрда қолишини имконсиз деб топди ва уни Насага йўллаб, унга ўша ерда яшашни буюрди. Уни бошқа шаҳарга эмас, айнан Насага жўнатаркан, бу ер ниҳоятда иссиқ, касалликлар кўп, муҳити носоғлом эканлигини назарда тутганди. Бу ернинг одамлари доимо шикоят қилишар, яқинларидан ажраганлари учун уларнинг кўз ёшлари тинмасди. Туркийлар Насада ниҳоятда оз муддат яшардилар, уларнинг бу ердаги ҳаёти бефайз кечарди.

Юқорида айтганимиз (Билкахон) бу ерда бир йилдан ортиқроқ яшади. У тақдир бевафоликларини сабр билан енгди, бошига тушган ташвишлардан зорланмади. Сахийлиги ва ахлоқан поклиги учун унинг обрўси кундан-кунга ошиб борди. Бу ерда унинг ҳузурига саломлашиш учун кириб бирор совға олиб чиқмаган одам йўқ эди. Аксига олиб, Насанинг ҳавоси ва суви унга ёқиб қолди. У аввалгидан ҳам чиройли ва хушбичимроқ бўлди. Насанинг таниқли одамлари ҳам, халқи ҳам уни ёқтириб қолди, ҳар бир одам уни ҳурмат қиларди. Султон бу ҳақда эшитганидан кейин Билкахонга нисбатан муносабатини ўзгартирмаса, яъни унга ишонч, ҳурмат-иззатни йиғиштириб қўйиб, қаттиққўллиги, аёвсизлигини намоён қилмаса, кўзлаган мақсадига эриша олмаслигини тушунди. Шу учун у унинг ҳузурига тик қаддини букиб, кўзидан қонли кўз ёшларини оқизадиганларни юборди. Менга бу шармандали қотилликда иштирок этганлардан бири бундай ҳикоя қилиб берганди: "Бизлар султоннинг Насадаги вазири

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зоҳириддин Масъуд ибн ал-Мунаввар аш-Шоший ҳузурида эдик. Шунда кимдир унинг ёнига кириб Жаҳон Паҳлавон бир нечта одамлари билан келганини маълум қилди. Жаҳон Паҳлавон таштдор Аёз бўлиб, у таштдорликдан маликлик даражасигача, ўн минг отлиқ лашкарларга сарбозликкача кўтарилган одам эди[6]. У бошларни танасидан жудо қилувчи ва умуман, қатл ишларини амалга оширувчи бўлинманинг бошлиғи қилиб тайинланган эди. У бир гуруҳ одамлари билан келганди. Номи юқорида эслатилган вазир бу хабарни эшитиб даҳшатга тушди. У унинг келганидан ниҳоятда қўрқди, кулфат менинг бошимга тушадиган бўлди, деб ўйлади. Унинг секин нафас олишидан бўлак юзида ҳаёт аломати қолмади. Нафас олиши ҳам сал бўлмаса тўхтаб қолай деди. Кейин унга келганлар ҳоким уйи (дар ас-салтана) да тўхтаганлигини маълум қилишди ва "аз-Зоҳирни ўз одамлари билан тезликда олиб келинглар!" деган буйруқ берилганини эшитди. Аз-Зоҳир отига минди ва улар ҳузурига йўл олди. У отига минганда жиловини ушлашга ҳам мадори қолмаганди. У етиб боргач, Жаҳон Паҳлавон унинг қўлига фармонни (тавқни) тутқазди. Фармон ўқиб бўлингач, улар Малик Тожиддин Билкахонни бу ерга қандай таклиф қилишни маслаҳатлашади. Маслаҳатга кўра Султон саройида муҳим иш тайинлагани, бунда унинг иштирок этиши зарурлиги ҳам етказилади. У атрофидаги кузатувчи лашкарлари билан етиб келади. Унинг ёлғиз ўзини ертўлалардан бирига олиб киришади. Шундан сўнг жаллодлардан бири қўлида Билкахоннинг бошини ушлаган кўйи пайдо бўлади. Жаҳон Паҳлавон уни қопга солади ва улар келган йўлларидан ортга қайтадилар.

О ғаддор дунё, қанчалар бевафосан сен! Сенга инонмоқ қанчалар оғир! Шаҳидларнинг қабрлари узра сўз айтмоқ мушкул, уларнинг номларини санамоқ қийин. Зеро, бу ҳақда айтилганлардан ошириб айтиб бўлмас:

Бу дунёга ихлос қўйма, алам келтирур,
Аламлардан бошқа бирор фойда йўқдур.

Унинг барча бойликларини: ноёб буюмларини, баҳоси тенгсиз бўлган қимматбаҳо тошларини, гавҳарларини Султон хазинасига ўтказдилар".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон амалга оширган тадбирлардан яна бири Бухоро ханафийларининг раиси ва хатиби "Садр Жаҳон" номи билан машҳур бўлган Бурҳониддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Бухорийни Хоразмга жўнатиши бўлди[7]. Агар кимдир уни фақат Бухоронинг хатиби сифатида билган бўлса, у хатиблар ичида энг юқори даражага эришгани эди. Унинг беқиёс даражада кўп мулки, ери, уйлари бўлиб, обрўси улуғ, шон-шуҳрат чўққисига кўтарилганди. Шу билан бирга у ғоят сахий, қўли очиқ одам эди. Шу жиҳатдан уни фақат машҳур мулк эгалари, таниқли мансабдорлар билан муқояса қилишнинг ўзи камлик қиларди. Чунки унинг ғамхўрлиги, васийлиги туфайли қўл остида яшаган ва яшаётганлар сони олти минг фақиҳга яқинлашарди. У жавонмард, куч-қуввати тўлиб-тошган, ҳаракатчан инсон эди. Бу дунёни ёқимли ҳид таратиб турадиган ғуборга ўхшатарди. Унинг остонаси улуғ одамлар учрашадиган маскан, илмлар бозори эди. Бу бозорга энг яхши маҳсулотлар олиб келинар ва улар юқори баҳоларда сотиларди. У Хоразмда ҳам, тақдир бевафоликларига қарамасдан, совғалар улашишда давом этди. Бошқалар бундай совғаларни барча имкониятларга эга бўла туриб ҳам беролмаган бўларди.

Мустақил ҳаракат қилишдан, қонунлар чиқариш имконидан, ўз фикрларини очиқ-ойдин айтишдан маҳрум этилган Бурҳониддин Хоразмда Оллоҳ олдидаги қиёмат қарзини узиб, тақдир ҳукмига бўйсуниб ўлим шаробидан тотигунча яшади. У Туркон хотун ундан (Хоразмдан) қочаётган пайтда ўлдирилади.

Бурҳониддин Хоразмга кўчирилганидан кейин Султон унинг ўрнига Бухоронинг хатиби ва ханафийларнинг раиси қилиб ўз вазири Низомулмулкнинг укаси Маждиддин Масъуд ибн Солиҳ ал-Фаравийни қўяди. Унга "Садр Жаҳон" деган лақаб берилади.

Менга қози Мужириддин Умар ибн Саъд бир воқеани бундай ҳикоя қилиб берганди[8]: "Султон номини эслатганимиз Маждиддинни "Садр Жаҳон" унвони билан юқоридаги лавозимга тасдиқлаганидан кейин Бухорога келди. Султон иштирок этган анжуманда унинг ўзи хутба ўқиши буюрилди. Аммо Низомулмулк Мулк Муҳаммад укаси Маждиддин Масъудни ёмон кўрар, унинг юқори обрў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

эътиборга сазовор бўлишини истамасди. Бир гал мен масжидда Низомулмулк билан ёнма-ён туриб қолдим. Унинг укаси хатиб эса бу пайтда масжид минбарининг ўнг томонидаги хонасида эди. Низомулмулк менга бундай деди: "Агар сен бугун хутба пайтида унинг асабига тегиб, фикридан адаштирсанг, нима истасанг шуни бераман". Мен унга шундай дедим: "Шак-шубҳа йўқки, сен айтаётган иш ниҳоятда хавфли. Лекин мен бу ишни уддаласам, битта хачирни эгар-жабдуғи билан совға қиласан". У бунга рози бўлди.

Хутба пайтида хатибга имо-ишора қилиб бир неча марта қўлимни кўтардим. У ўқишдан тўхтади, то ўзига келгунча узоқ вақт жим қолди. Одамлар унинг одатига зид бу тўхталишларидан ҳайрон бўларди. Мен хачирни айтилган нарсалари билан бирга олдим. Шу билан айёрлигимиз ҳам барҳам топди. Кейин Маждиддин менга бу хатти-ҳаракатим учун койиганда унга бундай дедим: "Мен сенга хутба пайтида Султон шарафи учун овозингни баландроқ қилишга ишора қилдим. Сен эса бунга тушунмадинг". У менинг ўзимни оқлаш учун айтган гапимни қабул қилди". Юқорида номини эслатганимиз хатиб бу олий лавозимда Бухорони тоторлар босиб олгунга қадар турди. У шу шаҳарда ўлдирилди.

Султоннинг амалга оширган тадбирларидан яна бири самарқандлик шайхлар Жалолиддин, унинг ўғли Шамсиддин, укаси Авҳадиддинни қўзғолон кўтариб, низолар оловини кучайтирмаслиги учун Насага жўнаттиргани бўлди. Улар маърифат жабҳасида улуғликка эришган, дерярли барча фанларнинг тараққий этишида ўз ҳиссаларини қўшган олижаноб инсонлар эдилар. Авҳадиддин мунозара фанида мўъжизакор кучга эга бўлиб, у ал-Амидий билан бемалол баҳслаша оларди[9]. Унинг фикрлари, хулосаларининг нотўғри эканлигини яққол исботлаб бера оларди. Шон-шуҳрат борасида ан-Нишопурий билан мусобақалашар, унинг фикрлари асоссиз эканлигини кўрсатарди[10].

Авҳадиддин Насада қувғинликда ажал топди. У тақдир ёрдамида ўз насибасидан ортиғига эга бўлмади. Авҳадиддин ўлимидан кейин унинг акаси Жалолиддин Султон номидан Мозандаронда вазирлик қилаётган Амидиддин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ал-Деҳистоний таклифига кўра Деҳистонга кўчиб ўтди. У бу ерда яшаб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Тоторлар барча мамлакатларга ҳужум қилиб шаҳарлар аҳолисини қирғинбарот этганда ҳам у шу ерда яшаётган эди. Унинг шундан кейинги тақдири менга номаълум.

Ҳоли харобми-йўқми, узунми-йўқми дасти,
Ҳаловат излаб бориб, у ҳам йўлда адашди.

Султон амалга оширган тадбирлардан яна бири, унинг давлатни ўғилларига бўлиб бергани ва уларнинг ҳар қайсисини мамлакатларга ҳукмдор қилиб қўйгани бўлди. Хоразм, Хуросон, Мозандаронни бошқариш ҳуқуқини у ўз валиаҳди Қутбиддин Ўзлоғшоҳга берди. Фармонларини тасдиқлаш учун унга лақаб эмас, қуйидаги тарзда "Ислом амирининг ёрдамчиси, султон Санжарнинг ўғли Султон Абул Музаффар Ўзлоғшоҳ" деган ном берилди[11]. Уларнинг одатига кўра аслида валиаҳднинг лақаби туғрога ёзилмаган. У отаси ўрнини эгаллагандан кейингина унинг барча лақабларини олган.

Унинг (Қутбиддиннинг) икки акадан — Жалолиддин Мангуберди ва Рукниддин Ғурсанжтийдан олдин тахт вориси қилиб белгиланиши Султоннинг мавқеи юксак онаси Туркон хотун амрига бўйсунгани билан изоҳланади. Негаки Қутбиддиннинг онаси, унинг бошқа болаларининг онасидан фарқли ўлароқ, Туркон хотунга алоқадор бўлган Баёт уруғидан эди. Бу уруғ, ўз навбатида, Емек қабиласининг бўлакларидан бири ҳисобланарди.

Ғазна, Бомиён, ал-Ғур, Буст, Такинобод, Замин Давар ва Ҳиндистон билан чегарадош бўлган вилоятларни бошқариш ҳуқуқини катта ўғли Жалолиддин Мангубердига берди. Унинг вазири қилиб садр Шамсулмулк Шиҳобиддин Алп ал-Харавий тайинланди[12]. У Жалолиддинни болалари ичида кўпроқ суяр, унинг мардлигига тан берар, шу учун уни ёнидан, хизматдан узоқлаштиргиси келмасди. Айни шу сабабли Жалолиддинга берилган мамлакатларни бошқариш учун унга ўринбосар (ноиб) тайинланди. Ноибликка Кузбор Малик белгиланди. Ноиб ўша томонга жўнаб кетди, у ердаги ишларни йўлга қўйди, мамлакатни бошқариш санъатини яхши эгаллади. Қўшни ҳукмдорлар ҳам унга итоат этадиган бўлдилар. У бу ерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалолиддин тоторлар босқинидан кейин боргунга қадар турди. Бу ҳақда кейинроқ баён қиламиз.

Кирмон, Кеш, Макронни Султон ўғли Ғиёсиддин Пиршоҳга берди. Унинг вазири қилиб садр Тожиддин ибн Карим аш-Шарқ ан-Нишопурий тайинланди. У (Ғиёсиддин) ҳам ўз мулкига тоторлар босқинидан сўнг борди ва бу вилоятларни султон ўлими ҳамда Жалолиддиннинг Ҳиндистонга юришидан кейин Ироқни ҳимоя этадиган, ҳукмдорлик қиладиган одам қолмагунча бошқарди. Кейин Ғиёсиддин Бароқ ҳожибни Кирмондаги ноиби қилиб тайинлаб, бу ердаги мулкларни унга топшириб, шу билан ўзига ўлим истаб, Ироққа йўл олди[14]. Бу ва бошқа воқеалар хусусида ўрни келганда ҳикоя қиламиз.

Ироқ ҳукмдорлигини Султон ўғли Рукниддин Ғурсанжтийга ишониб топширди. У ўғилларининг ичида энг келишгани ва чиройлиси, ботиний жиҳатдан олижаноби эди. Унинг хати ниҳоятда чиройли эди. Ёшлик пайтларидаёқ Қуръони каримни кўчириб чиққанди. У адолатли, сахий қалбли, меҳрибон ва самимий эди. Унинг вазири қилиб Имомулмулк Муҳаммад ибн аш-Шадид ас-Савий тайинланди[16]. Ас-Савий кўп йиллар давомида Хоразмда вазир Низомулмулкнинг ноиби бўлиб хизмат қилди. У бу вазифада шундай миқёсга эришдики, ундан олдин бу лавозимда ишлаганлар буни орзу қилардилар, холос. Иқтидорлилиги, ишчанлиги, омадлилиги билан Султон олдида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганди. Султон унга ишонарди. Унинг Султон ҳузурида обрўси юксак бўлгани учун ҳам Рукниддиннинг вазирлиги ишониб топширилди. У вазирликда барча ишни ўз қўлига олди. Рукниддин унинг ўзбошимчалиги ва мустақил фаолият кўрсатишини хушламасди. Бироқ ўз хоҳиши ва истагига зид ўлароқ унга ён босишга мажбур эди. Чунки Султоннинг унга муносабати яхшилигини биларди.

Рукниддиннинг фармонлари учун "Ислом амирининг энг яқин дўсти, улуғ султон Муҳаммаднинг ўғли, юксак мартабали султон Рукн ад-Дунё ва-д-Дин Абу-л-Ҳорис Ғурсанжтий" деган туғро танланди... Унинг номига Ғурсанжтий сўзининг қўшилиши бежиз эмас. Айтишларича, Султон Ғурнинг босиб олиниши ҳақидаги хушхабарни эшитган куни у туғилган ва шу сабабли бу сўз унинг ис-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мига қўшилган. Султон уни Жибил ҳукмдори Хазорасп-нинг қизига уйлантирган[17]. Бу султоннинг қўшниларидан бирига нисбатан самимий муносабати ифодаси эди. Булар хусусидаги батафсил маълумотларга кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

---

[1] Хоразмшоҳ Муҳаммад бир қанча мамлакатларни ва вилоятларни қарам қилгач, уларнинг ҳукмдорлари, султонлари, маликларини, оила аъзоларини асир олгач, қудратли давлат барпо этади. Бу давлат мусулмон оламидаги бошқа давлатлардан улуғворлиги билан ажралиб туради. Шунга монанд тарзда Султон саройда ўтадиган анжуманларни, тадбирларни ҳам шоҳона ва тантаналироқ ўтказишга интилади. Бу ерда ўтадиган ҳар бир тадбир унинг қудратини намоён қилиши керак эди. Зулқарнайн навбасининг белгиланиши ҳам шундан дарак беради. Хоразмшоҳ қайтиш навбасини чалишни асир султонлар ва маликларга буюрган.

[2] *Рукниддин Тўғрул III ибн Арслон* — Ироқ салжуқийлар сулоласининг охирги вакили, 1176—1194 йилларда ҳукмронлик қилган. Fиёсиддин Муҳаммад ибн ал-Fурийнинг (1203—1206 йиллар) ўғиллари Fиёсиддин Маҳмуд 1206—1212 йилларда, Баҳовуддин Сом II 1212—1213 йилларда ҳукмронлик қилган. Аловуддин Отсиз 1213—1214 йилларда ҳукмронлик қилган. Тожиддин Занги 1213 йилда асир олинган. Ибн ал-Асир Балх ҳукмдори Имодиддин эди деб ёзади. У ҳолда Термиз ҳукмдори Имодиддиннинг ўғли бўлиб чиқади. Бухоро ҳукмдори Санжар "малик" дейилади. Аслида у қасқон сотувчининг ўғли бўлади. Бухороликларнинг қўзғолонига бошчилик қилиб, у шаҳарни Хоразмшоҳдан сал олдинроқ босиб олган эди. Санжар 1207 йилда асир олинган.

[3] *Эрбозхон* — Тўғон Туғдинининг ўғли, хоразмшоҳ Такишнинг невараси. У 1196 йилда Исфахонга волий қилиб тайинланади. Минувий унинг номини "Утурхон" деб ёзади. Низомулмулк Муҳаммад ибн Солиҳ 7 йил давомида хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммаднинг вазири бўлган. Кейин унинг онаси Туркон хотунга вазир бўлади. У аслида қуллар авлодидан бўлган. Хоразмшоҳ уни девон ишларида маблағни ортиқча ишлатгани, камчиликка йўл қўйгани учун вазирликдан четлаштиради. Шундан кейин Туркон хотун саройида "унинг ишлари" билан шуғулланади. Хоразмшоҳларнинг барча вазирлари, салжуқийларда бўлгани сингари "Низом- ул-мулк" ("Давлат тартиблари") лақабини олишган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[4] *Наса* — ушбу асар муаллифи ан-Насавийнинг юрти. Унинг харобалари Ашхободдан 18 километр узоқликда жойлашган.

Хоразмшоҳ Муҳаммад йўлимга тўғаноқ бўлмасин деган ниятда кекса ҳукмдорлар сулолалари вакилларини турли йўллар билан йўқ қилишга киришади. Ана шундай шубҳали деб ҳисобланганлар орасида Ўтрор ҳукмдори Тожиддин Билкахон ҳам бор эди. У қора хитой хонлари орасидан биринчи бўлиб Хоразмшоҳ томонга ўтганди. У бу ишимни Хоразмшоҳ тақдирлайди, деб кутганди. Бироқ Хоразмшоҳ жаллод Аёз Жаҳон Паҳлавон бошчилигида 10 минг кишилик бош олувчилар қўшинини ташкил этиб, ўзига ёқмаган одамларни йўқ қилдирарди.

Билкахон Хоразмшоҳ томонидан Насага юборилади, бир йилдан кейин, 1217 йилда Аёз томонидан ўлдирилади, боши эса Хоразмга жўнатилади. Жувайнийнинг айтишича, "малик Тожиддин Хоразмшоҳга қарши чиқади, лекин жангда мағлуб бўлади".

Ўтрор (аввал Фароб бўлган) — шаҳар харобалари Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилишига яқин жойда. Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробийнинг юрти.

[5] *Усмон ибн Иброҳим IV* — қорахонийлар сулоласининг (992—1211 йиллар) Самарқандда 1204—1211 йилларда ҳукмдорлик қилган охирги вакили. Хоразмшоҳ томонидан тахтдан туширилган. Андхуд (ҳозирги Андхой) — Афғонистондаги шаҳар.

[6] *Таштдор* — саройдаги лавозим, ҳукмдорлар қўлини ювганда тоғора (ташт) тутувчи. Таштхона — саройда тоғоралар сақланувчи хона.

[7] *Бурҳониддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Бухорий* — Бухоронинг меросхўр раислари сулоласи вакили. Бухоро раислари "Садр Жаҳон" унвонига эга бўлишган. Улар шаҳар ҳукмдорлари бўлиб, аҳолидан маблағ йиққанлар.

[8] *Қози Мужириддин Шараф ал-Ислом ибн Саъд ал-Хоразмий* — кейинчалик хоразмшоҳ Жалолиддиннинг Рум ҳукмдори Аловуддин Кайқубод I ҳузурида элчиси бўлган.

[9] Рукниддин Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Амидий ас-Самарқандий — 1218 йилда Бухорода вафот этган. Ҳанафийлар фақиҳи. У "Китоб ал-хайа алал-маъни фи идрак ал-инсани" фалсафий асарининг муаллифи. Буни аслида ҳинд фалсафий трактати "Амртакунда"нинг таржимаси дейишади.

[10] *Радиаддин Абу Жаъфар Муҳаммад ан-Нишопурий* — ҳанафийлар фақиҳи. Рукниддин ал-Амидийнинг устози. 1201—1202 йилларда вафот этган.

[11] Хоразмшоҳ Муҳаммад 1210 йилда қора хитойлар устидан ғалаба қозонганидан кейин "Султон Искандари соний" унвонини олади. Аммо кейинчалик уни бу унвон ҳам қаноатлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирмайди. У салжуқийларнинг узоқ вақт ҳукмронлик қилган ҳукмдори султон Санжарни (1118—1157-йиллар) эслайди ва ўзига "Султон Санжар" лақабини олади. Шу сабабли валиаҳди номини "Ўзлоғшоҳ ибн Санжар" деб ёздиртиради. Шоир Зиёвуддин Форсий Хоразмшоҳнинг қора хитойлар устидан ғалабасига бағишлаб ёзган қасидасида Муҳаммадни "Султон Аловуд-Дунё Санжар, форслар шоҳи Искандари соний" деб атайди.

[12]Ғазна — Афғонистондаги шаҳар. Ўрта аср Ғазнасининг харобалари ҳозирги Ғазнадан шимолроқда жойлашган. Ғазна уч марта вайрон қилинган. Биринчи марта 1148 йилда ғурлар томонидан. Иккинчи марта 1221 йилда Чингизхон томонидан. Учинчи марта 1326 йилда Хулогухон томонидан. 1161 йилга қадар Ғазна Ғазнавийлар давлатининг (926—1168-йиллар) пойтахти ҳисобланган. Ал-Ғур — Афғонистон марказидаги вилоят. Буст — Афғонистондаги шаҳар, ҳозир Қалъаи Бист дейилади. Такинобод — ҳозирги Қандаҳор. Замин Давар — Сижистон ва Ғур оралиғидаги вилоят. Жалолиддиннинг вазирининг исмини Жувайний Шамсулмулк Шиҳобиддин Сарахсий, Жузжоний Шиҳобиддин Асп Сарахсий деб ёзади.

[13]Кузбор Малик турли манбаларда ҳар хил ўқилади.

[14]*Бароқ Ҳожиб* — Кирмонда Қутлуғхонлар сулоласининг (1222—1303 йиллар) асосчиси.

[15]Рукниддин Ғурсанжтий. Ғурсанжтий исмига тўғри изоҳ берилган. Бу ўринда "санж" сўзи санчиш маъносини беради. Бу сўз шу ҳолида Маҳмуд Кошғарийда учрайди. Демак, Ғурсанжтий — ғурларга санчилган ўқ маъносини билдиради.

[16]Имодулмулк Муҳаммад ибн ал-Шадид ас-Савий -ҳақиқатан ҳам "ақл-идрокли, ўз сўзини ўтказа оладиган вазир" эди.

[17]*Нусратиддин Хазорасп (1203—1252 йиллар)* — Луристон ҳукмдорлари сулоласининг отабеги. Хазораспийлар 1155—1423 йилларда шарқий ва жанубий Луристонга ҳукмдорлик қилишган.

12-БОБ

СУЛТОННИНГ ИРОҚДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАНИДАН КЕЙИНГИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Султон Ироқдан қайтиб келаётиб Нишопурга кирди. У бу ерда Кирмон волийси ва унинг ноиби Муваййид ал-Мулк Қавомиддиннинг ўлими тўғрисида эшитди. Шундан кейин Султон ўғли Ғиёсиддинни Кирмон, Кеш, Макрон ҳукмдори қилиб тайинлади. Ғиёсиддин ўша ерга

www.ziyouz.com kutubxonasi

отланди ва давлат ишларини мустаҳкамлашга киришди. У Ироқ мамлакати ҳукмдорсиз қолгунга қадар бу ерда турди. Кейин бирорта қаршиликка дуч келмасдан уни босиб олди. Жалолиддин Ҳиндистондан қайтиб келиб кутилмаганда Райга ҳужум қилгунга қадар бу ерда, Мозандарон ва Хуросонда унинг номидан хутбалар ўқилди. Султон ундан Ироқни тортиб олди. Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Муаййид ал-Мулк оддий халқ орасидан етишиб чиққан, Султон ғамхўрлиги ва тақдир иноятн билан малик даражасига эришган инсон эди. Бунга эришиш осон эмасди. Унинг ҳаёти бундай кечганди: у Завзон ҳукмдори Нусратиддин Муҳаммад ибн Лозни эмизган аёнинг ўғли эди[1]. Нусратиддин уни ўзининг Султон саройидаги алоҳида ишлар бўйича элчиси қилиб тайинлайди. Муаййид ал-Мулк унга алоҳида ташриф ишлари бўйича маслаҳатлар беради. Бироқ унинг (Муаййид ал-Мулкнинг) кўнглида ўзига меҳрибонлик қилган одамдан узоқлашиш, унинг ўрнига ҳукмдор бўлиш нияти туғилади. У Султонга ўз ҳукмдори бошқа диндагилар ҳамкорлик қилиши, ботинийлар билан яширин алоқаси борлиги ҳақида маълумот етказади. Кейин унинг (Нусратиддиннинг) ҳузурига келиб "Султон сени ботиний деб гумон қилмоқда, унинг бу шубҳасининг якуни сен учун яхшилик келтирмайди, деб ўйлайман", дейди. Шунда уни қўрқув босди. Шу тариқа у исмоилийлар томонга ўтди ва уларнинг Завзонга чегарадош бўлган қалъаларидан бирида яшай бошлади.

Қавомиддин шу заҳотиёқ бу ҳақда Султонга нома юборди. У эса унга Завзон вазирлигини топширди ва вилоятнинг бойликларини ўз хазинасига олиб келишни буюрди. У худди Султон айтгандек қилди. Кейин у бу иш билан ҳам қаноатланмади. Нусратиддиндан хавфсиради. Шу сабабли унга мактуб ёзиб, Султон билан муносабатлар яхши йўлга қўйилди деб алдади. У бу ёлғонга ишонди ва Завзонга қайтиб келди. Қавомиддин уни ўзига қарам қилиб олди ва кўзига мил торттирди. У келгусида қасос ўчи ўзига қайтишини ўйламасди. Шу тариқа яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарди.

У Завзон ҳукмронлигига мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин Кирмон ҳукмдорини, Малик Динор авлодла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридан бирини тахтдан тушириб, мулкини ўзига қарам қилиб олишни ўйлай бошлади[3]. Шу мақсадда у Султонга нома ёзиб, Кирмонни босиб олишга ундади. Агар у Хуросоннинг Завзонга яқин бўлган жойларидаги қўшинларидан бирини ёрдам учун берса, бу ишни ўзи амалга оширишини билдирди. У (Султон) унга Иззиддин Жилдоқ бошчилигидаги қўшинларни ёрдамга юборди. Қавомиддин қисқа вақт ичида Кирмонни босиб олди ва Султонга катта миқдорда бойликлар, одамлар, отлар, қушлардан иборат совға юборди. Султон унинг хатти-ҳаракатларини маъқуллайди, камтарона фаолияти доирасидан давлатнинг ҳукмронлик чўққисига олиб чиқди, унга номаларида малик деб мурожаат қилди ва Муаййид ал-Мулк лақабини берди. У уни Кирмоннинг ноиби этиб тайинлади ҳамда бу мулкни иқто қилиб берди. Муаййид ал-Мулк бу ерда қонун асосида адолат билан иш юритди. Оқибатда Кирмон аҳолиси икки баравар кўпайди. Унинг шахсий мулкида ҳам турфа турдаги моллари сони ошди. Кирмондан йиғиладиган хирожлар бу бойликлар олдида арзимас бўлиб қолди.

Султон Ироқдан қайтаётиб туяларини йўқотиб қўйганда у (Муаййид ал-Мулк) унинг учун Нишопурга "ан-нажот ат-Туркиййат" наслидан бўлган тўрт минг туяни етказиб берди. Унинг ўлимидан кейин Султон хазинасига бошқа бойликларидан ташқари, етмиш қоп олтин юборишди. Қопдаги олтинларни Султонга у тоторлардан қочиб кетаётиб Жайҳун бўйида турган пайтида етказишди. Олтин тўла қоплар оғзи очиқ ҳолда Султон хазинасидан олиб келинаётган бошқа қимматбаҳо буюмлар билан биргаликда Жайҳунга ташланди.

Султон Ироқдан қайтаётиб Нишопурда анча пайт тўхтаб нафас ростлади ва Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳни вазирликдан четлаштирди. Бунинг сабаби кўп эди. У Низомулмулкни турли сабаблар билан кўп марта ёмон ишлари хусусида огоҳлантирганди. Порага ўчлиги учун жазолашни ният қилиб қўйганди. Шунингдек, унинг фаолиятида турғунлик юзага келган, аҳволни яхшилаш учун бирор ҳаракат қилмаётган эди. Қисқаси, бу одамда вазирлик мансаби учун ибрат қилиб кўрсатадиган бирор ижобий хислат йўқ эди, аксинча,

www.ziyouz.com kutubxonasi

такаббурлик, исрофгарчилик авжига чиққанди. Султон уни вазирликка юксак лаёқати учун эмас, балки у онасининг ғуломи, аниқроғи, ғуломининг ўғли бўлгани учун олганди.

Ўша пайтда Султон собиқ вазири Низомулмулк Муҳаммад ибн Низомулмулк Баҳовуддин Масъуд ал-Харавийни мансабидан четлаштирганда бу лавозимга кимни қўйиш тўғрисида онасидан маслаҳат сўраганди. У эса унга юқорида номини тилга олганимиз ғуломини вазир қилиб тайинлашни маслаҳат берганди. Султон онаси катта ва кичик, аҳамиятли ва аҳамиятсиз бўлсин, бирор иш юзасидан буйруқ берганда икки сабабга кўра ҳеч қачон қаршилик қилмасди. Биринчи сабаби: ота-онасига бўлган муҳаббати туфайли эди, онаси ундан кўп ишларда ёрдамини аямаганди. Иккинчи сабаби: давлат тепасидаги кўплаб амирлар онаси уруғидан эди, Султон улар билан бирга хитойиларга қарши курашиб, улар мамлакатини тортиб олганди. Ана шулар учун ҳам у юқоридаги номини эслатганимиз, яъни онаси тавсия этган одамни қанчалик хушламасин, ёмон кўрмасин — дардини ичига ютиб вазирлик лавозимига қўйган эди. Орадан кўп ўтмай Султон у ҳақда эшитгиси келмаган маълумотларга ҳам қулоқ тутишга мажбур бўлди. Бунинг устига Хоразмшоҳнинг ўз яқинлари ҳам у тўғрисида таъна ва танбеҳларни оғзаки равишда билдира бошлади. Бундай аҳвол у (Султон) Ироқдан қайтаётиб то Нишопурга келиб тўхтагунча давом этди.

Бу пайтда Нишопур қозиси Рукниддин ал-Мугисий, қўшин қозиси эса Садриддин ал-Жандий эди[4]. Садриддиннинг Султон билан яқинлиги аждодлари хизматлари туфайли эди. Улар султон Такиш Жандда пайтида хизматида бўлгандилар. Чунки султон Такиш ўша вақтда отаси Эл-Арслон томонидан иқто этиб берилган мулки Жандда ҳукмдорлик қилган[5]. У (Садриддин), юқорида кўрсатилган имкониятлардан ташқари, яхши нотиқ, ташқи кўринишдан ёқимтой, олижаноб одам эди. Султон унинг олижаноблигини аждодлари хизматларини назарда тутиб унвонини оширди, Нишопур ва унинг атрофидаги мулкларнинг қозиси қилиб тайинлади. Султон уни ўз тенглари ичида улуғлади ва эътиборни қаратди. У уни фахрий

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийим-бош, бошдан-оёқ ясантирилган от билан тақдирлади. Шунингдек, унинг уруғидан бўлган йигирмадан ортиқ одамга, ноибларига, вакилларига ҳам мукофотлар берди. Шу билан бирга ҳожибларидан бири орқали унинг Низомулмулкка совға бермаслигини, хизмат юзасидан ҳам учрамаслигини тайинлаб бундай деди: "Сенинг хизмат қилиш қобилиятинг борлигини мен англадим, сени юксак лавозимга тайинлаган ҳам мен бўламан. Шу сабабли ҳеч ким сендан хизмати эвазига тақдирлов сўрашга ҳақи йўқ. Бу ерда сен тақдирлов беришинг керак бўлган хизмат ҳам бўлгани йўқ!"

Лекин кимдир Низомулмулк номидан яширинча келиб уни (Садриддинни) бундай эҳтиётсизликнинг охири ёмон бўлишидан огоҳлантиради. Унга бундай дейди: "Шуни яхши билки, ҳар доим Султон ҳимоясида бўлавермайсан, девонга нисбатан эса ҳурматсизлик қилма". Шунда қози бу гапдан хавотирланди ва Низомулмулкка тўрт минг динор солиниб оғзи муҳрланган халтачани элтиб беради. Низомулмулк ёнига қўйилган айғоқчилардан бири қозй қилган ишлар хусусида Султонга маълумот беради. У қози яширин равишда унга (Низомулмулкка) берган нарсани ўзига келтиришни сўрайди. Муҳрланган халтача Султонга олиб келиб берилади. Қози мажлисда қатнашаётганда Султон ундан Низомулмулкка нима олиб бориб берганлиги ҳақида сўрайди. У вазирга динор ҳам, дирҳам ҳам бермаганлигини, бу ҳақдаги гаплар ғирт ёлғонлигини айтиб, боши эвазига Султонга қасам ичади. Шунда Султон ўша халтачани олиб келишни буюради. Халтачани олиб келиб қози олдига қўйишади. Унинг эса бу аҳволдан чиқиш учун бўйин эгиш, кўзи билан ер чизишдан бошқа иложи қолмайди. Кейин Султон янги қозига берилган фахрий кийим-бошларни тортиб олиб аввалги қозига беришларини буюради. Кийим-бошлар аввалги қозига берилади ва у ўз лавозимига тикланади. Садриддиннинг қозилик лавозимига қўйилиши ва озод қилиниши ўртасида бир ёки икки кун ўтади. Султон Жаҳон Паҳлавонга Низомулмулк чодири унинг устига йиқилиб тушиши учун ипларини кесиб ташлашни буюради. Буйруқ бажарилади. У вазирига шундай деди: "Ўз устозингнинг эшигига йўқол!" Яъни уни Султон онаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳузурига жўнатади. У (Низомулмулк) қўрқув ва ваҳима аралаш шу заҳотиёқ йўлга тушади. Султоннинг ғазаби боис Хоразмга соғ-омон етиб боролмайман, деб ўйлайди.

---

[1]Бу ҳақда 9-бобда айтилган.

[2]Вазирлик мансаби вилоят ёки шаҳарларда ноибликдан кейин иккинчи ўринда турган. Бу раҳбарлик лавозими фақат Хоразмшоҳлар давлатидагина мавжуд бўлган. Бу мансабга ўша давр қоидасига мувофиқ туркийлар қўйилмаган. Бу вазирлар Хоразмшоҳга ёки унинг вазирига бўйсунган. Ушбу лавозим салжуқийлар саройидаги вакил мансабига тўғри келган. Ушбу асар муаллифи ўша пайтда Наса вазири бўлган.

[3]*Малик Динор* — ўғузлар йўлбошчиси, улар салжуқийлар сулоласининг Кирмондаги (1041—1186 йиллар) фаолиятига барҳам берган. Динор Кирмонга 1186—1195 йилларда ҳукмронлик қилган. Юқоридаги воқеалар Кирмонни Динорнинг ўғли Ажамшоҳ бошқараётган пайтда рўй берган бўлиши мумкин. Баъзи манбаларда эса Кирмонни ўша вақтда, яъни 1211 йилда Форс отабеги Саъд ибн Зангининг жияни малик Имодиддин Муҳаммад ибн Такл бошқарган дейишади. Имодиддинни Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз ҳузурига чақиради ва меҳрибончилик кўрсатади. Унга Кирмонни қайтариб бериш ваъда қилинади, аммо йўлда қайтаётганда Шибонқора ҳукмдори Қутбиддин ибн Музаффариддин томонидан ўлдирилади. Шибонқора вилояти Форс давлатининг бир қисми ҳисобланади.

[4]*Рукниддин Али ибн Иброҳим ал-Мужгис* — Нишопурнинг бош қозиси. 1221 йилда Чингизхоннинг ўғли Тулихон Нишопурни қамал қилганда шаҳар аҳолиси хун тўлаш шарти билан уни вайрон қилмасликка кўндириш мақсадида Рукниддин бошчилигида элчилар юборади. Лекин Тулихон уларни қабул қилмайди. Рукниддинни эса ўлдиртиради.

Хоразмшоҳлар қўшинида ҳам салжуқийлардаги сингари қўшин қозиси бўлган. Улар қўшин ичидаги диний-ҳуқуқий зиддиятларга барҳам берганлар.

[5]*Жанд* — Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ўрта аср шаҳри бўлган. Эндиликда вайроналари қолган.

Абул Фатҳ Эл-Арслон — 1156—1172 йилларда ҳукмронлик қилган Хоразмшоҳ, Жалолиддиннинг бобосининг отаси бўлган. У Жандда ҳам ҳукмронлик қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

13-БОБ

НИЗОМУЛМУЛКНИНГ ВАЗИРЛИКДАН ЧЕТЛАШТИРИЛГАНИДАН КЕЙИНГИ АҲВОЛИ БАЁНИ

У Нишопурдан Хоразмга йўл олди, йўлни одатдагидан икки-уч карра тезроқ босиб ўта бошлади. Чунки у соғ-омон қайтиш бахтига эришганидан хурсанд эди. У Марж Шойиққа, Хурандиз қалъаси яқинидаги машҳур яйловлардан бирига етиб келди[1]. Бу ерда мен туғилганман, у аждодларимизнинг юрти ҳисобланади. Шу учун отам ўрнига мен, одатдагига кўра, совға-саломлар, озиқ-овқатлар билан унинг хизматига ҳозир бўлдим. Уларни Журмани деган ўтиш жойига, мулкимизга тегишли бўлган масканга бошлаб бордим. Бу ерда Хабур дарёси ирмоғи сингари суви бўлган булоқ бор эди[2]. Булоқ бўйига учта чодир тиклатдим, улардан бири атласдан эди. Ўша куни унинг хизматкорлари билан биргаликда уч марта навбани ижро қилдим. У гарчи вазирликдан четлаштирилган бўлса-да, қаерга бормасин, атрофини етим-есирлар ўраб олар, арзчилар адолатсизликдан шикоят қилиб, ҳақиқатни қарор топтиришга ёрдам беришини сўрарди. Унинг хизматдан четлаштирилганини айтишга ҳеч ким ботинолмасди. Ўша куни кечқурун у чодири олдига вазирлик тахтини қўйиб ўтириб олди. У Султон ҳузуридан чиққанидан кейин, унинг одамларидан ким таъқиб қилиб келаётганини билиш учун йўлларга отлиқ хабарчиларидан қўйиб келаётган эди. Шу пайт отлиқ хабарчилардан бири келиб ҳожиб Эрбоз ибн Саъдаддин Саҳм ал-Ҳашам яқинлашаётганини маълум қилди[3]. Бундан унинг рангининг қони қочиб, кўнглига ғулғула тушди. Келаётган меҳмондўстлик элчисимикан ёки бахтсизлик хабарчисимикан дея ўйга ботди. Бу аҳвол келаётган одам унинг ҳузурига яқинлашиб, бўйин эгиб салом бергунча давом этди. Шундан сўнг собиқ вазирнинг кўнгли ором топди, ҳожибнинг келишига нисбатан шубҳали муносабат йўқолди. Ва ундан келишининг сабабини сўради. У "Султон вазирлик девонининг дафтарларини, ёзувларини, архив ҳужжатларини, котибларни, молиявий назоратчиларни талаб қилаётганини" билдирди. У бундан хурсанд бўлди, унга девон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг барча ҳужжатларини топширди ва котибларни, молиявий назоратчиларни улар билан бирга орқага қайтарди. Ўзи эса ўлим чангалидан қутулган ва қутулмаганига ишониб-ишонмай Хоразм томон гўё қанот боғлаб учди.

Унинг Хоразмга келиши тантанали кечди. Чунки Туркон хотун уни кутиб олиш учун шаҳар аҳолисининг каттаю кичик, амалдору фақир — ҳаммасини жалб қилган эди.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлганлардан бири у ҳақда шундай ҳикоя қилиб берди: "Хоразмда ханафийлар тарафдорларининг етакчиси (раиси) Бурхониддин анжуманга кечикиб келувчиларнинг охиргиси бўлиб қолди. У кексалиги ва кучсизлиги сабабли кечикканини айтиб узр сўради. Шунда вазир (Низомулмулк) бундай деди:

"Ҳа, бу кечикиш баданнинг кучсизлиги учун эмас, мақсаднинг кучсизлиги сабаблидир". Кейин, бир неча кундан сўнг вазир бу кечикиш учун қасос олди. У унинг (Бурхониддиннинг) ҳузурига туркийни йўллаб, ундан юз минг динор ундириб келишни буюрди".

Каримиддин ат-Тойфурий Хоразм вилоятларидан бирида Султон амили эди. Амил — волий дегани, Хоразмда у шундай номланган[4]. Носириддин уни ҳузурига чақириб, катта миқдорда пул тўлашга мажбур қилади. Каримиддин унинг қўлидан қутулиб Мовароуннаҳрга Султон хизматига боради ва Носириддиннинг аҳмоқона феъл-атворидан шикоят қилади. Султон Хоразмга Иззиддин Тўғрул бошчилигида қўшин юбориб, Носириддиннинг бошини олиб келишни буюради. У Хоразмга яқинлашганда Туркон хотун Султоннинг нияти ва қароридан тўла хабар топган эди. Унинг бу ишни амалга ошириш учун келаётганини билиб, уни ҳузурига олиб келишни буюрди. У (Туркон хотун) унга (Иззиддинга) Носириддин вазирлик курсисида ўтирган пайтда девонхонада бўлишини тайинлади. (Бундан олдин у Носириддинга Хоразм ҳукмдори, Султон тахтининг валиаҳди Қутбиддин Ўзлоғшоҳнинг вазири лавозимини топширган эди). Айтилган пайтда Иззиддин девонхонада бўлади. Шунда унга бу ерга йиғилганлар гувоҳлигида Султоннинг Носириддинга саломини етказишни ва унинг номидан "Менинг сендан бўлак вазирим йўқ. Сен ўз девонингнинг бошчиси бўлиб қол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг мулкимда ҳеч ким сенинг ёрлиқларингга қарши чиқолмайди ва ҳукмронлигингни рад этолмайди", деган сўзларни айтишни тайинлайди. Номини айтганимиз (Иззиддин) бошқа имкони бўлмаганликдан худди шундай қилади. Бу билан у Султон буйруғига ҳам қарши боради.

Носириддин буйруқлари Хоразм, Хуросон, Мозандоронда инобатга олинадиган, топшириқлари шу теградагина бажариладиган бўлди, бошқа жойларда эса унга эътибор берилмасди. У вазир қилиб тайинланган пайтда Султон унинг атрофига тўртта найзадор тайинлаган эди. Одатда улуғ вазирларга шундай эҳтиром кўрсатиларди, найзадорларнинг найзалари сопига эса тилло қоплама қопланарди. Хоразмда вазирлар атрофига саккиз найзадор қўйиладиган бўлди. Бу уларнинг мансабини улуғлашга қаратилган эди. Булар ҳақидаги маълумотлар Мовароуннаҳрда турган Султонга ҳам етиб борар, бу унинг ғазабини кучайтирарди.

Хоразмшоҳларга салжуқийлардан мерос бўлиб ўтган анъанавий бир одат бор эди. Султон номидан ёзилган ҳар бир фармонда санадан олдин кўпроқ қуйидаги сўзлар бўларди: "Улуғворлик билан битилди, Оллоҳ унинг мартабасин улуғ қилсин, буюрадилар! Олий фармон, олижаноб, юксак мартабали, дунёвий, олам устуни, ҳаққоний, қўллаб-қувватловчи, ғолибона, дини ислом учун курашувчи, даражали, доимий, қонуний, мустаҳкам, одатий, улуғвор, хокисор қулингиз, таянч бўлиб хизмат қилувчи, юксак қадр-қиммат ва даражалар эгаси, адолат ва бахт қутби, араб ва ажамларнинг таянч устунлари, Шарқ ва Ғарб вазирлари мулклари, Эрон ва Турон мисоли, Инонж Қутлуғ Улуғ Малик, олам эгаси Хожа Жаҳон, мана унинг хабари". Носириддин номини ҳам то у Нишопурда қувилганга қадар фармонларда мана шундай сўзлар билан қаламга олишган. У Хоразмда вазир қилиб тайинланганидан кейин ҳам юқоридаги сўзлар ишлатиладиган бўлди. Фақат битта сўзни ўзгартирди — "Хожа Жаҳон" ўрнига "Хожа Бузург" ёзилди.

Шундай қилиб, машҳур мамлакатларни ўзига бўйсундирган, Хусровлар сулоласининг шоҳларини қарам этган, дунёнинг кўплаб давлатларини босиб олган Султон шунчалик буюк қудратга эга бўлишига қарамасдан қўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

остидаги бир хизматкорга қарши нафратини намоён қилиш, куч ишлатиш имконидан бебаҳра эди. Айтишадики, бу дунёда барча ичимликлар фақат ёввойи ўтлардан тайёрланмайди, табиат эҳсонлари ҳам осонгина қўлга киритилмайди.

Уни мансабидан четлаштиргандан кейин Султон вазирлик ишларини бажаришни олтита вакилдорга топширишга қарор қилди[5]. Улар зиммасига ўзаро келишувсиз қарор чиқармаслик мажбуриятини юклади. Вакилдорлар Низомиддин (котиб ал-иншо), Мужирулмулк Тожиддин Абул Қосим, амир Диёваддин ал-Биёбангий, Шамсиддин ал-Қалободий, Тожиддин ибн Карим аш-Шарқ ан-Нишопурий, аш-Шариф Маждиддин Муҳаммад ан-Насавийдан иборат қилиб белгиланди[6]. Бунинг оқибатида одамларнинг ташвиши кўпайди. Улар кўп камчиликлардан қатъи назар, Носириддинни эслайдиган бўлиб қолдилар. Чунки олтита одамнинг кўнглини олишдан кўра бир одамнинг дилига йўл топиш осон эди. Бу ҳол Аловуддин давлати таназзулга учрагунга қадар давом этди.

---

[1] Марж Шойиқ форсларнинг "Пиштаи Шойакан"ига тўғри келади. Хурандиз — шу асар муаллифининг туғилган маскани.

[2] *Хабур* — икки дарё номи. Катта Хабур Эвфратнинг ирмоғи, Кичик Хабур — Тигр дарёсининг ирмоғи.

[3] М. Минувий унинг номини "Ҳожиб Саъдаддин Саҳм ал-Ҳашамийнинг ўғли" деб нотўғри ўқийди.

[4] Агар ан-Насавий сўзларига ишонадиган бўлсак, Хоразмшоҳлар давлатидаги мансаблар салжуқийларникидан кескин фарқ қилади. Амил — солиқ йиғувчи маъносини билдирган, Волий эса Султоннинг вилоятдаги ҳукмдори. Ҳукмдор билан солиқ йиғувчи ўртасида катта фарқ бор.

[5] Хоразмшоҳлар саройида, худди салжуқийлар сингари умумий масалалар билан сарой вакили шуғулланган. Аммо Хоразмшоҳ вазир Носириддин ўрнига тайинлаган вакиллар билан юқоридаги лавозим бир эмас, улар бошқа-бошқа.

[6] *Биёбанг* — Семнондан жанубий-ғарб томонда жойлашган қишлоқ.

Қалобод — шу номда иккита туман бўлган. Бири Бухоро яқинида, иккинчиси Нишопурда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

14-БОБ

СУЛТОННИНГ МОВАРОУННАҲРГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНИДАН КЕЙИН РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Султон Ироқдан қайтиб келганидан кейин Мовароуннаҳрда анча пайтгача нафас ростлади. Бу ерда уни Чингизхон элчилари кутиб олди[1]. Элчилар Маҳмуд ал-Хоразмий, Али Ҳожи ал-Бухорий, Юсуф Канка ал-Ўтрорийдан иборат эди. Улар ўзлари билан туркийлар учун одатий бўлган совғаларни олиб келгандилар. Совғалар орасида Хитой тоғларидан қазиб олинган туя ўркачидек келадиган олтин бўлаги, қимматбаҳо металлар бўлаги, денгиз ҳайвонларининг қозиқ тишлари (нусуб ал-хутувв), қопларда мушклар, нефрит тошлари, кийимлар, оқ туя жунидан тайёрланадиган тарху деб номланган кийим бор эди[2]. Бундай кийим эллик ёки ундан кўпроқ динорга сотиларди.

Уларнинг келишидан мақсад ўртада тинчлик, дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишни сўрашдан иборат эди. Элчилар бундай дедилар: "Улуғ хон сенга салом йўллаб, шундай дейишимизни буюрди. "Сен қилаётган улуғ ишлар менга аён, давлатингда нималарга эришганингни ҳам яхши биламан. Мен сенинг мулкинг ниҳоятда катта эканлигидан, буйруғингга оламдаги кўплаб мамлакатлар итоат этишидан хабардорман. Сен билан тинчлик, осойишталикда яшашни ўзим учун мажбурият деб биламан. Сен менга энг азиз ўғилларимдан бири кабисан. Менинг Хитойни, қўшни туркий мамлакатларни босиб олганим, эндиликда улар қабилалари бизларга қарам эканлиги сен учун ҳам сир бўлмаса керак. Бошқалардан ҳам кўра сенга яхшироқ аёнки, менинг ватаним — беҳисоб қўшинлар ва кумуш конлар юрти. Бойлик шу даражада кўпки, уни яна бошқа жойлардан излаш ортиқчадир. Агар савдогарларнинг иккала томонга бориб-келишлари учун йўл очишни маъқул деб топсанг, бу барчамизнинг умумфойдамизга хизмат қилган бўларди"[3].

Султон нома билан танишиб бўлгач, Маҳмуд ал-Хоразмийни бошқа элчиларсиз ёлғиз ўзини ҳузурига олиб келишни буюрди. У унга: "Сен хоразмликсан, кўнглинг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да бизга нисбатан дўстона туйғу ва муносабат бўлмаслиги мумкин эмас", деди. Султон нима ҳақда сўраса, сўраганларига у тўғри жавоб берса, мукофот беришга ваъда қилди. Берилган ваъдага ишонч белгиси нуқтаи назаридан қимматбаҳо тошлар қадалган билагузук берди. Султон унга ўзининг Чингизхон олдидаги айғоқчиси бўлиш шартини қўйди. У ўз истагига кўрами ёки қўрқувданми, нима талаб қилсалар кўнди. Кейин Султон сўради: "Чингизхоннинг Хитой мамлакатини ва Тамғаж шаҳрини босиб олгани ростми, ёлғонми? Унинг бу ҳақдаги гапи чинми ёки алдаяптими?" У жавоб берди: "Ҳа, у рост гапни айтган. Амалга оширилган бундай катта иш сир бўлиб қолиши мумкин эмас. Бундан Султоннинг ўзи ҳам яқин орада хабардор бўлиши мумкин". Султон айтди: "Сен менинг мулким ва унинг теграси қанча катталигини, қўшиним беҳисоб эканлигини биласан. Бу лаънати кимки, менга худди ўғлимдайсан деб мурожаат қилади? Унинг қўшинларининг сони қанча?"

Султон кўзларида ғазаб оловланганини, оддий суҳбат баҳсга айлана бошлаганини англаган Маҳмуд ал-Хоразмий ҳақиқатни айтишдан чўчиб қолди. У Султонни тинчлантиришга, шу тариқа ўзини ўлим гирдобидан асраб қолиш тараддудига тушди. У бундай деди: "Унинг қўшинини бу халқларга нисбатан қўшин демаса ҳам бўлади, гўё отлиқ лашкарлар қошидаги чавандоздай гап. Ёхуд тун қоронғулигидаги тутунга ўхшайди". Шунда Султон Чингизхоннинг тинчлйк, осойишталикда яшаш тўғрисидаги таклифига рози бўлди.

Бундан Чингизхон ҳам хурсанд бўлди. Ўртадаги дўстона алоқалар унинг мамлакатидан Ўтрорга Умар Хўжа ал-Ўтрорий, Ал-Жамол ал-Мароғий, Фахриддин ал-Жиззахий ал-Бухорий, Аминиддин ал-Харавий каби савдогарлар келгунга қадар давом этди.[4]

Бу ерда Султоннинг тоғасининг ўғли Инолхон йигирма минг отлиқ лашкарлари билан турарди[5]. У Ўтрорни султон ноиби сифатида бошқарарди. Унинг нафс босган дилида бу савдогарларнинг мулкига эга бўлишдек очкўзлик пайдо бўлди. Шу мақсадда у Султонга "Ўтрорга савдогар кийимида келган бу одамлар асло савдогарлар эмас, аслида айғоқчилар. Улар атрофига одам йиғиш учун ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишган. Оддий халқ орасидан ўзларига ишончли шериклар топишгач, уларга: "Сизлар атрофингизда нималар рўй бераётганини биласизларми? Ҳамма нарсадан бехабарсизлар. Яқинда сизлар аввал ҳеч ким кўрмаган воқеалардан огоҳ бўласизлар", дейдилар", деган мазмунда улар хусусида бўҳтондан иборат мактуб ёзади. Шунда Султон унга эҳтиётқорлик юзасидан баъзи тадбирларни амалга оширишга рухсат беради ва ўз қарорини кутишни буюради. У Инолхонга баъзи тадбирларни амалга ошириш борасида рухсат бериш билан унинг жиловини елкасига ташлаган эди. Инолхон ўзига берилган имкониятдан ҳам ошириб иш қилди, уларни қўлга олди. Шундан кейин улардан бирор дарак бўлмади. Инолхон эса Султонга хиёнат қилган ҳолда уларнинг (савдогарларнинг) моллари-ни ўз билганича тақсим қилди. "Ва бу ишларининг оқибати зиён тортиш — ҳалокат бўлди"[6].

---

[1] Хоразмшоҳ Муҳаммад 1215 йилда Чингизхон томонидан қора хитойларнинг тор-мор қилинганини, Пекиннинг босиб олингани ва унинг империясининг кучайгани ҳақидаги хабарни эшитгач, бу тўғрида аниқ маълумот олиш учун саййид Баҳовуддин ар-Розий бошчилигида элчиларни жўнатади. Элчилар Чингизхон томонидан Пекинда қабул қилинади ва уларга Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо карвонларининг қатновини йўлга қўйиш тўғрисида таклифлар айтилади. Карвонларни кўчманчи қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилиш учун Чингизхон қўриқчилар қўшинларини ташкил этишга буйруқ беради. 1218 йилнинг баҳорида Бухородан Чингизхон қароргоҳига савдогарлар амир Ҳусайннинг ўғли Аҳмад Хўжандий ва Аҳмад Балчих бошчилигида савдо карвони келади. Рашидиддиннинг айтишича, мўғуллар кўпроқ "ҳар хил тайёр кийимларга, тўшаладиган нарсаларга харидор бўлган ва улар савдосидан жуда катта фойда кўрилгани одамлар ўртасида кенг тарқалган".

Ан-Насавийнинг ёзишича, 1219 йилда Чингизхон ҳам Баҳовуддин ар-Розий элчилигига жавобан ўз элчиларини учта савдогарнинг карвони билан бирга жўнатади.

[2] *Тарху* — енгил ипак кийим.

[3] Рашидиддин Чингизхоннинг Хоразмшоҳ Муҳаммадга йўллаган мактуби мазмунини бошқачароқ тарзда келтиради.

[4] Маҳмуд ал-Хоразмий, Али Ҳожи ал-Бухорий, Юсуф Канка ал-Ўтрорий бошчилигидаги элчилар қайтиб келганларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин Чингизхон Хоразмга юқорида номлари саналган тўртта савдогар бошчилигида катта савдо карвонини ҳозирлайди.

Баъзи маълумотларга қараганда, карвонда 450 одам бўлган, уларнинг ҳаммасини мусулмонлар ташкил этган. Абул Фараж-нинг маълумотига кўра, карвонда 400 савдогар бўлган. Шу билан бирга Хоразмшоҳ ҳузурига йўлланган элчи унга Чингизхон номидан бундай мазмунда нома топширган: "Биз эндиликда заминдаги барча мамлакатлар ўртасида осойишталик бўлишини талаб қиламиз. Савдогарлар қўрқув билмасдан барча ўлкаларга бора олсинлар. Бойлар ва фақирлар Яратганга шукронлар айтиб ҳамкорликда яшасинлар".

Бошқа маълумотларда эса карвонда Чингизхон элчиси Ухун бошчилигида 100 одам бўлган. Жузжоний, карвонда олтин, кумуш, ипак ва бошқа маҳсулотлар ортилган 500 туя бор эди, деб ёзади. Бу карвон ҳақида Ибн ал-Асир, Ибн Холдун ва бошқалар ҳам турли маълумотлар берадилар.

[5] Рашиддиннинг ёзишича, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Ўтрордаги ноиби тоғаси Инолхон (Инолчуқ) бўлган. Абулғози уни Инолхон (Иноложиқ), асли исми Ғойирхон, Туркон хотуннинг амакиваччаси деб атайди. Жувайний ёзишича, у Инолчуқ (Ғойирхон), Туркон хотун қариндоши. Жузжоний уни Қаирхон деб атайди.

[6] Савдогарларнинг ўлдирилиши 1218 йилнинг охирига тўғри келади. Ал-Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Муҳаммад савдогарларни ўлдириш тўғрисида буйруқ бермаган бўлса ҳам Ғойирхоннинг тарафини олган. Ибн ал-Асир айтишича, айнан Хоразмшоҳ Ўтрордаги ноибига савдогарларни ўлдириш тўғрисида буйруқ берган ва уларнинг молларини соттирган. Йиғилган маблағни ўзиники қилиб олган. Ибн ал-Асир бу маълумотларни мўғуллар қўлига асир тушиб, кейин улар қўлидан Самарқандда қутулган фақиҳ аш -Шиҳобиддин ал-Хивақийдан олганини айтади. Карвондан фақат битта одам (Жузжоний уни туякаш дейди, Рашиддиддин эса савдогар дейди) қутулиб қолган ва савдогарлар бошига тушган фожиалардан Чингизхонни огоҳ этган.

15-БОБ

САВДОГАРЛАР ЎЛДИРИЛГАНИДАН КЕЙИН ЧИНГИЗХОН ЭЛЧИЛАРИНИНГ СУЛТОН ҲУЗУРИГА КЕЛИШИ БАЁНИ

Бу воқеалардан кейин Султон ҳузурига Ибн Қафраж Бўғра (унинг отаси Султон Такишнинг амирларидан бири бўлганди) икки тотор ҳамкорлигида Чингизхон номидан элчи бўлиб келди ва унга қуйидаги сўзлар битилган номани топширади: "Сен савдогарларнинг хавфсизлигини

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъминлаш, улардан ҳеч қайсисига ҳужум қилмаслик тўғрисида муҳринг босилган ҳужжатни юборган эдинг. Лекин сен аҳдингга вафосизлик қилдинг, берган сўзингни буздинг. Ўз сўзида турмаслик ёмон, айниқса, мўминлар султонининг хиёнаткорлиги янада оғир. Агар сен бу иш менинг буйруғимсиз, Инолхон томонидан амалга оширилган деб ҳисоблайдиган бўлсанг, у ҳолда Инолхонни менга бер, уни жиноятқорона иши учун жазолайлик, шу тариқа оломонни тинчитиб, қон тўкилишининг олдини олайлик. Акс ҳолда — уруш. Бу туфайли қанча азиз жонлар хору хасга айланади, найзаларнинг сопи мажақланади".

Султон қўрқув туфайли ақлини йўқотиб қўйгани ва қалбини ваҳима қамраб олгани натижасида Инолхонни унга беришдан бош тортди. У уни Чингизхон қўлига бериб юбора олмасди ҳам, чунки унинг қўшинидаги аксарият амирлар, сарбозлар Инолхонга қариндош ёки бир уруғдан эдилар. Улар мамлакатининг таянчлари, юртининг қалқонларига айлангандилар. У агар ўз жавоби билан Чингизхонга маълум имкониятлар олиб берадиган бўлса, бу билан атрофидагиларнинг қаҳр-ғазаби кучайишини биларди. Шу сабабли у ўз сўзида мустаҳкам турди. Инолхонни бермаслигини маълум қилди. Айни пайтда, унинг кўнглини ваҳима босди. У бу элчиларни ўлдиришни буюрди, уларни ҳам қатл этишди[1]. Аммо бу қотилликлар учун қанча мусулмонларнинг қони тўкилди. Бу қонлар оқимидан қанча буюмлар тўлди, унинг бағридан отилиб чиққан ўч, аламлар қанча юртларга ёйилди, қасос алами қанча одамларнинг ёстиғини қуритди.

---

[1] Ушбу маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, Чингизхон бу гал ҳам дарров икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чигаллаштириш йўлидан бормаган, фақат Инолхонни талаб қилиб, уни жазолашни ният қилган. Бироқ Хоразмшоҳ амирларнинг таъсири натижасида элчиларни қатл қилдиради. Ибн ал-Асирнинг маълумотига кўра бир элчи ўлдирилган, қолганларининг соқоллари қириб олиниб, қўйиб юборилган.

1218 йилда Чингизхон билан биргаликда Хоразмга келган Елюй Чу-цай "Ғарбга сайёҳат тафсилоти" китобида Чингиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоннинг Хоразмшоҳлар давлатига қарши юришига сабаб Хуата-ла (Ўтрор) ноибининг мўғул сарбозлари ва савдогарларидан юздан ортиғини ўлдирганлиги, деб ёзади.

16-БОБ

ЧИНГИЗХОН ҚЎШИНЛАРИ ҲУЖУМИНИ БИЛГАНДАН КЕЙИН СУЛТОН УЛАРГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ НОТЎҒРИ ТАДБИРЛАР ҚЎЛЛАГАНИ БАЁНИ

Султон оғир аҳволга тушиб, зулмат сингари ташвишлар гирдобида қолганида биринчи амалга оширишга қарор қилган режаси Самарқанд шаҳри атрофига девор қурдириш фикри бўлди[1]. Шаҳар атрофини ўраб оладиган бу девор узунлиги ўн икки фарсахдан иборат бўлиши керак эди. (Бир фарсах 6—7 километр). Девор ичкарисига эса ўзи билан туркийлар ўртасида бўладиган чегарада хизмат қиладиган одамларни жойлаштиришни нияг қилди. Бу одамлар унинг қўл остидаги бошқа ўлкаларга борадиган йўлларни ҳам тўсиши мўлжалланганди. У мамлакатнинг ҳамма нуқталарига қўл остидагиларни, солиқ йиғувчиларни (амилларни) жўнатди ва уларга Самарқанд деворини қуриш учун, олти юз ўн бешинчи йил учун солиқ тўплашни (иккинчи марта) буюрди[2]. Солиқ қисқа муддатларда йиғилди, аммо тоторлар унинг бу мақсадини амалга оширишга имкон бермади. Бу маблағдан бирор қисми ҳам тўсиқлар барпо этиш ишига сарфланмади[3].

У амалга оширмоқчи бўлган иккинчи режа ҳам маблағ йиғиш билан боғлиқ эди. Султон барча солиқчиларни мамлакатлари бўйлаб олти юз ўн бешинчи йил учун ер солиғи (учинчи марта) йиғишга юборди[4]. Бундан йиғиладиган пул одамларни хизматга олишга — ёйандозларни қурол-аслаҳалари билан қўшинга жалб этишга режалаштирилган эди. Ҳар бир вилоятдан йиғиладиган лашкарлар сони ўша жойдан йиғиладиган маблағнинг оз ёки кўплигига қараб белгиланарди. Бундан ташқари, ҳар бир лашкарнинг қурол-аслаҳа ва асбоб-анжомларини олиб юришга мўлжалланган туяси ҳам бўлиши керак эди. Лашкарликка янги жалб этилганлар одатдагидан тез тўпланди. Улар ҳамма томонлардан унинг байроғи остига тезроқ тўпланиш учун камондан отил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ўқдай кела бошлади. Бироқ улар Султон Жайҳун бўйларидан жанг қилмасдан қочибди деган хабарни эшитгач, келган йўлларидан ортларига қайтдилар. Агар у келаётган одамларнинг тўпланишини кутганда эди, мисли кўрилмаган даражадаги катта қўшинга эга бўларди. Аммо Оллоҳнинг буюргани бўлди, зеро, дунёда ундан қудратлироқ ва амри вожиброқ куч йўқдир. Давлат ҳам, тақдирларимиз ҳам унинг қўл остидадир, у хоҳласа ҳаётда ўзгаришлар ясай олади, мамлакатларни бир ҳукмдордан олиб иккинчиси қўлига тутқазади. Оллоҳ буюкдир.

Унинг хатоларидан яна бири, Чингизхоннинг яқинлашаётганини эшитгач, қўшинини Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳарларига бўлиб юборгани бўлди. У Инолхонни йигирма минг отлиқ лашкарлари билан Ўтрорда қолдирди[5]. Қутлуғхон ва бошқа лашкарбошиларни ўн минг отлиқ лашкар билан Шаҳрикентга, амир Ихтиёриддин Қушлу (амир-охур) ва Инонжхон лақабига эга бўлган Ўғил Ҳожибни ўттиз минг лашкар билан Бухорога, тоғаси Тоғайхон ва Fур амирларини қирқ минг лашкар билан Самарқандга, Айёр ан-Насавий номи билан машҳур Фахриддин Ҳабашни Сижистон қўшинлари билан Термизга, Балхамурхонни Вахшга, отасининг тоғаси Ой Муҳаммадни Балхга, Ўтрук Паҳлавонни Жандарудга, Ўғилжиқ Маликни Хутталонга, Аловуддин ал-Буртасийни Қундузга, Аслобахонни Валжга юборди[6]. Мовароуннаҳрнинг бирорта шаҳарини ҳам катта қўшинсиз қолдирмади. Унинг хатоси ҳам шунда эди. Агар у тоторларга кучларини бўлиб юбормасдан аввал ҳужум қилганда эди, уларни ўраб олиб, ер юзидан сидириб ташлаган бўларди.

Чингизхон Султон давлати чегараларидан ўтганидан кейин дастлаб Ўтрорга йўл олди. Шаҳарни босиб олиш учун кечаю кундуз жанг қилди[7]. У Инолхонни ҳузурига келтиришларини буюрди. Кумушни эриттириб унинг қулоқлари ва кўзларига қуйдирди. У уни ҳаммада нафрат уйғотган шармандали ва қабиҳ ишлари учун ана шундай тарзда қийнаб ўлдиртирди[8].

---

[1] Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳ томонидан ўтказилган ҳарбий машваратда Султон қўшинларини бир жойга —

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сайҳун бўйига тўплаб, узоқ йўл босиб чарчаб келадиган Чингизхон қўшинига дам бермасдан бирдан ҳужум қилиш тўғрисидаги фикр ҳам билдирилган. Машваратда иккинчи йўл — мўғулларни Мовароуннаҳрга киритиш, кейин бу ерда жойни яхши билишдан фойдаланиб уларни мағлуб қилиш фикри ҳам ўртага ташланган. Шунингдек, бошқа таклифлар ҳам билдирилган. Аммо Хоразмшоҳ бу фикрларнинг бирортасини инобатга олмай, қўшинларни шаҳарларга бўлиб юборади. Ўзи эса Самарқанд атрофига девор қуришни буюриб, шаҳардан чиқади.

2. Солиқ йиғувчи (амил, кўплиги амилан, уммол) — девонда молиявий раҳбарлар ичида энг кичик вазифа. Ҳар бир туман, шаҳар, аҳоли яшайдиган маскан (букъа), қишлоқнинг солиқ йиғиш бўйича раҳбари бўлган.

3. Рашидиддин ёзишича, бир кун Хоразмшоҳ Самарқанд атрофидаги ҳандақ яқинидан ўтаётиб деди: "Агар қўшинлардан бирортаси бизга қарши ҳужумга ўтгудек бўлса, лашкарлар бу ҳандақларни қамчиларини ташлаб тўлдиришлари мумкин". Хоразмшоҳнинг бу сўзларидан атрофидагилар ва лашкарбошилар донг қотиб қолдилар". Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Муҳаммад "Бухоро ва Самарқанд аҳолисига душманга қарши тўсиқлар тиклашга тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ берган".

4. Ҳақиқатан ҳам 616 йил (1219 йил март — 1220 йил март) учун ер солиғи уч марта йиғилган. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқини ҳам айнан шу йилда бошланган.

5. Жувайнийнинг айтишича, Хоразмшоҳ Инолхонга 50 минг лашкарни "ташқи қўшин" (лашкар бируни) сифатида юборган. Бундан ташқари, ҳожиб ал-ҳасса Қорача бошчилигида 10 минг кишилик қўшин ҳам жўнатган. Лекин мўғуллар Ўтрорни қамал қилганларидан кейин Қорача қўшинининг катта қисми билан бирга Инолхонни ташлаб, Сўфихона дарвозаси орқали ёғий сафига бориб қўшилган. Мўғуллар Қорачани асир олиб эртаси куни Чингизхон ҳузурига олиб келган. У ундан шаҳарнинг мустаҳкамлиги ҳақидаги маълумотларни сўраб олгач, бундай деган: "Сен ўз хожангни сотдингми, демак, бизларга ҳам сотқинлик қилишдан тоймайсан. Шу сабабли сенинг бизга керагинг йўқ". Шундан сўнг Қорача ёнидаги одамлари билан биргаликда қатл қилинади.

Мўғуллар бу борада нафақат душманларини, ҳатто ўз одамларини ҳам қаттиқ жазолашган. Чингизхон бир пайтлари Ўнгхоннинг жиловдори Кёкёчю Санггюмани ҳам ўз хўжасини чўлда ёрдам бермасдан қолдириб кетгани учун қатл қилдирган эди.

6. Рашидиддин айтишича, Бужи Паҳлавон Қутлуғхон қўшини билан Бинокетда қолган. Бинокет харобалари Сирдарё бўйига яқин водийда жойлашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ихтиёриддин Кушлу амир-охурларнинг раҳбари бўлган. Амир-охур — саройдаги мансаблардан бири, у ҳукмдорнинг отларига қараган.

Бухорода ан-Насавий санаб ўтганлардан ташқари Хоразмшоҳнинг бошқа амирлари, масалан, Кирмонда Қутлуғхонлар сулоласининг асосчиси бўлган ҳукмдорнинг акаси Ҳамид Пур, Севинчхон, Кўкхон (Абул Фараж айтишича) ҳам лашкарбошилик қилган. Бухородаги лашкарлар сони Ибн ал-Асир, Абул Фаражнинг ёзишича 20 минг, Жузжоний айтишича 12 минг, Рашидиддин маълумотига кўра 3 минг бўлган. Жувайний хабар беришича, Бухорода шаҳар ичидаги қўшиндан бўлак, шаҳар ташқарисида 20 минг лашкар тўпланган.

Хоразмшоҳнинг тоғаси дейилган Тоғайхон Туркон хотуннинг укаси эди. Рашидиддин уни Тўғончиқхон деб атайди.

Самарқанддаги лашкарлар сони Ибн ал-Асир бўйича 50 минг, Рашидиддин, Абул Фараж бўйича 110 минг, Жузжоний бўйича 60 минг бўлган. Жувайнийнинг айтишича, Самарқандда 110 минг лашкар тўпланган. Шундан 60 мингини туркийлар, 50 мингини эса хоразмликлар ташкил этган. Бундан ташқари, 20 та фил бўлганлиги ҳам айтилади. Туркий амирлардан Боришмасхон, Сирсиқхон, Улоқхон, Алп Эрхон, Шайххон, Болахон номлари ҳам келтирилган. Термиз, Вахш — Амударёнинг ўнг қирғоғидаги шаҳарлар. Уларнинг харобалари янги шаҳарлар яқинида.

Балх — Афғонистондаги шаҳар, мўғуллар томонидан 1220 йилда вайрон қилинган. Жувайнийнинг айтишича, "у ўтмишда Шарқнинг Маккаси бўлган". Балхдаги қўшинга султон Муҳаммад отасининг амакиваччаси Маҳмудхон ибн Ҳасан бошчилик қилган.

Хўтталон (Хуттал) — Панжи ва Вахш оралиғидаги вилоят. Жанубий Тожикистон теграсида.

Рашидиддин ёзишича, Аслобахон Валж шаҳрига эмас, Ёркентга юборилган.

7. Хитой манбаларига кўра, Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатига қарши юришни "цзимао йили ойнинг олтинчи чиқиши ёзида". (1219 йилнинг 13 июлидан — 18 августи оралиғида) бошлайди. Рашидиддиннинг маълумотига кўра, мўғуллар босқини 615 йил "қуён йилида бошланади". Ўтрорга Чингизхон 1219 йилнинг кузида етиб келади. Мўғуллар шаҳарни 5 ой қамал қилади. Ҳожиб Қорачанинг сотқинлигидан кейин Инолхон 20 минг қўшин билан шаҳар марказидаги қалъага бекиниб олади ва яна бир ой қаршилик кўрсатади.

8. Инолхон охирги нафаси қолгунча курашади. Унинг сафдошларининг ҳаммаси қириб ташланади. Ўзи эса асир олинади ва қийнаб ўлдирилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

17-БОБ

ЧИНГИЗХОН ФОЙДАСИГА ВА СУЛТОН ЗАРАРИГА ИШЛАТИЛГАН БИР АЙЁРЛИК НАТИЖАСИДА ХОРАЗМШОҲНИНГ ЎЗ АМИРЛАРИДАН ШУБҲАЛАНИШИ, УЛАРНИ ТАШЛАБ КЕТИШГА МАЖБУР БЎЛИШИ ҲАМДА АЖРАЛИШИ БАЁНИ

Чингизхон Ўтрорни босиб олгач, унинг ҳузурига Бадриддин ал-Амид кириб келди[1]. У Султоннинг туркий мамлакатлар учун Ўтрордаги вазири ас-Сафий ал-Акра ўрнини эгаллаганди. Улар ёлғиз қолишди. Бадриддин Султонни ёмон кўраради. Чунки у (Султон) Ўтрорни ўзига бутунлай қарам қилиш учун босиб олганда унинг отаси қози ал-Амид Саъдни, аммакиваччаси қози Мансурни, тоғаваччалари ва яқин қариндошларидан бир неча кишини ўлдиртирган эди. У Чингизхонга бундай деди: "Хон ҳазратлари, шуни яхши билингки, Султон мен учун Оллоҳ таоло томонидан яратилган душманларимдан биридир. Чунки у менинг кўплаб қариндошларимни йўқ қилди. Агар мен ҳаётим эвазига ундан ўч олиш имконига эга бўлсам эди, бу ишни ҳеч иккиланмай амалга оширган бўлардим. Бироқ мен сенга яна шуни айтишим керакки, Султон ҳали ҳам улуғвор ва қудратли. Шуни билки, у қўшинларини турли жойларга бўлиб юборгани сенда нотўғри таассурот туғдирмасин. Унинг ёнида ҳам лашкарлар кўп, бошқа қўшинга муҳтожлиги йўқ. Агар у истаса, мамлакати теграсидан ҳозирги мавжуд қўшинидан икки баравар кўп лашкар йиғиши мумкин. Менда бир фикр бор, сен унга қарши бир айёрлик ишлат, натижада у ўз лашкарбошиларидан шуҳбалана бошлайди[4]. У (Бадриддин) унга Султон билан онаси ўртасидаги келишмовчиликлар ва норозиликлар ҳақида гапириб берди. Улар ўртасидаги суҳбат Бадриддин ал-Амиднинг Султон онаси яқинлари бўлган лашкарбошилар номидан мактуб тайёрлашни ўз зиммасига олиш шарти билан якунланди. Мактуб бундай тарзда тайёрланадиган бўлди: "Биз ўз уруғимиз ва биздан паноҳ истаганлар билан биргаликда туркийлар мамлакатидан Султон ҳузурига, унинг онасига хизмат қилиш учун келдик. Бизлар унга ер юзининг барча давлатларига қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурашда, уларни босиб олишда, ҳукмдорлари ва аҳолисини бўйсундиришда ёрдам бердик. Эндиликда унинг онаси ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан ниятлари ва муносабатлари ўзгарди: у ўзининг манманлиги ҳақида такаббурлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли у (Туркон хотун) Султонга ёрдам бермаслигимизни буюрди. Бизлар эса сенинг келишингни кутаяпмиз, сенинг амрингга бўйсуниш ниятидамиз".

Чингизхон бу мактубни ўз яқинларидан бири орқали юбортирди, у, гўё Султон ҳузурига қочиб ўтгандек таассурот туғдирса ҳам, аслида хуфиёна ишларни амалга ошириш учун юборилган эди. У мактубларни тарқатди, бу аҳволдан Султон кўз олди қоронғулашди, дунё кўзига тор кўринди, қатъиятига путур етди. Кимларнинг сотқинлик қилиши мумкинлиги ҳақида хаёлан тасаввур қилган бўлса, олган маълумотларига кўра ўшалар ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди. Шундан кейин у уларнинг иттифоқига барҳам бериш мақсадида, мамлакат ҳимоясини мустаҳкамлаш учун зарур деган асосда, қўшинини гуруҳларга бўлиб, турли жойларга жўнатди. Бу ҳақда юқорида тўхталган эдик.

Чингизхон ўзига содиқ бўлган одамлардан яна бири — ҳожиб Донишмандни Хоразмга Туркон хотун ҳузурига жўнатди[2]. У унга бундай номани берди: "Маълумки, ўғлинг ҳуқуқларингни поймол этиб, сенга ёмонлик қилди. Шу сабабли мен унинг баъзи амирлари билан келишган ҳолда унга қарши юриш қилмоқчиман. Аммо сенинг мулкингга ҳужум қилмайман. Агар сен шартимга кўнсанг, менинг сўзларим ишончли эканлигини билмоқчи бўлсанг, ҳузуримга кимнидир юбор. Шундан сўнг Хоразм, Хуросон ва Жайҳуннинг нариги томонидаги уларга теградош бўлган мулклар ҳам сенга берилади".

Бу номага жавобан Туркон хотун қўрқув билан шаҳарни тақдир ҳукмига ташлаб тарк этди ва Хоразмдан чиқиб кетди.

---

[1] Ўтрорнинг босиб олинишига қадар мўғуллар томонга ўтиб кетган Бадриддин ал-Амиднинг уруғ-аймоқлари ва яқинлари "Султонга душман бўлган руҳонийлар ташкилоти"дан эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу руҳонийлар Бухоро садрлари ва Самарқанд шайхларига нисбатан Султонга душманликни яққолроқ намоён қилдилар. Чингизхон Бадриддин ал-Амиддан Хоразмшоҳлар қўшинларининг жойлашиши, давлат ичидаги низолар, келишмовчиликлар тўғрисида кўплаб маълумотлар олди. У бу маълумотлардан кенг фойдаланди.

[2] 1220 йил февралида Бухоро босиб олинганидан кейин Чингизхоннинг ўғли Тулихон бошчилигидаги мўғул қўшинлари Зарнуқ шаҳрини (Сирдарёнинг чап қирғоғидаги шаҳар) қамал қилдилар. Чингизхон қамалдагиларни таслим бўлишга ундаб улар ҳузурига ҳожиб Донишмандни юборади. Таклиф қабул қилинади, Зарнуқ қўшини таслим бўлади.

Жувайнийнинг маълумотига кўра, ҳожиб Донишманд Чингизхон даврида ва ундан кейин ҳам катта мавқега эга бўлган шахс эди.

18-БОБ

ТУРКОН ХОТУННИНГ ОЛТИ ЮЗ ЎН ОЛТИНЧИ ЙИЛНИНГ ОХИРГИ КУНЛАРИДА (1220 ЙИЛНИНГ МАРТ ОЙИ БОШЛАРИДА) ХОРАЗМНИ ТАШЛАБ ЧИҚИШИ БАЁНИ

Чингизхон элчиси — юқорида номини эслатганимиз ҳожибнинг Хоразмга ташрифи Султоннинг Жайҳун қирғоқларидан қочиши хабари билан бир вақтда келди. Туркон хотун бу хабардан кейин ваҳимага тушиб қолди ва яқинлашаётган хавфни ўйламасликка ҳаракат қилди. У Хоразмда қолиш имконияти йўқлигини билди ва ўзи билан олиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини — Султон хотинларини, кичик ёшдаги болаларни, хазинадаги бойликларни олиб шаҳар билан хайрлашиб, Хоразмдан чиқди. Унинг хайрлашиш онларини кўрганларнинг кўнгиллари юмшаб, кўзларидан ёш оқди.

У кетишидан олдин асрлар бўйи ўзи учун шармандали бўлган, абадий лаънат билан эсланадиган бир адолатсиз ишни қилди. У бу уруш оловлари тезликда барҳам топади, узилган иплар яна қайтадан уланади, қоп-қора тун зулматидан кейин тонг яна нур сочади деб ўйлаб, Хоразмда асирликда бўлган ҳукмдорларни, уларнинг ўғилларини, юқори мартабали зотларни, олижаноб инсонларни, улуғ садрларни қатл қилдирди. Унинг ҳимоясида бўлган бундай инсонлар йигирма иккита эди[1]. Булар орасида сул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тон Тўғрул ас-Салжуқийнинг ўғли, Балх малиги Имодиддин, унинг ўғли, Термиз ҳукмдори ал-Малик Баҳромшоҳ, Бомиён ҳукмдори Аловуддин, Вахш ҳукмдори Жамолиддин Умар, Сиғноқ ҳукмдорининг икки ўғли, Бурҳониддин Муҳаммад Садр Жаҳон, унинг укаси Ифтихор Жаҳон ва икки ўғли Малик ал-Ислом, Азиз ал-Ислом ҳамда яна бошқалар бор эди[2]. У ўз нуқсонларини нима билан ёпишни билмасдан бу ишни қилди. Бунинг ўрнига қилган ишлари учун Оллоҳ олдида тавба-тазарру этганида, адолатни тан олганида, эҳтимол, шундай шармандали ҳолга тушмаган бўлармиди.

Шундай қилиб, у шаҳардан кетишни хоҳлаганлар ҳамроҳлигида Хоразмни тарк этди. Кўплаб одамлар учун унга ҳамроҳлик қилиш ҳам қийин кечди. Чунки одамларнинг тўплаган бойликларидан рухсат берилган қисмини олиб, қолган қисмидан воз кечиши оғир эди. У ҳамроҳларига кўп нарса олишга рухсат бермаган эди.

У ўзи билан Ёзир ҳукмдорининг ўғли Умархонни ҳам қабатига олганди[3]. Унинг ҳамроҳликка олиниши мамлакатига борадиган барча йўлларни яхши билгани учун эди. Номи тилга олинган (Умархон) "Сабурхон" (сабр-тоқатли) деган лақабга эга бўлиб, бу лақабни олишининг сабаби бор эди. Унинг укаси Ҳиндухон мамлакатни босиб олганидан кейин Умархонни кўр қилиш тўғрисида буйруқ берди. Аммо буйруқни бажарувчининг унга раҳми келиб, кўзига тегмади. Унинг кўриш қобилияти сақланиб қолинди. Умархон эса то Ҳиндухон ўлгунга қадар, ўн бир йил давомида ўзини кўрликка солиб юрди. Шундан кейин Туркон хотун Ёзир вилоятини ўзиники қилиб олди. Бунинг сабаби Ҳиндухон унинг қабиласига мансуб, ҳатто унга қариндош бўлган аёлга уйланганди. Шунда Умархон кўзини очди ва ўз мулкимга ҳукмдорликни менга беришар деган умидда Султон саройига юкиниб борди. Аммо у ўзи умид қилган нарсага эриша олмади, бу ерга келиб фақат Сабурхон деган лақаб орттирди.

Шундай қилиб, Умархон ҳам Султон онаси хизматида Хоразмни тарк этди. Туркон хотун ёнида бирор бахтсизликни бартараф этиб, уни ғам-ташвишлардан халос қиладиган, хуллас, унга суянчиқ бўладиган ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди[4]. У йўл давомида унга садоқат билан хизмат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди. Улар Ёзир чегараларига яқинлашиб қолганда Туркон хотун Умархон бизни ташлаб кетади деб ўйлаб, бошини танасидан жудо қилишга буйруқ берди. У ҳам қўлоёғи боғланиб сўйилди. Туркон хотун ёнидагиларни — Султон хотинлари, бойликларини олиб Илол қалъаси томон йўлга тушди[5]. Илол Мозандарондаги энг мустаҳкам, эгаллаб бўлмайдиган қалъалардан бири ҳисобланарди. Улар бу ерда тоторлар Султонни мамлакатдан қувиб чиқариб, у оролда паноҳ топиб, вафот этгунга қадар яшашди.

Илол қалъаси тўрт ой қамал қилинди. Тоторлар қалъа атрофига девор қуришди ва дарвоза ўрнатишди. Дарвоза кундуз очилиб, тунда ёпиларди. Уларнинг эгаллаб бўлмайдиган мустаҳкам қалъаларни қамал қилиш одати шундай эди. Бу ҳол қалъада оғир аҳвол, озиқ-овқат, сув танқислигини юзага келтирарди.

Яна шу нарса ажабланарли эдики, Мозандароннинг ушбу қалъаси бошқаларидан бу ерга ёмғир кўп ёғиши, нам кўп бўлиши билан ажралиб турарди. Қалъа устида ҳаво камдан-кам ҳолларда очиқ бўлар, ёмғир деярли тинимсиз ёғарди. Бу эса одамларнинг чанқоғини камайтирарди. Оллоҳнинг буюргани шу бўлдики, қамал пайтида ҳаво ниҳоятда очиқ келди. Бу уни (Туркон хотунни) тоторлардан шафқат сўрашга мажбур қилди, улар ваъда бердилар. У ва унинг вазири Муҳаммад ибн Солиҳ қалъадан чиқдилар. Айтишларича, у қалъадан ташқарига чиққан пайтда кучли сув оқими дарвозадан ичкарига қуйилганмиш ва шу куни барча ҳавзалар тўлиб-тошганмиш. Бу ҳам, эҳтимол, бирини бузиб, иккинчини тузадиган ягона ва қудратли Оллоҳ таолонинг карамотидир. "Бас, дил-лари Оллоҳни эслашдан қотиб қолган кимсаларга ҳалокат бўлғай! Улар очиқ залолатдадирлар!"*

Туркон хотун шу тариқа асир олинади ва Чингизхон ҳузурига олиб кетилади[6]. У ҳақдаги миш-мишлар вақти-вақти билан Жалолиддинга ҳам етиб келарди. Лекин, тўғрисини айтишим керак, унинг кейинги тақдири қандай кечганидан хабарсизман. Унинг хизматкорларидан бири, ҳарам оғаси Бадриддин Ҳилол ўзининг мўғуллардан озод бўлиш имкони қолмаган пайтда Жалолиддин томонидан қутқариб олингани, унга меҳрибонлик кўрсатгани, омади чопиб юксак лавозим эгаси бўлганини ҳикоя

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилар экан яна бундай деди: "Мен унга, ўшанда, "ўғлингнинг ўғли, юрагинг жавҳари Жалолиддин ёнига қочайлик", деб айтдим. Чунки ўша пайтда унинг куч-қудрати, мамлакатининг катталиги ҳақида бизга ҳар хил хабарлар келиб турарди. У эса менга: "Бунақа гапларни бас қил, йўқол! Мен қандай қилиб Ой Чиченнинг (Жалолиддиннинг онасининг исми, баъзи манбаларда у Ой Чечак деб ҳам ёзилади) ўғли марҳаматига қарам бўлиб яшайман. Ўғилларим Ўзлоғшоҳ ва Оқшоҳдан кейин ундан паноҳ истайми, унга юкиниб борайми? Ҳатто менга Чингизхон қўлидаги асирликда бошимдан кечираётган шармандалик ва хўрлик ҳам унинг ҳузурига боришдан кўра аъло!" деди.

У Жалолиддинни ёмон кўрарди. Юқорида номини айтганим хизматкор менга яна бундай деди: "Унинг асирликдаги аҳволи ниҳоятда оғир эди, у Чингизхоннинг тушлик дастурхонига бир неча марта бориб, нимадир олар, бу овқат унга бир неча кунга етиб ортарди". Бунгача у қандай эди, унинг бир оғиз сўзи барча вилоятларда сўзсиз ижро қилинмасмиди! Энди-чи? Инсон тақдирини бу тарзда Ўзгартирувчининг буюк қудратига тасанно айтмасдан бўладими!

Султоннинг болалари тақдирига келсак, уларнинг ҳаммаси Илол қалъаси ёғий қўлига топширилган пайтда қатл қилинган. Булар орасида ёши жиҳатдан энг кичик бўлган Камохишоҳ омон қолган. Туркон хотун ҳаётининг энг оғир, ғам-ташвишли, хўрликка юз тутган пайтларида уни бағрига босиб ором топишга интилган. У кунларнинг бирида боланинг сочларини силаб туриб бундай деган: "Бугун юрагим шундай сиқилмоқдаки, умрим бино бўлиб бундай аҳволга биринчи марта тушишим". Шу пайт Чингизхон сархангларидан бири келиб болани унинг қўлидан тортиб олган. Шундан сўнг у болани кўрмаган. Бола Чингизхон ҳузурига олиб борилганда у уни бўғиб ўлдиришни буюрган. У бўғиб ўлдирилган. Мана, шундай қилиб, у (Туркон хотун) бу оламда ҳукмдорларнинг фарзандларини қирғин этиб нимаики қилган бўлса, шунга яраша ўз жазосини ҳам олди.

Султоннинг қизлари тақдири бошқачароқ кечди, уларнинг ҳар бири юртини сотиб Чингизхон ҳузурида юрган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

арга эрга берилди[7]. Фақат Самарқанд ҳукмдори, султонар султони Усмоннинг хотини бўлган Хон Султон исисно эди. Уни Чингизхоннинг ўғли Душихон (Жўчихон) зига мўлжаллади[8]. Ўзлоғшоҳнинг синглиси Туркон Султонга Чингизхон номидан Туркон хотун ҳузурига элчи бўлиб борган ҳожиб Донишманд уйланди.

Асир олинганлар орасида вазирликдан четлаштирилган Низомулмулкнинг аҳволи яхшироқ эди. Чунки улар Султоннинг унга муносабати қандайлигини билар, вазирлик мансабидан четлаштирилганидан ҳам хабардор бўлишганди. Чингизхон баъзан унга айрим вилоятлардан келадиган даромадларнинг ҳисоб-китобини текшириб кўришни буюрарди. Бу ҳам унинг мавқеига сал бўлсада таъсир қиларди. Бундай аҳвол Жўчихон Хоразмни босиб олиб, унинг аҳолисига ўз зулмини ўтказгунга қадар давом этди.

Босқиндан кейин Султон санъаткорлари Чингизхон ҳузурига олиб келинди. Улар орасида гўзал ва дилбар қиз Бинт Занкижа ҳам бор эди. Уни Чингизхондан самарқандлик кўз табиби (каххал) Зайн ўзига сўраттирди. Зайн қачонлардир кофир (Чингизхон)нинг кўзи оғриганда даволаганди. Шу сабабли у Занкижани унга ҳадя қилди. Каххал ташқи кўринишдан ниҳоятда хунук, бадбашара, муомаласи дағал одам эди. Занкижа эса уни кўргани кўзи йўқ эди ва айни пайтда ислом оламининг султони ўрнини бу одам эгаллашини истамасди. Қиз икки-уч кун шаробдан бош кўтармайдиган собиқ вазир ҳузурида бўлди. Каххал бир неча бор уни ўзига беришларини талаб қилди. Занкижа ўзини ҳимоя қилиб, унинг ҳузурига бормаслигини билдирди. Шунда Каххал Чингизхон ҳузурига бориб вазирни ёмонлади ва унинг "Ҳар қандай одамдан кўра уни ўзимники қилиб олишга менинг ҳуқуқим кўпроқ", деган сўзларини етказди. Чингизхоннинг жаҳли чиқди ва собиқ вазирни олиб келишни буюрди. Олиб келишгач, Чингизхон унинг ўз ҳимоячиси ва ҳукмдорига қилган ёмонликлари, сотқинликларини, шу тариқа Султон давлатига келтирилган зарарларини бирма-бир санаб берди. У (Чингизхон) уни ҳимоя қилиш тўғрисида берган ваъдасини бузди, унинг қони ҳам ер бағрига сингди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] Ан-Насавий бу ўринда Хоразмда асирликда бўлган ҳукмдорлар, уларнинг ўғиллари, асирлар сонини 22 та деб беради. 11-бобда эса "Зулқарнайн" навбасини ижро қилишдаги асир ҳукмдорлар сони 27 та деб берилганди.

[2] Ан-Насавий матнда "Тўғрул ас-Салжуқийнинг ўғиллари" деб ёзади. 11-бобда унинг битта ўғли хусусида маълумот бор эди.

Сиғноқ (Суғноқ) — Сирдарё бўйидаги ўрта аср шаҳри. Унинг харобалари Қозоғистон теграсида.

[3] В. Бартольд бу шаҳар ҳақида бундай деб ёзади: "Ашхобод ва Қизил Арват ўртасида Дурун шаҳри хароблари бор. Бу шаҳар XIII аср бошида шу ерда яшайдиган туркман қабиларининг номи билан Ёзир деб номланади.

[4] Хоразмдан чиқиб кетган Туркон хотун ёнида унинг вазири Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳ ҳам бор эди.

[5] Илол қалъаси Сори дарёсининг юқори қисмида жойлашган. Жувайний ёзишича, Туркон хотун Султон оиласининг ва бойликларининг бир қисмини Теҳрон яқинидаги Ларижон қалъасига жўнатган.

[6] Ибн ал-Асирнинг айтишича, Туркон хотун 617 йил (1220 йил) асир олинган. У барча одамлари ва бойликлари билан бирга ўша пайтда Толақонда бўлган Чингизхон ҳузурига жўнатилган. Улар Чингизхон ҳузурига олиб келингач, вазир Носириддин қийноққа солинади, Хоразмшоҳ болалари эса қатл этилади. Чингизхон Мўғулистонга кетишдан олдин бир неча кун Самарқандда тўхтайди. Бу ердан жўнаш олдидан Туркон хотунга ва Муҳаммаднинг хотинларига олдинга чиқиб Хоразмшоҳлар давлати учун бақириб йиғлашни буюради. Бу йиғи мўғул қўшинлари ўтиб бўлгунга қадар тинмаслиги тайинланади. Туркон хотун Қорақурумга олиб кетилади ва у ерда хору зорликда яшаб 630 (1232—1233) йилда вафот этади.

[7] Жувайний маълумотига кўра, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг икки қизи Чиғатойга берилади. У қизлардан бирини ўзига чўри қилиб олади, иккинчисини вазири Қутбиддин Ҳабашга беради. Султоннинг Угадай ва Тўлихонга насиб қилган қизларидан бири ҳожиб Амидга берилади.

[8] Хоразмшоҳнинг қизи Хон Султон Самарқанд ҳукмдори султон Усмонга 597 йилнинг баҳорида (1201 йилнинг апрелида) турмушга чиқади. Жувайнийнинг айтишича, Хон Султон Или дарёси ҳавзаси яқинидаги ўрта аср шаҳри бўлган Эмилда яшовчи бўёқчига эрга берилади. Бўёқчи умрининг охирига қадар у билан яшаган дейилади. Ибн Холдун ҳам шунга ўхшаш маълумот беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

19-БОБ

ТУРКОН ХОТУН ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ БИР ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ

У Баёт уруғидан эди. Баёт уруғининг Емек қабиласига нсуб ҳисобланади. Унинг иши юришиб, мавқеи мус-ҳкамланиб борди, шунда у "Худованди жаҳон" деган ақаб олди. У турк мамлакатларидан бирининг ҳукмдори Конкишихоннинг қизи эди[1]. Эл-Арслоннинг ўғли Такиш укмдорларнинг ўғли ҳукмдорларнинг қизини олгани каби нга уйланди[2]. Ҳокимият султон Муҳаммадга отаси Та-кишдан мерос бўлиб ўтганидан кейин Емек ва унга қўшни бўлган бошқа қабилалар унинг давлати таркибига келиб қўшилдилар. Шу сабабли Султоннинг кучи кўпайди, у эса уларни янада улуғлади. Натижада Туркон хотун мамла-катни бошқара бошлади[3]. Султон қайси бир мамлакатни босиб олгудек бўлса, унинг қайсидир вилоятини, албат-та, онасининг яқинлари учун ажратиб берарди.

У улуғвор ва ақлли аёл эди. Унга шикоят хатлари, арз-номалар келгудек бўлса, уларни синчковлик билан адолат нуқтаи назаридан кўриб чиқарди ва жабр қилувчининг зулми остида эзилган одам тарафини оларди. Аммо у қотил-ликни мардлик нишонаси деб баҳоларди. У мамлакат учун кўплаб яхши ишлар қилди. Агар буларнинг ҳаммасини бир-ма-бир санайдиган, унинг улуғвор ишларини таъкидлаб кўрсатадиган бўлсак, яна кўп қоғозларни қоралашимизга, кўп гапиришимизга тўғри келарди. Унинг котиблари (кут-таб ал-иншо) еттита эди. Уларнинг ҳаммаси машҳур, дав-рининг атоқли ва олижаноб инсонлари эди. Агар ундан ва Султондан бир масала бўйича иккита муносабат билди-рилган нома келиб қолгудек бўлса, албатта, унинг битил-ган муддатига қараларди. Улардан қайси бири кейин ёзил-ган, шу номадаги фикр мамлакат миқёсида асос қилиб олинарди. Унинг фармонларидаги туғроси қуйидагича эди: "Улуғ Туркон, мўъминларнинг ва тинчликнинг ҳимоячи-си, икки олам аёлларининг маликаси". Унинг шиори "Фа-қат Оллоҳдан ҳимоя истайман" деган сўзлар эди. У бу сўзларни қалам билан катта қилиб, чиройли тарзда ёзиб қўйганди, уни бошқа бирор одам ўзгартира олмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] Жувайнийнинг маълумот беришича, Туркон хотун Қанғли уруғидан бўлган. Жузжоний уни қипчоқ хони Акрон (Икрон)нинг қизи дейди. Ан-Насавийнинг айтишича, Баёвут уруғига мансуб бўлган. Бу ерда, назаримда, мўғул қабилаларидан бирининг номи билан туркийларнинг Баёт уруғининг номи қоришиб кетганга ўхшайди.

[2] 12-бобга қаранг.

[3] Хоразмшоҳлар давлатининг тарихида султон Муҳаммад ҳукмдорлиги даврини ўрганар эканмиз, унда Туркон хотуннинг етакчи роль ўйнаганлигини, унинг буйруқ ва маслаҳатлари Муҳаммад томонидан сўзсиз бажарилганлигини кузатиш мумкин. Мантиқан олиб қараганда, у (Туркон хотун) мамлакатда иккинчи, эҳтимол, биринчи шахс бўлган дейиш мумкин. Чунки, Муҳаммаднинг фармон ёки топшириқлари онаси томонидан муҳокама қилинмасдан рад қилинган пайтлари ҳам кўп бўлган. Унинг ўз шахсий "девон ал-иншоси" бўлганлиги ҳам давлат миқёсидаги ишларни, масалаларни мустақил равишда ечиш имконига эга эканлигини кўрсатади. Жувайнийнинг айтишича, Туркон хотун ҳукмронлик учун Гурганж (Урганч)ни пойтахт қилиб олганди. Ўз саройи, ўз мулки бор эди. "Туркон хотун нафақат Султон устидан ҳукмронликка эга эди, балки унинг молиявий ишларига, олий даражали лашкарбошиларига, сарой ходимларига ҳам раҳбарлик қиларди". Жувайнийнинг бу сўзлари ўша вақтдаги аҳволни яққол намоён қилади.

20-БОБ

СУЛТОННИНГ ЧИНГИЗХОН БУХОРОНИ ЭГАЛЛАБ ОЛГАНИНИ ЭШИТГАНИДАН КЕЙИН КАЛИФДАН КЕТИШИ БАЁНИ

Султон Чингизхоннинг Ўтрорни босиб олгани, Инолхонни ва у билан бирга бўлган қўшинни мағлуб қилгани хабарини эшитгач Калиф ва Андхуд остоналарида тўхтади[1]. У турли томондан жон сақлаш учун қочиб келаётганларни кузатаркан, бу ваҳимали тунлар яна қандай воқеаларни бошимизга гирифтор қилар экан, деб ўйларди.

Чингизхон Ўтрорни босиб олганидан кейин Бухорога қараб юрди. Бухоро Султон қўшинлари тўпланадиган энг яқин, марказий шаҳарлардан ҳисобланарди. Шу учун у шаҳарни қамал қилар экан, Султон билан унинг бу ерга тўпланган кучлари ўртасидаги алоқани батамом узиб таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашга уринди[2]. Султон агар ўз хатти-ҳаракатларининг нотўғри эканлигини англаб, қўшинларини қайтадан йиғиш нияти туғилганда ҳам бунга эришолмаслиги керак эди. Шундай қилиб тоторлар Бухорони ўраб олди. Ўтрордан келтирилган пиёда ва отлиқ лашкарлар ҳисобига кучларини кўпайтирди. Бухорода жанг туну кун давом этди. Жанг тоторлар куч билан ҳужум қилиб, шаҳарни босиб олгунга қадар давом этди.

Амир-охур Кушлу ва унинг атрофидаги Султон сафдошлари Бухоронинг қўлдан кетаётганини кўргач, ўзаро маслаҳатлашиб, шармандали мағлубиятидан куч билан қутулиб чиқишга қарор қилдилар. Улар ҳаммаси биргалашиб бирдан ҳужумга ўтишга, шу орқали кишан кийиш ва истибдод азобларидан халос бўлишга келишдилар. Улар шундай қилдилар ва қамални ёриб чиқдилар. Агар Оллоҳ ҳар бир ишнинг амалга ошишини истаса, бунинг учун имкон туғилиши шубҳасиз.

Тоторлар жанг қизиб, аҳвол жиддийлашганини, тиғлар қайралиб, ғазаблар оловланганини кўриб, улар қўшинининг илғорига йўл очиб берди ва қочишга ҳозирландилар. Агар мусулмонлар бир ҳужум кетидан иккинчисини уюштириб, гўё одамни орқадан тепиб йиқитган мисол, янаям жиддий зарба берганларида уларнинг жанг майдонини ташлаб қочишлари тайин эди. Лекин мусулмонлардан тақдир юз ўгирди, улар ўзларини қутқариш пайида бўлдилар. Тоторлар уларнинг мақсади ўзларини халос этишдан иборат эканлигини англаганларидан кейин, кетидан от қўйдилар, қочиш йўлларини тўсиш ҳаракатига тушдилар. Уларни Жайҳун бўйларига қадар таъқиб этдилар. Улар орасидан фақат Инонжхон кичик қўшини билан тоторлардан қутулиб қолди. Лашкарларнинг аксарияти ўлдирилди. Тоторлар буюмлар, қурол-яроғлар, қуллар ва озиқ-овқатларни ўзлариники қилиб олдилар. Юк қоплари оғирлашиб, кўп бойликларга эга бўлдилар.

Бу даҳшатли воқеа ҳақидаги хабар Султонга етиб борганида уни ваҳима босди ва ғамга ботди, юрагига қўрқув оралади, қўллари бўшашди. У Жайҳунни эзилган ҳолатда, Мовароуннаҳрдай мамлакатни ҳимоя қилиш ишончидан айрилган тарзда кечиб ўтди. У аҳволи ниҳоятда оғирлашган бир пайтда энг мард лашкарларидан ҳам айрилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Етти минг одамдан иборат хитойилар (жиянлари, онасининг ака-укаларининг ўғиллари) уни ташлаб, тоторлар томонга ўтиб кетди. Қундуз ҳукмдори Аловуддин намойишкорона тарзда Чингизхон томонга ўтиб, Султонга қарши курашга бел боғлади[3]. Балхнинг таниқли одамларидан бири, амир Моҳ Рўий ҳам тоторлар томонга ўтиб кетди. Унинг куч-қудратига путур етиб, иши орқага кетиб, ҳамкорлик алоқалари камайган пайтда одамлар билдирмасдан уни ташлаб кета бошладилар. Ҳар бир ҳамкорлик ипининг узилиши, бир ишнинг барҳам топишига олиб келарди. Дейдиларки, "Эй мулку давлат эгаси бўлган Оллоҳим, Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан". Яна айтишадики, "Парвардигорингиз фақат ўзи истаган ишни қилгувчи зотдир!"*

Чингизхон юқорида номини эслатганимиз сотқин лашкарбошилардан Султоннинг қўрқув ва ваҳима ичида қолганини эшитиб, омадсизликлар гирдобида эканлигини билиб, икки йўлбошчиси — Жэбэ нўён ва Субутой Баҳодурни ўттиз минг кишилик лашкар билан сафарга отлантирди. Улар дарёдан кечиб ўтиб Хуросонга йўл олдилар ва мамлакат бўйлаб изғидилар. Таҳлика ҳаддан ошди, талон-тарож, босқинчилик, бузғунчилик, қон тўкиш шу даражага етдики, одамлар яшайдиган масканлар ўти ўриб олинган яйловдек кимсасиз қолди, деҳқонлар ўз ерларини яланғоч тарк этар эдилар. Нарсаларнинг барчаси очиқдагиси ва ёпиқдагиси ҳам, қўлга илинганлари ва кўздан яширинлари ҳам тортиб олинди, борлиқ сукунат қўйнига чўкди, фақат бу ерларда бойўғлиларнинг қичқириғи акс-садо бериб эшитиладиган бўлди.

Одамлар аввалги даврларда ва олдинги ҳукмдорлар пайтида рўй бермаган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлдилар. Ахир бир қўшин қуёш чиқадиган жойдан юриш бошлаб заминнинг Боб ал-Абвобига қадар боргани, у ердан эса қипчоқлар юртига ўтиб, улар қабилаларига ҳужум қилиб, барчасини қиличдан ўтказгани хабари ҳеч эшитилганми?[4] Улар бир ерга қадам қўйиб улгурмасдан уни талардилар, бирор шаҳарни босиб олсалар уни вайронага айлантирдилар. Шундай катта доирадаги босқинчилик юришларидан кейин ҳам улар ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир шикаст емай Хоразм орқали ўтиб, унинг экинзорларини вайрон қилиб, аҳолисини қирғинга учратиб, подаларини ҳайдаб, ундан нари ҳукмдори олдига катта бойликлар билан қайтдилар. Буларнинг ҳаммаси бор-йўғи икки йил ичида амалга оширилди!

Дарҳақиқат, "Бу ер, шак-шубҳасиз, Оллоҳникидир. Уни ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат натижа эса тақводорларники"*

---

[1] *Калиф* — Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган шаҳар. Ан-Насавий асарида унинг номини "Қутлуф" деб атайди. Ушбу асарнинг Қоҳирада нашр қилинган нусхасида Хофиз Ҳамдий "Қутлуф — Хуросондаги шаҳар, у Балх ва Марв оралиғида жойлашган" деб изоҳ беради.

[2] Жувайний ва Рашидиддин маълумотига кўра, Шарқ мамлакатлари учун ислом гумбази бўлган Бухоро 617 йил муҳаррами бошларида (1220 йил мартида) қамал қилинган. Ўша воқеалардан хабардор бўлган Ибн ал-Асир ва Жузжоний Бухоронинг қамал қилиниши 616 йилнинг зулҳижжа ойида (1220 йилнинг февралида) рўй берганлиги ҳақида аниқ маълумот беради.

Манбаларда айтилишича, Бухородаги лашкарбошилар уч кунлик қамалдан сўнг шаҳарни ташлаб чиқиб, мўғул қўшинлари сафини ёриб ўтиб Хуросонга чекинишга қарор қиладилар. Бироқ мўғуллар сафларини ёриб ўтиб тартибсиз чекинаётган Бухоро қўшинларининг кетидан етиб олади ва уларнинг кўп қисмини қириб ташлайдилар. Омон қолган Инонжхон оз миқдордаги лашкарлари билан Амударёни кечиб ўтади. Ҳимоясиз қолган шаҳар аҳли мўғулларга таслим бўлади. Чингизхон ҳузурига қози Бадриддин Қозихон бошчилигида 616 йилнинг 4 зулҳижжаси сешанба куни (1220 йилнинг 10 февралида) вакиллар юборилади. Шундан кейин шаҳар мўғуллар томонидан босиб олинади. Жузжонийда бу сана 16 февраль деб белгиланган.

Шаҳар аҳолисининг бир қисми ва баъзи лашкарлар (Ибн ал-Асир улар сони 400 та эди деб айтади) шаҳар аркига кириб ҳимояланиб яна 12 кун жанг қиладилар. Шаҳар ёқилади ва вайрон этилади, аҳолисининг бир қисми қиличдан ўтказилади. Қолган қисмини мўғуллар Самарқандга ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларига қамал пайтида фойдаланиш учун олиб кетадилар. Чингизхон Бухоронинг ҳукмдори қилиб босқоқ Товшини белгилайди.

[3] 16-бобга қаранг.

[4] *Боб ал-Абвоб* — ҳозирги Дарбанд назарда тутилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

21-БОБ

СУЛТОННИНГ ҚУЛЗУМ ДЕНГИЗИДАГИ ОРОЛДА ВАФОТ ЭТГАНИГА ҚАДАР ҚАНДАЙ ТАШВИШЛАРНИ ВА МУСИБАТЛАРНИ БОШИДАН КЕЧИРГАНИ БАЁНИ[1]

Султон Жайҳунни кечиб ўтганидан кейин хизматига Ироқ ҳукмдори, ўғли Рукниддиннинг вазири Имодулмулк Муҳаммад ибн ал-Шодид ас-Савий ҳозир бўлди[2]. Рукниддин уни (вазирини) Султон ҳузурига йўллар экан, бу иш ташқаридан қараганда, боланинг отага ёрдамидай тассурот қолдирарди. Аслида эса мақсад бўлак эди: у шу йўл билан вазиридан қутулишни ўйлаганди. Чунки, у аввал ҳам вазири ҳақида Султонга шикоят қилган, унинг такаббурлиги, ўз хоҳишича иш тутиши, шахсий манфаатидан бўлак ҳеч нарса ҳақида ўйламаслиги хусусида айтган эди.

У Султон ҳузурига келгач, ўзига қарши иш амалга оширилганини билди ва бу қийин аҳволдан қутулиб чиқиш учун айёрлик йўлларини излай бошлади. У бошқаларга ўз сўзини ўтказа оладиган, маслаҳатлар беришга уста одам эди. Султонни ҳам Хуросонни ташлаб Ироққа боришга ундай бошлади. Агар Ироққа борилса, замини яхши: суви кўп, янги ерлар очиб катта бойлик тўплаш мумкин, одамларни йиғиб бой берилган имкониятларни қайта тиклаш, эски яраларга малҳам топиш йўли бор, дея авради.

Буларнинг бари ёлғон ваъдалар, қуруқ гаплар эди, гўё "саҳродаги саробга ўхшарди. Чанқаган кимса уни сув деб ўйларди, унга яқин боргач эса ҳеч нарса эканлигини биларди"* Султон ҳам бор нарсани рад қилиб, йўқ нарсага интилди, кўплаб шаҳарлар ва қўшинларга эга мамлакатни ташлаб кетди. Унга (Хуросонга) нисбатан олганда Ироқ кичкина жой, мутазилийлар фикрича бир бўлак (аш-шай) эди. Агар Ироқнинг уни тан оладиган қисми назарда тутиладиган бўлса, бу тегра янада кичраярди... Султон Жайҳун қирғоғидан Нишопурга йўл олди[3]. Лекин Нишопурда қалбининг туб-тубига ўрнашиб қолган қўрқув ва ваҳима туфайли кундуз куни бир неча соат бўлди, холос[4]. Хавотир туфайли унда турли хил шубҳалар туғилар, бу эса бемалол нафас ростлашига имкон туғдирмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Собиқ вакилдорлардан бири (Султон саройидаги мансабдор), амир Тожиддин Умар ал-Бистомий шундай ҳикоя қилади: "Султон бу гал Ироққа келганида Бистомда ҳам бўлди[5]. У мени ҳузурига чақиртирди ва кимгадир ўнта сандиқни келтиришни буюрди. Кейин мендан сўради: "Буларда нима борлигини биласанми?" Мен унга: "Буни Султоннинг ўзи билса керак", дедим. "Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо тошлар, уларнинг баҳоси йўқ. Фақат мана бу икки сандиқдаги тошларнинг нархи маълум. Улардаги тошлар шу даражада ноёбки, пулга чақиш мумкин бўлса, улар ер юзининг йиллик харажаси (солиғи)га тенг келади", деди у. Султон менга буларни Ардахн қалъасига олиб боришни буюрди[6]. Бу заминдаги энг мустаҳкам, эгаллаб бўлмайдиган қалъалардан бири ҳисобланарди. Унинг устига бургутлар ҳам учиб чиқолмас, қалъа аҳли қушларни тепадан туриб кўришарди. Мен сандиқларни ўша қалъага олиб бордим ва унинг волийсидан уларни қабул қилгани ҳақида тилхат олдим. Кейинчалик тоторлар Султон томонидан бирор хавф-хатар йўқлигини билгач, кўп мамлакатларни босиб олди. Юқорида номини эслатганимиз қалъани ҳам қамал қилди. Қалъа волийси ўша ўн сандиқ қимматбаҳо тошлар ҳисобига мўғуллар билан омонлик битимини тузди. Сандиқлар Чингизхонга жўнатилди".

Султон Ироққа келгач, Ҳамадонга қарашли бўлган жойлардан бири Давлатобод водийсида тўхтади[7]. У бу ерда бир неча кун турди. Унинг қўл остида мағлуб бўлган қўшинларидан қолган йигирма минг лашкар бор эди. У бир нарсадан, босқинчиларнинг бирдан янграб қоладиган наърасидан жуда қўрқарди, ёғий атрофимизни тўла даражада ўраб олмадимикан дея хавотирга тушарди. У ёғийлар қўлидан қочиб қутуларди, лекин атрофидагиларнинг кўпчилиги унинг эвазига ўлимга юз тутарди. Давлатободда ҳам шундай бўлди[8]. Имодулмулк ҳам шу ерда ўлимга юз тутди. Султон кам сонли сафдошлари ва атрофидаги хос мулозимлари билан Жилга қочиб қутулди[9]. Ундан кейин Исфизарга ўтди[10]. Исфизар Мозандороннинг тоғлар, даралар билан ўралган, бориш ниҳоятда қийин бўлган вилояти эди. Бу ердан у денгиз бўйига чиқди ва бандаргоҳга яқин бўлган қишлоқлардан бирида тўхтади[11]. Қишлоқда у имом билан бирга масжидга бориб, беш вақт на-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мозни канда қилмади. Имом унга Қуръондан ўқиб берар, у эса Оллоҳ агар марҳамат қилиб мамлакатини қўлига қайтариб берса, унда адолатни қарор топтиришга сўз бериб йиғлар эди. Лекин бу ерда ҳам кутилмаганда тоторлар унга ҳужум қилишди. Улар билан бирга Рукниддин Кобуджомий ҳам бор эди[12]. Султон илгари унинг амакиси Нусратиддинни ва унинг ўғли Иззиддин Кайхусровни ўлдиртириб, мамлакатини босиб олганди. Энди Рукниддин пайтдан фойдаланиб, тоторларга қўшилиб амакисига қарашли бўлган вилоятни эгаллаганди. Бу ерда унга қаршилик қиладиган бирор рақиб йўқ эди.

Тоторлар Султон учун кутилмаганда қишлоққа ҳужум қилишди, натижада у кемага (марқобга) чиқди. Кемага турли томондан ўқлар отилди, бу гуруҳ одамлар Султонни тутиш учун марқоб кетидан ўзларини сувга ташлашди. Лекин шошқалоқликлари туфайли денгиз бағрида ўлим топдилар.

Ўшанда Султон билан бирга кемада бўлганлардан баъзилари менга шундай ҳикоя қилиб беришганди: "Биз кемани шитоб билан ҳайдаётган пайтимизда Султон ўпка яллиғланиши касали билан оғриб қолди. Унинг омон қолишидан умидимизни уздик. Шунда Султон кўнглидаги дардларни тўкиб бундай деди: "Биз ҳукмдорлик қилган барча вилоятларнинг заминидан ўзимизга гўр қазиш учун икки қулоч ҳам ер қолмади. Аслида бу олам инсон учун асл маскан эмас, у бу ерда мангу қололмайди, демак, бу дунё уни овунтириш учун бир бошпана, холос. У бир работга (карвонсаройга) ўхшайди — келувчи унинг бир эшигидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади. "Бас, эй ақл эгалари, ибрат олингиз"*

Улар яна менга бундай ҳикоя қилгандилар: "У оролга келгач жуда хурсанд бўлди[13]. У на эски, на янги мулки бўлмаган ёлғиз қувғинга айланганди. Касаллиги эса кундан-кунга кучаярди. Мозандорон аҳолиси орасидан унга содиқ одамлар бўлиб, улар озиқ-овқатлар, у хоҳлаган нарсаларни олиб келишарди.

Кунларнинг бирида у: "қани энди битта тулпорим бўлса, у чодирим атрофида (унга атаб алоҳида чодир тикланганди) ўтлаб юрса", дея хаёл қилди. Унинг бу ниятини эшитган Малик Тожиддин Ҳасан думи ва ёли қора

www.ziyouz.com kutubxonasi

саман от совға қилди. Тожиддин Ҳасан Султоннинг сархангларидан бири эди[14]. У Султонга қилган хизматлари, садоқати учун Жалолиддин томонидан юксак тақдирланиб, малик даражасига қадар кўтарилди. Тожиддин кейинчалик Астрободга, унинг атрофидаги қалъалар ва мулкларга ҳукмдор этиб тайинланди.

Илгари пайтларда Султон амир-охури амир Ихтиёриддин қўл остида ўттиз мингдан ортиқ от бўларди[15]. Шунда у бундай дерди: "Агар истасам қўл остимдаги отлар сонини бир динор ва дирҳам ҳам сарфламасдан олтмиш мингга етказаман. Бунинг учун мамлакатимиз теграсидаги Султон отлари боқилаётган уюрлардан чўпонларга биттадан от келтиришни буюрсам, бас, олиб келинадиган отлар ўттиз мингдан ошади". Хўш, сиз муҳтарам фикр юритувчи, энди Султоннинг бу икки аҳволини солиштириб кўринг-чи, қандай хулоса чиқарар экансиз! Ҳа, дунё шундай беқарор!

Агар ўша кунлари кимдир унга (Султонга) бирор егулик ёки бошқа нарса келтирса, бас, унинг номига ё юқори мансаб берилгани, ё бирор мулк иқто қилингани ҳақидаги фармон битиларди. Бундай фармонни аксарият пайтларда ўша фармон олувчининг ўзи битишига тўғри келарди, чунки баъзан Султоннинг "орол фармонлари"ни ёзадиган одам топилмай қоларди. Аниқроғи, бу фармонларни Жалолиддинга юбориладиган ёрлиқлар эди деса тўғрироқ бўлади. Чунки, у мамлакатда пайдо бўлганидан кейин бу фармонларни унга тақдим қилишди. У эса буларни тасдиқлаб берди. Агар кимнингдир қўлида бу иқто ёки мансаб бериш борасидаги фармонни тасдиқловчи Султон пичоғи, дастурмоли ё бошқа бирор нарса бўлса, Жалолиддин аввал бу буюмни олиб ўпар, кейин фармонга ўз муҳрини босарди.

Султон оролда бандаликни бажо келтириб, Оллоҳ олдидаги бу дунёдаги қарзидан қутулганда уни яқин хос мулозимлари — човуш Шамсиддин Маҳмуд ибн Ёлоқ ва ётоқхона бошлиғи (ал-фаррашийа) Муқоррибиддин ювишди[16]. Султон учун кафанлик ҳам топилмади. Шунда Шамсиддин ўз кўйлагини йиртиб, уни кафан қилиб ўради[17]. У оролга дафн қилинди. Бу олти юз ўн еттинчи йили (1220 йилнинг марти—1221 йилнинг феврали) рўй берди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Подшоҳларни хор қилди, улуғларни ов қилди,
Қудратлини итоаткор бир қулга айлантирди.
Атрофида таъзимга шайдир, ана, маликлар,
Ким уларни бир-бир ушлаб итоатга келтирди?
Жо-бажо бўлаётир унинг барча ишлари,
Ҳатто замин таъзимга келаётир ул сари.
Қудратидан аёнки, ҳатто қасд қилиб тақдир,
Унга қарши чиқса гар, ўзи ожиз қоладир!
Мана, чиқди олдидан ғазабкор маъбуд — Ажал,
Ва қиличин кўтарди қону жонига маҳтал.
Унинг мулозимлари, қуллар беролмай ёрдам,
Қолди Ажал қошида бари ожиз, боши хам.
Дунёнинг ишлари шу: ким кўрсатса зўрини,
Тақдир бирма-бир ушлаб, сўлдиражак барини!

---

[1] *Қулзум денгизи* — Каспий денгизи.

[2] 11-бобга қаранг.

[3] *Нишопур* — Хуросондаги асосий шаҳарлардан бири.

[4] Хоразмшоҳ Муҳаммад Амударё бўйларидан Ироқ томонга йўл олади. Йўлда уни сафдошларидан бир гуруҳи — Туркон хотуннинг қариндошлари, Уран қабиласидан бўлган одамлар ўлдирмоқчи бўладилар. У бу суиқасддан огоҳлантирилади ва мулозимлари, шахсий қўриқчилари билан Нишопурга қочади. Уранликлардан етти минг киши Чингизхон томонга ўтиб кетади. Хоразмшоҳ Нишопур йўлида Калат қалъасида бўлади ва уни 617 йилнинг сафар ойининг 12 кунида (1220 йил 18 апрель) тарк этади.

Жувайний маълумотига кўра, Хоразмшоҳ Нишопурда 617 йил раби аввалнинг 7 кунигача бўлади (1220 йил 12 май). У одамларнинг шаҳарни мустаҳкамлаш ҳақидаги гапига қулоқ солмасдан вақтини ўйин-кулги билан ўтказади.

[5] *Тожиддин Умар ал-Бистомий* — Хоразмшоҳ томонидан тайинланган олтита вакилдорлардан бири. Бистомда (ҳозирги номи Бустом) машҳур суфий Абу Боёзид Тойфур Бистомийнинг (у 874 йилда вафот этган) мақбараси бор.

[6] *Ардахн* — Дамованд ва Мозандорон ўртасидаги тоғда жойлашган мустаҳкам қалъа. У Райдан уч кунлик йўл ҳисобланади. Рашидиддин уни Ардахин деб ёзади.

[7] Хоразмшоҳ Нишопурдан кейин Жэбэ нўён ва Субутой Баҳодир қўшинлари таъқиби остида бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир қалъадан иккинчи қалъага қочиб борадилар. Уни Чингизхоннинг огоҳлантирувчи номасини олган маҳаллий ҳукм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дорлар яхши кутиб олмайдилар. Фарразин қалъаси яқинида у 30 минг лашкарлик қўшинга эга бўлган ўғли Рукниддин Fурсанжтий билан учрашади. Бу ердан улар Қорун қалъасига йўл оладилар ва унинг ҳараминнинг бир қисми шу ерда қолади. Шундан кейин Хоразмшоҳ ўғиллари билан Саржаҳон қалъасига борадилар. Бу қалъада у етти кун туради. Ундан кейин Исфизарга, сўнг Амул орқали Каспий денгизига чиқади. Ан-Насавийнинг асарида эса бу воқеалар сал бошқачароқ талқин этилади.

[8] *Давлатобод* — Рай яқинидаги қишлоқ.

[9] *Жил* — ҳозирги Fилон шаҳри.

[10] *Исфизар* — Мозандорон шаҳарларидан бири.

[11] Ҳар эҳтимолга кўра бу қишлоқнинг номи Добуя бўлса керак. У Амул яқинида бўлган.

[12] *Рукниддин Кобуджомий* — шу номдаги жойнинг ҳукмдори. Мўғуллар даврида Рукниддин ва унинг ўғли Имод ад-Давла Нусратиддин Кобуджомнинг испахбодлари бўлиб хизмат қилган.

[13] В. Бартольд бу орол Ашур Ади бўлса керак, деб гумон қилади. Ибн ал-Асир бу хусусда бундай деб ёзади: "У (Хоразмшоҳ) Табаристон денгизи бандаргоҳи — Боб Сакунга етиб келди. Бу ерда денгизда қалъа бор эди. У ва унинг сафдошлари кемага кўтарилган ҳам эдики, тоторлар пайдо бўлдилар. Улар зўрға денгизга чиқишга улгурдилар".

[14] *Тожиддин Ҳасан* — Астробод муқтаси. Астробод Журжондаги катта шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Сарҳанг — 500 лашкарга бош бўлган лашкарбоши.

[15] Ихтиёриддин ҳақида 16-бобга қаранг.

[16] Жувайнийнинг маълумотига кўра, Хоразмшоҳ Муҳаммад 617 йилда вафот этган. Равертининг ёзишича, у 617 йилнинг шавволида (1220 йил ноябрь — декабрь ойларида) бандаликни бажо келтирган. Бу сана ҳақиқатга яқин, чунки Сун Цзи-чжен ва Елюй Чу-цай асарларида бундай деб ёзади: "Гянь-гэнь йилининг қишида (1220 йил февралдан 1221 йил январигача) самода чақинлар кўп чақнади, бу ҳодиса ҳақида олийҳазрат (Чингизхон) сўради. Шунда жаноби олийлари Елюй Чу-цай бундай деди: "Со-ли-тань (Султон Муҳаммад) овлоқ жойда бандаликни бажо келтиради". Кейинчалик ҳақиқатан ҳам шундай бўлди". Ибн ал-Асир Хоразмшоҳ бу оролдаги қалъада вафот этгани ҳақида маълумот беради. Абул Фараж эса "Султон Аловуддин 620 йилда (1223 йил февраль — 1224 йил январь) Гиркон денгизи бўйидаги мустаҳкам қалъага кириб беркинди ва дорулбақога рихлат қилди", деб ёзади.

[17] Ас-Суютий айтишича, Хоразмшоҳни кафанга унинг хизматкори Шош ал-Фаррош ўраган. Демак, бу ишни қилган одам Муқоррибиддин бўлиб чиқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

22-БОБ

ШИҲОБИДДИН АЛ-ХИВАҚИЙНИНГ ХОРАЗМДАН НАСАГА КЕЛИШИ, ТОТОРЛАРНИНГ УНИ ЎЛДИРИШИ ВА НАСА АҲОЛИСИНИ ҚИРИШИ БАЁНИ

Шиҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон (Оллоҳ ундан рози бўлсин!) машҳур фақиҳ, аш-шофиъия мазҳабидаги атоқли муфтилардан бири эди[1]. У диний ҳуқуқдан (ал-фиққдан) ташқари табобат, нахв, фалсафа, нотиқлик санъати, тил, тадбиркорлик илмларини ҳам яхши биларди. "Фалак қозиси" унинг бахтига ҳавас қиларди. Аторид эса ундан сабоқ олишга иштиёқманд эди. Энг заковатли, фикри теранлар ҳам унинг ақл-фаросати олдида қул бўлишни истарди, энг ўткир зеҳнлилар ҳам унинг орзуларининг хизматкорига айланишни хоҳларди. У Султон ҳузурида шундай даражага эришгандики, бундан ортиғини орзу қилиш мумкин эмасди, чунки бундан ортиқ даражанинг ўзи йўқ эди. Султон у билан энг муҳим масалалар бўйича маслаҳатлашарди, жиддий муаммоларни ҳал қилишда унинг фикрларини эшитарди. Мулк, ер эгалари, уларнинг вазирлари, амирлар жумласига кирувчи олий даражали одамлар унинг эшиги тагида қатор-қатор бўлиб турганини кўп кўриш мумкин эди. Бу пайтда эса у одатдагидай имомларга сабоқ бераётган бўларди. У Хоразмнинг бешта мадрасасида мударрислик қиларди ва буларда машғулотларни бошқалардан олдин тугатмасди. Сабоқлар тугагандан кейингина у Султон ҳожиблари билан уларнинг ишлари бўйича маслаҳатлашарди. Баъзан маслаҳат сўровчи унинг ҳузурига кириш учун бир йил ва ундан ортиқроқ ҳам кутишига тўғри келарди. Бу орада у уйига кетар, ишни битказиш, маслаҳат сўраш учун яна қайтарди. Унинг ишлари кўп эди, мамлакат катта, маслаҳат сўровчиларнинг эса кети узилмасди.

Султонда номалари, мактублари охирига "Ягона Оллоҳдан умид қиламан" деган сўзлар битилган ўз шахсий белгисини қўйиши учун муҳр зарурати туғилганди. Фармонлар остига ушбу сўзлар битилган белгини қўйишни унинг катта қизи Хон Султон ўз зиммасига олганди[2]. Чунки фармонлар шунчалик кўп эдики, уларнинг остига белги

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйиб чиқиш учун Султон кўп вақтини сарфларди. Бу эса уни бошқа зарур ишлардан чалғитарди. Шу сабабли кейинги йилларда у шахсий белгисини алоҳида муҳим ишлар бўйича битилган фармонлар остигагина қўярди.

Бу ўринда ҳам Шиҳобиддин Абу Саъднинг мавқеи юксаклигини намоён қилувчи бир ҳолат бор эди. Одатда ҳукмдорларга, маликларга ким бўлишидан қатъий назар, фармон жўнатилганда, улар номи ҳужжатнинг охирида вазир исмидан кейин келтириларди. Шиҳобиддинга келадиган ва ундан юбориладиган номаларда эса унга ҳурмат-эҳтиром юзасидан, исми вазирдан кейин ёзилмасин деган мақсадда номи битилмасди. Унинг ўрнига қуйидаги сўзлар ёзиларди: "Султон амри билан, Оллоҳ бу ҳукмдорнинг давлатини қудратли қилсин, олий фармонига мувофиқ унинг улуғворлиги мангу бўлсин!" Шундан кейин вазирнинг лақаблари келтириларди ва юборилган номанинг жавоби бериларди.

У (Шиҳобиддин) Хоразмда шафиъийлар масжиди қошида катта кутубхона қурдирди. Бундай кутубхона унгача ҳам қурилмаганди, ундан кейин ҳам барпо этилмади. У Хоразмдан кетар экан, унга қайтиб келиш умиди йўқлигини билди. Шунинг учун китобларини қолдиргиси келмади ва улардан энг яхшиларини танлаб ўзи билан бирга олди. У Насада ўлдирилганидан кейин китоблари авом халқ қўлига тушиб таланди. Мен унинг китобларини кўп изладим, лекин улардан айримларинигина тўплай олдим. Уларни тақдир менинг бошимга ташвишлар солгунча, бегона юртларга сарсон бўлиб кетгунимча сақладим. Шундан кейин тўплаган бор бойлигимни, меросимни қалъада қолдирдим. Эндиликда қалъада қолдирган меросим ичида ўша китоблардан ажралганимга афсусланаман.

Шиҳобиддин хоразмлик кўплаб одамлар билан Насага келгач бу ерда тўхтади ва Султон хизматига бориш учун унинг келиши ҳақидаги хабарни кута бошлади. Ниҳоят, унинг Нишопурга келгани ва у ердан тезлик билан кетгани хусусидаги хабарни эшитди. У нима қилишини билмай асабийлашди, фикрлари чалкашди, аввалги қатъийлигини йўқотиб талвасага тушди. Ана шундай кунларнинг бирида Наса амири Баҳовуддин Муҳаммад ибн Абу Сахл қайтиб келди. У Султоннинг қўрқув ва ваҳима туфайли

www.ziyouz.com kutubxonasi

қочганини, қочиш олдидан ўзини Насага қайтишга буюрганини айтди. Одамларга Султоннинг қуйидаги огоҳлантирувчи гапларини етказди: "Бу ёғий бошқа душманлар қўшинларига ўхшамайди. Бундай пайтда энг яхши ҳаракат мамлакатни ташлаб чиқиб кетиш, маълум муддат қумлар ва тоғлар бағрида жон сақлаш. Бу пайтда улар юргимизни талон-тарож қиладилар, қўллари ҳам, кўзлари ҳам бойликка тўядилар ва қайтиб кетадилар. Одамлар уларнинг қўққисдан ҳужумларидан сақланиб қоладилар. Агар шундан кейин Наса аҳолиси қалъани қайта тиклаш нияти бўлса (қалъани Султоннинг ўзи буздирган эди), биз уларга қайта қуриш ва ҳимояланиш учун рухсат берамиз".

Султон Такиш ўз вақтида Насани босиб олиш учун бир неча бор уринган эди, лекин буни амалга оширолмаганди. У куч билан босиб ололмаганидан кейин шаҳар ҳукмдори Имодиддин Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза билан тинчлик битими тузганди[3]. Бу битим унинг бўйнига Султонга қарам бўлиш сиртмоғини солган ва унга Хуросоннинг Насага яқин ҳамда узоқ бўлган бошқа шаҳарларини босиб олишда иштирок этиш мажбуриятини ҳам юклаган эди. Султон Хуросонда ўзига қарам бўлмаган бирорта ҳам шаҳар қолдирмади.

Такиш ўлимидан кейин бир йил ўтар-ўтмас Имодиддин ҳам бандаликни бажо келтирди. Орадан олти ой ўтганидан сўнг унинг катта ўғли ва меросхўри Носириддин Саид ҳам ўлди. Айтишларича, у отаси олдига кимнидир юборганмиш ва шу одам унга заҳар берганмиш. Бироқ, отасидан кейин унинг ўзи ҳам ҳукмдорлик лаззатидан кўп баҳраманд бўлмади.

Шунда Султон Насага одам юбориб, унинг кичик ёшдаги болалари ва хазинасини Хоразмга олдирди. Имодиддиннинг болалари бу ерда зиндонда сақланди. Тоторлар келгач улар ҳам зиндондан қутилди, бу ҳақда кейинроқ баён қиламиз.

Султон улар қўлидан Насани тортиб олганидан кейин уни бузишни буюрди ва қалъа бутунлай бузилди. Қалъа ўрни омоч билан ҳайдалиб, арпа экилди. Наса тепаликда барпо этилган энг ғаройиб қалъалардан бири эди. У бошқа қалъалардан катталиги ва бағрига кўп одам сиғдира олиши билан ажралиб турарди. Шаҳар аҳолиси орасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақир ва бойлар учрамасди, уларнинг ҳар бири ўз уйи ёки саройига эга эди. Унинг ўртасида ҳукмдорлар учун бошқа яна бир қалъа қурилганди. У бу қалъадан баландга қурилган бўлиб, ундан сув оқиб тушарди. Пастки қалъада сув етмиш қулоч ер остидан чиқарди. Бунинг сабаби, айтишларича, юқори қалъа тоғ устига қурилган бўлиб, унда булоқ бор экан. Пастки қалъа эса тоғ этагида барпо этилган дейишади.

Форслар шоҳи Гиштосп даврида Наса туркlар ва форсларни бир-биридан ажратадиган, қарама-қарши томонлар ўртасидаги чегара бўлган. Шу сабабли аҳоли жон сақлаш мақсадида тоғга яқин жойга қалъа барпо этган. Қалъанинг катталиги ва аҳолисининг кўплиги ҳам шундан экан.

Шундан кейин одамлар Баҳовуддин Муҳаммад ибн Абу Сахл орқали Султон гапларини эшитганларидан сўнг шаҳарни ташлаб кетишга эмас, уни қайта қуриб, мустаҳкамлашга киришдилар. Вазир Зоҳириддин Масъуд ибн ал-Мунаввар аш-Шоший бошчилигида ҳашар ҳамда бошқа йўллар билан қурилиш ишлари бошланди. Натижада унинг атрофига, худди боғ атрофига қурилгандек, девор барпо этилди. Одамлар унинг ичкарисига кириб ўрнашдилар. Шиҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивақий ва Хоразмдан келган бир неча одамлар ҳам улар билан бирга қолдилар. Шиҳобиддиннинг бу ерга келганини эшитган амир Тожиддин Муҳаммад ибн Саъд, унинг тоғаси амир Изиддин Кайхусрав ва Хуросоннинг яна бир қанча амирлари уни ҳузурларига таклиф қилиб, бу оғир, ташвишли кунларда бирга бўлишга ундадилар. Бу султонга хизмат қилган одам сифатида унинг ўзига ҳам фойда бўлишини, ўзларининг ҳимояси эса уни ҳар хил ғаламис одамларнинг босқинчилигидан асрашини таъкидладилар.

Чингизхон Хуросон юриши учун ўз куёви Тоғочор нўён ва амирларидан бири Беркай нўённи ўн минг отлиқ лашкардан иборат қўшинга бош қилиб жўнатди[4]. Уларга мамлакатларни талаш, ўт қўйиб кулини кўкка совуриш, одамларни ўлдириш, уй-жойларидан айириш, бу масканларда ҳаётни батамом сўндириш буюрилган эди. Шу қўшиндан бир бўлаги, Белқуш деб номланган таниқли амир бошчилигидаги лашкарлар Насага ҳам етиб келишди. Наса аҳолиси уларни ёй ўқлари билан қарши олишди. Ўқлардан бири

www.ziyouz.com kutubxonasi

Белқушнинг кўкрагига тегди ва у отдан йиқилиб ўлди. Шундан сўнг улар (тоторлар) Наса аҳолисидан қасд олишга ва уни бошқа шаҳарлардан олдин қамал қилишга киришдилар. Хуросоннинг ҳамма томонларидан қўшинларини йиғиб, барча кучларини тўплаб тун зулмати сингари қалъани ўн беш кун қамал қилдилар, жанг кечаю кундуз давом этди. Уни босиб олиш учун йигирмата манжаниқ ўрнатдилар. Бу манжаниқларни Хуросоннинг турли вилоятларидан йиғилган одамларга судратиб келдилар. Улар (тоторлар) асирларни ўқлар ёмғири остида уйлар яқинига ёғоч ва терилардан қилинган тўсиқларни олиб бориб ўрнатиш учун юборардилар. Агар асирлар тўсиқларни деворлар остига олиб бориб ўрнатмасдан орқага қайтсалар, бошини танасидан жудо қилардилар. Шу сабабли улар ўзлари истамаган ҳолда тўсиқларни деворлар остига олиб бориб ўрнатишга мажбур бўлдилар. Сўнг тоторлар қурол-яроғларини олиб тунда ҳужумга ўтдилар. Улар қалъа деворларини эгаллаб олдилар. Наса аҳолиси уйларига кириб яшириндилар. Тонг отгач тоторлар деворлардан тушиб, чўпонлар молларни ҳайдагани каби одамларни уйларидан қувиб чиқариб, Адрабон деб номланган яланглиққа тўпладилар.

Тоторлар одамларни — эркаклар, аёллар, болаларнинг ҳаммасини яланглиққа олиб чиқмагунча бирорта буюмга қўл урмадилар. Атрофни чанг-тўзон, бақириқлар ва йиғи босиб кетди. Кейин улар одамларга бир-бирини қаттиқ қилиб боғлашни буюрди. Улар буйруқни бажаришди. Агар улар бу буйруқни бажармасдан, жанг қилмай, бир-бирларини ҳимоя этиб турли томонларга қочиб кетганларида ҳам кўплари қутилиб қолган бўлардилар. Чунки тоғ яқин эди. Улар бир-бирларини боғлаганларидан кейин тоторлар улар ёнида камонлари билан ҳозир бўлдилар. Ўша куни қанча одам ҳайвонлар ва паррандалар учун тайёр луқмаларга айландилар. Қанча қонлар тўкилди, қанча аёллар номусига тегилди, болалардан қанчасининг боши кесилиб ўлган оналари бағридан жой олди. Ўша куни Наса ва унинг атрофидаги жойлардан олиб келиниб қатл қилинганлар сони етмиш мингдан ошди. Бу ер бор-йўғи Хуросондаги масканлардан бири эди, холос!

Шиҳобиддин ал-Хивақий ва унинг яхши тарбия топган ўғли Сайиид Тожиддин қўли боғланган ҳолда Тоғо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нор нўён ва Беркай нўён қошига олиб келинди. Шу билан бирга Шиҳобиддиннинг бойликлари солинган сандиқни ҳам келтиришди. Олтинлар бу тотор нўёнлари ўртасида бўлиб олинди. Улар ота-бола иккаласи ҳам ислом ҳимоячилари сифатида қатл қилинди. Шиҳобиддин Насадаги Мил Жафта қабристонига дафн этилди.

---

[1] *Шиҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивақий* — Муҳаммад ҳукмронлиги давридаги Хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбобларидан бири. "Ислом устуни ва мамлакат таянчи". 600 йилнинг рамазонида (1204 йил май-июнь ойларида) Ғур ҳукмдори Шиҳобиддин Муҳаммад ал-Ғурий (1203-1206 йиллар) Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжни қамал қилганида имом Шиҳобиддин ал-Хивақий аҳолини шаҳар ҳимоясига чақиради. 617 йилда мўғул савдогарлари ўлдирилгандан кейин Хоразмшоҳ Муҳаммад Самарқандда ҳарбий машварат чақиради. Шиҳобиддин ал-Хивақий бу машваратда Хоразмшоҳга кўп сонли барча қўшинларини (400 минг лашкар!) тўплаб Сирдарё бўйига олиб чиқишни ва узоқ йўлдан чарчаб келган мўғуллар устига ҳужум қилишни маслаҳат беради. Бироқ Муҳаммад бу фойдали маслаҳатга қулоқ солмайди ва қўшинларини шаҳарларга бўлиб юборади.

Шиҳобиддин ал-Хивақий таваллуд топган маскан Хива аҳолиси исломнинг шафиъийлар мазҳабига мансуб ҳисобланади. Хоразмшоҳлар давлатининг бошқа шаҳарлари аҳолиси эса ханафийлардан иборат.

[2] 18-бетга қаранг.

[3] Имодиддин Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза ан-Насавий — Наса шаҳрига ҳукмдорлик қилган раислардан бири. У 1201 йилда ўлган. Бу сулола вакиллари кўп бўлган. Носириддин Саид унинг катта ўғли. 27, 29, 41-бобларда тилга олинадиган Ихтиёриддин Занги ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза — унинг иккинчи ўғли. 30, 41-бобларда эслатиладиган Нусратиддин Ихтиёриддиннинг ўғли.

[4] *Тоғочор нўён* — Чингизхоннинг куёви (кўрагони). В. Бартольд уни Токучар билан адаштиради. Тоғочор нўён Қорачар нўённинг укаси эди.

Беркай нўённи В. Бартольд Жалойир қабиласидан чиққан Берка билан адаштиради. Рашидиддин маълумотига кўра, Берка Жэбэ ва Субутой билан жангларда бирга қатнашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

23-БОБ

СУЛТОН ҚОЧГАНИДАН КЕЙИН ХУРОСОНДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАФСИЛОТИ (БАТАФСИЛ ТАСВИРЛАШГА ЭҲТИЁЖ ЙЎҚ, ЧУНКИ ҲАММА ЖОЙДА АҲВОЛ БИР-БИРИГА ЎХШАРДИ: ЎЛИМ ВА ВАЙРОНАЛИК ДАВОМ ЭТАРДИ)

Султон ўзини ҳимоя қилиш мақсадида Хуросон вилоятларини орқада қолдириб Ироқ сари қочганида унинг кетидан Жэбэ нўён ва Субутой Баҳодир таъқиб қилишга тушди. Лаънати Тоғочор ва Беркай ҳам дарё (Жайхун)дан кечиб ўтиб Хуросонга юриш қилди, Насада юқорида ҳикоя қилганимиз воқеа рўй берди. Улар (тоторлар) алоҳида қўшинлар ташкил қилиб, Хуросоннинг турли вилоятларига тарқалдилар, ёнғинлар қамрови янада кенгайди. Ўн минг отлиқ лашкарлардан иборат бу қўшин ҳар гал Хуросоннинг бир масканига ҳужум қилар экан, атрофдаги қишлоқлар (рустаклар)дан деҳқонларни йиғиб шаҳарларга йўл оларди. Улар кучи билан манжаниқлар ўрнатар, деворларни тешиб йўл очар, шу тариқа шаҳарларни босиб оларди. Шундан кейин бу ерда уйларда яшайдиган, ўчоқларга олов қалайдиган, ҳаёт нишонаси борлигини намоён этадиган ҳеч ким қолмасди. Ҳамманинг қалбини қўрқув қамраб олганди, уйда нима бўлишини кутиб озод ўтирган одамдан кўра асир тушганларнинг кўнгли хотиржамроқ эди.

Бу пайтда мен Хурандиз номи билан машҳур бўлган ўз қалъамда эдим. У Хуросондаги энг яхши қалъалардан бири ҳисобланарди. Мен аждодларимдан қайси бири бу ерда илк бор ҳукмронлик қилганини билмайман. Чунки, аждодларим ҳақидаги маълумотлар ҳикоя қилувчиларнинг уларга нисбатан муносабатларига қараб тез-тез ўзгариб турарди. Баъзан бир-бирига зид маълумотлар айтиларди. Мен эса бу борада бор ҳақиқатни айтишим лозим. Айтишларича, бу қалъа аждодларим қўл остига Хуросонга ислом кириб келган вақтлардан бошлаб қарам бўлган экан. Яна ким билади дейсиз. Бу борада Оллоҳдан ўзга яхши билгувчироқ йўқдир!

Олам алғов-далғовлар бағрига кўмилган ушбу кунларда эса қалъа асирликдан қочганлар, қўрқув туфайли са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

осимага тушганлар учун бошпана вазифасини ўтарди. Чунки у вилоят ва теварак-атрофдаги бошқа жойлар учун ам марказга айланганди. Бир пайтлари ўз мулозимлари- а эга бўлган мансабдорлар ва беҳисоб бойликлари ту- айли танилган мулкдорлар бу ерга оч, яланғоч ҳолда имоя излаб қочиб келишарди. Мен уларни имкон қадар ийинтирдим, едириб-ичирдим, ёрдам бердим. Кейин ларни қиличлар тиғидан омон қолган қариндошлари, қинлари ҳузурига йўлладим. Улар (тоторлар) Хуросон- инг энг чекка нуқталарини босиб олгунча қадар қир- инбаротлик фаолиятларини давом эттирдилар.

Тоторлар орасида Хабаш исмли одам бор эди. У Усту- а-Хабушоннинг Қосижа деган масканидан экан[1]. Хабаш арханг эди, лекин улар (тоторлар) уни масхаралаб, усти- ан кулиш учун малик унвонини берганди. Уни имон- эътиқодидан қайтганларга раҳбар қилиб қўйишди ва ман- аникларни ўрнатиш, пиёдаларни бошқариш ишини ҳам унга топширишди. Одамлар у туфайли оғир мусибатлар- ни, чидаб бўлмас даражадаги хўрлик ва азобларни бош- дан кечирдилар. У маккорона ҳийлалар ўйлаб топарди. Маълумки, Хуросонда ҳар бир қишлоқ ўз ҳимоя деворига, хандақига ва масжидига эга эди. Шу сабабли уларнинг раисларининг ҳам мартабаси улуғ ҳисобланарди. У шу қишлоқлар раисларига номалар йўллай бошлади. Номаларида раисларга қўл остидаги одамларни белкурак, кетмон, ўқ-ёй ва умуман; қамал пайтида керак бўладиган қурол-яроғлар билан бирга ўз ҳузурига олиб келишни буюрарди. Агар раислар буйруқни бажариб, ҳузурига келса, у (Хабаш) уларнинг кучига таяниб бирор шаҳарни қамал қилишга киришарди. Уни босиб олиб, аҳолисини оғир қийноқларга соларди. Агар раислардан кимдир унинг буйруғига итоат этмаса ва айтганини қилмаса, у ўша қишлоқнинг ўзига қарши юриш бошларди. Уни қамал қилар, ҳамма нарсани бузар, раис ва қишлоқ аҳлини қиличдан ўтказдирар эди.

Улар (тоторлар) аввал бошқа жойларни қўлга киритиш, ўзларига бўйсундириш мақсадида Нишопур қамалини кейинга қолдирдилар. Бу пайтда улар босиб олган ва ўз мулки ҳисоблаган жойларда йигирмадан ортиқ шаҳарлар бор эди. Аввал шу шаҳарларни талаш ва бузиш ишлари билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуғулландилар. Шундан кейин улар барча кучларини йиғиб Нишопурга йўл олдилар. Бу шаҳарнинг бўйсунмас аҳолисидан қасос олишга интилдилар. Шаҳарда бу пайтда Хуросоннинг барча қисмидан қабилалар, уруғлар-аймоқлар вакиллари тўпланган эди. Тоторлар шаҳарга яқинлашганда аҳоли уларга қарши жанг бошлади. Жангда лаънати Тоғочорнинг кўксига ўқ қадалди ва бу ўқ кўп одамларни унинг зулмидан халос этди. У "юракларга қадар етгувчи Оллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловига" ташланди*.

Аҳолининг, авомнинг бу даражада катта қудратга эга эканлигини кўрган тоторлар Нишопурни қўшимча кучларсиз қўлга киритиб бўлмаслигини англадилар. Улар қамални тўхтатиб, ёрдамга қўшин юбориш тўғрисида Чингизхонга мурожаат қилиб, нома жўнатдилар. У (Чингизхон) улар ёнига Шики Қутуқу нўён, Китбуқо нўён, Тўлон Чарби ва бошқа амирлар бошчилигида эллик минг отлиқ лашкардан иборат қўшимча қўшин жўнатди. Улар Нишопурга олти юз ўн саккизинчи йил охирида (1222 йил февралида) етиб келдилар ва уни қамал қилдилар[3]. Бу воқеа Жалолиддин Ҳиндистонга кетганидан кейин рўй берди. Агар Оллоҳ имкон берса, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Тоторлар шаҳарнинг шарқий томонига, Нушжон қишлоғига келиб тўхтадилар. Қишлоқнинг суви яхши, дарахтлари кўп эди. Улар бу ерда қамал қуроллари — ҳимоя девори (матарис), юрувчи қалъа (даббаба), тош отиш асбоби (манжаниқ), оғир тўқмоқ (жамалунот)ларни ҳозирладилар. Улар бу қуролларни Нишопур яқинига олиб келишди. Икки юздан ортиқ манжаниқ билан шаҳарга тош отишди. Уч кундан кейин улар Нишопурни босиб олдилар ва бошқа шаҳарлар қандай кулфатга учраган бўлса, у ҳам шундай мусибатга гирифтор қилинди. Шу билан бирга шаҳар сувга бостирилди. Ҳамма ёққа бахтсизлик панжасини урди, йиғи-сиғи авжига чиқди. Кейин тоторлар асирларга шаҳар ўрнини чавгон ўйнаганда отлар қоқилмайдиган даражада ер билан бир қилиб текислашга буюрди. Шаҳар аҳолисининг аксарият қисми унинг остида қолиб ҳалок бўлди. Чунки улар қамал бошланишдан аввал ертўлалар, ер ости йўллари қазиб, у ерда жон сақлаш умидида эдилар.

Жалолиддин, юқорида эслатганимиз, Ҳиндистон юришидан қайтганидан кейин Хуросон вилоятларини ва улар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га чегарадош бўлган Ироқ, Мозандорон ерларининг айрим қисмларини ҳам босиб олди. Ўшанда бу ерларда харобаларга айланган шаҳарлар остидаги хазиналарни йиғиб олиш ишлари йўлга қўйилганди. Хазина йиғувчиларнинг бир йиллик бадал ҳақи уч минг динордан иборат эди. Бадалчи аксарият ҳолларда бу маблағни ўзиники қилиб оларди, чунки бундай маблағни у бир кунда топарди. Пуллар, бойликлар собиқ эгалари билан биргаликда харобалар остида, чуқурликларда беҳисоб тарзда кўмилиб ётарди. Бундай хазиналар эса Хуросон, Хоразм, Ироқ, Мозандорон, Аррон, Озарбойжон, Fур, Fазна, Бомиён, Сижистондан тортиб то Ҳиндистон чегараларига қадар давом этган мамлакатларнинг кўплаб шаҳарлари харобалари остида мавжуд эди.

Агар мен буларнинг барчаси ҳақида батафсил ҳикоя қилмоқчи бўлганимда эди, қамал қилинган шаҳарларнинг номинигина ўзгартиришимга тўғри келарди, холос. Шу сабабли гапни кўпайтиришга зарурат йўқ.

---

[1] *Устува (Усту)* — Хабушон теграсидаги ноҳиялардан бири. Хуросонда жойлашган.

[2] Мўғуллар Нишопурга биринчи марта 1220 йил ноябрида ҳужум қилдилар. Лекин шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатади ва улар чекинадилар. Бу вақтда Тоғочор нўён ўлдирилади. Баъзи манбаларда Тоғочор нўён эмас, унинг акаси Қорачор нўён ўлдирилади, деб ёзилади.

Мўғуллар Нишопурга иккинчи марта ҳужумни 1221 йилнинг 7 апрелида бошлайди. Шаҳар деворлари 9 апрелда бузилади. 10 апрелда эса шаҳар босиб олинади. Бу ўринда ан-Ҳасавий келтирган сана баҳсли.

24-БОБ

СУЛТОННИНГ ЎҒЛИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИ ТАХТ ВОРИСИ ҚИЛИБ БЕЛГИЛАШИ ВА ҚУТБИДДИН ЎЗЛОҒШОҲНИ ТАХТ ВОРИСЛИГИДАН ЧЕТЛАТИШИ БАЁНИ

Аввал айтганимиздек, тахт вориси қилиб Қутбиддин Ўзлоғшоҳ тайинланган эди. Бу ўша пайтда Туркон хотуннинг ва унинг атрофидаги яқин-йироқ одамларнинг орзу-истаклари ифодаси сифатида амалга ошганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оролда Султоннинг касали зўрайгандан кейин ва онаси асирликка тушганини эшитганидан сўнг у Жалолиддинни ҳамда ўша пайтда оролда бўлган унинг укалари — Ўзлоғшоҳ ва Оқшоҳни ҳузурига чақирди. Ва уларга бундай деди: "Мамлакатда ҳукмронлик иплари узилди, давлат асослари кучсизланди ва емирилди. Бу душманнинг асл мақсадлари нима эканлиги аён бўлди: унинг тирноқлари ва тишлари мамлакат баданига қаттиқ ботди. Мен учун улардан қасосни фақат ўғлим Мангуберди олиши мумкин. Шу учун, мана, уни тахтим вориси қилиб тайинламоқдаман. Сизлар иккалангиз эса унга бўйсунишларингиз ва амрига қулоқ осишларингиз керак". Шундан кейин у қиличини ўз қўли билан Жалолиддиннинг белига осиб қўйди. Бу воқеадан сўнг у бир неча кун яшади ва вафот этди.

Яратганнинг ҳузурига йўл олди. У қабрга ўз аламлари билан бирга кўмилди. Оллоҳ уни ўз паноҳига олсин!

25-БОБ

ТУРКОН ХОТУННИНГ ХОРАЗМДАН КЕТИШИ ВА УНДАН КЕЙИН БУ ЕРДАГИ АҲВОЛ БАЁНИ

Юқорида айтганимиз Туркон Хотун Хоразмни тарк этар экан, шаҳарда оммани бошқарадиган ва ишларни тартибга солишга қодир бўлган бирортани қолдирмади. Шаҳар ҳокимлигини Али Кўҳи Дуруган ўз қўлига олди[1]. У муттаҳам ва жанжалкаш одам эди. Уни ашаддий ёлғончилиги учун Кўҳи Дуруган деб аташарди. Унинг исми "Тоғдай ёлғон" деган маънони билдирарди.

Унинг раҳбарлик ишларида уқувининг йўқлиги, оммани бошқариш қонунларини яхши билмаслиги, ишни ташкил этишда қобилиятининг етишмаслиги сабабли одамлар оғир аҳволга тушдилар. Гангиб қолдилар. Салтанат олдидаги қўрқув барҳам топди. Ҳар ким ўз таъбига кўра яшай бошлади, бу одамлар ўртасидаги қарама-қаршиликни, кўролмасликни, ўзаро душманликни келтириб чиқарди. Девонга келадиган даромадлар ҳар бир олғир учун ўғирлик манбаига, ҳар бир йиртқич учун ўлжага айланди. Агар у (Кўҳи Дуруган) бирор жойга 100 минг динор хирож юбориш тўғрисида талабнома йўлласа, унга минг динор кел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб беришарди. У шунга ҳам қувонарди. Чунки у бу пулни ўзига ҳурмат-эҳтиром юзасидан юборилган, мансабига иззат-икромнинг белгиси бўлган совға деб биларди.

Бу ҳол Хоразмга Султон ўлимидан кейин девон ноибларининг айримлари, жумладан, ал-мушриф Имодиддин ва Шарафиддин Кўпак сингариларнинг келишига қадар давом этди[2]. Улар Султон номидан қалбаки мактуб тайёрладилар, чунки одамлар ҳали Султоннинг вафот этганини билмас эдилар. Шу тарзда улар девон маблағларини қўлларига олдилар. Кўҳи Дуруган Султон ҳали ҳаёт эканлигини ва у тоторларга қарши курашаётганлигини эшитган заҳоти ўзини ишбошиликдан четга олди.

Султон ўлимидан кейин Жалолиддин ва унинг икки укаси — Ўзлоғшоҳ ҳамда Оқшоҳ Хоразмга келгунча бу ердаги аҳвол шу тарзда қолди.

---

[1] Хоразмдаги жанжалкаш, муттаҳам Али Кўҳи Дуруганни В. Бартольд ва Ж. Бойль сипоҳсолар Али Дуругиний билан адаштирадилар. Биринчи кимсанинг хатти-ҳаракатлари Хуросонда унинг сипоҳсолар даражасига етишига имкон бермас эди. Назаримизда, бу ерда иккита бошқа-бошқа одамларнинг номлари алмаштирилган.

[2] *Мушриф* — девонда молиявий назорат ишларида хизмат қиладиган одамга айтилган. Шарафиддиннинг Кўпак тахаллуси кучук маъносини беради. Бундай тахаллуслар ўша пайтларда кўп бўлган.

26-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН ВА УНИНГ УКАЛАРИ ЎЗЛОҒШОҲ, ОҚШОҲНИНГ ХОРАЗМГА ҚАЙТИШИ ҲАМДА УЛАРНИНГ НИЗО САБАБЛИ ИККИ ҚАРАМА-ҚАРШИ ГУРУҲГА БЎЛИНГАН ҲОЛДА БУ ЕРДАН ЖЎНАБ КЕТИШИ БАЁНИ

Аввал ёзганимиздек, Султон Оллоҳ ҳузурига равона бўлиб, оролга кўмилганидан кейин Жалолиддин юқорида эслатилган икки укаси билан денгиздан ўтиб Хоразмга етиб келди. Улар билан етмишга яқин отлиқ лашкарлар бор эди. Хоразмга яқинлашганида хоразмликлар уларни отлар, қурол-яроғлар, туғлар билан кутиб олдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунки уларнинг келиши билан чалқашликлар барҳам топди, юртда аҳвол яхшиланди. Одамлар уларнинг келишидан қувондилар. Бу оғир касалга мубтало бўлган одамнинг шу касални даволашга малҳам бўлувчи дори топганидай қувонч эди. Ёки одамлар кимни кўришмоқчи бўлса, ўша одам гўё ўз дўстлари ёнига қайтганди.

Султон қўшинларидан қумлар бағрида яшириниб қолганлар ҳамда турли сабабларга кўра Хоразмга келганлар тўпланишиб, етти минг отлиқни ташкил этишди. Уларнинг кўпчилик қисми Баёт уруғидан бўлиб, йўлбошчиси ўзини Қутлуғхон деб атаган Бужи Паҳлавон эди[1]. Улар қариндошчилик жиҳатидан Ўзлоғшоҳга мойил одамлар бўлиб, уни қўллаб-қувватларди. Шу сабабли улар Султоннинг тахт ворисини алмаштириш ҳақидаги буйруғини тан олмадилар ва бу гапга ишонмадилар. Улар Жалолиддинни ушлаб дарёга чўктириш ёки ўлдириш режасини туздилар. Жалолиддинга қарши пинҳона суиқасд тайёрланаётганидан Инонжхон хабар топади ва унга бу хабарни етказиб, кетишни маслаҳат беради[2]. У шаҳардан чиқиб Темур Малик бошчилигидаги 300 отлиқ лашкарлар билан Хуросоннинг тоғли вилоятларига йўл олади[3]. Бошқалар (Оқшоҳ ва Ўзлоғшоҳ) эса ундан кейин Хоразмда яна 3 кун қолишади. Улар Мовароуннаҳрдан Хоразм томонга тоторлар йўл олгани ҳақидаги нохуш хабарни эшитишади. Шунда улар ҳам Жалолиддин кетидан Хуросон томонга йўлга чиқади. Келгусида, агар Оллоҳ изн берса, биз сизларга аввал йўл тадоригини кўрганлар ва кейин йўлга чиққанлар тўғрисида ҳам сўзлаб берамиз.

---

[1] Бужи Паҳлавон ҳақида 4-бобнинг 4-бўлимига, 16-бобнинг 6-бўлимига қаранг.

[2] Инонжхон ҳақида 4-бобнинг 5-бўлимига қаранг. (Бу тўғрида Жувайний, Жузжоний, Рашидиддин ҳам маълумотлар беради).

[3] Жалолиддин Мангубердининг сафдоши Темур Малик Хўжандда мўғулларга қарши мудофаани бошқарган. Темур Малик шаҳар мудофаасини сақлаб қололмайди ва минглаб қаҳрамон юртдошлари билан Сирдарё ўртасидаги оролга жойлашади. Темур Малик оролдан чиқиб мўғуллар устига бостириб бориб, уларга қаттиқ зарбалар беради. (Жувайний унинг мардлигини "Шоҳнома"даги Рустамнинг қаҳрамонлигига қиёслайди). Бироқ қурол-яроғ ва озиқ-овқатнинг камлиги сабабли

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур Малик оролни тарк этишга, кемаларда дарёнинг қуйи қисмига кетишга мажбур бўлади. Мўғуллар таъқибига учраган Темур Малик кўп лашкарларидан айрилади. Бироқ таъқибдан қутилиб Жалолиддин лашкарлари сафига бориб қўшилади. У Жалолиддиннинг ҳаётининг сўнгги кунларигача бирга бўлади.

27-БОБ

НИЗОМИДДИН АС-САМЪОНИЙ ВА УНИНГ ХУРАНДИЗГА ВАҚТИНЧА ТАШРИФ БУЮРИШИ ҲАМДА ҚЎРҚУВ ТУФАЙЛИ УНИ ТЕЗЛИК БИЛАН ТАРК ЭТИШИ БАЁНИ

Низомиддин ас-Самъоний насл-насаби улуғ, иззат-ҳурматга сазовор бўлган инсонлар авлодидан эди[1]. Улардаги олижаноб фазилатлар зулмат орқасидан нур бўй кўрсатган, тун ўрнини кун эгаллаган замонлардан мерос бўлиб келарди. Буни ҳеч ким инкор қилмасди. Агар кимдир улардан бирортасини учратса, "Мен улуғ одамни кўрдим", дея фахрланарди. Низомиддин олижаноб, самимий, ҳатто юлдузлардан ҳам кўпроқ хусусиятларга эга бўлган улуғ инсон эди. Имкон бўлса, юлдузлар ҳам унинг оёқлари остига тўшалгиси келарди, машҳур нотиқлар ҳам унга таъзим қиларди. У сўзлаганда нотиқлар "гапдан тўхтамаса экан!" деб орзу қилишарди, ёзганида эса "Қани энди унинг ўн бармоғи ҳам ёзса" деб фикр билдиришарди.

У Султон хоҳишига кўра, давлат ишларида маслаҳатлашиш ва кенгашиш учун Хоразмга олиб келинганди. Султон туфайли у юқори мансабга эришганди, обрўси ҳам улуғ эди. У Султон хизматидан кетганидан кейин бошига ташвиш, кулфат тушмасдан бирор қалъага кириб жойлашиш ва хотиржам яшашга интилди. Хурандиз қалъасига келиб, бу ерда у икки ой яшади. У машҳурлигига ва мавқеининг юксаклигига қарамасдан қалъада бир неча бор ваъзхонлик қилди. Бунга кўнглидаги ишончсизлик ва дилидаги беқарорлик сабабчи эди. Эҳтимол, агар ундан Хоразмда оддий авом халқ олдида, одатдаги осойишталик ҳукм суриб турган пайтда ваъзхонлик қилишни илтимос этишса, сўзсиз рад қилган бўларди. У ваъзхонлик пайтида Султон ҳақида гапирар экан, ўзини йиғидан тўхтата олмай қичқира бошлади, уни эшитаётганлар ҳам йиғи ва қичқириқ билан унга жўр бўлдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоторлар Насани, Хуросоннинг шаҳарларидан дастлабкисини босиб олгани хабари бу ерга ҳам етиб келди. Насада имом Шиҳобиддин ал-Хивақий ўлдирилганини эшитгач, уни ҳам қўрқув босди[2]. Кўнглидаги номардлик туйғулари зоҳиран намоён бўлди. У мен билан қалъа деворининг мустаҳкамлигини кўздан кечириб чиқди. Деворнинг чумоли кўтарилмоқчи бўлса йиқилиб тушадиган, қуш учиб ўтиши қийин кечадиган жойини кўрсатар экан: "тоторлар худди мана шу жойдан тепага кўтариладилар", дея ваҳима қилди. Шундай бўлдики, Наса босиб олинганининг учинчи кунида тоторларнинг амирларидан бири Ночин нўён бу ерга етиб келди ва қалъадан тушиш имконияти бор жойни эгаллади[3].

Низомиддин уларни кўрар-кўрмасдан яна қўрқув гирдобида қолди. У мендан ўзини, мулозимлари, ғуломлари, юк ортилган ҳайвонлари ва умуман, кўч-кўрони билан тоғ орқали хавфсиз бир жойга етказилишини талаб қила бошлади. Мен давлат устунлари ва ишонган хизматчилари бўлган бундай одамларнинг қўрқоқлигидан ҳайратга тушганимни, уларнинг бу ҳаракатларини маъқулламаслигимни бекитиб ўтирмай очиқчасига билдирдим. Улар қалъанинг ўзларини ҳимоя қилишига ишонмадилар, қандайдир куч душманларни бу ердан даф қилар, деб ўйладилар. Эй Оллоҳ, биз ҳимояга муҳтожлардан ўзинг ёрдамингни аяма!

Шундай қилиб, номини эслатганимиз (Низомиддин) тунда қалъанинг ғарб томонидан тоғлар орқали пастга тушибди. Тоторлар эса бу пайтда қалъанинг шарқ томонида жойлашгандилар. Улар тоғдан тепалик устига тушганлар, бу ердан ҳеч қаерга бориб бўлмасди, фақат унинг этагига бориб яна орқага қайтиш мумкин эди. Бунинг устига улар юк ташувчи ҳайвонларининг бир қанчасидан ҳам ажралган эдилар. Низомиддин бир амаллаб Хоразмга етиб боради. Айни шу вақтда Султоннинг ўғиллари ҳам оролдан бу ерга қайтиб келишади. У Ўзлоғшоҳ номидан менга катта бойлик ижто қилингани ҳақида фармон юбортиради.

Лаънати Ночин нўён қалъа самодаги бургутдай мустаҳкам эканлигини, унга кирадиган ҳам, чиқадиган ҳам тешик йўқлигини билгач, бир қанча талаблар қўйиб элчи жўнатди. У ҳаёсизлик билан ўн минг тирсак мовут ва яна бошқа нарсаларни талаб қилган эди. Бу талаб қилинган нарсалар унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

уятсизлиги, юзсизлиги, фаросатсизлиги белгиси эди. Унинг учун Наса аҳолисидан талон-тарож қилиб олинган кийимлар етмасмиди! Мен катта кулфатни кичик кулфат билан бартараф этиш мақсадида бу талабларга кўндим.

Мовут ва талаб қилинган бошқа нарсалар тўпланган уларни қалъадан ташқарига олиб чиқиб беришга ҳеч кимнинг юраги бетламади. Чунки, ҳаммага маълум эдики, тоторлар дуч келган ҳар қандай одамни ўлдирардилар. Учрайдиган одам элчими ёки ўзларининг талаб-истакларини бажараётибдими — уларга барибир эди. Ниҳоят, қалъа аҳли орасидан ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган иккита чол бу ишни бажаришга кўнди. Улар болаларини олиб келдилар ва агар ўзлари ўлса, фарзандларига ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришимизни васият қилишди. Мовут лаънатига олиб бориб берилди, у уни олди. Иккита чолни ўлдириб, қалъанинг атрофини тарк этди. Кейин улар қалъа атрофидаги жойларга ҳужум қила бошлади, жуда кўплаб, чўл ва қирлар бағрига сиғмайдиган миқдордаги ҳайвонларни олиб кетди. Йўлида ким учраса ўлдирди, уйлар ва боғларни ёқиб юборди. Ўшанда ғалати бир ҳол рўй берди: тоторлар босқини туфайли Хуросоннинг ҳамма нуқталарида қирғин, вайроналик давом этди. Хурандиз эса бошқалардан фарқли ўлароқ бундай ҳужумлар ва ўлимлардан омон қолди. Аммо қалъада ўлат бошланди ва аҳолининг кўп қисми нобуд бўлди. Қалъада ўлик кўмиш маросими шунчалик кўпайдики, тобутларни измаиз узлуксиз равишда қабристонларга олиб боришимизга тўғри келди. Ўлим фариштаси уларни қамал азобларидан халос этди. Бу дунёда ҳамма нарсага ўлим ато қилган қудратли кучнинг саховатига балли! Қуйидаги мисраларни ким айтган бўлса ҳам хўб айтибди:

Қилич тиғи етмаса бошга, ўлим барибир улфат,
Сабаблар турли-туман, лек натижа, ягона — кулфат!

---

[1] Низомиддин ас-Самъоний шахсини тўла аниқлаб бўлмади.

[2] Шиҳобиддин ҳақида аввалги бобларга қаранг.

[3] Мўғул лашкарбоши Ночин нўён ҳақида ҳам бошқа маълумотларни аниқлаб бўлмади. У Тоғочор нўён қўл остидаги лашкарбошилардан бири бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

28-БОБ

ЖАЛОЛИДДИННИНГ ХОРАЗМДАН КЕТИШИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ БАЁНИ

Жалолиддин укаси Ўзлоғшоҳ амирлари билан орқаворотдан тил бириктириб ўзини тутиб, йўқ қилишга келишганини билганидан кейин Темур Малик ҳамроҳлигида уч юз отлиқ лашкарларни олиб йўлга тушди. У бир неча кун ичида Хоразм ва Хуросон ўртасида ястаниб ётган қумли заминни босиб ўтди. Унинг карвони эса одатдаги йўл орқали аста-секин юриб, дам олиб ўн олти кун деганда мўлжалланган манзилга етди. У қумлар бағридан ўтиб Наса вилоятига келди.

Чингизхон Султоннинг ўғиллари Хоразмга қайтиб келгани хабарини эшитиб ўша томонга катта қўшинини юборди. Хуросондаги қўшинларига эса юқорида эслатганимиз қумлар билан чегарадош заминда кенг ёйилган ҳолда кузатувчилик ишларини олиб боришни буюрди. Қўшинлар бу қумлар атрофини Марвдан то Фарава вилоятининг Шаҳристонига қадар ҳалқа шаклида ўраб олди[1]. Улар Хоразмдан қувиб чиқариладиган Султон ўғиллари Хуросонга йўл олади ва шунда бу ерда осонгина ушлаймиз, деб ўйлагандилар. Наса яқинидаги қумга чегарадош жойда тоторларнинг етти юз отлиқ лашкари турарди. Жалолиддин қумлар бағридан чиқиб келгунча одамлар уларнинг бу ерда нимага турганлиги сабабини билмадилар. У тоторларга қарши бирдан жангга кирди. Ҳар бир томон бутун имкониятларини қўллаб душманини йўқ қилишга интилдилар. Барча қилич ва найзалар ишга солинди. Жанг тоторларнинг мағлубияти билан тугади. Уларнинг талончилик натижасида тўплаган бойликлари, қуроллари, буюмлари, ҳарбий анжомлари, озиқ-овқатлари қўлга киритилди. Тоторлардан жанг бошланишидан олдин қочган бир-иккиталаригина қутилиб қолди. Бу мусулмонлар қиличининг улар қонига илк бор ботиши ва таналарини нимта-нимта тилиши эди.

Жалолиддин кейинчалик ишлари яхшиланиб, ҳокимияти мустаҳкамлангандан сўнг менга бундай деганди: "Агар сенинг бу тоторларинг [яъни Наса яқинида мўғуллар]

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаганда, уларнинг отлари ёрдам бермаганда эди, қумдан ўтишда чарчаб, ҳолдан тойган отларимиз билан Нишопурга етиб бора олмасдик". Қилич ва найзалар зарбидан қутилиш имконияти қолмагач тоторларнинг бир қисми тартибсиз равишда қочиб шу яқин атрофдаги ер ости сув йўлларига яшириндилар. Лекин деҳқонлар уларни тутиб олиб шаҳар томонга қувладилар. У ерда эса уларнинг калласини танасидан жудо қилдилар.

Ўша пайтда мен Наса шаҳрида амир Ихтиёриддин Занги ибн Муҳаммад ибн Ҳамза хизматида эдим. Амир ўшанда тоторлар билан Наса яқинида қандай жанг бўлиб ўтганини билмасди. Шу пайт унга Чораменд [Насадаги қишлоқлардан бири] раисидан нома келиб қолди Унда бундай дейилганди: "Бугун биз томонга қора туғлар тутган уч юзга яқин отлиқ лашкарлар келишди. Улар орамизда Жалолиддин бор дейишди ва Наса яқинида тоторларни қирғин қилганини айтишди. Биз уларнинг бири девор яқинига келмагунча бу гапга ишонмадик. Шунда у: "Сизларни бу эҳтиётқорликларингиз учун кечирса бўлади, Султон бу ишларингиз учун миннатдорлик билдиради. Бизлар учун бирор егулик ва отларимиз учун ем туширинглар. Қорнимизни тўйдириб, йўлимизда давом этишга ёрдам бўлсин. Акс ҳолда сизлар кейинчалик ҳақиқий аҳволни билиб афсус чекиб юрманглар", деди. Раис яна бундай деб ёзганди: "Шунда биз уларга нима керак бўлса туширдик ва улар бир қанча вақтдан кейин йўлида давом этдилар".

Шунда Наса ҳукмдори шаҳар яқинида ҳақиқатан ҳам Жалолиддин пайдо бўлганига ва тоторларга ҳужум қилганига ишонди. У яқинларидан бирини ўзининг Султон хизматига мунтазир эканлигини айттириш учун отлар ва юк ортилган хачирлар билан унинг ҳузурига юборди. Аммо у киши Жалолиддин ва унинг лашкарлари кетидан етиб боролмади. Жалолиддин Нишопурга жўнаб кетганди. Унинг кетидан отлар ва юк ортилган хачирлар билан йўлга чиққан одам Хурандиз қалъасида қолди. Бу қалъага уч кундан кейин тоторлардан қочган Ўзлоғшоҳ ва Оқшоҳ кириб келишди. Ўша одам отлар ва юк ортилган хачирларни уларга тортиқ қилди. Жалолиддин эса бу пайтда Нишопурга қудратли Оллоҳ иноятн билан қиличини кофирлар қонига бўяган ғолиб сифатида кириб борди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] *Шаҳристон* — Насанинг шимолида бир фарсах [6-7 километр] узоқликда жойлашган шаҳар. Фарава, араб сайёҳларининг ёзишича, ҳозирги Қизил Арват [Қизил Работ] ўрнида бўлган. Ёқут бундай деб ёзади: ("Фарава — Хуросон ва Дихистон қумликлари оралиғидаги робот. Бу гузларга қарши чегара жойи ҳам ҳисобланади".

29-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН КЕТГАНИДАН КЕЙИН ҚУТБИДДИН ЎЗЛОҒШОҲ ВА УНИНГ УКАСИ ОҚШОҲНИНГ ХОРАЗМДАН ҚОЧИШИ, БУНИНГ САБАБЛАРИ ҲАМДА УЛАР ИККАЛАСИНИНГ КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ БАЁНИ

Жалолиддин ўзига ботинан ва зоҳиран қарши бўлганлардан четлашиш, хиёнаткорона миш-мишлардан сақланиш учун Хоразмни тарк этди. Шунда у тоторлар Хоразмга ака-укаларни ўз мақсадларига эришиш имкониятларидан маҳрум қилиш, уларнинг мустаҳкамланиб олиш ниятларини бартараф этиш, ва умуман, уларни бу ердан қувиб чиқариш учун қўшин юборгани хабарини эшитди. Шу сабабли Қутбиддин укаси Оқшоҳ билан бирга нима қилишини билмай Хоразмдан қочишга тутинди. Бу пайтга келиб у Жалолиддиндан ёрдам олиш ва ҳамкорлик қилиш имкониятини бой берган эди. Шунга қарамай у Жалолиддинни излаб кетидан йўлга тушди, унга гоҳ ёрдамчи, гоҳ рақиб сифатида у бўлган жойларда бўлди. Шу тариқа Марж Шоиққа етиб келди. Бу ерда унга Жалолиддинга аталган совғалар-отлар, юк хачирлар билан насалик одам дуч келди. Бу совға жуда оз ва арзимас бўлса ҳам катта эҳтиром билан қабул қилинди. У бу учун Наса ҳукмдорига вилоят теграсидаги ўз қўл остидаги айрим ерларни ҳам инъом қилди. Наса ҳукмдори бундан ғоят хурсанд бўлди. Аслида унга [Ўзлоғшоҳга] хавфсизлигини таъминлашса бас, шунинг ўзига ҳам қаноатланишга тайёр эди. Негаки, у Насага тоторлар даврида келиб ҳам қачонлардир ўзига мерос қилиб берилган ерларни ёрлиқсиз, Султон тасдиғисиз, буйруғисиз, унга эгалик ҳуқуқини исботловчи ҳужжатсиз қайта қўлга киритганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, улар қўл остидаги мулклардан келадиган даромадларни ҳисоблаш билан банд пайтда амакиваччам Саъдаддин бу ер ҳукмдори Жаъфар ибн Муҳаммад номидан чопар бўлиб келиб муҳим хабар битилган мактубни олиб кирди. У мактубида қалъага тоторлар қўшини келгани, Жалолиддин ҳақида сўрашаётгани, унинг мақсадлари, ундан кейин бу ерга Султон қўшинларининг қанчаси келгани тўғрисида маълумотлар йиғаётгани хусусида огоҳлантирди. Тоторлар Ўзлоғшоҳнинг қалъага келганини билишмаганини эслатади. У мактубда яна тоторлар эътиборини бошқа нарсага жалб қилиш, тўқнашувнинг олдини олиш мақсадида ўзининг қалъадан ташқарига чиққанини, эндиликда Султон, яъни Ўзлоғшоҳ жангга кирадими ёки қочишга шайланадими, тадоригини кўришини айтади.

Ўзлоғшоҳ одамлари билан шу заҳотиёқ отларига миниб йўлга равона бўладилар. Тоторлар уларни Хабушон вилоятининг Устувасига қадар таъқиб қилиб боради ва Вашта қишлоғида етиб олади. У уларга қарши маррани эгаллайди ҳамда қўшинини сафлайди. Иккала томон ҳам жангда қурол-яроғларини аямай уришадилар. Жанг кофирларнинг мағлубияти билан тугайди, улар қочади. Ахир улар ўзлари излаб келган ўткир найзалар зарбига, учқур отли лашкарларнинг забтига бардош бера олармиди? Улардан [тоторлардан] отли лашкарлар ва яшириниб қолганлардан айримларигина қочиб қутилади.

Ўзлоғшоҳ ва унинг сафдошлари тез ғалабага эришганларидан мағрурланиб кетадилар ҳамда тақдир ўзларига қандай келажак тайёрлаётганини унутадилар. Улар Хуросонда ўзлари қиличдан ўтказган ва жанг майдонидан қочиб қутулганлардан бошқа тоторлар қолмади, деб ўйлаганди. Шундай қилиб улар ўз марраларида турганларида лаънатиларнинг бошқа бир қўшини кутилмаганда ҳужум қилди. Улар ҳужум қилувчиларни англаб етмасдан маржон ўраган бўйиндек қуршовга тушиб қолдилар. Осон қийинга айланди. Ғалаба кетидан мағлубият келди.

Кафан кийди, қони билан бўялди буткул,
Нур бағрида яшил рангга айланганди ул[1].

У имон-эътиқод йўлида шаҳид бўлди. У билан бирга укаси Оқшоҳ ҳам ўлди, уларнинг сафдошлари ҳам қайғу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

алам ва ўлим шаробидан тотдилар[2]. Тоторлар уларнинг, ака-уканинг бошларини найзалар учларига илдирган ҳолда орқага қайтдилар. Яхшиликка қасдма-қасд, ёмонликнинг тантанаси сифатида бу бошлар мамлакат бўйлаб олиб юрилди. Уларни кўрган халқ зимдан эзилди, гўё Ҳасан ва Ҳусайннинг фожиалари қайта такрорлангандек эди[3]. Ҳа, ўз болаларини аччиқ тақдирга ва кулфатларга йўллаётган аёлларни, бу дунёга меҳмон бўлиб келиб, унинг урф-одатларига амал қилмаётганларни Оллоҳ ўз ҳимоятига олсин. Замон аёвсизликлари, тақдир бевафоликлари ёлғиз Оллоҳнинг ўзидандир. Ё Оллоҳ, ўзинг асрагин!

Ҳалок бўлганларнинг нур таратадиган юлдузлар мисол қимматбаҳо тошлари бор эди. Тоторлар уларни изламадилар. Қишлоқ аҳли орасидан баъзилари ўликлар ёнига келиб, қимматбаҳо нарсаларни йиғиб олдилар. Бу нарсалар нималигининг фарқига бормай бозорларда энг паст баҳога сотдилар. Насанинг яна бир ҳукмдори Нусратиддин [Ихтиёриддин Занги ибн Муҳаммад ибн Ҳамзанинг ўғли]нинг ҳикоя қилишича, у қимматбаҳо Бадахшон тошларидан бир нечтасини сотиб олган. Бу тошларнинг ҳар бири уч ёки тўрт мисқол оғирликда бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси ўттиз ва ундан ҳам кам миқдордаги динорга баҳоланган[4]. Юқорида эслатганимиз ҳукмдор [Нусратиддин] ўлганлардан топилган олмослардан бирини етмиш динорга сотиб олган ва кейинчалик уни Жалолиддинга берган. У [Жалолиддин] бу олмосни таниган ва шундай деган: "Бу тош укам Ўзлоғшоҳга тегишли эди. Уни Хоразмда укам учун тўрт юз динорга сотиб олиб беришганди". Жалолиддин олмосни Ганжада бир заргарга узукнинг кўзига қўйиб бериш учун берган. Заргар уни йўқотганини айтган ва бу текширилганда тасдиқланган. Шаҳарда олмос йўқолганлиги тўғрисида икки кун давомида овоза қилинган, бироқ у топилмаган.

---

[1] Шоир Абу Таммомнинг [805-846 йилларда яшаган] халифаликда ҳарбий бошлиқлардан бири Муҳаммад ибн Ҳамид ат-Тусийнинг Бобак билан жангда ҳалок бўлганида битган марсиясидан.

[2] Жувайнийнинг айтишича: Ўзлоҳшоҳ ва Оқшоҳ мўғуллар томонидан асир қилиб олинган ва икки кундан кейин қатл этил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Рашидиддин ёзишича, "Мўғуллар уларнинг шаҳзодалар эканлигини билмай ҳамма қатори қиличдан ўтказганлар".

[3] Тўртинчи халифа Али ибн Абу Толибнинг [656-661 йилларда ҳукмронлик қилган] ўғиллари Ҳасан 669 йилда, Ҳусайн 680 йилда ўлдирилган.

[4] *Мисқол* — 24 каратга, 4,68 граммга тенг. Бу ўринда тошларнинг баҳосига қараб айтиш мумкинки, улар уч-тўрт мисқолдан оғирроқ, каттароқ бўлган бўлса керак.

30-БОБ

ЖАЛОЛИДДИННИНГ НИШОПУРГА КЕЛИШИ ВА ШАҲАРДАН ЧИҚИБ ҒАЗНАГА ЙЎЛ ОЛИШИ БАЁНИ

Жалолиддин Нишопурга келди ва бу ерда жиҳод эълон қилиш ҳақидаги қарорини қатъийлаштиришга киришди. У амирларга, ўлкаларнинг ҳукмдорларига, ҳимоячиларнинг йўқлигидан фойдаланиб ўша пайтда турли жойларни босиб олганларга мактублар юбортирди. Жойларни босиб олиб ҳукмронлик қилаётганлар кўп эди, ўша даврнинг ҳазил-мутойибачилари уларни пичинг билан "етти йиллик амирлар" деб аташарди. Уларнинг ҳаммасига қўшинларини йиғиб тез етиб келиш буюрилди. Буйруқ ишончли ваъдалар ва эзгу ишларни амалга ошириш билан кафолатланди.

Ихтиёриддин Занги ибн Муҳаммад ибн Ҳамза бу пайтда Насага қайтиб келишга улгурди ва ўзидан тортиб олинган меросни ҳамда ҳуқуқни яна қўлга киритди. У Султоннинг ўлимига тўла ишонган бўлсада ўзини мустақилман деб эълон қилишдан тийди. Шундай бўлдики, ёрлиқлар, рухсатномалар ёзилганда, у буларнинг остига Султоннинг Насадаги меросхўрининг тамғасини босарди. Бу ҳол тоторларнинг шаҳарни босиб олгунига қадар давом этди. Шунингдек, у Жалолиддин тасдиқлаган ёрлиқни олгунча ҳам шундай фаолият юритди. Жалолиддин тасдиқлаган ёрлиқда унинг Насани ўз қўлига қайтариб олганлиги айтилган, шу билан бирга у ўзига садоқат билан хизмат қилса, яна ерлар қўшиб берилиши ваъда этилганди. Шундан кейин ёрлиқларга Ихтиёриддин ўз тамғасини қўя бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалолиддин Нишопурда бир ой турди[1]. Бу вақтда у турли томонларга қўшин йиғиш ва қурол-яроғдан ёрдам беришни сўраб чопарлар жўнатди. Унинг бу хатти-ҳаракатларидан тоторлар хабар топиб, ниятлари амалга ошмаслиги учун унга қарши тезликда юриш бошладилар. Шунда у ўз сафига қўшилган хоразмликлар билан бирга Нишопурни тарк этди, оралиқдаги масофани қисқа вақтда босиб ўтиб Завзонда Кирмон ҳукмдори Муъаййидулмулк қурдирган ал-Қоҳира қалъасига етиб келди[2]. Қалъанинг деворлари баландлигидан қўриқчиларнинг гулханлари юлдузларга ўхшаб кўринарди. У (Жалолиддин) бу ерда мустаҳкам ўрнашиб олишни ният қилди. Лекин Муъаййидулмулкнинг куёви, қалъа ҳимояси топширилган Айнулмулк уни бу ниятидан қайтишга ундаб, бундай деди[3]: "Сен каби инсоннинг қандайдир бир қалъага, агар бу қалъа катта ва кичик Айиқ юлдузлар туркуми оралиғида, Эгизак юлдузлар туркуми тепасида, ҳатто улардан ҳам юксак-юксакларда жойлашган бўлганда ҳам қамалиб ётишинг яхши эмас. Қалъалар — ҳоқонлар учун, шаҳар арслонлари учун эса кенг далалар, жанг майдонлари керак. Агар сен қалъага кириб мустаҳкамланиб олсанг, тоторлар то мақсадларига эришгунларича уни бузмасдан қўймайди". Шунда Жалолиддин қалъа хазинасидаги олтиннинг бир қисмини олиб чиқишни буюрди. Олтин олиб чиқилди, у бир қоп тиллани сафдошларига бўлиб берди. У ал-Қоҳирани тарк этиб, шошилинч равишда Буст чегараларига жўнаб кетди.

Бу ерда у Чингизхон беҳисоб қўшинлари билан Талоқонда эканлигини билди[4]. Шунда унга ёруғ кун қоронғу тундай туюлди ва бир қарорга келди. Тўхташ ҳам, қочиш ҳам бирдай хавфли, қаерга мурожаат қилма — на орқада, на олдда ҳимоя йўқ эди. Жалолиддин хавфга юзмаюз бўлган ҳолда тезлик билан Ғазна томон юрди. У барча нарсаларни, уйларни, ерларни ҳам четлаб, гўё учгандай ўтди. Иккинчи ёки учинчи куни унга шу яқин орада Ҳирот ҳукмдори, Султон [Муҳаммад]нинг она томондан тоғаваччаси Амин ал-Мулк борлиги ҳақида хабар етказишди[5]. У аллақачон Ҳиротни тарк этган, тоторлардан узоқлашиш ва Сеистонни қўлга киритиш мақсадида ўша томонга йўл солган, лекин уни қўлга кирита олма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганди[6]. Эндиликда у атрофида ўн мингта ўлжага ташланишга шай шерлар монанд туркий отлиқлар билан орқага қайтаётганди. Улар Султоннинг сараланган қўшинларидан бўлиб, кулфатлардан омон қолган, сони эса инада кўпайган, ҳар қандай жангга тайёр лашкарлар эди. Жалолиддин унга чопар юбориб, ўзининг яқин атрофда эканлигини билдириб, тезлик билан етиб келишини буюрди.

Ниҳоят, улар иккаласи учрашишди ва Қандаҳор қалъасини қамал қилиб ётган тоторларга ҳужум қилишга келишдилар. Улар иккаласи ҳам ёғийларга бирдан ҳужум қилдилар. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, душманлар ҳудди кўзларига мил тортилгандек устларига қандай бахтсизлик бостириб келаётганини ва ўзларининг қандай тузоққа илинаётганини кўрмадилар. Улар душман биздан фақат оҳу каби қочади, ҳужум қиладиган ҳеч қандай куч қолмади, қаршилик кўрсатадиган найзалар синган, жанг қилишга ярайдиганлар йўқ, деб ўйлашарди. Ана шунда улар бирдан бўғизларига ва юракларига санчилишга тайёр найзаларни кўрдилар. Шу заҳотиёқ отларига миниб орқасига қарамай қочишга тутиндилар. Лекин бу қочганлар ҳам омон қолмади, улардан айримлари қутила олди, холос. Қутилиб қолганлар Чингизхонга қўшинлари бошига тушган аҳвол, унинг қандай қирилиб битгани ҳақида хабар етказдилар. У сафдошлари ўткир қиличлар тиғи остида гўштга айланганини, ярадор бургутлар учун озиқ бўлганини эшитганда саросимага тушди[7].

Жалолиддин Ғазнага йўл олди. У шаҳарга ғолиб сифатида, ғолибликни қўлга киритишда Яратганнинг мадади катта бўлганини улуғлаб кириб борди. Кимки агар "Мамлакатлар ва йўллар китоби"ни ўқиган бўлса, Хоразм ва Ғазна оралиғида қанча узоқ масофа чўзилиб ётганини, Жалолиддинни излаган Чингизхон қўшинлари бу масофани қандай тез босиб ўтганини яққолроқ англайди[8]. Бу масофа қанча узоқ бўлмасин, у [Чингизхон] кунни қувлаб етган тун каби Жалолиддиннинг изини топди. Сен [муҳтарам китобхон], қачонлардир қаердадир бундай қўшин — икки денгиз оралиғини тўлдирадиган даражадаги беҳисоб лашкарларнинг икки ойлик йўлни қисқа муддатларда босиб ўтганини эшитганмисан?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] Жувайнийнинг айтишича, Жалолиддин Нишопур яқинидаги Шодиахада икки-уч кун тўриб Ғазнага 617 йилнинг 15 зулҳижжасида [1221 йил 10 февраль] кетган. Рашидиддин ёзишича, Жалолиддин Шодиахада уч кун туриб йўл тадоригини кўрган. Бартольднинг келтиришича, Жалолиддиннинг Нишопурдан кетиши 1221 йилнинг 6 февралига тўғри келади. Равертининг фикрича, у 1221 йилнинг 7 февралида Нишопурдан чиққан.

[2] Муъаййидулмулк Қавомиддин фаолияти ҳақида 12-бобда берилган.

[3] Жувайнийнинг ёзишича, Жалолиддин Завзондан аҳолиси душманлик билан кутиб олгани учун кетган. Улар унга бундай дейишган: "Агар мўғуллар сенга бир томондан ҳужум қилса, бизлар қалъа деворлари тепасидан устингга тош ёғдирамиз".

[4] Учта Талоқон мавжуд эди: Биринчи Талоқон — [ҳозирги пайтда Талиқон] Афғонистондаги Бадахшон вилоятида жойлашган, иккинчи Талоқон — Балх ва Марв оралиғидаги шаҳар бўлиб, Чингизхон томонидан вайрон қилинган. Учинчи Талоқон — Қазвин яқинидаги шаҳар бўлган. Бу ўринда гап Бадахшондаги Талоқон ҳақида бормоқда.

[5] *Амин ал-Мулк* — Жалолиддиннинг тоғаваччаси, Ҳирот волийси [Ибн ал-Асир, Жузжоний уни "Маликхон" деб ёзади. Рашидиддин "Хон Малик", Жувайний "Амин Малик, Йамин Малик" деб атайди], туркларнинг Қангли уруғи бошлиғи. У қизини Жалолиддинга беради.

Амин ал-Мулк Муҳаммад Хоразмшоҳ қочганидан кейин давлатнинг инқирозга юз тутишини англаб Чингизхонга бўйсунади ва ундан ёрлиқ олади. Хуросонга бостириб кирган Жэбэ ва Субутой қўшинлари Амин ал-Мулк ҳукмронлиги остидаги жойларни талон-тарож қилмаслик ҳақида буйруқ олади. Бироқ асосий қўшинлардан орқада келаётган мўғул лашкарлари буйруққа итоат қилмасдан унга қарашли ерларни талон-тарож қиладилар ва қаттиқ қаршиликка учрайдилар. Амин ал-Мулк бу ҳақда Чингизхонга хабар юборади, лекин шунга қарамай Чингизхоннинг ғазабидан қўрқиб ўн минг кишилик қўшини билан Ғазнага йўл олади. Айни пайтда, бу ерга Жалолиддин келганини эшитади.

[6] *Ҳирот* — Хуросоннинг [ҳозирги Афғонистоннинг] марказий шаҳарларидан бири. У 1222 йилда мўғуллар томонидан вайрон этилган. 1236 йилда қайта қурилган. Сеистон — Афғонистон ва Эрон ўртасидаги чегара вилоят.

[7] Қандаҳорда жанг бўлгани тўғрисида маълумотлар йўқ. Ибн ал-Асир мусулмонларнинг тоторлар билан уч кунлик жангда эришган ғалабаси Балак деган жойда юз берганлигини ёзади.

[8] Бу номда иккита асар бор. Бири Ибн Хўрдодбекка, иккинчиси Ибн Ховқалга тегишли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

31-БОБ

БАДРИДДИН ИНОНЖХОННИНГ БУХОРОДАН ҚУТИЛИБ ЧИҚҚАНИДАН КЕЙИН ХУРОСОНДА ВА БОШҚА ЖОЙЛАРДА БОШИГА ТУШГАН ТАШВИШЛАР ҲАМДА СОЛМОН ДАРАСИДА ҲАЛОК БЎЛИШИГА ҚАДАР КЕЧГАН АҲВОЛИ БАЁНИ

Бадриддин Инонжхон Султон [Муҳаммад]нинг улуғ амирларидан, ҳожибларидан, таниқли саркарда ва ақлбирларидан бири эди. Султон уни, юқорида айтилганидек, Бухородаги қасабаларидан бирига ҳукмдор қилиб жўнатди. Кейин уни [Бухорони] тоторлар босиб олгач, қўрқувдан қумлар бағрига қочди. У ўзига яқин бўлганлар ва бошқалардан иборат кичик гуруҳ билан Насага ёндош қумлар бағридан паноҳ топди. У бу ерда кўчманчилар ҳам қадам босмайдиган, бирорта қудуқни ҳам излаб бормайдиган, на сув, на озиқ-овқат бўлмаган жойда яшади. Наса ҳукмдори Ихтиёриддин Занги унинг қўрқувдан бундай жойда яшаётганини эшитганида уни ўз ҳузурига таклиф қилди. Бу таклифдан унинг ўз кўзлаган мақсади бор эди: аввало, у Султон ҳузурида эътиборли хизмат қилмоқчи, қолаверса, шу билан ўз ўрнига кўз тикаётганларнинг йўлини тўсиб, ҳукмдорлик мерос бўлиб қолишини таъминламоқчи эди. У мактубида уни [Бадриддинни] тоторлардан қутулгани билан қутлади. У заминига ҳассани қўйиб, тин олса бас, ҳар қандай совғани беришга тайёр эканлигини билдирди. У бу ишни Бадриддиннинг Султон мамлакатида мавқеи баланд, обрўси юксак эканлигини билиб, ўз мақсади йўлида ундан фойдаланиш учун қилди.

У [Ихтиёриддин] бундай деб ёзди: "Агар сиз тоторларнинг бирдан ҳужум қилишидан сақланиш учун қумлар бағрига чекинган бўлсангиз, биз уларнинг қаерда тўхташи ва қаерга бораётганини диққат билан кузатамиз". Шундан кейин у [Инонжхон] Насага йўл олди, Ихтиёриддин унга имкон борича ёрдам берди. Қурол-яроғ, кийим-кечак, юк ташийдиган ҳайвонлар, озиқ-овқат, асбоб-анжомлар ғамламалари билан таъминлади. Бундан унинг аҳволи яхшиланди, қўрқинч ва саросимадан қутилди.

Насанинг асосий қишлоқларидан бири ҳисобланган, одами кўп, қалъаси, ҳандақлари бор Нашжувоннинг ра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

иси Абул Фатҳ тоторларга ён босадиган одам эди. У улар билан мактуб ёзишиб турарди. Хоразмда Султон қўшинлари мағлубиятга учраганидан кейин у Инонжхоннинг Насада эканлиги, унинг бу ер ҳукмдори билан ҳамкорлик қилаётгани ҳақида маълумот юборди. Инонжхонни таъқиб этиш ва уни тутиб келтириш учун қўшин юборилди. Тоторлар Нашжувонга келганда раис уларга шу яқин орада жойлашган Инонжхон қароргоҳига борадиган йўлни кўрсатадиган одамни қўшиб берди. Инонжхон Насага келгач, шу яқин атрофда ва мамлакатнинг турли жойларида яшириниб юрган Султон лашкарларидан анчаси унинг сафига қўшилди. У бу лашкарларни қуроллантирди ва жиҳод учун курашга отлантирди.

Мен бу жангни кўрганман, унда иштирок этганман. Чунки мен Наса ҳукмдорининг муовини [ноиби] сифатида Инонжхоннинг ёнида юрганман, унинг талаб ва истакларини бажарганман, агар унга нимадир керак бўлса ёки ҳукмдорга мурожаат қилиш зарурати туғилса, шуларни амалга оширганман. Мен Инонжхон жангда беқиёс мардликлар кўрсатганининг гувоҳи бўлганман. Агар бундай жангни ўз вақтида Рустам кўрганида эди, қойил қоларди. Инонжхоннинг от суришини, қилич ва найзасини ўйнатиб душман устига ҳамла қилишини томоша қилганда эди, унга шогирд бўларди. Уруш қизиган пайтда, у ўзини жанг гирдобига урди, ўнгу сўлидаги душманларини икки қўлидаги қиличи билан аёвсиз қирди, зарби билан уларнинг совутларини иккига бўлиб ташлади. Тоторлар унга икки марта ҳужум қилишди, у ҳужумларни мардлик билан қайтарди. Жанг авжига чиқди, атрофни темирларнинг бир-бирига урилган овозлари босиб кетди, қиличлар кўкракларга суқилиб, бўйинларни кесиб қонга бўлган ташналигини қондирди. Кураш авжига чиқиб, жанг олови алангаланганда Инонжхоннинг қиличи синди, оти ёғийлар остига йиқилди. Сафдошлари уни душман лашкарлари қатори ва оёқлари остидан қутқариб олди. У ўз отига миниб, душман устига ташланганда якунловчи жанг ва курашга киргандай ҳужум қилди. Енгилган тоторлар орқага тисарилиб шармандали тарзда қоча бошладилар. Гўё қочиш билан таъқибдан, ўлимдан қутилиб қоладигандай эди. Қочиб қаерга ҳам борардилар? Ахир улар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бўйини узун отлари орқада қолган, олдда эса сувсиз чўл ястаниб ётарди. Инонжхон мағлубларни Нашжувонга қадар таъқиб этиб борди, у лаънатиларнинг қонга ботганидан, ўч олганидан сармаст бўлиб қолганди. У ўша куни қочоқларнинг орқасидан қилич солиш, яширинганларни бекинган жойларида тутиб олиб ўлдириш билан банд бўлди.

Ўлимидан баҳра олди тириклар, ер қўпди ғазаб.

Куннинг охирида у Нашжувонга етиб борди, бу ерга жанг майдонидан толиқиб, ярадор бўлиб, қочиб чиққан бир гуруҳ тоторлар ҳам йиғилган эди. Улар Нашжувон дарвозаси олдида Абул Фатҳни чақирардилар. Бироқ Абул Фатҳ уларни ичкарига киритишдан бош тортди, шу билан юзига яна бир карра муртадлик бўёғини чаплади, икки дунёни ҳам унитиш учун кофирлик ҳирқасини кийди. Тоторлар таъқиб этаётган олов яқинлашаётганини кўргач, ўзларини сувга ота бошладилар. Инонжхон ёнида чопқир отларда келганлар билан биргаликда тўхтади ва уларни ёйлар булутидан ўқлар ёмғири билан суғордилар. Бу ҳол улар чўкиб дўзах ўтида ёниш учун нариги дунёга равона бўлгунларигача давом этди.

Инонжхон ўз қароргоҳига ғалаба байроғи билан шоншарафга бурканган ҳолда кириб келди. У Наса ҳукмдорлиги ушбу қувончли хабарни ва мақсадига эришиш йўлида Оллоҳ унинг ўқлари нишонга бориб тегишга ёрдам берганлигини етказиш учун чопар юборди. У чопар билан бирга совға сифатида ўнга тотор асирини ва отини ҳам жўнатди ҳамда Ихтиёриддинга Нашжувонни қамал қилиб, у ердан Абул Фатҳни йўқ қилиш тўғрисида ҳам ёзди. У қалъани қамал қилди ва эгаллаб олди, Абул Фатҳ эса ўлди. "У дунёю охиратда зиён кўрур. Бу эса очиқ-аниқ зиёндир"*.

Инонжхон Обивард томонга йўл олди, қалбларда унга нисбатан ҳурмат-иззат мустаҳкамланган эди[1]. У Обивардда хирож йиғди, бунга ҳеч ким тўсқинлик қилмади. Бу ерда унинг сафига тақдир ҳукмига кўра ёвдан яшириниб дара ва водийларда юрган Султон лашкарлари келиб қўшилдилар. Улар орасида Элтож Малик, Тегин Малик, Белсариқ Хонкиши, Амир-охур Кочидек, ал-ходим Аминиддин Рафиқ ва бошқа шу сингари йўлбошчилар ҳам бор эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Насага қайтиб келди, бу вақтда унинг тарафдорлари ҳам, қўшинлари ҳам, қўшинларидаги гуруҳлар, лашкарлар сони ҳам кўпайган эди. Унинг қайтиши Ихтиёриддин Зангининг вафотига тўғри келди. У [Инонжхон] унинг [ҳукмдорнинг] ўрнига ўтирадиган меросхўридан Султон қўшинларидан ўз сафига келиб қўшилган одамларни боқиш учун ёрдам тариқасидаги Наса аҳолисидан 618 йил учун хирож йиғиб беришни талаб қилди. У [меросхўр] ўз розилиги биланми ёки қўрқувданми бу талабга рози бўлди. Инонжхон хирожни йиғиб олди ва уни ўзаро бўлиб берди. Шундан кейин у Нишопурнинг етакчи шаҳарларидан бири бўлган Сабзаворга йўл олди. Ўша пайтда Сабзаворни Элчи Паҳлавон босиб олиб, ҳукмронлик қиларди[2].

Инонжхон Сабзаворни босиб олишга шошилди, улар шаҳар деворлари остида тўқнашдилар. Жанг Элчи Паҳлавоннинг мағлубияти билан якунланди. У бу ердан қочиб ўша вақтда Ҳиндистонда фаолият кўрсатаётган Жалолиддин қўшинига бориб қўшилди. Инонжхон қудрати янада ошди, унинг ҳукмронлиги Хуросон вилоятининг энг узоқ нуқталарига ва ундан бошқа жойларга ҳам ёйилди.

Айни вақтда, Марвда жойлашган ва унинг қолган жойларини ҳам эгаллаб олган, омад кулиб боққан Куч Тегин Паҳлавон Жайҳундан ўтиб Бухоро томон юрди[3]. У кутилмаганда тоторларнинг кичик қўшини [шихнаси] бошлиғига ҳужум қилди ва уни ўлдирди. Шунда тақдир ҳукмига бўйсунган куч ҳаракатга келди ва сўнаётган ғазаб яна оловланди. Улар [тоторлар] ўн минг отлиқ лашкарлардан иборат қўшин билан унга қарши юрди ва мағлуб этди. У Сабзавор томонга, Элчи Паҳлавон ўғли Яканқу томонга қочди[4]. Иккаласи ҳам Сабзаворни ташлаб Журжон томонга йўл олишга, ўша пайтда унинг яқинида жойлашган Инонжхон сафига қўшилишга қарор қилди. Улар унинг ҳузурига йўл олишди, кетидан тоторлар ҳам от қўйишди. Аммо иккаласи ҳар икки фикр ўртасида ўйланиб қолишди: жангга кирсинми ёки яна узоқроққа қоч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниятн борлиги, бу учун Ҳамадонда Ибн Лочин Жакирга, хазинадор Ойбек, Ибн Қоракўз, Нуриддин Жаброил, Оқсунқур ал-Куфий, абдор Ойбек, Фарризин ҳукмдори Музаффариддин Боздор сингари жанжалкаш, муттаҳамлардан иборат бир қанча ироқликларни йиғаётгани ҳақидаги маълумотни олади[1].

Кутилмаганда шундай бўладики, ўша кунлари Исфахон қозиси Масъуд ибн Саид Жамолиддин ибн Ой-Абага дўстлиги туфайли унга [Рукниддинга] қарши чиқади. Рукниддин қўл остидаги қўшин ва раис Садриддин ал-Хўжандий тарафдорлари билан Жубор номи билан машҳур бўлган қози маҳалласи томон юради[2]. Бу ерда қон тўкилади, у маҳаллани босиб олгунча одамларни ўлдиради. Қози Форсга, отабек Саъд ҳузурига қочади[3]. Бу ерда отабек унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, уй-жой бериб, хавфсизлигини таъминлайди. Шундан кейин Рукниддин Ҳамадонга боришга, Жамолиддин билан учрашиб, унда ўзига нисбатан пайдо бўлган ғазаб ўтини сўндириб, хавфнинг олдини олишга қарор қилади. Унинг қўшинлари озиқ-овқат, кийим-кечаклар жамғариш ва ўзларига зарур нарсаларни олиш учун Исфахондаги уйларга йўл олади. Исфахон аҳолисининг қалбида уларга нисбатан қози маҳалласида қилинган қирғин ва талончилик учун қаҳр-ғазаб уйғонган эди. Шу сабабли улар шаҳар дарвозаларини ёпиб қўйдилар, қўлларига пичоқ олиб лашкарларнинг аксариятини бозор ва дўконларда ўлдирадилар. Бу ҳол Рукниддиннинг куч ва қувватини камайтиради, ният қилган қарори амалга ошмайди.

Шундан кейин у тоғаваччаси Қаршибекни, Тўғонхон, Куч Буғахонни Ироқнинг амир ал-аъламн Шамсиддинни қўшинларига бош қилиб Ибн Ой-Абага қарши курашга оёқлантиради[4]. Жанг қилувчи томонлар ўртасида оз масофа қолганда Куч Буғахон ўзини гадоликдан хон даражасига кўтарганларнинг, мард лашкарларнинг саркардаси қилиб тайинлаганларнинг ишончини ерга уриб, уларга нисбатан хоинлик қилиб Ибн Ой-Аба томонга қочиб ўтди. Хоинлик туфайли бошқа саркардаларнинг кўнгли хижил тортди, улар жангга кирмай орқага қайтдилар.

Рукниддин Райга томон юрди ва бу ерда исмоилий дуғатларни [тарғиботчиларни] учратди. Улар Рай аҳоли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини ўзларига эргашишга тарғиб қилар, ўзларига мурид-лик йўлигина одамларга ҳимоя учун имкон яратиб бе-ришини тушунтирар эдилар. Рукниддин уларни таниб ол-гач, ушлатиб қатл қилдирди [5].

У бу ерда кучларни йиғиб улгурмасдан тоторлар ўзи томон келаётгани ва ҳужумга тайёргарлик хабарини эшит-ди. Шунда у Устунаванд қалъасига яширинди ва уни ҳимо-ялашга киришди[6]. Бу жуда мустаҳкам қалъа эди, унинг тепасидан бургутлар ҳам учиб ўта олмасди. Унинг мус-таҳкамлигидан деворга ҳожат йўқ эди. Тоторлар уни худ-ди бошқа қалъалар каби қамал қилди, атрофга девор тик-ланди. Рукниддин ва унгача бу қалъага ҳукмдорлик қил-ганлар, уни айёрлик, макр-ҳийла билан қўлга олиб бўлмайди, фақат узоқ муддат қамал қилиб, тинка-мадо-рини қуритиб таслим этиш мумкин, деб ҳисоблардилар.

Тонгда лаънати тоторларнинг уй атрофидаги қичқи-риқлари қалъадагиларни ваҳимага солди. Бунинг сабаби қуйидагича эди: хавф туғилиши, айёрлик ишлатилиши мумкин бўлган томонларга соқчилар кўплаб қўйилганди. Қалъанинг бошқа бир томонидаги хавфли нуқта эса, ав-валдан эътиборсиз ҳисобланиб келингани учун соқчи қўйилмайди. Тоторлар ана шундай жойлардан бирини, деворнинг ёрилган, лекин пастдан юқоригача ўт қопла-ниб ётган жойини топдилар. Улар темирдан узун санчқи-лар ясадилар ва уларни кечаси девор тагига олиб келди-лар. Лаънатилар санчқиларни бир-бирининг устига чи-қиб деворга маҳкам қоқдилар, кейин ундан баландроққа маҳкамладилар ва то қалъа тепасига чиққунларича шун-дай қилдилар. Кейин бошқаларни девор устига чиқардил-лар. Улар қалъа ичидаги уйни ўраб олдилар. Лашкарлар қалъанинг турли томонларига тарқаб кетганидан кейин уй олдидаги қоровуллар ва дарбонларнинг тоторларга эшик очиб беришдан бошқа иложи қолмади. Эшиклар ичкаридаги азоблар сари марҳамат билан очилди:

Хайрли тун тилади. Чўзилди пардек юмшоқ тўшакка,
Тонг отар-отмас қаттиқ ерда ётгандек бўлди гўё.
Рўёдек эди бу: найза тутган қўллар кўтарилди-ю
Хинога бўялгандек бармоқлар кўринди элас-элас[7].

Рукниддин улар томонидан ўлдирилди[8]. Афсуски, унинг ҳайратомуз гўзал қиёфаси ҳам, адл қадди-қомати

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, оймонанд юзи ҳам, улуғворлиги ва шон-шуҳратига бўлган эҳтиром ҳам ёрдам беролмади.

Ўлимга рўбарў келганида бану Набхон каби масъум эди,
Шода-шода юлдузлар қўйнидан тўлин ойдек йиқилди[9].

Жамолиддин ибн Ой-Аба ироқлик амирлар билан биргаликда Рукниддин ва унинг сафдошлари тақдири ҳақида эшитганда юраги қинидан чиқиб, гўё бошсиз қолгандай бўлди. Ҳамадонда жойлашган лашкарлари эса унга ҳар томондан тоторлар хизматига кириш, улар ёрдамида меросий мулкка эга бўлиши ҳақида шипший бошладилар. Улар уни эришиб бўлмайдиган янглиш йўлга киритишга интилардилар. Қуръони каримда айтилганидек, "Ҳудди шайтоннинг ўхшашидирлар. Эсланг, у инсонга "Кофир бўл" деган эди. Энди қачонки (одам) кофир бўлгач, (шайтон унга) "Албатта, мен сендан безорман. Зеро, мен барча оламлар парвардигори бўлмиш Оллоҳдан қўрқурман", деди. Бас, иккисининг (шайтон ва унинг сўзига кириб кофир бўлган инсоннинг) оқибати дўзахга кириб, унда мангу қолишлари бўлди. Золим кимсаларнинг жазоси шудир!"*

Ва у улар билан мактуб ёзишишга киришди. Мактубида ўзининг уларга содиқлигини, буйруқларига итоат этишини ва бажаришини маълум қилди. Тоторлар унга ўзларининг зулмкорлик, уятсизлик, алдамчилик ниқоби бўлган фахрий кийимлари (халъа)ни юбордилар. У бу кийимларни ҳурмат-эҳтиром билан кийди ва шу тариқа юзига муттаҳамликнинг қоп-қора кирини суртди.

Тоторлар Ҳамадонга отланар эканлар, унга одам юбориб бундай дейишди: "Агар сен ўзинг айтгандай бизга дўст бўлсанг, ҳузуримизга келгин". У уларнинг таклифига ишониб ҳузурига борди. Бироқ улар у билан дўст эмасликларини юзига айтди. У уларнинг ёлғонларига ишонганидан иснодга қолди ва Қуръонда айтилганидек, "биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулади".

Тоторлар уни ва у билан бирга собиқ ироқликларни ҳам ўлдириб Ҳамадонга йўл олди. Уларни раис Аловуддин аш-Шариф ал-Аълавий кутиб олди[10]. Ибн Ой-Аба унга кўп зулмлар қилган, бойликларини тортиб олган. Айтганимиз раис уларнинг олдига бўйин эгиб борди. То-

www.ziyouz.com kutubxonasi

торлар унга шаҳар ҳукмдорлигини топширди ва кетди. Чунки улар Жэбэ нўён ва Субутой Баҳодир Ҳамадонни илк бор босиб олганида шаҳар аҳолисини ундан ҳайдаб чиқариб, бойлигини тўла даражада талаганларини билар эдилар. Шу сабабли шаҳарни бойлик излаб қайта тинтишга ҳожат қолмаганди.

---

[1] *Жамолиддин Муҳаммад ибн Ой-Аба ал-Фарразиний* — Жамолиддин Ой-Оба ас-Сумайраний авлодларидан. Сумайраний ҳижрий VI асрда яшаган. У 1190—1203 йилларда Озарбойжон отабеклари Абу Бакр ва Ўзбек даврида саройда ишлаган, кейин Ҳамадон ҳукмдори бўлган. Жамолиддин Улғу Барбек Ой-Аба унинг ўғли. Бу авлод вакили Хоразмшоҳ Такиш даврида Нишопурда ҳукмдорлик қилган. Бу Адуд ад-Давла вад дин Тўғоншоҳ Абу Бакр ибн Имомиддин Абул Фатх Муайяд Ой-Аба.

[2] Исфахон қозиси Рукниддин Масъуд ибн Сайид ибн Муҳаммад ибн Абдураҳмонга бу лавозим мерос бўлиб ўтган. Унинг отаси Ибн Муҳаммад ҳам саййидлардан чиққан қози, ханафия мазҳабининг таниқли фақиҳларидан эди. Исфахон қозилари лавозимини кўп йиллар давомида саййидлар вакиллари эгаллаб келишди. Шаҳар раислиги хўжандийлар авлодига мансуб эди. Бу икки авлод ўртасида доимий қарама-қаршилик ва кураш борар, ҳар қайсиси шаҳар аҳолисини ўзига қаратиб олишга интиларди. Бу зиддиятдан бошқа авлодлар ва босқинчилар фойдаланар, Исфахонни босиб олар, улар ўртасидаги зиддиятни янада кучайтирарди. Улар кураши тўғрисида Ўрта аср муаллифлари кўплаб маълумотлар ва асарлар ёзиб қолдирганлар.

[3] Отабек Саъд тўғрисида олдинги бобларда маълумот берилган.

[4] Амир ал-аълам Шамсиддин ҳақида аввалги бобларда маълумот бор.

[5] Рукниддин Ғурсанжтий, Жувайний айтишича, Райда икки ой туради, Рашидиддин ёзишича, бироз вақт.

[6] Жувайний ва Рашидиддин "Ғурсанжтий Устунаванд қалъаси сингари мустаҳкам бўлган Фирузкўҳ қалъасига яширинди", деб ёзишади.

[7] Шоир ал-Мутанаббий (915—965 йилларда яшаган) шеъри.

[8] Жувайнийнинг ёзишича, мўғуллар Устунаванд қалъасини 6 ой давомида қамал қиладилар. Мўғул қўшинларига Таймас ва Тайнал бошчилик қилади. Қалъа босиб олинганидан кейин Рукниддин бошқа тирик қолган ҳимоячилар билан бирга тутиб олиниб, мўғул саркардалари олдига олиб келинади. Асирларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўғуллар олдида тиз чўкиш буюрилади. Рукниддин ва унинг сафдошлари тиз чўкишдан бош тортишади. Натижада улар қатл қилинади. Бу ерда Рукниддиннинг отабеги ва вазири Имодулмулк Муҳаммад ас-Савий ҳам ўлдирилади.

[9] Абу Таммом шеъридан.

[10] Ҳамадоннинг раиси Аловуддин ад-Давла аш-Шариф ал-Аълавий шаҳарга яқинлашган мўғулларга бўйсунади ва уларга отлар, кийимлар, озиқ-овқатлар, мол-қўйлар, шароб жўнатади. Мўғуллар уни шаҳар шихнаси қилиб белгилайди. Бироқ Жамолиддин ибн Ой-Аба Ҳамадонда ҳокимиятни қўлга олади. Аловуддин ад-Давла Гирит қалъасига занжирбанд қилинади.

Аловуддин ад-Давла Ҳамадоннинг меросхўр раисларидан эди. Унинг бобоси Абу Ҳошим Зайд ибн ал-Ҳасан ал-Ҳусайний ал-Аълавий шаҳарга 47 йил раислик қилган. У 1109 йил 5 мартда вафот этган. Она томондан бобоси ас-Соҳиб Абул Қосим ибн Ибод катта бойликка эга эди. Салжуқийлар султони Муҳаммад (1105—1118 йилларда ҳукмронлик қилган) унинг мулкини қайта мусодара қилганда 700 минг динор олган.

33-БОБ

ҒИЁСИДДИННННИНГ АҲВОЛИ ВА УНИНГ КИРМОНГА ЮРИШИ БАЁНИ

Султон Кирмонни ўғли Ғиёсиддин Пиршоҳга фармон билан мулк қилиб берган эди. Бироқ у бу ерга етиб келмасданоқ, юқорида айтганимиздек, Фарразин талон-тарож қилинди. У Қорун қалъасига бориб фалокатлар гирдобидан фориғ бўлди[1]. Қалъа ҳукмдори амир Тожиддин унга эҳтиром билан хизмат қилди. Бу хизмат Рукниддин Ғурсанжтий Кирмондан Исфахонга келиб, унга (Ғиёсиддинга) Кирмонга юриш қилишга ундаб, вилоятда қаршилик қилувчилар ҳам, ҳимоячилар ҳам йўқлигини билдириб, ҳукмдорлик қилишга рақобатчилар ҳам қолмаганини айтиб мактуб йўллагунича давом этди. Ғиёсиддин Исфахонга, Рукниддин ҳузурига йўл олди. У Ғиёсиддинни иззат-икром билан кутиб олди ва унга меҳрибонлик кўрсатди. Уч кундан кейин у Кирмонга борди ва уни эгаллади. Унинг учун (Кирмон) сувлари шаффоф, бойликлари сут каби тўлиб-тошиб ётгандай туюлди. Унинг бу ердаги ишлари тобора яхшиланди. Айни вақтда Рукниддиннинг Ироқда аҳволи тобора ёмонлашди ва юқорида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳикоя қилганимиздек, Устунаванд қалъасида ўлими билан якунланди.

Бироқ шунга қарамай унга (Ғиёсиддинга) умид, ишонч кам эди. Унинг ёрдамчиларининг бошига кулфат тушганди. Фахрий ва муҳтарам инсонларга аччиқ ҳақиқат етказилди.

Нафаслар ичга тушиб, танглайда қотди тил ҳам,
Гўё йўлдан адашди чопар, синди хат битган қалам.

Ироқ уни босиб олишга интилувчилар учун майдонга айланди, уларга қаршилик қилиши мумкин бўлганлар эса бундай имкониятдан айрилди.

Бу вақтда келиб отабек Иған Тоисий Саржаҳон қалъасидаги зиндондан қутилиб чиқди[3]. Унинг зиндонбанд қилинишининг сабаби бор эди. Султон (Муҳаммад) Ироқни ўғли Рукниддин Ғурсанжтийга мулк қилиб берганда Иған Тоисийни унинг хизматига йўллаган, айни пайтда унга отабек қилиб ҳам тайинлаганди. Орадан кўп ўтмай Рукниддин отасига унинг сурбетлиги ва такаббурлигидан шикоят қилади. У отасига агар отабек ўз билганича фаолият кўрсатиш имконига эга бўлса, у шундай ишларни қилиши мумкинки, кейинчалик буларни ўнглаш, яхшилаш учун имкон қолмаслигини англатади. Шунда Султон унга отабекни тутишни буюради. У уни қўлга олади ва Саржаҳон қалъасидаги зиндонга ташлатади. Шундай қилиб отабек Ироқ бу алғов-далғовлар даврида ҳимоясиз қолгунга, босқинчилар учун очиқ майдонга айлангунга қадар зиндонда ётади. Уни ушбу қалъа волийси Асадиддин ал-Жувайний отабекка қўйилган айблар нотўғри деган қарор билан зиндондан озод қилдиради. Шундан кейин унинг ёнига ироқлик ва хоразмлик лашкарлар йиғила бошлади. Улар туфайли унинг аҳволи яхшиланди: елкаси ёзилди, тишлари ва тирноқлари ўткирлашди. Унинг сафига қўшилганлар орасида Сава муқтасидан Баҳовуддин Сакур, Жамолиддин Умар ибн Ёздор, амир Қайхусрав, Қашон муқтасидан Нуриддин Жаброил, Нуриддиннинг ўғли Қирон Хувон, Ойтемир аш-Шомий, Семнон муқтасидан Кетак, Ойтуғди Кели, Тўғрул ал-Аъсар, Қоража муқтасидан Сайфиддин Кетйорик кабилар бор эди[4].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу вақтда Ўдоқхон Исфахонни босиб олишга муваффақ бўлди[5]. Ғиёсиддин унинг кўнглига йўл топиш, ўзига яқинлаштириш ва қарам қилиш мақсадида унга синглиси Ойси хотунга уйланишни таклиф этди. Бироқ тўй Ўдоқхон билан Иған Тоисий ўртасидаги илгари англашилмаган душманлик муносабатлари ойдинлашмагунча кейинга қолдирилди. Чунки улар Ироқнинг икки қисмини босиб олган эди. Улар орасига шайтон оралади, бир-бирига қаршилик йўлини танладилар, биргаликда ҳаракат қилишдан бош тортдилар. Отабек етти минг кишилик, жумладан, ироқлик ва хоразмлик туркийлардан иборат отлиқ лашкарлари билан Исфахонда турган Ўдоқхон устига юриш бошлади. Ўдоқхон отабекнинг ўзига қарши уруш бошлаганини билгач, Ғиёсиддиндан мадад сўради. У унга ёрдам учун Давлат Малик бошчилигидаги икки минг кишилик отлиқ лашкарларини жўнатди. Бироқ отабек Ўдоқхонга ёрдам етиб келмасдан уруш бошлади. Жанг Исфахон яқинида бўлиб ўтди. Ўдоқхоннинг кучлари оз эди, жанг унинг асирга тушиши билан якунланди. Отабек сафдошлари орасида Султон туфайли юқори мартабага эришганлиги, Ўдоқхоннинг эса Султонга яқинлиги борлиги учун уни омон қолдирди.

Шароб отабекка ва унинг дўстларига ўз таъсирини кўрсатди. У Ўдоқхонни ироқликлар билан тўлган базм сароийга олиб келишни буюрди. Отабек унга эҳтиром кўрсатди, тик турган кўйи ҳурмат билан кутиб олди. Бироқ уни бир неча ироқликлардан пастроққа ўтказишди, бу унинг жаҳлини чиқарди. Унинг Султонга яқинлигини билишгани ҳолда беписандлик билан мурожаат қилишидан батамом ўзини йўқотиб қўйди, отабекка нима деяётганини англамай, у билан баҳсга киришди. Шунда отабек уни ўлимга буюрди ва у бўғиб ўлдирилди. Мастлиги тарқагандан кейин отабек қилган ишидан афсусланди, бироқ вақт ўтган, қилич қуролсиз одамга бориб теккан эди.

Иған Тоисийга қарши курашда Ўдоқхонга ёрдам учун Кирмондан юборилган Давлат Малик жанг ҳақида Исфахон дарвозаси олдида эшитди, отнинг жиловини тортиб шу ерда тўхтатди. У Ғиёсиддинга умумий аҳвол ҳақида ва ўзининг жанг майдонига кирмаганлигини ҳам маълум қилди. Шунда Ғиёсиддин унинг фикрини маъқуллади ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қасос олиш зарурлигини билдирди. У ҳам отабек Иған Тоисий жойлашган Исфахонга юриш бошлади. Шаҳар қозиси у (Иған Тоисий) билан ҳамкорлик ўрнатиб, унга ўз маҳалласи билан бирга бўйсунди. Лекин шаҳар раиси Садриддин ал-Хўжандий ва унинг маҳалласи қози билан ораларидаги ички душманлик сабабли отабекка бўйсунмади. Fиёсиддин тезлик билан Исфахонга отланди. Хавф яқинлашаётганидан огоҳлантирилган отабек эса қўрқув туфайли ундан ҳам эртароқ мўлжалдаги ерга етиб келди. Гўё Абу Фирас айтганидек бўлди[6].

О, бу қанчалар сарбаланд деворлари ила қўрқитолмас,
Харобалар оралаб қуёш нури ила кўтарилганман ахир.

Отабек англадики, хизматдан қочиб қутилишнинг ва айбини инкор қилишнинг иложи йўқ, шу сабабли Fиёсиддинни кўргани замон бўйин эгди, бошини ерга урди, унга садоқатини бошқа йўллар билан ҳам намоён этди. Бундан Fиёсиддин кўнглидан унинг одамларига Ўдоқхонни ўлдириш ҳақида берган буйруғи туфайли душманлик туйғулари чекинди. У синглиси Ойсу хотунни Иған Тоисийга хотинликка берди ва тўй бўлиб ўтди. Бироқ, унинг амирларидан бир қанчаси бу ишни душманлик деб баҳолади ва улар қароргоҳни тарк этдилар, у билан ҳамкорлик қилишдан бош тортдилар. Бу аҳвол Fиёсиддин ўзаро душманликни бартараф этиш ва тотувликни мустаҳкамлаш борасида таклиф билдириб улар ҳузурига бир неча элчилар юборгунча давом қилди. Шундан сўнг уларнинг кўнглидаги адоватлар барҳам топиб, унинг ёнига яна ўзаро ҳамкорлик учун йиғила бошладилар. Улар яна хизматга қайтиб келдилар, уни қўллаб-қувватлашга сўз бердилар. Фақат Ойтемир аш-Шомийгина қайтмади, унинг кейинги тақдири Озарбойжон ҳукмдори отабек Ўзбек билан боғланди ва шу ерда ҳалок бўлди[7].

Fиёсиддин Ироқда мустаҳкамланди, шунингдек, унинг ҳокимияти Мозандорон ва Хуросон тегараларига ҳам ёйилди. У Мозондаронни иқто сифатида Давлат Маликка берди. У бу ерда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Иған Тоисий Ҳамадонни ва унинг вилоятларини қўлга олди. Унинг ҳукмдорлигини бу ердагилар тан олди. Уларнинг ҳар бири

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз вилоятларини бошқариш билан бирга молиявий ва солиқ ишларини ҳам тартибга солдилар.

Давлат Малик Ғиёсиддин хизматига қайтиб келганидан кейин унинг қудрати янада ошди ва у отабек Ўзбек ибн Муҳаммад ибн Элдегиз ҳукмронлик қилаётган Озарбойжонга юриш қилди. Ғиёсиддин Мароғани, отабек қўл остидаги Ироққа яқин бўлган бошқа жойларни ҳам босиб олишга уринди ва Учонда тўхтади[8]. У юриш қилган жойларга бир неча бор Ўзбек элчилари тинчлик ўрнатиш, урушга барҳам бериш, ёмонликни бартараф этиш, эвазига товон тўлаш учун ташриф буюрдилар. У унга (Ғиёсиддинга) Нахичевон ҳукмдори, малика ал-Жалолияни тортиқ қилди. Шундан сўнг улар ўртасида келишув битими мустаҳкамланди ва Ғиёсиддин Ироққа қайтиб кетди.

---

[1] Қорун қалъаси Ҳамадон теграсида бўлган.

[2] Ал-Мутанаббийнинг Халаб ҳукмдори Сайфуддавла ал-Ҳамадоний (944—967 йилларда ҳукмронлик қилган) синглиси вафотига бағишланган марсиядан.

[3] Саржаҳон қалъаси Занжон ва Тарум оралиғида, Ғилон йўли устида жойлашган. Иған Тоисий Ғиёсиддин Пиршоҳнинг тоғаси ва отабеги бўлган.

[4] Сава Ҳуррамобод туманидаги ўрта аср шаҳри бўлган. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг вазири Имодулмулк ибн аш-Шадид ас-Савий шу шаҳардан бўлган. Қашон — Кум ва Исфахон ўртасидаги шаҳар. Қоража Рудравар туманидаги бош шаҳар ҳисобланган.

[5] Ўдоқхоннинг шахсини аниқлаб бўлмади. Ан-Насавий у ҳақда Хоразмшоҳнинг амир-охурларидан бири эди, деб ёзади.

[6] Шоир Абу Фирас ал-Ҳамадоний (932—967 йилларда яшаган) Халаб ҳукмдори Сайфуддавла ал-Ҳамадонийнинг тоғаваччаси. Ундан шеърий девон ва "Ар-Руммиййат" деб аталган қасидаси мерос қолган.

[7] Ойтемир аш-Шомийни Ибн Ал-Асир Ойбек аш-Шомий деб ёзади.

[8] *Учон* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

34-БОБ

ҒИЁСИДДИННИНГ ФОРСГА ЮРИШИ, БУ ВИЛОЯТДАГИ БОСҚИНЧИЛИКЛАРИ ВА ҚЎШИНЛАРИНИНГ БУ ЕРДА ҚИЛГАН ЖИНОЯТКОРОНА ИШЛАРИ БАЁНИ

Ғиёсиддин Ироққа келган дастлабки пайтларда қўшинлар билан ҳамкорликда қилинган ишлар учун — хоҳ у бирор жойга юриш бўлсин, хоҳ урушда кўрсатилган ёрдам бўлсин, ҳақ тўларди. Бу ҳол оғир урушлар туфайли ҳар томонга тарқаб кетган Султон лашкарлари унинг сафига келиб қўшилиб қудратини оширгунча давом этди. Бу айнан юқорида айтганимиз Журжон тоторлар билан Инонжхон ўртасидаги жангда иккинчисининг мағлубиятга учраб қочиши пайтига тўғри келди. У (Ғиёсиддин) уни ҳурмат билан кутиб олди, бу Инонжхоннинг аввалги ва ҳозирги хизматларига, садоқатига кўрсатилган эҳтиром натижаси эди. Ғиёсиддин иззат кўрсатиб, улуғлаб унга ва унинг лашкарларига совғалар берар экан, аҳвол шунга бориб етдики, бу унинг тоғаваччалари Давлат Малик, Болтай Маликнинг кўнглида ҳасадни оловлантирди, отабек Иған Тоисийни эса ғазаблантирди. Булар учови обрў-эътибори улуғлангани учун ҳасадгўйлик, кўролмаслик оқибатида Инонжхонни ўлдиришга қарор қилдилар.

Ғиёсиддин Инонжхонга нисбатан режалаштирилаётган ёмонликлардан, алдов ва сотқинликлардан хабар топди ҳамда уларни аҳилликка чақирди, бунда иш учун келгусида қайтадиган ўч, қасослардан огоҳлантирди. Шунда икки тоғаваччаси кўнгилларида алам билан, ёмон ниятларини юракларига жойлаган ҳолда, Ғиёсиддин билан бошқа ҳамкорлик қилмаслик фикрида турли вилоятларга жўнаб кетди

Бу тоторларнинг Ироққа учинчи босқини пайтига тўғри келди (Ҳижрий 621 йил, милодий 1224—1225 йиллар оралиғи). Тоторлар улар иттифоқчилигига дарз кетганини англадилар. Улар Занжон чегараларида Давлат Малик қўшинига ҳужум қилишди ва уни ўлдиришди[1]. У шу тариқа қилмишидан ўзи зарар кўрди, бировга нисбатан ёмонлиги ўзига урди. У атрофини кофирлар ўраб олганда ва ўзини ўлим гирдобида кўрганида ўғли, ёш бола Баракатхон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га Озарбойжон йўлини кўрсатиб деди[2]: "Бу йўлдан у сени го хавфсиз жой олиб чиққунча бурилмай тўғри кетавер!" Бола бу йўлдан юриб Табризга етиб олди[3]. Отабек Ўзбек уни меҳрибонлик билан қарши олди. Уни Жалолиддин қўшини билан Ҳиндистондан қайтиб келиб то Табризни босиб олгунча ота ўрнида тарбиялади.

Тоторлар Занжондан қайтиб келаётиб Иған Тоисий қўшинларига ҳужум қилишди. Улар унинг бойлигининг катта қисмини босиб олишди ва ҳамма саркардаларини қириб ташлашди. Унинг ўзи яқинлари билан қочиб Торум чегараларига етиб олди[4]. Тоторлар шундан сўнг ортларига қайтдилар ва Жайҳунни кечиб ўтдилар. Улар қўлга киритилган ўлжа билан мақтандилар. Бировга қилинган қасад ана шундай якун топади. Буни ҳасадчи оғир аҳволга тушгандагина яққол англаши мумкин. Тақдир унга тишларини кўрсатиб ана шундай бахтсизлик ато қилган эди.

Омон қолганлар бўйсунмаслик оқибатида юзлари қора бўлиб, мағлубият натижасида бир гуруҳ оломонга айланиб Fиёсиддин ҳузурига қайтиб келди. Уларнинг қайтиб келиши туфайли унинг қудрати ошди, қўшиннинг орқа томони янада мустаҳкамланди. Бу вақтда у Форс ҳукмдори отабек Музаффариддин Саъд ибн Зангидан ўч олишга эришди. Бу ўчнинг сабаби бор эди: у Исфахон аҳолисининг беқарор муносабатлари, ўзгарувчан кайфиятларидан фойдаланиб ўзи томонга ағдариб олиш учун улар билан хат ёзишар, шунингдек, (Fиёсиддин учун) қийин шароитларда у талаб қилганида ёрдам учун одамлар юбормаган, моддий маблағ бермаганди. Шуларга кўра Fиёсиддин кўплаб пиёда ва отлиқ қўшинлари билан Форс устига юриш қилди. Отабек унга қарши кураша олмаслигини билгач, Истаҳр қалъасига қамалиб олди[5]. Буни эшитган Fиёсиддин у томонга юрди, унинг работига ҳужум этди. Уни куч билан босиб олиб, вайрон қилди. Кейин бу қалъани ташлаб чиқиб, Шерозга томон юрди. Уни ҳам босиб олиб, қасос шарбатини ичди. Сўнгра у бир қанча вақт Жира қалъасини қамал қилди[6]. Лекин хун ҳақини олгач, улар билан тинчлик битимини тузиб, аҳолисига омонлик берди. Айни шу ерда Инонжхон вафот этди ва Шиъб Салмон қабристонига кўмилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У (Ғиёсиддин) Алп Эрхон қўшинини шайх Абу Исҳоқ аш-Шерозий юрти Қозирунга отлантирди[7]. Алп Эрхон Қозирунни босиб олди, болаларни асир қилиб ҳайдади, аёлларни зўрликка рўпарў қилди, аҳолини жазолади. Бу ерда кўп йиллар давомида ҳайрия йўли билан катта миқдорда бойлик тўпланганди. Алп Эрхон бу бойликни Ғиёсиддин хазинасига олиб келди. Ушбу бойлик унинг аввалги даврлардаги куч-қудратини тиклади, аҳволини янада яхшилади. Аммо, афсуски, темир тақинчоқлар жабр-зулмга, оғир, ноҳақ солиқлар уятсизлик юкига айланганди. Бундай маҳсулотлар ташқаридан кумуш бўлиб яракпаши мумкин, аслида у мантиқан қаттол заҳар эди. Албатта, унинг (Алп Эрхоннинг) тақдири фожиали кечди, тоторлар уни Исфахон дарвозаси олдида тутиб олишди. Улар унинг оёқларини отнинг қорнига, қўлларини эса орқасига қайириб боғлашди. Шу тариқа уни икки йиллик йўл ҳисобланган Ҳоқон ҳузурига жўнатишди. Ҳоқон уни, ярим жон бўлиб қолган одамни оловга ташлаттирди. Эҳтимол, булар унга нариги дунёда бериладиган жазо ўрнига юборилгандир. Яна ким билади, дейсиз, "Оллоҳ қудратли, ундан кўра билгувчи йўқдир".*

Ғиёсиддин бу ердан Боғдод вилояти теграсида бўлган Рамхур томонга йўл олди. Олий девон номидан бу ерни бошқараётган Аъламиддин Қайсар Ғиёсиддин бу ерда ҳам Форсдаги каби талончилик, қирғинбаротларни амалга оширади, ҳамма ёққа ўт қўяди деб ўйлаб, қўл остидаги ерларни ташлаб кетди[8]. Лекин Ғиёсиддин шаҳарга ҳужум қилмади. У Оллоҳ олдидаги бурчини унутмади, унга содиқ қолди. Имом ан-Носир эса, Оллоҳ уни ўз паноҳида сақласин, шу йили Ирбилдан, вилоятнинг бошқа жойлари, масалан, ал-Жазира, Диёр Бакр, Диёр Робиъадан кўплаб лашкарлар тўплаган эди[9]. У Ғиёсиддинга нома йўллади. Номада уни ўзи ҳукмдорлик қилаётган ва яшаш қулай бўлган жойга қайтиб бориб ҳаёт кечиришга даъват этди. Ғиёсиддин бу даъватга кўнди ва Ироққа қайтиб келди.

---

[1]*Занжон* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[2]Давлат Маликнинг ўғли Баракатхон кейинчалик Жалолиддиннинг кўзга кўринган амирларидан бири бўлди. Жалолиддин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлимидан сўнг Баракатхон Хоразмшоҳнинг бошқа амирлари билан биргаликда Қўниё султонининг хизматини қилди. Бир қанча саргузаштлардан кейин у Ироқнинг Харман шаҳрига ҳукмдор бўлди. Ўшанда ан-Насавий унга вазирлик қилган.

[3]*Табриз* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[4]*Торум* — Занжондан шимол томонда жойлашган ноҳия.

[5]Ғиёсиддин сафига мўғуллардан енгилган хоразмликлар лашкарлари ва Бароқ Ҳожиб, Инонжхон, Ўғул Малик қўшинларидан омон қолганлари келиб қўшилганлар. Ғиёсиддин бошчилигидаги бу бирлашган қўшин отабек Саъднинг қўшинига ғарбий Форснинг Дина деб аталган жойида ҳужум қилади. Саъд бу ердан Истаҳрга томон қочади. Истаҳр — Форсдаги шаҳар. Ўша даврда у қалъа ҳисобланган ва XVI асргача мавжуд бўлган. Ғиёсиддин Пиршоҳнинг отабек Саъдга ҳужуми, Ибн ал-Асир ёзишича, ҳижрий 620 йил (1223 йил ноябрь — декабрь) да, Жувайний фикрича, 619 йил (1223 йил февраль) да бўлиб ўтган.

[6]*Шероз* — Отабеклар давлатининг Форсдаги пойтахти. У Ғиёсиддин томонидан 621 йил (1224 йил январь — февраль) да босиб олинган. Жира — Шероз ноҳиясидаги қалъа.

[7]*Қозирун* — Шероз ноҳиясидаги қалъа. Шайх Абу Исҳоқ ал-Қозируний ат-Шерозий (963—1034 йилларда яшаган) ал-Исҳоқия ёки ал-Қозируния суфийлик тариқатининг асосчиси. Унинг отаси оташпараст бўлган. Абу Исҳоқ исломни қабул қилган. Абу Исҳоқнинг қабри Қозирунда, у шогирдлари томонидан муқаддас жойга айлантирилган.

[8]Абу Наср Аъламиддин Қайсар ибн Абдуллах ан-Носирий — халифа ан-Носирнинг амирларидан бири.

[9]*Ирбил* — Ироқдаги шаҳар, ал-Жазира — Юқори Месопотамия, Диёр Бакр — ўрта асрларда Амид деб номланган шаҳар. Айни пайтда шу номдаги вилоят ҳам бор. Диёр Робиъа — ал-Жазирадаги вилоят номи.

35-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН ҒАЗНАГА КЕЛГУНЧА БУ ЕРДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Ғазнани Кузбор Малик унинг (Жалолиддиннинг) номиби сифатида бошқарарди[1]. Амин Малик кўнглида Сеистонни босиб олиб, ўзига қарам қилиш нияти туғилганда, у Кузбор Маликка одам юбориб юқорида айтилган мамлакатга юриш қилишда кучларни бирлаштиришни таклиф этди. У ҳам таклифга кўнди, Ғазнадан чиқиб унга ёрдам бериш учун юрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғурларнинг оқсоқол етакчиларидан бири Ихтиёриддин Хурпушт бу вақтда Пешоварда қачонлардир Жалолиддин томонидан бўлиб берилган мулкида эди[2]. У шу пайт Ғазнанинг ҳимоясиз қолганидан фойдаланмоқчи бўлди, уларга тинч яшаш ҳақида берган сўзидан қайтди. У шаҳарга бостириб кирди ва улар (Қузбор Малик, Амин Малик)нинг йўқлиги ишни ўз фойдасига ҳал қилиш имконини берди. Қалъа волийси Салоҳиддин ан-Нисаъий Султонга садоқатли инсон эди[3]. У Ғазнани босиб олган Хурпушт билан тотувлик битимини тузди. Сўзда унга яқинлигини намойиш этди, яширин ҳолда эса унга қаршилик қилиш йўлларини изларди. Ихтиёриддин ў билан дўстона алоқалар ўрнатгач, унга ўзлари билан учрашиб туриш имкониятларини яратиб берди. Бир гал у Хурпушт билан майдонда учрашар экан, унинг кўкрагига ҳанжар урди ва ҳаётига хотима ясади[4]. Кейин Салоҳиддин босқинчиларига қарши кураш бошлади ва бошқаларни ҳам кетидан эргаштирди. Султон келгунга қадар юртни ёмонлардан тозалади. У Хурпушт тарафдорларига қарши бўлган буйруқ чиқарди ва одамлар жойларда, уйларда, хоналарда уларга бирдан ҳужум қилди. Уларни ҳатто ертўлалардан, тошлар орасидан ҳам суриб чиқарди. Унинг қарорига кўра Хурпуштнинг жияни Тожиддин чормихга тортилиб қатл этилди.

Радиулмулк Жалолиддиннинг Ғазнада жойлашган девонидаги молиявий назоратчиси (муширфи) эди. Салоҳиддин унга девон ишларини топширишни маъқул кўрди ва уни ўз билганича иш тутмасликка, хирожлар, бошқа маблағларнинг ҳисоб-китобини тўғри олиб боришга, хуллас, адолат билан иш юритишга даъват эди. У унга ишни топширди. Аммо Радиулмулк бу лавозимда мустаҳкамланиб олгач манманлик, мақтанчоқлик, бошқаларни менсимаслик йўлига ўтди. Бироздан кейин маълум бўлдики, давлат ишларидаги камчиликлар бартараф этилмаётибди. У бу ишлардаги камчиликларни — хазинадаги йиртиқларни, тешикларни кўргани ҳолда уни ямашга, бутлашга эмас, уларни янада кенгайтиришга уринмоқда. У девон харажатларини тўхтатиб қўя бошлади, гарчи вазирнинг хизмат доирасига кирмаса ҳам ҳар хил мукофотлар, маошлар тайинлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин у охири хайрли бўлмайдиган ишларини ҳам, манбаи номаълум бўлган бойликларни тўплаш борасидаги ҳаракатларини ҳам Салоҳиддин қўллаб-қувватламаслигини англаб етди. Шунда Радиулмулк сеистонлик бир гуруҳ одамларни унга қарши қайради. Улар Салоҳиддинни ўлдиришди[5]. Шу тариқа Радиулмулк Жалолиддин Ғазнага қайтиб келгунча уни мустақил бошқарди[6]. У (Жалолиддин) дастлаб ҳамма нарсани ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилди. Радиулмулкнинг разиллиги, ёмонлигига эътибор бермади, унинг хиёнаткорона қилган ишларини эшитиб-эшитмасликка олди. Бу ҳол у Парвонда тоторларни мағлуб қилиб (бу ҳақда кейинроқ баён этилади), Ғазнага ғолиб сифатида қайтгунига қадар давом этди. Шундан кейин Жалолиддин уни тутишга буйруқ берди. Шу билан бирга ундан заруратсиз сарфланган маблағларни ва керакли харажатлардан ташқари ўзлаштириб олган пулларни ундириш талаб қилинди. Бироқ пул ундириш ўрнига уни санжоққа солиб сиқдилар ва у даҳшатли ўлим топди.

---

[1]Қузбор Малик исми Равертида "Малик Куриз" ва "Курбуз" ҳолида ҳам берилган.

[2]Малик Ихтиёриддин ибн Али Хурпушт, Жувайний ёзишича, Жалолиддиннинг Пешовордаги ноиби. Унинг қўл остида 20 минг лашкар бўлган. Жузжонийнинг айтишича, Ихтиёриддин Ғазнага 130 минг лашкар билан Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан юборилган. Қўшиндаги лашкарлар сони бу гал ошириб кўрсатилгани аниқ. Бу ерда нима бўлмасин, Амин Малик Хурпуштнинг қудратли кучини кўриб, унга тенг асосда ҳамкорликни таклиф этган. Хурпушт эса ғурлар ва туркийлар ўзаро дўстликда яшай олмайди дея бу таклифни рад этган.

Ғур амирларининг исмидаги "хур" сўзи қуёш, олов маъноларини англатади. У "хар" — эшак маъносига алоқасиз деб қаралади.

[3]Жувайний ва Жузжоний ёзишича, Ғазна волийси Салоҳиддин Муҳаммад ан-Насавий ва Ғазна ҳамда Ғур ҳукмдори Султон Жалолиддиннинг вазири Шамсулмулк Шиҳобидин Али ас-Сарахсийга Хурпуштнинг ғурлар ниятига — Султонга қарши қўзғолон кўтариш, унинг қариндоши Амин Маликни Ғазна ҳукмдорлигидан четлаштириш фикрига қўшилмаганлигини билдиришини айтишади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[4]Жувайний фикрича, Хурпушт боғда ўлдирилган, Жузжоний айтишича, бу воқеа зиёфат пайтида юз берган.

[5]Қози Радиулмулк ва унинг укаси Умдатулмулк Салоҳиддин ан-Насавийни ўлдириб Ғазна ҳукмдорлигини қўлга киритади. Радиулмулк ўзини ҳукмдор деб эълон қилади. У хаёлида ҳатто Ҳиндистонда ҳукмдор бўлишни ҳам истарди. Бироқ Сайфиддин Эгроқ Малик ал-Халажий бошчилигидаги туркманлар ва халажлар билан жангдаёқ Радиулмулк қўшини мағлубиятга учрайди, ўзи эса ўлдирилади.

[6]Радиулмулк ўлимидан кейин Ғазнани унинг укаси Умдатулмулк бошқара бошлади. Бироқ унга қарши ғурлар Балх ҳукмдори Имомиддиннинг ўғли Аъзам Малик ва Қобул ҳукмдори Малик Шер етакчилигида уруш бошладилар ҳамда Ғазнани босиб олдилар. Умдатулмулк қалъага кириб, 40 кун қамалда ётди. Кўриниб турибдики, Жувайний келтираётган воқеалар ан-Насавий маълумотларидан фарқ қилади.

36-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН ҒАЗНАГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНИДАН КЕЙИНГИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

У Ғазнага 618 (1221 йил февралдан — 1222 йил февралгача) йилда қайтиб келди. Одамлар унинг келишини қувонч билан, худди қурғоқчиликдан қийналган одамларнинг бетиним ёмғирни, рўза тутганларнинг рамазон тугаб ҳайитни кутганидай кутиб олишди. Унинг хизматига Сайфиддин Эгроқ ал-Халажий, Балх ҳукмдори Аъзам Малик, қорлуқлар йўлбошчиси ал-Ҳасан Қорлуқ кабилар ўтишди. Улардан ҳар бирининг қўл остида 30 мингдан лашкар бор эди. Жалолиддин қўл остида ўзининг ва Амин Маликнинг қўшинлари жамланган эди[1].

Чингизхон Қандаҳорда қўшинлари бошига қандай талофатлар тушганини билгач, ўғли Тулихонни кескир қиличдек мард, тўқим тагига солинадиган наматдай садоқатли, энг яхши сараланган лашкарлардан иборат кўп минг сонли қўшинга бош қилиб отлантирди. Жалолиддин уларни исломни ҳимоя қилиш, жиҳод бошлашдек жиддий мақсад билан қарши олди. У уни Парвон ёнида тоғнинг сел оқими сингари беҳисоб отлиқлар, шер келбатяи лашкарлар билан қаршилади. Иккала қўшин бирбирига кўринганда унинг ўзи Тулихон марказига отилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кирди, уларнинг жанговор сафларини бузиб ташлади, ёғий байроғини отлар туёқлари остига итқитди. Уни ўз сафини ташлаб орқага қочишга мажбур қилди. Шундан кейин тоторлар қиличларга нишон бўлди. Ғазаб отига минган Жалолиддин душманлардан қанчасининг бошини танасидан жудо қилди. Бошқача бўлиши мумкинмиди? Ахир улар унга, отасига, укаларига, давлатига, Ватанига, яқинларига, ҳимоячиларига қанча беҳисоб азоблар берди? Ахир у отасиз ва авлодсиз, хожасиз ва қулларсиз қолди, ўзи эса бахтсизлик чўлига, хавфларга тўла саҳрога итқитиб ташланди.

Тўлихон ҳужум айни кучайган, жанг авжига чиққан пайтда ҳалок бўлди. Кўплаб асир олинди, хизматкорлар асирларни унинг (Жалолиддин) ҳузурига олиб келар. қулоғини тешиб темир исирға осишар, шу тариқа ҳисобга киритишарди. Жалолиддин буни ним табассум билан кузатарди. Уларни бу дунёда ана шундай қийноқларга солишди[2]. "Охират азоби эса, шак-шубҳасиз, қаттиқроқ ва узунроқдир".*

Тоторлар қўшинларидан бир қисми шунгача Валиён қалъасини қамал қилиб турганди, уларнинг аҳволи ҳам оғирлашиб қолди[3]. Улар (тоторлар) Тулихон ва унинг қўшини Оллоҳнинг оғир қийноқларига учраганини эшитиб, орзу-умидларини рўёбга чиқаролмай, қўрқув аралаш бу ердан чекиндилар. Оллоҳ мусулмонларни қамалдан халос қилди. Қочоқлар Чингизхон ҳузурига борганидан кейин унинг ўзи еру кўкка сиғмайдиган, агар бир жойга тўпланса, паст-текисликларни тўлдириб юборадиган даражадаги қўшини билан унга (Жалолиддинга) қарши отланди.

Бу вақтга келиб шундай бўлдики, Сайфиддин Эгроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик бошчилигидаги халажлар, қорлуқлар лашкарлари жаҳл билан Жалолиддин қўшинини ташлаб кетдилар. Афсуски, бу иш улар ниҳоятда зарур ва ёрдами керак бўлган пайтда рўй берди. Бунга сабаб, Чингиз қўшинларини Парвон яқинида мағлубиятга учратганда Оллоҳ иноятн билан қўлга киритилган бойликларни бўлиш пайтида улар ўртасида низо чиқди. Бу низо улар юзига уятсизлик тамғасини босди. Ҳатто Амин Малик сафдошлари бўлган туркийлардан баъзилари Аъзам Маликнинг лашкарлари тоторлар отхонасидан олган отларга эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлишга уриндилар. Натижада улар ўртасидаги низо кучайди. Туркийлардан бири уни (халажни) қамчи билан урди. Бу улар қалбида нафрат туйғусини уйғотди. Қўлга киритилган бойликларни адолат билан бўлинишига эришолмасликларини билгач, уларнинг ақли ўрнини адоват эгаллади. Жалолиддин уларни ўзаро келиштиришга уринган сайин туркийлар жаҳл отига минди, қайсарлиги тутди. Улар ўзларига нисбатан яхши муносабат, ғалабага қўшган ҳиссаларига қараб рағбат бўлишини талаб қилдилар. Уларнинг бу жабҳада тажрибаси кам эди, охир-оқибатда нималар рўй беришини англашни хоҳламасдилар. Бошқа жойлардан келганлар (ғурлар, афғонлар) бир-бирларига дардларини тўкиб солишарди. Улар "туркийлар тоторларни инсон зотидан эмас, қўрқув билмайди, баданида қилич тиғининг ўрни йўқ, чекинмайди, найзалар таъсир қилмайди" дейишарди, мана биз кўрдикки, уларнинг ҳам бўғинларини қилич кесаркан, уруғ-аймоқлари ўртасида келишмовчилик, низо, ўлим ҳукмронлик қиларкан, ҳатто қасам ичиб унга амал қилмайдиганлари, битим тузиб уни бузадиганлари бор экан", дея гап тарқатишарди. Оқибатда Қуръони каримда айтилганидек, "улар Ерда мутакаббирлик қилган ва ёмон макр-ҳийла қилган ҳолларида ҳидоятдан узоқлашдилар. Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур". Агар Жалолиддин уларга эҳтиром кўрсатиб, кетиш раъйидан қайтариш учун уринса, бузилмас иттифоқ тузиш мақсадида орага элчилар қўйса, туркийлар бунга норзилик билдирардилар. Натижада "Оллоҳнинг амри-иродаси тақдири азалий бўлди"*, улар уни (Жалолиддин қўшинини) тарк этдилар[4]. Шундай қилиб, бу уйинг ҳукмдорлари (Хорамзшоҳлар) турфа хил худоларга сиғинадиган қабилаларга (мушрикларга) қарама-қарши ўлароқ туркийларни ўзига ёрдамчи қилиб олиб хатога йўл қўйдилар. Негаки ким дин ва имон-эътиқод йўлида курашса, мукофотлар кутмайди, жазодан қўрқмайди, оғир пайтларда Оллоҳнинг қудратига шак-шубҳа қилмайди, зарур бўлган ҳар қандай вақтда унинг хоҳиш-иродаси йўлида ўзини фидо қилади.

Жалолиддин Оллоҳ душманлари ўзининг асосий қўшини билан унга қарши юриш бошлаганини, уни амирлари кўплаб лашкарлари ва шерюрак қаҳрамонлари билан тарк

www.ziyouz.com kutubxonasi

этган пайтда шайтоний куч ила ўраб олишга интилаётганини билганида ташвишга тушди, юрагини бир зум қўрқув босди ва агар ўзини тарк этганларнинг хоҳишларига бўйсуниб, уларни қайтариб келмаса, Чингизхонга қарши кураша олмаслигини яққол англади. У Синд дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб ҳимояланишга қарор қилди. Кейин ўзидан аразлаб кетган иккита амир билан музокара олиб боришни, уларнинг ёнига қайтиб келишини тушунтиришни, шунда икки томонга ҳам фойдали бўлишини айтишни мақсад қилиб қўйди. Агар улар таклифига кўнса, ёнидаги туркийлар билан бирга қўшилиб Чингизхонга эрта тонгда ҳужум қилишни мўлжаллади.

Лекин у ўйлаган ишларни амалга оширишга Чингизхон имкон бермади. Жалолиддинга Ғазнадан чиқаётган пайтда оғриқ қаттиқ азоб берарди. Бу аҳволда у тахтиравонда ўтириб боролмасди. Шу сабабли у қаттиқ оғриқ ва оғир азобга чидаган ҳолда отга минди. Ва бу аҳвол унга дори-дармон бериб, тўла соғайгунича давом эди. Бу пайтда унга Чингизхон қўшинларининг хировули Гардизда тўхтаганлиги ҳақидаги хабар етди[5]. Шунда Жалолиддин тунда отига минди ва эрта тонгда мўлжалланган ерга етиб келиб Оллоҳга шукроналар айтди. У Оллоҳнинг раҳнамолиги ва ато қилган куч-қудратига таяниб Гардиздаги қўшинларнинг хировулига кутилмаганда ҳужум қилди. Унинг бу ишининг амалга ошишига туёғидан чақин сачратган отлар ёрдам берди, ўзини ва қўшинини ҳам чақ-қон тулпорлар, тун қоронғулиги асради[6]. Бу ҳақда лаънати (Чингизхон) эшитганида уни қўрқув босди, ғалабага ишончини йўқотди. У тезлик билан йўлга тушди, ҳеч нарсага эътибор бермасдан белгиланган масофани босиб ўтди. Жалолиддин Синд дарёси бўйидаги қароргоҳига етиб келди. Бироқ унга қилмоқчи бўлган ишларини — кетган қўшинларини қайтариш ва дарёдан сузиб ўтадиган кемаларни тайёрлаш учун вақт етишмади. Кемалардан биттасигина етиб келди. У бу кемада онасини, хотинини ва унинг ҳимояси остида яшайдиганларни нариги қирғоққа олиб ўтишга буйруқ берди. Бироқ кема ишдан чиққан ва нариги қирғоққа ўтиш имкони қолмаганди. Шу пайт жангга ҳозир бўлган Чингизхон етиб келди. "Қачон Оллоҳ бирон қавмга ёмонлик — бало юборишни ирода қилса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун ундан ўзга ҳоким йўқдир".*

---

[1] Жалолиддин Ғазнага етиб келган пайтида шаҳарга Аъзам Малик ҳукмдорлик қиларди. Ўшанда Султон ва Амин Малик қўл остида 30 минг лашкар бўлади. Жувайний ёзишича, Ғазнада унга яна 60—70 минг лашкар келиб қўшилган. Амин Малик қўл остида 50 минг, Сайфиддин Эгроқда эса 40 минг лашкар бўлган. Ибн ал-Асир эса Жалолиддин қўли остида отасидан қолган 60 минг лашкар бор эди, деб ёзади. Рашидиддин фикрича, Амин Малик ва Сайфиддин Эгроқ қўшинида 40 минг лашкар бўлган. Шунингдек, Жалолиддин сафига "атрофдаги ўғуз амирлари ҳам келиб қўшилган, ан-Насавий уларни Музаффар Малик бошчилигидаги афғонлар, ал-Ҳасан йўлбошчилигидаги қорлуқлар деб атайди. Абул Фараж Жалолиддиннинг қўшинидаги барча лашкарлар сонини 90 минг деса, Жузжоний "куч-ғайратга минган 130 минг лашкар бор эди", дейди.

Эгроқ номи ан-Насавийда "Буғроқ", Рашидиддин ва В. Бартольдда "Ағроқ", Жувайний ва Жузжонийда "Эгроқ" ҳолида учрайди.

[2] Парвон Чорикордан шимолий-шарқ томонда, Ғорбанд ва Панжшир дарёларининг қуйилиши нуқтасида жойлашган. Шу билан бирга яна бошқа Парвон ҳам бор. У Бомиён ва Ғазна оралиғида, Лугар дарёси бўйида. Жалолиддин ғалаба қозонган Парвондаги жангда мўғулларнинг Шики Қутуқу бошчилигидаги 30 минг лашкари иштирок этган. Жузжоний фикрича, мўғулларда 45 минг лашкар бўлган. Ан-Насавий мўғул қўшинларининг лашкарбошисини Тулихон деб атайди. Бу жангда Тулихоннинг ўлими тўғрисидаги фикр нотўғри.

Жалолиддин қўшинининг ўнг томонига (бурунғор) — Амин Малик, чап томонига (жавонғор) — Сайфиддин Эгроқ бошчилик қилган. Жалолиддин қўшин марказида бўлган. Икки кунлик жангда мўғуллар енгилган. Шики Қутуқу қўшинининг қолганлари билан Талоконга, Чингизхон ҳузурига қочган.

[3] Парвон жанги арафасида Жалолиддин Текечук ва Молғор бошчилигидаги қўшинларни ҳам мағлуб этади. Бу Валиён қалъасида бўлиб ўтади. Бу ердаги уч кунлик жангда мўғуллардан минг лашкар ўлдирилади. Қолганлари Панжшир дарёсидан ўтиб, кўприкни бузиб қочишади. Ибн ал-Асир бу жанг натижасини Жалолиддиннинг мўғуллар устидан илк ғалабаси деб атайди. Иккинчи ғалаба эса Парвон ёнидаги жангда қўлга киритилган, деб ҳисоблайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[4] Парвон ёнидаги жангда Жалолиддин қўшинлари катта миқдорда бойликларни қўлга киритади. Уларни бўлиш пайтида Амин Малик билан Сайфиддин Эгроқ ўртасида баҳс пайдо бўлади. Битта от учун низолашиб Амин Малик Сайфиддиннинг елкасига қиличининг орти билан уради. Бироқ Жалолиддин ноҳақ иш қилгани учун ўз яқинини жазоламайди. Оқибатда бундан аразлаган Сайфиддин Эгроқ, Аъзам Малик, Музаффар Малик лашкарлари билан бирга Жалолиддин қўшинини тарк этади. Жалолиддин қошида Амин Малик туркий лашкарлари билан қолади, холос. Ибн Ал-Асир бу воқеаларни бошқачароқ шарҳлайди: қўлга киритилган бойликларни бўлиш пайтида муштлашув бошланади ва натижада Сайфиддин Эгроқнинг укаси ўлади. Ака 30 минг лашкарлик қўшинини олиб кетиш учун йўлга тушади. Жалолиддин унга кофирлар билан бўладиган муқаддас жангда бирга қолишни илтимос қилади. "Мусулмонларнинг шу сабабли кучлари камайганидан мўғуллар дарров фойдаланадилар".

[5] *Гардиз* — Ғазнадан 50 километр шимол томонда жойлашган шаҳар.

[6] Жалолиддиннинг Чингизхон қўшинлари хировули устидан ғалабаси хусусидаги маълумот бошқа манбаларда учрамайди.

Жувайний фикрича, Чингизхон қўшинлари Жалолиддин қўшинларининг чиндовулига етиб олиб, Урхон бошчилигидаги лашкарларни мағлуб қилади.

37-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН ВА ЧИНГИЗХОН ЎРТАСИДА СИНД ДАРЁСИ БЎЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЭНГ ОҒИР ҲАМДА ЖУДА КЎП ҒАМ-КУЛФАТЛАР КЕЛТИРГАН ДАҲШАТЛИ ЖАНГ БАЁНИ

Чингизхон Синд дарёси қирғоғига Жалолиддин ўз олдига қўйган мақсадга эришмасдан — ажралиб кетган амирларини қайтариб олиб келмасдан аввал етиб келди. Отлиқ лашкарлар бир-бирларига ташландилар, мардлар жанг майдонига кирдилар ва кун бўйи беаёв олишдилар. Шундан кейин 618 йил шавволининг саккизинчи куни, чоршанба тонги отди. Икки томон бир-бирига юзма-юз келиб, жанг қилдилар. Лекин Жалолиддин уларга сафини тарк этган лашкарлардан кейин оз сонли қўшин билан рўбарў бўлди.

Ор-номусдан, аламлардан пора-пора бўлган бу юрак,
Турар эди осий мисоли. Ё ундан ҳам ёвқур, баттарроқ[1].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин у Чингизхон қўшинининг марказига ҳужум қилди, уларни бир неча бўлакларга ажратиб ташлаб ўзига йўл очди. Лаънатилар шикастланган ҳолда қоча бошладилар, у ҳолдан тойган, ҳимояга муҳтож, ўзини халос қилишга интилганларни қувишга тушди. Кофирлар деярли ўраб олинганди, мағлубият дўзах олови сингари торлар қўшини устига ёпирилганди. Бироқ у лаънати жангдан олдин баҳодир лақабини олган, сараланган ўн минг отлиқ лашкарларини пистирмага қўйган эди. Улар пистирмадан чиқиб Жалолиддиннинг ўнг томонига, Амин Малик лашкарларига ҳужум қилди. Уларни енгиб, марказга томон суриб ташлади. Шундан сўнг жанговор саф бузилди, унинг қатъиятига путур етди. Жанг майдонда кўплаб ўликлар, қонига бўялган ярадорлар қолиши, дарёга чўккан фожиаси билан якунланди. Лашкарлардан бири дарё бўйига келди ва чўкишини билгани ҳолда, халос бўлишнинг бошқа йўли йўқлигини англаб унинг бағрига ўзини отди. Жанг пайтида Жалолиддиннинг етти ёки саккиз ёшли ўғли асирга тушиб қолди. У Чингизхон кўз ўнгида қатл этилди. Жалолиддин ҳолдан тойган ҳолда Синд дарёси бўйига келди, шунда у онаси, хотини (қатл этилган ўғлининг онаси) ва ҳарамидаги бошқа аёлларнинг: "Оллоҳ номи билан сендан ёлвориб сўраймиз, бизларни ўлдир ва шу тариқа асир тушишдан қутқар!" деган аянчли фарёдларини эшитди. Шунда у буйруқ берди, уларнинг ҳаммаси дарёга чўктирилди. Ҳақиқатдан ҳам, бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бахтсизлик, оғир қайғу эди[2].

Жалолиддин қўшинини тарк этиб кетган халажлар тақдири ҳам оғир кечди. Чингизхон Жалолиддинни мағлуб қилганидан кейин уларни тоғ тепасидан, чўққиларидан тушишга, ўрмонлар бағридан чиқишга, дараларни тарк этишга мажбур қилди. Аъзам Малик Дарвоз қалъасига кириб паноҳ топди. Қалъани тоторлар қўлга киритгунча қамал қилиб ётди, охир-оқибатда у ҳам босиб олинди ва бу ҳам бошқаларнинг аҳволига тушди[3].

Кўринишидан ёқимтой, кўнгли очиқлиги билан шуҳрат қозонган, насл-насаби улуғ зотлардан бўлган Наса ариди Диёулмулк Аълоиддин Муҳаммад ибн Маудуд менга ҳикоя қилиб берганди:[4] "Мен ўзимни дарёга ташладим. Сузишни билмасдим. Чўка бошладим ва ўлимим яқин эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайқириб оқаётган сувнинг домига тушганимда бурдуқ осган бир болани кўриб қолдим. Унинг бурдуғини олиб, ўзини чўктиришга интилиб қўлимни чўздим. Шунда у менга: "Агар мени ўлдирмай сувдан халос бўламан десангиз, менга осилиб олинг, сизни қирғоққа олиб чиқаман", деди. Мен у айтгандай қилдим ва ўлимдан халос бўлдик. Шундан кейин мен уни қилган иши учун тақдирлаш мақсадида кўп жойдан изладим, аммо топа олмадим. Бундайлар ёрдамида омон қолганлар кўп бўлмаса ҳам бор эди".

---

[1] Абу Таммом маснавийсидан.

[2] Синд дарёси бўйидаги уч кунлик жанг шундай аёвсиз бўлгандики, Ибн ал-Асир айтишича, бошқа жангларни унинг олдида болалар ўйини дейиш мумкин эди. Бу ерда Амин Малик ва кўплаб хоразмликлар шаҳид бўлади. Мўғуллар орасида яradор бўлган ва ўлганлар эса яна-да кўпроқ эди. Абул Фараж айтишича, бу жангда қатнашган мўғул лашкарлари сони ҳисобсиз эди. Улар Жалолиддиннинг дарё бўйига борадиган йўлини тўсишга уриндилар. Бу уни аёвсиз жанг қилишга мажбур қилди. Чингизхон Жалолиддинни тириклай тутишни буюрди. Тоторлар унинг атрофини ўраб ола бошладилар. Бироқ Султон бу халқани ёриб чиқди ва ўзини оти билан дарёга ташлади. Чингизхон Жалолиддиннинг бу мардлигидан ҳайратга тушди ва ўғилларига бундай деди: "Ҳақиқий ота ўғил мана шундай бўлиши керак! У шундай қирғинбарот жанг майдонидан ва дарё гирдобидан қутилиб ҳимоя қирғоғига чиқа олдими, демак, ундан яна ҳам кўп қаҳрамонликлар ва сон-саноқсиз ташвишлар кутиш мумкин".

1222 йилда Торбей Тоқшин бошчилигидаги 20 минг кишилик мўғул қўшини Ҳиндистонга ўтиб Жалолиддин кетига тушади. Аммо мўғуллар иссиққа чидай олмай Мўлтондан орқага қайтадилар.

[3] Синд дарёси бўйидаги жангдан кейин Чингизхон уч ой давомида Жалолиддин қўшинидан кетган Сайфиддин Эгроқ, Аъзам Малик лашкарлари қамалиб ётган қалъаларни бузиш ва вайрон қилиш билан шуғулланди.

[4] Диёулмулк Аъло (Насавий уни Али деб ёзади) уддин Муҳаммад ибн Маудуд ан-Насавий Хоразмшоҳ Муҳаммад даврида арид (соҳиб девон ал-жайш), яъни қўшинлар девонининг бошлиғи эди. Қўшинлар штаби (девони) улар учун ажратилган ермулкни бошқарган, лашкарларга маблағлар етказиб берган, қўшиннинг таркибини рўйхатга олган ва уларни қурол-яроғлар билан таъминлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

38-БОБ

ЖАЛОЛИДДИННИНГ СИНД ДАРЁСИДАН ЎТИШИ ВА 619 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ БАЁНИ

Жалолиддин Синд дарёси қирғоғига келганда ортда бирор ҳимояланадиган нуқта қолмаган, атрофида эса ўлим қучоғини очиб турарди. У орқасида яланғочланган қиличларни, олдинда эса тўлиб-тошиб оқаётган дарёни кўрди. Ва бор бўйи, қурол-яроғи билан отини сувга ниқтади. У от билан бирга Оллоҳнинг иноятн туфайли, унинг ҳимоясида катта дарёни сузиб ўтди. Бу от унга Тифлисни босиб олгунча хизмат қилди ва шундан кейин у минишдан озод қилинди.

Дарёнинг нариги қирғоғида унинг қўшинидан омон қилган 4 минг лашкар бор эди. Улар худди қабрдан чиқариб олиниб бир жойга тўпланган дай яланғоч ва оёқяланг турардилар. Улар орасида уч юз отлиқ ҳам бор эди. Улар саркардалар Қулбарс Баҳодир, Кабкух ва Саъдаддин Али аш-Шаробдор бошчилигида дарёни кесиб ўтаётганда тўлқинлар бағрида оқиб кетиб, узоқларга бориб дарёдин чиққан, уч кундан бери Жалолиддинни излашарди[1]. Одамлар унинг (Жалолиддиннинг) омон қолганини билмас, шу учун нима қилишини билмай, гўё овчи чавандозлар қамровидаги оҳулардай ёки бўрилар тўдаси ўраб олган, чўпонсиз қолган подадай изғишарди. Жалолиддин улар сафига келиб қўшилгунга қадар аҳвол шундай давом этди. Улар уни худди байрамни кутгандек хуррамлик билан қаршиладилар. Гўё улар онадан қайта дунёга келгандек хурсанд эдилар.

Жалолиддинга қарашли устахоналардан бирида Жамол аз-Заррад исмли совут ясайдиган уста бор эди. Жанг бошланмасдан аввал у ўз анжомларини олиб одам кўзи тушмайдиган жойга яширганди. Шу пайт у кемада кийим-кечак ва озиқ-овқатларни олиб Синд дарёсини кечиб ўтиб, улар ҳузурига етиб келди. Уни Жалолиддин ҳузурига олиб келишди. Унинг бу иши Жалолиддинга жуда маъқул тушди ва уни устоздор қилиб тайинлади[2]. Унга Ихтиёриддин лақабини берди. Агар Оллоҳ имкон берса, унинг ишлари хусусида ўрни билан баён қиламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ал-Жуд тоғи (вилояти) ҳукмдори Шатра ранаси Жалолиддиннинг жангда мағлуб бўлганидан, унинг ўз миқдордаги шикастланган, ярадор бўлган сафдошлари ва тарафдорлари қолдиқлари билан мамлакати чегарасига яқин жойда эканлигидан хабар топди[3]. У жанг натижасида Жалолиддиннинг оз миқдорда отлиқ лашкарлари қолганини билгач, унинг кучи камайганлигидан ва қулай вазиятдан фойдаланиб ўлжали бўлиб қолиш мақсадида мингга яқин отлиқ, беш мингта пиёда қўшин билан юриш бошлади.

Жалолиддин бу хабарни эшитар экан, ўлим устига ёпирилиб кела бошлаганини, қиличлар тиғи юзи ва орқасини тилишга шайлигини англади. У қаерга бормасин, ўша ерда ўзига қарши яланғочланган қиличларни кўрди, қаерга қадам босмасин қучоғини очиб турган ўлимга рўпара келди. Улар сафида ярадорлар ҳам бор эди. Агар у бу ердан тезлик билан кетишга чоғланса, улар (ярадорлар) билан йўл юриш ниҳоятда қийин кечарди.

У агар ҳиндлар бу ярадорларни қўлга туширсалар, ваҳшийларча азоблаб ўлдиришларини ҳам биларди. Шу сабабли ака ярадор бўлган уканинг, қариндош шикаст еган яқинининг олдига бориб, уларнинг бошини танасидан жудо қилди. Қолганлар дарёнинг у қирғоғига, тоторлар томонга ўтишга қарор қилдилар. Улар дарёнинг бу томонидаги ўрмонларда, дараларда яшаб, қўлига нима тушса шу билан тирикчилик қилишни, ҳиндлар учун тоторларнинг бир бўлаги бўлиб кўринишни ният қилдилар. Улар шундай деб маслаҳатлашиб турганда ўзлари томон шошиб келаётган пиёдаларни кўрдилар. Жалолиддин ўзининг сафдошлари ва отлиқ лашкарлари бошлиқлари билан қўшиннинг илғорига айланди. Шу пайт Шатра ранаси ҳам ўзининг маккор, доғулилари билан пайдо бўлди. У Жалолиддинни кўриши билан қўшинини ҳужумга бошлади. Бу режасиз ҳужум эди. Шунда Жалолиддин ўз одамларини қатъиятга чорлаб, муҳим ўринларни эгаллади. Яқинлашиб келаётган ранага қарата ёйдан ўқ узди. Ўқ унинг кўкрагига, юрагига бориб қадалди. У тиз чўккалади ва намоз ўқиётган одам сингари эмас, ўлаётган одам каби йиқилди. Унинг қўшини орқага қараб қочди. Жалолиддин уларнинг отларини, қуролларини, бойликлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, кийим-кечакларини қўлга киритди. Буларни унга Оллоҳнинг ўзи етказди.

Қубачанинг Нандан ва Сакундаги ноиби Қамариддин бу ғаройиб воқеа ва кутилмаган жанг якунлари ҳақида эшитганидан кейин Жалолиддин билан яқинлашиш йўлларини излай бошлади[4]. Бунинг учун унга ҳар хил ноёб совғалар, қимматбаҳо буюмлар юборди. У буни унинг билан тўқнашишдан сақланиш, ўз бошига ҳам уруш туфайли Шатра ранаси бошига тушган қисмат тушмаслиги учун қиларди. Бу унда (Жалолиддинда) яхши таассурот қолдирди.

---

[1] *Шаробдор* — саройдаги шаробдор, Султон шаробхонасини кузатувчи. Жашнигир — шаробларни Султон ичишдан олдин тотиб кўрадиган синовчи.

[2] *Устоздор* — сарой лавозими, унинг вазифасига Султоннинг уй ишларининг ҳаммаси кирган. Уйдаги хизматчилар ва ғуломлар ҳам унинг буйруғига итоат қилган. Устоздор Султон чақириғига итоат этган, уни муҳокама қилмаган. Сарой харажатларини ҳам у юритган.

[3] *Рана* — Ҳиндистондаги ражипутлар подшоси ҳисобланган. Жуд тоғида жойлашган Шатра ранаси Жалолиддин томонидан ўлдирилган. Жувайний томонидан эслатилган, мўғуллар ўлдирган рана эса биринчи рананинг қариндоши ёки ўғли бўлган. Жузжонийнинг ёзишича, Деҳли султони Носириддин Маҳмудшоҳ I (1245—1265 йиллар) ҳукмронлиги даврида унинг қўшинлари 644 йилнинг ражаб ойида (1247 йил, ноябрь) Жуд тоғидаги ранага, у мўғуллар юришида йўлбошчи бўлгани учун қарши юриш қилади. Жузжоний унинг бошқа раналарга қарши юриши ҳақида ҳам ёзади.

[4] *Қамариддин Кармоний* — Синд, Учча, Мўлтон, Лаҳор, Пешоворнинг ҳукмдори бўлган Носириддин Қубачанинг Нандан ва Сакундаги ноиби. Баъзан унга Бенгалнинг бўлғуси ҳукмдори Малик Қамариддин Тамархон Қирон деб ҳам қарашади. Бу Қамариддин султон Элтутмиш (1210—1236 йиллар) томонидан сотиб олинган. У то султон Розия (1236—1239 йиллар) ҳукмронлигигача мулкка эгалик қилмаган. Розия ҳукмдорлиги даврида Канаужда ҳукмронлик қилди. Ж. Бойль Қамариддинни Қубачанинг ўзи деб ёзади.

Кармон — Пуштунистондаги Оқ тоғнинг жанубий этакларида жойлашган Кармон дарёсининг соҳилидаги ўрта аср қалъаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нандан — Жалолиддин Шатра ранасини ўлдирган жойга яқин бўлган қалъа. Рашидиддин бу воқеалар хусусида ёзар экан, Жалолиддин дастлаб дайдилар тўдасини енгди, кейин 120 кишилик қўшини билан ҳиндларнинг 40 минг лашкарининг дошини берди, дейди. Ушбу жангдан сўнг унга Балол тоғи ва Николдан 6 минг кишилик қўшин ҳужум қилади. Султон уларнинг аксариятини ўлдиради, баъзилари у томонга ўтади. Натижада унинг лашкарлари 3 минг кишига етади.

39-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН БИЛАН ҚУБАЧА ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА НИЗОЛАР БАЁНИ

Жалолиддин шафқатсиз жанглардан кейин дам олаётган, урушлардан омон қолган сафдошларини атрофига йиғаётган пайтда унга Амин Маликнинг қизи дарёга чўкиб кетмаганлиги, унинг қутқариб қолинганлиги ва Қубача қўли остидаги шаҳарлардан бири Уччада эканлиги хабарини етказишади[1]. У унга (Қубачага) элчи юбориб, хотини, кўнглини овловчи тақдирдоши унинг ҳарамига ташланганлиги, яширилганлиги ҳақида билдиради. Ҳақиқатан, Амин Маликнинг қизи у билан қариндошчиликка лойиқ эди, у уни тезроқ уйига олиб келишни истарди. Шундай бўлгач, уни элчи қўшиб юбориш учун йўл тайёргарлиги ҳозирланди. Қубача бу ишга жон-дили билан киришди. Буни у унинг билан дўстона ҳамкорлиги пайтида ақалли бир марта бўлса ҳам кўнглини олиш учун қилаётганди. У унинг учун эрига муносиб бўла оладиган тарзда совғалар тайёрлатди. Уни жўнатар экан, у билан бирга Жалолиддинга ҳам тортиқлар юборди. Бу тортиқлар орасида фил ҳам бор эди. Жалолиддин буларнинг ҳаммасини эҳтиром билан қабул қилди, уни эса энг яхши сўзлар билан кутиб олди. Икки томон ўртасида тинчлик ўрнатилди, мамлакатда хавфсизлик таъминланди. Бундай муносабат нифоқчи чаёнлар орага душманлик олиб кирмагунча, қарама-қаршилик ва низолар пайдо бўлган кунларгача давом этди. Шундан кейин яна келишмовчиликлар учун сабаблар туғилди, бу ҳақда қуйида тўхталиб ўтамиз.

Бунинг сабабларидан бири бундай эди. Султон (Муҳаммад) Шамсулмулк Шиҳобиддин Алпни Жалолиддин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га вазирликка тайинлаганди. Бу ҳақда юқорида айтган эдик[2]. У (Шамсулмулк) салтанат учун зарур бўлган барча хислатларни ўзида мужассам қилган инсон эди. Унда ўзини бадном қиладиган бирор хусусият йўқ эди, аксинча сахийлик, самимийлик, камтарлик ва мўминликда унга ҳеч ким тенг келолмасди. У шу даражада ҳурмат-эҳтиромга эришгандики, уни кўрганда тунги чигирткалар ҳам сайрашдан тўхтарди, тоғ ирмоқларидаги сув ҳам орқага оқа бошларди. Уруш туфайли у Қубача юртига келиб қолганди. У (Қубача) ҳам унинг хавфсизлигини таъминлаган, уй-жой берган, ўзига вазир қилиб олганди. Қубача Жалолиддин одамлари орасидан ўз ҳимоясига ўтганлари ичида ўзи учун хавф ва қўрқув туғдирадиганлари йўқ, деб ҳисобларди. Ўзи эса унга (вазирига) эҳтиётсизлик қилиб, айтиши мумкин бўлмаган гапларни ҳам айтиб, ишларни ҳам ишониб топшириб қўйган эди.

Шу сабабли Жалолиддиннинг бу вазирга кўз тикаётганини билгач, унинг кўнглида Шамсулмулкка нисбатан ёмонлик уйғонди. Қалбидаги дардларни унга баҳам кўрганидан, уни воқиф қилганидан афсусланди ва дарғазаб бўлди.

Жалолиддин Шамсулмулк Қубачанинг ёнида эканлигини эшитгач, уни ҳузурига таклиф қилди. Қубача вазири биладиган сирлардан бошқалар огоҳ бўлмаслиги учун у (Жалолиддин) билан тузилган дўстлик битимини бузиш ва жанг қилиш керак деган фикрга борди. Шунингдек, у сирларининг ошкор бўлишидан қўрқиб, вазирни йўқ қилишга киришди.

Жалолиддин булар хусусида Ҳазор мард номи билан таниқли бўлган амир Аёз ва Нусратиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Хурмилнинг Қубача даргоҳини ташлаб то ўз ҳузурига келгунча ҳеч нарса билмади[3]. Шунда улар уни Қубачанинг қилаётган ишларидан, яширин сирларидан, жангга ҳозирлик кўраётгани, ўз қароргоҳида паноҳ топган вазирни ўлдиришдаги маккорликларидан огоҳ қилди.

Душманлик юзага келишининг яна бир сабаби бор эди. Амин Маликнинг ўғли Қизилхон уруш туфайли Кубача қўл остидаги шаҳарлардан бири — Калорга келиб қолган эди[4]. Шаҳар аҳлидан кимдир унинг бойлигини талаш мақсадида уни— қиёфасидан самимият ва яхшилик бал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиб турган, навниҳол, юзлари атиргул ғунчаси янглиғ қизарган ёш болани ўлдиришди[5]. Кейин талончилар ўлдирилган етимчанинг қулоғидан юлиб олинган дурни Қубачага келтириб беришди. У эса дур келтирганга миннатдорлик билдирди ва қотилни қотиллик қилгани учун тақдирлади, унга мулк ҳадя қилди. Жалолиддин унинг бу ишидан ғазабланди, лекин бу ғазабни у пайт пойлаб, омад кулиб боққунча кўнгли тубида сақлади, юзага чиқармади. Гўё оғир ишларни амалга оширгунга қадар енгилига эътибор бермади.

Бу аҳвол унинг қўшинига укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ даргоҳини ташлаб чиққан Санжоқхон, Элчи Паҳлавон, Урхон каби амирлар, Султон силоҳдори Сайиржа, Текчориқ Хонкиши кабилар ўз лашкарлари билан келиб қўшилгунча давом этди. Бу қўшилишдан кейин кучсизланган юракларга куч энди, ҳаракатлар, нафас олишлар тезлашди. Шундан кейин у Калор шаҳри томон юрди, уни қамал қилди, қаршилик кўрсатганларни ўткир қиличлар тиғи билан сийлади. Соқолли (вазир Шамсулмулк) учун ҳам, жингалак соч (Амин Маликнинг ёш ўғли) учун ҳам ўч олди. Лашкарларини ҳужумга бошлаб бораётганда қўлига ёй ўқи тегади. Шундан кейин у яраланган арслонга, шикастланиб ғазабга минган йўлбарсга айланади[6]. У шаҳарни босиб олгунча кечасию кундузи жангни тўхтатмайди. Бу ерда на эркак, на аёл қолдирмайди, тирик жоннинг ҳаммасини қириб ташлайди.

Бу ердан кейин у Тарнуж қалъасига юриш қилади[7]. Қалъада у ўз сарой хизматчилари билан бирга жангга киради. Жангда унга яна бир ўқ тегади. У Тарнуж қалъасини вайроналикда Калор шаҳрига тенглаштиради. Қалъа урушдан кўра талон-тарождан кўпроқ вайрон бўлади. Буларнинг ҳаммаси Қубача билан унинг ўртасида душманликни кучайтиради.

Қубача қўл остидаги мамлакат сарҳади камайиб бораётганини кўргач, кучларини йиға бошлади ва ёрдам сўрашга қарор қилди. Кейин у 10 минг отлиқ лашкарлари билан унга (Жалолиддинга) қарши юриш бошлади. Шамсиддин Элтутмиш унга ўз қўшинидан бир қисмини ёрдамга берди[8]. Шундай қилиб у қиличини яланғочлаган ҳолда ўз ҳукмдорлик ҳуқуқини қайта тиклаш учун қўшин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини жанговор сафга ҳозирлади. Жалолиддин эса жангларда толиққан сафдошларини Қубача билан бўладиган жангга ташлаш бахтсизлик сари йўл эканлигини билгани ҳолда таваккал қилди. У лашкарларини қатъиятли бўлишга, мардликка чорлаб от суради. У арслонлар ва оч бўрилар билан, айёрлар ва бахтсизликнинг аччиқ шаробини тотганлар билан, ғам ва алам азобини бошдан кечирганлар билан

Зим-зиё тун қўйнига кириб дафъатан,
Унинг паноҳида эврилди руҳга.

Шу тариқа у уни ва унинг қўшини атрофини қамраб олди, гўё олам ўз меҳварини ўраб олгандай эди. У унга нисбатан жангга олдинроқ тайёргарлик кўргани учун ғолиб бўлди. У жанг майдонини ташлаб қочди[9]. Бошқалар ҳам унинг орқасидан эргашди.

Тулпор ёлларига ёпишиб илгари кетди,
Хонаки қушларни эргаштирган туяқуш мисол.
Фалокат чанг солди. Тўхтади. Аммо,
Камон ўқига айланди бирдан ўткир найзаси.

У (Қубача) қароргоҳини қандай бўлса, шундайлигича ташлаб қочди. Тикланган ўтовлар, тўпланган бойликлар, қурол-яроғлар — ҳаммаси ўлжа қилиб олинди. Жалолиддин сафдошлари билан бу ерга келиб, аввалги қароргоҳ ўрнига ўз қароргоҳларини ўрнатдилар. Улар ўлжа тушган нарсаларни ўзлариники қилиб олдилар. Ёйандозлар ва отлиқ лашкарларини бошдан-оёқ кийимлар билан таъминладилар. У ўзи ният қилган мақсадга эришгани, кўчманчилик туфайли дарбадарлик азобини тортаётган одамларига серҳосил ерлар инъом қилгани учун шарафлар бўлсин!

Вақт деган ҳукмдорнинг фармони шудир:
Бир халқ қайғуси бахт келтирар иккинчи халққа.

---

[1] *Учча (Уча)* — Бахавалпур штатидаги Чиноб дарёси қирғоғидаги шаҳар.

[2] Шиҳобиддин Алп ас-Сарахсийнинг султон Жалолиддинга вазир қилиб тайинланиши II-бобда айтилган. Вазир Султон

www.ziyouz.com kutubxonasi

номидан унга мулкий мерос қилиб берилган Ғазна ва Ғурни ҳам бошқарган. Юқоридаги воқеалар ҳам шу ерда бўлиб ўтган.

[3] Нусратиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан (Ибн ал-Асир уни "Ҳусайн" деб ёзади) Ибн Ҳурмил — Хоразмшоҳ Муҳаммад даврида Ҳиротнинг ҳукмдори бўлган Иззиддин Абу Муҳаммад Ҳасан Ибн Хурмилнинг ўғли. Ғурийларга қарши курашдаги ёрдами ва яхши хизмати учун Хоразмшоҳ Иззиддинга катта мулк ажратиб берганди. Бундан ташқари, у ер ишлари бўйича ҳукмдор бўлиб, йилига 250 минг динор тўларди. Аммо 1206 йилда Иззиддин Ҳусайн ибн Ҳурмил яна ғурийлар билан тил топишиб, улар томонга ўтади. У Хоразмшоҳга қарши қўзғолон кўтариб, ғурийлар султони Ғиёсиддин Маҳмуд номидан (1206—1212 йилларда ҳукмронлик қилган) тангалар чиқара бошлайди ва унинг номини хутбага қўшдириб ўқиттиради. Хоразмшоҳ уни Ҳиротдан, гарчи вазир Хўжа ас-Соҳиб бунга қарши бўлса-да, алдаб чақириб олади. Ибн Ҳурмил ушлаб олиниб, Салумид қалъасига олиб борилади, боши танасидан жудо қилинади. Бу 604 (1208) йилда содир бўлади.

[4] Калор Камар билан алмаштирилган ҳолда берилган бўлиши мумкин. Камар Синд дарёсидан шарқ томонда, Мансурдан Мўлтонга борадиган йўл устида бўлган.

[5] Жувайнийнинг айтишича, Қубача Жалолиддиннинг талабига мувофиқ Маликнинг қизи ва ўғли — Қизилхонни унинг ҳузурига юборган.

[6] Жувайнийнинг ёзишича, Жалолиддин Парасравар қалъасини қамал қилиш пайтида яradор бўлган.

[7] Қалъанинг номини тарихчилар ҳар хил ёзган. Ибн Холдун уни Тарнуж деб атайди. Ан-Насавий уни Барнузж деб ёзган.

[8] Шамсиддин Элтутмиш (1211—1236 йилларда ҳукмронлик қилган) — Шимолий Ҳиндистонда 1206—1555 йилларда ҳукмронлик қилган Мамлук султонлари авлодининг учинчи вакили.

[9] Жуд тоғи теграсида жойлашган султон Жалолиддин Хоккар-Сангин қабиласининг ройи қизига уйланади. Рой Султонга ёрдам учун ўғли бошчилигида қўшин юборади. Султон унинг ўғлини Қутлуғхон деб атайди. Бу рой ва мулкининг, давлатининг бир қисмидан ажралган Қубача ўртасида низо чиқади. Қубача унинг юртига ҳужум қилишга қарор қилади. У 20 минг лашкардан иборат қўшини билан Синд дарёси қирғоғига жойлашади. Жалолиддин унга қарши 7 минг лашкардан иборат Ўзбек Тоий бошчилигидаги қўшинини юборади. Қубача енгилади ва Синд дарёсидаги ороллarda жойлашган Акар ҳамда Бхаккар қалъаларига бориб паноҳ топади. Қубачанинг қароргоҳи тўлалигича Ўзбек Тоий қўлига ўтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

40-БОБ

ЖАЛОЛИДДИН ҚУБАЧАНИ МАҒЛУБ ЭТГАНИДАН КЕЙИН УЛАР ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР ВА УНИНГ ҲИНДИСТОНДАН КЕТИШ АРАФАСИДА ШАМСИДДИН ЭЛТУТМИШ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ БАЁНИ

Жалолиддин Қубачани мағлуб қилгач, Лаҳорга қараб юрди[1]. Бу ерда Қубачанинг ўғли отасига қарши қўзғолон кўтариб, шаҳарни эгаллаб олганди[2]. Жалолиддин агар у талаб қилинган миқдордаги пулни дарров тўласа ва йиллик солиқларни ҳам ўз вақтида етказиб бериб турса, уни ҳукмдор сифатида қолдиришини билдирди[3]. Кейин у Қубача номидан волий бўлган ас-Салорий ҳукмронлик қилаётган Садусан томон юрди[4]. У уни итоаткорлик билан кутиб олди, истасин-истамасин шаҳар калитини унга топширишга мажбур бўлди[5]. Тезлик билан пул йиғдириб, Султон лашкарларининг талабини қондирди. Шундан кейин у Учча томон йўл олди ва уни бир неча кун қамал қилди. Икки томондан ҳам кўплаб одамлар ўлди. Сўнгра улар унинг билан катта миқдордаги ўлпон эвазига яраш сулҳи тузди лар. Бу ўлпонни тезлик билан йиғиб бердилар. Сўнгра у Хатисар томонга қараб от сурди[6]. Бу ернинг ройи ("Рой" ҳинд тилида малик — ҳукмдор маъносини билдиради) Шамсиддин Элтутмишнинг сафдоши, унга ва унинг тамғасига бўйсунишга қасам ичган фуқаролардан бири эди. У Жалолиддинни ҳам итоаткорлик билан қаршилади, у томонга ўтиб, хизматига ҳозир бўлди. Жалолиддин бу ерда хавфли тузоқлардан холи дам олиш, босиб ўтилган қийин йўллардан кейин куч тўплаш учун сафар ҳассасини илди[7]. Бу ерда у Шамсиддин Элтутмиш ўттиз минг отлиқ, юз минг пиёда лашкарлари, уч юзта фил билан ўзи томон келаётгани хабарини эшитди. У (Шамсиддин) одамлари ва ҳарбий аслаҳаси кўплиги билан саҳро бағрини тўлдирди, уларнинг юришидан борлиқ чанг билан қопланди:

Қушни ҳам кўкларга кўтарган қанот,
Қаноти тўзғиса — парвоз ҳам барбод.

Жалолиддин унга мардона қарши чиқди. Қўшинининг олд қисмида, хировулда мард паҳлавонлардан бири, бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирлиги билан шон-шуҳратга бурканган Жаҳон Паҳлавон Ўзбек Тоий борди. Йўлда улар Шамсиддиннинг хировулига дуч келиб қолади ва унга қарши курашиб орқасидан қувади. Шу тариқа Ўзбек Тоий Шамсиддин қўшинининг ўртасидан чиқиб қолади. Бу ерда у душман қўшинларининг бир қисмига ҳужум уюштиради, кўпларини ўлдиради ва яradор қилади. Шу ердан туриб Жалолиддинга одам юборади ва жанг майдонида тўда-тўда оломон тўлиб-тошиб ётганлиги хабарини билдиради. Ундан кейин орадан кўп ўтмай Шамсиддин Элтутмишнинг элчиси жангга барҳам бериш, дўстона ҳамкорлик қилиш, тинчлик ўрнатиш мақсадида ташриф буюрди. У унга (Жалолиддинга) қуйидаги сўзларни етказди: "Ҳеч сир эмаски, сенинг орқангда дин душмани турибди. Сен эса эндиликда мусулмонлар султони ва султонлар мусулмонининг ўғлисан. Мен сенга қарши курашишни, мавжуд воқеаликнинг қўлида қурол бўлишни, тақдирнинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилишни истамайман. Сендайларга қарши қилич яланғочламоқ мен кабиларга ярашмайди! Бундай ҳолат фақатгина мудофаага мажбур бўлганимизда ёки бирор хавфни бартараф этиш заруратга айлангандагина юз бериши мумкин. Агар мақсадга мувофиқ десанг орадаги ишончни мустаҳкамлаш, душманликни бартараф этиб ўзаро эҳтиромимизни кучайтириш учун қизимни сенга бераман"[8].

Жалолиддин юқорида айтилган гапларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди. У икки сафдошга, аниқроғи, Ёзидек Паҳлавон ва Сунқуржик Тоисийга элчини кузатиб боришни топширди. Улар Элтутмиш ҳузурига йўл олдилар ва уни Жалолиддиндан афзал деб билдилар. Улар ҳамма нарсадан воз кечиб, бир пайтлари бошига тушган оғир ташвишларни, кечасию кундузи тиним билмай, дам олмай ўтказган адоғи йўқ ҳарбий юришларни унутиб, унинг ҳузурида қолдилар.

Шундан сўнг Элтутмиш, Қубача, Ҳиндистондаги бошқа мулклар эгалари, барча ройлар, ҳукмдорлар (такакир), вилоятлар бошлиқлари ўзаро тил бириктириб, Жалолиддинни йўқ қилишга келишганлари ҳақида миш-мишлар тарқалди. Улар у билан Панжшир дарёси бўйида жанг қилиш, уни ҳамма томондан ўраб олиб, ҳимоя қилиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун имкон қолдирмаслик ва ўзини калтакесак сингари янчиб ташлаш режасини туздилар.

Ўша пайтда унинг ташвишлари янада кўпайди, синовлар қаршисида ожиз қолди. У тақдирнинг зарбалари ўзига қарши қаратилганлигини англади. Бу пайтда у зўр бериб хавфлардан бирини бартараф этса, яна эсанкиратувчи воқеалар унинг устига ёпириларди. Буларни яхшилик билан ҳал қилиш ва ушбу оғир аҳволдан қутилиш учун ёрдамчиларидан маслаҳат сўради.

Уларнинг маслаҳатлари ҳам қатъий бўлмади: бир-бирларини гоҳ қўллаб-қувватласалар, гоҳ қарама-қарши фикр билдирдилар, мулоҳазалари баъзан тўғри бўлса, баъзан хато режаларни айтдилар. Ироқдан, Ғиёсиддин ҳузуридан келганлар унинг укасига қарши юриш тарафдорлари бўлиб чиқдилар. Унга (Жалолиддинга) Ироқни укаси қўлидан осонгина тортиб олишни маслаҳат бердилар. Бунинг учун улар Ироқни босиб олишга қулай вазият келганини, у ерда ҳамма ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини, укасининг маслаҳатчилари эса пайдо бўладиган душманлик хавфи остида ўзини ўйлашдан бошқа нарсага яраслигини айтдилар. Улар Ғиёсиддиннинг олиб бораётган сиёсати қаттиқ эмаслигини, унинг ўзи ҳам кучсизлигини, бошқаларни ҳимоя қилишга қалқон бўлолмаслигини, шу сабабли кўплар ундан узоқлашаётганини билдирдилар. Жаҳон Паҳлавон Ўзбек Тоий унга (Жалолиддинга) Ҳиндистонда қолишни маслаҳат берди. Бу ерда ҳукмдорлар кучсиз, шу учун уларни бирлаштириб, Ҳиндистонни Чингизхондан ҳимоя қилишни энг мақбул йўл деб топди. Охир-оқибатда унинг (Жалолиддиннинг) ўзига мерос қилиб берилган мулкни қўлга киритиш ва у ерда ҳукмдорлик қилиш орзуси ғолиб келди. Тезлик билан Ироқ томон йўлга тушди[10].

У Жаҳон Паҳлавонни Ҳиндистонда ўзи босиб олган жойга ноиб қилиб қолдирди. Ал-Ҳасан Қорлуққа эса Вафо Малик деган унвон берилди ва уни Ғур, Ғазна вилоятларининг тоторлар босиб ололмаган жойларига ноиб қилиб белгилади. Вафо Малик бу ерда Оллоҳ қанча умр берган бўлса, шунча вақт ноиб бўлиб турди. Жаҳон Паҳлавон ўзига топширилган ерлардан 627 йилда (1229—1230 йиллар) қувиб чиқарилди ва Ироққа қайтиб келди. Унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейинги тақдири ҳақида, агар Оллоҳ имкон берса, ўз ўрнида баён қилармиз.

---

[1] *Лаҳор (Лаҳовур)* — Шимолий Покистондаги шаҳар.

[2] Қубачанинг ўғлининг номи Аълоиддин Баҳромшоҳ.

[3] Султон Жалолиддин Парасварни босиб олганидан кейин мўғуллар унга қарши яна қўшин юборгани хабарини эшитади. Натижада у Мўлтон томонга қайтади. Қубача қўл остидаги мулкдан ўтар экан, ундан ўлпон пули тўлашни талаб қилади. Қубача ўлпон тўламайди ва Султонга қарши юриш бошлайди. Бир соатлик жангдан кейин Султон Уччага чекинади, лекин унинг аҳолиси ҳам Жалолиддинга қарши қўзғолон кўтаради. У бу ерда икки кун турганидан кейин йўлга чиқади ва шаҳарга ўт қўйдиради.

[4] *Садусан* — Михран дарёси бўйидаги шаҳар.

[5] Жузжоний ёзишича, Қубачанинг Садусандаги ноибининг номи Малик Иззиддин Муҳаммад Салорий. У, айни пайтда, амир ҳожиб ҳам бўлган.

Қубачанинг Садусанни ҳимоя қилган қўшинларининг бошлиғи Лочин Хитой (яъни Қора Хитой) бўлган. Жувайний ва Рашидиддин ёзишича, Лочин ўз қўшинларини Жалолиддинга қарши курашга бошлаб чиқади. Жалолиддин қўшинининг хировулига амир Урхон бошчилик қилади. Лочин жангда ўлади ва Урхон Садусанни қамал қилади. Шундан кейин ан-Насавий айтган воқеалар бўлиб ўтади. Яъни, Фахриддин ас-Салорий Султон олдига айбдор сифатида "елкасига қилич ва кафанини қўйиб" кириб келади. Жалолиддин ас-Салорийни қалъага ҳукмдор қилиб қолдиради.

[6] Жалолиддин Садусанни эгаллагач Хатисар, Девал ва Дамрилга томон юриш қилади. Бу ернинг ҳукмдори Рожипутлар шажарасига алоқадор бўлган сумронларнинг ўн биринчи вакили Малик Синониддин Хатисар эди. Жувайний ва Рашидиддин ёзишича, бу вилоятнинг ҳукмдори Чинсар Синд дарёсидаги ороллардан бирига қочиб бориб жон сақлайди. Девал вайроналари Таттанинг жанубий-ғарб томонида жойлашган.

[7] Жувайний ва Рашидиддин ёзишича, султон Жалолиддин Девал ва Дамрил оралиғида қароргоҳ барпо эттиради. Гужарот пойтахти Наҳрвалга ҳужум қилиб у ердан туялар олиб келиш учун Хассхон бошчилигида қўшин жўнатади. Дамрилда Жалолиддин бузилган қалъа ўрнига бош масжид қурдиради.

[8] Жувайнийнинг маълумот беришича, Элтутмиш катта қўшин йиғиб Жалолиддинга қарши отланади. Лекин Жалолиддин жангга кирмай ўз қўшинини Учча ва Мўлтон томонга бошлайди. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳусусда Жузжоний бундай деб ёзади: "Элтутмишнинг Султонга қарши қўшинини оёқлантириш масаласи ёлғон гап, чунки у нимага қарши боришини яхши билган. У нуфузли одамлардан иборат элчилар юборган ва элчилар орқали унга қимматбаҳо совғалар, буюмлар жўнатган". Шундай қилиб, ан-Насавийнинг Жалолиддин билан Элтутмиш ўртасида бўлиб ўтган жанг ҳақидаги маълумоти бошқа манбаларда учрамайди.

[9] *Такакир (бирлик формаси тҳакур)* — йўлбошчи, қўшинлар йўлбошловчиси маъносини билдиради. Панжшир дарёси — Синднинг ирмоғи.

[10] Султон Жалолиддин Ҳиндистонда турган пайтида бир қанча кумуш ва мис тангалар зарб қилдирди. Тадқиқотчи Эдвард Томас бу тангалардан баъзиларини бундай таърифлайди: 71-сонли танга — кумушдан ишланган, 47 грамм; 72-сонли танга — кумуш ва мисдан ишланган, 45 грамм; 73-сонли танга — кумуш ва мисдан ишланган, 44 грамм, 74-сонли танга — кумуш ва мисдан ишланган, 54 грамм; 75-сонли танга, мисдан ишланган. Бу тангаларнинг ҳаммасида бир томонида Жалолиддин исми битилган.

41-БОБ

ТОТОРЛАРНИНГ ХОРАЗМНИ 617 ЙИЛ ЗУЛҚАЪДАСИДА (1220 ЙИЛ 28 ДЕКАБРЬ — 1221 ЙИЛ 26 ЯНВАРЬ) ҚАМАЛ ҚИЛИШИ ВА УНИ 618 ЙИЛ САФАР ОЙИДА (1221 ЙИЛ 27 МАРТДАН 24 АПРЕЛГАЧА) БОСИБ ОЛИШИ БАЁНИ

(Мен унинг бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ, катта аҳамиятга молик эканлигини назарда тутган ҳолда қамал қилиниши тафсилотига алоҳида эътиборни қаратдим. Шунингдек, унинг босиб олиниши хусусида ҳам кенгроқ тўхтадим, чунки бу тоторлар ғалабаларининг бошланиши эди)[1].

Юқорида айтганимиздек, Султон ўғиллари Хоразмни тарк этганларидан кейин тоторлар унинг сарҳадларига яқинлашдилар. Лекин улар қўшинлари тайёргарлиги тугамагунча, қамал пайтида ишлатиладиган қуролларни ясаб бўлмагунча, бошқа мамлакатлардан қўшинлар ёрдамга етиб келиб сафлари мустаҳкамланмагунча шаҳарга яқин бормадилар. Ёрдамга биринчи бўлиб катта қўшини билан Бойжубек етиб келди[2]. Кейин Чингизхоннинг ўғли, айни шу кунларда ҳоқонлик қилаётган Ўқтой (Угадай) қўшинини бошлаб келди[3]. Булардан сўнг улар ёнига яра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас (Чингизхон) ўзининг Буғуржи нўён бошчилигидаги ёвуз ва қўрқинчли ифритлардан иборат шахсий қўшинини юборди[4]. Кейин у ўғли Чиғатойни Тўлон Чарби, Устун нўён, Қодан нўён етакчилигидаги юз мингдан ортиқроқ лашкарларига бош қилиб жўнатди.

Улар шаҳарни қамал қилишга ҳозирланиб тош отиш асбоби (манжаниқ), юрувчи қалъа (даббаба), ҳимоя девори (матарис), оғир тўқмоқ (жамалаунат)лар тайёрладилар. Хоразмда ва унга яқин бўлган жойларда манжаниқларда отиш учун тош йўқлигини билганларидан кейин тут дарахтидан фойдаланиш тадоригини кўрдилар. Улар тутларни кесиб, бўлакларга бўлиб сувга бўктирдилар. Шунда тут ғўлалари оғирлашди ва тош каби қаттиқлашди. Улар манжаниқларда отишга тайёр бўлди. Аммо улар қамал учун барча қуролларни тайёр қилмагунча шаҳарга яқинлашмади.

Орадан бироз ўтганидан кейин Мовароуннаҳрда Душихон (Жўчи) ўз лашкарлари билан пайдо бўлди. У Хоразм аҳолисига элчилар юбориб, агар улар шаҳарни урушсиз топширса, ҳаммага омонлик беришини маълум қилди. Шунингдек, у Чингизхон шаҳарни ўзига ҳадя қилганини, уни бузиш нияти йўқлигини, аксинча, асраб қолиш мақсади борлигини билдирди. Унинг бу мақсадини қўшини келиб тушган жойни лашкарларига талонтарож қилдирмаганидан ҳам билса бўларди. У бошқа вилоятларга нисбатан Хоразмга илтифотлироқ ва марҳаматлироқ муносабатда эди, унинг тақдир қурбонига айланишини, вайроналик исканжасида қолишини истамасди[6].

Аҳоли орасидан ақлли одамлар тинчлик битимини тузиш тарафдори бўлиб чиқдилар, аммо тўнг, ақли ноқис кимсалар уларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилди:

Лек қимматли маслаҳатлар топдилар завол[7].

Султон оролда пайтида уларга бундай деб нома юборди: "Ҳақиқатан, аждодларимизнинг ва бизнинг Хоразм аҳолиси олдидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларимиз ўтмиш замонлардан бери бениҳоя катта бўлиб келган. Бу эса бизларнинг сизлар ҳақингизда доимий ғамхўрлик қилишимиз ва маслаҳатгўй бўлишимизни талаб этади. Душман ғолиблик хирқасини кийди, шу учун сизлар улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан тинчлик аҳдномасини тузинглар. Бу ёмонлик ва зулмни бартараф этиш учун энг яхши усул ҳисобланади".

Аммо бу ўринда ақли ноқислар фикрлари ақлли мулоҳазалардан устун чиқди. Айтилган сўзлар, огоҳлантиришлар эътиборга олинмади, ҳукмронлик тизгини унинг эгалари қўлидан чиқди.

Шунда Душихон унга (Хоразмга) барча қўшинларини тўплаган ҳолда денгиз мисол қутуриб ҳужум бошлади. У ҳар бир маҳалла, кўча, уйни бирма-бир босиб олишга киришди. У бир маҳаллани босиб олар экан, одамлар иккинчи маҳаллага ўтиб жон сақладилар . Улар ўзи ва оиласини ҳимоя қилиш учун жон-жаҳдлари билан курашдилар. Аммо ҳимояланиш қийин бўлиб қолди, ёвузлик ҳамма томонга ўз панжасини урди. Шаҳарда улар босиб олмаган учта маҳалла қолди, бу маҳаллалар одамлар билан лиқ тўлган эди[8].

Улар ҳам ҳимояланиш учун ҳолдан тойиб, омонлик сўрашдан бошқа имконлари қолмади. Шунда улар Душихон ҳузурига Хоразм мухтасиби, фақиҳ Аловуддин ал-Ҳайётийни йўлладилар[9]. У илмда ҳам, амалда ҳам юксак даражага эришган, шу сабабли Султон ҳурматига сазовор бўлган инсон эди. Бу гал у шаҳар Душихон қўл остига деярли қарам бўлган, қонга ботган бир алфозда уни ҳимоя қилиш, одамларга омонлик сўраш учун борганди. Бу ишни аввал ушбу зарурат туғилмасдан илгари қилиш мумкин эмасмиди? Омонлик сўрашга вақт ўтмаганмиди?

Душихон уни ҳурмат билан қабул қилишни, қабул учун алоҳида хонларга монанд чодир тиклашни бурди. Аловуддин унинг олдига келиб тиз чўкиб деди: "Биз хоннинг қаҳри қай даражада эканидан воқиф бўлдик, эндиликда унинг илтифотидан баҳраманд бўладиган пайт келмадимикан?" Бу сўзларни эшитиб лаънатининг жаҳли чиқиб, афти буришиб деди: "Хоразмликлар менинг қайси қаҳримдан баҳраманд бўлишибди? Уларнинг ўзлари урушни бошлаб лашкарларимни ўлдирдилар-ку! Ҳозирча мен уларнинг қаҳрини кўрдим! Ана энди мен қўрқув қандай бўлишини кўрсатаман!"

Унинг буйруғига кўра одамларни бирин-кетин гуруҳ-гуруҳларга, бўлак-бўлакларга бўлган ҳолда шаҳардан ташқарига олиб чиқа бошладилар. Усталар ажралиб чиқиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир томонга тўпланиши эълон қилинди. Буйруққа итоат қилган усталар омон қолдилар. Баъзилар усталар ажратиб олиниб тоторлар юртига олиб кетилармиш, қолганлар эса бу ерда қолиб, ўз уйларида яшармиш деган гапни эшитиб, умумий тўдадан ажралмадилар. Қолган бандилар ўқ-ёйлар, қиличлар, найзалар зарбидан ўлим гирдобига ғарқ бўлдилар.

---

[1] Мўғуллар босқини арафасида Хоразмда бўлиб ўтган воқеалар хусусида 25-, 26-, 28-, 29-бобларда маълумотлар берилган.

[2] Бойжу исми маҳаллий аҳоли орасида Бойчи шаклида ҳам айтилади.

[3] Угадай Чингизхондан кейин Иккинчи улуғ хон (қоон) ҳисобланади. У 1229—1241 йилларда ҳукмронлик қилган.

[4] Буғуржи номини ан-Насавий икки хилда — Буқуржин ва Нуқуржин тарзда беради.

[5] Ан-Насавий асаридан маълум бўлишича, Хоразм давлатининг пойтахтида (Гурганжда) Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун ҳукмдорлик қилган ва у шаҳар ҳимоясига алоҳида эътиборни қаратган. Шаҳар аҳолисига келсак, улар 1204 йилда ғурийлар султони Шиҳобиддин пойтахтга ҳужум қилган пайтдаёқ мардлик намуналарини кўрсатган эдилар. Шу сабабли Чингизхон шаҳар қамали учун ўғиллари Ўқтой ва Чиғатой қўшинларини етарли эмас, деб ҳисоблади. Дастлаб бу ерга ўз шахсий лашкарларини юборди, кейин ўғли Жўчи бошчилигидаги қўшинни ҳам ёрдамга жўнатди. Жўчи қўшини самарқандлик асирлар ҳисобига янада тўлдирилган эди. Бундан ташқари, Чингизхон Хоразмнинг ҳарбий қудратини яхши билгани учун Туркон хотун ва унинг ўғли ўртасидаги қарама-қаршиликдан ҳам фойдаланди. У Туркон хотун ёнига ҳожиб Донишмандни элчи қилиб жўнатади ва "Муҳаммаднинг онасига илтифотсизлигини" қоралайди. Бу хусусда 17-бобда батафсил маълумот берилган.

Шунга қарамай Хоразм бирдан босиб олинмаган. (Бу ўринда мамлакат пойтахти назарда тутилмоқда). Унинг қамали Ибн ал-Асир, Ибн Холдун ёзишича беш ой, Рашидиддин айтишича етти ой давом этган.

[6] Жўчининг Хоразмни вайронага айлантирмасдан босиб олишга интилишида жон бор эди. Чунки бу ерлар унга Чингизхон томонидан улус қилиб берилганди. Аммо Чиғатой укасининг фикрига қўшилмайди. Хоразмни вайронага айлантиришни таклиф қилади. Чингизхон ака-укалар ўртасидаги келиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мовчилик туфайли шаҳарни қамал қилиш ишига учинчи ўғли Ўқтойни тайинлайди.

[7] Шоир Абу Убайд ал-Бухтурийнинг (820-897 йиллар) қасидасидан.

[8] Хоразмда қўшинлар, лашкарлар кўп бўлсада, шаҳар ҳимоясига бошчилик қиладиган одам йўқ эди. Кейин ҳимоячилар бошчиси қилиб Туркон хотуннинг қариндоши Хумор Тегин тайинланади. Мўғуллар шаҳарга Қобилон дарвозаси орқали кириб Танур мавзеига қадар борадилар. Кейин улар орқага қайтарилади. Мўғулларнинг иккинчи ҳужуми ҳам даф қилинади. Бу гал Фаридун ал-Ғурий бошчилигидаги лашкарлар мардлик кўрсатади. Шундан сўнг мўғуллар асирлар ёрдамида ҳандакни кўмиб, Амударёдаги тўғонни портлатишга ҳаракат қиладилар. Бироқ мўғулларнинг 3 минг лашкари ҳимоячилар томонидан орқага қайтарилади. Ўқтой шундан кейин шаҳарга ҳамма томондан ҳужум қилишни буюрди. Оқибатда Хумор Тегин қаршилик кўрсатиш бефойдалигини билиб, мўғулларга таслим бўлади. Ҳимоячилар етти кун давомида мўғулларга қарши кўча жанглари олиб борадилар. Барча уйларга ўт қўйилади.

[9] Аловуддин ал-Ҳайётийнинг Жўчидан қилган илтимоси рад қилинади. Ҳақиқатан ҳам, усталардан ташқари аҳолининг кўпчилик қисми мўғуллар томонидан қириб ташланади. Жувайний ва Рашидиддин фикрича, усталар сони 100 минг одам бўлган. Уларнинг ҳаммаси ишга юборилган. Ҳар бир мўғул лашкари 24 та асирга эга бўлган, лашкарлар сони эса 50 мингдан ошиқ бўлган.

Мухтасиб — бозорлар назоратчиси, маҳсулотлар, гўшт, меваларни текширувчи, озодалик ишлари учун масъул ҳамда аҳолининг ахлоқий ишлари бўйича кузатувчи бўлган. Бу мансабга аксарият ҳолларда маърифатли одамлар, имом унвонига эга бўлганлар қўйилган.

42-БОБ

ЖАЛОЛИДДИННИНГ ҲИНДИСТОНДАН ЧИҚИШИ, ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЙИЛДА [1224 ЙИЛ ЯНВАРДАН 1225 ЙИЛ ЯНВАРГАЧА] КИРМОНГА КИРИБ КЕЛИШИ ВА УНИНГ ИРОҚНИ БОСИБ ОЛГУНИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Жалолиддин ва унинг сафдошлари Ҳиндистон билан Кирмон оралиғидаги чўзилиб ётган ҳадсиз саҳрони босиб ўтганча адоқсиз азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. Бунинг натижасида улар бошқа ғам-ташвишларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

унутдилар, уларни бу ерларга ўлим гирдоби бошлаб келди. Улар бу саҳрода овқат ҳақида гапириш нари турсин, томоқларини ҳўллаш учун бир томчи сувга зор бўлдилар. Одам мум каби эриб ётган қайноқ ҳаводан нафас олар экан, иситма ўпкани ишдан чиқарар, бу эса уни ўлим сари етакларди.

Бу ўлим саҳросидан қутилган Жалолиддин Кирмонга тўрт минг лашкари билан етиб келди. Бу лашкарларнинг аксарияти ўзи юролмас, сигир ва эшакларни миниб олганди.

Укаси Ғиёсиддиннинг Кирмондаги ноиби Бароқ Ҳожиб эди. Бу Бароқ хитойлар ҳукмдори Гурхоннинг ҳожибларидан бўлиб, Султон ҳузурига икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун элчи сифатида келганди[1]. У Султонга ёқиб қолганди ва шу сабабли унинг ўз ҳукмдори ҳузурига қайтиш ниятига қарамай кетиш учун рухсат бермаганди. У шу тариқа Хоразмда қолиб кетди. Оллоҳ эса Султонга унинг мамлакатини босиб олиш имконини берди. Шундан кейин у ўз мамлакатининг ҳукмдорларидан бирига айланди. Султон уни ҳузурига чақириб, ўз ҳожиблари сафига киритди. У бу лавозимда тоторлар босқини пайтигача ишлади. Уруш туфайли у қисматнинг турли майларидан тотиб кўрди ва охир-оқибат ўша пайтда Кирмонда ҳукмдорлик қилаётган Ғиёсиддин хизматига етишди. Ғиёсиддин уни ҳурмат-иззат ва эҳтиром билан кутиб олди, ғамхўрлик кўрсатди. Унинг ўз иқтидорини намоён қилишга имконият яратиб берди. Ғиёсиддин Ироқни босиб олган пайтида унга қарши бирорта рақиб топилмади. Шунда у Бароқни садоқатлилиги, ҳалоллиги, виждонан иш юритадиганлиги учун ўзининг Кирмондаги ноиби қилиб тайинлади. У унга аввал кўрсатган ҳурмат-эҳтиром ўз самарасини беради, қилинган ғамхўрликлар ишончни оқлаш бўлиб қайтади, деб умид этганди. Аммо у сувсизликдан ерлар ёрилиб кетгани сингари меҳр-мурувват узоқлашгани сайин садоқат, ишончдан путур кетишини унутган эди. Бароқ ҳам бу ерда ҳукмдорлик қилар экан, зоҳиран ўзининг унга қарамлигини намоён этар, кўнглида эса бошқа ниятларни ўйларди.

Бу аҳвол Жалолиддин саҳродан ўтиб Кирмонга етиб келгунча давом этди. У ҳам Ҳожибни кўринишидан ито-

www.ziyouz.com kutubxonasi

аткор, дўст, ўз айбига иқрор бўлувчи самимий одам, уддабурон инсон деб ўйлади. Жалолиддин Жувоширда тўхтади, тахтини ўрнаттириб, бир ой давомида бу ерни мамлакат пойтахти қилиб турди[2]. Ана шунда Ҳожибнинг кўнглида шумлик ва ёвуз ниятлар борлигини, сотқин эканлигини билди. Атрофига сафдошлари орасидан энг яқинларини, ноиблари ва ҳожибларининг ишончли, садоқатлиларини йиғиб Бароқ иши тўғрисида маслаҳатлашди. Урхон унга Бароқ Ҳожибни тутиш, Кирмон давлатини тозалаш, шу тариқа ундан бошқа вилоятлар ва мулкларни босиб олиш мақсадида фойдаланишни маслаҳат берди:

Қанча марду майдонлар бўйин эгмас йўлин тутдилар.

Унинг бу фикрига Ҳожа Жаҳон номи билан машҳур бўлган вазир Шарафулмулк Али ибн Абул Қосим ал-Жандий қўшилмади[3]. У "Бу мамлакатнинг ҳукмдорлари ва таниқли одамлари орасидан у бизга бўйин эгиб келганлардан биринчиси ҳисобланади. Унинг айёрлиги, муттаҳамлигини, иккиюзламачилигини ҳамма бирдай биладими, бунга ишонадими? Акс ҳолда агар уни сотқин деб жазолайдиган бўлсак, бу бошқаларнинг бизга нисбатан яхши муносабатини ўзгартиради, ишончни камайтиради, нафрат уйғотади", деди.

Шундан кейин Жалолиддин Шероз томонга юриш қилди[4]. Унинг ҳузурига Ёзд ҳукмдори, отабек Алоуддавла бўйин эгиб, қарам эканлигини тан олиб келди[5]. У билан учрашувдан хурсанд эканлигини изҳор қилди. Алоуддавла унга кўплаб совғалар ва хизматкорлар келтирди, бундан Жалолиддин хонадони одамлар билан тўлиб-тошди. Султон унга Отахон деган лақаб берди[6]. Унга ушбу мамлакат ҳукмдори эканлиги ҳақида фармон [тавқи] битилди.

Юқорида эслатганимиздек, Форс ҳукмдори отабек Саъд бир дилозорлик туфайли унинг укаси Ғиёсиддин билан душманлик муносабатида эди. Жалолиддин Отабекни ўзига яқин қилиш йўлини излади. У отабек ҳузурига вазири Шарафулмулкни юборди ва унинг қизига уйланиш ниятини билдирди. Отабек бунга дарров рози бўлди, Жалолиддинга қарам эканлигини ва хизматига тайёрлигини айтди. Шарафулмулк ҳукмдорининг орзусини амалга оширган, мақсадига эришган ҳолда орқага

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтди. У шу билан бирга Форс мулкининг ноёб гавҳари ва Султон учун фахр ҳисобланган келинни ҳам ўзи билан бирга олиб келди. Отабек билан яқинлашганидан кейин Жалолиддин уни қўллаб-қувватлади. Натижада отабекнинг ҳам куч-қудрати ошди.

Жалолиддин Шероздан кейин Исфахонга йўл олди. Унинг ҳузурига шаҳар қозиси Рукниддин Масъуд ибн Саид чиқди[7]. У уни кўрганидан хурсанд эканини, ёрдам беришга тайёрлигини билдирди. Дўстлик муносабатларини, ҳамкорлик жиловини доим бирга тутиш ниятини изҳор қилди. Исфахонликлар қўлларидаги қадрли бўлган нарсаларнинг ҳаммасини, шунингдек, лашкарлар учун қуролларни, урушда қўлланиладиган аслаҳаларни унга берди. Улар [Жалолиддин лашкарлари] тузукроқ кийиниш ва отда юриш имконияти туғилганидан хурсанд бўлдилар.

Ғиёсиддин Жалолиддиннинг қийин ва мураккаб аҳволда эканлигини эшитгач, Султон қўшинларидан қолган ўттиз минг отлиқ лашкарни ўз туғи остига бирлаштириб, унга қарши юрди. Унинг мақсади Жалолиддиннинг йўлини тўсиб, уни орқага қайтариш, орзу қилган нарсаларидан умидини уздириш эди. Жалолиддин унинг яқинлашганини эшитиб қўнглидаги армонларнинг ушалишидан умидини узиб, омадсизлик туфайли ғам ва аламга ботиб, ўз тарафдорлари ёнига қайтди. У Ғиёсиддин ҳузурига саройидаги энг айёр одамлардан бири, амир-охур Ўдоқни йўллади ва унга бундай дейишни буюрди[8]: "Ҳақиқатан, Султон ўлимидан кейин мен бошимдан кечирган даҳшатли кулфатлар тоғ елкасига тушганда эди, улар қўрқувдан қалтираб, буни кўтара олмаган бўларди. Биз эса барча қийинчиликларни зиммамизга олдик, "улар эса бизни қабул қилишдан бош тортдилар". Ана шу пайтда, "ҳаммага кенг бўлган ерларни менга тор қилиб қўйди"*. Натижада ўзим босиб олган ва мерос сифатида теккан ерларда қўлим қалтирайдиган бўлиб қолди. Шу учун ҳузурингга бир неча кун дам олиш мақсадида келгандим. Лекин билдимки, меҳмонлар учун сенинг қиличларинг қайралган, мусофирлар учун дудамаларинг чархланган экан. Мен йўлимни тўсган қиличлар туфайли булоқлардан чанқоғимни қондира олмасдан орқага қайтдим, сен хавфсираганинг учун кетдим".

www.ziyouz.com kutubxonasi

У унга Парвондаги жанг пайтида ўлдирилган Чингизхоннинг ўғли Тулихон жасадининг қолдиқлари, оти ва қиличини юборди[10].

Бу нарсаларнинг юборилганини эшитган Fиёсиддин асабийлашган ҳолда Райга қайтди, лашкарлари эса ёзги қароргоҳларга дам олиш учун жўнаб кетди.

Жалолиддин элчисини юборар экан, унга муҳрли узукларидан бир нечтасини берди ва буларни Султон амирлардан бир гуруҳига етказиб беришни тайинлади. Бу узуклар Султоннинг ўша амирларга бўлган ишонч белгиси эди. Шу билан бирга Султон элчисига амирлар қалбига қулоқ солиб кўришни, уларни укасидан ўзига оғдириш учун катта ваъдалар беришни, ҳам укаси билан, айни вақтда ҳам амирлар билан яширин равишда музокаралар олиб боришни буюрди.

Амирлардан бир қанчаси муҳрли узукларни олишди, кейин укасига эмас, унга ёрдам беришга рози бўлдилар. Баъзилари эса узукни олиб Fиёсиддин ҳузурига чопдилар. У узукни олиб кўздан кечирар экан, элчини тутиб зиндонбанд қилишни буюрди.

Жалолиддиннинг тоғаваччаси Абу Бакр Малик Fиёсиддин билан бирга жанг қилмаслигини айтиб, Султон ҳузурига шошилди. Абу Бакр амирларнинг ҳаммаси Жалолиддин тарафдори эканлигини, улар Султонга хушторини кутаётган қизлардай интизорлигини, унга хизмат қилишга иштиёқмандлигини билдирди. Буни эшитган Жалолиддин уч мингта чарчаган отлиқ лашкарлари билан Оллоҳ номини зикр этиб, ғолиблик учун шошди. У орадаги масофани жануб шамоли қувлаб келган булутдай босиб ўтди. Лашкарлари эса тоғ бағридаги эчкилардай ёки тоғ бағридан пастга отилиб тушаётган сув оқимидай дадиллашдилар. Улар кўплаб оғир синовларни бошидан кечирган, аламлар-изтироблар азобини тотиб кўрган лашкарлар эди. Шу учун йўлда бир зум тўхтамадилар, фақат Уқутга келганда, чанг туфайли тунги юлдузлар кўринмай қолганда бир пас нафас ростладилар.

Fиёсиддиннинг мазкур аҳволни ўнглаши учун имкони қолмади, шунинг учун қочиш тараддудига тушди. Хабарчи уларнинг яқинлашгани ҳақида огоҳлантирганда у отини алмаштириб, Сулукан қалъасига қараб қочди. Жало-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиддин унинг чодирига кирганида бу ерда Ғиёсиддиннинг онаси Баклава бор эди[11]. У укасининг онасига белгиланган одатга кўра ҳурмат ва иззат кўрсатди. Ғиёсиддиннинг ўзидан хавфсираб, бу ерни, ўз масканини тарк этганини маъқулламади. У унинг онасига бундай деди: "Отамнинг ўғиллари орасида ундан бошқа ҳеч ким қолмади, шу учун у нимага интилаётган ва нимани хоҳлаётган бўлса, ҳаммасини муҳайё қилиб бераман. Ҳақиқатан, у бугунги кунда мен учун кўзимнинг қорачуғи, ҳатто ундан ҳам азизроқ, белимнинг қувватидир". Шундан кейин Баклава ўғлига чопар юбориб, уни тинчлантиришга, қўрқувдан халос қилишга уринди. Ғиёсиддин унинг [Жалолиддиннинг] ҳузурига хизмат қилиш учун қайтиб келди.

Жалолиддин ана шу йўл билан бу ерда аввал эришган мавқеини қайта тиклади. Хонлар ва амирлар унинг ҳузурига кафанликларини елкасига ташлаган кўйи гуноҳини ўтишини илтижо қилиб кела бошладилар. Улар бошларини, юзларини ерга уриб, аввал қилган хиёнаткорона ишлари, унга қарши бўлганларга берган ёрдамлари учун авф сўрадилар. У гуноҳкорларнинг тавбаларида ёмонликнинг барҳам топиши, дўстликнинг мустаҳкамланиши ҳақидаги илтижоларни ҳам эшитарди. Унинг учун яна ҳукмдорлик шароби сузилиб, шоҳлик ариғи сутга тўлиб оқа бошлади. Унинг ҳузурига шаҳарлар ва қалъаларнинг бойликлари оқиб кела бошлади. Орадан кўп ўтмай Хуросон, Ироқ, Мозандорондан унинг ҳузурига ўз вақтида етиб келолмаганлар ҳам остонасига бош урдилар. Қўрқув уларни қалъалар тепасидан пастга тушишга, энг узоқ, чекка мулклардан бу ерга етиб келишга мажбур қилди. Улар бир-бирининг кетидан ҳеч бир таклифсиз кела бошладилар. Бу келувчилар орасида алғов-далғов кунларда ҳеч кимга ёмонлик, хиёнат қилмасдан яхши фаолият кўрсатганлар ҳам бор эди, улар ҳурмати жойига қўйилди. Шунингдек, ёмонлик йўлини тутганлар ҳам учрарди, улар ҳам қилиқларига яраша жазо олдилар. Баъзилар қийинчиликлар олдида мардона турдилар, айримлар эса унга ён босиси келмай хутбага Ғиёсиддин номини қўшиб ўқитдилар. Лекин бундайлар ҳам тез орада бор ҳақиқатни англаб етдилар. Улар қалбидаги икки куч ўртасидаги курашда Султон тарафга ён босиш ғолиб чиқди. Шундай қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон атрофида йўл тополмай гарангсиган одамлар қолмади. Солиқ йиғувчилар [амиллар] Султон ёрлиқлари [тавқи] билан турли томонларга тарқалдилар ва ундаги буйруқларни бажардилар[12].

---

[1] Бароқ ва унинг укаси Ҳамид Пур Хоразмшоҳ Муҳаммад 1210 йилда қора хитойларни мағлуб қилганида асир қилиб олинган эди. Улар иккаласи ҳам Хоразмшоҳ томонидан хизматга олинади ва ҳожиб, амир даражаларига етишади. Ҳамид Пур Хоразмшоҳ томонидан Бухорога юборилади. У бошқа амирлар билан биргаликда шаҳар ҳимоясида қатнашади. Бароқ эса Ироққа Fиёсиддин Пиршоҳ ҳузурига келиб асосий амирларидан бири бўлади ва Қутлуғхон унвонига эга бўлади. Энг сўнгги манбаларда Бароқ Ҳожиб қора хитойларнинг хони Гурхоннинг катта ўғли деб ёзилган.

[2] Ироққа Тўлон Чарби бошчилигидаги мўғул қўшинлари яқинлашаётгани хабари эшитилганда Бароқ Ҳиндистонга Жалолиддин ҳузурига кетишга қарор қилади. Кирмондан Жируфтга етганда унга Жувошир қалъасининг ҳукмдори Шужоиддин Абул Қосим ҳужум қилади. У Бароқнинг хос мулозимларини, қора хитой қулларини ўзиники қилиб олмоқчи бўлади. Жанг пайтида Шужоиддин қўл остидаги туркий кўнгилли лашкарлар сотқинлик қилиб Бароқ томонга ўтиб кетади. Шужоиддин Бароқ томонидан асир олинади ва қатл этилади. Шундан кейин Бароқ Шужоиддиннинг ўғли томондан бошқарилаётган Жувоширни қамал этади. Бу қамал Жувошир остоналарига Жалолиддин келгунча давом этади. Жалолиддин бу ерга келгач, Шужоиддиннинг ўғлини ўзининг Бароқ Ҳожибнинг қизига уйланиш тўйига таклиф этади. Шужоиддиннинг ўғли Жалолиддин келганини билгач, қалъани унга топширади.

Бир неча кундан кейин Султон овга чиқади. Овга Бароқни ҳам таклиф этади. Лекин у ўзини касалликка солиб овга чиқмайди ва қалъанинг ичига кириб, уни маҳкамлаб олади. У Султонга бу ерни ўз қиличининг кучи билан олганини айтиб, "Кирмон сенинг тахтинг турадиган жой эмас, чиқиб кет", дейди.

[3] Жалолиддин вазирининг тўлиқ исми Шарафулмулк Фахриддин Али ибн Абул Қосим ал-Жандий.

[4] Жалолиддин Кирмондан кетганидан кейин Форснинг пойтахти Шерозга келади. Форс ҳукмдори отабек Саъд ибн Такла ибн Занги Султон ҳузурига ўғли Солғуршоҳни юборади. У Султонга 500 от олиб келади. Бундан ташқари, отабек Саъд Султонга қимматбаҳо совғалар, газламалар, қуллар ҳам беради. Қизи Малика хотунни ҳам унга беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Солғуршоҳ Форсга ҳукмронлик қилган отабекларнинг сакизинчиси эди. Бу ерда жами 9 та отабек ҳукмронлик қилган. Жалолиддин Солғуршоҳга "Қариндошхон" деган лақаб беради. Султон Шерозда икки ярим ой туради.

[5] Ёзд ҳукмдори отабек Отахон Алоуддавла ибн Тўғоншоҳ ҳам қоқвойхийлар сулоласининг 8 ҳукмдори эди.

[6] Жалолиддин Ёзд ҳукмдорига Отахон лақабини унинг кексалиги учун беради. Унга шу билан бирга Исфахон ва унинг атрофидаги жойлар ҳам берилади.

[7] Исфахон қозиси ҳақида 32-бетга қаранг.

[8] Амир-охур Ўдоқ ҳақида 33-бобга қаранг.

[9] Жалолиддин укаси Ғиёсиддиннинг умумий ишдан ўз шахсий манфаатини юқори қўйишига қарши туради. У умумий иш мўғулларга қарши кучларни бирлаштириш, деб билади.

[10] Ан-Насавийнинг Тулихон Парвон яқинидаги жангда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги маълумоти ҳақиқатга тўғри келмайди.

[11] Ғиёсиддиннинг онасининг номи ан-Насавийда Баклава деб берилади. Минувийда бу ном Баглава тарзида ёзилган.

[12] Ғиёсиддин акаси билан ярашганидан кейин Жалолиддинга бўйин эгиб келади. 1224 йил охирида Шустар [Тустар] да қишлашга қарор қилади. Бу унинг Хузистонга юриши пайтига тўғри келади.

Шустарга Султон 621 йил муҳаррамида [1224 йилнинг февраль-январида] келади. Бу ерда унинг ҳузурига хизмат қилиш учун туркманларнинг Иваъий қабиласининг бошлиғи Сулаймоншоҳ келади. Сулаймоншоҳ кейинчалик Боғдодни мўғуллардан ҳимоя қилишда қатнашади. Баъзи манбаларда бу Сулаймоншоҳ Ироқ ва Курдистонда 1159—1161 йилларда ҳукмронлик қилган салжуқийлар авлодига мансуб Сулаймоншоҳ билан бир одам деб қаралган.

Жалолиддин Собур Хаста [кейинчалик Хуррамобод] да бир ой турганидан кейин Боғдодга юриш қилади.

43-БОБ

ҒИЁСИДДИННИНГ ЎЗ МАМЛАКАТИДАГИ ҲАЁТ ТАРЗИ ҲАҚИДА

Султон Ҳиндистонда пайтида қилич, найза ва ўқлар билан ҳар куни юзма-юз келиб, оғир кураш олиб борди. Айни шу вақтда Ғиёсиддин қўл остига отасининг қўшинларидан тоғлар, ўрмонлар бағрида омон қолган энг мард, баҳодир лашкарлар келиб қўшилдилар. У шулар билан Ироққа қараб юрди ва уни босиб олди. Хуросон, Ироқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мозандоронда хутбага унинг номи қўшиб ўқилди. Лекин жойлардаги ҳукмдорлар сўзда унга қарамлигини тан олсада, амалда душманлик билан қарар, солиқ ва товон пулларини тўламас эди.Тожиддин Қамар Нишопур ва унга яқин бўлган вилоятларни босиб олди. Аҳвол бу ерда ниҳоятда оғир, қашшоқлик авжига чиққан эди. Элчи Паҳлавоннинг ўғли Илатқу Сабзавор, Бойҳақни, унинг атрофидаги ерларни, Шол ал-Хитойи Жувайн, ал-Жом, Баҳарз ва уларга чегарадош вилоятларни, Низомиддин лақабини олган исфаҳсолар Исфароин, Бандаворни, унга ёндош ерлар билан бирга ўзларига қарам қилдилар[1]. Улуғ султон даврида Вахшда исфаҳсоларлик қилган Шамсиддин Али ибн Умар Сулук қалъасининг бойлигини талаб, вайронага айлантирди[2]. Уруш олови шундай кучайдики, Низомиддин билан Шамсиддин ўртасида низо навбатма-навбат давом этди. Оқибатда ҳар икки томондан ҳам кўплаб одамлар ҳалок бўлдилар.

Шу пайтда Ихтиёриддин Занги ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза Насага қайтиб келди[3]. Шунгача унга, ака-укаларига, тоғавачча ва амакиваччаларига ўн тўққиз йил давомида Хоразмдан ташқарига чиқиш таъқиқланган эди. У қайтиб келиб отаси мерос қолдирган мулкка ҳукмдор бўлди. Аммо унинг куни битган эди. Ундан кейин ўрнини амакиваччаси Нусратиддин Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Ҳамза ибн Умар ибн Ҳамза эгаллади. Туркманлардан бири Тожиддин Умар ибн Масъуд Обивард ва Ҳурконни, унинг Марвга қадар чўзилган ерларини босиб олди. Шу ерга Морға қалъасини қурди[4].

Бу пайтда ҳатто, самода ҳам алғов-далғовлар юз бериб, Зафар юлдузлари бир-бирларига урилиб нима бўлаётганини англаш қийин эди. Хуросонда аҳвол шундай эди, Ироқ ва Мозандоронда ҳам шароит юқоридаги тарзда кечарди. Шу сабабли булар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтиришга зарурат йўқ.

Ғиёсиддин эса бу пайтда кўнгилхушлик билан банд эди. Бўлиб ўтаётган воқеаларга эътибор бермас, зарур пайтларда қилич яланғочлаб майдонга чиқмас, бошқаларни тавбасига таянтирмасди.

Ўша вақтларда тоторлар унга қарши ўн минг отлиқ лашкарлардан иборат қўшин жўнатди. У улар ҳақида

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитгач, қаршилик қилишни истамади, тоғлар бағрига чекиниб, Ироққа йўл очиб берди. Тоторлар нима исташса шуни қилдилар — талон-тарож этдилар, уйларига ўт қўйдилар, одамларни ўлдирдилар.

Туркийлар унинг бошқарувдаги ожизлигини кўргач, тоторлар босқинидан кейин Ироқда қолган бойликларни талаб, молларни ўғирлай бошладилар. Улар қишлоқларга бориб бекиниб ётар, деҳқонлар эрталаб моллаРини ташқарига олиб чиққанидан сўнг кундуз куни уларни шаҳарга ҳайдаб кетардилар. Деҳқонлар мадад сўраб илтижо қилар, лекин ёрдам берувчи ҳукмдор йўқ эди. Ким ҳўкизини йўқотса, бозорга борар, у ердан ўз молини сотиб олиб келарди. Баъзи одамларнинг ўз ҳўкизини тўрт-беш мартадан сотиб олган пайтлари ҳам бўлди.

Буларнинг ҳаммаси унинг ҳукмдорлик жиловининг бўшлигидан эди. Унинг бошқа жиҳатларига келсак, Оллоҳнинг ўзи уни кечирсин, танти, мард, кўнгли очиқ, тажрибали, кескир қилич мисол шиддатли, тезкор, ой янглиғ хушсурат йигит эди. У хазинасидаги бойликлар тугаганидан кейин туркийларни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Агар улардан кимдир ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилаверса, унга юқорироқ лақаб берди. Талаб қилувчи амир бўлса, у унга маликликни берди, малик бўлса, хон лақаби билан сийлади. Шу тариқа маълум пайтгача атрофидаги талабгирларнинг оғзини ёпишга эришди.

Абу Бакр Хоразмийнинг қуйидаги мисралари гўё у ҳақда ёзилгандек:[5]

Нималар бўлди дерсиз? Аббосий ҳукмдорлар
Насаб, лақаб дарвозасин очиб қўйди ланго-ланг.
Тўғри келган кимсага берилди улуғвор ном,
Лекин улар қилолмас асли оддий ишни ҳам.
Ҳемири йўқ ғазнада, энди ул ҳукмдор зот,
Пул ўрнига лақабларни улашмоқдадир, ҳайҳот!

Ғиёсиддиннинг онаси ўғли қўл остидаги давлатдан ўз билганича фойдаланди. У Султон Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун каби ўзига "Худованди Жаҳон" лақабини олди. Одамлар эса бундай оғир, чалкаш, муноқашали замонда тартибсизликлардан азият чекарди. Уруш, жанжал, низо эса гўё бозордаги маҳсулотлар сингари ҳар қадамда

www.ziyouz.com kutubxonasi

сотиларди. Гўё бозорлар бу маҳсулот билан тўлиб-тошган, унинг адоғи кўринмасди. Одамлар бир-бирлари билан доимо низоли ҳолатда эди, улар ўртасида сал нарсага баҳс, жанжал пайдо бўларди. Бундай ҳолат Оллоҳ иноятила Султон Ҳиндистондан қайтиб келгунга қадар давом этди. Шундан кейин аҳвол яхшиланди, жанжалкаш ва босқинчиларнинг фаолиятига чек қўйилди, ўғри ва киссовурлар ин-инларига уриб кетди:

Абдуллоҳ қасдидан воз кечди, аммо
Тун қўйнига юборди чаёнларини[6].

Шундай қилиб Шарафулмулк ҳақида, унинг насл-насаби, ишлари, бир мансабдан иккинчи мансабга кўтарилиши, олий лавозим — вазирлик даражасига эришиши ҳақида баён этиш учун ҳам фурсат етди, деб ўйлайман.

---

[1] Элчи Паҳлавон ҳақида 31-бобга қаранг. Унинг ўғлининг номи Илатқу. Минувий унинг номини Илон Қуш деб ёзади.

Сабзавор — Хуросондаги, Нишопур ва Рай оралиғидаги шаҳар. Ан-Насавийда бу ўринда Сабзавор ўрнига Шероз ёзилган.

Бойҳақ — Хуросондаги шаҳар ва вилоят.

Жувайн — Нишопурдан шимолий-ғарб томонда жойлашган ноҳия, ҳозирги номи Жағатой.

Жом — ҳозирги Турбати Шайх Жом ўрнида бўлган. Эрон-Афғон чегараси яқинида.

Баҳарз — Жомнинг жанубида жойлашган шаҳар.

Исфароин — Ўрта аср шаҳри. Унинг харобалари Нишопурдан шимолий-ғарб томонда жойлашган. 1381 йилда Амир Темур томонидан вайрон қилинган.

Бандавор — Исфароинга яқин шаҳарча.

[2] *Сулук қалъаси* — Исфахондан шимол томонда жойлашган. Жувайний амир Шамсиддин Али Ибн Умар номини Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳокини Каспий денгизидаги оролдан Марвга [Сулук қалъаси яқинида] олиб ўтиш муносабати билан тилга олади.

[3] Ихтиёриддин Занги ва унинг сулоласи ҳақида 28-, 30-, 31-бобларга қаранг.

[4] *Ҳуркон* — Бистом яқинидаги қалъа. У Астробод йўлида жойлашган.

Морғ — Марв яқинидаги қалъа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[5] *Шоир Абу Бакр ал-Хоразмий [935—993 йиллар]* — Буваҳийлар ҳукмронлиги (932—1062) даврида яшаган. Бу даврда буваҳийлар унвонларни одамларга улашиш билан шуғулланган ва бунинг учун халифаларни ёрлиқларга муҳр босишга мажбур қилган.

[6] Абу Таммомнинг Абдуллоҳ ибн Тоҳир ал-Ҳамадонийга бағишланган қасидасидан.

44-БОБ

ФАХРИДДИН АЛИ ИБН АБУЛ ҚОСИМ АЛ-ЖАНДИЙНИНГ ВАЗИРЛИККАЧА БЎЛГАН ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ВАЗИР БЎЛИШИ, ШАРАФУЛМУЛК ХОЖА ЖАҲОН ЛАҚАБИНИ ОЛИШИ БАЁНИ

Юқорида эслатганимиз (Фахриддин) Жандда девонда бир қанча вақт хазиначилар ноиби (муставфи) бўлиб хизмат қилди[1]. Бу унинг илк иши, хизмат ва мансаб пиллапоясининг боши эди. Кейинчалик у бу соҳани мустақил бошқара бошлади.

Ўша пайтлари Жандда Нажибиддин аш-Шаҳразурий вазир бўлиб ишлар, у "ал-Қиссадор" номи билан машҳур эди[2]. "Ал-Қиссадор" деб ҳафта мобайнида турли хил аризалар ва шикоятларни йиғиб олиб, Султонга етказиб берувчига ҳамда ундан тегишли жавобларни олувчига айтиларди. Султон одатда шикоят ва аризаларни жума оқшомида кўриб чиқарди. Бу ўша вақтда катта мансаблардан бири ҳисобланарди. Унинг ўғли Баҳоулмулк Ҳожи отаси ўрнига Жанд вазири қилиб тайинланди. Нажибиддин Султон [Муҳаммад] нинг ёнида ҳамкорлик қилиб юрадиган бўлди. У бу лавозимда Султон Хуросонда қўшинлар лашкарбошиси [соҳиб ал-жайш] бўлиб хизмат қилган пайтларда ҳам ишлаганди[3]. Мамлакатда осойишталик ҳукм суриб, ҳамма нарсадан олинадиган фойда кўп бўлганда бу мансабнинг мавқеи ҳам ошиб, ундан келадиган тушум ҳам кўпаярди.

Фахриддин Жандда хазиначилик лавозимини эгаллаганидан кейин унинг кўнглида Нажибиддинни мағлуб қилиб, ўрнига вазир бўлиш истаги туғилди. У Султонга шикоят мактуби битди. Шикоятда Нажибиддин мансаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бериш пайтида ўзидан икки минг динор олганлигини ёзди. У кейинчалик Хожа Жаҳон лақабига эришганидан кейин, Оллоҳ ундан марҳаматини аямасин, дўстлар даврасидан иборат бир анжуманда бундай деганди: "Мен унга қарши шикоят ёзмоқчи бўлганимда, мақсадимни амалга ошириш учун атрофимдаги ўзимга яқин, дўстона муносабатдаги юқори доирадаги одамлар билан маслаҳатлашдим. Мен улардан маслаҳатни қайси биримизнинг муваффақият учун имкониятларимизни яхши билганлари учун сўраганим йўқ. Аксинча, улар мени доимо "Эҳтиёт бўл! Эҳтиёт бўл!" дея огоҳлантириб турдилар. Улар унинг мавқеи юксаклигини, сўзининг қудратини, узоқ йиллик хизматлари эвазига давлат олдидаги имкониятини ва мендан кўп жиҳатларининг устун эканлигини яхши билардилар. Аммо вазирлик лавозимини эгаллаш йўлидаги кўнглим хоҳишларини ҳеч бир нарса тўхтата олмади. Шундай қилиб, айтилган миқдордаги пулни кўрсатиб, шикоятни ёздим. Девонда уни тасдиқлашди ва Султонга юборишди. Бир гал Султон ҳузурига ҳамма йиғилганда бошқалар қатори мен ҳам кирдим ва орқада турдим. Султон тахти ёнида Нажибиддин ва яна бир неча киши турарди. У ҳорғин ва ўйчан эди. Шунда Султон унга қараб деди: "Нажибиддин, мен сени ҳеч вақт бундай ўйчан кўрмагандим. Эҳтимол, сен устингдан ёзилган шикоятда кўрсатилган оз миқдордаги пулни эслаб, бу Султон олдида менинг қадр-қимматимни ерга уради, деб ўйлаётгандирсан? Гап бундай, Оллоҳ ва отам Султон ҳокига қасам ичиб айтаманки, сенга айб сифатида қўйилаётган нарсани ҳеч қачон сўрамайман. Бундан ташқари, мен бу ёзилган маблағни ўз номимдан ўғлинг Баҳоулмулк Ҳожига совға қилиб бераман. Шундан кейин Нажибиддин ерни ўпди. Мен унинг мавқеи юксаклигига ишондим, ҳайратга тушдим ва айни пайтда қўрқдим. Мен оёғимни зўрға судраб босиб уйга келдим. Даҳшат аъзои баданимни қамраб олганди, қўрқув туфайли аввалги қатъиятимни йўқотгандим. Ўзимдан ҳар жабҳада кучли бўлган бу одамга нисбатан муносабатимдан, қилган ишларимдан таҳликага тушдим. Ўз бахтимга ўзим зомин бўлдим, деб ўйладим. Хоразмдаги кунларим гўё зулматли тундай ўтди, тунлар эса бамисоли кундуздай уйқусиз кечди. Бу аҳвол Султон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг мени Жанднинг вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги фармони чиққунча давом этди. Шундан кейин азоб-уқубатлардан фориғ бўлдим, яна қувончли кунлар бағрига қайтдим".

У бу лавозимда тўрт йил ишлади. Шу вақт ичида у зулмни оширди, атрофидагиларга, фуқароларига адолатсизликлар қилди. Унинг даврида одамлар пати юлинган товуқ ёки қинидан чиқарилган қилич мисол яланғочландилар, гўё суви сиқиб олинган тошга айландилар.

Султон бир гал Бухорога бораётиб Жандга кириб ўтди. Шунда одамлар уни бўлаётган воқеалардан хабардор қилишга шошилдилар ва унинг олдига учишга шайланган қушлар, ҳажга йўл олаётган карвонлар мисол шовқин солиб чиқдилар. Чунки у [вазир] кимнингдир мол-мулкини тортиб олиб, болаларини қувғин қилганди, бошқа биттасини эса мерос мулкидан маҳрум этганди. Шу тариқа уларни оғир аҳволга солиб, сабр косасини тўлдирганди. У ёмонлиги туфайли ўзига олов хавф солаётганлигини англади. Бу оловни пора билан дафъ қилмоқчи бўлди. Султон одамларга уни гулханда ёқишни буюрди ва унинг кули билан норозиликлар алангасини ўчиришни ният қилди. Аммо у [Фахриддин] яширинди, уни топишолмади. Кейин у бу ердан Бухорога кетди. Одамлар эса унинг ўринбосарини тутиб олиб гулханда ёқдилар.

Фахриддин изини йўқотиш мақсадида Бухородан Талоқонга кетди. Бу ерда у кимлигини билдирмасдан Жалолиддин тоторлар босқини туфайли, аввал айтганимиздек, Ғазна атрофларида пайдо бўлгунга қадар яшади[4]. Шундан кейин у Султон саройига борди ва унинг ҳожиблари қаторидан жой олди. У гапга чечан одам эди, Султон билан муносабатда эҳтиёткор, сабрли, аммо дилидагини айта оларди. Туркий тилда нотиқ, давраларда қувноқ суҳбатдош эди. У Синд дарёси бўйида рўй берган жангга қадар Султон ҳузурида ҳожиблик вазифасини бажарди. Ўша жанг пайтида Султоннинг улуғ одамларидан кўпчилиги ҳаётдан кўз юмди: баъзилари тоторлар томонидан ўлдирилди, айримлари эса дарёга чўкиб кетди. Вазир Шамсулмулк Шиҳобиддин Алп ал-Харавий эса Кубача қўлида ўлим топди. Булар ҳақида биз юқорида айтган эдик[5]. Шундай қилиб, девондаги кўп лавозимлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгасиз қолди. Султоннинг Ҳиндистондаги босиб олган ерларини бошқарадиган, у ерда амалга ошириладиган ишларни назорат қиладиган одам керак эди.

Ана шунда у [Фахриддин]нинг номзоди маъқулланиб, ноиб ўринбосари сифатида вазирлик ишлари бошқарувчиси қилиб тайинланди. Тақдир унга кулиб боқди ва у давлат ишида юқори лавозимга эришди. Бундай мансабни энг машҳур ва таниқли акобирлар, инсонлар орзу қилишарди, холос. Шундай даражадаги мансаб Хуросон ва Ироқнинг номи турли мамлакатларга танилган улуғ арконлари орасидан камдан-камларига насиб этганди.

У мансаби туфайли обрў-эътиборга эга бўлди. Донишмандлик ва ақл-идрокни йиғиштириб қўйиб, кучига таянди. Фахриддиннинг ҳузурига уни қизиқтирган бирор иш билан келган одам, албатта, бу ерни ғам-ташвишга ботган, оғир аҳволда тарк этарди.

Султон гарчи Фахриддинни Шарафулмулк деб атаган, мамлакатнинг барча ишларини ҳал қилишни унинг қўлига топширган бўлса ҳам, вазирлар даражасида улуғламади, муносабати Шарафулмулкдан юқорига кўтарилмади. Хоразмшоҳларда вазирларига "хожа" унвонини бериш ва уларни умумий йиғинларда ўнг томонига ўтқазиш одати бор эди. Номини тилга олганимиз эса ўзининг вазирлик пайтида ҳам Султоннинг олдида, ҳожиблар қаторида ўтирарди. У фақат умумий гиламдан жой оларди. Ваҳоланки, аввал қабул қилинган қоидаларга кўра, кимки "Низомулмулк" лақабига эга бўлса, Султон ёнидаги алоҳида жойни эгалларди. Олдинги пайтларда собиқ вазирлар девонхонада қора рангли ўриндиқ [даст]да ўтирарди. Шарафулмулк учун девонхонада ана шундай ўриндиқ йўқ эди. Бундай ўриндиқ унинг уйида бўлиб, у девондан қайтганидан кейин унда ўтириш имконига эга бўларди. Яна шундай одат бор эдики, "Низом" лақабига эга бўлган одам вазирлик ўриндиғида ўтираркан, бошқалар, ҳатто ҳузурига маликлар кирганида ҳам ўрнидан турмасди. Бу мансабга ҳурмат нуқтаи назаридан шундай қилинарди, маънавий жиҳатдан вазирликнинг қора рангли ўриндиғи тахт ўрнида деб қараларди. Шарафулмулк эса девонда бўлган пайтда ҳузурига кирган

www.ziyouz.com kutubxonasi

мансабдорлар учун ўрнидан турарди. Собиқ вазирлар отда юрган пайтларида атрофида найзасининг дастасига тилло суви юритилган тўртта найзадор ҳамроҳлик қилган. Унинг атрофида бундай найзадорлар бўлишига эса Султон рухсат бермади.

Унинг бу каби ишлари ва ўлим шаробидан сипқоргунча кечган фаолияти хусусида мавриди билан тўхталамиз, ўлим шаробидан сипқармоқ, Оллоҳ ҳузурига бермоқ, унга қўшилмоқ ҳар бир бандасига хосдир. Улуғ одамлар эса яратганнинг, гуноҳларимиздан ўтгувчининг ҳузурига тезроқ борадилар.

---

[1] *Муставфи* — мамлакатнинг чекка ўлкаларидаги молиявий ишлар раҳбари [девон ул-истифо], молиявий маслаҳатчи.

[2] Жувайний Нажибиддин аш-Шаҳразурий ал-Қиссадор номини Хоразмшоҳ Муҳаммад унинг ўғли Баҳоулмулк Ҳожини Жанд вазири қилиб тайинлаш муносабати билан тилга олади. Ан-Насавий унинг келиб чиқиш жойини "аш-Шаҳразурий" деб белгилайди. Ибн Холдун "у исфахонлик эди", деб ёзади.

[3] Аловуддин Муҳаммаднинг Хуросон қўшинлари Бош лашкарбошиси қилиб тайинланиши 1193 йилга тўғри келади.

[4] 35-, 36-бобларга қаранг.

[5] 37-, 39-бобларга қаранг.

45-БОБ

СУЛТОН [ЖАЛОЛИДДИН] САРОЙИГА КЕЛИШИМ САБАБИ ВА ХИЗМАТГА КИРИШИМ БАЁНИ

Юқорида эслатганим Малик Нусратиддин, Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамзага Наса ҳукмдорлиги амакиваччасидан мерос бўлиб текканидан кейин у мени ўзига шахсий ишлари бўйича ўринбосар [ноиб] қилиб олди[1]. Нима иш қилмоқчи бўлса, мен билан маслаҳатлашарди.

У олижаноб фазилатларга эга бўлган сахийқалб инсон эди. Нусратиддин Абул Аъло [ал-Маъаррий]нинг "Сакт аз-занд", ал-Утбийнинг "ал-Яминий", Фахриддин ар-Розийнинг "ал-Мулаххас", аш-шайх ур-раис [ибн Сино]нинг "ал-Ишорат" асарларини ёддан биларди[2]. Унинг араб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва форс тилларида ёзган шеърлари, уларни жамлаган девони бор эди. Мана, унинг тутқинлик пайтида ёзган шеърларидан бири:

Менинг бу замонга тутқинлигим ҳақ,
гўё замон-чиғаноқ, мен — марваридман.
Қадримни тушира билмас ҳеч кимса, аммо
менинг зийнатим бу — менинг довруғим.
Мен йўлдан қайтмасман, адоват ва кин
соя сола олмас ғурур, шаънимга.
Аждодлар шавкатин меросхўриман,
замон тан олмаса — бу унинг иши.
Барибир кимлигим аён бўлажак,
зулматда ярқ этган тўлин ой мисол.
Шунда қисмат келиб тиз чўкар албат,
ва дейди: "Ўтган ишлар учун бизни афу эт!"

Унинг мактублари, номаларига келсак, улар ниҳоятда сеҳрли, булоқ суви сингари роҳатбахш, шимол шабадалари янглиғ кўнгилларга ором бағишловчи, ҳар бир сўзидан гўзаллик ва латифлик уфуриб тургувчи эди.

У қадимий фанларни мукаммал даражада ўзлаштирганди ва уларни ўзининг янги, ғаройиб билимлари билан бойитди. Бу фанларни у Хоразмга боргач, у ерда кечган ўн тўққиз йиллик асирлик даврида ўрганганди. Унинг юлдузлар жойлашишига қараб қилган башоратлари камдан-кам ҳолларда амалга ошмай қоларди. Жалолиддин Ҳиндистоннинг марказида жанг қилиб юрган, у ҳақда ҳеч қандай хабар бўлмаган пайтларда Нусратиддин "Султон ҳали бу ерларга қайтиб келади, ҳукмдорлик қилиб, тартиб ўрнатади, Ғиёсиддин эса муваффақиятларга эриша олмайди, чунки унинг юлдузи бахтидан нишона бермаётибди, аксинча, у милтиллаб кўринмоқда, охир-оқибатда эса сўнади", деб каромат қилган эди. Ана шу сабабли ҳам у бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ Ғиёсиддин номини хутбага қўшиб ўқиттирмасди. Бироз вақтдан кейин, ҳақиқатан ҳам у айтган гап рўй берди, башорат қилган воқеа амалга ошди. Лекин буларнинг ҳаммаси унинг ўлимидан кейин содир бўлди. Бир мақолда айтилганидек, олишда оз, беришда кўп, демади. У Султон бу ерларда яна пайдо бўлиши билан муваффақиятларга эришади, дея тўғри башорат қилганди. Лекин ўзининг у келишидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдин ҳаётдан кўз юмишини билмади. У кутишлар билан банд бўлиб қолди, эҳтимол, унинг ҳаётнинг бу ҳақиқатини ўз вақтида англаб етмагани сабаби шундадир:

Ваъда бериб овунтирманг, қазо ҳақдир барибир!
Мен чанқоқдан жон бергач, чикора жала-ёмғир![3]

Ғиёсиддин Нусратиддиннинг султонга [Жалолиддинга] нисбатан муносабатидан огоҳ бўлди. Унинг бошқалардан фарқли ҳолда ўзига нисбатан уни афзал кўришини, унга эътиқоди юксаклигини билди. Шу сабабли у Тўлуқ ибн Инонжхон қўлига отасининг қўшинини бериб, Арслонхон ва бошқаларни унга ёрдамчи қилиб тайинлаб, Нусратиддин устига отлантирди. У турли мулкларни босиб олганлар [мутағаллиблар]га буйруқ юбориб, улар Тўлуқнинг энг муҳим ва иккинчи даражали топшириқларини ҳам бажаришини, бошлаган ишлари, тадбирларини амалга оширишга ёрдам беришини тайинлади.

Яқинлашаётган босқин хабари Нусратиддинга етгач, у бу хавф ва мусибатдан қутилиш, уни бартараф этиш йўлини излаб маслаҳатчилари билан келишди. Уларнинг маслаҳати якунига кўра мен маълум миқдордаги пул билан Ғиёсиддин саройига борадиган, бу гаплар иғво эканлигини айтиб, юзага келган низолар, келишмовчиликларга барҳам берадиган бўлдим.

Мен Ғиёсиддин ҳузурига ўзим хоҳламаган ҳолда йўл олдим. Бироз вақтдан кейин, Руғод чегарасида тунда Инонжхон ўғли қўшинларига дуч келдим[4]. Улардан ҳимояланиш мақсадида, Муса Яратганнинг чақириғини эшитиб қочгани каби, қўрқоқ туяқуш сингари тун қоронғулигидан фойдаланиб яшириндим. Журжонга яқинлашганимда унга яқин жойда чодир кўрдим[5]. Сўраб-суриштириб бу амир Кўчкинди чодири эканлигини, унинг Жалолиддин ҳузуридан келаётганини, Урхоннинг Хуросондаги ноиби бўлиш учун кетаётганлигини билдим. Менга Райда бўлиб ўтган воқеалар, Ғиёсиддин давлатининг тугатилганлиги, Жалолиддин ҳукмдорлигининг ўрнатилганлиги ҳақида гапириб беришди. Шунда мен Кўчкинди ҳузурига йўл олдим. Қувонганим туфайли унинг ёнига юриб эмас, гўё учиб бордим. Мен у билан кўп вақт гаплашдим, бу ердаги аҳвол ҳақида тўла ва аниқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумот олдим. Шундан кейин мавжуд аҳволни чамалаб кўриб, орқага қайтмадим. Чунки Насани тиш-тирноғи билан қамал қилиш учун бораётган Инонжхон ўғлига ҳақиқатни айтиш билан бирор натижага эришиш қийин эди. Унинг Наса қамалини тўхтатиши учун Султон буйруғи зарур бўларди. Мен Астрободга, Султон қароргоҳига боришга тайёргарлик кўраётган малик Тожиддин ал-Ҳасан ҳузурига йўл олдим[6]. У билан ҳамкорликда Султон олдига бориш мақсадида уни тезлай бошладим. Лекин ўша вақтда, у йўлга чиқиш арафасида, қўл остидаги вилояти чегарасига Ғиёсиддинга тегишли бўлган одамлардан бири Донишмандхон ҳужум қилди. У гўё нопок оёғини Султон гиламининг чеккасига қўйишга журъат этди. Бу хабар сафар учун жиддий тайёргарлик кўрган Тожиддинни асабийлаштирди. Мен зарурат туфайли яна Бистом йўлига қайтдим. Ундан қўрқа-писа юриб Райга йўл олдим, у ердан тезлик билан Исфахонга ўтдим. Шу пайтда кетимдан Насанинг қамал қилингани хабари келди. Бу хабар менга нафас ростлашим, дам олишимга имкон бермади. Шунга қарамай, хоҳишимга зид ҳолда Исфахонда икки ой қолиб кетдим. Чунки бу пайтда Султон ҳузурига боришга имкон бўлмади. Бунинг сабаблари кўп эди. Шулардан бири, лурларнинг тоғда жанжал чиқариб, Султон ҳузурига борадиган йўлларнинг юриш учун хавфли бўлиб қолганлиги эди. Яна бир сабаб, малик Хазорасп Султонга душманлик йўлига ўтди. Чунки Султон Хазораспнинг душмани ҳисобланган отабек Саъд билан яхши муносабатлар ўрнатганди. Икки ой қолишимнинг сабабларидан яна бири, ўша йили қор кўп ёғиб тоғ йўлларини босиб қолган, натижада йўловчиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлганди. Мен Исфахонда Балбон ал-Қударий ас-Сиркон уйида баҳорга қадар, ҳамма ёқ яшилликка бурканиб, дарахтлар, атроф гўзал либосига ўрангунча қолиб кетдим.

Султон туғи Озарбойжон томонга қараб йўл олди, унинг чодирлари Ҳамадон теграсига ўрнатилди[7]. Султоннинг ўзи эса бу ерда эмасди. У отабек Иған Тоисийга, Ғиёсиддиннинг қайноғасига кутилмаганда ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўраётганди[8].

Султон укасига қарши юриш қилиб, Оллоҳ иноятн билан, аввал унга қарам бўлган ерларни ўз мулки қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

олганда, юқорида номини эслатганимиз (Иған Тоисий) Озарбойжонга қўшин киритди. У Султон ўлимга маҳкум бўлган давлатни ҳимоя қилмоқда, унинг ҳукмдорлиги тез орада барҳам топади, деб ўйлади. У ва Озарбойжон ҳукмдори отабек Ўзбек Султонга қарши биргаликда курашишга келишдилар. Улар Султон туғлари ўзлари томонга келаётганини ва атрофини ўраб олаётганини аниқ билди. Шунда Иған Тоисий Султон йўқлигидан фойдаланиб, Ироққа бостириб киришга шошилди. Лекин унинг бу нияти ҳақидаги маълумот Султонга илгарироқ маълум бўлганди, шу учун у унга кутилмаганда Ҳамадондан туриб ҳужум қилди. Унинг устидан ғалабага эришди. Унга омонлик берди ва ҳимоясига олди. Султон учун барча ишлар муваффақиятли якунланди, у чодирига мақсадига эришган ҳолда қувончга тўлиб қайтиб келди[9].

Мен Султон бу ерга қайтиб келгунига қадар Шарафулмулк Хожа Жаҳонга минг динорни олиб бориб бердим. Аслида бу маблағни Нусратиддин Ғиёсиддиннинг вазири Карим аш-Шарқий бизга қиладиган хизматлари учун мўлжаллаб берганди[10]. Шарафулмулк менга совға учун миннатдорлик билдирди. Бу ишни тез битириб беришга ваъда қилди. Ҳақиқатан ҳам у бу ишни тез битириб берди. Унинг натижаси кутилгандан ҳам яхши эди. Султон Нусратиддин ҳукмдорлик қиладиган вилоятнинг чегаралари белгилаб берилган фармон эълон қилди. Фармонга кўра, унинг вилоятига бир қанча янги жойлар ҳам қўшиб берилганди. Султон яқинларидан биттасини менинг билан Насага бирга борадиган қилиб тайинлаганди. Тайинланганнинг вазифаси Насага бориб Инонжхон ўғли қўшинларини бу ердан чиқариш ва унинг ўзини Султон қароргоҳига олиб келишдан иборат эди. Орадан икки ёки уч кун ўтмасдан Нусратиддиннинг ўлганлиги ҳақидаги хабар келди. Айтишларича, Инонжхоннинг ўғли уни Наса қалъасидан олиб чиқиб, ўз ҳузурига келтиришларини буюрган. У унга ёлғон ваъдалар бериб алдаган, бу ёвузлик самимий инсон қалбига зарба бўлиб тушган. У умрининг энг яхши, кучга тўлган пайтида ҳаётдан кўз юмган эди. Унинг ўлими ҳақдаги хабарни ҳар бир одам кўзда ёш билан бир-бирига етказарди. Менинг қалбимни дард ўртарди, хаёлимда эса аламли мисралар айланарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фавқулодда ўткирлашиб кетди зеҳни, идроки
Яқин кунлар ичра ўлим топмоғи аниқ.

Инонжхоннинг ўғли менга отасига Наса ва Журжонда сидқидилдин хизмат қиганим учун бундан ташқари ҳам кўп "яхшиликлар, сийловлар" қайтарган эди. У мулозим ва хизматкорларимни ўлдиртирган, мол-мулкимни талон-тарож қилдирган, шунингдек, уйимдаги мерос қолган ва ўзим тўплаган бойликларнинг ҳаммасини босиб олган эди.

---

[1] Олдинги бобларга қаранг.

[2] Абул Ала ал-Маъаррий Аҳмад ибн Абдаллоҳ ибн Сулаймон [979—1058 йиллар] шоир, файласуф. "Рисалат ал-малаъика", "Сакт аз-занд" асарлари муаллифи.

Абу Наср Муҳаммад ал-Утбий [961—1036 йиллар] — Ғазнавийлар давлатининг тарихчиси. "Ал-Яминий" асари ғазнавийлар султони Ямин ад-Давла Муҳаммад ибн Сабук Тегинга [977—997 йиллар] бағишланган.

Фахриддин ар-Розий [1149—1209 йиллар] — ҳиротлик шайх. У доимо шогирдлари, 300 дан ошиқ фақиҳлар билан бирга юрган. Унинг "ал-Мулаххас" ["Моҳият"], "Мафотиҳ ал-ғайб" ["Бойликлар калити"] асарлари машҳур.

Аш-шайх ур-раис — Абу Али ибн Сино.

[3] Шоир Башшар ибн Бурднинг [696—783 йиллар] шеъридан.

[4] *Руғод* — Мозандорондаги жой.

[5] *Журжон* — Каспий денгизи бўйидаги шаҳар.

[6] Тожиддин ал-Ҳасан ҳақида 21-бобга қаранг.

[7] Жалолиддиннинг Озарбойжонга юриши 622 йилда [1225 йил январь — 1226 йил январь] бошланган.

[8] Иған Тоисий Ғиёсиддиннинг тоғаси ҳам эди. 33-бобга қаранг.

[9] Жалолиддин Озарбойжоннинг Мароға шаҳрига етганда унга Ғиёсиддиннинг тоғаси отабек Иған Тоисий 50 минг лашкар билан Озарбойжонга ҳужум қилгани ҳақидаги маълумотни етказишади. Иған Тоисий Арронда, Каспий денгизи бўйида қишлаб, Озарбойжонга иккинчи бор ҳужум қилади ва кўп жойларни талон-тарож этади. Шундан кейин Иған Тоисий халифа ан-Носирнинг буйруғига кўра Ҳамадонга қараб юради. Бу жойлар халифалик томонидан унга инъом этилади. Бу ўринда халифаликнинг сиёсий ўйинлари яққол кўзга ташланади. Яъни, у [халифалик] Жалолиддин Боғдодга ҳужум қилмасин деган ниятда унга қарши бошқа амирларни оёқлантиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалолиддин Иған Тоисий қўшинига қарши ўз лашкарларини бошлаб боради. Султон қўшини тунда, яширинча йўл юради. Иған Тоисий қароргоҳига келган Султон қўшинлари уларни ўраб олади. Бу пайтда Иған Тоисий лашкарлари Озарбойжон ва Арроидан тушган ўлжа, молларни бўлиш билан овора эди. Улар Жалолиддин қўшинларини Боғдод яқинида бўлса керак, деб ўйлайди. Эрталаб эса ўзлари қамалда қолганини кўрадилар. Иған Тоисий унинг ҳузурига хотини, Султоннинг синглисини юборади ва омонлик тилайди. Иған Тоисий қўшини билан Султон томонга ўтади ва у қўшин сарҳангларидан бири қилиб тайинланади.

[10] *Ғиёсиддин Пиршоҳнинг вазири* — Тожиддин ибн Карим аш-Шарқ ан-Нишопурий ҳақида 11-, 13-бобларга қаранг.

46-БОБ

СУЛТОННИНГ УКАСИ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНИДАН КЕЙИН ХУЗИСТОНДАГИ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ БАЁНИ

Султон укасидан ҳукмдорликни тортиб олганидан кейин, унга қўл остидаги ўз хоҳиш-истагини бажарувчи амирлардан бири сифатида мурожаат қила бошлади. У, айни пайтда, Хузистонга қўшин тортди ва бу ерда қишлаш учун қолди. Бу ерда туриб у Наса ал-ариди Диёулмулк Аловуддин Муҳаммад ибн Маудудни Олий девон [халифалик девони]га элчи қилиб жўнатди[1]. Унинг номаси таъна ва тазйиқлар билан тўлиб-тошганди. Султон бундан ҳам аввал Жаҳон Паҳлавон Элчини қўшинининг илғори билан элчи қилиб жўнатганди. Лекин Жаҳон Паҳлавон йўлда девон қўшинлари ва арабларнинг ал-хафажа қабиласи лашкарлари билан тўқнашади[2]. Уларга ҳужум қилади. Девон қўшинларини ҳурмат-иззат қилмасдан катта зарар етказади. Халифалик лашкарлари оғир аҳволга тушиб, мақсадларига эришолмасдан Боғдодга қайтадилар. Бу қўшин лашкарларининг бир қисми Султон қароргоҳига асир қилиб олиб келинади. Кейинчалик улар озод этиладилар.

Бу воқеадан кейин Боғдодга келган Диёулмулк ҳурмат-эҳтиром ва алоҳида фахр билан кутиб олинади. Лекин, у бу ерда одатдагидан кўпроқ туриб қолади. Одамлар бу борада ҳар хил тахминлар, фаразлар, гумонли фикр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни айтадилар[3]. Бундай миш-мишлар Султон Мароғани босиб олгунга қадар давом этади[4]. Султоннинг бу юришидан кейин элчини ҳар хил совғалар ҳамда ҳурмат-эҳтиром билан юртига кузатиб қўйишади.

Қиш ёпинчиғини йиғиштириб, ўрнини баҳорга бўшатиб берганида у [Жалолиддин] Боғдод атрофларидан Озарбойжонга қараб юрди. У Дақуққа яқинлашганида шаҳар аҳолиси девор устига кўтарилиб, бор овози билан бақириб, уни девонга ҳужум қилганликда, натижада ташвишларни кўпайтирганликда айблаб қарғайди[5]. У бу гапларни эшитиб ғазабга минди ва шаҳарни босиб олишни буюрди. Орадан кўп ўтмай Султон байроқлари девор устида ҳилпирай бошлади, жанг тобора қизғин тус олди. Лашкарлар қиличлари аҳоли бошлари узра ўйнади. Жангни тўхтатиш ҳақида буйруқ берилгунча кўп одамлар ҳаёт билан видолашдилар[6].

Султон Озарбойжонга қараб юришда давом этди. У Ҳамадондаги тоғлар бағрида турган пайтида Иған Тоисийнинг Озарбойжонга Ироқ ал-Ажамга ҳужум қилгани хабарини эшитди. Шунинг учун у, ҳақиқатан ҳам кутилмаганда, Ҳамадонда турган Иған Тоисий қўшини устига ҳужум қилди. Бу ҳақда эса аввал айтган эдик.

---

[1] Жалолиддин Хузистонда қишлаганидан кейин Шустарни қамал қилади. Шустарнинг ҳукмдори халифа ан-Носирнинг одами, амир Музаффариддин эди. Хоразшоҳ босиб ололмайди ва Боғдодга қарши юради. Бу ҳақда халифани олдиндан огоҳлантиради, Жалолиддин номасини халифага Диёулмулк Аловуддин Муҳаммад ан-Насавий олиб боради. Султон номасида мусулмонларнинг умумий душмани бўлган мўғулларга қарши курашда халифани ёрдамга чақиради. Аммо халифа Хоразмшоҳлар билан ўз аждодлари — халифа ал-Мустадий [1170—1180 йиллар] ва ал-Мустанжид [1160—1170 йиллар] ўртасидаги қарама-қаршиликларни эслатади. Шу сабабли халифа ан-Носир номага жавоб қайтармайди ва унинг ўрнига Хоразмшоҳга қарши ўз мамлуги, амир Жамолиддин Қуш Темур бошчилигидаги 20 минг кишилик қўшинини жўнатади.

Номасига жавоб ололмаган Жалолиддин қўшинларини Ироққа ташлайди. Қўшинларининг бир қисми Бадрай ва Баксайни босиб олиб, Басра остоналаридан чиқади. Бу ерда уларга Басра шихнаси амир Милтегин қарши чиқади. Хоразмшоҳ Бас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рани икки ой давомида қамал қилади ва ғалабага эриша олмаганидан кейин қўшинини Гутга олиб кетади. Йўлда халифа қўшинларига дуч келади. Жалолиддин Куш Темурга ўз мақсадини, мўғулларга қарши курашда халифадан ёрдам сўраб нома ёзганлигини ва ёрдам кутаётганлигини билдиради. Куш Темур шунга қарамай жангга киради. Унинг лашкарлари Султоннинг оз сонли қўшини томонидан мағлуб этилади ва амирнинг ўзи жангда ҳалок бўлади.

Халифа қўшинининг мағлуб бўлгани ҳақидаги хабар Боғдодга етиб борганида шаҳарда ҳимоя истеҳкомларини тиклашга киришилади. Жалолиддин қўшинлари Боғдод атрофидаги жойларга ҳужум қилади ва бу ердаги аҳолининг мол-мулкларини босиб олади. Хоразмшоҳ Боғдод атрофида 12 кун бўлади.

[2] Хафажа қабиласи Бану Укайл қабиласининг бир қисми ҳисобланади. Улар Мадина атрофларидан Басра чегараларига келиб қолишган ва Макка, Мадинага ҳажга бораётган одамларни талаш, мол-мулкини босиб олиш билан шуғулланган. Халифа ан-Носир уларни 1192 йилда мағлуб қилганидан кейин тарқалиб кетишган. Қабиланинг бир қисми Нил ирмоқларидан бирининг қирғоғига жойлашган.

[3] Диёулмулкнинг иккинчи бор элчиликка боргани хусусида бошқа манбаларда айтилмаган.

[4] Жалолиддин Мароғани 1225 йилнинг май-июнь ойларида босиб олган.

[5] Дақуқ [Ироқнинг ҳозирги Тавқ шаҳри] Хоразмшоҳ томонидан 622 йилнинг раби аввалида (1225 йил март-апрель) қамал қилинади. Шаҳар аҳли арк ичига кириб яширинади. Султон Дақуқни босиб олади, бойликларини талон-тарож қилдиради. 20 минг кишини ўлимга буюради.

[6] Хоразмшоҳ Дақуқни босиб олганидан кейин Тикрит [Тигр дарёси бўйидаги шаҳар]га йўл олади. Бу ерга халифаликнинг қўшини Музаффариддин Кўк Бўри бошчилигида етиб келади. 1225 йилнинг апрель-май ойларида бўлган жангда Музаффариддиннинг 10 минг лашкардан иборат қўшини қириб ташланади ва унинг ўзи асир олинади. Жалолиддин ундан ўзига қарши бошқа жанг қилмаслик тўғрисида ишончнома олиб, фахрий кийим-бош билан сийлаб қўйиб юборади.

Ибн Тагрибердининг ёзишича, бундан хавотирга тушган халифа ан-Носир Жалолиддинга қарши кураш учун миллион динор маблағ ажратади.

Дамашқда айюбийлар ҳукмдори ал-Малик ал-Муаззам Исо [1218—1227 йиллар] Ирбил ҳукмдори Музаффариддин Кўк Бўрига бундай деб ёзади: "Менга Хоразмшоҳ Жалолиддин нома юборди, унда шундай сўзлар битилган: "Мен билан ҳамкорлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

битими тузганлар, сен ва бошқалар, тайёр турингглар, халифага қарши юриш бошлаймиз. Негаки кофирларнинг ислом мамлакатларига босиб киришига, мусулмонларнинг ва менинг отамнинг ўлимига у сабабчидир. Биз халифанинг уларга ёзган мактубини топдик. Бу мактубда у уларни ислом мамлакатларига ҳужум қилишга даъват этади". [Бу ҳақда Сибт ибн ал-Жавзий асарида маълумот берилган]. Шундай қилиб, бу ўринда ҳам халифа ан-Носирнинг Хоразмшоҳларга қарши курашда мўғуллар билан тил бириктирганлигини яққол кўриш мумкин. Бундан ташқари, халифа Жалолиддин тимсолида Аббосийларга қарши катта кучни кўриб, уни дафъ қилиш мақсадида хатто ўз душмани аййубийлар ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф Мусо [1210—1230 йиллар] билан ҳам ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат этган.

47-БОБ

СУЛТОННИНГ ОЗАРБОЙЖОННИ БОСИБ ОЛИШИ БАЁНИ

Иған Тоисий Жалолиддин хизматига киргач, Ироқ ҳар хил жанжал, низоларни келтириб чиқарувчилардан, уни адолат билан бошқара олмайдиган калтафаҳм, ақлсиз ҳукмдорлардан халос бўлди. Шундан кейин Султон Озарбойжонга қараб юрди. У Озарбойжон чегараларига яқинлашганда Шарафулмулк Мароға аҳолисидан мактуб олди. Мактубда мароғаликлар Султондан ўз шаҳрига келишларини илтимос қилиб, бу ерда давлатни ўзбошимчалик билан бошқараётганлар ва хотинлар ҳукмронлиги натижасида юзага келган шармандали аҳволдан халос этишларини сўраганди[1]. Улар, шу билан бирга, мамлакатининг ҳукмдори Отабекнинг кучсизлиги туфайли ўз мулкларининг даҳлсизлигини сақлай олмаслигига, ҳимоя қилолмаслигига, гуржиларнинг эса ўткир тирноқларини ўзларига [Мароғаға] қаттиқ ботирганларига ҳам кўникиб қолгандилар. Шунда Султон тезлик билан ўша томонга юрди ва уни ҳеч бир қаршиликсиз қўлга киритди. У бу ерда бир неча кун бўлди. Шу ерда туриб қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмийни элчи сифатида Рум [малиги], аш-Шом ва Миср ҳукмдорлари [мулук] ҳузурига мактублар билан жўнатди. У мактубларида Озарбойжоннинг вилоятларини ўзига қарам қилганлигини ва бу заминни гуржилар (ал-курж)нинг ўткир тирноқларидан ха-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лос этганлигини билдирди[2]. Бу икки иш яратган олдидаги хизматларининг кафолати эканлигини таъкидлади. Ҳукмдорларни ўзининг гуржилар юртига юриш қилиш ниятидан огоҳлантирди. Ал-қуржлар билан бўладиган қаттиқ жанг бу жонадоннинг ўз эгалари борлигини кўрсатишга хизмат этишини айтди[3]. У мактубларнинг асосида ҳукмдорларни дўстона ҳамкорликка чақирди.

Султон ўша куни мени котиб ал-иншо қилиб тайинлади. Мен бу мансабда ишни кўнглим хушламайроқ, лекин бошдан ўтказган қийинчиликларни бироз унутиш ниятида бошладим[4]. Бунинг устига бу касб ҳақида маълумотим ҳам, тажрибам ҳам йўқ эди. Ушбу касбнинг тўхтовсиз оқиб келадиган бойликлар ва кети узилмайдиган тушумлар манбаи эканлигини ҳам билмасдим. Унда ҳар қандай зарардан ҳам фойда ундирса бўларди, бу соҳада фойда ва зарар омухталашиб кетган эди.

Буни тез орада англай бошладим. Султон Хуросон ва Мозандарон аҳолисининг ишини ҳал қилиш мақсадида Нахичевонда пайтида менинг бир кунда котиблик мансаби туфайли қўлга киритган фойда ва тушумим минг динордан ошди. Бундай фойда доим шунча миқдорда бўлмаса ҳам, ҳар қалай кунда топилиб турарди. Шундан сўнг мен бу лавозим учун рақибларимга қарши курашадиган бўлдим. Мужириддин эса бу пайтда ушбу хизматдан йироқда, юқорида эслатганимиз мамлакатларда сафарда эди. У бу мамлакатлардан сафардан Тифлис босиб олингандан кейин келди.

Султон Мароғадан Учон томон юрди[5]. Бу вилоят яшиллик билан қопланган, суви сероб маскан эди. Тоторлар унинг шаҳрини илк босқини пайтидаёқ харобага айлантирганди. Султон бу ерда бир неча кун турди. Бу ернинг одамлари озиқ-овқатларни Табриздан олиб келишарди. Табризда эса Тўғрул ибн Арслоннинг қизи, отабек Ўзбекнинг хотини турар, у бу ердан озиқ-овқатларнинг олиб кетилишига қаршилик қилмасди. Ана шунда кимдир Табриздан Султон ҳузурига келиб, бу шаҳарни босиб олишга ундади. Султон Табризга қараб йўл олди ва уни қамал қилиб, шаҳар яқинига қароргоҳини тикди.

Унга қарши Шамсиддин ат-Туғроийнинг жияни раис Низомиддин бош кўтарди[6]. У шаҳар аҳлини ўзига тўла

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйсундирган ҳолда ҳукмронлик қиларди. Шаҳар аҳли эса унга унинг аждодларига, Табризда хукмдорлик қилган ота-боболарига қон-қонига сингиб кетган ҳурмат-эҳтиром туфайли бўйин эгарди[7].

Султон шаҳарга томон юрар экан, амирларга қамал қуроллари: манжаниқлар, оғир тўқмоқлар, юрувчи қалъалар тайёрлашни буюрди. Улар шаҳар атрофидаги дарахтларни кеса бошладилар. Дарахтлар эса ниҳоятда кўп эди.

Султон Табризни қамал қилганининг еттинчи куни Тўғрулнинг қизи шаҳардан элчи чиқарди. Элчи Султонга малика ўзи, одамлари, мол-мулки учун омонлик сўраганини, Хой шаҳри ўзига берилиши шарти билан бу ерни Султон лашкарлари ҳимоясида тарк этажагини билдирди[8]. Султон унинг талабини қондирди. Табриз олти юз йигирма иккинчи йил ражаб ойининг ўн еттинчисида [1225 йил 25 июлдя] босиб олинди. Султон иккита хос мулозими [адим ал-хасс]ни — Тожиддин Қилич ва Бадриддин Хилолни унга ҳимоячилар сифатида берди. Улар маликани мулозимлари, яқинлари, мол-мулки билан Хойга олиб бориб қўйди.

Султон Табризга кирди ва аҳолисига меҳр-мурувват, сахийлик кўрсатди. У Султон аркида [дар ас-салтана] турди. Раис Низомиддин (ат-Туғроий)ни шаҳар ҳукмдори қилиб қўйди. Ат-Туғроийнинг иши аввалгидек эди, топшириқлари бажарилар, маслаҳатлари инобатга олинарди. Лекин у давлат ва пул ишларига аралаша олмасди. Низомиддин аҳоли [ар-раийя]нинг зарурати билан боғлиқ ишларни қиларди. У аҳолини тинчлантириш, одамларнинг бир-бирларига муносабатларини яхшилаш, низоли ишларга барҳам бериш каби ишлар билан банд бўлди[9]. Бу лавозимда у то зиндонбанд қилингунча ишлади. Бу ҳақда, агар Оллоҳ имкон берса, кейинроқ ҳикоя қиламиз.

---

1 Озарбойжон ва Арроннинг сўнгги отабеги Ўзбек мамлакатни башқаришни ўз ҳолига ташлаб, шаробхўрлик ва айш-ишрат билан машғул бўлди. Давлатни эса унинг хотини, Ироқ ҳукмдори бўлган охирги салжуқий султон Тўғрул II нинг [1174—1194 йиллар] қизи бошқарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[2] Султон Жалолиддин Марогада пайтида Озарбойжонга чегарадош бўлган давлатлар ҳукмдорлари билан ҳамкорлик қилишга уриниб кўрди. У қўниёликлар султони Аловуддин Қайқубод I га [1219—1236 йиллар], Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф Музаффариддин Мусога, Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Исога [1218—1227 йиллар], Миср ҳукмдори Малик ал-Муҳаммадга [1218-1236 йиллар] номалар юборади. Жалолиддин Озарбойжонни босиб олгани хабарини ва Грузия ҳужум қилиш нияти борлигини уларга билдирар экан, ғарб ҳамда жанубдаги қўшни ҳукмдорлар билан яхши муносабатлар ўрнатиб, ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳам уринди.

Номалар [мактублар]ни барча ҳукмдорларга қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмий [Ҳамавий ва Макризий уни "Мажиддин қози ал-Мамалик ал-Ҳанафий" деб ёзади] олиб бориб беради. Мактублар деярли бир хил, ислом йўлида дўстликка чақириқ, ҳамкорликни кучайтириш руҳида ёзилган. Мужириддин Хоразм давлатининг энг улуғ алломаларидан бири ҳисобланган. Мактубларда унинг номи Мужир ад-Давла вад-Дин Тоҳир Шараф ал-Ислом вал-Муслим тарзида Хуросон ифтихори, оламнинг улуғ сардори, илм соҳасида энг олий даражага эришган, давлат таянчи [ас-садр ал-Муаззам ал-алам, мужтаҳид қавам ал-Мулк] деб таърифланади.

Султон Аловуддин Қайқубод I элчига ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Шу тариқа султонлар ўртасида дўстлик муносабатлари ўрнатилади. Бу дўстлик қариндошчилик билан мустаҳкамланади. Қайқубод ўғли Ғиёсиддин Қайхусров II [1236—1245 йиллар]га Шероз ҳукмдори отабек Абу Бакр ибн Саъд [1226—1260 йиллар]нинг қизини олиб беради. Абу Бакр ибн Саъд Жалолиддинга яқин қариндош эди.

Қайқубод Жалолиддинга жавоб мактубини амир Салоҳиддин орқали юборади. У Султон билан Қайқубод номидан музокаралар олиб боради.

Тарихчи Ибн Бибининг ёзишича, қози Мужириддин Жалолиддин ҳузурига қайтиб келаётганда йўлда оғир касалликка учраб вафот этади. Мужириддиннинг элчилик фаолияти ва унга элчи сифатида берилган ёрлиқ ҳақида Умар ибн Муҳаммад ал-Котибнинг 1229 йилда тузган "Қиссаи салатин" асарида ҳам келтирилган.

Мужириддиннинг ўғли Тожиддин Мутазз Қўниё Султони Иззиддин Кайковус II [1245—1257 йиллар] ҳукмронлиги даврида Султон хазиначиси бўлиб хизмат қилади. Султон унинг хизматларини юқори баҳолайди. Унга Оқсарой ноҳиясидан мулк иқто қилиб берилади. Тожиддин Хулагухон саройига ҳам яқин одам эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразшоҳ мактубига Қайқубод I дан ташқари Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Муаззам Исо ҳам жавоб беради. Унинг мактубини Хоразмшоҳга Дамашқ қўшини қозиси Нажмиддин Халил келтиради. У ўз ҳукмдори номидан Хоразмшоҳ билан биргаликда ҳужум қилиш ва ҳимояланиш иттифоқини тузади. Бу иттифоққа кейинчалик Ибрил ҳукмдори Кўк Бўри ҳам киради. Жалолиддиннинг бу икки иттифоқчиси ҳам унинг номини хутбага қўшиб ўқиттиради ва номи битилган тангалар зарб эттиради.

[3] Мўғуллар 1221—1222 йилларда Озарбойжон ва Арронга қилган дастлабки юришлари натижасида мамлакатни талаб, хонавайрон қилиб кетади. Улардан кейин Озарбойжонга грузинлар бостириб киради. Улар Бойлақонга ҳужум қилиб, янги қурилаётган шаҳарни бузиб ташлайди. 620 йилнинг шаъбонида [1223 йил август-сентябрь] грузин қўшинлари князь Шалва бошчилигида Озарбойжонга юриш қилиб Сурмари шаҳрини қамал этади. Шаҳар ҳукмдори Двинга қайтаётган грузин қўшинига ҳужум қилади ва уларни Сурмари ҳамда Двин оралиғидаги дарада мағлуб этади. Князь Шалва асир олинади. Шоҳ Георгий IV Лаша [1215—1222 йиллар] ал-Малик ал-Ашраф Мусога мурожаат қилиб, асир олинган грузинларни қутқаришга ёрдам беришни сўрайди. Сурмари ҳукмдори Шалва ва бошқа грузинлар ал-Малик туфайли озод қилинади.

622 йил [1225 йил]да грузин қўшинлари Аррон пойтахти Ганжани қамал қилдилар, лекин бу муваффақиятсиз якунланади. Грузинлар шу йили Ширвоншоҳлар ўртасидаги ўзаро низолардан фойдаланиб, улар мамлакатининг катта қисмини босиб олади. Шу йили грузинлар Озарбойжонга ҳам ҳужум уюштиради.

[4] Котиб ал-иншо лавозими ҳақида 7-бобда маълумот берилган.

[5] *Учон* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар ва вилоят.

[6] Минувийнинг ёзишича, Табриз раиси Низомиддин Шамсиддин ат-Туғроийнинг укаси бўлган.

[7] Шамсиддин ат-Туғроий ва унинг жияни Низомиддин мўғулларнинг Озарбойжонга биринчи юриши пайтида Табризни шундай ҳимоя қиладиларки, улар уни босиб ололмайди. Фақат шаҳар аҳлидан пул, кийим-кечак олади ва қайтиб кетади.

[8] *Хой* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[9] Жалолиддин Табризга ўз шихнасини ҳам тайинлайди. Бу шихна Табризда хоразмлик лашкарларнинг талон-тарож ишлари билан шуғулланишларига йўл қўймайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

48-БОБ

СУЛТОННИНГ ГУРЖИЛАРНИ ҚАНДАЙ МАҒЛУБ ҚИЛГАНИ БАЁНИ

Султон Озарбойжонни босиб олганидан кейин гуржилар Двин теграсидаги Гарни номи билан машҳур бўлган жойга олтмиш минг одамини йиғди[1]. Уларнинг намойишкорона матонатлари орқасида аҳмоқона хатти-ҳаракатлар яширинган эди. Султон билан қўшни бўлишдан, ёнма-ён яшашдан улар қўрқув ва ваҳимага тушгандилар. Шу сабабли бу йиғин билан улар ўзларининг қудратли кучга эгалигини ва лашкарлари кўп эканлигини Султонга кўрсатиб қўймоқчи эдилар. Улар Султон бу йиғинни кўриб, биз билан ҳамкорлик қилишга интилади ва омонлик сўраб келади, шундай қилиб унинг бургут мисол ҳужумидан ёки қутурган денгиз каби босқинидан халос бўламиз, деб ўйлашганди[2]. Уларнинг бир пайтлари ўзлари учун ов маскани, осон ўлжа макони бўлган Отабеклар давлатининг қулаганини билгани ҳолда бунча қўшин билан бу ерга йиғилишининг сабаби ҳам шу эди[3].

Султон уларнинг бу йиғинининг сабабини билгач, яъни қўрқитиш ва бемаъни мақсадлар учун намойишкорона тўпланиш эканлигини англагач, қўл остидаги қўшин билан улар устига юрди. Бу пайтда қўшинларининг бир қисми турли ишлар билан Ироқ ва бошқа жойларга, ўз мулкларига жўнаб кетгандилар. У Аракс дарёси қирғоғига етиб келганда Жаҳон Паҳлавон бошчилигидаги ўз қўшини илғорининг амирларига дуч келди. Улар унга душман қўшини яқин ерда жойлашганини ва лашкарлари кўп эканлигини айтишди. Султон уларнинг маълумотига жавобан отини дарё оқими томон бурди. Уни душманнинг яқинлиги ва кўплиги ҳақида айтилган гап асло чўчитмади. Қўшин ҳам унинг кетидан дарёга от солди.

У Гарнига етиб келганида гуржиларнинг тоғ бағрида мустаҳкам ўрнашиб олганлигини, қоп-қора тусда, худди тун зулмати сингари атрофга ёйилганини кўрди. Уларнинг ўша куни ўзларини намоён қилувчи ишларидан бири бақириқлари бўлди. Улар осмонни тешиб юборгудай, кар қулоқлар ҳам эшитгудай ҳолда атрофни қичқириққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўлдирдилар. Султон уларнинг кўплигидан заррача ҳам қўрқмади. Бу беҳисоб одамлар унинг учун бўри олдидаги қўйлар сурувидан ёки арслонга дуч келган моллар подасидай гап эди. У тунда қўшинини улар қаршисига сафлантириб чиқди. Қўшини орқасини отлиқ лашкарлар билан тўлдирди. Марказни ўз паҳлавон лашкарлари ҳисобига кучайтирди. Ўнг томонни мард, алп ҳимоячилар эгаллашди, чап томонга эса ёйандозлар жойлашди. У кун бўйи гуржилар жанг қилгани тоғдан пастга тушади деб кутди, бироқ улар тушмади. Қуёш мағрибга бош қўйганда Султон учун марказда чодир тикланди. У тунни шу ерда ўтказди. Хонлар ва амирларга тонггача навбатма-навбат қоровуллик қилишни буюрди. Улар буйруққа биноан тун бўйи гулханлар ёнида ўтириб чиқдилар. Тонг маҳали у лашкарбошиларини ҳузурига чақириб деди: "Душман жанг қилишни истамай, ҳужумни орқага сурмоқда. Шунинг учун уларга ўзимиз ҳамма томондан ҳужум қилишга қарор қилдик. Агар ҳужум қиладиган бўлсак, улардан аввал бошлашимиз, уларнинг пастга тушишига йўл қўймай, ўқлар ёмғирини ёғдиришимиз керак". Султон тепаликка кўтарилиб, юришни бошлади. Аслида уни Оллоҳнинг ўзи юксакликка кўтариб қўйди. Унинг кетидан лашкарлари қанотини ёзган бургутлар мисол ҳужумга ташландилар. Бошқалар билан биргаликда Султон қўшинининг чап томони, Ғиёсиддин, Урхон, Иған Тоисий ва бошқа амирлар бошчилигидаги лашкарлар тоғ ёнбағрига тез кўтарилдилар. Уларга қарши гуржиларнинг энг айёр лашкарбошиларидан бири Шалва ҳужумга ташланди. Улар ўртасида жанг қизиди, камон ўқлари бўрон учирган қор учқунлари, кўкдан ёниб тушаётган юлдузлар мисол ёғилди. Мусулмон кофир билан, ғолиб мағлуб билан, тепадан тушаётган пастдан чиқаётган билан, отлиқ пиёда билан аралашиб кетди. Улар бир-бирларининг юраклари ва бўйин томирларини мўлжаллаб, аёвсиз қилич солар, шу тариқа тепаликни эгаллашга интиларди. Жанг майдонидан қочганлар фақат тоғ тепасида жон сақлаш мумкинлигини билдилар. Шу сабабли отлиқ лашкарлар ҳужумга ташланиб, жанг майдонига мардонавор кириб борганда гуржилар отларининг думларини Султон тулпорларининг бошига қаратдилар. Улар жанг майдонини ташлаб шар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мандали тарзда уятсизларча қочдилар. Улар орқаларидан таъқиб қилаётган қўшинлар олдида бамисоли овчилар олдидаги ўлжадай қочарди. Жанг майдони ўликлар билан тўла эди. Қочаётганлар, таъқиб оловидан ҳимояланишга уринганлардан тўрт мингдан ортиқ одам жанг майдонида қурбон бўлган эди[4].

Султон тепалик устида тўхтади, гуржилар унинг ҳузурига гуноҳкор бандалар дўзах оловига рўпара бўлгани сингари маҳзун тарзда бош эгиб келдилар. Уларнинг юзлари кофирлик чанги билан булғанган, бошлари эгик, ҳимоясизлик ботқоғига ботган эди. Султон тепаликда қочганларни таъқиб этиб кетганлар ўлжалар билан қайтиб келгунча турди. Агар кимдир унинг ёнига чиқмоқчи бўлса, ўликларни босиб ўтган ҳолда борарди.

Отабек Ўзбекнинг ҳожибларидан бири бўлган Шамсиддин ал-Қумий менга қуйидагиларни айтиб берганди: "Гуржилар билан жанг арафасида ҳукмдорим Ўзбек мени улар ҳузурига юборди. Шунда Шалва мени ҳурмат билан кутиб олди. Лекин мақтанчоқликда одоб чегарасидан чиқиб бундай деди: "Мен айни шу пайтда, давримда амир ал-мўъминин Али [ибн Абу Толиб] /Оллоҳ ундан рози бўлсин!) тирик бўлишини истардим[5]. Шунда мен унга куч қандай бўлишини кўрсатиб қўярдим, у Бадр ва Хайбар кунларини [жангларини] эсдан чиқарарди[6]".

Ўша куни, гуржиларнинг қўшинлари мағлуб этилган вақтда уларнинг лашкарбошиси ҳам ҳалок бўлди. Натижада уни (Шалвани) қўрқув қамраб олди. У ваҳима туфайли оёғи остидаги ернинг қаердалигини билолмай қолди. Юзига қон суркаб, шармандали тарзда ўликлар орасига яширинди. Уни Fиёсиддиннинг энагасининг ўғли, ёш бола ўликлар орасидан топди. Унинг қўл-оёғини боғлаб Султон ҳузурига олиб келди.

Шундай қилиб лаънатининг ниятларини Оллоҳнинг ўзи бартараф этди. Мақтанчоқлиги туфайли шарманда бўлди. У аслида мардлар сафида эмас, ҳатто эркаклар қаторида ҳам тилга олинмасди.

Султон уни қатл этишга шошилмади, раҳм-шафқат қилди. Бу билан у одамларга Оллоҳ исломнинг икки муборак санаси [Бадр ҳамда Хайбар кунлари]ни ва унинг муқаддас каломларининг тарғиботчилари [Муҳаммад

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда Али ибн Абу Толиб]ни ҳақоратлаган кимсага ҳам адолатли муносабатда эканлигини кўрсатишни истади[7].

Султон шахсий мулозимлари бошлиғи [малик алҳавасс] Тожиддин Қилич қўлига гуржилардан асир тушган асирлардан бир гуруҳини ва ўлдирилганларининг каллаларини бериб Табризга жўнатди. Бу билан у душман билан жангда Оллоҳ ўзига музаффарлик туғини берганлигини, натижада ғолиблик бахтига эришганлигини билдиришни буюрди.

Жанг Двин шаҳрига қадар давом этди[8]. Султон бироз фурсатдан кейин бу шаҳарни ҳужум қилиб қўлга киритди. Шаҳар босиб олингач, бу ерлик қозига мусулмонларни хотинлари ва болалари билан алоҳида ажратишни буюрди. [Бу иш мусулмонларни таламаслик мақсадида қилинган бўлса, эҳтимол].

Оллоҳ Султон ва унинг тарафдорларига кўплаб бойликлар, чекланмаган миқдорда ўлжалар ато қилди. Булар уларнинг ҳаммасига адолат билан тақсимланди.

Шу кунлари Сурмари ҳукмдорлари Шарофиддин Уздара ва Хусомиддин Хидир Султон ҳузурига келди ҳамда унинг хизматига кирдилар[9]. У уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тасдиқловчи ёрлиққа муҳр босди.

---

[1] Гарнидаги гуржилар сони Ибн ал-Асир ва епископ Степанос манбаларида 60 минг одам деб берилади. Жувайний уларни "80 мингдан ошиқ эди" дейди. Рашидиддин "Султон 30 минг лашкар билан гуржилар шаҳрига юриш бошлади", деб ёзади.

Гарни — ўрта аср қалъаси, унинг харобалари Ереваннинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган.

Двин — ан-Насавий уни "Зун" деб ёзади. У шаҳар ва шаҳар ичида қалъадан иборат бўлган. Ўрта асрда у Озарбойжон таркибига кирган. Бу ҳақда ал-Умарий, Абул Фидо, ал-Макризий, ас-Сулук, ибн Холдун каби тарихчилар ҳам маълумотлар берганлар.

[2] Бу пайтда Грузияни шоҳ Георгий IV Лашанинг қизи, малика Русудан [1222—1245 йиллар] бошқарарди. Гуржиларнинг битикларида "Хоразмликлар Георгий Лаша ўлимининг учинчи йилида [яъни 1225 йилда] келдилар", деб ёзилган.

[3] Бу ўринда гап Озарбойжондаги Отабеклар давлатининг [1136—1225 йиллар] қулаши ҳақида бормоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[4] Гарни яқинидаги жанг гуржи битикларида бундай тасвирланади: "Малика Русудан хоразмликларнинг ўз мамлакатига бостириб келаётганини эшитганда, мағриб ва машриқдаги қўшинларини чақиртирди. Унга отабек Иванени лашкарбоши қилиб тайинлади ва мамлакат байроғини тутқазди. Хоразмликлар Гарнига ўз қароргоҳларини тикдилар. Уларга қарши жойга малика қўшинлари жойлашди. Отабек Иване қўшин илғорига ахалсихлик, ака-ука ҳукмдорлар Иване ва Шалва бошчилигидаги лашкарларни қўйди.

Гуржилар ва Султон қўшинларининг илғори бир-бирларига яқинлашганда отабек Иване жанг қилишдан бош тортди. гуржиларнинг илғоридаги лашкарлар унга чопар жўнатиб, ёрдам сўрадилар: "Бизлар Султон лашкарига яқинлашдик. Лекин бизлар озчиликни ташкил этамиз. Олдимизда эса қонли кураш турибди. Сизлар бизларга ёрдам беришларингиз керак". Улар икки-уч марта ёрдам сўраб чопар юбордилар. Лекин у жавоб бермади. Ахалсих ҳукмдорлари Иване ва Шалва мард, ботир лашкарбошилар эди. Улар Султон қўшинларининг кўплигига қарамай, ёрдам ололмагани учун аламзадалик билан жангга киришдилар. Ниҳоятда даҳшатли жанг бўлиб ўтди, икки томондан ҳам кўплаб лашкарлар ҳалок бўлди. Отабек Иване ва гуржи лашкарлари бу жангни кузатиб турдилар, лекин ўз одамларига, юртдошларига ёрдам бермадилар. Айтишларича, отабек Иване ёрдамни қўрққанидан эмас, ахалсихлик ҳукмдорлар Иване ва Шалвага хусумати туфайли бермаган.

Жанг қизиган пайтда ака-укаларнинг отлари ўлади, натижада улар пиёдалар сафида жанг қиладилар. Ахалсихликларнинг қиличи сингач гуржилар қочадилар. Шалва асир олинади, Иване эса ҳалок бўлади". [К. Цховреба асаридан].

Арман битикларида ҳам гуржиларнинг Гарни яқинидаги мағлубиятида отабек Иване айбдор қилиб кўрсатилади. Себастаци бундай деб ёзади: "Гуржи лашкарбошиси Иване қўшинларини йиғиб Жалолиддинга қарши юрди. Иване Худонинг қаҳрига йўлиқди. У Гарни шаҳарчаси яқинида мағлубиятга учради. Қўшинларининг аксарият қисми қоятошларга урилиб даралар бағрида ҳалок бўлди".

Албан тарихчиси Киракос Гандзакеци Гарни жанги ҳақида бундай деб ёзади: "Иване кўп миқдорда қўшин йиғиб Султонга қарши курашга бел боғлади. Султон Котайк вилоятига келди. Иване ҳам ўша жойга иберлар қўшинини бошлаб борди. У хоразмликларни кўриб ваҳимага тушди ва шу ерда тўхтади. Султон эса қўшинини унинг лашкарларига бақамти олиб келди. Иберлар князларидан Шалва ва унинг укаси Иване мард, жангларда синалган, шуҳрат қозонган лашкарбошилардан бўлиб, бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шқа лашкарларга қарата бундай деди: "Бизлар жангга кирамиз, сизлар эса шу ерда туриб кутинглар. Агар бизлар уларнинг бирор қисм лашкарини орқага чекинтирсак, бас, ғалаба биз томон бўлади. Шунда сизлар ҳам жангга киринглар. Агар улар бизларни мағлуб қила бошласа, унда сизлар қочинглар, ўзларингизни қутқаринглар".

Улар жангга кириб Султон лашкарларини қира бошладилар. Бироқ иберлар лашкарлари бунга эътибор бермай, орқага қараб қоча бошладилар. Уларни ҳеч ким таъқиб қилмаса ҳам, қочиб бориб Гарни шаҳарчасидан тепада бўлган дарага кирдилар. Бундан хабар топган Султон лашкарлари уларни таъқиб қилишга тушди. Уларнинг кўпчилигини қирди ва қолганларини қоялардан пастга улоқтирди".

Гарни яқинидаги жанг 622 йилнинг шаъбон ойида [1225 йил август-сентябрь] бўлиб ўтди. Ибн ал-Асир маълумотига кўра, бу жангда гуржилар 20 минг ва ундан кўпроқ лашкарларидан ажралганлар. Шунингдек, кўплаб лашкарбошилар асир олинган. Улар орасида Шалва Ахалцихели ҳам бўлган. Отабек Иване эса Бжни қалъасига кириб яширинган.

[5] *Али ибн Абу Толиб [656—661 йиллар]* — ҳазрати Али, тўртинчи халифа.

[6] *Бадр* — Мадинанинг жанубий ғарбидаги қишлоқ. Бу ерда ҳижратнинг 2-йил рамазонида [624 йилнинг мартида] Муҳаммад сафдошлари билан маккаликлар ўртасида жанг бўлиб ўтади. Жанг Муҳаммад тарафдорлари ғалабаси билан якунланади. Бу Арабистон ярим оролида исломнинг кенг тарқалишига йўл очиб беради.

Хайбар — Мадина ва Дамашқ оралиғидаги воҳа. 628 йилда Муҳаммад томонидан босиб олинади. Ривоят қилишларича, ҳар иккала жангда ҳам ҳазрат Али мардонаворлигини, куч-қудратини намоён қилган. Шалванинг мақтанчоқлиги асосида шу гап ётади.

[7] Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Шалва гавдаси катта, бақувват одам бўлган. Уни Жалолиддин ҳузурига олиб келишганда Султон бундай деб сўраган: "Қани, сенинг мақтанган кучинг, қани, сенинг Зулфиқор қиличинг? [Ҳазрат Алининг машҳур қиличи номи]. Қани, бу қиличингнинг ҳаммани ҳайратга солувчи зарблари?" Шунда у: "Бу борада омад юлдузи Султонга кулиб боқди", деб жавоб берди. Шундан кейин у исломни қабул қилди ва муслим бўлди.

Ака-ука Шалва ва Иванега Жалолиддин ҳурмат кўрсатади. Улар Гуржистонни босиб олишда ёрдам беради, деб умид қилади. Султон уларга Моранд, Солмас, Урмиё ва Ушну шаҳарларини иқто қилиб беради. Аммо ака-укалар ёлғон ваъдалар би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лан уни алдайди. Тифлисга юриш қилиш олдидан Султон улардан сўрайди: "Қайси йўл яхши? Карсс йўли маъқулми ёки водийдан ўтадиган Марқоб йўли яхшими? Улар Карсс йўлига мустаҳкам истеҳкомлар қурилган, ундан ўтиб бўлмайди, дейишади. Марқоб довони орқали ўтадиган йўл марказий, ундан тўғри Тифлисга чиқиш мумкин ва яқин деб айтишади. Айни пайтда, ака-укалар Султоннинг Тифлисга қайси йўл билан бораётганлигини ўз одамларига хабар қилишади ва йўлда пистирма қўйишни тайинлайди. Султон Тифлисга элчи қилиб ташдор Маликни жўнатди ва малика Русудан билан музокара олиб боришни буюради. Ташдор Тифлисга келаётиб йўлда Кура дарёсининг бўйида маст роҳибни учратиб қолади. Роҳиб Шалванинг режалари ҳақида унга айтиб қўяди. Малик ортига қайтиб, йўлдаги пистирмадан Султонни хабардор қилади. Шундан кейин Шалва ва Иване сўроқ қилиниб, қатл этилади.

Гуржистон саройидагилар Жалолиддин элчиларини яхши кутиб олмайди, уларга иззат-ҳурмат кўрсатмайди. Оқибатда Жалолиддин Тифлисга ҳужум қилади.

Князь Шалванинг ўғли кейинчалик Кўниё султони Ғиёсиддин Қайхусров қўл остида лашкарбоши бўлиб хизмат қилади. У 641 йил муҳаррамида [1243 йил июль ойида] Бойжу нўён бошчилигидаги мўғул қўшинларига қарши курашда иштирок этади.

[8] Жалолиддин Двинни босиб олгач, Лорини ҳам эгаллайди. Кейин Алиобод қалъаси ёнидан ўтиб Тифлисга йўл олади.

[9] *Сурмари [ҳозирги Сурмалу]* — Аракснинг жанубий қирғоғидаги шаҳар. Ўрта аср қалъаси ҳисобланган Сурмари ҳозирги пайтда мавжуд бўлган "Қора қалъа" харобалари ўрнида жойлашган.

49-БОБ

СУЛТОННИНГ ДВИНДАН ТАБРИЗГА ҚАЙТИШИ ВА ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА ИККИНЧИ ЙИЛНИНГ РАЖАБИДА (1225 ЙИЛ ИЮЛЬ-АВГУСТ) ҚЎШИНИНИНГ БАРОНҒОРИНИНГ ГУРЖИЛАР МАМЛАКАТИДА ҚОЛДИРИЛИШИ БАЁНИ

Ғалабалар бир-бирига уланиб, бирининг кетидан иккинчиси қўлга киритила бошлангач Султон ўз қўшинларини Абхаз мамлакатининг чегараларига қадар қўйиб юборди. У Тифлисга йўл олиш арафасида Табризда турган Шарафулмулкдан мактуб олди. Мактубда у Шамсиддин ат-Туғроий ва унинг укасининг ўғли, ар-раис Низомиддинни ўзига суиқасд уюштиришда ҳамда Султонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши ғалаён кўтаришда айбларди. Бу аслида ёлғон, Шарафулмулкнинг улар иккаласидан ўч олиш мақсадида уюштирган бўҳтони эди. Орадан анча вақт ўтиб бу ҳеч қандай исботи йўқ туҳмат эканлиги маълум бўлди. Ат-Туғроий художўй, адолатпарвар одам эди. У қўл остидагиларга ғамхўрлик қилар, уларни ёмонликлардан ҳимоя этар, ҳеч кимга адолат чегарасидан чиқишга имкон бермасди. Агар ундан табризликлардан баъзилари бирор мумкин бўлмаган ёки мўлжалдагидан кўп нарсани талаб қилса, уларни инсофга чақирарди, агар бундай одамлар давлатманд ва давлат хизматидагилар бўлса, бошқалар олдида уялтирарди.

Шарафулмулкнинг ноиблари унинг бу хатти-ҳаракатларини хушламасди. Улар Табризни босиб олдик, унинг бойликларидан ҳам хоҳлаганча фойдаланишимиз мумкин, деб ўйлашарди. Озига эса қаноат қилмасди. Улар ютоққан оғизларини каттароқ очдилар, нафсларини қондириш йўлида эса паноҳ топдилар:

Мечкай кит кабидур у, чанқоғи қонмагай ҳеч,
Гарчанд денгиз комида — сувсизликдан қийналур.

Султон мактубни ўқиганидан кейин ғазаб отига минди, асабийлашди. У Табризга қайтишга қарор қилди. Бу диёрда аҳвол ёмонлашибдими, демак, уни ўнглаш керак деган фикрга келди. У қўшин баронғоридаги амирларни чодири олдига йиғдирди. Шунда унинг ҳузуридан ҳожиблардан бири чиқиб қуйидаги гапларни айтди: "Султон бундай деб буюрди: "Биз сизларнинг жанг майдонидаги бепарволикларингиздан ва эндиликда ўзаро маслаҳатлашиб орқага қайтиш тараддудларингиздан хабардормиз. Оллоҳ бизга ғалаба ато қилган ва кофирлар бошига ғамкулфатлар ёғдирган пайтда сизлар гуржиларга ўзларингизга ҳужум қилиш имконини берадиган бундай тараддудга тушишларингиз ақлга сиғмайдиган ишдир. Шу учун биз битта шарт эвазига сизларнинг гуноҳларингиздан ўтамиз. Шарт шуки, сизлар бу мамлакатда қоласизлар, то бизлар қайтиб келгунимизча унинг барча жойларига ҳужумлар уюштирасизлар, уларнинг силласини қуритиб, ғалабаларимизни мустаҳкамлайсизлар".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амирлар Жалолиддиннинг буйруғини бажаришга сўз бердилар, Султон уларга Сурмарининг икки ҳукмдорини Абхаз мамлакатининг тоғ ва дара йўлларида йўлбошчилик қилиши учун қолдирди.

Бу ерда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида энг яқин дўстим Ҳусомиддин Хидир шундай деб ҳикоя қилиб берганди: "Биз Абхаз мамлакатида уч ой бўлдик. Уларга тўхтовсиз ҳужумлар уюштириб турдик. Бундан мамлакат талон-тарож қилинди, аҳоли катта мусибатларни бошидан кечирди. Аҳвол шу даражага етдики, гуржи асирлари [мамлук]нинг нархи арзонлашди, уларнинг ҳар бири икки ёки уч динорга сотилди. Ҳатто моллари билан Довон орқасига ўтиб яширинганлар ҳам ҳужумларимиздан омон қолмади. Биз қочқинларни қайсидир довонга қадар таъқиб этиб борардик, кейин йўллар ёмонлиги, ўтиб бўлмаслиги учун лашкарларимизни тўхтатардик. Аммо лашкарларимиз гапларимизга қулоқ солмас, битта-иккита ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб таъқибни давом эттирарди. Орадан икки ёки уч кун ўтиб улар асирлар ва катта ўлжалар билан қайтардилар. Оллоҳ иноятн билан гуржилар хўрландилар. Улардан кўпчилиги қирилди. Ўлим ўйинчоққа айланди. Бундан қутилиш учун улар бир дарадан иккинчи дарага ўтиб яширинишар, аммо шунда ҳам ўлим қиличидан халос бўлолмас эди. Улар қадамлари мусулмонлар оёғи етмаган, ислом туғи бирор марта ҳам ҳилпирамаган, Қуръони каримдан бирор сура ёки оят ўқилмаган масканларга ҳам етиб борди".

Султон Табризга қайтиб келди. Шарафулмулк унинг ҳузурига ат-Туғроий ва унинг укасининг ўғлига нисбатан бўҳтон қилган ёлғончи ва разил кимсаларни олиб кирди. Улар Султонга аввал мактубда ёзиб юборилган бўҳтонларини яна такрорладилар. Улар одам қиёфасидаги шайтонлар эди. Фақат Оллоҳ уларга шайтоний қиёфа, бош ва дум бермаганди, холос.

Султон улар иккаласини қўлга олишни буюрди. Раис [Низомиддин]ни тутиб олгани ҳамон ўлдиришди, у қонига ботган кўйи кўчада қолди. Ат-Туғроий эса банди қилинди. Унинг юз минг динордан ортиқ ҳисобланган молмулки мусодара этилди. Аслида унинг бошига мусибат келтирган нарса ҳам шу бойлиги эди. Унинг шунча миқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дордаги бойлигидан Султон хазинасига бор-йўғи ўттиз минг динорга етар-етмас қисми топширилди, холос.

Ат-Туғроий соқчилар қуршовида Табриздан Мароғага юборилди. Шарафулмулк уни бутунлай йўқ қилиш ҳаракатига тушди. Уни қатл қилдириш учун Султон фармонини чиқартириш мақсадида кўплаб зиддиятлар юзага келтирди, айёрликлар ишлатди. Аммо Оллоҳ бу хушхулқли акобирнинг умрини узоқ қилишни хоҳлади. Унинг ўлимини Жалолиддиннинг Мароғадаги ноиби бўлган одам ҳам истамади. У унга от берди, ат-Туғроий тун қўйнида ғойиб бўлди. Бу ердан у Ирбилга борди[1]. Кейин Боғдодга ўтди, олти юз йигирма бешинчи йил [1227 йил декабрь 1228 йил ноябрь] ҳаж зиёратини қилди. Бу ерда ҳамма одамлар ал-Каъба атрофига йиғилган пайтда у бошига Қуръонни қўйган ҳолда баландроқ жойга кўтарилди. Атрофини турли мамлакатлардан келган ҳаж зиёратчилари ўраб олди. Улар орасида Султоннинг ҳаж зиёратчилари вакили ҳам бор эди. Шунда ат-Туғроий бундай деди: "Ҳой, мусулмонлар! Ҳамма мўъминларга яхши маълумки, Оллоҳ учун мана шу жойдан муқаддасроқ маскан йўқдир. Ва мана шу кундан улуғроқ кун ҳам йўқ. Шу билан бирга мана шу бошим устидаги Қуръони каримдан буюкроқ китоб ҳам йўқ. Шу сабабли мен мана шу учта нарса — муқаддас жой, муқаддас кун, муқаддас китоб ҳурмати қасам ичиб айтаманки, Шарафулмулк томонидан зиммамга қўйилган барча айблар ёлғон ва бўҳтондан бошқа нарса эмас!" У бу сўзларини Оллоҳ номига, Яратган ҳақига қасам, онт ичиб айтди.

Зиёратчиларнинг ҳаммаси ўз йўлларига: ким Шомга, ким Ироққа, ким мағриб ва ким машриққа кетдилар. Лекин ҳожиларнинг ҳаммаси хоҳ йўлда бўлсин, хоҳ юртларига боргач ана шу воқеа, ат-Туғроийнинг қасами ҳақида сўз юритдилар. Бу гаплар Султонга ҳам етиб келди. Унинг ҳожилар амири (амирул-ҳаж) ҳам ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни, Маккада кўрганларини Султонга айтиб берди. Султон ат-Туғроийнинг айбсиз эканлигига тўла ишонди. У бу борада қилган ишлари учун тавба қилди, қилмишларидан уялди. Бировларнинг сўзига кириб бу фожиага қўл урганидан, асрлар давомида ёмонлик билан эсланадиган аламли хотира қолдирганидан афсусланди[2].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, бу дунё шундай бевафо! Акс ҳолда, қани ўша тавба-тазаррулар? Тавба-тазарру қилувчиларнинг ўзлари-чи? Бу одамлар аллақачонлар замин бағридан жой олмадиларми? Шу учун Оллоҳ бизни Муқаддас китобида бундай деб огоҳлантиради: "Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун аниқлаб, текшириб кўринглар!"

Шундан кейин Султон ат-Туғроийга хавфсизлигини таъминлашга сўз берди, уни Табризга қайтартириб олиб келтирди. Таланган бойликлари ва мол-мулкини қайтариб берди. Уни машваратларга маслаҳатчи сифатида таклиф қила бошлади.

Султон ўшанда рамазон ойида Табризда турди ва рўза тутди. У саройига минбар ўрнаттирди ва турли вилоятлардан бу ерга келган энг ҳурматли ўттизта уламони номма-ном танлаб, ваъз ўқишга тайинлади. Улардан ҳар бири бир кундан ваъз ўқирди, бу пайтда Султон минбар яқинидаги тахтида ўтирарди. У ваъз ўқиш асносида ҳақиқатни айтганларга миннатдорлик билдирар, аксинча ўзини ҳаддан ошиқ мақтаб, ҳақиқатни хаспўшлайдиганларга танбеҳ берарди.

Садриддин ал-Аълавий ал-Мароғий [Оллоҳ унинг умрига умр қўшсин] Султон мақтовига сазовор бўлганлардан бири эди[3].

---

[1] Ирбил — Ироқнинг шимолий қисмидаги шаҳар.

[2] Ан-Насавий ёзганидек, Султоннинг вазири Шарафулмулк жамоат ичида обрўси юксак бўлган одамларга нисбатан ҳасад билан қараган ва уларга туҳмат қилиб, бадном этишга ҳаракат қилган.

Шамсиддин ат-Туғроий ва унинг жияни Низомиддин Табриз аҳолиси орасида катта ҳурматга сазовор бўлган. Вазир уларни Султонга қарши ғалаён кўтариб, отабек Ўзбекка ён босишда айблаган.

[3] *Садриддин ал-Аълавий ал-Мароғий* — машҳур уламо ва жамоат арбоби, қози. У Қазвин шаҳри атрофидаги деворни ва дарвозани қурдирган. Қабри Мадинада Муҳаммад пайғамбар хилхонаси билан ёнма-ён.

www.ziyouz.com kutubxonasi

50-БОБ

СУЛТОННИНГ ГАНЖАНИ ВА АРРОННИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИНИ ҚАНДАЙ БОСИБ ОЛГАНИ БАЁНИ

Султон гуржилар юртини ташлаб чиққанидан кейин маълум муддат Табризда турди. У бу ерда туриб Урхонни лашкарлари билан бирга Ганжага отлантирди. Унга Ганжани ва унинг атрофидаги жойларни Бойлакон, Барда, Шомхур, Шутурни қўлга киритишни буюрди[1]. Отабек Ўзбекнинг бу ердаги бошқарувчиси ар-раис Жамолиддин ал-Қумий эди. У катта кучга ва ҳокимиятга, беҳисоб бойликлар ҳамда пулга эгалик қиларди. Жамолиддин шаҳарни Урхонга топширди, айни пайтда ўзининг унга хизмат қилиш ниятини ҳам бирдирди. Урхон Ганжага ўрнашиб олди.

Шарафулмулк унинг билан бирга Ганжага ал-Қофий номи билан машҳур бўлган ўз ноибини ҳам юборди. У девон номидан иш юритиб, шаҳар қўлга олинганда товон пулини йиғиши керак эди.

Урхон шаҳарни эгаллагач, ўзига алоқаси бўлмаса ҳам, девон ишларини ҳам қўлга олишга ҳаракат қилди. У Султонга яқин қариндошлиги, мамлакатда катта мавқега эгалиги учун бу ишни қилишга жазм этди[2].

Улар [Урхон ва ал-Қофий] бу борада тортишиб қолдилар ва оқибатда низо пайдо бўлди. Урхон ал-Қофийга қарши қилич кўтарди. Бу маълумот Шарафулмулкка етиб келди. У эса бу хусусда Султонга шикоят қилди. Бу бойликларни ўзим учун эмас, хазинангиз учун йиғаяпман, деб тушунтирди. Султон Урхонни саройга чақиртириб олди.

Урхон ва Шарафулмулк ўртасидаги келишмовчилик уларнинг умрининг охирига қадар давом этди. Мен Урхоннинг Шарафулмулкка йўллаган номаларидан айримларини ўқиганман. Бу номаларда Урхон вазирнинг ҳар хил лақаблари ва расмий унвонларини айтмасдан, тўғридан-тўғри "Хожа Тош" деб мурожаат қилганди. Мактубларда вазирнинг давлат ишларидаги, девонни бошқаришдаги камчиликлари, хатолари, алдовлари рўйи рост айтилар, танбеҳ берилар, қораланарди. Шарафулмулк унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўнглини олишга интилар, лекин Урхон у билан келишишни истамасди. Вазир баъзан унинг кўнглини топиб рози қиларди, аммо у бундай пайтлари ҳеч нима демасди. Агар исмоилийлар Урхонни ўлдириб, Шарафулмулкни унинг исканжасидан халос қилмаганда эди, амир, барибир, вазир ўрнига бошқа бир одамни қўйдиришга муваффақ бўларди[3].

---

[1] *Бойлакон* — Озарбойжондаги ўрта аср шаҳри. Мўғуллар томонидан вайрон қилинган.

Барда — ҳозирги пайтда Озарбойжондаги туман марказларидан бири.

Шутур — Ганжадан 40—50 километр шарқда жойлашган қалъа.

[2] Ганжа аркига жойлашган отабек Ўзбек Урхон қўшинларининг шаҳар ва унинг атрофида олиб бораётган талон-тарож ишларидан Жалолиддинга шикоят қилган. Султон бир қисм лашкарлар жўнатиб, бу ерда талон-тарожларга барҳам берган.

[3] Исмоилийлар фаолияти ҳақда кейинги бобларда маълумотлар берилади.

51-БОБ

СУЛТОННИНГ ТЎҒРУЛ ИБН АРСЛОННИНГ ҚИЗИ БИЛАН НИКОҲДАН ЎТИШИ БАЁНИ

Султон Табризда пайтида ҳузурига Тўғрул ибн Арслоннинг қизи номидан бир гуруҳ аёллар келишди, Улар маликанинг Султонга тегиш нияти борлигини, бунинг учун у эри, отабек Ўзбекдан ажралганлигини исботлашга тайёр эканлигини билдиришди. Султон бир шарт билан унга уйланишга рози бўлди, у эридан ажралганлигини ҳақиқатан исботлаши керак эди[1].

Табризга яқин бўлган жойлардан бири Варзуконнинг қозиси ва яна бошқа одамлар малика эрига хиёнат қилганлиги сабабли отабек Ўзбек уни уч талоқ қилганлиги тўғрисидаги гапнинг тўғри эканлигини тасдиқлаб гувоҳлик бердилар[2].

Ўша пайтда Табризнинг қозиси бўлган фақиҳ Иззиддин ал-Қазвиний уларнинг эр-хотинликдан чиққанлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрисидаги ҳукмни эълон қилди[3]. Малика тўй пайтида устидан одамлар тилло тангалар сочиши учун аҳолига кўп миқдорда пул бердирди. Султон уни хотинликка олди.

Жалолиддин никоҳдан кейин Табриздан Хойга борди ва унинг ҳузурига кирди. Султон унга Хойдан ташқари яна иккита шаҳарни: Солмас ва Урмиёни, атрофидаги жойлар билан бирга қўшиб мулк қилиб берди.

Менга Отабек Ўзбекнинг вазири, ас-садр Робибиддин бундан кейинги воқеалар ҳақида шундай ҳикоя қилиб берганди:[4] "Отабек Ўзбек Нахичевоннинг Олинжа қалъасида турган пайтида Султоннинг Озарбойжонни қадамба-қадам босиб олаётганлигини эшитди[5]. У ҳеч нарса демади, фақат Қуръони каримнинг қуйидаги оятларини ўқишда давом этади: "Бу ер, шак-шубҳасиз, Оллоҳникидир. Уни ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники бўлур". Шундан кейин у никоҳ ҳақида эшитди. У ўзига хабар келтирувчидан сўради: "Никоҳ маликанинг ўз хоҳиши билан бўлдими ёки унинг истагига зид ҳолда амалга оширилдими?" Хабар келтирган деди: "Тўй унинг ўз хоҳишига ва Султонга бир неча бор совчи юбориши натижасида бўлди. У аввалги никоҳни ўзи бекор қилдирди ва бу ишга бош қўшганларни муносиб тақдирлади". Робибиддин ўз ҳикоясини бундай деб якунлади: "Шунда отабек Ўзбек бошини ёстиққа қўйди, унинг бирдан ҳарорати кўтарилди ва у бир неча кундан кейин оламдан ўтди"[6].

---

[1] Озарбойжон ва Аррон ҳукмдори отабек Ўзбек Табриздан Ганжага қочганидан кейин мамлакат ҳукмдорлиги унинг хотини — салжуқийларнинг охирги султони Тўғрул II нинг қизи қўлида қолди. Манбаларда айтилишича, Жалолиддин Табризни қамал қилгач пайтида у шаҳар девори устига чиқиб Султонни кўриб, уни севиб қолади. Натижада у Султоннинг ўзига уйланиши шарти билан Табризни жангсиз топширишини маълум қилади. Султон эса у отабек Ўзбекдан қонуний ажралмагунча никоҳига олмаслигини билдиради.

[2] *Варзукон* — Аҳар дарёсининг юқори қисмидаги шаҳар. Варзукон қозиси Камолиддин Аҳмад ибн Ал-Азиз ал-Марогий эди. Ўша пайтида маликанинг Жалолиддин никоҳига ўтишга Табриз қозиси Қавомиддин ал-Жидарий қарши чиқади. У отабек

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек хотинига расмий равишда талоқ бермаганлигини билар эди.

[3] Иззиддин Абуд Фадоил ибн Абд ал-Мажид ал-Қози ал-Қазвиний машҳур қози ва фақиҳ эди. У Табризга Жалолиддин қўшинлари билан бирга келган, шу ерда қолиб шаҳар қозилиги мансабини эгаллаганди. Унинг ўғли шайх Муҳиддин Абул Ҳасан Али ибн Абул Фадоил ҳам таниқли фақиҳ ва Табриз қозиларининг қозиси эди. У 648 йилда [1250 йилда] вафот этди. Иззиддиннинг набираси Имодиддин Абул Фадл Аҳмад ибн Муҳиддин Абул Ҳасан Али ибн Абуд Фадоил ал-Қазвиний ат-Табризий ҳам машҳур қози бўлиб етишган. Иззиддиннинг эвараси ҳам Табризнинг қозиларидан бири эди.

[4] Вазир Робибиддин ҳақида асарнинг кириш қисми изоҳида маълумот берилган.

[5] *Олинжа қалъа* — Нахичевон яқинидаги энг мустаҳкам ҳисобланган ўрта аср қалъаси.

[6] Отабек Ўзбек Хоразмшоҳ таъқибидан қочиб Ганжадан Олинжа қалъасига боради ва ўша ерда вафот этади.

52-*БОБ*

ТАБРИЗ ҚОЗИЛИГИДАН ҚАВОМИДДИН АЛ-ЖИДАРИЙНИНГ ЧЕТЛАТИЛИШИ ВА ИЗЗИДДИН АЛ-ҚАЗВИНИЙНИНГ БУ МАНСАБГА ТАЙИНЛАНИШИ САБАБИ БАЁНИ

Султон Озарбойжоннинг теграсидаги жойларни босиб олишга тадорик кўраётган, ғолиблик нашидасидан баҳраманд бўлишга интилаётган ва муваффақиятлар жомини тўла сипқориш умидида турган пайтда отабек Ўзбек девонида хазинадорлар бошлиғи лавозимини бошқараётган Камолиддин элчи сифатида унинг ҳузурига ташриф буюрди. У Султонга хушомадгўйлик қилиб отабек Ўзбекни ўз ўрнида қолдиришни илтимос қилди. Ана шунда Отабек унинг номини хутбага қўшиб ўқиттиришини, номида тангалар зарб қилдиришини, Султон хазинасига белгиланган миқдорда товон пули тўлашга тайёр эканлигини билдирди. Бироқ унинг бу гаплари Султон қулоғига кирмади, юрагига етиб бормади.

Юқорида номи эслатилган элчига фақиҳ Иззиддин ал-Қазвиний ҳам ҳамкорлик қилиб келганди. У олижаноб, эпчил, илмли одам эди. Ат-Туғроий ўз пулига Табризда мадраса қурдирганда мударрисликка уни ҳам таклиф эт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганди. Бундан ташқари, у бошқа мадрасаларда ҳам сабоқ берарди. Иззидин бундан Султон Озарбойжонни босиб олиш иштиёқида эканлигига амин бўлди. Отабек Ўзбек ҳақидаги гап унга қояга урилаётган шабада сингари ҳам таъсир қилмаслигини англади. Шу сабабли у Шарафулмулкнинг кўнглини топишга уринди. Ундан Султон Табризни босиб олгач, ўзини бу ерга қози қилиб тайинлаш ваъдасини олди.

Бу пайтда Табриз қозиси ат-Туғроийнинг жияни Қавомиддин ал-Жидарий эди. Уларга қозилик аждодлардан мерос бўлиб ўтиб келаётган мансаб ҳисобланарди.

Султон Табризни эгаллаган дастлабки пайтда ат-Туғроийнинг ҳурмат-эҳтироми юксак эди, унинг сўзлари инобатга олинарди. Бундан ал-Қазнавий ваъда этилган қозилик мансаби ат-Туғроий бошига бирор бахтсизлик тушмагунча ўзига тегмаслигини англаб етди. Шундан кейин у Шарафулмулкка ат-Туғроий ҳақида ҳар хил туҳмат, бўҳтон гапларни етказа бошлади. У бу ишни Шарафулмулкни ат-Туғроийга қарши қилиб қўйгунча давом эттирди. Охир-оқибатда ат-Туғроий Шарафулмулк кўз ўнгида ёвуз душманга, қайсар одамга айланди. Шундан кейин унинг бошига мусибатлар тушди. Бу ҳақда биз юқорида ҳикоя қилган эдик. Ал-Қазвиний эса қозилик мансабини қўлга киритди.

Менга айтишларича, ал-Қазвиний бандиликда ётган ат-Туғроий ёнига борибди. У сўзда ат-Туғроийга қайғудош эканлигини билдирса-да, кўнглида ёвуз ниятига етганлигидан хурсандлигини яшира олмаган. Ал-Қазнавий келишидан олдин ат-Туғроийнинг дўстлари унинг ҳузурига ташриф буюрганлар. Улар ал-Қазвинийнинг намоз ўқийдиган гиламчасини ат-Туғроий ёнида қолдирганлар. Ат-Туғроий бу гиламчанинг кимники эканлигини таниб, оёқ кийимлар турган тарафга улоқтириб юборган. Шундан кейин унинг ёнига ал-Қазвиний келган. У ат-Туғроийга қатл этилган жияни, раис Низомиддин тўғрисида таъзия билдирган. Бироқ ат-Туғроий унинг бу таъзиясига жавобан бирор оғиз гапирмаган. Сўнг ал-Қазвиний бундай деган: "Марҳум адолатсизлик туфайли ўлим топди, у кўчага ташлаб кетилган эди. Мен уни кафанга ўраб кўмдим".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шунда ат-Туғроий йиғлади ва бундай деди: "Унинг ўлими ҳақида айтган гапинг менинг дилимни оғритмади. Чунки:

Инсон минг йил яшаса-да барибир.
Бир кун чўбин отга — тобутга минмоғи аниқ[1].

Лекин сенинг уни кафанга ўраганинг ҳақида гапинг хонадонимиз учун ор-номус, уят, у дунёю бу дунё кечирилмас шармандаликдир!"

Ал-Қазвиний Шарафулмулк ёнида катта мансабга эга бўлди, у ўзига алоқаси бўлмаган ишларга ҳам аралаша бошлади. Кимнидир улуғлади, кимнидир хўрлади. Ҳақиқий мансабга лойиқ одамларни четлаштириб, ўзига ён босган, кўнглини топган одамларга нолойиқ бўлса ҳам мансаб берди.

Бу аҳвол Султон ҳузурига Дамашқ қозиси Исо ибн ал-Малик ал-Одил Абу Бакр ибн Айюб (Оллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин!) элчи бўлиб келгунча қадар давом этди[2]. Элчига Жалолиддиннинг элчиси, қози Мужириддин ҳамроҳлик қилди[3].

Элчи фахрий ёрлиғини Султонга топшириб чиққанидан кейин, вазир Шарафулмулк қабулхонасида (мажлис) таниқли одамлар даврасида ўтириб қолди. Бу ерда қози Мужириддин Дамашқ қозисига деди: "Бизнинг муҳтарам вазиримизга Иззиддин ал-Қазвиний сенга нима деганини айтгин". Дамашқ қозиси унинг гапларини айтгиси келмади. Мужириддин бу гаплардан бошқаларни огоҳ қилиш Султон фойдаси учун зарур эканлигини эслатди. Шундан сўнг элчи бундай деди: "Ҳақиқатан, қози Иззиддин менга шундай деб таъна қилди: "Сенинг муҳтарам жанобинг ал-Малик ал-Муаззам ўз ака-укалари бўлган султонлар билан ҳамкорлик қилмай, бу Жалолиддин билан дўстона алоқа ўрнатиб нимага эришаман деб ўйлаётибди? Оллоҳга қасам ичиб айтаманки, унинг ўзаро душман бўлган ака-укалари бу ёвуз ниятли одамнинг самимий муносабатидан кўра унга кўпроқ фойда келтиради. Ишончим комилки, сенинг ҳукмдоринг ҳозир қилаётган ишларига вақти келиб пушаймон бўлади, аммо ўшанда унинг тазарруълари фойда бермайди"[4].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарафулмулк бу гапларни эшитиб ғазабланди. Ал-Қазвинийни чақириб бу гапларни айтувчи билан юзма-юз қилди. Ал-Қазвиний уятдан тили тутилиб, ғўлдираб қолди. Айбига иқрор бўлди. Шунда Шарафулмулк унга деди: "Агар кексалигингни эътиборга олмаганда,, олимлигингни ҳурмат қилмаганда эдик, қилич сенинг калланг учун хайф бўлса ҳам аямасдик. Энди эса бу ердан йўқол, ифлос!" Иззиддин шармандалик ботқоғига ботган қўйи бу ердан кетди.

Мен бу муҳтарам зотлардан қайси бир яхши, қайси бири яхшиликдан йироқ эканлигини билмадим. Балким, улар ичида ёмони ҳикоя қилувчидир, эҳтимол, уни эшитиб жазоловчидир, балким бу гапларни айтувчидир? Аммо нима бўлганда ҳам бир нарсани тан олишимиз керак: Иззиддин бир томонлама ҳақ, у келгусида бўладиган гапларни аниқ башорат қилганди. Буни ҳаёт ҳам амалда исботлади. Бироқ на чораки, бу ишларнинг ҳаммаси яхшиликка ёмонлик, сотқинлик, ярамаслик, шармандалик каби азалий иллатлар асосида намоён бўлганди.

Шундан кейин Иззиддин ишдан олинди, мол-мулки мусодара этилди. Ўзи қазган чоҳга ўзи йиқилди. Мужириддин Табриз қозиси қилиб тайинланди. Бу ҳақда, агар Оллоҳ имкон берса, кейинроқ ҳикоя қиламиз[5].

---

[1] Исломгача яшаб ўтган шоир Қаъб ибн Зуҳайрнинг қасидасидан парча.

[2] Дамашқ, Қуддуси Шариф ва уларга яқин бўлган вилоятлар ҳукмдори ал-Малик ал-Муаззам Исо Хоразмшоҳ билан 619 йил (1221-1222 йиллар) да ҳамкорлик қила бошлаган эди. Бунда у ўз ака-укалари ал-Комил ва ал-Ашрафга қарши иттифоқдошга эга бўламан, деб ўйлаганди. Унинг Хоразмшоҳ ҳузурига йўллаган дастлабки элчиси муҳтасиб Садриддин ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Бакри бўлди. У Жалолиддинга ал-Малик ал-Муаззамнинг оғайнилари қарши иттифоқ тузганликларини маълум қилди. Ал-Малик ал-Муаззамнинг бу галги, ушбу бобда номи келтирилган элчиси Нажмиддин Халил ибн Али ибн ал-Ҳусайн эди. У Дамашқдаги қўшинлар қозиси эди.

Ал-Малик ал-Муаззамнинг элчиси Нажмиддин Халил 1227 йилда Дамашққа қайтгач, ҳукмдорига Хоразмшоҳни қўпол ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

такаббур одам деб шикоят қилади. Ал-Малик ал-Муаззам 1227 йилда акаси ал-Малик ал-Комилга қарши юришда Султондан ёрдам сўрайди ва бунинг эвазига унинг номини хутбага қўшиб ўқиттиришга, номида танга зарб эттиришга ваъда беради.

[3] Мужириддиннинг элчилиги ҳақида 47-бобда маълумотлар берилган.

[4] Ал-Малик ал-Муаззам ҳақиқатан ҳам акаси ал-Малик ал-Комилнинг номини хутбага қўшиб ўқитишни тўхтатади. Шундан кейин ал-Комил Дамашққа юриш қилади, бироқ муваффақиятга эриша олмайди.

[5] Бу ҳақда 55-бобда ўқийсиз.

53-БОБ

СУЛТОННИНГ ГУРЖИЛАР МАМЛАКАТИГА ҚАЙТИШИ ВА ТИФЛИСНИ БОСИБ ОЛИШИ БАЁНИ

Байрамдан кейин Султон Гуржистонга иккинчи бор юриш қилди. Бу билан у исломнинг қудратини улуғлади, хочга сиғинувчиларнинг юзларига эса мағлублик ғуборини қўндирди. Аракс дарёси бўйига етганимизда оғир касал бўлиб қолдим ва йўлни давом эттиришга мажолим етмади. Шунда Султон Сурмарининг икки хукмдорига орқага, ўз шаҳрига қайтишга рухсат берди ва мен ҳам улар билан бирга қайтадиган бўлдим. Шу билан бирга уларга ҳар қандай ишни менинг иштирокимда амалга ошириш буюрилди. Агар бирор мамлакатдан, масалан, аш-Шом, ар-Рум, Гуржистон ва бошқа давлатлар ҳукмдорларидан нома келадиган бўлса, улар бу номани фақат менинг иштирокимда очишга ҳақли эди. Ёки юқоридаги мамлакатлардан элчилар, чопарлар келса ҳам, уларни бу икки ҳукмдор менинг иштирокимда қабул қилиши лозим эди. Хуллас, давлат аҳамиятига молик бўлган, бу икки ҳукмдор амалга оширадиган иш менинг иштирокимсиз ҳал қилинмаслиги белгиланди. Мен буларнинг ҳаммасига кўз-қулоқ бўлиб туришим зарур эди. Улар билан етти ой давомида бирга қолиб кетдим. Чунки Султон қароргоҳига бориш қийин эди, у Абхазлар юртининг энг ичкарисига кириб кетганди[1].

Султон Аракс дарёсининг қирғоғида турган пайтида Шалва ал-Қуржидан нома олиб кетаётган айғоқчини қўлга

www.ziyouz.com kutubxonasi

туширди. Бу нома абхаз амирлари (князлари)га йўлланган бўлиб, у (Шалва) унда Султоннинг улар томонга бораётганлигини айтиб, огоҳлантирган эди[2]. Шунда Султон буйруғига кўра Шалванинг гавдаси қоқ ўртасидан бўлиб ташланди.

Шу йил қишда Султон ва унинг қўшинлари гуржилар мамлакатида қор кўп ёққанлиги туфайли ҳар хил мусибатларга дучор бўлдилар. Кўкнинг юзини булут қоплаб олди, совуқ авжига чиқди. Бундан нафақат юзлар, оёқлар. қўллар, ҳатто отларнинг туёқлари ҳам музлаб қолди.

Султон Тифлис водийсига етиб боргач, бу ерга юклар ва араваларсиз лашкарларнинг ўзларини чиқарди. У Тифлиснинг мустаҳкам, деворларининг аксарият қисми тоғ тепасига қурилганлигини ва баланд қилиб тиклинганлигини кўрди. Шаҳарни босиб олиш қийин эди. Тифлис аҳолиси эса парвона ўзини оловга ургани каби жанг қизиб турган, ҳар дақиқада ўлим юз бераётган жойга яқинлашарди. Бу одамларни жангнинг қандай бораётгани қизиқтирарди. Улар шаҳар деворлари устидан кетиб улгурмасдан бирдан ҳужум бошланиб қолди. Шу дақиқа шаҳар аҳолисидан қанчасининг каллалари танасидан жудо бўлди. Жангни томоша қилувчилардан бир қисми эса шаҳар дарвозаси олдида тиқилишиб қолди. Ғиёсиддин лашкарлари билан шаҳар аҳолисидан аввалроқ дарвоза олдида пайдо бўлди. Шундан кейин шаҳар ҳужум билан босиб олинди[3]. Қиличлар ва найзалар ишга тушди. Шаҳардаги гуржилар ва арманларнинг ҳаммаси қиличдан ўтказилди.

Гуржилар қўшинлари ва аъёнларининг бир қисми қалъага кириб ҳимояланишди. Тифлис ўзига хос йўсинда барпо этилганди. У бир томондан тоғ билан водий оралиғига жойлашганди. Шаҳар ва шаҳар ичидаги қалъани Кура дарёси ажратиб турарди. Дарё катта бўлиб, ундан кечиб ўтиш қийин эди. Шаҳар ва қалъани бир-бири билан дарё устидаги эски ёғоч кўприк боғлаб турарди. Аммо бу кўприк қалъага чекинганлар томонидан ёқиб юборилганди.

Султон бир кун давомида лашкарларини дарёнинг у қирғоғига, қалъа томонга ўтказиш билан банд бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оллоҳ унинг ва қўшинининг оғирини енгил қилди, Султон қўшини қалъани ўраб олди. Лашкарлар қамал қуролларини жангга тайёрлай бошлади. Шу пайт қалъадан гуржиларнинг чопари омонлик (талаб ал-аман) сўраб чиқди. Султон бунга рози бўлди, чунки қиш совуғи жондан ўтган эди. Қалъа босиб олинди[4]. Султон бу ердаги ҳамма нарсаларни, асрлар давомида йиғилган барча бойликларни йиғиштириб олдирди. Бу ердан олинган нарсаларни ҳисоблаб чиқишга бармоқлар етмаслиги, уларни ёзиб олишга қоғозлар камлик қилиши аниқ эди.

---

[1] Бу ерда ва умуман, асардаги бошқа ўринларда ҳам Абхаз сўзи гуржилар мамлакати сифатида келтирилади.

[2] Бу ҳақда 48-бобга ҳам қаранг.

[3] Жалолиддин 623 йилнинг муҳаррам ва сафар ойларида (1226 йил январь, февраль, март ойларида) қўшинларини Тифлис юришига тайёрлаш билан банд бўлди. Шаҳар 1226 йилнинг 9 мартида босиб олинган.

Бироқ шаҳар босиб олингунга қадар ҳам бир қанча воқеалар бўлиб ўтади: Гуржи қўшинлари бошлиғи қилиб Иване Мхаргрдзелининг ўғли Авак тайинланади. Жалолиддин Тифлисга юриш қилишидан олдин Авак билан Бжни қалъасида учрашиб суҳбатлашади. Султон унга бундай дейди: "Мен Гуржистонга уни талон-тарож қилиш учун эмас, тинчлик асосида ҳамкорлик қилиш учун келдим. Лекин сизлар негадир тезликда қуролланиб, менга қарши чиқдингизлар. Шу билан тинчлик ҳақидаги ният орзу бўлиб қолди. Сен ҳозир гуржилар давлатининг асосий вазирларидан бири экансан, гапимга қулоқ сол. Сен менинг аждодларим, мамлакатимнинг улуғворлиги ҳақида эшитмаганмисан? Мен улуғ ҳукмдор Хоразмшоҳнинг ўғлиман, аммо омад Хоразмшоҳлар уйидан юз ўгирди. Қаерда бўлмасин Чингизхондан мағлуб бўлдим. Натижада унинг кучли, ўзимнинг эса кучсиз эканлигимни билганимдан сўнг, мамлакатимни ташлаб, Гуржистонга тинчлик истаб келдим. Мен сизларнинг мамлакатингизнинг қудрати, гуржиларнинг матонати ҳақида эшитганман. Эндиликда эса биз ўзаро ҳамкорлик қилиб, душманга қарши биргаликда курашишимиз керак. Эшитишимга кўра, сизларнинг ҳукмдорингиз аёл экан. Уни менга хотинликка беринглар, мен сизларнинг ҳукмдорингиз бўлай, ана шунда душманларимизга қарши биргаликда кура-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шамиз, уларни мағлуб қиламиз. Агар бунга рози бўлмасангизлар, мамлакатларингиз хонавайрон қилинади. Бу ишни мен қилмаган тақдиримда ҳам тоторлар қилиши аниқ. Сизлар уларга қаршилик қила олмайсизлар, бунинг учун кучларингиз етмайди. Ҳукмдорингизга чопар юборинглар, менинг таклифимни етказинглар. Мен Гуржистонни босиб олишни истамайман, уни сизларнинг ёрдамингизда душманлардан ҳимоя қиламан. Ана шунда тинчлик ўрнатилади". (Картлис Цховреба битикларидан.)

Авак Русуданга чопар жўнатади, аммо у Хоразмшоҳ таклифини рад қилади. Шундан кейин Жалолиддин Гуржистонга бостириб киради. Аланлар, лаклар, қипчоқлар билан тўлдирилган гуржи қўшинлари Хоразмшоҳга қарши чиқади. Лекин Султон уларни бир неча бор мағлуб этиб, Сомхити йўлини эгаллайди. Гуржилар қўшинларини Тифлисга қадар таъқиб қилади. Шоҳ малика Русудан сарой аҳли билан бирга Кутаисига кўчиб ўтади. Тифлис ҳимоясини ака-ука лашкарбошилар Мемна ва Боцо Боцосдзениларга қолдиради. Шаҳар учун жангда гоҳ хоразмликларнинг, гоҳ гуржиларнинг қўли баланд келади. Аммо Жалолиддин қўшинлари Тифлисда яшайдиган мусулмонлар ёрдами билан Ганжа дарвозаси орқали шаҳарга бостириб киradилар.

Шаҳар кўчаларидаги жангда Мемна тифлислик мусулмон томонидан ўлдирилади. Шундан кейин қолган лашкарлар Исааки аркига кириб ҳимояланадилар.

Хоразмликлар шаҳарда талон-тарож ўтказадилар, одамларни қирғин қиладилар.

[4] Малика Русудан хоразмликларнинг Тифлисда аҳолини қирғин қилганини эшитганидан сўнг, арқдаги лашкарлар бошлиғи Боцога таслим бўлишни буюради. Ўн мингдан ошиқ лашкарлар асир олинади. Жалолиддин уларга исломни қабул қилишни таклиф этади. Аммо, битикчиларнинг айтишича, асирлар бунга рози бўлмайди. Шунда уларнинг ҳаммаси кўприк устида ўлдирилиб Кура дарёсига ташланади. Шундан кейин бу кўприк "Тифлислик ўн минг жабрдийдаларнинг муқаддас кўприги" деб номланади.

Жалолиддин Тифлисни босиб олганидан сўнг Гуржистоннинг Сомхити, Картли, Триалети, Самцхе, Тао, Жавахети, Артаани каби вилоятларига ҳам юришлар қилади, уларнинг молмулкларини талон-тарож этади.

Тифлис ва Шарқий Гуржистон тўла босиб олинганидан сўнг Жалолиддин бу ерда ўз номида тангалар зарб қилдиради. Унинг номида тангалар ниҳоятда кўп зарб этилган, ҳатто улар Русудан номидаги тангалардан ҳам кўпроқни ташкил этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

54-БОБ

СУЛТОННИНГ КИРМОНДА БАРОҚ ҲОЖИБГА ҲУЖУМ ҚИЛИШГА ИНТИЛИШИ ВА КИРМОННИ ҚЎЛГА КИРИТОЛМАЙ ҚАЙТИШИ БАЁНИ[1]

Султон Тифлисни босиб олиб, юришларини Абхазнинг энг олис чегараларига қадар етказган пайтда Ироқдан ноҳуш хабарлар тез-тез кела бошлади. Бу хабарларда Бароқнинг Султонга бўйсунмасликка интилаётгани, ёмон ниятларни ўйлаётгани, тоторлар билан номалар битишиб, элчилар алмашаётгани, уларни Хоразмшоҳга қарши гижгижлаётгани каби маълумотлар бор эди. Бундан ташқари, у белгиланган миқдордаги товон ҳам тўламай қўйганди[2].

Султоннинг Ироқдаги вазири Шарафиддин Али ибн ал-Фадл ат-Тафириший булар ҳақида унга деярли ҳар куни маълумотлар юбориб турарди[3]. Кунларнинг бирида Жалолиддин Абхазда пайтида Бароқнинг бундан фойдаланиб ўзига тегишли жойлардан бирига қароргоҳ ўрнаттиргани эшитди[4]. Бароқни бундай иш қилишга қизиққонлиги, оғирни енгил деб ўйлаши сабабчи бўлганди. У Султон Кирмонга келса, ҳужум қилиб, осонгина ғалабага эришаман, деб ният этганди.

Султон енгил қуролланган лашкарлардан (жарида) олти мингтасини танлаб олиб Кирмон сари юзланди. У шу билан бирга укаси Ғиёсиддинни ҳам ёнига олди. Агар хиёнаткор Бароқ бу ердан қувиб чиқариладиган бўлса, у Кирмонни укасига беришга ваъда қилди. Чунки Кирмон аслида ҳам укасининг мулки эди, фақат у бу мулкни айёр, муттаҳамнинг қўлига топшириб қўйганди. Султон ҳарам ва юкларини таниқли хонлар ҳамда амирлари билан бирга Килокунда қолдирди[5].

Шарафулмулк бу пайтда Тифлисда эди. У бу шаҳарни ўзига марказ қилиб олиб лашкарларни гуржилар устига юборар, улар эса аҳоли устига гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан ҳужумлар қилиб, мол-мулкларининг қолган-қутганларини таларди. Мен бу пайтда, юқорида айтганимдек, Сурмарида эдим. Султон ҳақида хабарлар бизга етиб келмасди.

Шундай кунларнинг бирида ўз хаёлларим ва ташвишларим билан банд бўлиб ўтирганимда кутилмаганда Сул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тон човушларидан бири кириб келди. У Султон келаётганини билдирди. Човуш Аракс дарёсининг Сурмарига яқин жойда кўприк қуришимизни айтиш учун юборилган экан. Мен ва Сурмарининг икки ҳукмдори ҳам кўприк қуриб бўлингунча шу ерда бўлдик. Султон кўприкдан ўтиб шаҳарнинг шарқий чеккасига келиб тушди. Унга Сурмарида гуржиларининг таниқли князларидан учтаси асирликда сақланаётгани хабарини етказишди. Улар бир пайтлари Султоннинг ўзи асир қилиб олган ва малик ал-ҳаваcс Тожиддин Қилич орқали Табризга юбортирган бандилардан эди. Уларни Шарафулмулкнинг ноибларидан бири олиб келганди. Асирларга йигирма минг динор тўлаш ҳисобига озодлик ваъда қилинганди. Бу пулнинг аксарият қисмини газлама, кийимлар, буюмлар, моллар ҳисобида Шарафулмулкнинг ноиби олиб бўлган, эндиликда уларни озод қилиш фурсати етганди. Лекин Султон мени чақириб, уларни ҳеч ким озод қилмаслиги ҳақида буюриб, бундай деди: "Агар мен душманларимизни сотишни истаганимда эди, гуржилардан шунчалик кўп саховат кўрардимки, бу бойлик оловда ёнмай, вақт уммонида йўқ бўлмай мангуга сақланарди".

Султон уларнинг товон пули учун олиб келинган нарсаларининг бирортасига тегмай Кирмонга йўл олди. Мен бу нарсаларнинг ҳаммасини ўша пайтда Тифлисда бўлган Шарафулмулкка жўнатдим. У исрофгарлик отига шундай қамчи урдики, оқибатда хазинада бу юборилганлардан ҳеч нарса қолмади.

Жалолиддин Кирмонга жўнатилган қўшиндан ташқари яна беш мингта отлиқ лашкарлар билан Ҳилот атрофидаги жойларга юриш қилди. Сурмарида унинг ёнига Санжақонхон қўшилди. Улар Ҳилотнинг Сурмарига яқин бўлган жойларига ҳужум қилди. Уч кундан кейин йўлларга сиғмайдиган даражадаги ўлжалар билан қайтиб келдилар. Кейин Султон емасдан, ичмасдан, туну кун демай, шамолдан ҳам тез елиб Кирмон сари кетди:

Суворийлар минган жанговар отлар
Учдилар чиқариб гўё қанотлар.

Султонни йўл чарчатди, бироқ у Бароқ борасида ўйлаган мақсадига ета олмади[6]. Бароқ ўта эҳтиёткор одам эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразмшоҳ унинг яна қайта қалъага кириб ҳимояланганини эшитгач, кўнглидаги ниятлардан воз кечиб, асабийлашган ҳолда ортига қайтди.

---

[1]Бароқ Ҳожиб ҳақида 42-бобга қаранг.

[2]Бароқ Ҳожиб ҳар гал султон Жалолиддин бошига ташвиш тушганда ёки унинг Кирмондан узоқда эканлигини эшитганда мустақиллигини намоён қилгиси келиб қоларди. Бу гал ҳам у Султоннинг Гуржистонга ҳужум уюштириш билан банд эканлигини эшитганидан сўнг ўз мустақиллигини эълон қилди ва Хоразмшоҳ хазинасига солиқ пули тўлашни тўхтатди.

[3]Жалолиддиннинг Ироқдаги вазири ва волийси Шарафиддин Али ибн ал-Фадл ат-Тафриший ҳақида 59-бобга қаранг. Тафриш — жой номи.

[4]Бароқнинг Жалолиддинга қарши ғалаён кўтаргани хабари 1226 йил май-июнь ойларида маълум бўлади.

Бароқ Кирмонни Жалолиддиндан мустақил деб эълон қилди ва Ироқни босиб олишга уринди. У мўғулларга элчи юбориб, Кирмонда Султон қўшинларининг камлигини билдирди ҳамда уларни Хоразмшоҳ устига юриш қилишга чақирди.

[5]Килокун —Кўкча (ҳозирги Севан) кўлига яқин ердаги қалъа.

[6]Султон Тифлис билан Кирмон оралиғини 17 кунда босиб ўтади. У йўлда Бароққа элчи юбориб, ўзига бўйсунишини талаб этади. Бироқ Бароқ мустаҳкам қалъалардан бирига кириб олиб ҳимояланади. Жалолиддин вақт кўп кетиши мумкинлиги учун уни қамал қилишдан воз кечади. У Ҳилотга юриш учун тайёргарлик кўриб Исфахон яқинида тўради. Кейин Тифлисга қайтиб келади. Бунинг устига у Ҳилот ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафнинг ўз мулкига ҳужум қилганлигини эшитади. Шундан кейин Бароқ Кирмоннинг мустақил ҳукмдори бўлиб қолади.

55-БОБ

СУЛТОН ЙЎҚ ПАЙТИДА ГУРЖИЛАР МАМЛАКАТИДА ҚОЛГАН ҚЎШИНЛАР БОШИДАН КЕЧГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу пайтда Шарафулмулк Тифлисда эди.

Килокунда турган хонларга Шарафулмулк Тифлисда қамалда қолибди, гуржилар унга кўнгиллилардан иборат ниҳоятда катта куч билан ҳужум қилиб ўраб олибди, деган нохуш хабарлар етиб келди. Хонлар бу оғир аҳволда

www.ziyouz.com kutubxonasi

унга қандай ёрдам бериш ва мусибатлардан халос қилиш йўллари тўғрисида ўйлаб маслаҳатлаша бошладилар. Уларнинг кўпчилиги вазир бошига тушган ташвишлар ҳақида бош қотирмаслик керак, бунинг ўрнига Султон бойликлари ва ҳарамини ҳимоя қилиш борасида зиммамизга юкланган ишлар билан шуғулланайлик, дейишди. Шунда Урхон бундай деди: " Агар гуржилар Султон вазирини мана шундай катта қўшинимиз ёнгинасида туриб асир олсалар, бу бизнинг давлатимиз учун унутиб ҳам, ювиб ҳам кеткизиб бўлмайдиган катта доғ бўлади. Натижада машаққатлар билан қўлга киритган шон-шуҳратимиз ўрнини қўрқоқлигимиз ҳақидаги миш-мишлар, таънаю дашномлар эгаллайди".

Урхон бошқа хонлардан фарқли ўлароқ Шарафулмулк билан душманлик муносабатда бўлса ҳам, уни ҳимоя қилиш таклифини ўртага ташлади. У (Урхон) феъл-атворига кўра ақлли, мушоҳадали, қатъиятли, матонатли ва олижаноб инсон эди.

Кейин у ўз қўшини билан юришга отланди. Бошқа хонлар унинг Шарафулмулкка ёрдам бериш ниятини, вазирни ҳимоя қилиш йўлидаги астойдил интилишини кўриб ўз қўшинлари билан унга қўшилдилар. Унинг қўл остига беш мингдан ортиқ отлиқ лашкарлар тўпланди ва улар Тифлис сари йўлга тушдилар.

Мен ҳам улар билан бирга бордим. Кейин маълум бўлдики, Тифлиснинг қамал қилингани ҳақидаги маълумот ёлғон бўлиб чиқди.

Бизлардан икки кун кейин бу ерга келган Малик алҳаввасс Тожиддин Қилич Султоннинг Ироқдан қайтиб Нахичевонга борганини айтди. Бундай яхши хабар учун одатдагидек Шарафулмулк унга тўрт минг динор совға қилди. Унинг кетидан Султоннинг ўзи ҳам етиб келди. Қўшинлар ўлжа ва бойлик излаб Гуржилар мамлакати бўйлаб ёйилиб кетди. Султон Тифлис ҳукмдори қилиб Қир Маликни, Астробод муқтаси этиб эса Тожиддин ал-Ҳасанни, Журжон ҳукмдорлигига Нусратиддин Муҳаммад ибн Кобуджомни тайинлади[1].

Султон буюмлар, юклар, ўлжалардан халос бўлган лашкарларни олиб Ҳилот сари йўл олди. У шаҳарга яқинлашганда унга ҳилотликлар ҳамда бу ерда турган Шом

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўшинлари қарши чиқди. Хоразмшоҳ улар устига бостириб борди, аёвсиз жанг натижасида атроф қонига ботган қадорлар ва асирларга тўлиб кетди. Одамлар шаҳар ичига чекиндилар. Улар кетидан лашкарлар бостириб киришилар, лекин улар бир зумда шаҳардан қайтиб чиқдилар[2].

Қўшинларнинг шаҳардан қайтиб чиқиш сабаблари ҳақида турли миш-мишлар тарқалди. Одамларнинг айтишича, шаҳар талон-тарож қилинмаслиги учун лашкарларнинг қайтишига Султон буйруқ берган эмиш. Хоразмшоҳ шаҳарни қачон хоҳласа, ўшанда босиб олишга ишонгани сабабли шундай қилганмиш. Ҳилотликлар эса Жалолиддин лашкарларини куч билан шаҳардан қувиб чиқарганини таъкидладилар. Кимнинг гапига ишониш мумкин? Бу ёлғиз Оллоҳга аён, ундан яхшироқ билувчи йўқдир. Султон Ҳилот яқинида қирқ кун турди, сўнг орқага қайтди.

Султон ҳарами, юк араваларини қолдириб Ҳилотга юриш қилган пайтда, Шарафулмулк қишлаш учун Ганжага қайтди.

Арзон ар-Рум ҳукмдори болаларидан бирини чўқинтириб, уни гуржилар маликасига уйлантирганди[3]. Султон Тифлисни босиб олганда бу ўсмир йигитчани ёнига чақириб, омонлик берган, ҳимоятига олиб жой билан таъминлаганди. Султон Ҳилотга юриш қилган пайтда йигитча шайтоннинг сўзига кириб, Яратганни унутиб, гуржилар тарафига қочиб кетди[4]. У гуржиларга Тифлисда Султон лашкарларидан оз қолганлигини ва кучи камлигини айтди. Гуржилар Султоннинг шаҳардан узоқдалигидан ва бу ерда камсонли лашкарлар қолганлигидан фойдаланиб, имкон қадар тўплаган пиёда ва отлиқ қўшинлари билан Тифлис томон юрдилар.

Қир Малик ва унинг ёнидаги амирлар қўрқоқлиги туфайли шаҳарни ташлаб чиқдилар. Қир Малик аввал ҳам ишёқмаслиги, беҳафсалалиги билан "ном қозонган"лардан эди. Гуржилар шаҳарга бостириб киради ва уни ўз қўлларида сақлаб қола олмаслигини билиб ўт қўйиб юборади.

Ганжада турган Шарафулмулк Ҳилотни қамал қилиб ётган Жалолиддинга мактуб ёзди. Мактубда гуржиларнинг Тифлисни босиб олиш учун одам йиғаётганидан огоҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лантиради. Султон Тифлисга қайтади, аммо юқоридаги ишлар у огоҳлантирилган пайтдаёқ амалга ошириб бўлинганди. Душманни батамом бартараф этиш учун қулай пайт бой берилган. Султон ўз мақсадига эришолмаган эди[5].

Бу орада туркманларнинг Иваъий қабиласи Султоннинг ғазабига дучор бўлди[6]: улар чегарадаги вилоятларга босқинчиликлар қилар, йўлларда юриш ниҳоятда хавфли бўлиб қолган эди. Бу қабила одамлари ниҳоятда кўп эди, баъзан улар ўн мингдан ортиқ отлиқ одамлар билан босқинчиликлар уюштирардилар.

Султон Ҳилотни ташлаб чиққанидан кейин улар устига юриш қилди. Босқинчилар жазосини тортдилар: калласи танасидан жудо бўлган ва ўлдирилганлар ҳисобсиз эди. У уларнинг молларини Муқон томонга ҳайдаттирди. Ўлжанинг бешдан бир қисми (ал-хумс)нинг ўзи ўттиз минг бош молдан ошарди[7].

Жалолиддин иваликларга нисбатан ғазабини уларга қарши юриш билан қондирганидан кейин қўшинидаги хос мулозимларидан юзта отлиқ лашкарни ажратиб олди. Улар билан ҳамкорликда Хойга, бу ернинг ҳукмдори бўлган малика билан учрашувга отланди. Шаҳарга яқинлашганида унга Беклик ас-Садидий ва ал-даватдор Сункуржа бошчилигидаги отабек (Ўзбек) мамлукларидан иборат қўшин Хой остонасидаги ўтлоқларда кутиб турганлигини маълум қилишди[8]. Улар сони Султон сафдошларидан икки баробар кўп эди. Аммо Султон орқага қайтгиси келмади, ҳаётини таҳликага қўйиб бўлсада, олдинга ташланди. Кутиб турганлар қўрқиб қочдилар, у уларнинг кетидан таъқиб этди. Қочаётганлар чарчаб тўхтадилар ва Султон одамларидан омонлик сўрай бошладилар. У уларнинг гуноҳидан ўтди. Улар Султон хизматига кирдилар.

Гуржилар Тифлисни ёқиб юборганларидан кейин Султон Ганжага қадар борди.

Шарафулмулк бу гал Ҳилотга йўл олган Султонни кузатиб қўйганидан кейин қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмийни қаматтирди ва унга йигирма минг динор жарима солдирди. У унга элчи пайтингда Султонга хиёнат қилгансан, деб айб қўйди. Қози бир ой, жаримада белгиланган пулни тўлагунча бандиликда сақланди. Қозининг айтишича, ундан хизмат ҳақи ва порага олинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

пул Султон хазинасига тўланадиган жаримадан бир неча баравар ошиб кетган.

Бу воқеадан кейин Шарафулмулк одамлар ўртасида мавқеи юксак, Хоразмшоҳлар учун беҳисоб хизматлар қилган машҳур Мужириддиннинг Султонга яқин бўлган хизматкорлар орасида юришини истамади. У уни Табриз қозиси этиб тайинлади. Бу лавозим унинг учун муносиб эмас эди[9].

---

[1] Жалолиддин 623 йил рамазонда (1226 йил август-сентябрь) Кирмондан Тифлисга қайтиб келаётиб ўша пайтда гуржиларга қарам бўлган Ани ва Карс шаҳарларига ҳужум қилади. Анида Иване Мхаргрдзели бошчилигидаги қўшинлар жойлашганди. Кетма-кет ҳужумлар ва қамал қуролларининг ишлатилишига қарамай шаҳарлар қўлга киритилмайди. Жалолиддин қўшинларидан қамал учун қолдириб, Тифлисга қайтади. Арман битикларида айтилишича, у йўл-йўлакай Кимоҳ ва Арзинжон шаҳарларини ҳам босиб олади. Хусомиддин Қирхон Малик ва яна бир қанча амирлар Жалолиддин ўлимидан кейин қўшинлари билан турли мамлакатларга тарқалиб кетадилар. Қирхон Маликни ва амирлар Баракатхон, Йилон Буғу, Сорихон Хонберди кабиларни Кўниё султони Аловуддин Қайқубод ўз хизматига таклиф этади. Амирлар Султонга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд этадилар. Эвазига уч юз бош фахрий кийим-бош, Арзрумдан мулк оладилар. Қирхон эса Арзинжонни икто сифатида қўлга киритади. Қайқубод ўлимидан кейин (634 йил — 1237 йил) мамлакат султони унинг ўғли Fиёсиддин Қайхусров II бўлади. Қирхон унинг хизматига киради. Аммо амир Саъдаддин Кўпак Қирхонни Султонга ёмонлайди. Уни Султон хизматидан бош тортиш ва қўл остидаги лашкарларни бошқа давлатларга олиб кетишга интилишда айблайди. Қирхон ушланади ва қалъада банди сифатида сақланади. У бу ерда касал бўлиб вафот этади. Бундан хабар топган хоразмлик амирлар Кўниё султонлигини ўз қўшинлари билан тарк этадилар. Улар бу ердан кетиш олдидан талон-тарожликларни амалга оширадилар. Уларга қарши юборилган Султон қўшинлари хоразмликлар томонидан мағлуб этилади. Шундан кейин улар Сурия томонга кетадилар. Харран, Руха, Ракка, Суруж каби жойларни ва шаҳарларни эгаллайдилар. Аммо кейинчалик улар сурияликларнинг бирлашган қўшинлари томонидан мағлуб қилинади. Кейин улар Боғдодга бориб халифа ал-Мустансир (1226-1242 йиллар) хизматига киради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тожиддин ал-Ҳасан ҳақида маълумот 21-бобда берилган. Нусратиддин Муҳаммад ибн Кобуджом ҳақида маълумотлар 7-, 21-, 32-бобларда берилган.

[2] Жалолиддиннинг Ҳилотни биринчи марта қамал қилиши 623 йил зулқаъданинг 15 кунига (1226 йил 7 ноябрига) тўғри келади. Ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотдаги ноиби Ҳожиб Ҳусомиддин Али ибн Ҳаммад ал-Мавсилий бўлган. "Ҳаракатчан, куйди-пишди одам бўлган. Айюбийларнинг Арманистондаги ютуқлари шу одам билан боғлиқ".

Ал-Малик ал-Ашраф Мусо Ҳилотдаги ноиби ҳожиб Алига нома юбориб, Жалолиддин лашкарларининг шафқатсизлигидан огоҳлантиради ва шаҳар тақдири ҳақида қайғуради. Жалолиддин Ҳилотга кутилмаганда ҳужум қилишга ҳаракат қилади. Аммо айғоқчилар ҳожиб Алига хабар берадилар ва шаҳар ҳимояга тайёрланади. Хоразмликлар шаҳар деворлари остига қадар келади, жанг қилиб Ҳилот ичкарисига ҳам киради. Суқ ал-Дақиқ бозорига қадар етиб боради. Шундан кейин улар одатдагидай аҳолини талаб, ўлдира бошлайди. Шаҳар аҳли ҳимоя учун оёққа қалқади ва хоразмликларни шаҳардан қувиб чиқаради. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин Жалолиддин шаҳарга яна ҳужум қилади, лекин бу гал ҳам босиб ололмайди.

Ҳилот қамали 623 йил зулҳижжанинг 25 кунига (1226 йил 15 декабрга) қадар давом этади. Шундан кейин совуқ тушганлиги, қор ёққанлиги сабабли қамал тўхтатилади.

[3] *Арзон ар-Рум* — Туркия теграсидаги Арзрум шаҳри.

[4] Румни бошқарган салжуқий султон Иззиддин Қилич Арслон II (1156—1192 йиллар) ўлимидан олдин мамлакатини 12 та ўғлига бўлиб беради. Шулардан бири Абул Харис Муғисиддин Тўғрулшоҳ Арзрумнинг ҳукмдори бўлади. Ибн ал-Асирнинг айтишича, 620 йилда (1223—1224 йиллар) мусулмонлар учун кутилмаган ғалати воқеа рўй беради. Арзрум ҳукмдори Гуржистонга элчи юбориб, катта ўғли учун гуржилар маликаси Русуданнинг қўлини сўратади. Лекин гуржилар подшоҳи салжуқий шаҳзода насроний динида бўлмаганлиги учун унга қизини бера олмаслигини билдиради. (Баъзи манбаларда бу шаҳзоданинг номи Довуд дейилади.) Шунда отаси Довудга насронийликни қабул қилишни буюради. У динини ташлаб бошқа динни қабул қилади ва Русуданга уйланади. Тарихчиларнинг ёзишича, Русуданда бир ғалати хусусият бўлиб, тез-тез эрни алмаштириб турган. Кунларнинг бирида салжуқий шаҳзода хотинининг мусулмон қуллардан бири билан ётгани устидан чиқиб қолди. Шунда у хотинини қўймоқчи бўлганида Русудан эрини зиндонга ташлатади. Кейин у Аланлар мамлакатидан бўлган хушсурат йигитга тегади. Орадан сал вақт ўтиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

у билан ажралишади. Сўнг ганжалик бир мусулмонни кўнгли тусаб қолади, аммо у динини ўзгартиришни истамайди. Унинг эр алмаштириш борасидаги ишларига Иване Мхаргрдзели бошчилигидаги сарой аҳли қарши чиқади. Келгусида бу борадаги ишларни Русуданнинг ёлғиз ўзи ҳал қилишини у таъқиқлаб қўяди.

Ибн Биби эса бу воқеани сал бошқачароқ, лекин шу мазмунда ҳикоя қилади.

[5] 624 йил раби аввалида (1227 йил февраль-март) гуржилар қўшинлари Хоразмшоҳнинг асосий кучлари Тифлисда йўқлигидан фойдаланиб, унга ҳужум қилади. Хоразмликларнинг оз сонли лашкарлари қочади, гуржилар Тифлисни талайдилар. Жалолиддиннинг келаётганини эшитгач эса шаҳарни ёндириб қочадилар.

[6] Иваъий қабиласи ўғузларнинг асосий уруғларидан бири ҳисобланади. Иваъийликлар халифа ал-Муқтафий даврида (1136-1160 йиллар) Шаҳразур шаҳрини эгаллаганлар. Уларнинг йўлбошчиси Қипчоқ ибн Арслонтош ат-Туркманий бўлган. Уларга қарши Мўсул ҳукмдори отабек Имодиддин Занги (1127-1146 йиллар) юриш қилиб, мағлуб этган ва мулкларини босиб олган. Шундан кейин улар Мўсул ҳукмдорлари қўл остида хизмат қилган. Кейинчалик бошқа ҳукмдорлар ҳам улар хизматидан фойдаланганлар. Хоразмшоҳ қўл остида хизматда бўлган амир Шаҳобиддин Сулаймоншоҳ ал-Иваъий (у ҳақда ан-Насавий ҳам маълумот берган) амир Қипчоқ авлодларидан бири ҳисобланади.

Жалолиддин Ҳилотни иккинчи бир қамал қилганда шаҳар ичида қамалда иваъий амирлардан Исмоил ал-Иваъий ҳам бўлган. (Бу ҳақда 86-бобга қаранг).

Иваъийлар Жалолиддин қўшинлари Ҳилот қамали билан бандлигини кўриб Озарбойжоннинг Аштар ва Урмиё шаҳарларини босиб олади. Султон хотини, Тўғрул II қизи яшайдиган Хой шаҳри аҳолисидан солиқ йиғиб олади. Табризга борадиган карвон йўлини эгаллаб, улардан 29 минг бош майда молларни, кўплаб маҳсулотларни тортиб олади. Уларнинг бу ишлари ҳақида Жалолиддинга хотини хабар беради. Шундан кейин Султон улар устига юриш қилади, аҳолисининг кўп қисмини қириб ташлайди, бойликларини тортиб олдиради.

[7] *Муқон* — Озарбойжондаги шаҳар, ҳозирги номи Муғон.

[8] *Даватдор (арабча дават — сиёҳдон сўзидан)* — султонликда ёзув қуролларини ташувчи одам.

[9] Мужириддин Умар ҳақида 47-, 52-, 66-бобларга қаранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

56-БОБ

ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА УЧИНЧИ (1226) ЙИЛДА МАҒРИБ ЭЛЧИСИ ШАМСИДДИННИНГ КЕЛИШИ БАЁНИ

Султоннинг Ганжага бу галги ташрифи пайтида Мағриб элчиси ҳам шу ерга келди[1]. Улар унинг элчилик фаолиятига шубҳа билан қараб, чин дилдан ишонмаётган бўлса ҳам ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди, келиши эвазига қабул маросими, зиёфат уюштирилди. Лекин улар кўнглидаги шубҳа Султоннинг ар-Румдаги элчиси қайтиб келгунча аримади[2]. Султон элчиси Мағриб элчиси денгиз орқали ўтиб ар-Румга келганлигини тасдиқлади. Ар-Рум ҳукмдори Аловуддин Қайкубод шахсан ўзи уни кутиб олган, унинг келиши шарафига чодир тиклатган. Мағрибликка ҳурмат-иззат, эҳтиром кўратилган. Лекин у уларнинг ҳузурига эмас, Султон ҳузурига элчи бўлиб келаётганини билдирган. Шундан кейин Румликларнинг унга нисбатан ҳурмат-иззат, меҳмондорчилиги ҳам ниҳоясига етган. Султон элчисининг бу гапларидан кейин унинг мағриблик эканига ҳам, элчилик фаолиятига ҳам шубҳа қолмади. Султон уни ўз ҳузурига чақирди, мен улар ўртасида таржимонлик қилдим.

Мен унинг элчи сифатида Султонга нималар дегани, қандай гаплашгани хусусида ҳикоя қилиб бермоқчи эмасман. Бу зерикарли ва бошқалар учун аҳамиятсиз гаплар, деб ўйлайман. Унинг элчилик фаолиятига нисбатан шубҳа-гумонларимзни бартараф этган яна бир сабаб бор эди: у самимий, кўнглидаги бор гапни тўкиб соладиган, тўғри сўздан қайтмайдиган, энг асосийси, бойликка ҳам, молмулкка ҳам эътиборсиз одам эди. У Ганжада бир йил ёки ундан ҳам кўпроқ вақт, то унга қайтишга рухсат бергунча турди. Бу вақт ичида унга берилган пул миқдори ўн минг динордан ошмади. У Ганжани тарк этаётган пайтда эса бу маблағдан бир динор ҳам қолмади. У ҳатто баъзи савдогарлардан қарз эвазига катта миқдорда пул олди, лекин у бу пулларни ҳам хайр-барака ишларига ишлатди.

Юртига қайтиш арафасида у Султонга мурожаат қилиб, туғ ва дўмбира беришларини сўради. Шу билан бирга Дамашқ атрофидаги Жаннат аз-Забадания мулкининг ўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тегишли эканлиги ҳақида фармон (тавқ) чиқариб беришни илтимос қилди[3]. У бу ерлар унга аждодларидан мерос бўлиб текканини, бироқ ўзидан зўрлик билан тортиб олинганини айтди. Султон у сўраган ва илтимос қилган нарсаларнинг ҳаммасини амалга оширишга рози бўлди. У билан бирга Тоқиддин ал-Хофизни ўз элчиси қилиб жўнатди. Жалолиддин мамлакатида таниқли ва давлат ишларида юқори мавқега эга бўлган бу шахсни хорижлик элчи ёнида узоқ юртларга шунчаки ҳамроҳ қилиб юборишни истамади.

Улар кетганларидан кейин Ироқ томондан тоторлар қўшинлари бу ерга етиб келганликлари ҳақида миш-мишлар тарқалди. Султон тезлик билан Исфахонга етиб боришга қарор қилди. У йўлга чиқди ва фақат Озарбойжоннинг Майанижида тўхтади[4]. Оқ дарё (Сафидруд) бўйидаги кенгликларда қўшинларини кўрикдан ўтказди.

Султон қўшинларини кўрикдан ўтказиб, лашкарларини кўздан кечириб юрган пайтда мағриблик элчи Марокадан қайтиб келди. Шунда Султон менга "Нимага қайтиб келганини сўраб бил-чи", деди. Мен ундан сўрадим, у бундай деб жавоб берди: "Мен душман яқинлашиб, Султон юриш бошлаганини эшитдим. Шунда Оллоҳнинг жиҳод қилгувчиларни (уйларида) бекиниб ўтириб олувчилардан афзал қилганини ўз кўзим билан кўрмоқчи бўлдим". Султон унга бу сўзлари учун миннатдорчилик билдириб, деди: "Халифаларнинг сафдошлари доимо мана шундай бўлмоқликлари керак!". Жалолиддин менга элчига ҳамроҳлик қилиб, қўшинларни кўрсатишимни буюрди. Мен у айтгандай қилдим. Биз Султон ҳузурига қайтиб келганимизда элчидан "Амир ал-муслиминнинг лашкарлари кўпми ёки бизники?" деб сўради[5]. У "Амир ал-муслимининг лашкарлари бу лашкарларга нисбатан бир неча баравар кўп. Аммо улар сафида кўнгиллилар ва пиёдалар кўпчиликни ташкил қилади. Бу лашкарлар эса марту майдон одамлар экан", деди.

Шундан кейин Ироқдан яна бошқа хабар келди. Бу хабарга кўра, Ироққа келган қўшинлар Султон Ҳиндистонда қолдирган лашкарларнинг бир қисми эканлиги маълум бўлди. Улар бу ерга Билгахон бошчилигида етиб келганди[6].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элчи Мўсулга етиб борганида бир гуруҳ одамлар унга тунда ҳужум қилишади ва уни олиб кетишади. Шундан кейин у қайтиб келмади. Кейинчалик маълум бўлишича, у Боғдодга олиб кетилган экан[7]. Унинг читлар ва отлари Султонга қайтарилди. Кейинги тақдири эса номаълум бўлиб қолди.

---

[1] *Мағриб* — Шимолий-ғарбий Африка, хусусан, ҳозирги Суданга яқин жойлар англашилган. Мағриб элчисининг Султон ҳузурига келганлиги ҳақиқатга яқин деб ҳисобланадиган бўлса, у Алмаҳдийлар халифалигидан ташриф буюрган. Алмаҳдийлар Суданда ҳукмронлик қилиб ўтган. Бу халифаликда 1224—1227 йилларда Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Одил ҳукмдорлик қилган. Мағриб элчисининг қандай ниятлари бўлганлигини билиб бўлмаса ҳам бир нарсани англаш мумкин: Жалолиддиннинг номи, унинг қаҳрамонлиги бошқа мамлакатларга ҳам етиб борганлиги аниқ.

[2] *Ар-Рум* — ўрта аср араб тарихчилари бу ном остида Византия империясини тушунишган. Бу ўринда ар-Рум салжуқийлар ҳукмронлик қилган Кичик Осиё маъносида тушунилган.

[3] *Ал-Жаннат аз-Забадания* — Дамашқ атрофидаги водий.

[4] *Майаниж (Мияна)* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[5] Ан-Насавий асари матнида Алмаҳдийлар халифасини "Амир ал-муслимин" деб ёзади. Аслида Алмаҳдийлар халифалиги ўзларини "Амир ал-Мўъминин" деб номлаганди. Ан-Насавий Аббосийлар халифалигидан чўчигани учунми уларни бошқачароқ атаган. Бу ўринда икки ном ўртасида фарқ бор. "Амир ал-мўъминин" — мусулмонларнинг энг ишончли, тўғри йўлдан борган халифаси маъносида ишлатилган. "Амир ал-муслимин" мусулмонлар халифаси маъносида ишлатилган.

[6] Тожиддин Билгахон ҳақида II-бобга қаранг. Бу Билгахон шунинг авлодларидан.

[7] Аббосийлар халифаси Алмаҳдийлар халифалигини тан олмаган. Бунинг устига уларнинг Султон билан ҳамкорлик қилиши ҳам аббосийларга маъқул келмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

57-БОБ

ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЙИЛДА (1226-1227 ЙИЛЛАР ОРАЛИҒИ) СУЛТОННИНГ БОЙЛАКОН ВА АРДОБИЛНИ ҲАМДА УЛАРГА ЯҚИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРНИ ШАРАФУЛМУЛККА МУЛК ҚИЛИБ БЕРИШИ БАЁНИ[1]

Султон шу йили Ироққа йўл олар экан, иккала шаҳарни ҳам хонавайрон бўлган ҳолда кўрди. Уларга аҳолининг кўчиб бориб яшашига имкон қилмаган эди[2]. У бу шаҳарларда ҳатто отлари учун ем ҳам топа олмади: у-бу нарсалар излаб борганлар эса қуруқ қоплар билан қайтиб келишди.

Шарафулмулк бу шаҳарлар мамлакат мулклари теграсида жойлашгани сабабли, агар уларга эътибор берилмаса яна ҳам қаровсиз қолиб, вайронага айланишини билгани учун эгаллаб олди[3].

Ўша йили у шаҳарлар атрофини ғишт деворлар билан ўратди. Аҳолининг яшаши учун имкониятлар яратди. Орадан кўп ўтмай иккала шаҳар ҳам олдингисига нисбатан чиройли қилиб қурилди. Улар шундай даромад келтира бошладики, Ганжа ва Табриздан йиғиладиган маблағ уларники олдида ниҳоятда оз бўлиб қолди.

Бир йилдан ёки ундан ҳам ортиғроқ вақтдан кейин Султон Бойлакон яқинида тўхтади. Шарафулмулк мен орқали Султонга қуйидаги мазмундаги номани киритди: "Каминаи камтарин қулингиз сиз жаноби олийларига шуни маълум қиладики, Бойлакондан олинган даромад ҳисобидан хазинамизга қуйидаги миқдордаги маҳсулотлар олиб келиб топширилди, рухсат этилган қўйлардан минг бош, буғдойдан минг маккук, арпадан минг маккук"[4].

Султон ҳисобот битилган бу нома билан танишар экан, кулимсираб қўя қолди.

---

[1] *Ардобил* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[2] Бойлакон ва Ардобил мўғулларнинг биринчи юриши пайтида 618 йил рамазонида (1221 йил октябрь-ноябрида) вайрон қилинган эди.

3 Мамлакат теграсидаги давлатга қарашли бўлган ерлар хос ерлар ҳисобланган. Улар девон ал-хос томонидан бошқарил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Қадимий манбаларда султонлар, шоҳлар, хонларга тегишли мулклар амлак ал-хос, ҳаракатдаги мулклар асбоб ал-хос, барча мол-мулклар эса амлок ва асбоб ал-хос деб юритилган.

[4] *Маккук* — донни ўлчайдиган оғирлик бирлиги, у 24,75 литрга тенг бўлган.

58-БОБ

ОТАБЕК ЎЗБЕКНИНГ ЎҒЛИ МАЛИК ХОМУШ ВА УНИНГ СУЛТОН ХИЗМАТИГА КЕЛИШИ БАЁНИ[1]

Отабек Ўзбекдан ёлғиз ёдгор бўлиб, унинг ўғли Малик Хомуш қолди. У туғма кар ва соқов эди. Бошқаларнинг нима деганини тушунмасди, бошқалар эса унинг ниятини имо-ишоралари орқали англарди. Тарбиячисидан бошқа ҳеч ким у билан мулоқот қилолмасди. Отаси уни Руиндиз қалъасининг ҳукмдори бўлган қизга, Мароға ҳукмдори, отабек Аловуддин Кўрпа Арслоннинг неварасига уйлантирган эди[2].

Султон Ҳилотдан чиқиб Ганжага келганида (бу ҳақда ҳикоя қилган эдик), Малик Хомуш ҳам унинг ҳузурига келди[3]. Унга Хомуш номининг берилганлиги гапиролмаслиги ва ўйчан юриши сабабли эди. У Султонга совға-саломлар орасида форсларнинг шоҳи Кайковуснинг камарини ҳам олиб келди[4]. Камар бир қанча қимматбаҳо тошлар билан безатилган, унинг баҳоси йўқ эди. Тошлар орасида битта Бадахшон тоши ҳам бўлиб, катта ва қиррадорлиги учун нур тушганда ял-ял ёнар, атрофни камалакранг жилоси билан ниҳоятда гўзал қилиб юборарди[5].

Унга Кайковуснинг ва ундан кейин шоҳлик қилганларнинг номлари ўйиб ёзилганди.

Султон бу камардаги ақиқ тошлар ўрнини ўзгартирди, ўзидан ҳам анчагина зумрадлар қўштирди. Кайковус бадахшонини ўртага жойлаштирди. Шундан кейин Султоннинг янги камари пайдо бўлди. У бу камарни байрамлардагина тақарди. Тоторлар олти юз йигирма саккизинчи йилнинг шавволида (1231 йил августида) унга Амидда ҳужум қилганида бошқа бойликлар қатори камарини ҳам қўлга киритдилар[6]. Улар бу камарни бошқа буюмлар билан бирга ўз ҳоқони, Чингизхоннинг ўғли, туркийлар ҳукмдорига юборди[7].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Малик Хомуш Султон қўлида узоқ йиллар хизматда бўлди. Унга меҳрибонлик қилувчилар йўқ эди, шу сабаб аҳволи оғирлашди. Оиласидагилар эса ундан турли-туман нарсалар талаб қиларди. У Султон ҳузуридан унинг назоратисиз кетди ва исмоилийлар ҳукмдори Аловуддин ҳузурига борди. У бир ойдан сўнг Аламутда вафот этди[8].

---

[1] Хомушнинг асли исми Тўғрул ибн Қизил Асрлон бўлган. Нахичевон мўғуллар томонидан 618 йилда (1221-1222 йиллар) босиб олинганидан кейин отабек Хомуш улар олдига бўйин эгиб боради. Улар унга ёғоч пайза ва тамға бериб қўйиб юборадилар.

[2] *Руиндиз* — Мароғадан уч фарсах (50 километр) узоқликда жойлашган қалъа. Унинг икки томонидан дарё оқиб ўтади. Қалъа ичида Алиобод деб номланган боғ бор. Қалъа тоғ устига жойлашган.

Аловуддин Кўрпа Арслон — Мароға ҳукмдори. Унинг буюртмасига кўра шоир Низомий Ганжавий 1197 йилда "Етти гўзал" достонини яратади. Аловуддин Арслон адабиёт ва санъатни юксак қадрловчи инсон бўлган.

Аловуддин Кўрпа Арслоннинг неварасининг исми Доз Бону дейишган. Хомуш ва ундан бир ўғил туғилган. Унинг исми — Отабек Нусратиддин. Ибн ал-Фуватий Мароға ҳукмдорининг исмини Аловуддин Арслон ибн Кўрпа ибн Нусратиддин Або Арслон ибн отабек Қорасунқур ал-Аҳмадалий деб, отабек Хомушнинг хотинининг исмини эса Сулафа хотун деб ёзади.

[3] Султоннинг Ганжага келиши ҳақда 55-бобда ҳикоя қилинган.

[4] *Кайковус* — форсларнинг шоҳи.

[5] *Бадахшон лаъли* — Бадахшонда қазиб олинадиган қиммат-баҳо тош.

[6] *Амид* — Туркиянинг Диёрбакир шаҳри.

[7] Чингизхоннинг ўғли Ўгадай қоон (1229—1241 йиллар) ҳукмронлиги ҳақида гап бормоқда.

[8] *Аламут* — Исмоилийлар давлатининг пойтахти. Унинг ҳукмдори Аловуддин Абус Саодат Муҳаммад III ибн Жалолиддин ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Исмоилий ал-Кўҳистоний (1221—1255 йиллар). Исмоилийлар давлати 1257 йилда мўғуллар томонидан йўқ қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

59-БОБ

ИРОҚ АКОБИРЛАРИ (САДРЛАРИ)НИНГ СУЛТОННИНГ ИРОҚДАГИ ВАЗИРИ ШАРАФИДДИН АЛИ АТ-ТАФРИШИЙ УСТИДАН ШИКОЯТИ БАЁНИ

Шарафиддин Али ибн ал-Фадл Ироқ теграсидаги жойлардан бири Тафришнинг раиси эди. У девонда хизмат қилди, кейин мансаб пиллапояларидан бир-бир сакраб юқори лавозимга, юксак мавқега эга бўлди. Ниҳоят, Ироқ муставфиси мансабини эгаллади. У бу мансабга улуғ Султон Аловуддин Муҳаммад ўғли Рукниддин Fурсанжтийни Ироқ ҳукмдори қилиб тайинлаган пайтда эришди. Рукниддин уни ҳушламасди, у Fиёсиддин ҳукмронлиги даврида ҳам эътибордан четда қолиб келди. Жалолиддин Ҳиндистондан қайтиб келгунга қадар унинг ишлари юришмади. Султон Ироққа келиб ҳукмдорликни қўлга олгач, Шарафиддин унга хизмат қилиш ниятини билдирди. Султон уни Ироқнинг вазири қилиб тайинлади. Барча одамлар, бойликлар, мулкларни унинг қўлига топширди. Унинг топшириқлари Султон буйруқлари билан бир хил кучга эга эди. Унинг вазирлик куч-қудрати бутун Ироққа ёйилди, бойликлар уйига оқиб кела бошлади. Шундан кейин у Ироқ акобирларининг мансабларини алмаштира бошлади. Бир пайтлари ўзи билан рақобатлашган ва вазирлик ўрнига кўз тикканларни ишдан олиб, уларнинг лавозимларига ўзига маъқул одамларни қўя бошлади. Баъзи мансабдорларни таъқиб остига олди, уларда ўзига нисбатан нафрат уйғотди.

Унгача Ироқнинг ягона вазири қилиб ҳеч ким тайинланмаган эди. Ҳар бир шаҳар учун алоҳида вазир тайинланар, у ўз хизмат доирасидагина фаолият кўрсатарди. Кейин у Ироқ вазири бўлди.

Натижада Исфахоннинг собиқ вазири Низомиддин шаҳар муставфиси Шиҳобиддин Азизан, Исфахон қозиси Рукниддин Масъуд ибн Саид биргалашиб унинг устидан шикоят ёзишга келишдилар[1]. Одамларни ундан халос қилиш учун унга туҳмат уюштирадиган бўлдилар.

Шарафулмулк Шарафиддинни вазирлик мансабидан олиб ташлашда шикоятчиларга ёрдам бериш учун улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан тил топишди. Бунинг сабаби бор эди, Шарафиддин бошқа вилоятлар вазирлари даражасида Шарафулмулкка эътибор бермас, унинг мақсад ва ниятларини амалга ошириш йўлида жонфидолик қилмасди.

Султон Шарафулмулкка мажлис чақиришни, девондаги барча аъёнлар иштирокида юқоридагиларнинг шикоятини кўриб чиқишни буюрди. Султоннинг ўзи эса мажлисни четдан, бошқа хонада туриб кузатди ва уларнинг сўзларини эшитди. Мажлис аҳли эса буни билмади. "Балки уларнинг гумонларича, биз уларнинг сирларини ва шивир-шивирларини эшитмасмиз? Ундоқ эмас! Бизнинг элчиларимиз уларнинг олдиларида ёзиб турарлар!"*

Шарафиддин Шарафулмулк шикоятчилар билан бирга оғиз-бурун ўпишганини, ўзини юқори даражадаги мансабдан олиб ташлашга уринаётганини билди. Шу сабабли у Султон агар уларнинг айбловчи сўзларига ишонмай, ўзининг уларни айблайдиган, мансабини суиистемол қилганлигини исботловчи сўзларига ишонадиган бўлса, юз минг динорни унинг хазинасига келтириб беришини маълум қилди. Султон ва Шарафиддин ўртасидаги воситачи Малик ал-Ҳавасс Тожиддин Қилич бўлди.

Султон Шарафиддин шартларига розилик билдирди. Бу ҳақда мажлис аҳли билмади. Улар ўзлари ишлаб чиққан айёрлик, туҳмат амалга ошаётганидан беқиёс хурсанд эди. Бироқ шайтон уларга ширин хаёллардан бошқа ҳеч нарса бермади.

Бу мажлисда мен ҳам қатнашдим. Уларнинг Шарафиддинни айбловчи сўзларини ҳам, Шарафиддиннинг улар ҳақидаги гапларини ҳам эшитдим. Айбловлар, сўзлар бир-биридан кескин фарқ қиларди, гўё улар бири осмон, иккинчи ер эди. Ироқ вазирининг ҳар бир сўзи мантиқан тўғри, исботланган, айбловлари рад қилиб бўлмайдиган даражада эди. Шарафиддин иқтидори, илми билан ўз даврининг пешқадамларидан, ўз замонасининг олижаноб инсонларидан ҳисобланарди. У мажлисни ўз вазифаси ва мавқеини сақлаган ҳолда тарк этди. Ироқ вилоятлари ва шаҳарлари яна унинг қўл остида қолди.

Шарафулмулк аламзадалик ва ғазабдан ўзини қўярга жой тополмасди, унинг ўлимига бир баҳя қолди. Бошқа акобирлардан ҳар биридан йигирма-ўттиз минг динор миқдорида пул йиғиб олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарафиддин вазирликни давом эттирар экан. Шарафулмулк билан оралари ёмон бўлиб қолишини истамади. У агар Шарафулмулк бундан кейин ўзини қўллаб-қувватлайдиган бўлса, унинг хазинасига йигирма минг динор беришини маълум қилди. У ваъда қилинган бу пулни йил давомида бериб борди. Шарафулмулк шундан кейин унинг муносабатларига кам эътибор берадиган бўлди, аммо у Шарафиддиндан ўч олиш, уни таг-томири билан ўрнидан суғириб олиш ва салтанатдан йўқ қилиш учун зимдан пайт пойларди. Бироқ Шарафиддинни Шарафулмулкнинг дасисаларидан Оллоҳнинг ўзи сақлади. Шарафулмулк шу тариқа ўч ололмай, ўз ёвуз ниятлари билан бу дунёни тарк этди.

---

[1] Исфахон қозиси Рукниддин Масъуд ибн Саид ҳақида 32-, 42-бобларга қаранг.

60-БОБ

УРХОННИНГ ИСМОИЛИЙЛАР ТОМОНИДАН ГАНЖАДА ЎЛДИРИЛИШИ БАЁНИ

Султон Ҳиндистонда пайтида қўл остидагиларни қилган хизматлари учун етарли даражада рағбатлантиришга маблағи йўқ эди. Шу сабабли у энг яхши хизмат қилганларга меҳрибонлик кўрсатар, миннатдорлик билдирарди. Лекин у қўл остидаги амирларга Ироқ ва Хуросонни босиб олганидан кейин ҳар бирига мулк иқто қилишни ваъда берганди. Султон бу жойларни босиб олганидан кейин ўз ваъдасининг устидан чиқди. У Урхонга иқто қилинган мулкни Хуросон ерларидан берди. Унинг (Урхоннинг) ноиби эса исмоилийлар мамлакатининг чегарага яқин бўлган жойларига, Тун, Қоин, Кўхистон каби аҳоли яшайдиган масканларига ҳужумлар қилиб, одамларни ўлдириб, мол-мулкларини талай бошлади[1].

Улардан (исмоилийлардан) Хойга, Султон ҳузурига ал-Камол деган киши элчи бўлиб келди. Ал-Камол исмоилийларнинг Суриядаги вилоятларига бир қанча вақт ҳукмдорлик қилган эди. У Урхон ноибларининг ўз мамлакати

www.ziyouz.com kutubxonasi

теграсидаги ерларга ҳужум қилаётганидан шикоят этди. Шарафулмулк бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш учун уни Урхон билан учраштиришга кўрсатма берди.

Урхон ал-Камолнинг сўзларини эшитди ва унинг сўзлари ўзи учун таҳдиддай туюлди. Шунда у кийимлари, камари, белбоғи орасидан бир неча пичоқни олиб, ал-Камол олдига ташлаб, бундай деди: "Булар сизларнинг пичоқларингиз. Бизларнинг эса тиғи ўткир ва узун қиличларимиз бор. Сизларда эса бундайлари йўқ".

Элчи шикоятларига жавоб тополмай, бўлаётган дилсиёҳликларни бартараф этиш борасида бирор ишонтирарли сўз эшитмай қайтиб кетди.

Султон Ганжага қайтганидан кейин учта фидойи Урхонга ташланишди ва уни шаҳар яқинида ўлдиришди[2]. Улар қўлларида пичоқ билан шаҳарга киришди. Аловуддин даъватини хитоб қилиб Шарафулмулк дарвозаси олдига келишди. Улар Девонхонага киришди, аммо у ерда уни топишолмади. Вазир бу пайтда қалъада, Султон қароргоҳида эди. Шунда улар унинг хизматкорини яралар қилдилар, шиорларини бақириб айтиб, ғолиблик билан мақтандилар.

Шаҳар аҳли томда туриб уларга тош ота бошладилар. Улар тошбўрон остида қолиб, охирги нафаси чиққунча "Бизлар улуғ ҳазратимиз Аловуддин учун қурбонмиз" дея бақиришда давом этдилар.

Бу пайтда Аламут элчиси Бадриддин Аҳмад Султон ҳузурига бориш учун Бойлаконга етиб келди[3]. У бу воқеани эшитганидан кейин олдинга боришни ҳам, орқага қайтишни ҳам билмай довдираб қолди. Шарафулмулкка бу борада маслаҳат беришни сўраб мактуб ёзди. Шарафулмулк уйига фидойилар бостириб киргани сабабли ниҳоятда қўрққан эди. Шу учун унинг бу ерларга келиб, мактуб йўллаганидан қувонди. У Урхонга қисматдош бўлишни истамасди. Юзига соя ташлаб турган ўлимдан халос бўлиш, ҳаётини асраб қолиш учун замин тайёрлашга интиларди. Шу сабабли элчига жавоб мактуби ёзиб, тез етиб келишини тайинлади ва ҳар қандай иш бўлса айтганидай қилиб бажаришга сўз берди. Элчи етиб келди, Шарафулмулк унинг илтимосини бажаришга киришади. Барча ишлар у қандай талаб қилган бўлса, шунга мувофиқ тарзда амалга оширилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларнинг ниятлари ўз мамлакатлари теграсига Султон одамларининг босқинчилик юришларини тўхтатиш эди.

Исмоилийлар Дамғонни босиб олгандилар[4]. Бу воқеа тоторларнинг шаҳарни босиб олиб, уни талон-тарож қилганларидан кейин рўй берганди. Султон улардан шаҳарни қайтариб беришни талаб қилди. Лекин иш шундай битдики, Дамғон улар қўл остида қоладиган бўлди, бунинг эвазига улар Султон хазинасига йилига ўттиз минг динор тўлашни зиммаларига олдилар. Бу хусусда фармони олий ҳам эълон қилинди.

Аламут элчиси Бадриддин Аҳмад Шарафулмулк ҳамкорлигида Озарбойжон томон қараб йўлга тушдилар. Элчи вазирга яқин одамлар ва девон акобирлари орасида эди. Шарафулмулк унга барча шароитларни яратиб берди.

Улар Сароб водийсига етганда ўзларини бемалол эркин тута бошладилар. Бадриддин одатдаги шаробхўрликлардан бирида бундай деб алжираб қўйди: "Сизларнинг қўшинларингиз орасида бизларнинг фидойиларимиздан иборат гуруҳларимиз бор. Лекин улар шундай ниқобланганларки, ўз ғуломларингиздан ажрата олмайсизлар. Улардан бир қисми отхоналарингизда, бир қисми эса Султон човушларининг йўлбошчилари бўлиб хизмат қиладилар". Шарафулмулк ундан бу фидойиларни кўриш учун ҳузурига чақиришни илтимос қилди. Вазир элчига хавфсизлик белгиси сифатида дастрўмолини тутқазди. У бешта фидойини бошлаб келди.

Фидойилар унинг олдига олиб кирилганда, улардан бири муттаҳам ҳинд Шарафулмулкка бундай деди: "Мен сени фалончи кун, фалон уйда ўлдириш имконига эга бўлган эдим. Аммо мен сени ўлдириш учун юқоридан бериладиган буйруқни кутдим". Шарафулмулк унинг сўзларини эшитиб, фаржасини ечиб ташлаб, қўйлакчан ҳолда улар олдига ўтириб, бундай деди: "Бунинг сабаби нима эди? Аловуддин мендан нима истайди? Унинг олдида менинг айбим нима? У нега менинг қонимни тўкмоқчи? Мен Султон олдида қандай мамлук бўлсам, унинг олдида худди шундай мамлукман. Мана, мен сизларнинг ёнларингиздаман, нима истасангизлар қилинглар". У сўз айтиш ва мутеликда ҳам белгиланган одоб доирасидан чиқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон бу ҳақда эшитганидан кейин жаҳли чиқди ва улар олдида ўзини паст олгани учун вазирига қаттиқ танбеҳ берди. У Шарафулмулк олдига хос мулозимларини юборди ва унинг ўша бешта фидойини тутиб чодири олдида гулхан қилиб ёқишини буюрди. У бу иш учун кечирим сўрашга, уни қилмасликка ҳаракат қилиб кўрди. Аммо уни бу ишни истагига зид ҳолда қилишга мажбур этишди.

Унинг чодири олдида катта гулхан тайёрланди. Оловга бешта фидойи ташланди. Улар: "Бизлар улуғ ҳазратимиз Аловуддин учун қурбонмиз!" дея қичқира-қичқира ёниб кул бўлдилар. Уларнинг кулларини ел совуриб кетди.

Султон човушлар бошлиғи Камолиддинни исмоилийларни ишга олгани учун қатл қилдирди. Чунки эҳтиёткорлик ва хавфсизликни таъминлаш, биринчи навбатда унинг иши эди.

Султон бу ердан Ироққа кетди. Шарафулмулк Озарбойжонда қолди. Мен ҳам у билан бирга эдим. Биз Бардада пайтимизда Шарафулмулк ҳузурига Аламутдан Салоҳиддин лақабли одам элчи бўлиб келди. У вазирга бундай деди: "Сен бешта фидойини ёқиб юбординг, агар тирик қолишни истасанг, уларнинг ҳар қайсиси учун ўн минг динор товон пули тўлайсан!". Шарафулмулкни бу гапдан кейин қўрқув босди, қўли шалвираб, кўнглига ҳеч нарса сиғмай қолди. У бу элчига бошқа элчиларга нисбатан ҳам кўпроқ ҳурмат-иззатда бўлди, унга сахийлик кўрсатди. Унинг топшириғига кўра, мен девоннинг янги фармонини ёздим. Фармонга кўра, исмоилийлар Дамғон учун эндиликда йилига ўттиз минг динор эмас, ўн минг динор берадиган бўлдилар. Шарафулмулк ушбу фармонга ўз муҳрини босди.

---

[1] *Тун* — Кўҳистондаги шаҳар ва жой номи.

Қоин — Кўҳистондаги шаҳар ва жой номи. Хуросон жанубидаги тоғли вилоят.

[2] Урхоннинг исмоилийлар томонидан ўлдирилиши баёни албан тарихчиси Киракос Гандзакеци ва Ибн Холдун асарларида ҳам учрайди.

[3] Бадриддин Аҳмаднинг элчилик фаолияти ҳақида 92-бобда ҳам берилган.

[4] *Дамғон* — Теҳроннинг шарқ томонидаги шаҳар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

61-БОБ

СУЛТОННИНГ ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЙИЛ (1226-1227 ЙИЛЛАР) ИРОҚҚА ЮРИШИ ВА УНИНГ ТОТОРЛАР БИЛАН ИСФАХОН ОСТОНАЛАРИДА ЮЗМА-ЮЗ КЕЛИШИ БАЁНИ[1]

Султон Саробга келганидан кейин бу ерда бешта фидойи оловда ёндирилди. Бу ҳақда биз юқорида айтган эдик. Шундан сўнг у Табризга йўл олди ва бу ерда бир неча кун турди. Бу пайт Хуросондан тоторлар Жайхун дарёсидан кечиб ўтишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар қилди. Султон шу заҳотиёқ енгини шимариб, уёқ-буёғини тартибга солиб юришга шайланди. У бу пайтда энг ақлли ва тўғри йўл Исфахонга бориш деб ўйлади. Чунки, бу ерда ҳарбий аслаҳалар заҳиралари кўп ва шаҳар қуролланган одамлар билан тўла эди. У Исфахонга етиб келгач тўрт минг отлиқ лашкарларни қўшин илғори сифатида Рай ва Дамғонга юборди. Улардан ҳар куни олинадиган хабарга кўра қўшин илғори чекинаётгани, тоторлар эса олға босиб келаётгани маълум бўларди. Ниҳоят, қўшин илғори ҳеч бир зиён кўрмаган ҳолда Султон ёнига қайтиб келди. Султонга хабар қилишларича, улар билан бирга тоторларнинг Бойжу Нўён, Тойнал нўён, Наку нўён, Ҳасан Тўғон нўён, Ётмас нўён, Ясовур нўён ва бошқа шу каби ёвуз, баттол, ваҳший нўёнлари бошчилигидаги кўплаб лаънати лашкарлари ҳам келган эди[2].

Тоторлар Исфахоннинг шарқида, ярим кунлик йўлда, ас-Син деб номланган қишлоқда тўхтадилар[3]. Мунажжимлар Султонга уч кунгача ҳужум қилмасликни, фақат тўртинчи куни жангга киришни маслаҳат бердилар. Султон бу маслаҳатга мувофиқ белгиланган кун ва вақтни кутди. Бу ҳам Султоннинг ҳар қандай мураккаб вазиятларда ва оғир дақиқаларда сабр-матонатлилик, қатъият билан ҳаракат қилганлигини кўрсатарди. Душманнинг яқинлашганини эшитган ва бундан хавотирга тушган амирлар, хонлардан бир гуруҳи унинг ҳузурига келди. Улар анча пайтгача эшик олдида кутиб ўтирдилар. Кейин уларга киришга рухсат берилди. Сўнг улар унинг олдида тик турдилар. Чунки Султон уларни ҳовлида кутиб олди. Жалолиддин анча пайтгача тоторларга алоқаси йўқ ишлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қақида гапирди. Бу билан у тоторларни менсимаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Уларнинг келиши жиддий ва қўрқув уйғотадиган янгилик эмаслигини англатди. Бу билан йиғилганларга далда берди, уларнинг кўнглини кўтарди. У улар билан бошқа ишлар хусусида ҳам узоқ суҳбатлашди. Кейин уларни ўтиришга таклиф этди ва белгиланган ҳарбий тартиблар тўғрисида маслаҳатлашди. Маслаҳат охирида у уларга ҳар қандай оғир шароитда ҳам қочмаслик, бундай шармандали ҳолдан кўра ўлимни афзал кўриш ҳақида қасамёд қабул қилдирди. Унинг ўзи ҳам улар олдида то охирги томчи қони қолгунча курашишга онт ичди. У буни бировнинг тазйиқисиз, ўз хоҳиши бўйича амалга оширди. У улар учун жанг кунини белгилади. Кейин Исфахон қозиси ва шаҳар раисини чақирди, уларга пиёда лашкарлар кийим-бошларини, қуролларини кўрикдан ўтказишни буюрди[4]. Исфахоннинг оддий халқини кийиниш жабҳасида бошқа шаҳарлар аҳолиси билан қиёслаб бўлмасди. Чунки улар шаҳар ташқарисидан қараганда ҳамиша байрам пайтидагидек ва Янги йил либосларида ёки ҳарбий кийимларда кўзга ташланарди[5]. Чиройли кийинишарди.

Лаънати тоторлар Султоннинг ҳужум қилмаётганини кўргач, у ниҳоятда қўрқди ва саросимага тушди, шу сабабли жанг вақтини орқага сурмоқда, деб ўйлашди. Улар қўшинлари орасидан икки мингта отлиқ лашкарларни танлаб лурларнинг тоғларига талон-тарож йўли билан озиқ-овқат олиб келишга жўнатди. Бу озиқ-овқатлар шаҳарни қамал қилган пайтимизда керак бўлди, деб ўйлашди. Отлиқ лашкарлар тоғнинг қоқ ўртасига кўтарилдилар. Султон эса ўз қўшини сафидан уч мингга яқин отлиқ лашкарларни улар олдини тўсиш учун юборади. Султон лашкарлари тоторлар устига бирдан, тезкорликда чақмоқдек, куч-қудратда момоқалдироқ зарби янглиғ ёпириладилар. Тоторлар мағлуб этилади.

Улар шундан кейин орқага қайтадилар ва ўзлари билан тўрт юзга яқин тотор асирларини олиб келадилар. Асирлар орасида амирлар ҳам, оддий лашкарлар ҳам бор эди. Султон, ўз навбатида, улардан бир қанчасини шаҳар қозиси ва раисига топширди. Шаҳар аҳли уларни кўчаларда уриб ўлдирдилар. Қолганларини эса лашкарлар са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рой ҳовлисида бошларини таналаридан жудо қилдилар. Кейин уларнинг ўликларини шаҳар ташқарисига чиқариб ташладилар. Уларни оч итлар ва бургутлар едилар.

Султон жанг учун белгиланган кунда қўшинини сафлантирди. Унинг қўшин маркази зулматли тундай қоп-қора эди. Ўнг қаноти тоғдан тушаётган сув каби шиддатли, чап қаноти эса кулранг отлар минган лашкарлар билан тўлиб-тошганди. Қилич ва найзаларга тушган қуёш нури ярақлаб кўзга ташланарди. Иккала томон ҳам бир-бирига юзма-юз келган пайтда Фиёсиддин Султон қўшинлари сафини тарк этди. У ўзи билан бирга лашкарларини ва Жаҳон Паҳлавон Элчи бошчилигидаги қўшиннинг бир қисмини ҳам олиб кетди[6]. У Султон ҳаддан ташқари банд эканлигидан, унинг кетидан қувиш ва таъқиб этиш имконияти йўқлигидан фойдаланиб қочди. Фиёсиддин ўзининг ушбу хатти-ҳаракати билан икки дунёда (бу ва нариги дунёда) ҳимояланишдан маҳрум бўлди, икки боғдан (замин ва жаннат боғларидан) қувилди. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда улар ўртасида юзага келган низо сабабли рўй берди. Унинг сабаблари тўғрисида эса кейинроқ тўхталамиз.

Султон бунга эътибор ҳам бермади. Чунки у қартайиб, куч-қувватдан қолган отлар билан эмас, зотдор, асов, нортуялар билан, сафни бузиб қочадиган мадорсиз турналар билан эмас, ҳар қандай ўлжага ташланишга шай турган бургутлар билан овора эди.

Тоторлар Султон қўшинларига қарама-қарши тарзда бўлтакларга бўлинган ва бирининг кетидан иккинчиси жойлашган ҳолда, ўзига хос тартибда ўрин олдилар. Султон уларни кўздан кечирганидан кейин пиёда лашкарларини Исфахонга қайтаришга буйруқ берди. У ўз лашкарларининг кўп эканлигидан, душман қўшинларининг кам ва кучсиз эканлигидан ҳайратга тушди. У ўз қўшинларини улар кучларидан бир неча баравар кўп деб ҳисоблади. Жалолиддин қўшинларининг ўнг қаноти ва чап қаноти бир-бирларидан узоқда жойлашганди, шу учун икки қанот бир-бирининг аҳволидан бехабар эди. Жанг майдонида лашкарларнинг кўплигидан ҳайвонларнинг юришига жой қолмаганди. Кўкдаги қушлар ҳам самони тутган шовқин-суронлардан орқаларига қайтдилар. Ер одамлар кўплигидан ва лашкарларнинг залворли қадамларидан ларзага келарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккала қўшин ҳам майдонда ярақлаган юлдузлар, қайрилган гажаклар мисол жанг қилдилар. Кун охирлаганда Султон қўшинининг ўнг қаноти тоторлар қўшинининг чап қанотига ҳужум уюштирди ва уларни қочишга мажбур қилди. Уларга тўхтаб, нафас ростлашга имкон бермади. Султон лашкарлари уларни Кошон чегараларига қадар таъқиб этиб бориб, қўлга тушганини ўлдирдилар. Султон қўшинларининг ўнг қанотидагилар чап қанот лашкарлар ҳам ҳужумга ўтиб, душманни қочирди, деб ўйлагандилар.

Султон душманнинг чап қанот қўшинининг қочганини кўрди. Қуёш ётоғига бош қўйиб, тун пардасини ёпиш арафасида у жанг майдонидаги дарёнинг тик қирғоғидаги қулай жойлардан бирига ўтирди. Унинг ёнига Йилон Буғу келди[7]. У койинган ҳолда бундай деди: "Биз кўпдан бери бу лаънатилар бошига мана шундай қора кун тушишини истар эдик. Юракларимизда уларга нисбатан туғилган нафрат ва ғазаб алангаси мана шундай тарзда босилишини хоҳлардик. Вақт бизнинг истакларимиз ва хоҳишларимизни ушалтириш учун имкон берди. Аммо бизнинг ўч олиш борасидаги чанқоқликларимиз қонмай қоладиганга ўхшайди. Тоторлар бу тун қўйнида қочиб, икки кунлик йўлни босиб ўтишлари аниқ. Бизлар эса уларни қўлдан чиқариб юборганимизга афсусланамиз. Аммо ўшанда бу афсусларимиз учун кеч бўлади. Шу учун уларни таъқиб этишимиз ва қириб ташлашимиз керак эмасми? Улар бизларни қандай азоб-уқубатларга солган бўлса, бизлар ҳам уларни ана шундай кўйларга дучор қиламиз. Ана шунда кўнгилларимиз ором топади".

Султон шу заҳотиёқ отига минди. Тоторлар жанг бошланишида Султон қўшини кўп эканлиги ва иш жиддийлигини билганларидан кейин алпқомат баҳодир лашкарлари ва амирларидан ажратиб овлоқ жойга яшириб қўйгандилар.

Жалолиддин лашкарлари билан дарёдан кечиб ўтиб, тик қирғоқдан кўтарилганда қуёш ётоғига бош қўйиб бўлганди. Шу пайт уларнинг (тоторларнинг) пистирмадаги лашкарлари овлоқ жойдан чиқиб Султон қўшининг чап қанотига ҳужум қилди. Улар қутурган олов янглиғ бостириб келарди. Хоразмшоҳнинг чап қанот қўшинини сиқиб олиб келиб, марказ қўшин устига итқитиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлади. Улар бор-йўғи бир марта зарба берди, лекин шу зарбанинг ўзиёқ Султон қўшинининг оёғини ердан узди, гўё бадандан томир узилгандай бўлди. Байроқлар ва белгиларни кўтариб олганлар ҳам яраландилар. Қиличлар зарбидан қонлар тинимсиз оқди. Қонлар фавворасида ким нима қилаётгани ҳам билинмай қолди. Аммо чап қанот хонлари, амирлари, лашкарбошлари қаттиқ турдилар. Улар то шаҳидлик қонига булғанганларигача ичган қасамларига содиқ қолдилар.

Улардан учтаси: Куч Тегин Паҳлавон, Ҳожиб ал-хасс Хонберди, амир-охур Ўдоқ тирик қолди[8]. Ахаш Малик бадани ёй ўқларидан илма-тешик бўлиб кетиб йиқилгунча курашди[9]. У жиҳод йўлида шаҳид бўлди. Алпхон, Ортиқхон, Куч Буғахон, Юлуқхон, Манглибек Тоий кабилар ҳам шаҳидлик кафанини кийдилар[10]. Уруш ғилдираги шеркелбат паҳлавонларни ҳам, қўрқоқ, ожиз кимсаларни ҳам бирдай янчиб ўтди.

Сафлар бир-бирига қоришиб кетди. Қиличлар зарбидан қўллар елкалардан, бошлар бўйинлардан ажралди. Найзалар қувонч ва ташвишлар маскани бўлган юракларга санчилди.

Ёзд ҳукмдори Алоуддавла Отахон асир олинди[11]. Уни имонидан қайтганлардан бири тутиб олди. Ҳукмдор ёнида бор пулларнинг ҳаммасини унга берди. Шунда у уни қўйиб юборди. Тунда эса у қудуққа тушиб кетиб ҳалок бўлди.

Ана шунда лашкарлар Ганжада исмоилийлар томонидан ўлдирилган Урхон Султон қўшинининг чап қанотида қандай кучга эга бўлганлигини англадилар. Бошқа ҳар қандай хон, қанча вақт яшамасин, Султон қўшинида у каби юксак мавқега ва олий эҳтиромга сазовор бўлмаслиги аниқ эди. Султон қўшинларининг чап қанотини бошқариб келган Урхон бутун ҳаёти давомида фақат ғалабага эришиб келганди.

Аҳвол шундай эди! Султон марказдан ўрин эгаллади. Аммо бу ерда ҳам тартиб бузилган, туғ ҳимоячилардан узоқлашган, душман уларни ҳар тарафдан ўраб олганди. Қамал доираси тобора қисқариб игнанинг тешиги мисол кичрайиб борарди. Султон ёнида унинг ўн тўртта шахсий мамлуклари қолди. Шу пайт у орқасига қараб ўз аълам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бардорининг қочиб кетаётганини кўрди. Султон унинг орқасидан етиб олиб, найза санчиб ўлдирди. Байроқни ўз қўлига олди. Кейин тоторлар сафига ҳужум қилиб, ўзи ва сафдошлари учун йўл очди. У қамални ёриб чиқиб кетди.

Лаънати Тойнал нўён Султоннинг бу ҳаракатларини кузатар экан, унинг мардлигига тан берди, қаҳрамонлигини улуғлаб, орқасидан қўлини бигиз қилиб кўрсатиб бундай деди: "Сен қаерда бўлма, ҳар қандай шароитда ҳам қутулиб кета оласан! Ҳақиқатан, сен ўз даврингнинг улуғ қаҳрамонисан, тенгдошларингнинг буюк йўлбошчисисан!" Унинг бу гапларини кейинчалик Султон томонга қочиб ўтган тотор амирларидан бири айтиб берди.

Кейин Султон қўшинларининг марказ ва чап қанот лашкарлари турли вилоятларга, худди чўпчаклар мисол ёйилиб кетди. Улардан бир қисми Форсга борди, бошқа бир бўлаги Кирмонга йўл олди, яна бир қисми эса Озарбойжон чегараларига қадар етди. Отсиз қолган ва уловидан айрилганлар эса Исфахонга қайтди.

Қўшиннинг ўнг қаноти икки кундан кейин Кошон томондан қайтиб келди. Улар қўшиннинг марказий қисми ҳам ғалаба қозонган, чап қанот лашкарлари эса Исфахонда бўлса керак, деб ўйлашганди. Ҳақиқий аҳволдан хабар топганларидан кейин улар ҳам турли томонларга гуруҳларга бўлинган ҳолда тарқала бошладилар. Бу ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб жанг бўлиб ўтганди: икки томон ҳам мағлубият аламини тотган, амирлар жонини жабборга бериб курашгандилар. Ғолиб эса уруш ва ўлим эди. Ҳар иккала қўшиндан омон қолганлар қўрқув туфайли бир-бирларидан қочиб, турли мамлакатлар, ҳар хил юртлардан паноҳ топгандилар. Бунақаси ҳали бўлмаганди.

Саккиз кун мобайнида Султондан бирор хабар бўлмади. Одамлар унинг соғ-омонлигини, қайтиб келиш-келмаслигини, акс ҳолда унинг ўрнига бирор одамни қўйиш-қўймасликни ҳам билишмади. Исфахон аҳолиси хоразмликларнинг бойликлари ва аёлларига кўз олайтира бошлади. Аммо қози уларга бу борада байрамгача сабр қилишни буюрди. Шунгача Султон тақдири аниқ бўлар деб умид қилди. Жанг олти юз йигирма бешинчи йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

рамазоннинг йигирма иккинчи кунида (1228 йил 25 августда) бўлиб ўтди[12].

Отабек Иған Тоисий жанг кунида касаллиги туфайли Исфахондан ташқарига чиқмаган эди[13]. Шаҳар қозиси ва яна бошқа кўплаб акобирлар ўзаро маслаҳатлашиб, агар байрамгача Султон ҳақида бирор хабар бўлмаса, хутбадан кейин уни (Иған Тоисийни) тахтга ўтказиш тўғрисида келишгандилар. Кўпчилик одамлар уни ёқлаб чиқиб, давлатни бошқариш, раҳбарлик қилиш қобилиятига юқори баҳо бердилар.

Аммо шаҳар аҳли байрам куни намозга борганларида Султоннинг қайтиб келганини кўрдилар. У ҳам намозда қатнашди. Султоннинг қайтиб келишининг ўзи одамлар учун байрамга айланди. Ҳамма гўё дунёга қайта келгандай хурсанд эди.

Султон бу ерда бир неча кун турди. Бу орада унинг тарқалиб кетган қўшинларининг бир қисми қайтиб келди. У қўшинининг ўнг қанотидаги амирлардан бир нечтасини олий даражадаги унвонлар билан тақдирлади. Йигит Маликка — Утурхон, Текчориқ Хонкишига — Хоссхон, Қойсунқур Маликка — Сунқурхон, Абу Бакр Маликка — Иномхон унвонларини берди[14]. Кейин қўл остидаги қўшин билан Шарққа — Рай томонга юрди. Бу билан у тоторларни янада ваҳимага туширмоқчи ва уларнинг қочишини тезлаштирмоқчи эди. У қўшинларидан бир қисмини Хуросонга жўнатди. Оқибатда унинг қўшинларининг беҳисоблиги, куч-қудратининг ошиб-тошиб ётганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалди.

Лекин, афсуски, улар ўйлаган ниятлар амалга ошмади. Улар булоқларга ишонган эди, булоқлар қуриди, ёмғир кўп бўлиб сел келишини кутганди, кўк юзидан булутлар ариди-ю, ташналик қонмади. Ҳимоя деворларимиз мустаҳкам бўлади, деб умид қилишганди, лекин деворлар ҳам қулади. Йўллар равон, очиқ бўлади деб ўйлашганди, бироқ унда ҳам тўсиқлар пайдо бўлди.

Кўз ёшлар юзларда жамланса эди,
Ким ёлғондан, кимнинг чиндан йиғлагани аён бўларди.

Тоторлар тақдирига келсак, улар Исфахондан қўрқув аралаш қочдилар. Гарчи улар жанг якунида майдонда қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, мусулмонларни бу майдондан қочирган бўлишса-да, Исфахондан мағлуб сифатида орқага қайтдилар, қочдилар. "Магар лаънатга дучор бўлган ҳолларида улар қаерда топилсалар ушландилар ва ўлдириб ташландилар".*

Қочганлардан деярли ҳеч ким қутилмади, улардан бир нечтаси Жайхундан кечиб ўта олди, холос.[16]

---

[1] Ибн ал-Асир бу воқеани 625 йил (1227—1228 йил)да бўлиб ўтди, деб ёзади.

[2] Ан-Насавий мўғул нўёнларининг исмини юқорида келтирганимиз тарзида ёзади. Улар бошқа манбаларда, масалан, Минувийда Бойжу — Божи, Тойнал — Найнал, Наку — Нақу, Ётмас-Наймас, Ясовур — Басовур шаклида ҳам ёзилган.

[3] *Ас-Син* — Исфахондан шарқ томонда 4 фарсах (30 километр) узоқликда жойлашган қишлоқ.

[4] Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Жалолиддин Исфахонда кўл остига 100 мингдан ортиқ отлиқ ва пиёда лашкарларни тўплаган эди.

[5] Лашкарларнинг кийимлари ҳам ҳар хил бўлган. Лекин улар совутлари остидан пахталик кийиб олганлар.

[6] Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Fиёсиддин қўшинларини қайсидир томонга олиб кетган, Рашидиддин маълумотига кўра, у Луристон томонга қочган.

[7] Йилон Буғу ("Илон мўйлови") — Жалолиддиннинг амирларидан бири. Хоразмшоҳ ўлимидан кейин султон Аловуддин Қайқубод I хизматига киради.

[8] Куч Тегин Паҳлавон 1221 йилда мўғулларга қарши Марв ҳимоясига бошчилик қилган амирлардан бири.

Ҳожиб Хонберди ҳам кейинчалик Қайқубод I хизматига кирган амирлардан.

Амир-охур Ўдоқ ҳақида 33-бобга, 42-, 73- бобларга қаранг.

[9] Ахаш Малик — Султон Жалолиддиннинг тоғавачаси.

[10] Куч Буғахон ҳақида 32-бобга қаранг.

Юлуқхон номи баъзи манбаларда Қувлуқхон, Турлуқхон тарзида ҳам берилган.

[11] Отабек Отахон Аловуддавла ибн Тўғоншоҳ, Рашидиддин маълумотига кўра, ушбу жангда ҳалок бўлади.

[12] Жалолиддиннинг мўғуллар билан Исфахон остоналаридаги жанги 624 йил рамазонига тўғри келади. Бу ҳақда Жувайний, Рашидиддин ва бошқалар ҳам маълумот беради.

[13] Отабек Иған Тоисий ҳақида 33-, 45-, 48-бобларга қаранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[14] Аввал амир унвони, кейин малик, ундан кейин хон унвони берилган. Жалолиддин жанг куни қўрқиб исфахондан чиқмаган амирлар, маликлар, хонлар ва бошқаларга аёллар кийимини кийдириб шаҳар кўчаларидан олиб юришни буюрган.

[15] Ал-Мутанаббийнинг Адуд ад-Давла Фан Хусровга (949—938 йиллар) бағишланган марсиясидан.

[16] Ибн ал-Асирнинг маълумотига кўра, Чингизхоннинг ўғли мўғул қўшинларининг Исфахон яқинида мағлуб бўлганини эшитганидан кейин Жалолиддинга мактуб ёзиб, "Бу қўшиннинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, биз уларни ўз сафимизда қувиб юборгандик", дейди.

62-БОБ

СУЛТОН БИЛАН УКАСИ ҒИЁСИДДИН ПИРШОҲ ЎРТАСИДАГИ БЎЛИБ ЎТГАН НИЗОЛАР ҲАМДА УНИНГ СУЛТОН ҲУЗУРИДАН КЕТГАНДАН КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ БАЁНИ

Биз юқорида Нусратиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Хурмил ҳақида, унинг Ҳиндистонда пайтида Қубача ҳузуридан Султон хизматига келгани тўғрисида айтиб ўтган эдик[1]. Унинг отаси Ғурнинг таниқли амирларидан бири бўлиб, Ҳиротда ҳукмдорлик қилганди. Ғурда Сом авлодларининг шоҳлик таянчларига путур етиб, улуғ Султон Аловуддин Муҳаммаднинг ҳукмдорлиги кучая борди. Шиҳобиддин ал-Ғурий мамлакатида ва унинг вилоятларида Султон туғлари ҳилпирай бошлагач, у Хоразмшоҳ ҳузурига ўзи бош эгиб борди. Султон унинг ўз хоҳиши билан бош эгиб келганини юксак баҳолади, уни Ҳирот ҳукмдорлигида қолдирди. Аммо орадан анча фурсат ўтгач ал-Ҳасан ибн Хурмил кўнглида Султонга нисбатан душманлик пайдо бўлди. (Бу душманликнинг сабабларини бирма-бир ҳикоя қилиш ниятимиз йўқ).

Шундай қилиб, у Ҳиротда қўзғолон кўтарди. Султон унга қарши Ҳиротни қамал қилиш учун Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳни, Хуросон шиҳнаси Қулихонни, Кирмон ҳукмдори, малик Муаййид ал-Мулк Қавомиддинни, Нишопур вилоятидаги Жон ва Баҳарз шаҳарлари муқтаси Иззиддин Жилдоқни юборди[2].

Улар Ҳиротни ўн бир ой қамал қилди. Уч ойлик қамалдан кейин ал-Ҳасан ибн Хурмил Низомулмулкдан омон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дик олиб, улар ҳузурига келди. Аммо қаҳри қаттиқ, бадниятли, бузуқ чол Қулихон унга нисбатан ёвузлик қилди: у Низомулмулкка қасдма-қасд уни ўлдиртирди.

Ал-Ҳасан ибн Хурмилнинг вазири ҳожа ас-Соҳиб ўз ҳукмдорини алдов йўли билан қўлга тушириб, қатл қилганларини кўргач, яқинлари билан шаҳар ҳимоясини кучайтирди ва уни яна саккиз ой давомида қўлларида ушлаб турдилар. Жанглар кучайди, лашкарлар кўплаб қурбон берилди, маблағлар тугади. Шаҳарни босиб олиш учун барча айёрликлар ишга солинди, аммо ҳамма ҳаракатлар беҳуда кетди. Шундан кейин лашкарлар ўзларининг оғир аҳволи, Қулихоннинг қилаётган ёвузликлари натижасида юзага келаётган қийинчиликлар тўғрисида Султонга арз қилдилар. Қулихон Султоннинг ўзига нисбатан муносабати ўзгарганини, бунинг натижасида бошига оғир ташвишлар, кулфатлар тушишини англади. Шу сабабли у ўзининг Хуросондаги шихналиги, Нишопурдаги мулкидан ҳам воз кечиб, Султон кўзи тушмайдиган жойларга яшириниб, жонини омон сақлаб қолиш пайида бўлди. Қулихон туфайли Аловуддин Муҳаммад Хоразмдан чиқиб, Хуросон тарафга йўл олди. Ўз қўшинларини у (Қулихон) бориши мумкин бўлган жойларга жўнатди. Уни тутиб олишди ва ўлдиришди. Бу ҳақда Ибн ал-Асир "ал-Комил" асарида батафсил маълумот беради[3].

Султон Аловуддин Муҳаммад у билан боғлиқ бўлган ташвишни бартараф этганидан кейин Ҳиротга қараб йўл олди. У Ҳирот қамалини қилич кучи билан бартараф этиш кераклини, акс ҳолда ҳар қандай хатти-ҳаракат ўзининг султонлик мавқеига соя ташлашини билар эди. Шу сабабли Ҳиротга келиб, унга ҳужум бошлади, бу ерга келишининг учинчи куни шаҳарни босиб олди. У ас-Соҳибни энг шармандали равишда қатл қилдирди.

Нусратиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Хурмил эса Ҳиндистонга йўл олди ва у ерда Қубача хизматида қолди. Жалолиддин Ҳиндистонда пайтида Қубачани мағлуб қилгунига қадар у унинг хизматида бўлди. Қубачанинг мағлуб бўлиши ҳақида юқорида баён қилган эдик[4].

У Жалолиддиннинг ўзига ғамхўрлик қилишига ишонди. Шу учун унга хизмат қилиш мақсадида саройига ташриф буюриб, оёғи остида ер ўпди. У ниҳоятда ақлли, ил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тифотли, ҳазилкаш, яхши суҳбатдош, ҳар бир сўзга ўзига яраша жавоб топиб бера оладиган одам эди. Султонга сидқидилдан хизмат қилди, унинг ҳурматини қозонди. Шундан кейин Султон уни ҳамтовоқ қилиб олди, хурсандчилик анжуманларида марҳаматини аямади. У Нусратиддинни Исфахон шихнаси этиб тайинлади ва бу ердан каттагина мулкни иқто қилиб берди.

Султон тоторлар билан жанг қилиш учун Исфахонга келганида бир воқеа бўлиб ўтди. Fиёсиддин сархангларидан бир гуруҳи унинг аҳволи оғирлиги сабабли уни тарк этадилар. Ибн Хурмил бу сарханглarни хизматга олиб, қанотидан жой беради.

Бир куни кечқурун Султон ҳузуридаги зиёфат пайтида Fиёсиддин шароб таъсиридан боши айланиб, маст бўлгач ундан "Менинг ғуломларимни саройимга қайтариб юборасанми?" деб сўрайди. Бу саволга Нусратиддин қўполлик билан "Ғуломлар ким қорнини тўйдирса, ўшанга хизмат қилади. Улар очликка чидай олмайдилар. Мана бу мисраларни:

"Сен кўзга чалинмайсан!" деди митти юлдуз Қуёшга.
"Нурларингни умри қисқа!" деди тонгга зим-зиё зулмат, —

ким айтган бўлса, ҳақиқатни ёзибди", дейди[5].

Бундан Fиёсиддиннинг жаҳли чиқади. У ғазаб билан ундан айтган гапларини такрорлашни талаб этади. Султон укасининг ғазабланганини кўргач, Нусратиддинга: "Ҳамдий, тур ўрнингдан, бу ердан кет, чунки сен мастсан", дейди. Fурлар тилида "ҳамдия" деб бировларга чоҳ қазувчига айтилади.

Нусратиддин саройдан чиқади. Ундан кейин Fиёсиддин чиқиб, унинг уйига йўл олади. У унинг ёнига кирмоқчи бўлади, лекин унга эшикни очишмайди. Шунда у унинг ёнига томдан ошиб тушади ва биқинига пичоқ уради. Бир неча кундан кейин Нусратиддин бу дунё билан хайрлашади[6].

Султон унинг ўлимидан ғамга ботади, одатдагидан кўпроқ қайғуради. Унинг қайғуси боласидан ажралган ота-онанинг ёки ота-онасидан ажралган фарзандларнинг қайғусидай оғир кечади. Султон Fиёсиддинга ғазаб билан, қилган ишларини эслатиб, бундай мазмунда хат ёзади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен менга дўстингга дўст, душманингга душман бўламан, деб қасам ичган эдинг. Сен ўлдирган одам менга дўстдан ҳам ортиқроқ, яқинларим ичида энг яқини эди. Мен у билан учрашганимда ғамдан фориғ бўлардим, у келган жойдан кулфат чекинарди. Сен уни ўлдириб энг баттол қотилга айландинг ва қасамингни буздинг. Мен ҳам эндиликда сенга берган қасамимдан кечаман. Лекин шунга қарамай, бу борада сен ҳақингда ҳукм одил қонунлар асосида чиқарилишини истайман". Кейин у укасининг қотиллиги ҳақидаги ишни қози ҳукмига ҳавола этди: уни жазолаш ёки кечириш қонун асосида амалга оширилишини талаб қилди.

Ғиёсиддин бу мактубни ўқигач, кўз олди қоронғулашди, ҳукм қанчалар бешафқат бўлишини яққол англайди.

Султон шундан кейин Нусратиддиннинг майитини Ғиёсиддин эшиги олдидан икки бор олиб ўтишни, шу билан уни янада обрўсизлантиришни буюрди. Ғиёсиддин бундан сўнг ўлимга маҳкум этилган одамга ўхшаб қолди. У даҳшатли хаёллар туфайли ухлай олмас, уйғонганда ҳам ваҳима босарди. Бу ҳол Султон тоторлар билан Исфахон остоналарида юзма-юз келгунга қадар давом этди. У (Ғиёсиддин) Султоннинг ниҳоятда бандлигини кўриб, ўз ҳаётини асраб қолиш йўлини тутди. Лекин бу билан ҳам ўз ҳаётини асраб қололмади. Унинг тақдири, қуйидаги мисраларда акс этган инсон тақдирига ҳамоҳанг эди:

Мен Маън ва унинг ҳалокатидан қочдим,
Ал-Йазиддан Абу Воҳидни яхшироқ деб билдим.
Афсус, шошибман, шошқалоқлик оқибати шу бўлдики,
Қора булутдан қочиб ёмғир-дўлга тутилдим.

Ғиёсиддин бу ердан Хузистонга қараб йўл олди. У вазири Карим аш-Шарқни Халифа девонига жўнатди. У орқали ўзининг акаси ёнидан кетганлигини, бу пайтлари Ироқда ҳукмдор бўлиб турган пайтда Олий девонга қарашли мулклар эгалари билан қўшничилик қилганини эслатди. У ўшанда яхши қўшничилик муносабатда бўлганини, таъқиқланган ишларни қилмаганлигини, ўзаро ҳурмат-иззатни сақлаганини билдирди. Акаси Ҳиндистондан қайтиб келиб, одатдаги аҳвол барҳам топганлигини, унинг халифалик ерларига ҳужумлар уюштиргани, ҳамма нар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сани чалкаштириб юборганини айтди. Агар улар ўзидан тортиб олинган ерларни қайтариб олишда, мамлакатни қайтадан қўлга киритишда ёрдам берсалар, уларга энг содиқ қул каби хизмат қилишга тайёр эканлигини етказди. Унинг чопари хурсанд бўлиб қайтиб келди. У орқали Ғиёсиддинга кўплаб яхши ваъдалар берилган ва сахийлик намуналари ҳам кўрсатилган эди. Чопар билан бирга ўттиз минг динор ҳам хайрия сифатида юборилганди[8].

Тоторларнинг Исфахондан қайтиб кетгани, Султоннинг қайтадан пайдо бўлгани хабарини эшитгач, Ғиёсиддин Хузистондан Аламутга қараб йўл олди. У қўрқувдан ўзини қўярга жой тополмас, паноҳига олиб ҳимоя қилиши мумкин бўлган одам изларди. У Аламутда ҳам кўп турмади. Султон жангдан кейин тоторларни таъқиб қилиб Райга келгунга қадар бу ерда турди. Султон бу ердан туриб ўз қўшинларини Рай ва Абхаз чегараларига қадар юборди. Натижада Аламут ҳамма томондан Султон лашкарлари билан ўралиб қолди. Ғиёсиддин бу аҳволда бировлар томонидан нафас йўллари буғилган одамга ўхшарди.

Кейин Аловуддин (Муҳаммад) Султон ҳузурига элчи юбориб, Ғиёсиддинга омонлик беришни, уни яна қайтадан ўз хизматига олишни илтимос қилди. Султон бу таклифга кўнди, Ғиёсиддинга омонлик ваъда берди, ўз сўзининг ростлиги учун қасам ичди. Аламут элчиси ёнига мулклар мушрифи (мушриф ал-мамалик) Тожулмулк Нажибиддин Ёқуб ал-Хоразмий ва таштдор Жалолиддин Фарроҳни элчи сифатида қўшиб юборди[9]. Улар Ғиёсиддинни Султон хизматига қайтариши ва Аловуддинга ўртадаги яраш муносабатини амалга оширишдаги хизматлари учун миннатдорчилик билдириши керак эди[10]. Султон илгари ҳам Аловуддинга бу масалада ал-жаноб аш-шариф (марҳаматли жаноб) дея мурожаат қилганди. Эндиликда унга ал-мажлис аш-шараф дея янада улуғворроқ унвон билан мурожаат қилдики, бу ҳам укасини ўз ёнига қайтаришдек муҳим ишни тезроқ амалга оширишда рағбат, яъни нўхтасини узиб қочган отни эгасига топшириши учун илтифот эди.

Элчилар Аловуддин ҳузурига келганда Ғиёсиддин Султон ёнига қайтиш фикридан воз кечди. У улар ёнига қайтиб борганидан кўра, мамлакатлар бўйлаб мақсадсиз тарз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да бўлса ҳам кезиб юрганим хавфсизроқ бўлади, бундан ўзим ҳам афсус чекмайман, деб фикр билдирди. У Аламут ҳукмдори Аловуддиндан ўзи ва юкларини ташиб кетиш учун от топиб беришда ёрдам сўради. Аловуддин унга уч юзтами, тўрт юзта бошми от ажратиб берди.

Улар Аламутдан ташқарига чиққанда Султоннинг бу шаҳар яқинида жойлашган силаҳдор ат-Таваший Жаба бошчилигидаги қўшинлари ҳужум қилди ва уларни Ҳамадон чегараларига қадар таъқиб этди. Бу қўшин одамлари уни қўлга олишига оз қолганди. Лекин Ғиёсиддиннинг жонига унинг ҳузуридаги Жаҳон Паҳлавон Элчи бошчилигидаги лашкарлар аро кирди. Улар Ғиёсиддин ва унинг одамларини, юк араваларини гоҳ ўнг, гоҳ чап томондан химоя қилди, кейин таъқиб қилувчиларга ҳужум уюштириб, орқага итқитиб ташлади. Таъқиб этувчилардан баъзилари асир ҳам олинди. Ғиёсиддин қочиб Кирмонга, ноиби Ҳожиб Бароқ томон йўл олди. У собиқ ноибим садоқатини намоён қилар деган умид билан унинг ҳузурига борди.

Бароқнинг дастлабки қабиҳ ишларидан бири шу бўлдики, у Ғиёсиддиннинг онасига уйланди. У бу ишни она ва боланинг қаршилигига қарамасдан амалга оширди. Кейин, орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин, уларни ўзига суиқасд уюштиришда айблаб обрўсизлантирди. Улардан ўч олишга киришди. Бароқ Ғиёсиддиннинг онасини, у билан бирга вазир Карим аш-Шарқни, Жаҳон Паҳлавон Элчини қатл қилдирди. Ғиёсиддиннинг ўзини эса қалъалардан бирига қаматтирди[11].

Унинг ҳаётининг охирги кунлари ҳақида турли ҳикоялар тўқилган: баъзи бировлар уни Бароқ бироз вақтдан кейин ўлдиртирган деса, айрим одамлар у асирликдан қутилган, дейишади. Айтишларича, уни қалъада яшовчи қандайдир аёллар раҳми келиб қутқаришга аҳд қилишибди. Улар узун арқон топиб, уни қалъадан пастга туширибдилар. У Исфахонга борганида гўё Султон буйруғи билан ўлдирилган эмиш.

Мен бу иккинчи ҳикоядаги гапларга ишонмайман. Чунки Бароқнинг Ироқ ноиби ҳожиб Шарафиддинга йўллаган, Султонга ўқиш учун берилган мактубини мен ҳам ўқиганман. Бу воқеа Султон Табризда пайтида рўй

www.ziyouz.com kutubxonasi

берганди. У (Бароқ) бу хатида ўзининг аввалги хизматлари ва бошқа ишларини эслатар экан, бу ишлар қаторида Султоннинг ашаддий душмани, яъни Ғиёсиддинни ўлдирганлиги тўғрисидаги гапни ҳам қўшиб ўтганди. Кейин у хатида яна бундай деб ёзганди: "Султон агар мени, кекса чолни қўл остимдаги мулкларга хукмдор қилиб тайинласа, қандай зарар кўриши мумкин?" Олти юз йигирма олтинчи йили (1228—1229 йиллар) мен Райга келдим. Бу ерда менга Ғиёсиддиннинг бандиликдан қутулиб Исфахонга келгани, бу қувончли воқеа Ироқнинг ҳамма жойига тарқалгани ҳақида хабар беришди. Кейин, бир неча кундан сўнг туркман йигитлардан бири Ғиёсиддин сингари кийиниб, унинг номида Исфахонга келганлиги тўғрисида миш-миш тарқалди. Вазир Шарафиддин бу ерда бўлмаганлиги сабабли одамлар унинг (Ғиёсиддиннинг) юзини яхши билмаганлиги оқибатида туркман йигитни Ғиёсиддин деб ўйлашибди. Вазир Исфахонга қайтиб келгунча унга Ғиёсиддин деб хизмат ҳам қилишибди. Вазир келгач, унинг алдоқчи экани маълум бўлибди. У (вазир) ва (бировнинг номини ўзиники қилиб олган қаллобни) бозорма-бозор олиб юриб, калтаклашни буюрибди. Ажабланарлиси шундаки, Ғиёсиддин тақдири Исфахон аҳолиси учун номаълум бўлиб қолди. Негаки, у бу ерда султонлик қилди ва уч йил яшади. Тақдир иноятн шу-да! Яна нима дейиш мумкин, ҳаммадан кўра Оллоҳ билгувчироқдир!

---

[1] Бу ҳақда 39-бобга қаранг.

[2] Ғурлар мамлакати ҳукмдорларининг олтинчи вакили ҳисобланган Шиҳобиддин Муҳаммад ал-Ғурий Баҳовуддин Сомнинг ўғли эди.

Вазир Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳ ҳақида 11-, 12-, 13-, 18-бобларга қаранг.

Кирмон малиги Муаййид ал-Мулк Қавомиддин ҳақида 13-бобга қаранг. Ўша бобда Кирмон волийси деб берилган.

Иззиддин Жилдоқ ҳақида 12-бобда маълумотлар берилган.

[3] Бу воқеалар Ибн ал-Асирнинг асарларининг IX жилди 292—294-бетларида батафсил ёритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[4] Бу ҳақда 39-бобда баён этилган.

[5] Абул Аъло ал-Маъаррийнинг шеъри.

[6] Жувайний асарида бу воқеаларни бошқачароқ тасвирлайди.

[7] Маън ибн Абу Заид (Абул Валид ибн Матар) — араб лашкарбошиларидан бири. Халифа ал-Мансурнинг (754—755) Хуросондаги ноиби бўлган. 769 йилда харижийлар томонидан ўлдирилган.

[8] Халифа аз-Зоҳир (1225—1226 йиллар) ўзидан олдин ўтган халифаларнинг фаолиятини давом эттиради. У Хоразмшоҳ Жалолиддинга қаршиман, деб фикр билдирган одамга ёрдам беради.

[9] Таштдор Малик Жалолиддин Фарруҳнинг элчилик фаолияти ҳақида 85-бобга қаранг.

[10] Бу воқеани Ибн ал-Асир бошқачароқ ёзади. Унинг ёзишича, Жалолиддин Ғиёсиддиннинг Аламутга, исмоилийлар ҳузурига қочганини билганидан кейин укасини беришни талаб қилиб, акс ҳолда ҳужум қилиш ниятини билдириб нома ёзади. Исмоилийлар ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад III унга бундай деб жавоб мактуби юборади: "Уканг бизларнинг ёнимизда яширинган. У ҳам султон ва султоннинг ўғли. Бизлар уни сенга беролмаймиз. Уни ўз ёнимизда олиб қоламиз. Сенинг қўл остингдаги мулклардан бирига ҳам юбора олмаймиз. Биз сени унга меҳр-оқибатлироқ бўлишингни илтимос қиламиз ва бу хусусда бизга ваъда бер". Жалолиддин уларнинг талабига кўнади ва Ҳилотга кетади.

11. 500 та отлиқ лашкарлари билан Аламутдан чиққан Ғиёсиддин Кирмонга қараб йўл олади. У Бароқ Ҳожиб ёнида паноҳ топмоқчи бўлади. Бароқ уни чўлда, Абаркўҳ яқинида 4 минг лашкари билан кутиб олади. Кирмонга келишда йўлда Бароқ Ғиёсиддиннинг онасига уйланиш ниятини билдиради. Уни "азиз ўғлим" дея атайди. Она ва боланинг бунга қаршилигига қарамай, уларнинг аҳволи оғирлигидан фойдаланиб онасига уйланади. Тўй бўлиб ўтади. Бир неча кундан кейин Бароқ уларни ўзига суиқасд уюштирганликда айблаб, Ғиёсиддин ва онасини бўғиб ўлдиртиради. У Ғиёсиддиннинг бошини кесдириб, қуйидаги нома билан қўшиб Ўгадай қоонга юборади: "Сизнинг иккита душманингиз бор эди: Жалолиддин ва Ғиёсиддин, улардан бирининг калласини сизга жўнатдим". Бу воқеа 625 ёки 626 йилда бўлиб ўтди.

Ибн ал-Фуватийнинг ёзишича, Ғиёсиддин онасининг эри томонидан — отасининг қули Ботирқуш томонидан бўғиб ўлдирилган. У бу воқеа 629 йилда бўлиб ўтган эди, деб ёзади. Унинг Ғиёсиддин бу пайтда 20 ёшда эди деб ёзгани ҳам нотўғри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

63-БОБ

АЛАМУТ ҲУКМДОРИ АЛОВУДДИННИНГ СУЛТОНГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТ БИЛАН ФИДОЙИЛАР ЮБОРГАНИ БАЁНИ

Султон ўзи Райда қолиб, қўшинлари Хуросонда торларни таъқиб этиб юрган пайтида Аламут ҳукмдори Аловуддиндан унинг ҳузурига элчи келди. Элчи ёнида тўққизта фидойи ҳам бор эди. Аловуддин бу фидойиларни Султонга яқинлашиш мақсадида юборган, Жалолиддин эса улардан ўз душманларини ўлдириш ва йўқ қилиш учун фойдаланиши мумкин эди.

Султон бу иш бўйича энг яқин дўстлари ва энг ақлли, қилни қирқ ёрадиган маслаҳатгўйлари билан фикрлашди. Уларнинг аксарияти фидойиларни қабул қилиш ва уларга душманларни кўрсатиш таклифини айтдилар. Фақат Ироқ ноиби Шарафиддин бу фикрларга қарши чиқиб, бундай деди: "Аловуддиннинг бу ишдан кузатган битта мақсади бор, у Султоннинг ниятларини билишни, бу билан унинг яширин сирларидан огоҳ бўлишни истайди. Аловуддин Султонга то унинг яширин ниятларидан огоҳ бўлгунча яқин бўлади. Кейин бу сирларни билгач, бизлар кўрсатган душманлар билан тил топишади. Шу учун улардан фойдаланмаслик керак".

Султон фидойиларни Аловуддин ҳузурига қайтара туриб бундай деди: "Сенга ҳам, бошқаларга ҳам ким биз билан бирга, ким бизга қарши, ким дўсту ким душман эканлиги сир бўлмаса керак. Шундай экан, сен душманларимнинг йўқ бўлишини истаркансан, марҳамат, буни биз кўрсатиб бермасдан, ўзинг билиб амалга оширавер. Биз, агар бу иш Оллоҳга маъқул бўлмаса, бундай мажбуриятни сенинг зиммангга юкламаймиз. Дарҳақиқат, бизнинг ўткир қиличларимиз, шерсифат баҳодирларимиз турганда фидойиларнинг пичоқларига заруратимиз бўлмайди".

Жалолиддин фидойиларни ўз юртига қайтаргандан кейин Fиёсиддин ҳеч қандай қийинчиликсиз, керакли миқдордаги қурол-яроғ ва моллар билан таъминланган ҳолда Аламутни тезлик билан тарк этди. Султон Аловуддинни ваъда бўйича Fиёсиддинни ўзига топшириш ўрнига

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетишида ёрдам бергани учун ёмон кўриб қолди. Ораларида душманлик пайдо бўлди.

Бу душманлик Султон мени олти юз йигирма олтинчи (1228—1229 йиллар) йилда Аловуддин ҳузурига юборгунга қадар давом этди. Менга берилган номада Аламут ҳукмдорининг айблари битилганди. Бу ҳақда, агар Оллоҳ имкон берса, ўрни билан тўхталамиз[1].

---

[1] Ан-Насавийнинг исмоилийлар ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад III ҳузурига элчи бўлиб бориши ҳақида 92-бобда ҳикоя қилинади.

64-БОБ

САФИАДДИН МУҲАММАД АТ-ТУҒРОИЙНИНГ ХУРОСОН ВАЗИРЛИГИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ЎРНИГА ТОЖИДДИН МУҲАММАД АЛ-БАЛХИЙ АЛ-МУСТАВФИЙНИНГ ТАЙИНЛАНИШИ БАЁНИ

Сафиаддин Муҳаммад ат-Туғроий Туршиш рустагига қарашли Қолижард қишлоғи раисининг ўғли эди[1]. Унинг энг яхши хусусиятларидан бири - чиройли дастхати бор эди. Бахтли тасодиф туфайли у мансаб пиллапояларидан юқорига кўтарилганди. Омад кулиб боқиб, тақдир иноятн билан кучи тўлиб-тошган пайтда Ҳиндистонга бориб қолганди. Султон сафдошларининг аксарият қисми Синд дарёси бўйидаги жангда ва дарёда сувга чўкиб ўлганди (Бу ҳақда биз юқорида ёзган эдик), у омон қолиб, Шарафулмулк сафига қўшилганди. У шундан кейин, Султон кўплаб мамлакатларни босиб олгунга қадар унинг хизматида бўлди.

Сафиаддин Шарафулмулкнинг хизматидаги ва унинг раҳнамолигидаги одамлардан эди. Вазир уни туғролар қўриқбони лавозимига тайинлади. У бойиб, аҳволи яхшиланди. Хос мулозимлари, хизматкорлари, сафдошлари кўпайди.

Унинг ҳаёти Султон Ҳилотга қайтиб келиб, гуржилар Тифлисни иккинчи бор босиб олгунларига қадар шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

кечди. Кейин Султон гуржилар Тифлисни ёқиб юборганлари учун улардан қасд олиш мақсадида бу ерга келди. Ва шу келишида Сафиаддинни Ширвондаги Шаки ҳамда Кабола шаҳарларининг вазири этиб тайинлади[2]. Бу шаҳарларни гуржилар қудратли бўлган замонларда Ширвон ҳукмдорларидан тортиб олгандилар.

Султон шаҳарнинг қудратини ошириш мақсадида отабек Ўзбекнинг мамлуги Қошқорани Шаки ва Каболанинг волий ҳамда ҳимоячиси қилиб белгилади[3]. Шундай қилиб улар иккаласи (Сафиаддин ва Қошқора) шаҳарларни бошқара бошладилар.

Сафиаддин бу ерда солиқлар, хирожлар йиғди. Қошқора эса бирор иш қилмади, қўрқоқлиги туфайли шаҳарларни ҳимоя қилишни ҳам ўйламади. Шунда гуржилар тўпланиб уларга ҳужум қилди. Қошқора ҳамма нарсани ташлаб қочди. Сафиаддин эса шаҳар ичига кириб ҳимояланди. Гуржилар уни бир неча кун давомида қамал қилди. Лекин Султоннинг бу ерга яқин жойда эканлигини эшитиб, ўзлари қамалга тушиб қолишдан хавфсираб, ҳужум бўлиб қолишидан қўрқиб шаҳарни ташлаб чекиндилар. Сафиаддин хавфдан қутулиб, йиққан пулини ҳам сақлаб қола олди. Унинг бу хизмати Султоннинг мақтовига сазовор бўлди. Унинг саройга қайтиши исмоилийларнинг Ганжада Урхонни ўлдириши кунларига тўғри келди. Урхон амирликдан ташқари Хуросоннинг муқтаси ҳам эди. Шунинг учун унинг ўлимидан кейин Сафиаддин Хуросон вазирлигига тайинланди. У бу ерда бир йил ёки ундан ҳам кўпроқ вақт турди. Шу вақт ичида Хуросон аҳолисини оғир аҳволга солди. У халққа нисбатан адолатсиз иш юритди, сиёсат бобида режалари натижасиз бўлди, чиқарган буйруқлари бир-бирига қарамақарши эди.

Аҳвол шундай бўлдики, Султон тоторларга қарши курашиш учун Ироққа борганда ҳам, Райда турган пайтида ҳам Хуросондан вазирдан халос қилиш тўғрисида ёрдам сўралган шикоятлар кела бошлади. Аҳвол ниҳоятда аянчли эди, вазирга нисбатан нафрат тўлиб-тошганди. Шикоятчилар мамлакатнинг таниқли одамлари, машҳур кишилар, чоллар, билимдонлар эдилар. Султон Сафиаддинни Райга чақирди. У айтилган фурсатда ниҳоятда кўп совға-

www.ziyouz.com kutubxonasi

саломлар билан етиб келди. Аммо буларнинг бари аҳамиятсиз бўлди, совғалар уни бандиликдан сақлаб қола олмади. Султон уни қўлга олишга буюрди. У қўлга олинди, олиб келган совғалари хазинага топширилди, отлари (улар уч юзта бош эди) отхонага юборилди.

Унинг мамлуклари ва ғуломлари ҳам ушланди. Фақат битта ғуломи Али ал-Кирмоний қочиб қутулди ва Хуросоннинг асосий қалъаларидан бири Фиробга яширинди. Сафиаддин бу қалъани бойликлар билан тўлдирганди. Унинг уйи ва оиласи ҳам шу ерда эди. Али ал-Кирмоний шу учун ҳам бу ерга яширинган ва қалъанинг ҳимоясини қўлга олганди.

Султон Хуросон вазири қилиб Тожиддин Муҳаммад ал-Балхийни тайинлади. Сафиаддинни ҳам унинг қўлига топширди. Шу билан у унга Сафиаддиннинг қолган бойликларини ҳам тортиб олишни, қалъани қамал қилмасдан қўлга киритишни буюрди.

Сафиаддин ва Тожиддин ўртасида аввалдан низо бор эди. Уларнинг бир-бирларига бўлган нафратлари сўнмаганди. Шу учун Тожиддин Султонга Сафиаддинни ёмонлаб кетма-кет мактублар йўлларди. Бу мактубларда у Сафиаддиннинг қалъани топшириш нияти йўқлигини, қалъадаги ғуломи билан яширин равишда тил бириктираётгани, бойликларни бергиси келмаётгани тўғрисида ёзарди. Тожиддин Султонга мактуб ёзишни шу даражада давом эттирдики, оқибатда Жалолиддин ат-Туғроийни қалъа девори тагига олиб боришни, унинг тарафдорлари қалъани топширишни рад қилсалар ёки бошқа бир қаршилик кўрсатсалар, уни қатл этишни буюрди.

Лекин ат-Туғроий ёнидаги соқчига катта миқдорда пул ваъда қилди ва бу пулни яширин равишда унга берди. Айни пайтда, агар ишлари ўнгланиб, аҳволи яхшиланиб кетадиган бўлса, топган бойликларининг ярмини унга беришга келишди. Улар ўзаро келишдилар. Соқчи ҳам ат-Туғроий ҳақида бирон ёмон хабар эшитадиган бўлса ёки уни йўқ қилиш ҳақида буйруқ бўлса, уни озод қилишга, у билан бирга қалъага чиқиб кетишга сўз берди. Натижада соқчи уни йўқ қилиш ҳақида хабар эшитганидан кейин берган ваъдасининг устидан чиқди.

Ат-Туғроий ўлимдан халос бўлиб, хавфсизликка эришганидан кейин давлат арбобларига мактублар ёзиб, Сул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тоннинг ўзига нисбатан қаҳрини юмшатиш, кўнглида илиқ туйғулар уйғотиш ҳақида илтимос қила бошлади. Ўзининг ёмон ишларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, шикоятлар бўҳтон эканлигини билдирди.

Бизлар иккимиз энг яқин, садоқатли дўст эдик. Шу учун унга ёрдам беришни мен ўз зиммамга олдим. Чунки ҳали аҳвол издан чиқмаган, тузатиб бўлмайдиган ёмон ярадай газак олмаганди. Мен Султондан унинг хавфсизлигини таъминловчи ёрлиқ олдим. Орадан кўп ўтмай у саройга келди. Унинг қиёфасидан ўта қашшоқлиги, оғир аҳволда эканлиги сезилиб турарди. Мен унга дўстлигимиз ҳурмати имкон қадар пулдан, кийим-кечакдан, от ва турар жойдан то аҳволи ўнгланиб, ишлари юришиб кетгунча ёрдам бердим.

Мен ғайрат камарини боғлаб, енг шимариб унга бўҳтон қилган, таъқиб этган одамдан ўч олиш ҳамда уни аввалги лавозимига қайта тиклаш ҳаракатига тушдим. Мен бу ишларнинг ҳаммасини қилдим, у Хуросонда яна қайтадан вазирлик лавозимини эгаллаш учун барча имкониятларга эга бўлди. Аммо шу пайтда тоторларнинг қайтадан босқини ҳақида миш-мишлар тарқалди, бу бизларнинг барча ниятларимиз амалга ошишига тўсиқ бўлди.

Мамлакатда Султон мулкига кўз тикадиган, нафси ҳакалак отган таниқли давлат арбоблари ҳам кўп эди. Мана, бунинг исботларидан бири. Ат-Туғроий Райда қўлга олинганда зиндонга бир куни хазиначи Ҳамидиддин ташриф буюради ва унга Султон номидан бундай дейди: "Агар сен менинг кечиришимни ва миннатдор бўлишимни истасанг, Шарафулмулк учун яшириб қўйганинг барча қимматбаҳо тошларни келтириб берасан, ҳамма тиллоларни хазинага топширасан!"

Шунда у савдогарлардан кимдир Шарафулмулк учун омонат берган тўрт минг динорни, етмишта қимматбаҳо тошни: ёқут, бадахшон лаъли, зумрад, ферузани унга келтириб беради.

Хазиначи буларнинг ҳаммасини олади, лекин Султон Сафиаддиндан ғазабланган, шу учун уни тез кунда қатл қилдиради, деб ўйлаб олган нарсаларидан бирортасини ҳам хазинага кирим қилмайди. Аммо Оллоҳ унга раҳм-шафқат қилди, Сафиаддин Султон саройига қайтиб кел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. У хазина котиблари рўйхатига қараб ўзи берган қимматбаҳо тошлар ва тиллоларнинг кирим қилинмаганини, бу ҳақда котиблар хабарсиз эканликларини билади. Шунда у Ҳамидиддинга таҳдидомуз мактуб битади. Натижада улар ўзаро келишадилар. Сафиаддин бу хиёнаткорлик ҳақида индамасликка, хазинабон эса бунинг эвазига ҳар ойда ўз ҳақидан икки юз динор унга бериб боришга ваъда қилади. Сафиаддиннинг ўша кунлари чўнтаги пулсиз, қорни оч эди, шу учун кўнади. Сафиаддин ундан шу тариқа тўрт минг динорни қайтариб олади.

Қимматбаҳо тошларни эса хазиначи яшириб қўйганлигини айтади ва уларни кейинроқ беришга ваъда қилади. Аммо у ўз ваъдасини унутади.

---

[1] *Туршиш* — Нишопурдаги жой номларидан бири. Ёқут уни Турсис деб атайди. Ҳозирги кунда унинг номи Турмиз.

[2] *Шаки* — Озарбойжондаги шаҳар.

Кабола — ўрта аср шаҳри, мўғуллар томонидан вайрон қилинган.

[3] Қошқора отабек Ўзбек даврида Ганжанинг амири эди.

65-БОБ

МЕНИНГ НАСА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНИШИМ ВА НАТИЖАДА ДИЁУЛМУЛК БИЛАН ОРАМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Диёулмулк Аловуддин Муҳаммад ибн Маудуд ал-Арид ан-Насавий раислар оиласидан эди[1]. Унинг яхши фазилатлар эгаси эканлигини дўст бўлмаганлар ҳам тан олишар, ҳатто душманлари ҳам эътироф этишарди. Тоторлар босқини давридаги шафқатсиз қувғинлар, иқтисодий ночорликлар, уларнинг мамлакатларни босиб олганидан кейинги қийинчиликлар натижасида у Ганжага келиб қолди. У бу ерда аниқ мақсади бўлмаса ҳам ғойибона бахтни кутиб яшади. Ана шундай пайтда бу ерларда Султон пайдо бўлди. Шунда у Султон хизматига кирди. Девон ал-иншо ва ал-ардга раҳбарлик қилди, уларга ўз ўринбосарларини тайинлади. У бу ерда ўз мавқеини шу даража-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да мустаҳкамладики, ҳатто Шарафулмулк ҳам Диёулмулк улуғ вазирлик лавозими учун рақиб бўлмаса эди, деб хавотирлана бошлади.

Мен, юқорида айтганимдек, Насадан чопар бўлиб келиб, бу ерларда қолиб кетдим. Тақдир мени ўз измига бўйсундирди, бу ерда ишлаб мансаб пиллапояларидан бирма-бир кўтарилдим. Ва ниҳоят, котиб ал-иншо қилиб тайинландим.

Кейин Диёулмулкнинг аҳволи оғирлашди. У Султон саройида қолишни истамади. Чеккароқ вилоятлардан бирига кетишга қарор қилди. У ал-Мажид ан-Нишопурийни девон ал-ардда ноиби қилиб тайинлади, ўзига эса Наса вазирлигини олди. Наса тегараси катта бўлмаган жойлардан бири эди.

Султон унга бу ерда ўн минг динордан иборат иқто белгилади. Бу умумий фойдага ва вазирликдан келадиган тушумга қўшимча эди. У Насага кетди ва бу ерда унинг ҳукмронлиги янада кучайди. Султон унинг буйруқларини ўз буйруқлари билан тасдиқлаб янада улуғворроқ қиларди. Унинг буйруқлари қўшни ўлкалар, вилоятларда ҳам сўзсиз бажариларди. Бу унинг қудратли кучидан дарак берарди.

Мен у билан бир масалада баҳслашиб қолган эдим. Шу учун у мен билан яқин бўлганлар: қариндошларим, дўстларим, хизматдошларимга ҳам зиён етказа бошлади. Бунинг устига Султон хазинасига белгиланган миқдордаги маблағ юборишни тўхтатиб қўйди. Мен бу ишларни шундай қолдиришни истамадим. Унга Султон эътиборини ҳам қаратдим. Насадан келадиган пул миқдорини Султон орқали оширишга эришдим. Охир-оқибат Султон Наса вазирлигини менга топширди. Лекин у битта шарт қўйди: мен саройдан кетмайдиган, ўрнимга ноиб танлаб юборадиган бўлдим. Мен худди шундай қилдим.

Мансабидан четлаштирилган ва икки масалада (ан-Насавийни мансабидан узоқлаштиришга уринишда ва Султон хазинасига пул тўламаслик учун интилишда) ҳам мағлуб бўлган Диёулмулк яна саройга қайтиб келди. У қайтиб келганидан кейин Шарафулмулк менга қарши бўҳтон уюштириш учун у билан тил топишди. Бунинг учун Диёулмулк қўлида нимаси бўлса аямай, совғами,

www.ziyouz.com kutubxonasi

порами қилиб унга берди. Унинг атрофига ўзига яқин одамлар ҳам тўпландилар. Шарафулмулк унга ёрдам бериш учун қасам ичди.

Мен Султон билан ёлғиз қолганда унга бор гапни айтдим. Шарафулмулкнинг ишни ҳақиқат, адолат асосида эмас, балки маълум бир фойда асосида ҳал қилмоқчи эканлигини билдирдим. Шу сабабли уни ҳал қилишни, ишни кўриб чиқишни Султоннинг ўзидан илтимос қилдим. Султон иккаламизнинг ҳам дардимизни ўзи эшитишга ваъда берди. Шарафулмулк бизларнинг ишимизни кўриб, ҳукм чиқармоқчи бўлганда, Султон бизларни ўз ҳузурига чақирди. Ишимизни адолат билан ҳал қилиб берди. Оқибати шундай бўлдики, Диёулмулк Султон ҳузурида ўсал бўлиб қолди ва қувиб чиқарилди. У йўлда кетаётиб бирдан иссиғи кўтарилди ва бир неча кундан кейин бу ёруғ олам билан хайрлашиб дорулбақога, ўз азалий уйига кетди.

О, Яратган эгам! Ундан ҳам, биздан ҳам рози бўлгин! Қилган хатоларимиз бўлса, ўзинг кечиргин!

---

[1] Диёулмулк Аловуддин Муҳаммад ибн Маудуд ан-Насавий ҳақида 37-, 46-бобларга қаранг.

66-БОБ

СУЛТОННИНГ ҚОЗИ МУЖИРИДДИННИ БИР СЕҲРНИНГ ОСТИДА НИМА БОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ УЧУН БОҒДОДГА ЮБОРГАНИ БАЁНИ

Султон Ироқда пайтида унинг олдига тоторлардан қочган хоразмликлардан бири келди. У Султонга алломалар етакчиси ас-Саккокий номидан қандайдир хабарни айтди.

Сирожиддин Хоразмнинг фахри, виждони, улуғ одамларидан бири ҳисобланарди. У санъатнинг барча турларини мукаммал эгаллаганди, олий даражадаги фанларнинг билимдони эди. Одамлар у ҳақда, хоҳласа юлдузларни ўз ўрнидан силжита олади, хоҳласа бир назар ташлаш билан оқаётган сувни тўхтатиш қудратига эга, деб айтишарди. Унинг илмдаги қудрати шундай улуғланарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У фаннинг барча соҳаларига оид кўплаб асарлар ёзганди. Санъатда туғдор, ижодда мўъжизакор эди. Улуғ султон Аловуддин Муҳаммад ва унинг онаси Туркон хотун даврида мунажжимлик соҳасидаги илми туфайли фахрли ўрин эгаллаганди.

Султон ёнига келган хоразмлик унинг номидан гапирар ва ҳар бир сўзининг тўғрилигини унинг фикри билан исботларди. У бундай хабарни айтди: улуғ султон Аловуддин Боғдодга йўл олганида Сирожиддин унга сеҳр-жодулардан асрайдиган шаклни тайёрлаб берган экан[1]. (Улуғ султоннинг бу шакли ҳар эҳтимолга қарши ёғочдан ёки мумдан тайёрланган бўлиши керак. Тимсол, тасвир, шаклнинг ёниш хусусиятига эгалиги тўғрисидаги фикр шундан далолат беради). Султон томонидан тайёрланган бу шакл Боғдодга яшириб қўйилибди ва у орқали мўлжалланган натижага эришилибди.

Улуғ султон бу шаклни ўшанда Боғдодга олиб боришни ва бирор уйга яширишни қози Мужириддинга топширган[2]. Эндиликда Сирожиддин ушбу шаклнинг сеҳр-жодуларни қайтариш муддати тугаганлигини, у акс таъсир кўрсата бошлаганини, яъни Султон зарари, халифа фойдасига ишлай бошлаганини айтибди. Шунинг учун, агар Мужириддин ҳали ҳам тирик бўлса, Боғдодга бориб ўша шаклни топиб, ёқиб юборишини билдирибди.

Мужириддин хоразмликнинг бу хабарига ишонди. Султон Жалолиддин Мужириддинни бир қанча ишлар бўйича Боғдодга элчи қилиб жўнатди ва унга ўша шаклни топиб йўқ қилишни ҳам буюрди. Аммо Мужириддин биринчи гал борганда, ўша шаклни яширган уйда яшаш имконига эга бўлмабди. Ўша шаклни топиш учун уринишлари бекор кетибди.

Эндиликда мен нимадан ҳайратга тушиб, нимага ачинишни ҳам билмайман: бу улуғ алломанинг бундай жўн фикрларига ишонайми ёки унинг сўзига кириб алдамчи хаёлларга асир бўлганларнинг аҳволига куяйми?

Ахир бирор бир давлат сеҳр-жоду туфайли ҳалокатдан омон қолганми? Ёки дунёда аҳвол ҳамма вақт бир хил тарзда давом этармиди? Ахир қанча халқлар ўртасида ҳамкорлик иплари узилиб кетди? "Оллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани ўчирар ва устивор қилар. Асл Китоб унинг даргоҳидадир"*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] Султон Аловуддин Муҳаммаднинг Боғдодга юриши ҳақида 10-бобга қаранг.

[2] Қози Мужириддин Умар ибн Саъд ал-Хоразмийнинг Боғдодга элчилиги ҳақида 5-, 47-, 55-бобларга қаранг.

67-БОБ

АРРОН ВА ОЗАРБОЙЖОНДАГИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Султон Ироққа жўнар экан, Шарафулмулкни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. У Султонни Ҳамадон чегараларига қадар кузатиб борди. Бу ерда унга Озарбойжонда атабек Ўзбекнинг мамлуклари: Кучук лақаби билан танилган Носириддин Оққуш, даватдор Сайфиддин ибн Сунқуржа, Сайфиддин Боқлик ас-Садидий ва бошқалар ўзаро тўпланишиб, бир-бирига ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш асосида ғалаён кўтаришга келишганликлари ҳақидаги хабар етиб келди. Улар Табриз атрофига чодирларини тикқандилар. Мақсадлари берган сўзларига хиёнат қилган ҳолда Султон давлатига қарши курашиш, мамлакатда ўзи ҳам, изи ҳам аллақачонлар йўқ бўлиб кетган Атабеклар сулоласи ҳукмронлигини қайта тиклаш эди. Улар унинг учун Котиб қалъасига ёлғиз ўзи қамалган атабек Ўзбекнинг невараси, Малик Хомушнинг ўғлини озод қилишга қарор қилдилар[1]. Улар уни мамлакат ҳукмдори деб эълон қилиб, бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи эдилар. Улар қўзғолон кўтариш учун тўпландилар ва қулай пайт пойладилар, кейин Султон лашкарлари йўқлигидан фойдаландилар.

Султон Шарафулмулкни Озарбойжонга, мамлакатни ғимоя қилиш, уни ғалаёнчилардан озод этиш учун йўллади. Шарафулмулк бу ишдан бош тортишга уринди. Султон унга Аррон ва Озарбойжонда тўла ҳукмдор сифатида иш кўришга, шароит нимани тақозо қилса, шу ҳолда фаолият кўрсатишга, барча мулклар устидан назорат қилишга рухсат берди. Шу учун у бу ишга рози бўлди. Бундай жараёнда бошқа пайтларда ундан фақат пул йиғиш ва уни хазинага топшириш талаб этиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарафулмулк Мароғага етганда отабек тарафдорлари Табризда эканлигини, улар сафи ғаламислар ҳисобига кўпайганлигини, чигирткалар мисол атрофга ҳужум қилаётганлигини билди. Улар атрофдаги жойларга ҳужум қилиб оғир аҳволни юзага келтиргандилар. Шарафулмулк қўшинларини жангга тайёрлай бошлади. У қўшинига ҳожиби ва мамлуги Носириддин Қуштемирни бош қилиб қўйди.

Иккала томон Дих Хваркон ва Табриз оралиғида юзмаюз келиб, жанг бошланди[2]. Унда қиличлар ва найзалар ишга тушди. Улар кўплаб таналарда қонларга ботдилар. Орадан кўп ўтмай отабек тарафдорлари қоча бошладилар. "Оллоҳнинг амри-иродаси тақдири азалий бўлди".* Оққуш, Боқлик, Сунқуржа ва ғалаёнчиларнинг бошқа етакчилари асир қилиб олинди ҳамда араваларга ортилиб саройга келтирилди.

Улар Шарафулмулк олдига олиб келинганда у ўзининг уларга қилган яхшиликлари, кўрсатган илтифотларини айтиб танбеҳ берди. Масалан, Боқлик Ганжада пайтида Шарафулмулк хазинасидан мукофотланган эди. Унга вазирнинг ўзи бошдан-оёқ фахрий кийим-бош берганди. Ўшанда ҳар хил тошлар билан безатилган камарнинг ўзи тўрт минг динор турарди.

Кейин Шарафулмулк Табризга йўл олди ва бу ерга келишининг иккинчи куни Султон шаҳар майдонида қурдирган айвонга қўнди. Султон айвон орқасида уй ва сарой ҳам қурдирган эди. У бу ишни доимо шаҳар ичкарисида яшамаслик учун қилганди. Шарафулмулк ҳузурига қози, шайхлар ва шаҳар аъёнларини чақиртирди. Кейин Оққуш ва Боқликни олиб келишни буюрди. Улар олиб келинди, иккаласи ҳам занжирбанд қилингани учун тўпланганлар олдида ҳижолат тортди. Шарафулмулк қозига қараб деди: "Мусулмонлар ва тоторлар ўртасида мустаҳкам девор, қалқон янглиғ турган Султонга, улуғ ҳимоячига қарши ғалаён кўтарганларга нисбатан нима дейсиз?"

Шунда қози Қуръондан қуйидагиларни ўқиди: "Оллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун Оллоҳнинг лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон

www.ziyouz.com kutubxonasi

шер — жаҳаннам бордир". Кейин Шарафулмулк майонга иккита ёғоч кўмишни буюрди. Ёғочлар кўмилди, лар (Оққуш ва Боқлик) унга чормих қилиндилар.

Улар чормих қилингунларига қадар гўё яхшилик барқ риб турган новда мисол, атрофга нур таратиб турган улин ой сингари эдилар, аммо гуноҳкорлик ботқоғига отгандилар. Шу учун новда қуриди, ой эса сўнди.

Аррон ва Озарбойжон ғалаён кўтарганлардан, ғалачислардан тозаланди. Айримлар эса Шарафулмулк олига айбига иқрор бўлиб, бўйин эгиб келдилар.

Шарафулмулк ат-Туғроийнинг жияни қози Қавомиддин ал-Хаддодийни ғалаёнларга алоқадорликда айблаб ўлга олдирди. Уни ўн минг динор тўлашга мажбур қилди. Суд ишларини олиб боришга вакил қилинган одам ни Отабек мамлуклари билан ҳамкорликда айбдор деб ўкм чиқарди. Бу ёлғон ва бўҳтон эди.

Даватдор Сунқуржанинг айбларини эса Шарафулмулк баҳридан ўтди. Уни ўзига яқин олди, мансаб билан улуғлади. У чиройли юзи, гўзал ҳусни билан нафақат омон қолди, тақдир инъомларидан ҳам баҳраманд бўлди.

---

[1] Бу ерда фикр юритилаётган мамлуклар аввал ҳам Жалолиддинга қарши бош кўтариб чиққанлар. (Бу ҳақда 55-бобга қаранг.) Лекин кейин бўйин эгиб келгандилар. Отабек Хомушнинг ўғлининг исми Нусратиддин.

[2] *Дих Хваркон* — Урмиё кўлининг шарқий томонида жойлашган шаҳарча.

68-БОБ

ТЎҒРУЛНИНГ ҚИЗИ МАЛИКАНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИНГ ТАҚДИРИ БАЁНИ

Султон маликага Хой ва унинг яқинидаги Солмас, Урмиё шаҳарчаларини атрофидаги ерлари билан бирга қўшиб мулк қилиб берганида Шарафулмулк бу ерга ўз ноиби ҳамда малика вазири этиб аз-Зайн ал-Баҳорзийни тайинлади[1]. Ноиб вилоятдан бошқа вилоятларнинг ноиблари сингари, солиқ ва ушрларни йиғар, уларни ҳар ойда хазинага олиб бориб топширарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ал-Баҳорзий маликанинг ҳам ўзига қарам бўлишини, унинг устидан ҳам ҳукмронлик қилишни истарди. Унинг ўз буйруқларини бажаришини хоҳларди ва малика бунга мажбур деб ўйларди. Агар малика бирор ишда унга бўйсунмаса, ёки қаршилик қилса, бу ҳақда дарров Шарафулмулкка нома битар, вазирни унга қаршилантирарди. Бу ҳол Шарафулмулк кўнглида маликага нисбатан нафрат тўлиб-тошгунча давом этди. Султон Ироққа кетган пайтда Шарафулмулк ундан ўч олиш ва уни обрўсизлантириш учун қулай имкониятга эга бўлди. У Султонга Тўғрулнинг қизи, малика сенга қарши туриб, отабек Ўзбекнинг тарафдорларини қўллаб-қувватламоқда, уларнинг ҳокимият тепасига келишига ёрдам бермоқда, деб мактублар ёзди. Кейин Шарафулмулк Табриздан маликага мактуб битди. Бу мактуб билан у маликани қўрқитишга, кўнглида Султонга нисбатан ишончсизлик уйғотишга уринди. У шу билан маликанинг қочишини истади. Бу қочиш эса маликани ўлимга маҳкум этиш учун унга имконият очиб берарди. Ҳақиқатан, бу хат маликада ишончсизлик ва қўрқув уйғотди.

Ушбу мактубдан кейин Шарафулмулк Хойга йўл олди, малика эса бу ердан Тала қалъасига кетди[2]. Бу қалъанинг ўзига хослиги шунда эдики, у Урмиё кўли бўйида жойлашганди. Қалъа баланд қоятош устига қурилган бўлиб, унинг бир томондан бошқа ҳамма ёғи сув билан ўралганди.

Шарафулмулк Хойга келгач, унинг саройига жойлашди. Маликанинг хазинаси ва хилваттоҳларидан шунчалик кўп бойликлар чиқдики, уларни юк ташийдиган ҳайвонлар ҳам кўтара олмай қолдилар. Бу бойликлар кўп йиллар давомида йиғилган эди. У унинг хазинасидан энг ноёб, энг қиммат, умуман, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бойликларидан олди. Вазир унинг оймонанд канизакларидан танлаб олди ва уларнинг тақдири қулнинг тақдири хожаси қўлида қандай кечса, шундай бўлди. Шундан сўнг у маликани янада қўрқитиш учун қамал қуролларини шайлай бошлади.

Шунда унинг ҳузурига ас-сайиид аш-шариф Садриддин ал-Аълавий маликанинг мактубини олиб келди. Мактубда у вазирдан меҳр-шафқат қилишни, ўзаро ҳамкорликда, яхши муносабатда яшашни, олган нарсаларини қайтариб беришни илтимос қилган эди. Бу мактуб Шарафулмулкнинг қайсарлигини, маликага нисбатан нафратини кучайтириш билан бирга унинг қадр-қиммати, такаббурлигини ҳам оширди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунга қарамай, у Садриддинни насл-насаби, келиб чиқиши, обрў-эътиборига қараб ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилди.

Малика Шарафулмулкнинг меҳр-шафқат қилишига ишончи қолмаган бўлса ҳам яна бир марта унга мурожаат қилди, лекин бу ишидан афсусланди. У ундан Султон ҳузурига йўл очиб беришни, тақдирини Жалолиддиннинг ўзи ҳал қилиши учун имкон беришини сўради. Шарафулмулк унинг барча илтимосларини рад қилди ва бундай деди: "У фақат менга, менинг қўл остимдаги ҳокимиятга бўйсуниши керак!" У бу билан ҳам қаноатланиб қолмади. Маликани қўрқитиш учун унга Тожиддин Соҳиб ибн ал-Ҳасанни элчи қилиб жўнатди. Тожиддин Соҳиб Даркажиннинг ёвуз, шафқатсизликда донг таратган одамларидан бири эди[3]. Унинг жинояткорона ишларини ҳамма биларди.

Тожиддин элчиликдан қайтар экан, қалъадан чиққач маликанинг энг яхши отларини ўғирлаб Шарафулмулкка олиб кетди. Бу унинг сабр косаларини тўлдирди, орадаги душманликни кучайтирди.

Бу пайтга келиб малика шафқат сўраш фойдасиз эканлигига, у ҳеч қандай натижа бермаслигига ишонч ҳосил қилди. Шу учун у ҳожиб Алига — ал-Малик ал-Ашраф Мусонинг Ҳилотдаги ноиби ал-Одил Абу Бакр ибн Айюбга мактуб ёзиб, ўзини ҳимоя қилишни, озод бўлишида ёрдам беришини илтимос этди. Эвазига ўзига қарашли қалъа ва ерларни унга беришга ваъда қилди.

Шарафулмулк бу пайтда Солмас яйловларидан бирида эди. Ушбу шаҳарни қамал қилишга тайёргарлик кўрарди. Рақибининг душманлик қилишини хаёлига ҳам келтирмасди. У маликанинг душманлиги ва кўрсатаётган қаршилигига аҳамият бермасди. Дунёда менга қаршилик қиладиган ва бу борада ғолиб бўладиган одам йўқ, деб ўйларди.

Ана шу пайтда унга ҳожиб Али аш-Шомнинг Ҳилотдаги ва унинг атрофидаги барча қўшинларини йиғиб келаётгани, уларнинг Суқмонободга яқинлашгани ҳақида хабар келди[4]. Вазият ундан душманга қарши курашга тайёр бўлишни талаб этарди. Аммо у айрим иқто эгаларига ўз мулкларига қайтиб кетиш учун рухсат берганди. Шу сабабли Шарафулмулк Озарбойжонни тақдир ҳукмига ҳавола этиб, Табризга қараб қочди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳожиб Али Тала қалъасига келди. Қалъани ўз мулкига айлантириб, малика ҳамроҳлигида қайтиб кетди[5].

---

[1] Фармонда "ўзининг ноиби ва унинг вазири сифатида тайинланди" дейилган. Айни пайтда Шарафулмулк Султонга қандай вазир бўлса, унинг хотини малика олдида ҳам худди шундай вазир бўлиб хизмат қилиши керак бўлган. Лекин у масалага бошқачароқ қараган. Маликага Султон томонидан берилган ерларни ва шаҳарларни унга иқто сифатида берилган мулклар деб ҳисоблаган. Аслида бу ерлар ва мулклар малика қўлига бутунлай берилган бўлган.

[2] Тала қалъаси Урмиё кўлининг шимолий қисмида жойлашган бўлган.

[3] *Даркажин* — Хамадон яқинидаги қишлоқ.

[4] *Суқмонобод* — Хой яқинидаги қалъа.

[5] Малика ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотдаги ноиби, ҳожиб Ҳусаниддин Али ибн Ҳаммадуга мактуб ёзиб, ёрдам сўраганидан кейин, ҳожиб ўз қўшинлари билан Хойни ва унинг атрофидаги қалъа, ерларни босиб олади. Кейин ҳожиб Али Маранд ва Нахичевон аҳолиси илтимосига кўра бу шаҳарларни ҳам қўлга киритади. Ибн ал-Асирнинг маълумотларига кўра, ҳожиб Али яна бошқа кўплаб шаҳар ва қалъаларни ҳам қўлга киритиши мумкин бўлган. Лекин у Жалолиддин хазинасига эга бўлгач, Ҳилотга қайтади. Малика ҳам у билан бирга кетади.

Ҳожиб Алининг бу юриши 624 йилнинг шабонида (1227 йилнинг июл-августида) рўй беради.

Ал-Мокиннинг маълумотига кўра, ҳожиб Али бу юриши пайтида Шарафулмулкнинг қизини ҳам асир олган.

69-БОБ

АР-РУМДАН ЭЛЧИ ИМОДИДДИННИНГ КЕЛИШИ БАЁНИ

Шарафулмулк Хой яқинида пайтида унинг ҳузурига ар-Румдан Имодиддин лақаби билан машҳур бўлган киши элчи сифатида ташриф буюрди. У султон Аловуддин Қайқубод ибн Қайхусров вазирининг мактубини олиб келганди.

Унинг мактубида дўстона туйғулар изҳор этилган бўлиб, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, алоқаларни мустаҳкамлашга оид фикрлар баён қилинган эди. Мактубда шундай сўзлар бор эди: "агар Султон кейинги пайтларда қўққисдан ҳужум

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишни кучайтирган бўлса, унинг бу ердаги дўсти ҳам рб томонга юриш қилиб, кофирлар ҳукмдорларига рашли бўлган бир неча қалъаларни босиб олди. ақиқатан, сенинг атрофингда бир гуруҳ одамлар ғала-ислик ишларини амалга ошириш учун пайт пойлаб ту-ибди. Улар бу орқали ўзларини ушалмайдиган умидлар а алдамчи хаёллар билан овунтиришга интилмоқдалар".

Вазир бу билан малика илтимосига кўра ҳожиб Али-нинг Озарбойжонга юришини ва бу борадаги кўзлаган мақсадларини назарда тутган эди.

"Мана, биз сен билан ёнма-ёнмиз. Агар сен бизни ақирсанг яқин ҳамкор топасан, агар сен бизни таклиф қилсанг, яқин дўст билан учрашасан. Бизларнинг мамла-катларимиз ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Агар кўнгилларингизда катта қўшин тўплаб, уларни қилич билан қуроллантириш нияти бўлса, бизлар қурол-аслаҳа-ларимизни сизларга ёрдам учун жўнатамиз. Ғолиблик учун курашларда жонимизни ҳам аямаймиз".

Шарафулмулк мактуб учун миннатдорчилик билдирди, элчини тантанали равишда қабул қилди. Кейин унинг мак-тубига жавоб ёзиш устида маслаҳатлаша бошлади. Унинг атрофидагилар (уларни ўша пайтда ад-Даркажиний ўз бил-ганича бошқарарди) жавоб мактубида улардан бир қанча миқдорда пул сўраш керак деган таклифни билдирди. Чун-ки ҳар қандай шароитда одамлар сони камайса, пул бўлса, янгиларини тўплаш учун имконият туғиларди.

Маслаҳатчилар вазирга ўз фикрларини маъқуллатди-лар. Аслида бу бемаъни таклиф эди. Лекин вазирни бу таклифни айтмасликдан қайтаришнинг ҳам имкони қол-маганди. Шу сабабли унга бундай маслаҳат бердим: "Агар бу таклифни айтиш шунчалик зарурат бўлса, уни ниҳо-ятда камтарлик, илтифот, эҳтиёткорлик ва шикастанафс-лик билан битмоқ керак. Уни гўзал иборалар, самимий сўзлар билан битиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шоҳлар бамисоли тоғга ўхшайди, агар сиз улар билан муносабатда юмшоқ феълли бўлсангиз, сасингиз акс-садо бўлиб қайтади".

У менинг гапларимга кўнди, бироқ пулга ниҳоятда ўчли-ги сабабли шикастанафсликни ҳаддан ошириб юборди. Унинг жавоб мактубида қуйидаги сўзлар ҳам бор эди: "Сиз-лардан сир эмаски, тоторларнинг пайдо бўлиши билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

одамлар турли томонларга тарқалиб кетди, кўз ёшлар тўкилди, Султон хазиналарида асрлар давомида тўпланган бойликлар таланди. Султон Жалолиддин отасининг ўлимидан кейин қўлида қиличидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмасдан жангга кирди. Агар сизлар унга жуда катта илтифот ва марҳамат кўрсатсангизлар, ёрдам берсангизлар, бу ишларингиз беиз кетмайди. Асрлар давомида ўлмас хотира бўлиб қолади". У худди шу оҳангда элчига кўп вақт гапирди, ўзини ҳаддан ташқари хокисор қилиб кўрсатди. Ҳатто мен ҳам унинг бу қилиғи учун унга шикастанафслик хусусида гапирганимга афсусландим. Кейин Шарафулмулк элчига ўз имкони қадар фахрий кийим-бош совға қилди[1]. У илтифот ва совға-саломни ҳаддан оширди. Шу билан бирга унга туғ, бошдан-оёқ ясатилган от, баланд чўққи қалпоқ, минг динор пул берди.

Бу мактуб султон Аловуддин Қайқубод кўнглида самимий туйғулар уйғотди. Ўз навбатида у ҳам Султонга ва Шарафулмулкка турфа хил совға-саломлар, қимматбаҳо буюмлар юборди. Бу совғалар маълум сабабларга кўра Ҳилот қамалидан кейин етиб келди. Бу хусусда ўрни билан тўхталиб ўтамиз.

---

[1] Султон Аловуддин Қайқубоднинг Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳузурига иккинчи бор элчилар жўнатгани ҳақида бошқа манбаларда маълумотлар учрамайди.

70-БОБ

СУЛТОН ИРОҚДА ПАЙТИДА ШАРАФУЛМУЛК ТОМОНИДАН ОЗАРБОЙЖОН ВА АРРОННИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ БАЁНИ

Шарафулмулк Султондан кейин Озарбойжонда қолгач, бор кучини бу ердаги ғалаён бўлиб ўтган қалъаларни босиб олишга ташлади. Ғалаён маркази бўлган Дизмир амирлари ва лашкарларига, агар улар қалъани жангсиз топширадиган бўлсалар, пул беришни ваъда қилди[1]. Қалъа топшириладиган куни у бу ерга келди ва уларга фахрий кийим-бошлар, олтин ҳамда бошқа буюмлардан иборат совғалар берди. Булар шундай совғалар эдики, ундайларини ҳатто маликлар, амирлар ҳам бир-бирларига бермаган бўлардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

у Отабеклар давлати ҳукмдорлари томонидан эъзозланиб улуғ ҳожиб унвонига сазовор бўлган Носириддин Муҳаммадни асир олдирди.

Шарафулмулк унинг ниҳоятда кўп миқдордаги пулини мусодара қилдирди. Шу билан бирга унга Қаҳром қалъасини топшириш мажбуриятини ҳам юклади[2]. Чунки бу қалъанинг волийсини ҳам Носириддиннинг ўзи тайинлаган эди. Носириддин унинг айтганларини қилди. Шундан кейин у кўнглида ҳукмдорликдан воз кечмасада, устига қаландарлар кийимини кийиб Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегиннинг мулкларидан бирига кетди[3].

Шарафулмулк орадан кўп вақт ўтмай Султонининг Ганжадаги собиқ волийси Сайфиддин Қошқора ал-Отабекийнинг вафот этганлигини эшитди. У ўша томонга қараб юрди ва марҳум волийнинг ноиби Шамсиддин Киршосфдан Арронга қарашли бўлган Харқ ва Жарбард қалъаларини тортиб олди[4].

Ноиб Шарафулмулкка ўзининг содиқ эканлигини, волий тирик пайтида ҳам унга садоқат билан хизмат қилганлигини билдирди. У бу хизмати билан вазир шаънини улуғлаётганини, унга ишончи катталигини айтди. Аммо шунга қарамай уни санжоққа солиб шундай қисишдики, баданидан суяклари ситилиб чиқиб кетди. Кейин Шарафулмулк ўзи томонга Дарадиз қалъаси қўриқбонлари бошлиғини оғдириб олди[5]. У қалъани вазирга топширди. Шарафулмулк бир гуруҳ отлиқ ва пиёда лашкарларини Руиндиз қалъаси томонга жўнатди. Улар қалъани узоқ пайт қамал қилиб ётди. Қалъа ҳукмдори Малик Хомушнинг хотини Шарафулмулкка эрга тегиш ниятини билдирди. Никоҳ ва тўйдан кейин қалъа калити ўзига топширилиши шарти билан вазир ҳам бунга рози бўлди. Икки томон ўртасидаги унаштириш маросими ўтказилди. Лекин у ўйлаган ниятини амалга оширишга улгурмади. Султон Ироқдан қайтиб келди ва Хомушнинг хотинига ўзи уйланиш ниятини билдирди. Шарафулмулкнинг режаси шу тарзда барбод бўлди ва қамал қилиш тўхтатилди.

Султон унга уйланганидан кейин ўзининг хос мулозими, даватдор Саъдаддинни ушбу қалъанинг волийси қилиб юборди. Бу иш маликани унинг қариндош-уруғлари Султон ҳузурига олиб кетганидан кейин рўй берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалъа мингта уйдан иборат эди. Унинг аҳли бу уйларни аждодларидан мерос қилиб олганди. Саъдаддин қалъани бу ерда яшовчилардан тозалашни мақсад қилиб қўйди. Акс ҳолда у қалъани ҳеч қандай йўл билан эгаллай олмасди. Бироқ у ўз мақсадини амалга ошириш учун шошилди, зулм йўлини тутди. Оқибатда у ўлдирилди. Қалъадаги аҳвол аввалгидай оғир ва қийин бўлиб қолди.

Шарафулмулк бу пайтда ўз қўшини билан Шоҳи қалъасини қамал қилиб ётганди[6]. Бу қалъанинг ўзига хос томони шунда эдики, у Урмиё кўлининг ўртасидаги оролда, гумбазсимон баландлик устида барпо қилинганди. Бу баландлик сунъий равишда қурилгандек таассурот қолдирарди. Қалъанинг атрофи ҳамма томондан сув билан ўралганди. Унинг ён-верида бир неча қишлоқлар бўлиб, қалъа аҳлини озиқ-овқат билан таъминларди. Султон келиб Шарафулмулк ўрнига маликага уйланганидан кейин вазирнинг жаҳли чиқди ва ўз лашкарларини қалъа қамалидан чақириб олди. Шу тариқа бу қалъа ҳам Султон ҳукмронлигидан четда қолди.

---

[1] *Дизмар* — Табриз шимолидаги қалъа.

[2] *Қаҳром (Қаҳрон)* — Қирхсу дарёсининг юқори қисмида жойлашган ўрта аср қалъаси.

[3] Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегин ҳақида 8-бобга қаранг.

[4] *Харқ ва Жарбард* — ўрта аср қалъалари.

[5] *Дарадиз* — Мароға атрофларида жойлашган қалъа. Отабек Хомушнинг хотини Сулафа хотунга тегишли бўлган.

[6] *Шоҳи* — Урмиё кўлидаги шу номдаги оролда жойлашган қалъа.

71-БОБ

СУЛТОН ИРОҚДА ПАЙТИДА ШАРАФУЛМУЛКНИНГ ОЗАРБОЙЖОНДА ИСМОИЛИЙЛАР САВДОГАРЛАРИНИ ЎЛДИРИШИ БАЁНИ

Султон Исфахонда пайтида Шарафулмулкка мактуб юборди. Мактубда Султон тоторларнинг элчиси исмоилий савдогарлар ҳамкорлигида аш-Шомга йўл олгани,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг айни пайтда Боғдоддан ўтгани ҳақида хабар берди. Шу билан бирга у вазирга бундай буйруқ юборди: "Сен исмоилийлар томонга аш-Шомдан бораётган ва ар-Румдан қайтаётган ҳар бир карвонни кузатиб тургин. Агар сен тотор элчисини тутиб олсанг, уни ушлаб тур ва бу ҳақда бизга хабар юбор. Уни нима қилишни биз ҳал қиламиз".

Султоннинг бундан бир мақсади: у маликлар (аййубийлар сулоласининг ҳукмдорлари) ва халифаликнинг тоторлар билан ёзишмаларини исботловчи ҳужжатга эга бўлмоқчи, уларнинг разил ишларини қоралаш учун асос топмоқчи эди[1].

Бу ишларни амалга оширишда исмоилийлар ҳукмдорининг хос мулозими, жандор Тожиддин Али ибн ал-Қози қатнашаётган эди[2].

Шундан кейин Шарафулмулк йўлларга соқчилар қўйди ва ўтаётган ҳар бир карвонни текширтирди. Бу иш аш-Шомдан исмоилийлар карвони етиб келгунга қадар давом этди. Карвонда етмишдан ортиқ одам бор эди. Шарафулмулк улар ёнига одамларини юборди. Улар эса карвондагиларнинг қўл-оёқларини боғлаб ўлдирдилар. Вазир бу ишни қилдирар экан, кейин одамлар ўртасида уятга қолишни ва низолар, ғаламисликлар кучайишини ўйламади. У аслида исмоилийларни пул билан таъминлаб турар ва бу ҳол унинг улар олдида ҳурматини оширган эди. У шу тариқа ўзини ва Султон лашкарларини ҳам уларнинг душманликлари ҳамда ёвузликларидан асраб келарди. Туяларга ортилган юклар вазирнинг хазинасига жўнатилди. У бу ишни ғоят хурсандчилик билан амалга оширди, чунки бундай ишларни қилишга унинг қонида ўчлик бор эди.

Султон Озарбойжонга қайтиб келганидан сўнг унинг ҳузурига исмоилийлар ҳукмдори Аловуддиннинг элчиси Асадиддин Маудуд келди[3]. У Шарафулмулк қилган ишларни айтиб, Султонга таъна қилди ва карвондан тортиб олинган бойликларни қайтариб беришни талаб этди. Султон вазирнинг қилган ишларини қоралади, унинг аҳмоқлигидан ўкинди. Ўлдирилганлардан тортиб олинган нарсаларнинг ҳаммасини қайтариб бериш тўғрисида буйруқ берди. Элчининг илтимосига кўра, унинг ёнига шахсий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳожиби ва девондаги ҳарбий ноиб Бадриддин Дудоғ ибн Инонжхонни қўшиб берди[4]. Инонжхон барча нарсаларнинг қайтариб берилишида элчи ёнида гувоҳ сифатида қатнашиши керак эди. Карвондаги ўлган одамлар тўғрисида ҳеч қандай гап бўлмади.

Султон томонидан юборилган Дудоғ эса у ерга борганидан кейин Шарафулмулк одамига айланди. У нотиқ эди, яхши гапирарди, лекин элчига ўттиз минг динор ва ўнта араб отларини берди, холос. Бошқа пуллар ва бойликлар эса қайтарилмади. Бекорга қон тўкилди. Шу пайтда Ғиёсиддиннинг Аламутдан кетгани ҳақидаги хабар етиб келди.

Мана шундан ҳам вазирнинг қандай одамлигини, турфа хил қиёфасини билса бўлади. У бойлик олдида ҳар нарсадан кечарди, такаббурликда тенгсиз эди. Биз унинг Урхон ўлимидан кейин фидойилар олдида тиз чўкиб қанчалар ёлворганини, ўз жонини сақлаш учун йилига тўланадиган ўттиз минг динор товон пулини ўн минг динорга туширганини билардик. Айни пайтда, пул, бойлик илинжида етмишдан ортиқ одамнинг ҳаётини қурбон қилганига ҳам гувоҳ бўлдик.

Бундай пайтда бандасининг нақадар онгсиз, нафс қулига айланганлигидан, ўткинчи дунё деб ўзини ёмон ишлардан тия олмаганидан афсуслар чекасан. Оҳ, Яратган эгам, биз ожиз бандаларингнинг қилмишларини ўзинг кечиргин!

---

[1] Тарихий манбаларда айтилишича, исмоилийлар Чингизхон билан ҳамкорликларни аввалдан, мўғуллар Хоразмга бостириб келган пайтдаёқ бошлашган. Исмоилийларнинг ҳукмдори Жалолиддин Ҳасан III (1166—1221 йиллар) мусулмон ҳукмдорлари орасида биринчи бўлиб Чингизхон ҳузурига совға-саломлар билан бирга элчи жўнатган ва ҳамкорлик қилган. Ҳасан III нинг ўғли Аловуддин Муҳаммад III отасидан фарқли ўлароқ мўғуллар босқинидан, Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг улар билан оворалигидан, халифалик ва бошқа ҳукмдорларнинг кучсизлигидан фойдаланган ҳолда бир қанча қалъалар, мулкларни босиб олди ва давлатини кучайтирди. Атрофидаги кичик давлатлар ва мулклар ҳукмдорларига зуғум ўтказиш сиёсатини олиб борди, улардан товон пуллари, солиқлар ун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, 624 йилда (1226—1227 йилларда) Аловуддин Муҳаммад нинг Суриядаги ноиби Мажидиддин Рум султони Аловуддин Қайқубод I га ҳар йили 2 минг динор тўлаши кераклиги ида талабнома йўллади. Исмоилийларга насронийлар ҳам он пули тўлаб туришган. Фридрих II 624 йилда Мажидиддинга 80 минг динор тўлаган.

Ан-Насавийнинг ёзишича, исмоилий савдогарларнинг карвонлари мўғул элчилари учун ҳимоя воситаси бўлган. улар бу карвонлар воситасида мўғуллар билан Кичик Осиё, Сурия ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмаларни ташиганлар. Бу номаларда улар Хоразмшоҳ Жалолиддинга қарши зимдан ҳамкорликда кураш йўлларини ишлаб чиққанлар.

[2] Жандор Тожиддин Абул Футуҳ Али ибн ал-Қози Муҳаммад исмоилийларнинг Суриядаги ноибларидан бири эди.

Жандор — сарой мансаби, султоннинг қурол-аслаҳаларини сақловчи одам.

[3] Асадиддин Маудуд ҳақида 92-, 95-бобларга қаранг.

[4] Бадриддин Дудоғ ибн Инонжхон ҳақида 85-бобга қаранг. Дудоғ бу ўринда лаб маъносида.

72-БОБ

ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ (1226—1227) ЙИЛДА АЛ-ҲОЖИБ АЛИ АЛ-АШРАФИЙНИНГ ХУРШИДА ШАРАФУЛМУЛККА ҚИЛГАН ҲУЖУМИ, УНИНГ АРРОНДА ЎЗ БОЙЛИКЛАРИНИ ТАШЛАБ ҚОЧИБ ҚУТИЛИБ ҚОЛИШИ, ОДАМЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИБ КЕТИШИ БАЁНИ

Ал-ҳожиб Али Туғрулнинг қизи малика билан ҳамкорликда Ҳилотга қайтгани ҳақида юқорида айтган эдик. Шарафулмулк буни эшитиб, таҳликага тушди. У Арронга қараб йўл олди. Бу ер туркманлар тўпланадиган марказий жой бўлиб, бойликлари ҳам ошиб-тошиб ётганди. У Муқонда тўхтади ва ўз одамларини туркман қабилаларидан солиқ, мажбурият пулларини ундириб келишга жўнатди[1]. Туркманларнинг Қужат Арслон қабиласидан мажбурият маблағларини йиғишга ас-Сирож ал-Хоразмий номи билан машҳур бўлган одам борди[2]. У ўзи билан бирга бир гуруҳ ярамасларни (авбошларни) ҳам олган эди. Ас-Сирож бу ерга келгач, ўзлари учун кунига ўттиз бош мол сўйишни талаб қилди. Бунинг устига яна бир қанча талаблар ҳам қўшилди. Қабиладагиларнинг бу талабларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўла бажариш имкони йўқ эди. Шу учун улар норозилик билдириб, унга бундай деди: "Сен ўз ҳукмдорингнинг олдига қайтиб кетавер, солиқ ва мажбуриятни эса биз ўзимиз йиғиб олиб бориб хазинага топширамиз. Сенинг бу ерда маблағ йиғишингга зарурат йўқ!"

Ас-Сирож қайтиб кетди ва бу хусусда Шарафулмулкка шикоят қилди. У қабила аҳлини ёмонлади, аҳвол шу даражага етдики, вазир кўнглида уларга нисбатан нафрат уйғотди. Вазир лашкарлари билан Муқондан чиқди ва сув кўп бўлгани учун Аракс дарёсини кемаларда сузиб ўтиб туркманларнинг манзилларини ўраб олди. Уларнинг молларини Бойлаконга ҳайдаб кетди. Олиб кетилган моллар ўттиз минг бошга яқин эди. Уларнинг кетидан туркман аёллари йўлга тушдилар. Мен бу гал ҳам одатдагидай Шарафулмулк Бойлаконга боргач, туркманлар ўз мажбуриятларини вақтида бажармаганликлари учун уларга бироз миқдорда жарима солиб, пулини олиб, молларини қайтариб беради, деб ўйлаган эдим. Аммо у Бойлаконга келгач, молларни одамларига бўлиб берди ва тўрт минг бош қўйни қўзилари билан ўзи учун олди.

Султон ҳар гал мағриб ёки машриққа бораётиб Бойлаконда тўхтаганида Шарафулмулк менга Жалолиддин учун ҳисобот ёздирарди. Ҳисоботда зиёфат учун қанча мол ва дон кетганлиги битиларди. Унда бундай деб эслатиларди: "Овқат учун белгиланган қўйлар сони фалон бошдан иборат". У бу қўйлар қаердан келтирилганидан хабардорлигимни биларди. Кейин Шарафулмулк Муқонга қайтиб борди. Бу ерга барча вилоятлардан солиқ ва мажбуриятлар олиб келиб йиғилиб бўлганидан кейин қўшинлар ҳамда шикоят қилиб келган туркманларнинг талабларини қондирди.

У Султон учун тўланадиган эллик минг динор ўлпонни тезлик билан юбориш тўғрисида Ширвоншоҳга талабнома юборди[3]. Ширвоншоҳ унинг талабини бажариш ёки бажармасликни билмай иккиланди. Кейин унинг талабини бажармасликка қарор қилди. Агар бу пулни юборсам, Шарафулмулк уни ўзи учун олади ва одатига кўра сахийлик билан беҳудага исроф қилади, деб ўйлади. Ширвоншоҳ тўғри ўйлаганди, лекин унинг Шарафулмулк беҳудага сарфлайдиган пул миқдори ҳақидаги фикри но-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри эди: вазир у айтган миқдордаги пулдан бир неча навар кўпроқ маблағни беҳудага исроф қиларди. Шарафулмулк унинг талаб қилган пулни юбормагани учун табланди. Кура дарёси томон йўлга тушди, тўрт мингга зин отлиқ лашкарларни Ширвоншоҳ мамлакатига ҳужум илиш учун юборди.

Аммо лашкарлар бирор натижага эришолмасдан қайиб келдилар. Ширвоншоҳ ўз юртини ташлаб кетганди. Шарафулмулк шундан сўнг Озарбойжонга йўл олди.

Отабек Паҳлавоннинг қизи, Нахичевон ҳукмдори бўлган малика ал-Жалолия Ойтуғмиш исмли мамлуғини тарбиясига олган эди[4]. У катта бўлгач, малика уни ўғил қилиб олди. Аммо Ойтуғмиш маликани ташлаб, Шарафулмулк томонга ўтди ва тарбиялаган онасига душманлик қила бошлади. Унинг бу қилиғи етимликдан қутилган одамнинг ўз хожасига чанг солишидай, вояга етган айғирнинг ўз онасига сакрашидай гап эди. Ойтуғмиш Шарафулмулкни доим Нахичевон ва унинг атрофидаги жойларни босиб олишга даъват этарди. Унинг мақсади Нахичевонни маликанинг қўлидан тортиб олиб, Султонга маълум миқдордаги товон ва йиллик солиқ пулларни тўлаб туриш эвазига бу ерга ҳукмдор бўлиш эди. Ниҳоят, Шарафулмулк бу хиёнаткорона ишга рози бўлди.

Ойтуғмиш Озарбойжонга йўл олганда Шарафулмулк унга ўзининг хос мулозимларидан бир гуруҳини қўшиб берди. Уларнинг нияти Нахичевонга бориш, аввал маликанинг ишончини қозониш, кейин уни асир қилиб олиб, ўрнига Ойтуғмишни ўтқазиш эди.

Аммо улар ораларида Ойтуғмишнинг ҳар бир қадамидан, унинг нафас олишию шайтоний ўй-хаёлларидан нималар кечаётганидан маликани воқиф қилиб турадиган айғоқчи борлигини билмасдилар.

Улар Нахичевонга яқинлашганда олдиларидан ҳимоячилар чиқдилар ва бирданига жанг бошланиб кетди. Ойтуғмишнинг ҳамроҳларининг кўз ўнгида ҳимоячилар кўп бўлиб кўринди. Натижада улар ўз мақсадларига эришолмай шармандали ҳолда орқаларига қайтдилар. Улар орқасидан Шарафулмулк етиб келди ва Нахичевон атрофидаги яйловларга чодир тиктирди. Унинг кўнгли айёрлик, шумлик, баттоллик ва ёвузликлар билан тўлиб-тошган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. У афсус чекар, лекин бу афсуси ал-Фараздакнинг Нувар олдидаги надоматига ўхшамасди[5]. Унинг тили кечирим сўраш, тавба қилиш учун айланмасди.

Шарафулмулк малика бизга одатдаги меҳмондорчиликни қилмаса керак, деб ўйлаганди. Лекин маликанинг ҳожибаси унинг ҳузурига одатдагидан ҳам кўпроқ совға-саломлар билан келди[6]. Малика бу билан унга адолатсиз иш қилганини англатиб, очкўзлиги учун уялтирмоқчи эди.

Кейин ҳожиба унинг ҳузурига яна келди ва унинг маликага қарши хатти-ҳаракатлари учун огоҳлантирди. Шу билан бирга маликанинг қуйидаги сўзларини ҳам унга етказди: "Нахичевон ва унинг атрофидаги мулклардан хазинангга юбораётган товон пулларим, шахсан ўзингга йўллаётган совға-саломларим етмаётибдими? Бунинг устига менга аждодларимдан мерос бўлиб келаётган ишларга икки баравар кўп сарфланадиган харажатларни ҳам қўш! Булар ҳам етмагандек яна сен мени уятга ҳам қолдирмоқчисан. Агар сен бунга қаноатланмай Нахичевонни босиб олиш ниятинг бўлса, марҳамат, бу ерга ўз солиқ йиғадиган одамингни юбор. Шунда сен менинг ҳар йили Нахичевон даромадидан икки баравар кўп миқдордаги ўлпонни хазинангга ва ўзингга совға қилиб юбораётганимни биласан".

У бу гаплардан кейин кўнгилдан чиқариб бўлмаса ҳам тил учида узр сўради, аммо астойдил кечирим сўрашга сўз тополмади. Шундан сўнг у Шамирон қалъасига қараб йўл олди[7]. Бу ерда Хурш деб номланган қишлоқда тўхтади.

Бу қалъа ал-Малик ал-Ашрафга тегишли эди, унинг ноиби отабек Ўзбек томонидан бу ерга белгиланган соқчилардан тайинланганди. Бу Султон Озарбойжонни босиб олишидан олдин бўлиб ўтганди. Хурш қишлоғи аҳолиси тепалик устида босқинчилардан ҳимояланиш учун қурилган қалъага кириб беркинишди. Вазирнинг қуролланган ғуломлари уйлар оралаб кетдилар. Қишлоқ одамлари улардан бирини тутиб олиб ўлдирди.

Буни эшитган Шарафулмулк ғазабга минди. Қишлоқ аҳлини бу ердан ҳайдаб чиқариб, уларга ўз қаҳрини кўрсатиб қўйишга ва шунга қадар Хуршдан кетмасликка қарор қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тонг отгач, унинг қўшинлари тепаликни ҳамма то-
дан ўраб олиб ўқ ёғдира бошлади. Қишлоқ аҳли ёр-
сўраб бақирди, лекин Шарафулмулк бунга эътибор
мади. Хуршликлар уни лаънатлаб қарғадилар, аммо у
нга ҳам жавоб қилмади! У қишлоқ аҳлининг "Раҳм
линг! Раҳм қилинглар!" деб додлаган овозларини эшит-
, бироқ уларни эшитмаганга олди.

Шу пайт бирдан ноғора-довулларнинг товуши эши-
лди, аввал сариқ, кейин қизил туғлар кўринди. Сўнг
лар кетидан ҳаммаёқни чанг-тўзонга тўлдириб отлиқ лаш-
рлар пайдо бўлди. Улар тепаликни қамал қилганларни
раб ола бошладилар. Шарафулмулк лашкарларининг бир-
рини огоҳлантиришга ва сафланишга имкони қолма-
и. Ўртада жанг бошланиб кетди, сўнгги келганлар вазир
ашкарларини қиришга киришдилар. Улар жонини сақ-
аш учун қоча бошладилар.[8]

Шарафулмулк бир гуруҳ кичик мамлуклар орасида юз-
лари қўрқувдан оқариб, кўзлари косасидан чиққудай
аҳволда, сочлари тикка тарзда қотиб турарди. Отининг
жиловидан тортиб, уни ҳушига келтириб, дедим: "Энди
йиртиқни ямаш вақти ўтди, йиртиқ учун ямоқнинг ўзи
ҳам йўқ[9]. Шу учун ўзингни ўзинг қутқар!" Шундан кейин
у йиққан барча бойликларини, мол-мулкларини ташлаб
қочишга тутинди.

Аш-Шом қўшинларидан бизларга биринчи бўлиб
ҳужум қилганлар Халаб ноиби Фахриддин ва Сурмари
ҳукмдорларидан бири Ҳусомиддин Хидир лашкарлари
эди[10]. Ҳусомиддин Хидир Султон туғлари Ироқ узра хил-
пирай бошлаган пайтидаёқ унга хизмат қилишдан бош
тортган эди. Унинг Султон хизматидан кетишига зимма-
сига Шарафулмулкнинг бажариб бўлмайдиган даражада
мажбуриятлар юклаши ҳам сабаб бўлганди.

Шундай илиб, Ҳусомиддин бу ҳужумидан кейин Ша-
рафулмулкнинг қароргоҳини барча бойликлари, олтин ва
кумуш буюмлари билан бирга қўлга киритди[11].

---

[1] *Муқон (Муғон)* — Озарбойжондаги вилоят.

[2] *Қужат Арслон* — Хоразмда яшаган туркий қабила, уруғ. Улар салжуқийлар босқини туфайли бошқа қабилалар билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

биргаликда Эрон, Ироқ, Кичик Осиё, Қафқозда бир қанча вилоятларга кўчиб ўтиб яшаганлар.

[3] Ўша пайтда Ширвон ҳукмдори Фарамурз Шибн Гуштосб I бўлган. У 622-641 йилларда (1225—1243 йиллар) ҳукмронлик қилган. Ан-Насавий фикрича, ўша пайтда Африддун ибн Фарибурз ҳукмдор бўлган.

Шу билан бирга ан-Насавий 78-бобда Ширвоншоҳнинг номини Жалолиддин Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳ деб ҳам ёзади. У гуржилар қўлида насроний динида тарбия топган.

[4] Бу ўринда гап отабек Шамсиддин Абу Жаъфар Муҳаммад Жаҳон Паҳлавон ибн Илдегиз ҳақида бормоқда. У 1174—1186 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган.

[5] Ҳаммом ибн Ғолиб ибн Саъсаъа ад-Дорамий ат-Тамимий ибн ал-Фараздак (641—732 йиллар) уммавийлар саройидаги шоирлардан бири бўлган. У гўзал қасидалари билан машҳур бўлган. Нувар Ибн ал-Фараздакнинг хотини бўлган. Улар ажралишган. Лекин Фараздак кейин хотинидан ажралишганига афсус-надомат қилган.

[6] Саройларда одатда султон ёки шоҳларнинг, умуман, ҳукмдорларнинг ишларини ал-ҳожиблар, эркак одамлар қилишган. Бу лавозимни Нахичевонда аёл киши ҳам бажарган. Тарихда бундан бошқа ҳожибалик қилган аёл бўлмаса керак.

[7] Шамирон қалъаси — Эрон Озарбойжонидаги қалъалардан бири.

[8] Шарафулмулк қўшинлари бу ерга етиб келган ҳожиб Ҳусомидин Али лашкарлари томонидан мағлуб этилади.

[9] Ўша пайтдаги кўп ишлатилган халқ мақолларидан бири.

[10] Халаб ноибининг номи Фахриддин Шом деб ёзилган.

[11] Олтин ва кумуш буюмлар зиёфатлар пайтида ишлатилган. Бу буюмлар ҳукмдорлар саройдан ташқарига чиққанда, юришлар пайтида ҳам олиб юрилган.

73-БОБ

АЛ-ҲОЖИБ АЛИ АЛ-АШРАФИЙНИНГ ОЗАРБОЙЖОННИНГ АЙРИМ ВИЛОЯТЛАРИНИ БОСИБ ОЛИШИ ВА ШАРАФУЛМУЛКНИНГ УНГА ҲУЖУМ ҚИЛГАНИДАН КЕЙИН ОРАЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Шарафулмулк қўрқув ва таъқиб остида Марандга етиб келди[1].Бу ерда бир кеча бўлди ва эртасига Табризга отланди. Ҳожиб Али эса бу пайтда Хойга қараб юрди. Бу вақтда қалъа ноиби Шарафулмулкнинг мамлути Носириддин Буғу эди. У бўлиб ўтган жанг тафсилотини эшит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ч Хойни ташлаб кетди. Шаҳар дарвозалари ҳожиб учун илди. Ҳожиб Алининг сафдошлари шаҳарнинг бир қан- даҳаларини аёвсиз равишда талади, аёлларни қийнаш- , номусига тегишди. Жарчилар лашкарларни тартибга қиргунга қадар аҳвол шундай давом этди. Кейин ҳожиб зига таслим бўлган Нахичевонга қараб йўл олди. Ундан нг қалъа деворлари мустаҳкам бўлмаган Марандга то- он юрди. У бу ерда туриб қўшинининг илғор қисмини Табриз томонга, шаҳарда оз сонли лашкарлари билан жойлашган Шарафулмулк устига юборди. Унинг қўши- нининг илғор қисми Табриз яқинидаги Суфиён қишло- ига етиб келди[2].

Шарафулмулк қўшини сафини тўлдиришга ва ҳимоя- ланиш учун имконсиз жойда кўп вақт туриб қолганидан аламзада эди. У ҳар гал қачон қўшини мағбулиятга учра- са, ҳамма нарсани қайтадан бутлашга интиларди. тарқа- либ кетган ва кучсизланган лашкарлар ўрнини тўлдириш учун Арронга борарди. Табриз аҳолиси эса уни бу ердан кеткизмасликка ҳаракат қиларди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Улар уни отабек Ўзбекнинг собиқ вазири, Табризда яшаб Оллоҳ хизматига бел боғлаган, тақводор Робибиддин ор- қали бу ерда қолишга кўндирди[3]. Табризликларнинг Ша- рафулмулкни бу ердан юбормаслик учун уринишларининг сабаби бор эди. Улар вазир кетганидан кейин бошларига тушиши мумкин бўлган ташвишлардан ҳадиксирарди. Энг аввало, ҳожиб Алининг шаҳарни босиб олишидан кўрқи- шарди. бу кейинчалик уларни Султоннинг ғазабига ду- чор қилиши мумкин эди. Чунки душман бўлган ҳожиб Алининг лашкарлари ҳам уларни ҳимоя қиладиган дара- жада кўп эмасди. Аммо бундай эҳтиёткорликларга қара- май улар, барибир, Султон ғазабидан четда қолмадилар, оқибатда бир қанча бахтсизликларга гирифтор бўлдилар. Шарафулмулк ҳар гал оғир аҳволга тушиб қолганида, етишмовчилик туфайли қийналганида табризликлар унга озиқ-овқат, қурол-яроғ заҳираларидан ёрдам берарди. Шу тариқа унинг одамлари оғир аҳволдан қутилардилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Баҳор ўз тулпорини миниб қиш- нинг совуқлари, қорларини водийлардан суриб ташлаб, тоғ этакларига кўм-кўк сепини ёйиб, шарқ насимлари ўзининг хушбўй ҳидларини атрофга таратгунча улар таб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ризликларнинг мурувватидан баҳраманд бўлдилар. Шундан кейин Шарафулмулк Арронга қараб йўл олди. Бу ерда одамлардан солиқ ва ўлпонларни йиғдилар. Сўнг Мардонким қалъасига етмасдан икки кунлик йўлда тўхтади[4]. Бу қалъа юқорида номини эслатганимиз Робибиддиннинг куёви қўлида эди.

Шарафулмулк унга қалъани қамал қилиб босиб олиши ниятини билдириб таҳдид этди. Тўрт минг динор омонлик пули олганидан кейин ундан узоқлашиб, Хачен қалъасига етди[5]. Бу қалъани Иване ал-Қуржининг жияни Жалолиддин бошқарарди[6]. Шарафулмулк унга ҳам таҳдид солиб қўрқитди, натижада у ҳам ўн минг динор барбари эвазига омонликка эришди[7]. Шу билан бирга аввал ва кейинги пайтлар асир олинган етти юз мусулмонни озод қиладиган бўлди. Бу асирлар орасида болалигида қўлга тушган, эндиликда кексайиб қолганлари ҳам бор эди.

Асирлар озод этилиб, пулнинг бир қисми берилганда Шарафулмулкка отабек Ўзбекнинг мамлуги Буғдой ош-Шомдан қочиб Озарбойжонга келгани ҳақидаги хабар етди. Буғдойни Султон аввал қилган бир қабиҳ иши учун ёмон кўрарди. У лаънати тоторлар босқини натижасида бошига оғир ташвишлар, кулфатлар тушиб ўз юртини ташлаб Озарбойжонга келган хоразмлик лашкарларни алдов, муттаҳамлик йўли билан шафқатсизларча қирган эди. Буғдой бу ишни Султонни ёмон кўрганлиги ва шайтоний ғаламислиги туфайли қилганди. Айтишларича, унинг ўзи ўшанда бир кунда тўрт юз хоразмликни қиличдан ўтказибди.

Султон Озарбойжонни эгаллагач, Буғдой бу ерда қолишни истамади. У Султон нафрати ўзига хавф туғдиришини билди. Шу учун ўшанда, ҳеч нарсага қарамасдан қочиб ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига борди. Кейин Озарбойжонда аҳвол ёмонлигини, талон-тарож авжига чиққанини эшитиб, "ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан" бу ерга келди[8]. У ўзича бу ердаги ҳар хил талон-тарожлар, ўзаро босқинчиликларга барҳам бериб, аллақачон барбод бўлган Отабеклар давлатининг асосини тиклайман, тарқалиб кетган кучларни тўплайман, уларни оёққа қўяман деб ўйлаганди. Лекин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сартарош тиклай олмасди аниқ, вақт емирган
вайроналарни[9].

Буғдой Хой атрофларига яқинлашганда бу хабар ҳожиб ига етди. У шаҳардан чиқиб уни таъқиб этди. Буғдой дан қочиб, ҳимоя излаб Аракс дарёсидан кечиб ўтди. ейин у дарёнинг бу қирғоғида туриб ҳожиб билан музо рага киришди. У ҳожибга бундай деди: "Мен Ал-Ма ик ал-Ашрафнинг мамлукиман, ул жанобнинг қулиман а марҳаматидан баҳраманд бўлғувчиман. Мен қаерда ўлмай унинг давлатига ва ҳукмронлигига бўйсунаман. ен бу ерларга унинг ғалабаларини таъминлашга ёрдам ериш учун келдим".

Шундан кейин ҳожиб қайтиб кетди, Буғдой Кафон илоятига кирди[10]. Бу ерда қалъалар кўп ва улар ғалаёнчи мирлар қўлида эди. Улар бирор марта ҳам Султон са ойига бўйин эгиб бормаганди, фақат унга қарамлилик елгиси сифатида солиқ ва ўлпон тўларди.

Буғдой уларни йиғиб Отабеклар давлати тўғросига со иқлик ҳақида қасам ичишга мажбур қилди. Уларни Ма ик Хомушнинг ўғлига хизмат қилишга чақирди. Бунинг учун, аввало Хомушнинг ўғлини Котур қалъасидан бан иликдан озод қилиш ва уни тахтга ўтқазиш керак эди. Буларнинг бари ғойиб бўлган бахтни қайтариш йўлида аввал ҳам юз берган, аммо муваффақиятсиз якунланган ғалаёнларга ўхшарди.

Буларнинг ҳаммаси Шарафулмулкни довдиратди, бел гиланган режаларини амалга оширишга халақит берди, ор зулар орзулигича қолди. Бунинг устига шу пайтда Исфа хондаги ўша жангдан кейин тарқалиб кетган лашкарлар дан бир гуруҳи унинг ҳузурига келди. Улар Султоннинг қочгани ва ундан дарак йўқлиги ҳақида хабар бердилар. Бу гаплардан кейин унинг кўнгли чўкиб, қўли ишга бор май қолди. Ўз дардлари устига бошқа ташвишлар ҳам қўши либ ғам кўпайди. Аммо у, шуларга қарамай, Султоннинг ғалабага эришганини, исломнинг кофирлар устидан ғолиб бўлганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Буғдой Кафоннинг барча амирларини Отабеклар дав латига садоқат билан хизмат этиш ҳақида қасамёд қил диргач, малик Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳузурига йўл олди. Уни қилинаётган ишларда ёрдамга чақирди ва айни пайтда, ўзи ҳам унга итоат этишини билдирди. Нусратиддин уни илтифот билан яхши кутиб олди. Шу билан бирга Шарафулмулкка мактуб ёзиб, бу ердаги аҳволни маълум қилди, у билан ораларида бўлиб ўтган гаплардан, мўлжалланаётган ишлардан огоҳ этди.

Шарафулмулк унга яширин равишда нома юбориб, Буғдойни ўзи томонга оғдириш учун барча чораларни кўришни, унинг ҳамма талабларини, истакларини қондиришни, маблағ, иқто, бойликлар ваъда қилишни буюрди.

Шундан сўнг бир неча кун давомида икки ўртада элчилар бориб-келди. Буғдой, ниҳоят, Шарафулмулк томонга ўтишга розилик берди ва садоқат билан хизмат қилишга қасам ичди. Нусратиддин Буғдойни ўзи билаң бирга Аракс соҳилида турган Шарафулмулк ҳузурига бошлаб келди. У Буғдойни яхши кутиб олди, нима истаса беришга ваъда қилди, унга ва унинг сафдошларига бир юз эллик дона фахрий кийим-бошлар совға қилди. Бу совғалардан ўнтаси, яна бошқа жиҳозлар, отларнинг эгар-жабдуқлари, туғлар билан тўлдирилган эди. Вазир унинг илтимосига кўра Урмиё ва бу шаҳар атрофидаги ерларни Буғдойга иқто қилиб берди. Шу билан бирга Шарафулмулк унга хоразмликлардан бирортаси ўлдирилган юртдошлари хунини талаб қилмаслигини билдирди.

Буғдойнинг кўнглидаги ёмонликлар барҳам топиб, у ёрдам беришга шайланган пайтда Ироқ томонидан Султоннинг тоторларни даф қилиб қайтгани ҳақидаги хушхабар етиб келди. Шарафулмулк Буғдой ва Ибн Пиштегин ҳамроҳлигида Озарбойжонга қараб йўл олди. У ҳожиб Алидан қасд олишга чоғланганди.

У Марандга етиб борганида Султон қўшинининг чап қанотидан учта амир унинг ҳузурига келди. Булар Куч Тегин Паҳлавон, ҳожиб ал-хасс Хонберди ва амир-охур Ўдоқ эди[11]. Улар Султон томонидан Шарафулмулк қўшинини кучайтириш учун юборилганди.

Султоннинг одамларни синашта қилишда бир одати бор эди. Агар унинг сафдошларидан бири жанг пайтида қочса ёки бирор ишда бепарволик қилса, Султон уни яна жангга солар, ё бирор қийин ишга буюрарди, Уни шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ориқа қийинчиликни енгиб ўтишга, хизматда ўзини курсатишга, айбини ювишга мажбур қиларди. Агар ўша ҳам бундан муваффақиятли ўта олса, Султон бундан хурсандчилик ҳосил қиларди. Бу одат аслида тоторларда бор эди. Султон ҳам уни ўзлаштириб олиб, ўз сафдошларига қўлларди.

Исфахон жангида чап қанот қўшинида мана шу учта амирдан бошқа бирортаси омон қолмади. Шу сабабли Султон Шарафулмулкка ёрдам беришни шу учта амирга буюрди. Улар вазир ҳузурига етиб келдилар. У қўшинини улар лашкарлари ҳисобига кучайтирган ҳолда Хойга томон юрди. Бу ерда ҳожиб Алининг ноиби Бадриддин сарханг лашкарлари билан жойлашганди. Аммо Шарафулмулк шаҳарга яқинлашмади, уни ўнг томондан четлаб ўтиб, бу пайтда Новшаҳарда турган ҳожиб устига юришга тушилди[12].

Ҳожиб Шарафулмулк ўзини минглаб лашкарлари билан ўраб олаётганини эшитгач, Беркри томон кетди[13]. Лекин унга кирмай Шарафулмулкни кутиб турди. Унинг етиб келганининг иккинчи куни қўшинлар юзма-юз бўлдилар. Шарафулмулк қўшинларининг биринчи ҳужумидан кейинроқ жанг ҳожибнинг қочиши билан тугади. У Беркрига кириб ҳимояланди. Унинг сафдошларидан кўпчилиги қиличдан ўтказилди. Тожулмулк ибн ал-Малик ал-Одилга ўқ тегиб яраланди ва ўлди[14]. Шундан кейин Шарафулмулк уларнинг ноғора-довуллари, туғлари, байроқларини йиғдириб олдирди. Буларнинг ҳаммасини у Султон қўшинларининг чап қаноти лашкарларига бериб Исфахонга жўнатди. Унинг ўз қўшинлари атрофдаги жойларни талаш учун тарқалиб кетдилар. У уч кун давомида юзга яқин отлиқ лашкарлари билан бирга қолди. Ҳожиб бу пайтда Беркрида эди. Унинг ёнида жангда ўлимдан омон қолган ва асир тушмаган кўплаб сафдошлари бор эди. Лекин улар шу уч кун ичида шаҳардан чиқиб Шарафулмулкка ҳужум қилишга журъат қила олмадилар. Мағлублик алами оғир эди, бу уларнинг ақл-ҳушини ҳам олганди. Улар қуролсиз одамлар устига ҳужум қилишга, қаҳрамонларни кўрганда эса қочишга уста бўлиб қолгандилар.

Кейин ҳожиб амир-охур Ўдоққа мактуб ёзиб, ўзи билан Шарафулмулк ўртасидаги қарама-қаршиликни бар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тараф этишда ёрдам беришини, яраштирувчи бўлишини илтимос қилди. Амир-охур Ўдоқнинг ҳожиби (шаҳар) деворига яқинлашиб, у билан музокара олиб борди. Ҳожиб Али унга мактуб бериб, ҳукмдорига етказишни айтди. Ўдоқ мактубни Шарафулмулкка берди. Вазир амир-охурдан ғазабланди ва унга қўпол муомала қилди, унга ҳожиб Али билан қайта учрашмасликни тайинлаб бундай деди: "Мен ҳожиб Алини ўлдиришга қасд қилганман. Ана шунда мақсадимга эришаман. Мен тез орада унга қарши шундай куч билан келаманки, мамлакатини вайрон қилиб, уни қўшини билан ер юзидан супуриб ташлайман".

Шундан сўнг унинг лашкарлари Озарбойжоннинг турли вилоятларидан талон-тарожлардан қайтиб келди. Шарафулмулк ҳожиб кетидан тушди. У Хойга яқинлашганда ҳожибнинг бу ердаги ноиби шаҳарни ташлаб чиқиб Котур қалъасига кириб ҳимояланди. У бу қалъадан Султон келганидан кейингина чиқди. Шундай қилиб Озарбойжонда ҳожиб қўшинларидан ҳеч ким қолмади, унинг байроғи остига бирлашганлар ҳам мамлакатни тарк этдилар.

Шарафулмулк Хой шаҳрига киргач бу ердаги бой одамларнинг ҳамма нарсасини мусодара қилди. Шаҳарда унинг зулмидан бирон кимса ҳам омон қолмади. У шаҳар волийси қилиб мамлуги Носириддин Буғуни тайинлади. Кейин Марандга йўл олди ва бу ерда ҳам бошқа шаҳарларда амалга оширган ишларини қилди. У Нахичевонда ва Озарбойжоннинг бошқа вилоятларида ҳам талон-тарожни кучайтирди. Бу жойлардаги одамларнинг барча бойликларини тортиб олди, уларни эҳтиёжманд қилиб қўйди.

Шундан сўнг Султоннинг Озарбойжонга келаётгани ҳақида хабар етиб келди. Шарафулмулк уларни Учонда кутиб олди. Бу ерга Султондан илгари бир қанча лашкарлар билан биргаликда Жалолиддиннинг аммаси Шоҳ Хотун (Султон Такишнинг қизи) ва Сонжақонхон келган эди. Қўшинларнинг бошқа қисми эса Ғиёсиддиннинг пайдо бўлишини кутиб Аламут чегараларини ўраб олганди. Бу ҳақда илгари ҳам ҳикоя қилгандик.

Бу ерда Султон йўлуғининг бошлиғи (ҳаким йўлук ас-Султон), яъни девонда шикоятлар билан шуғулланувчилар етакчиси (ал-мазалим) Сонжақонхоннинг бирдан ва-

www.ziyouz.com kutubxonasi

от этиши кутилмаган воқеа бўлди[15]. У Учонда йўлуғлар
ндирида одатига кўра ёғочга суяниб ўтирган. Суҳбат пай-
да бошини қуйи эгган. Атрофидагилар уни пинакка
етди деб ўйлашган, кейин билишсаки, у бу дунё билан
йрлашган экан.

Бу воқеадан кейин Султон етиб келди, ундан сўнг ота-
к Саъднинг қизини Форс маликасининг тахти равони-
келтиришди. Жалолиддин Исфахонга келганида унга
йланган эди. Унинг опаси, Султоннинг олдинги хотини
са Ганжада, Урхон ўлдирилган кун вафот этганди.

---

[1] *Маранд* — Эрон Озарбойжонидаги шаҳар.

[2] *Суфиён* — Маранд ва Табриз оралиғидаги қишлоқ.

[3] Робибиддин ҳақида 6-7 бобларга қаранг.

[4] Мардонким қалъаси Табриздан шимол томонда бўлган. Аракс дарёсининг ўнг қирғоғида, ҳозирги Мардонким қишлоғи ўрнида жойлашган.

[5] *Хачен (Хоханабард)* — Ўрта аср қалъаси (Хоханабард — ҳукмдорнинг тошдан ясалган уйи маъносини англатади).

[6] Иване ал-Куржининг синглисининг ўғли Жалолиддин — бу Иване Мхаргрдзели синглисининг, Хачен князи Вахтанг ва Хуршоҳнинг ўғли Ҳасан Жалолуддавладир. У 1261 йилда мўғуллар томонидан Қазвинда ўлдирилган.

[7] *Динор барбари* — Византиянинг олтин пули.

[8] Буғдойнинг "Ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан" ал-Малик ал-Ашраф ёнидан қочиб кетишининг сабабини ал-Ҳамавий унинг "бадаҳлоқ ёмон одамлилигидан" эди, деб ёзади.

[9] Исми номаълум шоирнинг мисраси.

[10] *Кафон* — Арманистоннинг бугунги кунда туман марказларидан бири.

[11] Бу амирлар ҳақида 62-бобга қаранг.

[12] *Новшаҳр* — Туркиянинг шарқи қисмидаги ўрта аср шаҳри. Ҳозир ҳам шу номда шаҳар бор.

[13] Беркри, Баҳоргири — Ўрта аср шаҳри.

[14] Беркри яқинидаги жанг (бунда Шарафулмулк қўшинларига мамлук Буғдой бошчилик қилган) 625 йилда (1227—1228 йилда) бўлиб ўтган. Бу жангда ҳожиб Алининг қўшинлари мағлуб этилган. Ўлганлар орасида Миср ҳукмдори айюбий ал-Малик ал-Одилнинг ўғли Баҳовуддин Тожулмулк Исҳоқ ҳам бўлган. У Ҳилотга ёрдамга келган Миср қўшинларига раҳбарлик қилган.

[15] Сонжақонхон ҳақида 39-, 54-бобларга қаранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

74-БОБ

ИЗЗИДДИН БАЛБОН АЛ-ХАЛХОЛИЙ ВА УНИНГ ҲАЁТИНИНГ ЯКУНИ БАЁНИ

Номини келтирганимиз бу одам отабек Ўзбекнинг мамлукларидан бири эди. У Халхолни ва унинг кўплаб қалъаларини босиб олганди[1]. Ироқ ва Озарбойжоннинг йўлларида талончилик қиларди. У туфайли йўлларда юриш хавфли бўлиб қолганди. Шу учун унинг устидан шикоятлар кўпайди, унга нисбатан қаҳр-ғазаб кучайди. Одамлар Султондан бу вилоятни босқинчилардан тозалаш, норозиликларга чек қўйиш тўғрисида илтимос қила бошлади. Султон тоторлар билан банд бўлган пайтларда унинг зулми ва талончиликлари ҳаддан ошди. Бошқа томондан ҳожиб Али Озарбойжонда уруш оловини янада кучайтирди.

Султон Ироқдан қайтаётиб Балбонни ушлаш учун Ферузобод қалъаси атрофида тўхтади ва уни бир неча кун қамал қилди[2]. Кейин у омонлик сўраб қўлида қиличи ва кафанлиги билан Султон ҳузурига чиқди. Султон уни кечирди, кўнглини кўтарди, қўрқувдан фориғ этди. У ундан Балак, Ферузобод қалъасига отабек Саъднинг мамлуги Ҳусомиддин Тегинтошни волий қилиб тайинлади[4]. Балакни эса бир неча туркий шайхлар қўлига топширди. Шундан сўнг Султон хазинаси, бойликлари, ҳарамидагиларни Муқонга ташлаб, юклардан холи бўлган қўшини билан Ҳилот сари йўлга тушди. Унинг кўнглида ҳожиб Алига нисбатан нафрат тўлиб-тошганди[5].

У Оржишга етганида қор ёғиб, совуқ кучайди[6]. Шу учун босқинчилар томонидан таланиб бўлган ва аҳолиси кўп йиллар илгари ташлаб кетган Туғтобга йўл олди[7]. Бу ерда у ўн кун турди, унинг лашкарлари тўрт томонга юриш қилиб тоғ ва водийлар бағридаги қишлоқларни талон-тарож этди. Бир гуруҳ лашкарлар ҳатто Арзон ар-Румга қадар ҳам бордилар. Ўша жойлардан катта ўлжалар олиб қайтдилар[8].

Султон Туғтобда бўлган кунларида ар-Рум ҳукмдори Аловуддин Қайқуболдан мактуб келди. У мактубида Султонни айюбийларга гижгижлаб, уларга қарши курашда

www.ziyouz.com kutubxonasi

дам бериш ниятини билдирган эди. У йўллаган нома-да ўтган йили Султон тоторларга қарши курашиб, улар-орқага суриб ташлагани каби ўзи ҳам мамлакатига шни бўлган кофирлар юртига ҳужумлар уюштириб, арнинг бир неча қалъаларини босиб олганини айтган-. Эндиликда ўзининг барча кучларини асосий душман тига ташлаш, уларнинг ҳуружларидан халос бўлиш фур-ати етганига қаратганлигини билдирган эди. У хатто ақсадини ошириб-тоширган ҳолда "биз кичик жиҳод-лардан қайтдик, энди навбат катта, улуғ жиҳодга" деб ълон қилганди[9].

Унинг мактубининг ичига яна бир хат ҳам қўшиб жўна-тилган эди. Бу Аламут ҳукмдори Аловуддиннинг аш-Шом вилояти бўйича ноиби Сирожиддин ал-Музаффар ибн ал-Ҳусайннинг ар-Рум ҳукмдори Аловуддин Қайқубодга йўллаган хати эди[10]. Ноиб хатида Султоннинг Ироқда пайтида ёрдамга муҳтож бўлиб, Исфахон яқинидаги жанг-да ўлганлигини, қўшинлари тарқаб кетганлигини, укаси Ғиёсиддин Аламут ҳукмдори Аловуддин ҳузурида ҳимоя топиб, унга бўйсунганлигини, шунингдек, отабек Қизил Арслон, яъни Малик Хомуш ҳам унинг остонасида тиз чўкиб марҳамат кутаётганини ёзганди. Шу билан бирга Ироқни босиб олишда Аламут ҳукмдори Аловуддинга эндиликда ҳеч ким рақиб бўлолмаслигини ҳам эслатган эди. Хатда яна шунга ўхшаш сўзлар битилганди.

Султон бу хатни менга бериб, овоз чиқариб ўқишимни талаб қилди. Хатга кўз ташлаб чиқиб унинг бўлмағур гаплар, ёлғонлардан иборат эканлигини англадим. Бу пайтда Султон ҳузурида барча хонлар, маликлар ва амирлар тўпланган эди. Мен Султонга: "Бу Султон ҳузурида ўқишга арзийдиган ва ҳаммага овоза қиладиган хат эмас", дедим. Лекин у хатни ўқишимни талаб қилди ва деди: "Сен унинг ичида нима ёзилганига эътибор берма!" Мен унга: "Агар бу хатни ўқишим ниҳоятда зарур бўлса, ик-кимиз қолгандагина ўқийман!" дедим. Кейин машварат тугаб, одамлар кетди. Мен унга хатни ўқиб бердим. У хатни мендан олди ва сўрғичлаб жилдига солиб қўйди.

Бу ерда мана шундай воқеалар бўлиб ўтди! Балбон ал-Халхолий эса бир куни тунда Туғтобдан Ҳилотга қочиб кетди. Бу ҳақдаги хабар у кетганидан сўнг маълум бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳожиб Али уни қуроллантириб юришга чорлади. Ҳожибнинг бундан кузатган мақсади бор эди. Агар у (Балбон) Султон қўл остидаги мамлакатнинг марказида пайдо бўлиб, ғалаёнлар кўтарса, Жалолиддин у билан банд бўлиб, Ҳилотга ҳужум қилишга имкони қолмайди, деб ўйлаганди. Лекин бу Султоннинг Ҳилотни босиб олиш ниятини ўзгартирмади. Чунки Балбон қалъаларни топширганидан кейин қаноти қирқилган қушга ёки қуролидан айрилган лашкарга ўхшаб қолганди. Балбон Занжон тоғлари томон йўл олди. У яна йўлларда қароқчилик қила бошлади, Султонга ўчакишиб талон-тарожларни авж олдирди. Лекин охир-оқибат ўзини ўлимга тутиб берди, уни Исфаҳонда ўлдириб кетишди. Бошини танасидан жудо қилиб Султонга юборишди. Бу ҳақда Оллоҳ изн берса, мавриди келганда тўхталамиз.

Султон Туғтобдан қайтиб Харбердга келди[11]. Бу ерда ҳам унинг лашкарлари Туғтобдаги каби атрофдаги жойларга ўлжа ахтариб юришлар қилди. Кўплаб миқдорда молларни ҳайдаб келди. Ўлжалар ниҳоятда кўп эди. Бошқа бойликларни ҳисобга олмаганда ҳам, фақат майда молларнинг бешдан бир қисми (хумс)нинг ўзи етти минг бошдан ошиқни ташкил этарди. Бу галги талон-тарожлар Ҳилот атрофларида амалга оширилганди. Оллоҳга шукурлар бўлсинким, бу босқинлардан кейин ғалаён ва низолар рўй бермади.

---

[1] *Халхол* — Ардобилнинг шимолий қисмида жойлашган вилоят ва шу номдаги қалъа.

[2] *Ферузобод* — Халхол вилоятидаги қалъа.

[3] *Балак* — Халхол ва Занжон ўртасидаги тоғлар бағрида жойлашган ўрта аср қалъаси.

[4] 625 йил шавволнинг 12 кунида (1228 йил 14 сентябрда) Шарафулмулк ва Жалолиддин Иззиддин Балбоннинг қўзғолон кўтариши муносабати билан Сурмари ҳукмдори Хусомиддин Хидирга нома йўллайди. У эса бу номани ҳожиб Алига юборади. Унда Балбоннинг ишлари тўғрисида фикр юритилган.

[5] 1228—1229 йил қишида Хоразмшоҳ Жалолиддин кам сонли, лекин танланган лашкарлари билан ҳожиб Алига қарши юриш қилади ва уни қисқа муддатда мағлубиятга учратишга ҳаракат этади. Аммо бу юриш муваффақиятли якунланмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразмшоҳ лашкарлари турли вилоятлар ва қишлоқларга тарқалиб кетадилар.

[6] *Оржиш* — Ван кўлининг шимолий қирғоғидаги қалъа.

[7] *Туғтоб* — шаҳар ва қалъа. Эндиликда номи Дутоҳ.

[8] Ибн ал-Асир бу воқеаларни бундай тасвирлайди: "Шу йили Жалолиддин Хоразмшоҳ Ҳилотга қадар борди ва у ердан Муш ва Жабал Жур томонларга қадар етди. У олдида учраган барча қишлоқларни босиб олди, эркаклар ўлдирилди, аёллар ва болалар қул қилиб сотилди. Кўплаб ўлжалар олинди. Кейин ўз лашканига қайтиб келди.

Ал-Жазиранинг шаҳарлари — Харран, Саружа ва бошқалар аҳолиси Жалолиддин Ҳилотдан ўтиб, Жабал Жур томонга кетаётганини эшитгач, бизнинг устимизга ҳам бостириб келади, деб қўрқа бошладилар. Ўшанда қиш пайти эди. Улар Султон қишлаш учун ал-Жазирага кетаётибди деб ўйладилар. Чунки ал-Жазирада ҳаво совуқ бўлмасди. Шу учун бу вилоят аҳолиси ўз жойларидан Шомга бориш тараддудига тушдилар. Аммо Саружанинг айрим одамлари Шом вилоятининг Манбижига етганларида Жалолиддин ўзларининг вилоятларининг айрим жойларини талон-тарож этиб орқага қайтиб кетганини эшитдилар. Уларнинг тез орқага қайтишларига Ҳилотда одатдагидан кўра кўпроқ қор ёққанлиги сабаб бўлганди".

Муш — Ван кўлининг ғарбий томонидаги қалъа.

Жабал Жур — ал-Жазира вилоятидаги шаҳар.

Харран — Месопотамиядаги шаҳар.

Саруж — Месопотамиядаги шаҳар.

Манбиж — Ҳилот яқинидаги шаҳар.

[9] Султон Аловуддин Қайқубод I нинг Жалолиддинга мактубини амир Салоҳиддин келтириб беради. (Бу ҳақда 47-бобда ҳам маълумот берилган). Хоразмшоҳ эса Жамолиддин Фаррух, Жамолиддин ас-Соважий, Нажмиддин Абу-Бакр ал-Жомий ва яна иккита хоразмлик амирдан Аловуддин Қайқубод I га мактуб бериб юборади. Улар орқали Рум султонига кўплаб совға-саломлар ҳам жўнатади. Румликлар Хоразмшоҳ элчиларини беш кун давомида меҳмон қиладилар. Олтинчи куни уларни Қайқубод I ҳузурига олиб боришди. Улар алоҳида эҳтиром ва илтифот билан қабул қилинадики, тарихчилар айтишича, элчилар ҳайратдан ёқа ушлайдилар. Элчилар мактубни Султонга берадилар ва саккиз кундан сўнг улар Қайқубод I ҳузурига яна таклиф қилиндилар. Аловуддин Қайқубод I олтин тахтда қўр тўкиб ўтирарди. У элчиларга қарата бундай деди: "Бу Музаффар Султонни қаттиқ ҳурмат қиламиз. Унга айтингларки, унинг олижаноб ниятлари айрим хиёнаткорларнинг васвасаси туфайли Ҳилот тарафига қаратилди. Унинг бу хатти-ҳаракатларини оқилона тадбир деб бўлмайди. Биз ўйлай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мизки, ҳозирги кунда ҳаммамиз учун энг мақбул йўл — бу ҳам бўлса тоторлар билан тинч келишув йўлини танлашдир. Агар Султон бизнинг таклифларимизни ўринли деб топса, тинчлик ҳақидаги музокаралар эшигини очиш учун барча чораларни кўрсин. Султон отасининг ишини давом эттириб тоторлар ҳузурига дарҳол элчилар юборса, бу барча мусулмонларнинг манфаати учун фойдали бўларди. Умидвормизки, яхши, ҳалимдай гаплар, пул ва ҳадялар билан ўртадаги ҳамма ёқни қамраб олган ўзаро нифоқ оловини ўчира оладилар. Султонга шу нарса яхши маълумки, агар у бу борада ўз фаолиятини бошласа, бизнинг имкониятларимиздан ҳам тўла фойдаланиши мумкин. Бу гапларни Султонга аниқ қилиб етказинг. Агар Султон тинчлик ўрнатиш борасида ягона бўлган бу йўлдан фойдалана олса, бу билан ўз давлатининг гуллаб яшнашига шароит яратади. Ўз қўшинини тоторларга қарши курашдан халос этиб, ал-Қуржининг насронийларини ўзига тобе қилишга, атрофидаги қўшни ерларни босиб олишга, Арронга томон юриш бошлашга ташлаган бўларди. Агар Султон тоторларга элчилар юбориб, сулҳ ҳақида битим тузилишини сўраса, бу билан мусулмон мамлакатларни оғир аҳволдан халос этиб, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишса, ундан олтинимизни ҳам, кумушимизни ҳам аямаймиз. Аммо хиёнаткорнинг сўзига кириб, бу маслаҳатларга қулоқ солмайдиган бўлса, у ҳолда барча мусулмон мамлакатлари ҳукмдорлари иттифоқи томонидан унга жиддийроқ маслаҳат бериш зарурияти туғилади. Биз ниятларимизни амалга оширишга ҳаракат қиламиз, хавф-хатарни даф этиш йўлини танлаб, мақсадларимиз учун қураша бошлаймиз". (Аловуддин бу ўринда хиёнаткор деб Жалолиддиннинг вазири Шарафулмулкни назарда тутган.)

Султон Аловуддин Қайқубод I нинг Хоразмшоҳга мактубини Шамсиддин Олтинбек олиб келади. Мактуб билан бирга Жалолиддинга ниҳоятда кўп совға-саломлар юборилади. Булар туялар, хачирлар, қимматбаҳо буюмлар, икки юзта туяда тахт ва ҳар хил бебаҳо тошлар, ошхона буюмлари, шароблар, чодир ва унинг ичидаги барча анжомлар, юзта хачирда олтин тангалар, олтин идишлар, фахрий кийим-бошлар эди.

Шамсиддин Олтинбек Хоразмшоҳга мактубни беради ва бетоблиги туфайли унинг ҳузуридан кетади. Хоразмшоҳ вазири Шарафулмулкнинг маслаҳати билан бир ойгача улар мактубига жавоб бермай, элчиларни базм ва хурсандчиликлар билан машғул қилади. Ниҳоят, Хорамзшоҳнинг аъёнлари ҳам элчилар мактубига жавоб берилмаётганига норозилик билдира бошлайди. Лекин, шунга қарамай, элчилар мактублари барибир жавобсиз қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[10] Сирожиддин ал-Музаффар ибн ал-Ҳусайн ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор.

[11] *Харберд (Хартберд, Харпут, Ҳусн Зиёд)* — Ўрта аср қалъаси. Малатиядан шарқ томонда 60 километр узоқликда жойлашган қалъа.

75-БОБ

ИМОМ АЗ-ЗОҲИР БИЪАМРИЛЛОҲНИНГ ЭЛЧИЛАРИ НАЖМИДДИН АР-РОЗИЙ ВА РУКНИДДИН ИБН АТТОРНИНГ КЕЛИШИ БАЁНИ[1]

Улар Султон Табризда турган пайтида, унга имом аз-Зоҳир Биъамриллоҳнинг аждодлари ўрнини эгаллагани — халифа бўлгани ҳақидаги қувончли хабарни олиб келишди. Унинг элчилари келгусида умид уйғотувчи ваъдалар, энг яхши сўзлар, мақсадлар билан ташриф буюрганди[2].

Ибн Атторга Султон ҳузурида қолиш ҳақида буйруқ берилганди, ар-Розий эса Султон элчиси билан орқага қайтиши лозим эди. Чунки Султон элчиси янги халифанинг тахтга ўтириш маросимида қатнашиши ва ундан фахрий кийим-бошлар олиш учун бориши талаб этиларди. Янги Халифани тахтга ўтқазиш кўп йилларда бир марта амалга ошириладиган иш бўлгани учун бу маросимга узоқ тайёргарлик кўриларди. Баъзан у турли сабабларга кўра бироз кечикиб қолиши ҳам мумкин эди.

Султон унинг (ар-Розийнинг) ёнига Мужириддинни қўшиб жўнатди. Улар фахрий кийим-бошлар билан қайтдилар. Аммо улар Султон ҳузурига келишдан аввал аз-Зоҳир Биаъамриллоҳнинг (Оллоҳ ундан ва унинг барча аждодларидан рози бўлсин!) вафоти ҳақидаги хабар етиб келди. Фахрий кийим-бошлар Боғдодга қайтарилди. Султон фахрий кийимларнинг Боғдодга қайтарилиш сабабини халифаликнинг ўзига нисбатан муносабатлари ўзгариши мумкинлиги билан изоҳлади. Бу ўзгаришлар қандай бўлишини билиш керак эди[3].

---

[1] *Нажмиддин ар-Розий* — улуғ суфийлардан бири. Мўғуллар Ироққа бостириб киришганидан сўнг Кўниё султонлигидан паноҳ топди. Бир қанча асарларнинг муаллифи. Унинг "Оллоҳ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қулларининг дунёга келишидан то умри охиригача ҳаётининг тафсилотлари" деган суфийлик асари машҳур. 1247 йилда вафот этган.

Рукниддин Абу Бакр Мансур ибн Абул Қосим Наср Зоҳириддин ибн Аттор — халифалар ан-Носир ва аз-Зоҳирнинг вазири.

[2] Аббосийлар сулоласининг 35-халифаси аз-Зоҳир 622 йил шавволида (1225 йил октябрида) тахтга ўтирди. Унинг вафоти 623 йил ражаб ойининг 24 кунида (1226 йил 21 июлда) рўй берди. Халифа аз-Зоҳир қисқа муддатли ҳукмронлиги даврида Хоразмшоҳ билан яқин бўлишни ният қилган.

[3] Аббосийлар сулоласининг 36-халифаси ал-Мустансирнинг (1226—1242 йиллар) тахтга ўтириши билан Олий девоннинг сиёсати ҳам ўзгариши аниқ эди. Жалолиддин бу ўринда халифаликнинг ўзига нисбатан ҳурмат-эътибор янада юқори бўлишини кутган.

76-БОБ

СУЛТОННИНГ ОЗАРБОЙЖОНДА ҚИШЛАШИ, БУ ЕРДА ШАРАФУЛМУЛКНИНГ ХАТОЛАРИДАН ОГОҲ БЎЛИШИ ВА У ҲАҚДА ФИКРЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ БАЁНИ

Қўшинлар кўплаб ўлжаларни қўлга киритиб Муқонга қайтиб келди. Султон эса бир ой давомида Хойда қолди. Унинг Хойда бўлиши ўзи учун фойдали бўлди. Узлуксиз талон-тарожлар ва бойликларни мусодара қилишлар натижасида аҳолининг қандай аҳволга тушиб қолганлигини ўз кўзи билан кўрди. У Тўғрул ибн Арслон ас-Салжуқийнинг қизи, маликанинг қўрқиб қочиши сабабларини, унинг айбсиз эканлигини, туҳмат уюштирилганини билди. Султон Шарафулмулк унинг шамсу қамар янглиғ гўзал канизакларини тортиб олганидан ҳам хабар топди.

Шундан кейин Жалолиддин қишда Табризга кўчиб ўтди ва бу шаҳарнинг ҳам худди Хой сингари оғир аҳволда эканлигидан хабар топди. Бунинг устига Табриз вилоятининг Кўзакунон қишлоғига бориб ниҳоятда қашшоқликнинг устидан чиқди[1]. Одатда бу қишлоқдан девонга катта фойда кирим қилинарди. У ҳар гал бу ерга келганида қишлоқ раиси уни меҳмондўстлик билан кутиб олар, новвойхона, ошхона учун барча нарсаларни ҳозирлатар, отларни ем билан таъминларди. Саройдан келганларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

мансаби улуғ одамларни меҳмон сифатида илиқ кутиб арди. Аммо бу гал Султон қишлоқда раисни кўрмади. га хабар беришларича, раис қон тўкишда айбланиб бризда асирликда сақланган. Ундан минг динор товон ди тўлаш талаб этилган. Бу пулни ундириб олишни арафулмулк мамлуги Носириддин Буғу ва жашнигири йфиддин Тўғрулга буюрган[2].

Султон Табризга қайтгач раисдан бу пулни олган ик-ла ғуломни ҳам, бошқа хизматчиларни ҳам тутишни юрди. Улар қўлга туширилди ва раисдан ундирган то-он пули қайтариб берилди. Султон уларнинг отларини ам мусодара қилдирди ва иккаласини пиёда ҳолда Му-онга қувдириб юборди.

Жалолиддин Табриздаги ва унинг атрофидаги қийин ҳволдан воқиф бўлгач, уларни солиқлардан озод қилишга арор қилди. Шу учун Табризни уч йиллик ҳирождан озод тди ва бу ҳақда фармон (тавқи) чиқартирди.

Шундан кейин унга шикоятлар ёғилиб кела бошлади, ширин маълумотлар кўпайди. Буларнинг бари Султон бу ерда йўқ пайтида вазирнинг одамлари амалга оширган улмлар ҳақида чақиқлар эди. У бу маълумотлар ва ча-иқларни эшитар экан, кўнглида Шарафулмулкка нис-атан яширин ғазаб пайдо бўлди. Бу вақтда Шарафул-улкдан энг муҳим ишлар тўғрисида кўплаб мактублар келди, лекин Султон буларнинг ҳеч қайсисига жавоб бер-мади.

Султон Табризда отларини ем ва одамларини озиқ-овқат билан таъминлаш имконияти йўқлигини билгач, Шарафулмулкнинг дон сақланадиган омборларини очиш-га буйруқ берди. бу ердаги донни новвойхона ва отхона-ларга беришни буюрди. Шунда одамлар Шарафулмулк-нинг куни битди дея тахмин қила ва гапира бошладилар.

Султон Муқонга қайтгач, улар учрашдилар. Хоразм-шоҳ унга гўё ҳеч нарса бўлмагандай, кўнглидан ҳам ҳеч нарса ўтмагандай, гўё орада совуқлик муносабатлари юз бермагандай муносабат қилди.

Шарафулмулк худди аввалги вазирлар сингари ўтган йиллар учун вилоятлардаги иқто эгалари ва хасс мулклар-дан ушр йиғарди. Табиийки, аввалги вазирлар бу ишни яширин равишда амалга оширган, у эса ўз ҳукмронлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

остида бу ишни очиқдан-очиқ қиларди. Бунда, шубҳасиз, Султон буйруғи бўлмасди. Агар кимдир ушр бермаса, Шарафулмулк ундан талаб қилмасди, чунки Султон унга бу ишни қилишга рухсат этмасди. Аммо бу пайтда келиб барча вилоятлардаги иқто эгаларидан ва хасс мулклардан ушр йиғиш ҳақида Султон буйруғи эълон қилинди. Султон унга бу ҳақда фармон чиқариб берди. Бу фармонни вазирга девон ал-мазалимнинг амир йулуғлари Дойихон ва Атлас малик етказишди. Бу хабар учун Шарафулмулк уларга "Элчилик одатларига кўра" беш минг динордан берди.

Шундан кейин Шарафулмулк фақат Ироқдан йиғиладиган ушрдан (ҳожиб Алининг ғалаёнлари ва ўзининг пул йиғишга вақти озлигига қарамасдан) йилига етмиш минг динордан кўп маблағ оладиган бўлди. Иқто эгалари вазир билан яхши муносабат ўрнатиш мақсадида баъзан ҳосилнинг ярмини унга берардилар. Бошқалардан ҳосилнинг ярми тортиб олинганда ҳам улар шикоят қилишга журъат этмасдилар. Шу сабабли вазир Султон девонлари учун барча вилоятлардан йиғиладиган ушр ёнига ўз девони учун ушр тўплашни ҳам қўшиб қўйган эди.

---

[1] *Кўзакунон* — Табризнинг ғарбида жойлашган катта қишлоқ.

[2] *Жашнигир* — Султон шаробларини тотиб кўрувчи, 38-бетга қаранг.

77-БОБ

ГУРХОННИНГ СУЛТОН ХИЗМАТИГА КЕЛИШИ БАЁНИ

Қипчоқ уруғлари Хоразмшоҳлар хонадони билан дўстлик ва муҳаббат ришталари орқали мустаҳкам боғланганди. Қадим замонларда бўлгани каби айни кунларда ҳам Хоразмшоҳлар оиласида фарзандлар қипчоқ ҳукмдорларининг келин қилиб олиб келинган қизлари орқали дунёга келар, бу ерда оналик бахти кўпроқ уларга насиб этарди. Айни пайтда, қипчоқлар Хоразмшоҳларнинг асосий таянчи, улар қўшинларидаги кўп сонли етакчи куч, шон-шуҳратларининг манбаи эди. Шу сабабли Чингиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тон ва унинг ўғиллари қипчоқларни батамом қириб ташлашга жон-жаҳдлари билан интилардилар.

Султон Исфахон яқинидаги жангдан кейин Ироқдан қайтиб келди. Унинг қўшинлари тоторлар билан тўқнашувда уларнинг мардликларини кўриб бироз гангиб қолганди. Шу учун у қипчоқ қабилаларининг ёрдамидан фойдаланиш керак деган фикрга келди. У аслида қипчоқ бўлган, бу уруғлар орасида оилавий ҳамкорликлари кўп Сирржон Кишини улар олдига жўнатди. У уларни Султонга ёрдам беришга кўндириши, душманга (тоторга) қарши биргаликдаги иттифоқ уларнинг ўзларининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилишини ҳам тушунтириши керак эди. Агар улар бир-биридан ажралган ҳолда кураш олиб борсалар икки томон ҳам мағлубиятга учраб, ўлимга юз тутишлари аниқ эканлигини айтиши зарур эди.

Сирржон Киши қипчоқлар ўзининг элчилигидан хурсанд бўлганлигини, ҳамкорликка тайёр эканлигини билиб, уларни Султон ҳузурига бошлаб келди. Дастлаб уларнинг айрим қабилаларидаги одамлар беш минг чодирни олиб Дарбанд томонга йўлга чиқди. лекин улар дарёдан кечиб ўтолмай Дарбанд яқинига жойлашди. Уларнинг ҳукмдорларидан бири Гурхонгина 300 га яқин ўз қариндошлари, яқинлари билан бирга кемада дарёдан ўтиб, Муқонда жойлашган Шарафулмулк билан учрашдилар. Кейин, йўллар қордан тозаланиб, баҳор арғумоқлари қиш устидан ғолиб келиб, атрофга яшиллик ёйганда Султон Муқонга қайтиб келди. Уни Шарафулмулк ва Гурхон кутиб олди. Гурхон аввал ваъда бериб, лекин хизматга етиб келмагани, эндиликда кеч бўлса ҳам Султон хизматига шай турганлигини айтиб кечирим сўради. Лекин унинг узри Султоннинг қўлини ўпмагунча қабул қилинмади. Кейин Султон бир неча кундан сўнг уни ва у билан бирга келган одамларни тақдирлади. Дарбанд йўлагини бирга қўлга киритиш борасида ваъдалашиб, уни жўнатиб юборди.[1]

Агар лашкарбошилар ўртасида бир иш борасида англашилмовчилик юз бермаганда эди, Дарбанд дарров қўлга киритилиши аниқ эди. Гурхон Дарбандни (унинг бошқа машҳур номи Боб ал-Абвоб) босиб олишда иштирок этишга ваъда бериб қайтиб кетганидан кейин, Султон бу шаҳар ҳукмдорига мактуб йўллади. Аслида Дарбанд ҳукмдори ёш

www.ziyouz.com kutubxonasi

бола эди, лекин унинг номидан бу ерни унинг отабеги ал-Асад деган одам бошқарарди. Ал-Асад бу имкониятдан фойдаланмоқчи, яъни у Султоннинг меҳр-мурувватига сазовор бўлмоқчи, унинг ишончини қозонмоқчи бўлди. Шу сабабли унинг ўзи Султон ҳузурига отланди. Султон уни эҳтиром билан кутиб олди ва тақдирлади. Унинг ўз номига ва мамлакатининг ҳукмдори бўлган ёш бола номига иқто ажратди. Лекин ал-Асад лашкарларга ҳамроҳлик қилиб борадиган ва Дарбандни унинг ўғли қўшинларга топширадиган бўлди. Султон у билан бирга олти минг отлиқ лашкарларни Иномхон, Хассхон бошчилигида жўнатди.

Улар Султон қароргоҳидан узоқлашганларидан сўнг, бир неча кундан кейин ал-Асадни асир олдилар. Уни занжирбанд қилдилар. Асирлик сабабини, рухсатсиз бизларни ташлаб кетмоқчи бўлди, деб овоза этдилар. Кейин Султон лашкарлари Дарбанд деворидан ташқаридаги аҳоли яшайдиган масканни талон-тарож қилдилар. Бу ерга уюштирилган босқинчиликнинг натижаси шу бўлдики, гўё шаҳар атрофи аввалдан ҳеч нарса бўлмагандек текисликка айланганди.

Ал-Асад эса айёрлик йўлини тутди. У ўлимдан қутилди ва ҳуркак оҳудай шошиб, ярадор қилинган, таҳқирланган шердай важоҳат билан Дарбанднинг ичкарисига кириб ҳимояланди.

Дарбанд иши шу тариқа чалкаштирилди ва уни босиб олиш имконияти қолмади. Агар Дарбандни Султоннинг қўлга киритиши Оллоҳга маъқул бўлганида эди, бу ишни амалга ошириш, албатта, Шарафулмулкнинг зиммасига юкланарди. Чунки бундай пайтда ҳар қандай оғир иш пул, совға, ваъдага вафо қилиш, мулойимлик, сахийлик, ҳурмат-эҳтиром туфайли енгил кўчади.

Шарафулмулк эса ҳар қандай оғир аҳволдан самимийлик, мулоҳазакорлик, сахийлик, тезкорлик натижасида силлиқлик билан чиқиб кета оларди. У бирор ишга киришса уни якунламасдан, якунлаганда ҳам ўз мақсадига етмай тугатмасдан қўймасди.

---

[1] 1221 йилда мўғуллар Шемахани босиб олганларидан кейин шимолга томон йўл олдилар. Улар Дарбандга етиб борди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

р, аммо унинг йўлагидан ўта олмайдилар. Ибн ал-Асирнинг ишича, "Шунда улар Ширвоншоҳга, Ширвон ҳукмдорига элчилар юбориб, ўзлари ҳузурига элчи юборишини айтишни тайинлайди". Бу элчи уларни, мўғул қўшинларини Дарбанд йўлагидан ўтказиб қўйиши керак эди. Лекин "Дарбанд дарвозаларини эгаллаган форслар уларни бу йўлакдан ўтказмайдилар". "Бу форслар" аслида Хоразмшоҳлар билан дўстона муносабатда бўлган қипчоқлар эди. Улар 50 минг лашкар билан мўғулларнинг шимолга йўлини тўсган эди.

Кейинчалик, мўғуллар қипчоқларни мағлуб этадилар. Қипчоқларнинг қолдиқлари яна Дарбандга келишади. Шаҳар ҳукмдори Ширвоншоҳ Рашид қипчоқларнинг бу ердан жой сўраб қилган илтимосини рад қилади. Шунда қипчоқлар Дарбандни айёрлик билан қўлга киритадилар. Рашид шаҳарни ташлаб қочишга мажбур бўлади.

78-БОБ

ШАРАФУЛМУЛК СУЛТОННИНГ ЎЗИГА НИСБАТАН МУНОСАБАТИ ЎЗГАРГАНИНИ БИЛГАНИДАН КЕЙИН МУҚОНДА ҚИЛГАН ИШЛАРИ БАЁНИ

Унга (Шарафулмулкка) Султоннинг ўзига нисбатан муносабати ўзгаргани ҳақида хабарлар кела бошлади. У бундан ниҳоятда ташвишга тушди. Шундан сўнг у Султоннинг ўзи бу ерда йўқ пайтида қандайдир хизмат билан унинг кўнглини олишим, унда ўзимга нисбатан хайрихоҳлик пайдо қилишим керак, дей ўйлади. Бу хизмат унинг жиноятқорона ишларининг ўрнини босиб кетадиган, оқибатда Султоннинг яна унга эътиборини оширадиган даражада бўлиши керак эди. У ўз қўшини ва Султон қўшинидан бир қисмини олиб юриш бошлади, Аракс дарёсини кемаларда сузиб ўтиб Гуштасфи вилоятини босиб олди[1]. Бу ердан Ширвоншоҳ амирларини қувиб чиқарди. Кейин вилоятни шу йилнинг ўзида икки юз минг динор барбари эвазига ижара (дамманаха)га берди[2].

Бу жойнинг ўзига хослиги шунда эдики, у Аракс ва Кура дарёлари оралиғида жойлашганди, бу ерга фақат кемаларда сузиб ўтиб бориш мумкин эди. Вилоятда сув ҳавзалари ниҳоятда кўп бўлиб, балиқ ови ва сувда сузадиган қушлардан кўп даромад олинарди. Баъзан эса бой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликлар кўплигидан юзта гоз тўдаси бир динорга сотиладиган пайтлар ҳам бўларди.

Султон Муқонга қайтиб келганида бу вилоятни Жалолиддин Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳга иқто қилиб берганди. Жалолиддиннинг отаси ўғлини гуржиларга берган, улар эса уни Тамаранинг қизи малика Русуданга уйлантириш учун чўқинтиришган эди[3]. Султон гуржилар юртини босиб олганидан кейин уни тутқунликдан халос этди. У билан бирга Арзон ар-Рум ҳукмдорининг ўғлини ҳам улар қўлидан озод қилди. У ҳам чўқинтирилган ҳолда юқорида айтганимиз малика Русуданга уйланганди. аммо Арзон ар-Румнинг ўғли яна кофирлар ҳузурига, гуржилар томонга қочиб ўтди. Бироқ гуржиларнинг унга нисбатан муносабати ўзгарган эди, малика Русудан эса ундан ажралиб, бошқа бировга эрга тегди[4].

Ширвоншоҳнинг ўғли эса қадди-қомати келишган, хушсурат йигит эди. Султон уни ўз қарамоғига олиб, яхши тарбия қилдирди. Уни шоҳ болалари сингари суннати эттирди. Кейин уни Гуштасфининг ҳукмдори этиб тайинлади. Аслида бу вилоятнинг бир қисмини отаси ҳам унга мулк қилиб берганди. Султон уни етим ҳолда топиб бағридан жой берди, хато йўлдан қайтариб тўғри йўлга бошлади, камбағал эди, бой қилди. "Илгари ўтган зотлар ҳақидаги Оллоҳнинг йўли қонундир. Оллоҳнинг йўлини эса ҳаргиз ўзгартира олмассиз"*.

Шарафулмулк ўзи учун Аракс дарёсидан сув оладиган учта каналнн (орнани) ажратиб олди. Уларга "аш-Шарафий", "ал-Фахрий", "ан-Низомий" деб ном берди.[5] Катта фойда берадиган учта туманга кўплаб одамларни кўчиртириб олиб берди. Шундан кейин Султоннинг ўзи ҳақдаги фикри ўзгарганини англагач, Гуштасфидан орқага қайтди. Қиш вақтида, ерлар музлаб ётган пайтда Аракс қирғоғига келиб тўхтади. У одамларга дарахтларни кесиб олиб келиб, тўғри чизиқ бўйлаб ётқизиб чиқишни буюрди. Кейин ёғочлар ёқилди, олов туфайли ернинг музи кетди. Натижада канал қазишга киришилди. Бу ерда узоқ уринишлардан кейин катта ва чуқур, одам кечиб ўтолмайдиган канал пайдо бўлди. Унга "Султонжўй" деб ном берилди. У бу каналнн шу йилнинг ўзидаёқ саксон минг динорга ижарага берди. Унинг ижара ҳақи каналдан сув

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичадиган ерларнинг экини фойдасидан эмас, сув ҳавзаси сифатида келтирадиган фойдасидан олинадиган бўлди.

---

[1] *Гуштасфи (Гуштаспи)* — Кура ва Аракс дарёлари оралиғидаги вилоят. Вилоятнинг бир томони Каспий қирғоқларига қадар чўзилиб келади.

[2] Гуштасфи вилоятининг замини ниҳоятда серҳосил, табиий бойликлари кўп эди. Мўғуллар босқини арафасида унинг йиллик фойдаси бир миллион динордан ошиқ ҳисобланган.

[3] Жалолиддин Султоншоҳ ибн Ширвоншоҳни Ширвоншоҳ Рашид гуржиларга гаров тариқасида берган эди. Бу билан Рашид ўз ўрнига талабгор бўлган одамдан қутилган эди. Жалолиддин Султоншоҳ бандиликдан қутилганидан кейин Ширвон пойтахтига келди, одамлар билан тил топишиб Рашидга қарши ғалаён кўтарди. Уни мамлакатдан қувиб чиқариб, ўзи ҳукмронлик қила бошлади.

[4] Бу ҳақда 55-бобга қаранг.

[5] Вазирнинг икки лақаби бор эди. Шарафулмулк, Фахриддин. Эндиликда у Низомулмулк лақабини олиш ниятида эди. Каналларга берилган номлар ана шуларга ишора эди.

79-БОБ

ШИРВОНШОҲ АФРИДУН ИБН ФАРИБУРЗНИНГ КЕЛИШИ БАЁНИ

Султон Маликшоҳ ибн Алп Арслон Арронни босиб олиб, унинг бошқа жойларини ҳам ўз мулкига қўшгач, унинг саройига ўша даврдаги Ширвоншоҳ ташриф буюради[1]. У мамлакатига доимий равишда уюштирилиб турилади ган босқинлар ва жанглар натижасида қўшинининг кўп қисми қирилаётгани сабабли келган эди. Ўзанда у Султон хазинасига йилига юз минг динор тўлаб туриш шарти билан тинчлик сулҳига эришганди[2].

Султон Жалолиддин олти юз йигирма иккинчи йилда (1225—1226 йиллар) Арронни қўлга киритгач, ширвоншоҳ Афридун ибн Фарибурзга мактуб ёзиб, бир пайтлари ширвоншоҳлар Маликшоҳга тўлаб турган товон пулини ўзига ҳам тўлашини талаб қилди[3]. Бироқ Ширвоншоҳ мамлакатининг оғир аҳволга тушиб қолганлигини, унинг кўп қисмлари, масалан, Шаки ва Кабола қўлдан кетганлиги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, бунинг устига гуржилар унинг чекка вилоятларини босиб олганлигини айтиб узр сўради. Хоразмшоҳ ва Ширвоншоҳ ўртасида бу иш бўйича кўплаб номалар, элчилар алмашинди. Ниҳоят, Ширвоншоҳ Жалолиддин хазинасига йилига эллик минг динор товон пули тўлайдиган бўлди.

Султон бу гал Арронга келганида ширвоншоҳ Афридун ибн Фарибурз унинг ҳузурига таклифни кутиб ўтирмасдан ўзи ташриф буюрди. У Султон қўлини ўпиш ва унинг гиламида ўтириш ўзи учун фахр ҳамда бахт деб баҳолади. Аслида унинг бу юкинишдан кузатган бошқа мақсади ҳам бор эди. У Султонни ўзи учун тақдир зарбаларидан ҳимоя қилувчи паноҳ деб биларди. Ширвоншоҳ Султонга беш юз турк отларини совға қилди, Шарафулмулкка эса элликта от тегди. Шарафулмулк бу совға ўзини ҳақорат қилиш деб ҳисоблади. Совғани қадрламади. У Султонга Ширвоншоҳни қўлга олиш, унинг юрти ва унга туташ мулкларни ўз қўл остидаги мамлакатга қўшиб юбориш ҳақида маслаҳат берди. Лекин Султон унинг бу фикрларига қўшилмади, Ширвоншоҳга фахрий кийимбошлар бериб, уни тантанали равишда кузатди.

Кейин Султон буйруғига кўра мен Ширвоншоҳ мулкларидан хазинага олинадиган йиллик маблағ йигирма минг динорга камайтирилиши ҳақида ёрлиқ битдим. Бу Султон муҳри билан тасдиқланди. Ширвоншоҳ бу ёрлиқни ёзганим учун одатдаги совға сифатида менга минг динор берди.

---

[1] *Жалоладдавла Маликшоҳ I ибн Алп-Арслон (1072—1092 йиллар)* — улуғ салжуқий султонларнинг учинчи авлодига мансуб ҳукмдор.

[2] Аррон Маликшоҳ томонидан 1078—1079 йилларда босиб олинди. Тарихий манбааларда айтилишича, Маликшоҳ Арронни босиб олгандан кейин Ширвон ҳукмдори Фарибурз бироз фурсатдан сўнг унинг хизматига келади. Йилига 70 минг динор тўлаб туриш мажбуриятини олади. Кейинчалик бу пул миқдори 40 минг динорга қадар камайтирилади.

[3] Хоразмшоҳ Жалолиддин даврида ҳукмдорлик қилган Ширвоншоҳ ҳақида 72-бобда маълумот берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

80-БОБ

СУЛТОННИНГ ГУРЖИЛАР МАМЛАКАТИДАГИ ЛОРИ ШАҲРИГА ЮРИШИ БАЁНИ

Султон Озарбойжондан кетишидан олдин Муқонда турди. Ана шунда Кўчоба Кўкхон Султон саройидагилардан рухсат олмасдан, бирорта одам билан маслаҳатлашмасдан ўз қўшинини ва яна бошқа лашкарларни ҳам олиб биргаликда сафарга отланади. У бу лашкарлар билан Лори шаҳрига йўл олади[1]. Унга ҳужум қилади, талон-тарож этиб, кўплаб асир ва ўлжани қўлга туширди. У ўлжаларни олиб орқага қайтади ва Баттоқ кўли бўйига етиб келади[2]. Қўшиннинг бир қисми тунаш учун кўлнинг мағрибида, иккинчи қисми эса машриқ томонида тўхтайди. Шунда гуржилар кўлнинг мағриб томонидаги лашкарларга ҳужум қилади, бир қисмини ўлдириб, бир қисмини асир олиб кетади. Бу лашкарлар орасида Узоба Тоий ҳам бор эди. У ўлганлар орасида топилмайди, изсиз йўқолади. Кўлнинг машриқ томонида жойлашган лашкарлар эса омон қоладилар ва ўлжалар билан қайтиб келадилар.

Султон лашкарларига гуржиларнинг қилган ҳужумидан ва етказган зараридан ғазабга минди. Хоразмшоҳ наздида улар уйлари вайрон бўлмай, жонлари омон қолгани учун шукрона айтиб ўтиришлари керак эди.

Бу хабарнинг кетидан яна бир янгилик — малика (Русудан) ва Иване қўшин йиғаётгани, уларга лакзлар (аллакз), олонлар (ал-алан), сванлар (ас-суван) ёрдамга келгани, лашкарлар сони қирқ мингдан ошгани ҳақида маълумот етиб келди. Бундан гуржилар ва қаланғи-қасанғи кўнгиллиларнинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Улар гўё ловуллаб ёнаётган ўтин мисол эдилар, аммо "охир-оқибатда шайтон берган ваъдалар фақат ёлғон-сароб бўлиб чиқишини"*билмасдилар.

Султон тезлик билан қароргоҳдан чиқди. Шундан кейин унинг ҳузурига отлиқ лашкарлар битта-битта ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб кела бошлади. Унинг сафдошлари ва ёрдамчилари кўпайди. Кейин у гуржилар томон юрди ва юқорида эслатганимиз кўл бўйига яқинлашганда иккала қўшиннинг илғор қисми бир-бири билан тўқнашади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гуржилар қўшинининг илғор қисми енгилиб қочди. Оллоҳ ёрдами туфайли ғалаба қўлга киритилди. Гуржилардан бир нечтасини асир қилиб олиб келишди, Султон уларнинг калласини олишга буюрди.

Шундан кейин Султон уларнинг асосий қўшинига томон юрди. Улар (гуржилар) қанот ёзиб бостириб келаётган бургутни кўрган қушчалар мисол қочишга тутиндилар. Йўллар, сўқмоқлар, яйловлар бағри орқа-олдига қарамай гуруҳ-гуруҳ бўлиб қочаётганлар билан тўлиб кетди. Султон лашкарларининг қиличлари уларнинг орқалари, елкаларига тушар, шу тариқа улар йўлларда чўзилиб қолардилар. Жалолиддин лашкарлари Иване араваларини ўлжа қилиб қўлга олдилар[3].

Султон Лори томон юрди ва шаҳар яқинида тўхтади. У гуржиларга чопар юбориб, агар улар кўл бўйида асир олиб кетган лашкарларини озод қилмаса, Лорини қамал қилажагини дўқ-пўписа билан билдирди. Улар Ўзоба Тоийдан бўлак ҳамда асирларни озод қилдилар. Султон у ҳам асирлар орасила бўлса керак, деб гумон қилганди. Чунки унга етказилган хабарда гуржилар уларни ўраб олгани, ҳеч кимнинг қочишига имкон бермагани ҳақида айтилганди. Султон Тоий ўлганлар орасида йўқлигини, шу учун уни қайтариб беришни талаб қилди. Бу талабнома бир неча қайтарилди, гуржилар охир-оқибатда бирорта ҳам хоразмлик асир қолмаганлигини айтиб қасам ичдилар. Улар Султон лашкарлари ўраб олинган пайтда ярми ўлганлиги, ярми асир тушганлигини, лекин битта одам қолганлигини, у тошга суянган ҳолда ёйдан ўқ отиб, ёнига ҳеч кимни яқинлаштирмаганини, учта гуржини ўлдирганидан кейин уни қўлга ололмай ташлаб кетишганини айтишди. Воқеа ҳақиқатан ҳам улар айтгандай тарзда бўлиб ўтганди. Бу одам Ўзоба Тоий эди. Уни ўраб олиб қўлга туширишолмагач ташлаб кетишганди. У эса пиёда Озарбойжон томонга йўлга тушади. Бжни чегарасига етиб келади[4]. Бу Иване Гуржининг ўғли Авакнинг қалъаларидан бири эди[5]. У шу ерда қўй боқаётган чўпонни кўриб қолади. Чўпонни ўлдириб, қўйларни водий томонга ҳайдайди. Йўлда қўйлардан бирини сўйиб, йўл ҳозирлиги учун пишириб олади. У Нахичевонга эсон-омон етиб келади. Султон то Ҳилот қамалига келгунча шу ерда яшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалолиддин келгач, уни хурсандчилик билан кутиб олади ва ўзининг қандай омон қолганлигини ҳикоя қилиб беради. Унинг ҳикояси гуржиларнинг у ҳақдаги гапларига тўғри келарди.

---

[1] *Лори* — ўрта аср шаҳри. Унинг вайроналари ҳозирги Жалолўғли (Арманистон) шаҳрига яқин ерда.

[2] *Баттоҳ кўли* — Жилға ва Бурчала дарёсининг юқори қисмида жойлашган ботқоқлик жой.

[3] Картлис Цховреба бу ҳақда бундай деб ёзади: "Султон Озарбойжондан чиқиб иккинчи марта Тифлисга юриш қилди. Бу ҳақда малика Русудан хабар топгач, ўзининг мағриб ва машриқдаги қўшинларини чақирди. Шу билан бирга херлар, кахлар, арманлар, жавоҳлар, месхлар, таойлар, дадианлар, абхазлар, жикиларни ҳам, Дарёлик эшикларини очиб осетинлар, дурзукларни ҳам ёрдамга таклиф этди. Уларни Начармагеви яқинида тўплади ва хоразмликлар билан жанг қилишга жўнатди. Султон қароргоҳи бу пайтда Болниси яқинида эди. Султоннинг соқчилари гуржилар қўшинлари яқинлашаётганларини билиб, унга хабар бердилар. Султон ҳам қўшинларини уларга қарши бошлайди. Ўртада қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Дастлаб гуржилар ғолиб кела бошлайдилар. Лекин худо гуржиларнинг ишидан ғазабланади, уларнинг гуноҳларини кечира олмайди. Оқибатда малика қўшинлари яна мағлубиятга учрайди ва қочадилар. Султон яна Тифлисга бостириб киради".

625 йилда (1227—1228 йиллар) султон Жалолиддин гуржилар юртига йўл олади. Аловуддин Қайқубод I ва Сурия вилоятлари ҳукмдорлари Султоннинг ўз ерларини босиб олишидан қўрқиб Русудан билан музокаралар олиб борадилар ва унга Хоразмшоҳга қарши бирга курашиш ҳақида таклиф қиладилар. Бироқ Жалолиддин уларнинг ниятларидан хабар топиб, рақибларини бирма-бир йўқ қилишга киришади. Гуржилар мамлакатига ҳам шу мақсадда юриш қилади. У Тифлисни босиб олгач орқага қайтади ва кўп вақт ўтмай Ҳилотни қамал қилишга киришади.

[4] *Бжни* — ўрта аср шаҳри. Ҳозирги Бжнига яқин жойда бўлган.

[5] Иване Мхаргрдзелининг ўғли Авак 1250 йилда вафот этган. У Қоён қалъасининг ҳукмдори бўлган. 1236 йилда у мўғулларга асир тушган ва Чормағун хизматига кирган. Гуржиларнинг бошқа князларини мўғулларга бўйсундиришда кўп хизмат қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

81-БОБ

БАҲРОМ АЛ-ҚУРЖИНИНГ ҚАЛЪАЛАРИНИНГ СУЛТОН ТОМОНИДАН ҚАМАЛ ҚИЛИНИШИ БАЁНИ

Султон Ироқда пайтида Баҳром гуржи Ганжа атрофидаги ерларга ҳужум қилиб катта талофат етказди[1]. Жалолиддин Ганжага қайтганидан кейин Баҳром ҳақида унга шикоят қилдилар. Султон унга мўри-малаҳдай лашкарлари ва кучлари билан ҳужум қилди. Қўшинлар чодирлар ва қурол-аслаҳалар ортилган аравалар билан Баҳром қўл остидаги вилоятнинг турли жойларига тарқалиб кетдилар. Улар кўп жойларни босиб олдилар, таладилар, ўт қўйдилар, ўлдирдилар. Лашкарлар қўлга илинадиган нарсаларнинг ҳаммасини тортиб олдилар. Одамларнинг аксарияти тоғлар тепалари, дараларга яшириниб жон сақладилар.

Султон Шаккон қалъасига юриш қилди, уни куч ва хийла билан босиб олди, кофирларни олов ичида қолдирди. У бу ердан кейин Алиобод қалъасига йўл олди. Бу қалъа малика Тамтага тегишли эди[2]. У қалъани дарров қўлга киритди. Қаршилик қилувчиларни бостирди, қалъада нима хоҳласа шуни қилди.

Шундан сўнг у Гаг ва Қавазин қалъаларини уч ойга қадар қамал этди. Гуржилар аҳволи қийинлашди, улар маълум миқдордаги пул эвазига омонлик сўрашди. Пулни дарҳол тўлашга ваъда берди. Шу учун ўртадаги одамлар ўзаро музокаралар олиб бордилар. Ниҳоят, пул Султонга етказиб берилди. У бундан кейин Ҳилотни қамал қилиш учун жўнаб кетди.

---

[1] Баҳром ал-Қуржи (Вахрам Грузинский) XIII асрнинг биринчи ярмида яшаган. Унинг қўл остида катта миқдордаги ер ва мулклар, шаҳар ва қалъалар бор эди.

[2] *Тамта* — Закаре Мхаргрдзелининг невараси, амирсипоҳсолар Саргиснинг қизи. Саргиснинг икки ўғли, уч қизи бўлган. Тамта — Хачен ҳукмдори Вахтангнинг хотини бўлган.

Алиобод — Дебед дарёсининг шарқида жойлашган қалъа.

[3] *Гаг* — Баҳромга тегишли қалъа.

Қавазин — қалъа. Унинг ўрнида эндиликда қишлоқ бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

82-БОБ

СУЛТОН УСТОЗДОР ИХТИЁРИДДИННИ ҚАНДАЙ БАНДИ ҚИЛГАНИ БАЁНИ

Биз юқорида Жамол ал-Заррод ҳақида, унинг Султон устахонасини қандай сақлаб қолгани, кейин Султон Синд дарёсидан сузиб ўтиб оғир аҳволга тушган, бор-йўғидан ажралган бир пайтда унинг хизматига қайтгани тўғрисида баён қилган эдик[1]. Ўшанда у Султон кийим-кечак, озиқ-овқатга жуда зориқиб турган пайтда бу нарсаларни унинг учун ҳозирлаб берганини ҳам эслатгандик.

Султон уни ўша пайтда саройдаги устоздорлик лавозимига тайинлаган, ўзига эса Ихтиёриддин деб лақаб берган эди[2]. У хизматга қабул қилинганидан ва бундай улуғ мартабага эришганидан беҳад хурсанд бўлганди.

Хоразмшоҳлар давлатида устоздорлар хизмат талаби билан мамлакат бойликлари ва хазинага кирим қилинадиган маблағларнинг маълум қисмидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Кейин у бу маблағларни новвойхона, ошхона, отхона, сарой заруратлари учун ишлатар, эвазига қанча пул ишлатгани ҳақида улардан муҳр босилган тилхат ёздириб оларди. У бундай муҳрли тилхатларни вазирдан, муставфидан, мушриф, нозир ва уларнинг ноибларидан ҳам олар эди[3]. Саройдаги лашкарлар, лашкарбошиларга оид чиқимлар тилхати эса арид (ҳарбий девон) томонидан муҳр билан тасдиқланарди[4]. Жами бўлиб юқори лавозимда хизмат қилувчи ўн икки одамнинг ва уларнинг ноибларининг муҳри талаб этиларди.

Ихтиёриддинга пул Султон Ироқни босиб олганидан кейин берила бошланди. У олти юз йигирма биринчи йилдан (1224—1225 йиллар) олти юз йигирма тўртинчи йилгача (1226—1227 йиллар), то Жалолиддиннинг укасининг бошқа мулклари ҳам Ироққа қўшиб олингунга қадар пул олиб турди. Бироқ ундан (устоздордан) ҳисобот талаб қилинмади.

У ҳар гал Девонга келганида пул қолмаганидан зорланарди. Унга маълум миқдорда пул беришарди, лекин кейинги келганида яна ўша эски аҳвол, зорланиш давом этарди. Султон Баҳром гуржининг қалъасини қамал қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гунча аҳвол шундай давом этди. Кейин ундан ҳисобот талаб қилди. Унинг юз эллик минг динор камомади борлиги аниқланди. Ундан бу пулни талаб қилишганидан кейин у ишнинг ниҳоятда жиддий эканлигини, ушбу миқдордаги пулни тўламаса, узрини қабул қилишмаслигини англади. Шунда у ушбу пулдан олтмиш минг динорини вазир ва бошқа амалдорларга ишни битказиш ҳамда пул ундириш учун порага берганлигини маълум қилди. Улардан кимга қанча берганлигини тасдиқловчи рўйхатни ҳам илова этди. Бу рўйхатга кирмаган "Мўйи дароз" лақаби билан машҳур девон соҳиби Шамсуддин Муҳаммад Муставфий (Жувайний)дан бошқа ҳеч ким қолмади[5]. Бу катта тажрибага эга, келажагини ўйлайдиган, қалам ва тилининг поклигини сақлайдиган, шубҳали ишлардан холи бўлган одам эди. У Улуғ султон (Аловуддин Муҳаммад) девонида ҳам хизмат этган, мирзалик қилган, кейин муставфи ноиби, сўнг муставфи бўлганди. Рўйхатга кирганларнинг аксарияти ёшлар ва хизматда янги одамлар эди. Улар девонга мамлакатда бу лавозимларга муносиб бошқа одамлар бўлмагани сабабли шароит тақозаси билан келиб қолганди. Улар ўзларини пора олганликда айблашаётганини эшитганларидан сўнг устоздорни қўрқитишга ҳаракат қилдилар, унга таҳдид қилдилар. Аммо у ўз айтганидан қайтмади, ёнсак ҳаммамиз бир ўтда ёнамиз деб туриб олди. Улар бу интилишлари, хатти-ҳаракатлари аҳамиятсиз эканлигини англаганларидан кейин ўзаро маслаҳатлашиб камомад миқдорини олтмиш минг динорга камайтиришга келишдилар. Улар шундай қилдилар, устоздор зиммасидаги камомадни тўқсон минг динор деб ёзиб, Султонга бердилар. Султон устоздорни банди қилишни, ундан шу пулни ундиришни буюрди.

Ихтиёриддин аҳволи оғирлигини айтиб ўзини оқлашга, маблағи йўқлигини кўрсатиб ҳимоя қилишга уринди. У ўзи билан йигирма етти мамлугини, йигирма икки чўрисини, отлар ва туяларини олиб келди. Булардан бошқа унинг ҳеч нарсаси йўқ эди. У пулни совғаларга, керагидан ортиқ нарсаларга сарфлаганди.

У Абхазга кетаётганда Сурмари орқали ўтганда мен ўша ерда эдим. Устоздор ҳаммомга яқин уйга тушди. Шундай бўлдики, у ҳаммомда Сурмари ҳукмдорларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди Шарафиддин Уздара билан бирга ўтириб қолди. тоздор шунда унга совға учун кўйлак (камис), иштон равир), чакмон (қабо), қалпоқ (қумма), зарҳаллик уст- кийим (фаржийа заркаш), олтин камар (хийаса за- б), бошдан оёқ ясатилган от, туғ берди. Уздара булар- нг ҳаммасини олиб кийди. Унинг бундай ишлари кўп ди. У тентаклиги туфайли бошқалар пулини аямай сарф- ганди. Унга дўқ-пўписа билан камомад пулни қайта- ишни тилаб қилишди. Шунда у томоғига пичоқни қўйиб зини ўлдиришга сал қолди. Агар кузатувчи бўлмаганида а унинг қўлидан ушлаб қолмаганида ўзини ўлдирган ларди.

Бу ҳақда Султонга хабар беришди. У уни бандилик- ан халос этди, зиммасидаги пулдан ҳам воз кечди ва ундай деди: " У тентак экан! Хизмат қилишга ярамай- ди".

Султон унинг ўрнига устоздор қилиб Шиҳобиддин Масъуд ибн Низомулмулк Муҳаммад ибн Солиҳни та- йинлади[6]. Бу одам шу лавозимга муносиб эди. У иккиюз- ламачилик қилмас, намойишкорона сахийликдан ўзини тия оладиган қаттиққўл одам эди. У шу лавозимда Сул- он давлати қулагунча турди.

---

[1] Жамол ал-Заррод ҳақида 38-бобга қаранг.

[2] Устоздорлик лавозим ҳақида 33-бобда маълумот берилган.

[3] *Нозир* — молиявий ишлар бўйича амалдор (Девон ан-но- зир ёки девони нозир).

[4] *Арид* — қўшинлар штабининг бошлиғи. (Девон ал-жайш).

[5] Шамсиддин Муҳаммад Муставфий ал-Жувайний — "Та- рихи жаҳонгуша" асарининг муаллифи Аловуддин Ота Малик Жувайнийнинг бобоси. Улар Нишопурнинг шимолий-шарқи- да жойлашган Жувайн қишлоғидан.

Жувайнийнинг аждодлари салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатларида юқори мансабларни эгаллашган. Уларнинг акса- рияти девон соҳиблиги лавозимида бўлишган. Шу учун баъзан уларнинг насаблари исми шарифлари билан қўшилишиб ҳам кетган.

Ан-Насавий тилга олган Шамсиддин Муҳаммад ал-Жувай- нийни Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ўлими олдидан девон соҳиблигига тайинлаган. У Жалолиддин даврида ҳам шу ман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сабда хизмат қилган. "Мўйи дароз" лақаби узун сочли деган маънони билдиради.

[6] *Шиҳобиддин Масъуд ибн Низомулмулк Муҳаммад ас-Солиҳ* — Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммаднинг вазири Низомулмулк Носириддиннинг ўғли.

83-БОБ

СУЛТОННИНГ НАХИЧЕВОНГА ЙЎЛ ОЛИШИ ВА МОЛ-МУЛКЛАРИНИ КАТТА ҚЎШИН БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚАҒИЗВОН ОРҚАЛИ ҲИЛОТ ТОМОНГА ЖЎНАТИШИ БАЁНИ

Султон гуржиларни мағлуб этиб, уларни тўда, оломон ҳолида ҳар хил бўлакларга бўлиб, одамларини мамлакатнинг чекка нуқталарига итқитиб ташлаб, Лоридаги барча асирларни озод қилиб бу борада ниятига етгач, қўшинларини Қағизвон йўли орқали Ҳилот томонга жўнатди[1]. У хонлар, амирларга Ҳилот томонга шошмасдан, секин, мол-мулклар ортилган аравалар билан биргаликда боришни буюрди. У қўшинининг бораётгани ҳилотликларга аввалдан маълум бўлишини истади. Ўзи эса шошилинч равишда йўл олди. У Бжнига шу қадар тез етиб келдики, ўзининг келаётгани хабаридан ҳам эртароқ бу ерларда пайдо бўлди. У тунда ўзининг энг яхши ҳожиблари ва шахсий мамлукларидан иборат мингга яқин отлиқ лашкарлари билан бир қанча дараларга беркинди. Унинг ёнида Шарафулмулк ҳам бор эди.

Эрталаб шу ерлик чўпонлар молларини ҳайдаб чиққанда улар буларга ҳужум қилиб, молларини тортиб олдилар. Кейин Нахичевонга томон юрдилар. Бу ерда семиз ҳўкизлар бор-йўғи бир динорга сотиларди.

Султоннинг Нахичевонга келишининг сабаби бор эди. Унинг ҳукмдори ал-Жалолия Султоннинг никоҳга ўтиш ниятини билдирганди. У унга уйланди ва бу ерда бир неча кун қолди. Шу билан бирга бу ерда Хуросон, Ироқ, Мозандорон ишлари ҳам кўриб чиқилди. Чунки юқоридаги мамлакатларнинг девонлари соҳиблари, акобирлари, амалдорлари, юқори мансаб эгалари, шикоятларни кўриб чиқувчилар ва бошқалар Султон саройига чақирилган эди.

Султон Ҳилот қамали бошланса ҳамма йўллар ёпилиб қолишини биларди. У ҳолда ҳузурига келганлар ҳам ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига қайтиб кета олмасдилар. Шу сабабли Султон нинг ишларини тезроқ битиришга буйруқ берди. Улар масига одатдаги топшириқларни олган ҳолда келган ларига қайтиб кетишга таёрландилар.

Шундан кейин менга қилинадиган ишлар тўғрисида иқлар ёзиш топширилди. Бу ишни қойилмақом қилиб гардим. Ўша куни бу ишни қилганлигим, яғни "ёзув и учун" минг динордан ортиқ пул ишладим. Аслида миқдордаги пул, ёзув ҳақи учун тақдирлов бошқа кун-ри ҳам келиб турарди. Ҳа, котиблик Оллоҳ ёрлақаган илардан эди.

Нахичевонда пайтимизда бир кун ҳузуримга нотаниш дам кириб Сурмари ҳукмдорларидан бири Ҳусомиддин идир Нахичевон водийсига келиб тушганлиги ҳақида аълумот берди.

У билан яқин дўст эдик. Гарчи вақт ўтиб, замон биз-и ҳаёт отлиғ дарёни турли қирғоқларига итқитиб ташла-ан бўлса-да орадаги дўстлигимизга раҳна солмаган эди. нинг ўзини хавф-хатарга қўйиб бу ерга келганидан ҳай-он бўлдим. Чунки мен у ҳожиб Али билан ҳамкорликда Шарафулмулкка ҳужум қилиб, унинг иззат-нафсига тек-анлиги, ҳурматсизлик қилганлиги учун вазирнинг уни мон кўришини билардим. У, назаримда, ҳожиб тараф-орлари сафида туриб Шарафулмулкнинг саройидаги илла буюмлар ва идишларни (алат ал-мажлис) тортиб лган эди. Бу буюмлар эса қимматбаҳо ҳисобланарди[2].

Ўзимча Ҳусомиддинга Шарафулмулкка нисбатан Сул-он томонидан хавф камроқ деб ўйладим. Негаки, вазир-а нисбатан Султон кўнгилчан ва вазмин одам эди. Мен Ҳусомиддинга у билан Шарафулмулк орасидаги муноса-атларни яхши изга тушириб юборгунга қадар чеккароқ ир қишлоқда туриб туришни таклиф этдим. Бунинг учун азирнинг саройидан талаб олинган буюмларнинг бир исмини тўплаб, унга бериб, ғазабидан туширишга ҳара-ат қилдим. Шундан сўнг унинг олдига кириб Ҳусомид-ин гўё менга хат ёзиб, маълум миқдордаги пул эвазига азир билан ораларидаги муносабатни яхшилашга ёрдам ўраганини айтдим. Шарафулмулк, агар Ҳусомиддин са-ойидаги таланган буюмлар учун беш минг динор берса а ўзи айбдорлигини тан олиб келса, ярашишга ваъда

www.ziyouz.com kutubxonasi

берди. Мен шунга қарамай Шарафулмулкка агар Ҳусомиддин қайтиб келса, унга нисбатан ўтган ишлар учун зулм қилмаслик, Султоннинг унга муносабатини яхшилаш, унинг барча ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш борасида ёрдам бериш учун онт ичирдим. Шарафулмулк бу ишларнинг барчасини қилишга сўз берди. Шундан кейин Ҳусомиддиннинг шу ерга яқин жойда эканлигини айтдим. Шарафулмулк кулди ва "Сен мени алдабсан-да!" деди. У саройдагиларга ва яқин одамларига Ҳусомиддинни кутиб олиш ҳақида буйруқ берди. Улар мен билан бирга Ҳусомиддинни кутиб олди. Биродаримнинг ишлари ўнгланиб кетди. Шарафулмулк менга берган ваъдаларининг ҳаммасини амалга оширди.

---

[1] *Қағизвон* — эндиликда Туркия теграсида бўлган Қағизвон ўрнидаги шаҳар.

[2] Сурмари ҳукмдорларидан бири Ҳусомиддин Хидир султон Жалолиддинга итоат этишдан бош тортиб, Шарафулмулкка қарши курашиб, уни мағлуб этган ва унинг шахсий буюмларини тортиб олган эди. 72-бобга қаранг.

84-БОБ

СУЛТОННИНГ ҲИЛОТГА ТОМОН ЮРИШИ, УНИ ҚАМАЛ ҚИЛИШИ ВА БОСИБ ОЛИШИ

Султоннинг аввал юборган қўшинлари Ҳилот остоналарига, шаҳарга бир кунлик масофадаги жойга келиб тўхтади. Султон Нахичевондан қайтиб, улар сафига келиб қўшилди[1].

Кейин унинг ҳузурига Иззиддин Ойбекнинг чопари келди[2]. Иззиддин ал-Малик ал-Ашраф Мусонинг Ҳилотдаги янги волийси этиб тайинланганди. У ҳожиб Алини асир олганди. Чопар кекса, кўпни кўрган, ақлли одам эди. Унинг исми хотирамдан кўтарилибди.

Унинг ташрифидан асосий мақсад Ҳилот ҳукмдорларининг Султонга дўстона, самимй муносабатини, хизматига тайёрлигини билдиришдан иборат эди. У ҳукмдорларини оқлаш учун бутун кучини ишга солди. Аввалги

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ҳожибнинг Султонга нисбатан ҳурматсизлик қил-
ни, бирор буйруқ олмасдан унинг мамлакатига ҳужум-
уюштирганини, шу учун ал-Малик ал-Ашраф уни асир
шга буйруқ берганлигини айтди. Шу билан бирга янги
йнинг қуйидаги сўзларини ҳам унга (Султонга) ет-
ди: "Мана, у (ал-Малик ал-Ашраф) мени Ҳилот во-
иси қилиб тайинлади ва шу билан бирга сизга бўйсу-
ш, сизнинг хоҳишингизга кўра иш қилишим ҳақида
йруқ берди. Менинг ҳукмдорим ўзини сизнинг бошқа
млакатлардаги қўшниларингиз каби яқин иттифоқдош
дўст деб билади". Чопар ўзини ҳаддан ошиқ илтифот-
қилиб кўрсатар, Султонга тилёғламалик қилар, мақса-
уни шаҳарни босиб олиш фикридан қайтариш эди.

Лекин Султон саволларга мужмал қилиб жавоб берди. Шу билан бирга шаҳарни босиб олиш ниятидан қайтмаслигини ҳам англатди. Гап орасида чопарга бундай деди: "Агар ҳукмдоринг менинг кўнглимни топмоқчи бўлса, кузуримга ҳожиб Алини юборсин!"

Чопар ана шундай жавоб билан Ҳилотга қайтди. Бу пайтда ҳожиб Али ўлдирилди[3]. Султон Ҳилот томон йўл олди ва уни қамал қилди. У шаҳарни босиб олиш учун ўн иккита манжаниқ ўрнаттирди. Лекин улардан саккизтасидан фойдаланилди[4].

---

[1] Султон Жалолиддин Ҳилот қамалини аййубий ал-Малик ал-Одилнинг ўғиллари — Миср ҳукмдори ал-Комил Муҳаммад; ал-Жазира, Ҳилот, Майафориқин ҳукмдори ал-Ашраф Мусо, Дамашқ, Қуддуси Шариф, Табория ҳукмдори ал-Муаззам Исо ўртасидаги қарама-қаршиликлардан фойдаланган ҳолда бошлади. Ал-Ашраф Мусо ҳеч кимга билдирмасдан Мисрга ал-Комил Муҳаммад ёнига кетади. Бу ҳолни ал-Муаззам Исо менга қарши иттифоқ тузиш ҳаракати, деб ўйлайди. Шу учун аканинг йўқлигидан фойдаланган ука унинг мамлакатига юришлар бошлайди ва бу борада Жалолиддин билан ҳамкорликда киришади. Ака-ука ҳамкорлигига қарши дастлабки зарбалардан бири Ҳилотнинг қамал қилиниши бўлди. Бу Хоразмшоҳга ҳам қўл келди. У Дамашққа ал-Муаззам Исога совға-саломлар юборади. Ўз навбатида ал-Муаззам Жалолиддин номини хутбага қўшиб ўқиттиради ва унинг номида тангалар зарб қилдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ал-Муаззам Исо 624 зулқаъдасида (1227 йил октябрь-ноябрида) вафот этади. Дамашқ унинг ўғли Довуднинг қўлига ўтади. У ал-Малик ан-Носир лақабини олади ва Дамашқни 1229 йилнинг 26 июнига қадар бошқаради. Демак, Дамашқнинг Жалолиддин билан кейинги ҳамкорлигини ал-Муаззамнинг ўғли давом эттирган.

[2] *Иззиддин Ойбек* — Малик Мужириддиннинг мамлуги. У Ҳилотга ҳожиб Ҳусомиддин Алининг ўрнига волий қилиб тайинланади. У Хоразмшоҳ Жалолиддин томонидан Ҳилот босиб олинганидан кейин 1229 йилда Дизмарда қатл этилади.

[3] *Ҳожиб Ҳусомиддин Али ибн Ҳаммад ал-Ашрафий* — ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотдаги ноиби. У Жалолиддиннинг 1226 йилда Ҳилотга ҳужумини қайтаради. У ўзини Хоразмшоҳнинг ашаддий душманиман деб эълон қилади.

Ҳожиб Алининг ўлимида ал-Малик ал-Ашраф ва ал-Малик ал-Комил асосий роль ўйнаган. Бу ҳақда Муҳаммад ал-Ҳамавий бундай деб ёзади: "Бир неча кундан кейин дастлаб ал-Ҳожиб Алининг номаси келди, сўнгра Мужириддин ҳожиб Али ич кетишдан вафот этганини маълум қилди".

[4] Ал-Макризийнинг хабар беришича, шаҳар атрофига 20 та манжаниқ қўйилган ва улардан қамал пайтида фойдаланилган.

85-БОБ

ҲИЛОТНИ ҚАМАЛ ҚИЛИШ ПАЙТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Ҳилотни қамал қилиш жараёни кўпга чўзилди. Шу сабабли мамлакатда кўплаб воқеалар бўлиб ўтди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида бирма-бир баён қилиб бериш имконияти ҳам, зарурати ҳам йўқ. Шу учун улардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтаман.

Бўлиб ўтган воқеалардан бири бу эди: ал-Жибалнинг ҳукмдори испахбод Нусратиддин ота томонидан бир синглисини Утурхонга эрга берди[1]. Утурхон ўша вақтнинг энг ҳурматли хонларидан бири эди. У синглисини унга берар экан, пайдо бўлган қариндошчилик орқали унинг мавқеидан фойдаланишни кўзлаганди. У Утурхонга ишонган ҳолда ҳудди Ширвоншоҳ сингари, у қўллаган тадбир асосида Султон хизматига борди. У Султон Ширвоншоҳга қандай ғамхўрлик кўрсатган бўлса, менга ҳам шундай марҳаматлар қилади, деб умид қилганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нусратиддин Султонга аксарият қисми қимматбаҳо нарсалардан иборат бўлган совға олиб борди. Шунда Утурхондан юз ўгириб, хотинининг укаси фойдасига ҳаракатларни бошлади. Султонни Нусратиддинга қарши қайғуни қўлга олишга ундади, ўрнига эса хотинининг укасини қўйишни илтимос қилди. Султон худди у айтгандай иш тутди. Испахбод занжирбанд қилинди, унга нисбатан ҳурмат-эътибор, самимият барҳам топди. У бир неча вақт зиндонда ўтирди. Фақат Султон ар-Румдан қайтиб бўлиб қайтганидан кейин, Оллоҳнинг иноятн билан зиндондан халос этилди. Султон унинг укаси ҳукмронлик қилаётган мулкдан келаётган даромад ваъда қилинган миқдордан оз эканлигини, баъзан эса даромад умуман келмаслигини аниқлади. Шундан кейин Нусратиддин қатл этилиб мулкига қайтарилди. У эса қисқа вақт ичида мулкини укасидан тортиб олди.

У Ҳилот яқинида зиндонда ётган пайтида Султон мени ўзининг ҳузурига юборди. Кейин билсам, у Султонга нома ёзиллаб, хуфя суҳбат учун ишончли одамларидан бирини юборишни илтимос қилган экан. Унинг олдига боргандимда, занжирларнинг оғирлиги, тутқинликнинг қийинчилигидан шикоят қила бошлади. У Султон томонидан берилган яхши ваъдаларнинг тезроқ бажарилишини илтимос қилди. Кейин у Утурхоннинг озодлик олиб бераман деган ўзидан Султон учун олган қимматбаҳо тошлари ва бойликларини бирма-бир санади. Аммо Утурхон уларнинг бирортасини Султонга бермаган эди.

Мен унинг айтган гапларини Султонга етказдим. Жалолиддин кўнглидаги унга нисбатан ғазабни юмшатдим. Шундан кейин Султоннинг бировлар сўзига кириб, унинг бошига ташвишлар солганидан, уни ноҳақ айблаганидан ўкинганига гувоҳ бўлдим. У ўзини бу ишга бошлаганларга нисбатан нафрат билан таққиромуз гаплар айтаётганини эшитдим. Шунда Нусратиддинни бандиликдан халос қилиш фурсати яқинлигини билдим ва бу ҳақда унга хабар бердим.

Бўлиб ўтган воқеалардан яна бири бундай эди. Аловуддин Муҳаммаднинг катта қизларидан бири Хон-Султон тоторлар томонидан Туркон хотун билан бирга асир олинганди.[2] Уни Душихон ўзига хотинликка олган, ўрта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да фарзандлар ҳам дунёга келганди. Кейин Душихон вафот этди. У эса акаси Султонга тоторлар ҳақида, уларнинг ҳаётидаги янгиликлар, улар аҳволи тўғрисида маълумотлар жўнатди. Хон Султон Жалолиддин Ҳилотни қамал қилиб турган пайтда отасининг феруза кўзли узугини жўнатди. Узукнинг кўзининг устига султон Муҳаммаднинг номи ўйиб ёзилганди. Бу узукни олиб келувчи чопар унинг одами эканлигини билдирарди. У акасига бундай деб ёзганди: "Ал-Ҳоқон болаларимга Қуръонни ўргатишни буюрди. Сенинг мардлигинг, қўшинларингнинг яхши қуролланганлиги, куч-қудратинг ва қўл остингдаги давлатнинг катталиги ҳақидаги хабар бу ерларга, ҳоқонга ҳам етиб келди. Шу учун у сен билан қариндош бўлишга қарор қилиб, мулкларингиз чегарасини Жайхун дарёси бўйича ўтказиш ҳақида келишиб олмоқчи: сенга дарёгача бўлган ҳамма ерларни бериб, ўзига дарёдан буёғидаги ерларни олиш ниятида. Шунинг учун агар сен уларга қарши турадиган куч йиға олсанг, улар билан жанг қил, қасос ол! Агар ғолиб бўлсанг, хоҳлаганингча иш тутасан. Агар енгишингга кўзинг етмаса, фурсатдан фойдаланиб уларнинг истаги бўйича сулҳ тузгин!"

Аммо Султон ўзини Ҳилот қамали билан банддай қилиб кўрсатди ва бунга эътибор бермади. У синглисига аниқ жавоб бермади, ўзи учун зарур бўлган тинчлик эшигини очмади. Муваффақиятлар келтирувчи ва яхшиликлар сари етакловчи бу масала хусусида бир оғиз ҳам сўз айтмади:

> Тухумини ташлаб кетган бебош қуш мисол,
> Ёхуд ўзга қуш тухумин босиб ётгандай[3].

Бўлиб ўтган воқеалардан яна бири қуйидагича эди: Арзон ар-Румнинг ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Туғрул Султон саройига келди[4]. У кўпдан бери мулкида ал-Малик ал-Ашраф номига хутба ўқитар, унга итоат этиб, хизматини қилар, шу билан бирга Хоразмшоҳлар давлатига душман бўлган ва унга нафрати тўлиб-тошган ҳожиб Али билан орқаворотдан тил бириктирган эди. У буларнинг ҳаммасини ўз амакиваччаси ар-Румнинг ҳукмдори Аловуддин Қайқубод ибн Қайхусровга қаршилиги сабабли қилганди. Шу билан бирга унинг Жалолиддин давла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбатан муносабатида ҳам аввалдан гуноҳлари бор у шу гуноҳлар натижасидан қўрқарди. Яъни, у аввал афулмулкка қарши курашда ҳожиб Алига ёрдам қилиб огарларнинг Султон қароргоҳига келишига йўл бер-н, Хоразмшоҳнинг ар-Румдан қайтаётган элчисининг ди. ас-Саидни ўлдиртирган эди.

Лекин кейин у Султон давлатининг офтоби ўткирроқ сочиб, унинг қудрати тобора ошиб бораётганини, отнинг ҳам тез орада Хоразмшоҳ қўл остига ўтиши-билиб, Жалолиддиндан раҳм-шафқат қилишини ил-ос қилиб мактуб йўллади. Султон мактубни олиб кел-элчини унинг илтимоси қондирилганини айтиб орқага тарди.

Элчи сифатида Шамсиддин ал-Ҳаким ал-Боғдодий шриф буюрганди. У билимли, сўзга чечан, ақлли, ил-фотли одам эди. У бир неча байтларни менга ёддан тиб ёздирди ва булар ўз шеърлари эканини айтди. Мана, лардан айримлари:

Агар мени қул деб билса, у ноҳақдир барибир,
Маломат тошларини улоқтирар ҳуда-беҳуда.
Мен билан баҳслашади, сўзларимас, кўзлари,
Юрагимдир бехато нишон, ўқ эса — киприклар.

Қаҳрланса, қаҳрининг чаёнлари чақсинлар,
Менга лаззат бахш этар чаёнлари ниш урса.
Хоҳласа, заҳар дамин кесар шаффоф нафаси,
Барча ранжу азобдан халос айлар хоҳласа...

Кейин Рукниддин келаётгани хабари келди. Султон Шарафулмулкка девон мулозимлари билан бирга уни бир кунлик йўлга чиқиб кутиб олишни буюрди. У уни кутиб олди. Улар Ҳилот ва Маназжирд оралиғидаги Нозик кўли бўйидаги ал-Манзилда учрашиб, бир кеча биргаликда дам олдилар[5]. Ўша тунда улар Рукниддин чодирида шаробхўрлик қилдилар. Шунда Рукниддин Шарафулмулкка қиймати ўн минг динордан кўпроқ турадиган миқдордаги совға берди.

Хонлар уни Ҳилот яқинида ўз мавқеига қараб кутиб олдилар. Султон эса уни майдонда гулдор қимматбаҳо чодир остида кутарди. Жаҳоншоҳ майдонга шошилиб кириб келди ва ерни ўпди. Кейин бир неча қадам юрган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, уни ал-ҳожиб ал-хасс Бадриддин Дудоғ ибн Инонж-хон қаршилади. У Султон номидан Жаҳоншоҳга отга минишни буюрди. У отга минди ва Султон ҳузурига етгунча одатдаги хизмат расм-русмларига кўра таъзим қилиб келди. Султон уни бағрига босди, Жаҳоншоҳ эса унинг қўлини ўпди. Султон унга гулли қимматбаҳо чодир остидан жой кўрсатди. У Султоннинг ўнг томонида тик турди. Шу пайтда гулли қимматбаҳо чодирнинг таянчлари дарз кетди. Чодир ёғочлари билан бирга қулаб тушди. Одамлар чодир йиқилишини улар иккаласига ҳам тегишли ёмонлик аломатига йўйдилар.

Уларнинг учрашуви иккаласининг ҳам ўлимига сабабчи бўлган эди, бу ҳақда мавриди билан тўхталамиз.

Шундан кейин Жаҳоншоҳ Султон хизматида бир неча кун бўлди. Султон у билан дўстлашди ва яқинларига икки юзта фахрий кийимбош, ўн саккизта тўла ясатиғлиқ от берди. Сўнг мамлакатига қайтишга рухсат этди. Ҳилот қамали учун ишлатиладиган қуролларни юборишни буюрди. У "Қора Буғро" деб номланган катта манжаниқни, матарисларни, кийиладиган ҳимоя анжомларини ва кўплаб камон ўқларини юборди.

Яна бир воқеа қуйидагича бўлиб ўтди: Султоннинг ўғли Қоймақаршоҳ вафот этди. Унинг онаси туркманларнинг ал-Иваййа қалъасининг малиги Шиҳобиддин Сулаймоншоҳнинг синглиси эди.[6]

Султоннинг унга уйланиш сабаби бор эди. Жалолиддин олти юз йигирма биринчи йилда (1224—1225 йиллар) Боғдод атрофларини талон-тарож қилиб келаётганда, бу ҳақда аввалроқ баён қилган эдик, Шиҳобиддиннинг қалъаси атрофида тўхтайди[7]. Унинг ҳарами орқада қолган, атрофида ҳам одам кам эди. Султон Шиҳобиддин ҳузурига одам жўнатиб, ундан талабини қондирадиган, тўшаги учун ярайдиган аёллардан бирини юборишни илтимос қилади. У бу илтимосини ҳарам оғаси Сирожиддин Маҳфуз орқали етказади. Аммо орадан кўп ўтмай ҳарам оғаси Шиҳобиддиннинг "Бу ерда Султон тўшаги учун ярайдиган менинг синглимдан бошқа қиз йўқ", деган жавобини олиб келади.

Султон, Оллоҳ уни раҳмат қилсин, аёлларга ўч эди, бу борада тартиб-қоидаларга қараб ўтирмасди. Шунинг учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

нг синглиси билан кўнгилхўшлик қилишга рози бўлди уни Султонга тортиқ этишди. Кейин Султон уни қолиб, ўзи жўнаб кетди. Орадан бир қанча вақт ўтгач Шиддиннинг синглисининг хизматкори келиб, унинг ниладор эканлиги ҳақидаги хабарни етказди. Султон ўз ҳузурига чақиртириб олди ва ундан Қоймақаршоҳ тилди. Бола уч йил яшади. У ниҳоятда зеҳнли, нозикна, ёқимтой, ҳамма учун арзанда бола эди. У Султон илот атрофида турганда вафот этди. Унинг ўлимида лтоннинг қизининг эмизувчисини айбдор деб топишди. Султоннинг бу қизи унинг Форс ҳукмдорининг қизи лган хотинидан туғилганди. Эмизувчи энагани болага п нарса ичириб, шу тариқа ўлдирган дейишди[8]. Яна им билади дейсиз. Бу ёлғиз Оллоҳга аён, ундан билгувироқ йўқдир!

Бўлиб ўтган яна бир воқеа бундай эди: Душхон ибн Ахашмалик ҳам бу дунё билан хайрлашади. Ахашмалик Султоннинг тоғасининг ўғли эди, у Исфахон атрофидаги жангда мардларча олишди ва шаҳид бўлди. Султон Душхонни ўз ўғли сингари тарбия қилди. Одамлар уни Султоннинг ўғли деб ўйлашарди. Баъзилар Султон Душхоннинг онасини Ахашга ўзи тортиқ қилган, кейин у Душхонни тўққиз ойга етмасдан туққан деб ҳам айтишарди. Нима бўлмасин, Султон уни ўз ўғлидай кўрарди ва фарзандлари орасида биринчиси деб ҳисобларди. Унга алоҳида меҳр қўйганди. Душхон ҳам Султон Ҳилот атрофида пайтида касал бўлди ва вафот этди. Султон мусибат туфайли ҳатто белгиланган тартиб-қоидаларни ҳам бузди, унинг ўз чодиридан чиқиб тобут турган чодирга кирганини кўрганман.

Бўлиб ўтган воқеалардан яна бири: Саъдаддин ибн ал-Ҳасан ал-Ҳожиб Олий девондан (халифаликдан) элчи сифатида ташриф буюрди[9]. У бир қанча илтимосларни айтиш учун келганди. Агар унинг илтимослари қондирилгудек бўлса, элчи Олий девонга Султоннинг яқинлари ва юксак мартаба эгалари бўлган одамлари билан бирга қайтиши керак эди. Улар халифаликда олий унвонлар бериш маросимида қатнашиб, қайтишда халифанинг Султон учун берадиган фахрий кийим-бошларини олиб келишлари мўлжалланганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халифалик девонининг илтимослари орасида қуйидагилар бор эди: Султон Мўсул ҳукмдори малик Баҳриддин Лўълудан, Ирбил ҳукмдори Музаффариддин Кўк Бўридан, Ивайда ҳукмдори Шиҳобиддин Сулаймоншоҳдан, Жибал ҳукмдори Имомиддин Паҳлавон ибн Хазораспдан ўзига бўйсунишни талаб қилмаслиги сўраларди[10]. Улар халифа тарафдорлари ва унинг хизматидагилар ҳисобланарди.

Ўша пайтда бўлиб ўтган воқеалардан яна бири бундай эди: илгари Улуғ султон (Аловуддин Муҳаммад) Боғдодга юриш қилиб, лекин мақсадига эришолмай Ҳамадон тоғларидан орқасига қайтгач, қўл остидаги мамлакатларда халифанинг номини хутбага қўшиб ўқитишни тўхтатганди. Бу таъқиқ то шу кунгача ўз кучини йўқотмаганди. Фақат Аррон ва Озарбойжон, шунингдек, янги босиб олинган мулклар хатиблари одатдагидай халифа номини хутбаларга қўшиб ўқишда давом этарди. Чунки бу мамлакатларни Султон отаси вафотидан кейин босиб олганди. Унинг қўл остига аввалдан қарам бўлган мулкларда эса одамлар хутбада халифа номини тилга олмасди.

Султон ўз ишлари билан банд бўлиб бунга эътибор бермаганди. Юқорида айтганимиз Олий девон элчиси Султон билан маслаҳатлашгандан, илтимос қилгандан кейин Жалолиддин қўл остидаги барча мулклари ва вилоятларида Амир ал-мўъминин имом Абу Жаъфар ал-Мансур ал-Мустансир биллоҳ (Оллоҳ ундан ва унинг улуғ аждодларидан рози бўлсин!) номини хутбага қўшиб ўқиш тўғрисида фармойиш берди.

Ҳамма ишлар элчи қандай хоҳлаган бўлса шундай амалга оширилди. Султон халифа номини хутбаларга қўшиб ўқитишга рози бўлди. Одатга кўра бу ердаги мусулмонлар яна халифанинг табааларига айланди. Шундан кейин Султон ҳожиб ал-хасс Бадриддин Дудоғ ибн Инонжхонни элчига ҳамроҳ қилиб Олий девонга жўнатди. Султон мулозимлари орасида заковатлилик ва закийликда, донолик ва хушмуомалаликда, хаттотлик ва форсий ғазалларни тушунишда, яхшини ёмондан ажрата олиш, ниҳоят, саройдаги одоб-ахлоқ қоидаларини, мансаблар расм-русмларини билишда унга тенг келадиган йўқ эди. Айни пайтда, у бундай хусусиятларни ёшлик кучи барқ уриб турган пайтда эгаллаганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон менга улар ҳузурида туриб Олий девон номига атманома ёздирди. Бу эслатманома бир неча бўлимдан иборат бўлиб, охирги бўлимда Султон ўз номидан ган шахсий ҳожибга Олий девонда бошқа ҳукмдорга нисбатан иззат-ҳурмат, эътибор кўпроқ бўлишини имос қилганди. Унинг илтимоси қондирилди.

Менга Султоннинг шахсий ҳожиби (ҳожиб ал-хасс) ий девонга бориш тафсилотларини бундай ҳикоя қилиб ганди: "Султон менга "Агар девонга борсанг, вазир аййидиддин ал-Қумийнинг қўлини ўпмайсан ва унга рмат-иззат кўрсатмайсан!" деб буйруқ берди.[11] Бу унинг рим ишларига нисбатан жавоб эди. Мен буйруқни тўлагича адо этдим. Боғдодга борганимиздан кейин бир неча ун ўтгач, бир кун кечқурун мен турган уйнинг олдида игр дарёси қирғоғида кема тўхтади. Менинг ҳузуримга аъдаддин ибн ал -Ҳасан ал-Ҳожиб кириб "Амир ал-ўъминин хизматига тайёрлан!" деди.

Кейин мен Саъдаддин билан бирга кемага чиқдим. У ақобчи билан мен тушунмайдиган қандайдир тилда гапашди. Сўнг у мени бу кемада ёлғиз қолдириб бошқа кеага сакраб ўтиб олди. Мен ундан бунинг сабабини сўраганимда у "Мен биринчи кема сенинг ҳурматинг учун юборилган алоҳида кема эканлигини билмабман", деди. Мен ўрнимдан турдим, таъзим қилдим ва миннатдорлигимни билдирдим. Ўтириб дуо ўқидим. Биз дарёда катта дарвозага етиб боргунча суздик. Мен ичкарига кирдим, Саъдаддин тўхтаб, шу ерда қолди. Мен ундан: "Сен мен билан ичкарига кирмайсанми?" деб сўрадим. У: "ҳар биримиз учун белгиланган жой бор, менинг бу остонадан ичкарига киришим мумкин эмас", деб жавоб берди.

Эшик ортида мулозим турган экан, у мени бошқа бир дарвоза олдига олиб борди ва уни тақиллатди. Дарвоза очилиб мен ичкарига кирдим. Бу ерда ўриндиқда кекса мулозимни кўрдим. Унинг олдида шам, Қуръон суралари ёзилган қоғозни кўрдим. У менга салом берди, ёнига ўтқазиб ҳол-аҳвол сўрай бошлаган эди, яна бир мулозим — Муҳаммад ал-Аббосий -- оқ юзлик, хушмуомала, хушрўй қиёфалик одам пайдо бўлди. У менга қўлини узатди ва илтифот юзасидан форсийда сўзлаша бошлади. Кейин қўлимдан ушлаб менга бундай деди: "Сен ҳузурига кир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқчи бўлган одам кимлиги ва унинг қандайлиги, албатта, сир эмас. Унинг улуғлиги ва юксак мавқеини сенга бирма-бир таърифлаб бериш ҳам шарт эмас. Лекин Амир ал-мўминин ҳузурида хизматга лаёқатингни намоён қилмоқчи бўлсанг, менинг хатти-ҳаракатларимга эътибор бер ва мен кўрсатган жойда ерни ўпгин".

Унинг мен билан гаплашишга ва бундай маслаҳатлар беришига Олий девонга кираверишда билмасдан хизматчилик русумларини бузиб қўйганлигимни сезганлиги сабабчи бўлган экан. Мен унга бундай дедим: "Мени ўзингча ҳеч нарсадан хабари йўқ оми одам ҳисобламагин! Мен гарчи туркий бўлсам ҳам адаб қоидалари қандайлигини, уларни қаерда ва қачон қўллаш кераклигини биламан. Қаерда камтарлик қилиб, қаерда мақтаниш мумкинлигини ҳам яхши биламан. Агар мен юзимни олий остоналар тупроғига минг марта булғасам ҳам ўзимни барибир, хизмат бурчини беҳафсала бажарувчи деб ҳисоблайман. аслида хизматдан манфаат — олий мартабалар тез келади, лекин унинг пировард оқибати, ҳақиқий савоби нариги дунё учун қолади!"

Султоннинг шахсий хожиби (ҳожиб ал-хасс) Боғдод тафсилотларини ҳикоя қилишда яна давом этди: "Менинг сўзларим унга маъқул келди, мени мақтов сўзлар билан алқади. Бизлар баланд жойга кўтарилдик, кўз олдимда қора дарпарда пайдо бўлди. Мен мулозим айтмасдан олдин тиз чўкиб ерни ўпдим. Бунинг учун ҳам ундан мақтов эшитдим. Кейин мен катта боғни ва кўплаб шамларни кўрдим. Бу тун қўйнидаги осмоннинг сувдаги аксига ўхшарди. Мен ёпиқ юпқа парда ортида турган вазирни кўрдим. Мулозим келиб пардани кўтарди. Ичкарига кириб яна ерни ўпдим. Кейин вазирга яқинлашиб тўхтадим.

Шундан кейин бирдан тахтда ўтирган Амир алмўъминга кўзим тушди. Халифа вазир билан арабча гаплашди, сўнг вазир унга томон бир неча қадам юрди. менга эса аввал ўзи турган жойда туришни буюрди. Мен олдинга юриб ерни ўпдим ва унинг ўрнида турдим. Амир ал-мўъминин "Шаҳоншоҳ жаноб олийларининг аҳволи қандай?" деб сўради. У Султонни назарда тутаётган эди. Унинг мактубларида Султонга нисбатан расмий мурожаати ҳам ана шундай бўларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин мен яна ер ўпдим. Халифа эса сўзида давом ди. У Султон ҳақида яхши фикрда эканлигини, муно- бати жиддийлигини, унга ғамхўрлик кўрсатиш ният- лигини айтди. Унинг ўз даврининг ҳукмдорлари, ўз ронининг султонлари орасида мавқеи юксак эканли- ни билдирди. Бунга жавобан ҳеч нарса демадим, яна ни ўпдим. Кейин у Султон учун битилган ишонч ёрли- га (китоб ал-аҳдга) муҳрини босди ва вазир уни менга рди. Мен бу ишонч ёрлиғини бошимга қўйиб ер ўпдим қайтиб келдим".

Ҳа, юқорида номини эслатганимиз Бадриддинга бош- ан-оёқ фахрий кийим ва ўн минг динор берган дейиша- и. Аммо ундан бу ҳақда бирор сўз эшитганим йўқ.

Қайтишда унга амирлар Фалакиддин ибн Сунқур ат- Тавил ("Узун") ва Саъдаддин ибн ал-Ҳасан ал-Ҳожиб ҳамроҳ бўлиб келишди. Халифа улар орқали Султонга совғалар ҳам юборганди. Улар Ҳилотга қишда, Султон унинг қамали билан банд бўлган пайтда кириб келди. Фалакид- дин эҳтиром билан кутиб олинди, у отда келиб, ундан ту- шаётган пайтда кутиб олувчилар иштирокида ўзига хос "даҳлиз" ташкил қилинди ва карнай чалиниб турди. Саъ- даддин ибн ал-Ҳасан ал-Ҳожиб эса Олий девонда юксак мавқега эга бўлса ҳам унга ҳожиблик мансаби доирасида- ги амаллар, тартиблар асосида ҳурмат кўрсатилди.

Улар олиб келган совғалар ва кийимлар қуйидагилар- дан иборат эди:

1. Султон учун икки сидра фахрий кийим-бош. Унинг бир сидраси жубба, салла, банди ясатиғлиқ ҳинд қиличи- дан иборат эди. Иккинчи сидраси таркибида чакмон (қабо), бош кийим (кумма), устки кўйлак (фаржийя), тилло билан безатилган Қоражул қиличи, динорлар ва ҳар хил қимматбаҳо тошлар қадалган камар ҳам бор эди.

2. Эгар-жабдуқ, афзаллари ва туғи билан биргаликда ясатилган энг чиройли, бақувват иккита арғумоқ, улар- нинг ёнига ҳар қайсиси юз динор турадиган саккизта тақа ҳам қўшилган эди.

3. Ноёб ярқираб турадиган ҳар хил тошлар қадаб иш- ланган олтин қалқон. Унга жами қирқ битта тош нақшлан- ган: шундан йигирматаси лаъл, йигирматаси Бадахшон ақиқи ва битта катта феруза тош эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Ўттизта арабий арғумоқ отлар, уларнинг ёпинчиқлари Рум атласларидан бўлиб, унинг остидан Боғдод атласлари тўқим ўрнида ишлатилган эди. Ҳамма отларнинг тизгини ипакдан тайёрланганди ва ҳар бирига халифалик динорларидан олтмиштаси шода қилиб осилганди.

5. Қуролланган, ўз отларига эга ўттизга мамлук.

6. Атлас ёпқич ёпилган ва олтин шодаси тақилган ўнта чита (гепард).

7. Кичкина марварид қадалган қалпоқча кийдирилган ўнта лочин.

8. Юз эллик дона бўғча, бу бўғчаларнинг ҳар бирида 10 сидра кийим-бош.

9. Олтин гардишли, кулранг тусдаги муаттар ҳидли бешта шар.

10. Беш ёки олти тирсак келадиган сабур (уд) дарахти. Уни икки одам олиб келди.

11. Хонлар учун ўн тўртта фахрий совға. Буларнинг ҳаммаси эгар-жабдуқлар, туғлар билан ясатилган, олтин қоринбоғлар боғланган ва Тифлис илгаклари осилган отлар эди. Халифа бу совғанинг айримлари ажралиб турсин деган ниятда илгакларни бўятган эди. Фақат Дойихон, Улуғхон. Утурхон ва Тўғонхонга аталган отларнинг илгаклари бўялмаганди.

12. Амирлар учун ўттиз сидра кийим-бош: унинг ҳар бир сидраси чакмон ва бош кийимдан иборат эди.

Шарафулмулкка атаб юборилган сидра кийимлар қора салла, чакмон, устки кўйлак жамламаси эди. Бундан ташқари, унга ҳинд қиличи, элликта кўйлак, муаттар ҳидли икки шар, урғочи хачир ҳам жўнатилганди.

13. Султон девонидаги акобирлар учун йигирмата сидирға кийимлар. Ҳар бир сидирға кийимлар жубба ва салладан иборат эди.

Менга девондаги бошқа акобирлардан фарқли ўлароқ кулранг урғочи хачир, йигирмата кўйлак атаб берилганди. Кўйлакларнинг аксарияти Рум ва Боғдод шоҳи, атласларидан эди.

Халифалик девонидан Султонга келган рўйхат қуйидаги тартибда эди: дастлаб "Шоҳаншоҳ жаноби олийлари" (ал-жаноб ал-аъли аш-шаҳиншах) тилга олинган, кейин "Муҳтарам Шарафулмулк" исми битилган, сўнг

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг номим ёзилганди. Девондаги бошқа акобирлар-н бирортасининг на номи, на унвони эслатилмаганди. ларнинг номи ўрнига ал-муставфи, ал-мушриф, ал-арид, н-назир ва шу тарзда мансаблари кўрсатилганди. Улар-халифаликдан биттадан жубба ва салла юборилганди.

Бу пайтда Шарафулмулк менга эътибор бермасликка аракат қиларди. У менинг ҳақ-ҳуқуқларимга нисбатан икрини тез-тез ўзгартириб турарди. Унинг фикрининг згариши кайфиятига боғлиқ бўларди, шу билан бирга ар хил миш-мишлар, туҳмат, бўҳтонларга ҳам дарров ишонарди. Шу сабабли у халифаликка юбориладиган омада лавозимларнинг ёзилишидаги нозик бир нуқтани топди.

Мен Султонга бу номани ўқиб бераётганимда у (Шарафулмулк) сўради: "Нима учун девон бошлиқларидан бирортасининг номи номанинг юқори қисмида тилга олинмаган? Бу уларни фахрий кийимлар ва совғалар беришда бошқалар билан тенглаштириб қўймайдими?" Унинг бу саволига Султоннинг ўзи жавоб берди: "Бунинг сабаби аён. Гап шундаки, у (яъни, ан-Насавий) улар билан расмий равишда қандай муроса қилиш қоидаларини яхши билади ва ёзишмаларда уларнинг тартиботларига, талабларига амал қилади. Бундан ташқари, элчилар келишганда қабул пайтида унинг маслаҳатчи сифатида қатнашганини яхши билишади. Ўша пайтда девон соҳиби қабулда йўқ эди. Бунинг устига унинг (девоннинг) бошқарув ишларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Девон бошлиғининг вазифаси олинган фойдани йиғиш, кирим, чиқим ҳаражатларини ҳисоблашдан иборат. Бунинг эса юқоридаги ишларга, умуман, алоқаси йўқ". Бу гапдан кейин Шарафулмулк жим бўлди, у кўзлаган ниятига етолмади.

Халифанинг элчиси Султон бойликлар, совға-саломлар билан тўлган чодирга киради ва ўзи учун ҳадя қилинган фахрий кийим-бошларни кийиб кўради, деб кутди. Лекин Султон бу ишни қилмади. У чодирни ўз хонаси ёнига ўрнаттирди ва олиб келинган кийимларни ҳам шу ерга олдирди. Султон кун давомида бу чодирга икки марта борди ва иккала фахрий кийим-бошни ҳам кийиб кўрди. Шундан кейин бошқалар ҳам ўзларига совға қилинган кийимларни кия бошладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин иккала элчи ҳам Султонга Ҳилот тақдири бўйича мурожаат қилди. Уни қамал қилишни тўхтатишни, қамалдагиларга эркинлик беришни илтимос этди. Султон уларнинг илтимосига жавоб бермади. Лекин улар ўз турар жойларига қайтганларидан кейин мени улар ҳузурига йўллаб, ўз танбеҳини етказишни буюрди. Уларга жавобан Султон бундай дейишимни айтди: "Сизлар иккалангиз ҳам сўзларингизда Амир ал-мўъминин номидан яхши ниятлар билдириб, унинг истакларини менга етказдингизлар. Бу истакларида у "Биз сенинг ишларинг доимо муваффақиятли бўлишини, куч-қудратинг янада ошишини, ҳурмат-эътиборинг юксалишини, ўз даврингдаги барча мулкларнинг ҳукмдорига айланишингни истаймиз", деб ният билдиради. Энди эса сизлар менга ғалаба нашидаси яқинлашган, муваффақиятлар кўзга ташлана бошлаган пайтда Ҳилот қамалини тўхтат, деб маслаҳат берасизлар. Сизларнинг бу маслаҳатингиз Амир ал-мўъмининнинг менга билдирган ниятларига қарама-қарши эмасми?"

Улар Жалолиддиннинг сўзларига бундай деб жавоб берди: "Агар ҳозир аҳвол Султон айтгандай бўлса, у ҳақ. Биз бу гапни, агар қалъани босиб олиш қийин ва қамалдагилар қаршилиги узоқ давом этадиган бўлса, Султон Халифа девонининг бирор маслаҳатисиз ҳамда воситачилигисиз ҳам уни юқорида айтганимиздай ҳал қилиши мумкин деган маънода сўзлаган эдик. Агар қамални тўхтатиш зарурати туғилса, бу Халифа девонининг аралашуви туфайли амалга оширилса, у ҳолда бу иш Султон қўшинининг кучсизлиги деб эмас, ғалабаси деб баҳоланишига сабаб бўлади".

Султон уларнинг узрини қабул қилди ва қамални давом эттирди. Ҳилот аҳолиси элчилар келган кунларда Султонни ҳақорат қилишдан ўзларини тийдилар. Бироқ улар Султоннинг элчилар воситачилигини рад қилганлигини, қамални давом эттиришини ва элчиларнинг ҳеч бир иш чиқара олмасдан кетиш ҳаракатига тушганлигини билганларидан сўнг Хоразмшоҳни янада ёмон сўзлар, сўкишлар билан ҳақоратлашда давом этдилар.

Яна қуйидаги воқеа ҳам юз берди: Амиднинг ҳукмдори ал-Малик ал-Маъсуднинг элчиси ҳам Султон ҳузурига келди[12]. Элчи Аъламиддин Қосаб ас-Суккар ("Шакар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиш") номи билан машҳур одам эди. Унга ал-Малик ал-Мансурнинг элчиси, Мордин ҳукмдори, ҳарам оғаси бўлган қора танли одам ҳамроҳлик қилиб келди.[13]

Иккала ҳукмдор ҳам номасида Султонга хизмат қилиш ва унга бўйсуниш ниятини билдиришганди. Султон ҳам уларга нома йўллаб, мулкларида номини хутбага қўшиб ўқитишни буюрди. Уларнинг таклиф қилган иттифоқи ва дўстона муносабатлари холис эканлигини билиш учун элчиларга ўз элчисини ҳам қўшиб жўнатди. Унинг икки элчи билан юборган элчиси фақиҳ Нажмиддин ал-Хоразмий эди. Аммо бу элчи уларнинг мамлакатида Султон ар-Румдан мағлубиятга учраб қайтиб келгунча қолиб кетди.

Бўлиб ўтган воқеалар орасида яна бири қуйидагича кечди: қамал туфайли Ҳилот бошига катта ташвишлар тушди. Маҳсулотларнинг нархлари ошди, пуллар қадрсизланди, шаҳарда итлар ва кучуклар ҳам ейилди. Шундай кунларнинг бирида шаҳардан йигирма мингга яқин одам чиқди. Очлик туфайли уларнинг қиёфалари шундай ўзгарган эдики, ака укани, ота болани таний олмасди. Шарафулмулк улар учун кунига бир неча молларни сўйдириб, едириб-ичирди. Лекин бу уларнинг дармонсиз қолган гавдаларига, руҳсиз кўнгилларига мадад бўлолмади. Уларнинг аксарият қисми вафот этди, "бошқалари эса Сабо қўйнида тарқаб кетди".*

Ўша кунлари мана бу воқеа ҳам бўлиб ўтди: Улуғ султон (Аловуддин Муҳаммад), аввал баён қилганимиздек, Оллоҳ уни бу дунёдаги умри якунланиб, ўз ҳузурига чорлаганидан кейин оролга дафн этилган эди. Султон Ҳилотни қамал қилиш пайтида хаёлига Исфахонда отаси хотираси учун бир мадраса қурдириш ва унинг хокини оролдан шу мадрасага кўчириш нияти туғилди.

У Исфахонга Улуғ султон ётоқхонасининг бошлиғи бўлган, эндиликда мирохурлик қилаётган Муқарробиддинни жўнатди![14] Бу Улуғ султонни ўлганидан кейин юв-

---

* "Сабо қўйнида тарқаб кетди", деган матал бўлган. Бу матал Мағриб тўғонининг бузилиши ва сув босиши туфайли Сабо қабиласи одамларининг тарқаб кетишига нисбат бериб араблар томонидан VI асрда айтилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган одам эди. Унга Исфахонда мадраса қурдириш, сағана устига гумбаз барпо этиш буюрилганди. Шу билан бирга уларнинг ёнига яна зарур бўлган бинолар: кийимлар, кўрпа-тўшаклар, оёқ кийимлар хоналари ва таҳоратхоналар тиклатиш ҳам айтилганди. Султон қурилиш бошланиши учун ўттиз минг динор юбортирди. У Ироқ вазирига нома юбориб, унга қурилиш ишлари битиши учун девонга келадиган маблағ ҳисобидан пул юборишини тайинлади. Мадрасанинг барча асбоб-анжомларини — шамдонлар, лаганлар, идиш-товоқлар, кўзаларни олтиндан тайёрлашни, унинг эшиги олдида барча жиҳозларга эга бўлган отлиқ қоровул туришини буюрди.

Ал-Муқарробиддин Исфахонга жўнаб кетди ва қурилиш ишларига киришди. Мен орадан тўрт ой ўтгандан кейин у ерга бордим ва мадрасанинг деворлари одам бўйи тикланганлигини кўрдим.

Султон Сория ҳукмдори бўлган аммаси Шоҳ хотунга мактуб ёзади. Сория Мозандорондаги жойлардан бири эди (Шоҳ хотунни отаси Такиш Мозандорон малиги Ардашер ибн ал-Ҳасанга эрга берганди, у эса вафот этганди[15]). Мактубда аммасидан шахсан ўзи Мозандороннинг машҳур кишилари, маликлар, амирлар ҳамкорлигида оролга бориб, отасининг хокини Ардахн қалъасига келтиришини илтимос қилади. Ардахн ниҳоятда мустаҳкам, душман босиб ололмайдиган қалъалардан бири ҳисобланарди. Отасининг хоки Исфахондаги мадраса ва сағана қуриб бўлингунча шу ерда туриши, қурилиш тугагандан кейин ўша ерга кўчирилиши мўлжалланганди.

Ҳаётим ҳақи қасам ичиб айтаманки, мен бу ҳақдаги ёрлиқни ўзим истамаган ҳолда ёздим. Уларнинг бу борадаги ишлар нотўғри деб ҳисобладим. Ал-Муқарробга бу хусусдаги айрим фикрларимни айтдим, уни баъзи сирлардан огоҳ қилдим. Маълумки, тоторлар қаерга босиб бормасинлар султонлар хилхоналаридан уларнинг суякларини, хокларини олиб ўтда ёққанлар. Улар барча султонларнинг келиб чиқишлари бир деб ҳисоблаганлар ва улардан шу тариқа ўч олганлар. Улар ҳатто Ғазнада Ямин ад-Давлат Маҳмуд ибн Собуктегиннинг (Оллоҳ ундан рози бўлсин!) қабрини очиб, унинг суякларини ҳам оловда ёқдилар. Тоторлар Улуғ султоннинг хокига тегмаганди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

, бунинг сабаби бор эди. Уларнинг оролга боришла-
бу ердаги қалъага киришлари қийин эди.
Бироқ менинг бу гапларим Муқарробиддинга ёқмади,
учун бу ҳақда ортиқча сўзламадим. Аммо бу ишнинг
ири худди мен ўйлагандай бўлиб чиқди: тоторлар Амид
расида султон (Жалолиддин) фаолиятига барҳам бер-
, бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз, юқорида айтгани-
з Ардахн қалъасини қамал этдилар. Бу ердан Султон
уҳаммад хоқини олиб ҳоқонига жўнатдилар. Ҳоқон эса
и ёқишни буюрди.

Бўлиб ўтган яна бир воқеа бундай эди: Мужириддин
қуб ибн ал-Малик ал-Одил Абу Бакр ибн Айюб кун-
арнинг бирида Султонни музокарага чақириб Ҳилот де-
орини ура бошлади.[16]

Султон у бизнинг ниятларимизни ушалтирадиган
ғъни, Ҳилотни топшириш ҳақида) гапни айтса керак деб
йлаб, бу музокарага рози бўлди. Султон бу ерга келгани-
да Мужириддин бундай деди: "Ҳамманинг бошига оғир
кулфат тушди, бир-бирларимизга нафратларимиз ҳам
намоён бўлди. Икки томон ҳам кўп кучини йўқотди. Энди
бу ишни ниҳоясига етказиш учун мен билан яккама-якка
курашишни истамайсанми?" Султон ундан "Қачон кура-
шишни хоҳлайсан?" деб сўради. "Эртага эрталаб", деб
жавоб берди у.

Султон эртасига эрталаб совутини кийди. Шарафул-
мулк бу ҳақда эшитганидан кейин Султон ҳузурига тез
етиб келиб, деди: "Мужириддин сизга тенг эмас, сиз би-
лан яккама-якка курашишга арзимайди ва ярамайди. Агар
сиз уни ўлдириб шаҳарни босиб олиш мақсадингизга
эришганингизда эди бу олишувга рози бўлсангиз арзир-
ди. Лекин шунга ишончим комилки, бу олишув билан
мақсадга эришилмайди. Бунинг устига у гарчи ҳукмдор-
лар оиласидан ҳисобланса ҳам, қуллардан бири холос".

Султон унга бундай деди: "У худди сен айтгандай.
Лекин у курашга чақириб турса, қандай қилиб бундан
бош тортишим мумкин? Менинг курашни рад қилишга
сабабим борми? Қолаверса, майдонга биринчи бўлиб мен
эмас, у чиқади". Кейин у отига миниб, ёлғиз ўзи Ҳилот-
нинг Битлис дарвозаси томон йўл олди. Бу ерга белги-
ланган вақтда етиб келиб, рақибига хабар берди. Лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳилот аҳолиси уни лаънатлаб, сўкиб, устига камондан ёмғир мисол ўқ ёғдира бошлади. Мужириддин олишгани чиқмади, Жалолиддин қайтиб келди.

Яна шундай воқеа ҳам бўлиб ўтди: бир кун тунда Султон мени ҳузурига чақирди. Унинг ёнида айёр ёлғончи кампирни кўрдим. У Ҳилотдан, гўё аз-Заки ал-Ажамий номидан мактуб олиб келганди. Заки ал-Ажамий ал-Малик ал-Ашрафнинг эътиборли одамларидан бири бўлиб, унинг ҳузурида таржимонлик қилар, султоннинг сўзларини элчиларга, элчиларнинг сўзларини султонга турк, форс, арман тилларига таржима қиларди.

Закиаддин мактубида Султондан беш минг динор беришни илтимос қилганди. У бу пулни Ҳилот қўшинидаги ҳинд лашкарларига бўлиб бериб, уларни шу тариқа Султон томонга оғдириш ва шаҳарни унга топшириш учун кўндириш ниятидалигини билдирганди. Шундан кейин эртаси куни тонгда шаҳарнинг Водий дарвозаси очилиб, Султон ундан ичкарига кириши режалаштирилганди.

Султон бу ҳақда мен билан маслаҳатлашгач ушбу режага ишончим йўқлигини англади. У "Нима учун бу ишга шубҳаланаяпсан?" деб ҳайрон бўлиб сўради. Султон Ҳилотни тезроқ босиб олишга зўр ҳафсала билан киришганди, шу сабабли кампирга талаб қилинган миқдордаги пулни беришга ҳам тайёр эди. Унга бундай деб жавоб бердим: "Мен сизнинг қулингизман. Бу борада бирор номаъқул гап айтсам, узримни қабул қилинг. Закиаддин билан у ўз ҳукмдори номидан ҳузурингизга элчи бўлиб келганида учрашганман. У билан ҳар хил ишлар ҳақида гаплашганман. Аз-Заки ўз даврининг энг ақлли, иқтидорли ва фаросатли одамларидан бири. Унга ёлғонни яшириб, ҳақиқатни ошириб айтиб бўлмайди. Унга монанд одамлар бундай шубҳали ва хавфли ишлар билан шуғулланмайдилар, ундан йироқ бўладилар. Бундан ташқари, у сизга маъқул бўладиган бу ишни қилиши учун сизнинг қўл остингизга ўтиб, ўзининг (собиқ) ҳукмдорига нисбатан дарров душманлик қилмоғи керак. Бунинг устига у қарама-қарши фикрдаги ва ҳар хил ниятдаги бир гуруҳ одамларнинг талабларини қондириш учун пулдан фойдаланиб ёки уларга орзиқтирувчи ваъдалар бериб ўзини хавф-хатарга қўярмиди? Бу одамлардан бирортаси ушбу

www.ziyouz.com kutubxonasi

рни ошкор қилмаслигига ва оқибатда унинг йўқ қилинслигига ким кафолат бера олади? Агар у пулларни бошлар учун сўраётган бўлса, шундай деб ўйлаш мумкин. ар кампир, у пулларни ўзи учун сўраётибди, деб айтаган бўлса, бу гапнинг ёлғонлиги янада аниқ. Чунки у илотни сизга топширадиган бўлса, унга бериладиган совлар, иқто олдида ҳозир талаб қилинаётган пул арзимас ақа бўлиб қолади".

Султон менинг фикрларимни эшитганидан кейин бу орадаги қарорини сал бўлсада ўзгартирди. Аммо унда Хилотни босиб олиш истаги зўр эди. Шу сабабли кампирдан минг динорни аямади. Афсуски, бу фойдасиз сарф ди. Султон унга: "Агар сенинг айтганларинг бирор йўл билан исботланса, қолган тўрт минг динорни ҳам бераиз", деди.

Шунда у Хилотга қайтиб кетди, унинг гаплари мутлақо асоссиз эди. Бу гап қўшинлар ўртасида тез тарқалди ва ҳилотликлардан айримларининг ҳам қулоғига етиб борди. Иззиддин Ойбекка аз-Заки Султон билан хат ёзишмоқда деган маълумотни етказишди. Ойбек эса уни ҳеч бир айбсиз ўлдиртирди.

Султон Хилотни эгаллаганидан кейин бир неча сарханглар бу кампирни эри — мункиллаган чол билан биргаликда тери ишлайдиган жойдан тутиб келтиришди. Кампир тиллонинг бир қисмини олиб келди. У берилган пулдан уч юз динорни сарфлаб бўлганди. Айтишларича, у бўғиб ўлдирилган. Унинг ёлғони оқибатида ўзи ҳам ўлим топди, Закиаддин ҳам қурбон бўлди.

Бу вақтда яна қуйидаги воқеа ҳам рўй берди: Иззиддин Ойбек ал-Малик ал-Ашрафга сирли мактуб йўллади, худди шундай хат Иззиддиннинг ўзига Мужириддин Ёқуб томонидан юборилди. Ҳар иккала хат ҳам йўлда қўлга олинди. Султон уларни менга берди. Иккала хатнинг сирсиноатидан воқиф бўлиб, ўқишим лозим эди. Номаларда улар бошига тушган мусибатлар ва қийинчиликлардан, оғир синовлардан шикоят қилгандилар. Иккала хатда ҳам душманнинг сеҳр-жодуси туфайли бу йил Хилот ва унинг атрофига қор ёғмаганлиги айтиларди.

Ўша пайтда яна бир мактуб тутиб олинди. Бу ал-Малик ал-Ашрафдан Хилот мутаваллиси Иззиддинга ёзил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган эди. Унда бундай сўзлар битилганди: "Сенинг душманлар сеҳр-жодуси ва ҳавонинг очиқлиги ҳақидаги сўзларинг кўнгилларингизни қўрқув ҳамда ваҳима қамраб олганлигини кўрсатади. Бошқа нима дейиш ҳам мумкин, чунки бундай ишлар ёлғиз Оллоҳ томонидан амалга оширилади! Қишда эса аҳвол ҳар хил бўлиши мумкин: баъзан қор одатдагидан кечикиб, айрим ҳолларда эса кутилмаганда эртароқ ҳам ёғади. Биз яқин кунлар ичида қўшинларимиз билан етиб борамиз, мусибатларни бартараф этамиз, тушкунликка барҳам берамиз. Биз уларни (хоразмликларни) Жайхуннинг нариги тарафига қувиб юборамиз".

Бўлиб ўтган воқеалардан бири бундай эди: соҳибдевон Шамсиддин Муҳаммад ал-Муставфий ал-Жувайний вафот этди[17]. У насл-насаби улуғ одамлардан эди. Агар у бирор жабҳада комилликка интилса, унга эришмасдан қўймасди. Унинг номачилик услуби бошқаларнинг номачилик услубига солиштириб кўрилганда, у бу борада (санъатнинг бу турида) бошқалардан анча устун эканлиги намоён бўлди. Вақт уни синовлардан ўтказди, ҳаёт унга турфа тўнларни кийдирди. У Улуғ султон (Аловуддин Муҳаммад) ҳаётининг сўнгги йилларида девон бошлиғи (соҳиб ад-девон) қилиб тайинланди. Жалолиддин саройига келгач, Султон ҳам уни девон бошлиғи лавозимига тайин қилди. У бу лавозимда ўзига ғубор юқтирмай ишлади. Унинг сўзи билан ёзганлари ўртасида фарқ бўлмасди. У шубҳа уйғотувчи йўлларга кирмади.

У Оллоҳнинг меҳр-саховат тўла уйига Султон Ҳилот қамали билан банд бўлган пайтда "кўчиб ўтди". Жувайний мени васий қилиб тайинлаб, етимларига ғамхўрлик қилишимни тайинлаган эди. У майитини ўзи туғилиб ўсган жой Хуросоннинг қасабаларидан бири Жувайнга олиб бориб кўмишимни васият қилганди. Унинг васиятини адо этдим.

Султон ундан қолган меросга тегмади. Мен унинг бойликларини ўзим ва у учун ишончли бўлган одамлар орқали меросхўрларига етказдим.

Ундан кейин девон бошлиғи лавозимини Жамолиддин Али ал-Ироқий эгаллади. У аввал Ироқ вазири Шарафиддиннинг ўрнига девондаги баъзи ишларни қилиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

чун қўйилганди. Шундай бўлдики, у бу ерга ўз хожасининг бир иш бўйича топшириғи билан девон бошлиғи олими пайтида келиб қолди. Айни шу вақтда Султон ҳам вазирини бепарволик ва уқувсизлик туфайли хатоларга йўл қўйишда айблади. У мушрифнинг ўғирлик билан шуғулланаётганлигини, хазиначининг ёлғончилигини биларди. Шу сабабли у уларнинг қаттиққўл, беандиша, қайсар одам қўл остида қандай ишлашини синаб кўрмоқчи бўлди.

Шундай қилиб ал-Жамол девон бошлиғи лавозимини эгаллади. Бу ҳурматли акобир ўрнига ҳамма ёққа даҳшат солувчи арслон келгандай ёки ёрқин нур таратиб турувчи юлдуз ўрнини учар юлдуз эгаллагандай бўлди. У сабабли тартибсизлик ва баҳслар бошланди, қарама-қаршилик ва ихтилоф кучайди. Орадан кўп ўтмай девон аъёнлари ўз мансабларидан фориғ бўлиш учун кўплаб пул сарфлай бошлади. Аввалларн эса одатда пулни бирор мансабни эгаллаш учун беришарди.

Унинг девондаги фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари шу бўлдики, аввалдан бериб келинаётган ёрдам пулларини (тасвиқат) тўхтатилди, нафақалар (идрарат) кечиктириб бериладиган бўлди, "ҳақлар" (ҳуқуқ) тўлаш чеклаб қўйилди.[18]

Шу учун ҳам айтишадики, тарбия кўрганнинг ҳаммаси ҳам одобли бўлавермайди, ҳар қандай одам ҳам нома ёзиш ҳунарини эгаллайвермайди, мушкни сақлаш учун ҳар қандай тери ҳам ярайвермайди. Яна айтишадики, қошга суртганнинг ҳаммаси сурма бўлмас. Дунёдаги энг фойдасиз нарсалар эса тўнғиз бўйнига осилган тақинчоқ, кўрнинг қўлига тутқазилган қилич, ёвуз фосиқ бармоғидаги узук дейишади. Қуйидаги мисралар ҳам шу ҳақда:

Ануширвон қандай одил шоҳ эди!
Сезса гар бировнинг пасткашлигини,
Агар шу пасткашга тегишли бўлса,
Ҳатто қаламни ҳам шарт синдирарди!

Унинг сурбетлигини, тубанлигини кўрсатувчи биринчи ножўя иши қуйидагича бўлди: ҳожиблар уни девонга, марҳумнинг ўрнига ўтқазиш учун олиб боришади. Бу пайтда Шамсиддин ат-Туғроий девонда бўлади, Шарафулмулк билан суҳбатлашиш учун ёнма-ён ўтиради. Ал-Жамол бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерга келгач Шамсиддиннинг қўлидан ушлаб уни вазирдан нарироққа олиб бориб ўтиргизади ва улар орасига ўзи ўтиради. Шунда ат-Туғроий ундан: "Бундай қилишга уялмайсанми?" деб сўрайди. У унга: "Бу менинг мансаб ўрним, бу ўрин учун ким рақиб бўлмоқчи бўлса, унга қарши курашаман", деб жавоб беради.

Бу вақтда яна қуйидаги воқеа ҳам бўлиб ўтди: Аламут ҳукмдори Аловуддин (Муҳаммад III) нинг вазири асир қилиб олинди. Унинг сабаби бундай эди: ҳар йили одатга кўра алмутликлар бир гуруҳ эрксиз, қарам одамларни олиб Қазвин яқинидаги тоғлар ёнбағрида қишлик учун хашак йиғишга келишарди.[19]

Ироқ амирлари исмоилийлар ваъдасига вафо қилиб Жалолиддиннинг укаси Fиёсиддинни унинг хизматига қайтариб юбормагани учун Султоннинг улар ҳақидаги фикрлари ўзгарди, деб ўйлагандилар. Шу учун Сава муқтоси Баҳовуддин Соқур хашак йиғаётган исмоилийлар томон йўл олди. Тоғда вазирга ҳужум қилиб, уни асир олди ва Ҳилотга жўнатди. Бу ердан у Дизмар қалъасига олиб келинди.[20]

У бу ерда пешонасига азалдан ёзилган кунгача турди, унинг муддати қачон тугаши ҳақида маълум қилишмади. У орадан тўрт ой ўтгач ўлдирилди.

Яна бир воқеа эса бундай кечди: ар-Румдан элчилар келди. Султон Аловуддин Қайқубод ибн Қайхусров султонга (Жалолиддинга) ўз жашнгири Шамсиддин Олтин Оба ва Арзинжон қозиси Камолиддин Камёс ибн Исҳоқни совғалар ҳамда қимматбаҳо ҳадялар билан юборди. У Султоннинг кўнглини олишга интиларди.

Унинг совғалари орасида атласлар, хитойи матолар, қундузлар, сувсарлар мўйналари ва бошқа юклар ортилган ўттизта хачир, бошдан-оёқ қуролланган ҳамда ўз отларига эга бўлган ўттизта мамлук, эгар-жабдуқли юзта от, элликта хачир бор эди.

Улар Арзинжонга келганларида Султон ҳузурига етишиш амримаҳол эканлигини англадилар. Негаки, Арзон ар-Румнинг ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Тўғрул ал-Малик ал-Ашрафга итоат этиб, икки ҳукмдорга (Жалолиддин ва Аловуддин Қайқубодга) очиқдан-очиқ душманлик йўлига ўтган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу совғалар Ҳилот қамали пайтида Арзинжонда олиб кетди. Бу нарсалар кейин Арзон ар-Румнинг ҳукмдори Султон хизматига қайтгунга қадар ҳам шу ерда турди. Шундан кейин элчилар барча ҳадялар ва совғаларни олиб Султоннинг ҳузурига келдилар. Аммо улардан олиб келган совғаларини Султонга унинг қўл остидаги амирлар ва бошқалар қандай қилиб берсалар, шундай тарзда топширишни талаб этдилар.

Шамсиддин Олтин Обадан ҳожиб ал-хасс билан бир-галикда арзгўйлар жойида тиз чўккан ҳолда туриш талаб этилди. Шу ҳолда ҳожиб атрофга тўпланган одамлар кўз ўнгида олиб келган совғаларини бирма-бир айтиб берди. Улар элчининг ҳукмдорининг ҳурматини жойига қўймадилар, унинг дўстона ва садоқат билан хизмат қилишга интилаётганини эътиборга олмадилар. Улар унга нисбатан муносабатда адаб доирасидан чиқдилар, элчидан расмрусмда белгиланганидан кўпроқ нарса талаб қилдилар. Бунинг устига улар ўртасидаги низомларга барҳам бериш ва дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида ўз ҳукмдорининг ўғли учун Султоннинг (Жалолиддиннинг) қизининг қўлини сўради. Султон тарафдорлари эса бунга рад жавобини беришди.

Шундан кейин ар-Рум ҳукмдорининг элчилари Арзон ар-Рум ҳукмдори билан ўзлари ўртасида пайдо бўлган душманлик ҳақида эслатдилар. Улар Султондан Арзон ар-Румни унинг ҳукмдори қўлидан тортиб олишни ва бу ҳукмдорни унга нисбатан қаҳр-ғазабларини, нафратларини қондириш учун ўзларини қўлларига топширишни илтимос қилдилар. Султон бу таклифдан асабийлашди ва бундай деди: "Бу номини эслатганингиз ва қўлга олмоқчи бўлганингиз одам, гарчи мен билан муносабатни узиб, одоб доирасидан чиқиб, ҳурматсизлик кўрсатган бўлишига қарамай ҳузуримга худди араблар сингари нажот истаб келди. Бундай одамни ҳуқуқларидан жудо қилиш ва уни қонига ташна бўлганлар қўлига топшириш мен учун энг қабиҳ иш бўларди".

Бир гал Шарафулмулк ҳузурига кирганимда унинг ёнида ар-Румнинг элчилари ўтирганини кўрдим. У улар билан қўпол муомала қилиб бундай деди: "Агар Султон менга рухсат берса, сизларнинг мамлакатингизга ўзим қўшин

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортиб бориб, лашкарларимнинг кучи билан уни босиб олган бўлардим". Унинг сўзлари кейин ҳам шу оҳангда давом этди. Улар кетганидан кейин мен вазирдан: "Бундай қўпол муомалангизнинг сабаби нима, ахир уларнинг ҳукмдори ўзининг дўст ва тобе эканлигини билдираяптику! Шу учун изма-из элчиларини юбормоқда", деб сўрадим. У саволимга бундай деб жавоб берди: "Уларнинг менга олиб келган совғаларининг ҳаммаси икки минг динор турмайди!"

Султон Аловуддиннинг элчилари ишни ҳал қилолмай, ҳожасини қаноатлантирадиган жавоб ололмай қайтиб кетдилар. Султон улар ёнига таштдор Жамолиддин Фараж ар-Румийни, амир-шикор Сайфиддин Дорд Обани ва Рукниддин лақаби билан машҳур бўлган хоразмлик фақиҳни ҳамроҳ қилиб жўнатди.[21]

Ҳамроҳлик қилувчилар ар-Рум мамлакатининг ўртасига борганларида Аловуддиннинг элчилари уларга нисбатан тезроқ юриб ҳукмдори олдига эртароқ етишди. Элчилар унга (ҳукмдорига) дўстликнинг асосини мустаҳкамлаш ҳақидаги ташвишлари, битимларини янгилаш, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ёрдамлашиш тўғрисидаги интилишлари — ҳамма-ҳаммаси гўё қиздирилмаган темирга болға уришдек гап бўлганлиги ҳақида маълумот беришди.

Шундан сўнг Аловуддин ал-Малик ал-Ашрафга рағбат билдирди ва унинг ҳузурига Камолиддин Камёсни йўллади. У унга дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик истаб борган одами бу нарсаларни хоҳламаганини, ҳеч бир умидворлик қолдирмай ҳаммасини барбод қилганини хабар этиш учун борди. Ва у (Аловуддин)нинг умидсизланган ҳолда Султонга нисбатан ишончлари барҳам топганлигини билдирди. Аловуддин ал-Маликка бундай деб ёзди: "Жалолиддинни қиличсиз тўхтатиб бўлмайди, унга хушомадгўйлик қилиш бефойда. Эндиликда сўз ва иш бирлигига эришмоғимиз ва шу тариқа мамлакатимизни ҳимоя қилмоғимиз қолди, холос!"

Бу фикрлар ал-Малик ал-Ашраф кўнглидаги гаплар бўлди ва улар ўзаро битимга тайёрлик тўғрисида келишдилар. Султон элчилари эса ар-Рум ҳукмдори Аловуддин ҳузурига Камолиддин Камёс ал-Малик ал-Ашраф ёнига

www.ziyouz.com kutubxonasi

бориб келганидан кейин, икки ҳукмдор ўртасида иттифоқдошликка содиқликлари тасдиқланганидан сўнг етишдилар.[22]

---

[1] *Нусратиддин Хазорасп (1203—1253 йиллар)* — Отабеклар сулоласидан, Луристоннинг иккинчи ҳукмдори.

[2] *Хон Султон* — Самарқанд ҳукмдори Усмоннинг собиқ хотини. Бу ҳақда 18-бобга қаранг.

[3] Халифа ал-Мансурнинг сарой шоири Иброҳим ибн Харманинг (710—780 йиллар) шеъридан олинган. Ан-Насавий бу ўринда Султоннинг ўз синглиси мактубини эътиборсиз қолдирганидан, синглиси айтган имкониятлардан фойдаланмаганидан афсусланади. Келтирилган шеърий парчадан кўриниб турибдики, асар муаллифи Султонга ўз яқинларига эътиборсизлиги учун таъна қилади.

[4] Арзон ар-Румнинг ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Тўғрулшоҳ ибн Қилич Арслон II Жалолиддин Ҳилотни босиб олганидан кейин у томонга ўтди. Унинг мақсади амакиваччаси, Кўниё султони Қайқубоднинг юртини босиб олиш эди. Унинг Қайқубод билан муносабатлари хусусида ал-Хамавий асарида кенгроқ маълумотлар берилган.

[5] Ҳозирги пайтда Нозик кўли Ҳилотдан 20 километр шимолий-ғарбда жойлашган.

[6] Шиҳобиддин Сулаймоншоҳ ҳақида 42, 55-бобларда маълумотлар берилган.

[7] Султон ўшанда Ҳамадон яқинидаги Баҳор қалъасида тўхтаган.

[8] Тарихчи Ибн Биби малик Қоймақар Жалолиддин Ёсси Чаманда мағлуб этилганида 627 йилнинг рамазонининг 28 кунида (1230 йилнинг 10 августида) асир олинган, деб ёзади.

[9] 88-бобда халифа ал-Мустансир томонидан Жалолиддин ҳузурига икки одам — Саъдаддин ибн Ҳасан ал-Ҳожиб ва Фалакиддин ибн Сунқур ат-Тавил элчи қилиб юборилгани ҳақида гап боради. Ибн ал-Фуватий эса элчиларни Шайхул-машойих Абул Баракат Абдураҳмон, Фахриддин Абу толиб Аҳмад ибн ад-Дамғоний, амир Фалакиддин Муҳаммад ибн Сунқур ат-Тавилдан иборат эди, деб ёзади.

[10] *Бадриддин Лўъли ибн Маҳмуд (1233—1259 йиллар)* — Мўсул ҳукмдори. У зангийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори вафотидан кейин Мўсулни босиб олади.

Музаффариддин Абусаид Кўк Бўри ибн Али Кучак (1168—1233 йиллар) Ирбил ва Харраннинг ҳукмдори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Имодиддин Абул Музаффар Паҳлавон ибн Нусратиддин ибн Хазорасп — Лурлар мамлакатининг тоғлик томонининг ҳукмдори.

[11] Муаййидиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абулкарим ал-Қумий халифа ан-Носирнинг ва халифа ал-Мустансирнинг вазири. У 1200 йилдан бошлаб вазирлик қила бошлаган. 1231 йилда вафот этган.

[12] Амид ва Хисн Кайфийнинг ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуд Рукниддин Маудуд ибн Носириддин Маҳмуд (1222—1233 йиллар) эди. У ортуҳийлар сулоласининг Диёрбакрдаги йўлбошчиларига мансуб эди.

[13] Мордин ҳукмдори Носириддин Ортиқ Арслон Мансур (1201—1239 йиллар). У ҳам ортуҳийлар сулоласидан эди.

Иккала ортуҳий ҳам Жалолиддин томонга ўтишдан аввал султон Аловуддин Қайқубод I га сиғиниб борган ва унга содиқликка қасамёд қилган эдилар.

[14] Бу ҳақда 21-бобга қаранг.

[15] Ҳусом ад-Давла Ардашер ибн Аъло ад-Давла (Шарафулмулк) Ҳасан (1172—1206 йиллар) Табористон ва Ғилон ҳукмдори. Бувандийлар сулоласидан.

[16] Айюбий шаҳзода ал-Малик ал-Муизз Мужириддин Ёқуб ибн ал-Малик ал-Одил 1256 йилда вафот этган.

[17] Шамсиддин Жувайний ҳақида 82-бобга қаранг.

[18] Ҳақ (кўплиги ҳуқуқ) — маълум бир ишни бажаришда тўланадиган пул, иш юзасидан бориш ва келиш, ишни бажариш учун сарфланган маблағ учун бериладиган пул. (Ҳозирги хизмат сафари учун тўланадиган пулга тўғри келади.)

[19] Эрксиз, қарам одамлар — айбдорлиги учун ишлаб беришга мажбур қилинадиган одамлар, мажбурий хизмат.

[20] *Дизмар* — Табриз яқинидаги қалъа.

[21] *Амир-шикор* — Султон овчиларининг ва ов ишларининг бошлиғи.

[22] Қўниё султони Аловуддин Қайқубод I Хоразмшоҳнинг хатти-ҳаракатларидан ўз мамлакати учун хавф-хатар туғилиши мумкинлигини ўйлади. Шу учун у билан битим тузишга, бу битим орқали ўз мамлакатини Хоразмшоҳ босқинидан асраб қолишга интилди. Аловуддин элчилари орқали Ҳилот қамалини тўхтатишни талаб қилди. Жалолиддинга мўғуллар билан музокарага киришишни, отаси сингари хатоларга йўл қўймасликни маслаҳат берди.

Бироқ Аловуддин Қайқубод I Хоразмшоҳга таъсир кўрсата олмаслигини ҳам биларди. У бу ишларни вақтдан ютиш ва Жалолиддинга қарши Айюбийлар билан иттифоқ тузишга эришиш учун қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аловуддин Қайқубод I нинг элчиларининг эътиборсиз кутиб олиниши Хоразмшоҳнинг дипломатия соҳасидаги хатоларидан бири ҳисобланарди. Бу хато Султоннинг кейинги фаолиятига таъсирини кўрсатди. Аммо тадқиқотчи Х.Готтшалк Аловуддин ва Жалолиддин ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилар экан, Аловуддиннинг мақсади вақтдан ютиш, бошқалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга уриниш эканлигини тасдиқлайди. Х.Готтшалк бу фикрининг исботи учун бир қанча фикрларни келтиради. Масалан, у Жалолиддиннинг Рукниддин Жаҳоншоҳни қўллаб-қувватлаб, уни Кўниё тахтига ўтказиш нияти бўлганлигини айтади. Бунинг устига Аловуддин билан ал-Малик ал-Ашраф ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими шу даражада тез амалга ошириладики, элчиларнинг Жалолиддиндан қизини бериш ва Рукниддинни ўзларига топшириш ҳақидаги талабномалари ҳам ҳийла эканлиги маълум бўлади. Ан-Насавий бу масалаларни Аловуддин элчиларининг ҳурматсизланиши, Шарафулмулкка совға-саломнинг кам текканлиги кабилар билан боғлайди. Нима бўлмасин, ан-Насавий бир ҳақиқатни эътироф этади: Аловуддин билан Жалолиддин ўртасида ҳамкорлик битими тузилмаганлиги аниқ.

Камолиддин Камёс — Арзинжон қозиси. У 1238 йилда ўлдирилади.

86-БОБ

СУЛТОННИНГ ОЛТИ ЮЗ ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ЙИЛНИНГ ОХИРИДА (1229 ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ — ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА) ҲИЛОТНИ БОСИБ ОЛИШИ БАЁНИ

Ҳилот қамали чўзилгач, қимматчилик кучайди, шаҳар аҳолиси нобуд бўла бошлади. Ажал сояси одамларни бир-биридан узоқлаштириб юборди. Очлар иложсизликдан мушук ва итларни ея бошладилар, динор ҳамда дирҳамларнинг қадри қолмади. Шу сабабли Ҳилотни ким босиб олса унинг устига юк бўлиб тушиши, уни ким эгалласа, бахтсизлик шаробидан тотиб кўриши аниқ эди. Шу учун Исмоил Иваъий тунда ўз тарафдорларидан бир қанчасини девор орқали туширди. Улар Султонга Исмоил Иваъий Озарбойжондан иқто сўраётганини, агар бу иқто берилса, шаҳарни топшириш нияти борлигини хабар қилдилар. Султон унга Салмосни ва Озарбойжоннинг турли жойларидан яна бошқа мулкларни иқто қилиб бериш

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида қасам ичди, буни ўз муҳри билан тасдиқлайдиган бўлди. Элчилар шаҳарга қайтдилар ва иш амалга оширила бошланди[1].

Одамлар бошдан-оёқ қуролландилар. Исмоил тунда деворлардан арқонларни туширди. Бундан пиёда лашкарлар ва байроқлар тепага кўтарилди. Қолган лашкарлар эса ҳужумга тайёргарлик кўрдилар.

Тонг отгач, лашкарлар манжаниқлар тешган деворлардаги раҳналардан ҳужумга ўтдилар. Ҳилотда Қоймур қўшинларининг қолдиқлари қолганди, улар билан шиддатли жанг бошланди.[2] Ҳилотликлар Султон қўшинларини шаҳардан қувиб чиқаришига оз қолди. Шунда улар девор устига ва минораларга ёрдам умидида назар ташладилар. Лекин бу ерни ҳам Султон лашкарлари эгаллаб олганини, Хоразмшоҳ байроқлари хилпираб турганини кўрди. Миноралардага лашкарлар ҳилотликларнинг орқа томонидан ҳужум қилдилар, натижада улар чекина бошладилар. Амирларнинг ҳаммаси асир олинди, улар орасида ал-Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қоймурий ҳам бор эди. Улар шаҳар девори устида Султон лашкарлари билан шиддатли жанглар олиб бордилар. Иззиддин Ойбек ал-Ашрафий ва ал-Малик ал-Одил Абу Бакр ибн Айюбийнинг ўғиллари — Мужириддин ва Тоқиаддин шаҳар аркига кириб ҳимояландилар.[3]

Султон Ҳилотни талон-тарождан асраб қолиш ниятида эди, аммо бунга эриша олмади. Унинг ҳузурига хонлар, асирлар ташриф буюриб, бундай дейишди: "Қамалнинг ҳаддан ошиқ чўзилиши қўшинни кучсизлантирди, лашкарлар отлари ва қўл остидаги юк ташийдиган ҳайвонларидан ажралдилар. Агар сиз уларга талон-тарожга рухсат бермасангиз, кучсизлиги сабабли душманга қарши курашишдан бош тортишлари мумкин. Агар қўшинингиз ҳаракат қилса, бу кучсизлик яққол кўзга ташланиб, уларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади ва оқибатда лашкарларингизнинг амрингизга бўйсуниши қийинлашади".

Улар ўзларининг таъқиқ қилинган нарсаларга нисбатан очкўзликларини ана шундай сўзлар билан ниқоблашга интилардилар. Натижада у талон-тарожга рухсат берди. Улар шаҳарни уч кун таладилар. Бу ярани тирнаб, унга

www.ziyouz.com kutubxonasi

туз сепиш билан тенг эди. Улар шаҳар аҳли яширган нарсаларнинг ҳаммасини — гоҳ ноҳақ йиғимлар тарзида, гоҳ куч ишлатиш йўли билан тортиб олдилар. Агар уларнинг қўлига ҳилотликлардан кимдир тушиб қолса, уни турли усуллар билан азобларди. Одамлар ўртасида Султон шаҳарни босиб олиш пайтида бу ерда ким қолган бўлса ҳаммасини ўлдиришга буйруқ берибди, деган миш-миш тарқалди. Бу ёлғон эди, аммо кўп одамлар ноҳақ берилган жазо туфайли ўлим топди, бошқалари эса очлик туфайли ҳалок бўлдилар.

Мужириддин ва Тоқиаддин арқдан тушдилар, Иззиддин Ойбек учун омонлик сўрадилар. Султон унинг ҳам гуноҳидан ўтди. У ҳам кейинги кун арқдан чиқиб келди. Бироқ Султон унга қўлини ўпишга рухсат бермади. Шу тариқа уни хўрлади ва ўзининг унга нафратини билдирди. Бир неча марта қилинган илтимослардан кейин, унга оёғини ўпишга рухсат этди.

Иззиддин Ойбекнинг тарафдорларидан бири Султонга Мужириддин ва Тоқиаддан ҳам унинг (Ойбекнинг) қўли остида, хизматида бўлганлигини, аммо Султоннинг қўлини ўпишга муяссар бўлганини айтди. Шунда Султон унга бундай деди: "Ҳақиқатан, мамлакат ҳукмдорининг Иззиддинга нисбатан эҳтироми юксаклиги туфайли ўз укалари устидан ҳукмронликни ҳам унга бериб қўйибди. Мен эса уни ҳурмат қилмайман. Шу учун уларга нисбатан муносабатда азалдан мавжуд бўлган тартиботларга риоя қиламиз, яъни ҳар кимга мавқеига қараб марҳамат кўрсатамиз. Бошқаларнинг кимни ҳурмат қилиши эса уларнинг ўзларига ҳавола".[4]

Уларни ҳар куни Султон ҳузурига олиб келишарди, Мужириддин ва Тоқиаддин ўтирар, Иззиддин эса тик турар эди.

Кейин ал-Малик ал-Ашраф Мусонинг асир тушган амир жондори (шахсий соқчиларининг бошлиғи) Аълами ддин Санжар ёнидаги қўриқчилардан бири орқали Султонга шундай хабар етказди: "Эшитишимча, Султон қўшинларини Ҳилот атрофларига, бу ердаги қалъаларни қамал қилиш учун юбораётган экан. Уларнинг аксарияти Беркри, Маназжирд, Бидлим, Ван, Валашжир, Остон ва бошқа жойларга жўнаб кетибди. Бунинг учун ҳеч қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

зарурат йўқ эди... Бу билан Султон ортиқча чиқимдор бўлади, ташвиш кўпаяди, вақтини сарфлайди. Чунки Иззиддин Ойбек билан Ҳилот атрофидаги қамал қилинган жойларнинг волийлари ўртасида махфий белги бор. Агар Иззиддин бу белгини Султонга маълум қилса, Хоразмшоҳ ушбу жойларни ҳеч бир қийинчиликсиз ва азият чекмасдан эгаллаган бўларди. Иззиддин улар билан ҳамон номалар битишиб туради, уларни ҳимояда мардлик ва қатъиятлиликка даъват этади. У волийлар кўз ўнгида Султонни кучсиз деб таърифлайди ва уларни аш-Шомдан қўшинлар ҳимоя учун ёрдамга келади, деб ишонтиради".

Султон унинг хабаридан огоҳ бўлгач Иззиддин Ойбекдан бу махфий белгиларни талаб қилди. Лекин Иззиддин қандайдир махфий белгилар борлигини рад этди. Султон бунга ишонмади ва уни волийларга жойларни лашкарларига сўзсиз топшириш ҳақида нома ёзишга мажбур қилди. Ойбек уларга таслим бўлиш тўғрисида буйруқ юборди, бироқ улар таслим бўлишдан бош тортдилар.

Султоннинг бу жойларни номалар юбориш билан қўлга киритиш умиди йўққа чиқди. Шундан сўнг у уни (Ойбекни) туттириб, кишанбанд қилдирди ва Дизмир қалъасига жўнаттирди. У бу ерда зиндонда Султон лашкарлари ар-Румдан тарқоқ ва заифлашган ҳолда қайтиб келгунча ётди.

Ал-Малик ал-Ашрафнинг элчилари биринг кетидан иккинчиси тинчлик битими таклифи билан кела бошладилар. Шунда Султон Ойбекни зиндонда ўлдиришга буйруқ берди. У бу ишни уни озод қилиш тўғрисида гап бўлмасин, уни кишанлардан ҳалос этиш имкони туғилмасин, у ўлим сиртмоғидан чиқиб кетмасин деган ниятда амалга оширди. Ойбек Султонни очиқдан-очиқ ҳақорат қилгани, Жалолиддинга ва унинг отасига монанд тарзда ўзига Зулқарнайн навбасини танлагани учун Хоразмшоҳ нафратига учради. Буларнинг ҳаммаси учун ундан қасос олди. У қатл қилинди.

Ҳусомиддин ал-Қоймурий асир олиниб, ўзининг шаҳардаги уйига қамалган эди.[5] У кишанбанд қилинмаганди. Ҳусомиддин бир гал соқчилардан уйнинг аёллар жойлашган қисмига ўтишга рухсат сўради. Унга рухсат бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ришди ва у соқчиларни эшик олдида қолдириб, аёллар бўлмасига кирди. Бу орада унинг дўстлари уйнинг орқа деворини бузиб, ташқарига йўл очиб, от тайёрлаб қўйганди. У отга минди ва ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига қочиб, асирликдан халос бўлди. Ҳусомиддин қочганидан кейин ал-Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қоймурий қатл қилинди.

Арзоннинг Диёр Бакрдаги ҳукмдори бўлган Ҳусомиддин Тўғрул эса соқчилар орқали Султондан энг ишончли одамларидан бирини ҳузурига юборишни илтимос қилди[6]. Султон унинг олдига мени юборди. Унинг ҳузурига бориб суҳбатлашдим. У менга бундай деди: "Султон ҳузурига бориб мен учун ерни ўпгин ва номимдан шундай дегин: "Мен бу ерларда мусофирман, шарқдан келганман. Давр тақозосига кўра аждодларим бу мамлакатга келиб қолишган. Аждодларим сингари мен ҳам жон сақлаш умидида бу уруғга, яъни Айюбий ҳукмдорларга яқинлашишга ҳаракат қилганман. Мен улар билан зим-зиё тунларни бирга ўтказганман, аммо машриқдан қуёш нурлари порлаб, омад кулиб боқишини орзиқиб кутганман. Ниҳоят, қуш чиқиб ер юзини ёритди, аммо мен учун маскан, барибир, зим-зиё тун бағри бўлиб қолаверди.[7] Менинг арзанда жияним бор. У ақли ноқис, енгил табиат, бемулоҳаза йигит. Агар у Султоннинг менга эътибор бермаётганини эшитса, уйимни арзимас пулга бўлса ҳам сотиб юборади, деб ўйлайман. Мабодо, Султон менинг мол-мулкларимни ўзиники қилиб олишни ўйлаётган бўлса, унинг учун бошқа нарсаларга нисбатан мана шу уй кўпроқ арзийди. Шу учун Султон бу уйни душманлардан бирортаси ўзиники қилиб олмасдан аввал, ишлар чалкашмасдан бурун ўз одамини юбориб, унга эгалик қилишни топширса, маъқул бўларди. Агар Султоннинг бундай нияти бўлмаса, менинг кўнглимни хотиржам қилиш учун шундай бир ёрлиқ чиқарсинки, унда Хоразмшоҳнинг қадами бу ерларга етиб боргач, Арзон ва унинг атрофидаги ерларга бир ҳукмдор тайин қилсин. Бу ҳукмдор эса қўл остидаги ерларни Султон мулкларига қўшиш мажбуриятини зиммасига олсин".

Мен ундан эшитган бу гапларимни Султонга айтиб берганимдан ва бу сўзларнинг мазмунидан уни огоҳ қилганимдан сўнг у бу ишларни қилишга рози бўлди. Сул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тон уни соқчидан озод қилдирди. У ҳар куни Султон ҳузурига келадиган ва унинг умумий қабул маросимида қатнашадиган бўлди. Қабул маросими пайтида унинг бир томонидан Мужириддин, иккинчи томонида Тоқиаддин тик турарди. Шундан кейин Султон уни бошдан-оёқ кийим-бош билан тақдирлади ва Арзонга қайтариб юборди. Унинг қўлига Арзонга ҳукмдорлик қилувчи ёрлиқ (маншур) берилди. Номини эслатганларимиз Мужириддин ва Тоқиаддиннинг кейинги тақдири ҳақида мавриди билан баён қиламиз.

Султон Ҳилотни эгаллаганидан кейин қўл остидаги барча шаҳарларга фатҳнома юбориш тўғрисида фармойиш берди.[8] Мен фатҳномада Жалолиддин муҳрини (туғросини) унинг отаси — Улуғ султон туғроси каби битиш ҳақида кўрсатма олдим. Унинг отасининг туғроси қуйидагича шаклда битиларди: "Энг улуғ султон, Такишнинг ўғли, Оллоҳнинг ердаги сояси, Амир ал-мўъминин қудратининг яққол намунаси султон Абул Фатҳ Муҳаммад".

Аммо Султон ўзига нисбатан берилган бу туғрони рад қилди, бу хусусда норозилик билдириб шундай деди: "Мен ҳам қўшинларим сонининг кўплиги ва хазинамдаги бойлигимнинг мўллиги жиҳатдан Улуғ Султоннинг катта мамлукларидан бири даражасига етганимда, умуман, катта мавқега эришганимда ёрлиқларга битиладиган муҳримни унинг туғролари сингари ёзишга рухсат этаман. Ҳозирча эса йўқ!" Менинг уятдан тилим танглайимга ёпишиб қолди. Унинг айтган гаплари ҳақ эди. Чунки у отасига насиб этган олий даражанинг ўндан бирига ҳам эриша олмаган эди. У Улуғ султон эришган шон-шуҳрат чўққисининг чанг-тўзонидан ҳам юқорироқ кўтарилмаганди.

---

[1] Ҳилот шаҳри бир ярим йиллик қамалдан кейин 1230 йилнинг 14 апрелида босиб олинади.

[2] *Қоймур* — Ҳилот ва Мўсул орасидаги қалъалардан бири.

[3] Ал-Малик ал-Амжад Тоқиаддин Абул Фадоил ибн ал-Одил 1271 йилда вафот этади.

[4] Султон бу ўринда Иззиддин Ойбекка хизмат мансабидаги одам сифатида қарайди. Унга бу мансабни ал-Малик ал-Ашраф берган. Мужириддин ва Тоқиаддин эса Ойбек қўл остида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги одамлар бўлса ҳам, насли аййубийларга бориб тақалади. Шу учун уларни Ойбекка нисбатан мавқеини улуғроқ деб баҳолайди. Унинг уларга "мавқеига қараб ҳурмат кўрсатиши" сабаби ҳам шундан.

[5] Хусомиддин ал-Қоймурий ал-Ҳасаний ибн Абул Фаворис 1259 йилда вафот этган. Кейинчалик аййубийлар вакили сифатида Халибда ҳукмдорлик қилган.

[6] Арзон ҳукмдори Хусомиддин Тўғрул ал-Малик ал-Ашрафнинг иттифоқдоши эди. У Арзонда ҳукмдорлик қилган Тўғон Арслон авлодларидан.

[7] Бу ўринда номаълум шоирнинг шеъридан икки мисрасининг мазмуни келтирилмоқда. Айни пайтда, Хусомиддиннинг Жалолиддинга ялтоқланиши ҳам бор. Яъни, сен машриқдан қуёш янглиғ келдинг, ҳамма ёққа нур таратдинг, аммо мен сенинг қўлингда банди бўлиб, зим-зиё тун бағрида қолавердим.

[8] Ҳилотнинг қамал қилиниши ва босиб олиниши Жалолиддин ҳаёти ҳамда фаолиятида сўнгги муваффақият бўлиб қолди. Шундан кейин аййубийлар томонидан ташкил этилган иттифоқдошлар қўшини Жалолиддин қўшинига зарба беради, натижада Султон қўшини бошқа ўнглана олмайди.

Жувайний асарида Жалолиддин Ҳилотни босиб олиши муносабати билан ёзилган фатҳнома матни келтирилади. Бу фатҳномада Ҳилот қамали ва унинг босиб олиши вақти 8 ой деб берилади. Яъни 1229 йил августидан 1230 йил апрелига қадар давом этганлиги айтилади. Баъзи манбааларда бу бир ярим йил деб кўрсатилади. Бу ўринда тўғрироғи фатҳномада кўрсатилган вақт деб ҳисоблаш мумкин. Айни пайтда, шаҳар мудофааси учун Диёр Бакр, Евфрат, Миср, Сурия, туркман қабилалари ва яна бир қанча машриқ давлатларидан лашкарлар ёрдамига келганлар. Ҳилот жангида кўплаб лашкарбошилар, амирлар, маликлар, хонлар асир олинган.

Шу билан бирга Ҳилотда ал-Малик ал-Ашрафнинг хотини, Иване Мхаргрдзелининг қизи Тамтаъ ҳам асир олинган. У бир қанча фурсат Хоразмшоҳ Жалолиддинга ҳам хотин бўлган. Жалолиддин мўғуллар томонидан енгилганидан сўнг Тамтаъ улар қўлига асир тушган. Узоқ йиллар давомида у Мўғулистонда асирликда бўлган. Малика Русуданнинг илтимосига мувофиқ у юртига қайтарилган. Мангухон қооннинг буйруғига мувофиқ Ҳилот атрофидаги мулклар, ерлар унга қайтарилиб берилган. Бу ҳақда Киракос Гандзакеци битикларида ҳам маълумотлар берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

87-БОБ

ҲИЛОТ БОСИБ ОЛИНГАНИДАН ВА ТАЛАНГАНИДАН КЕЙИН СУЛТОННИНГ БУ ЕРДАГИ ФАОЛИЯТИ, ШАҲАР АТРОФИДАГИ ЕРЛАРНИНГ ИҚТО ҚИЛИБ БЎЛИБ БЕРИЛИШИ БАЁНИ

Маълумки, Ҳилот Султон томонидан босиб олинганидан кейин, у унинг лашкарлари истагига кўра талон-тарож қилинди. Шундан сўнг Султоннинг кўнглида шаҳарни қайта тиклаш истаги туғилди. У бузилганларни қайта қуриш, тарқаб кетганларни қайта йиғиш иштиёқида ёнар, талон-тарож ва бузишга рухсат берганига афсусланарди. Аммо афсус-надомат ва тавба билан тупроқ остидан мангуликка ўрин олганларни, умри забун бўлганларни ҳаётга қайтариб бўлармиди!

У манжаниқлар билан бузилган деворларни қайта тиклатиш учун хазинасидан тўрт минг динор ажраттирди. Деворлар тез фурсат ичида қайта қурилди. У Ҳилот атрофидаги ерларни хонлар ва амирларга иқто қилиб бўлиб берди. Урхон ўзига Сурмарини иқто қилиб берилишини талаб этди. Султон бунга рози бўлди. Чунки Жалолиддин унинг ҳукмдорларидан бири Шарафиддин Уздарани ёмон кўриб қолганди.

Унинг Уздарани ёмон кўришига сабаб бор эди. У Султон ҳузурида хизмат мажбуриятини ёмон адо этганди. Ҳилот қамали пайтида зиммасидаги ишларни уддалай олмай, уни бажаришдан ўзини олиб қочганди. У қамалнинг дастлабки кунларида иштирок этганди, аммо орадан бир неча кун ўтганидан кейин ўз мулкига қайтишга рухсат сўраганди. Ўшанда унинг мулкига қайтишига норозилик ва ички бир нафрат билан рухсат беришганди.

Уздаранинг амакиваччаси Ҳусомиддин Хидир эса қамал пайтида бошдан-оёқ Султон хизматида бўлди. У ўшанда Аржиш шаҳрига борди.[1] Шаҳарни қамал қилиб, аҳолисини Султонга тобеликка ундади. Аржишликлар Султон Ҳилотни босиб олмасдан бурун унга садоқат билан хизмат қилишга тайёрликларини билдирдилар. Султон қўшинлари ўша оғир пайтларда бу ердан озиқ-овқат борасида ёрдам олдилар. Ҳусомиддиннинг бу хизматларидан Султон миннатдор бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сурмарини Урхонга иқто қилиб бериш тўғрисида ёрлиқ ёзиш вазифаси менга топширилганда Ҳусомиддин Ҳидир туфайли кўнглим алланечук беҳузур бўлди. Чунки сизларнинг орамизда ниҳоятда самимий ҳамкорлик ва чин дўстлик бор эди. Ўша куни мен Урхон номига иқто ёзиш топшириғини бажармасликка ҳаракат қилдим. Девондан қайтганимдан кейин Ҳусомиддин ёнига бориб унга аҳволни тушунтирдим. У менинг бу хабаримдан таҳликага тушиб йиғлаб юборишига оз қолди. "Бу жойларда менинг аждодларимнинг хоки ётибди. Бир пайтлари ташландиқ бўлган бу ерларга аждодларим жон бағишлаган. Энди мен нима қилай?" деди у алам билан. Унга бундай дедим: "Сен Султонга куч-қудратинг етгунча садоқат билан хизмат қилдинг. Ишончим комилки, у сендан хурсанд, сенга ёрдам беришга ҳам тайёр. Агар ўз уйингга ўзинг эгалик қилмоқчи бўлсанг, буни ундан илтимос қилгин, у илтимосингни рад қилмаса керак". У узоқ ўйлади ва бундай деди: "Мен сен айтгандай йўсинда иш тутолмайман, чунки бу мулкка менга нисбатан Шарафиддин Уздаранинг ҳақ-ҳуқуқи кўпроқ. У мени меҳрибон ота, ғамхўр тарбияси сифатида тарбиялади. Аммо шунга қарамай мен бу кеча ўйлаб кўраман ва бир қарорга келаман. Бу қарорим натижасини сенга эртага айтаман!"

Биз шундан кейин хайрлашдик. У эртасига эрталаб ҳузуримга келиб, ўз мақсад ва ниятларини баён қилди. У ёлғончи дунёнинг домига илинганди: мулк учун бошқалар олдидаги мажбуриятларини унутган ва яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариш йўлини тутган эди. Унинг мулкка эгалик қилиш нияти кучли эканлигини англаганимдан кейин бу иш Шарафулмулкни миннатдор қилиш эвазига амалга ошиши мумкинлигини айтдим. У бу ишга тўғри ёндошди ва бу иш қуйидаги ҳолда амалга ошди: Ҳусомиддин Сурмарини эгаллаганидан кейин ушбу иш учун Шарафулмулк хазинасига ўн минг динор барбари жўнатиш учун тилхат ёзиб берди. Шарафулмулк унга ёрдам беришга киришди. Султон ҳузурига у билан бирга мен ҳам бордим. Ишни муваффақиятли ҳал қилдик. Сурмари шаҳри атрофидаги ерлар, қалъалар билан биргаликда Ҳусомиддинга иқто қилиб бериш тўғрисида фармойиш эълон қилинди. Бу борада унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдига битта шарт қўйилди. Шарафиддин Уздара ва унинг ўғли Ҳусомиддин Исони айёрлик билан қўлга тушириш талаб этилди.

У Султон саройидан чиқиб, ўзининг аввал иқто қилиб берилган мулки Қўноқ қалъасига йўл олди.[2]

Шароит шундай бўлдики, бу воқеадан бир неча кун кейин Султон мени Ироққа муҳим масалаларни ҳал қилиш учун юборди. Бу хусусда кейинроқ баён этилади. Мен Ироққа бораётиб уни (Хидирни) Қўноқда учратдим. У мени яхши кутиб олди, отлар, хачирлар, газламалар берди, мамлук ва лочин совға қилди. Кейин у Султон шартига кўра, Шарафиддин Уздара ва унинг ўғлини ушлаш учун уларни фарзандларининг суннат тўйига таклиф қилганини, бироқ улар келмаганлигини айтди. Шундан сўнг у менга бундай деди: "Эндиликда бу ишни ниҳоясига етказиш учун сенинг ёрдаминг керак".

Мен бу ерда Шарафулмулк одамларини ҳам кўрдим. Улар тилхатда кўрсатилган миқдордаги пулни талаб қилиб келгандилар. Ҳусомиддин уларга ваъда қилган пулни берди. Аслида бу пулни Ҳусомиддин Сурмаринни эгаллаганидан кейин бериши шартлашилганди. Лекин бу пул йиғувчилар ҳурмат-иззатни биладиган, шароит билан ҳисоблашадиган даражадаги виждонли одамлар эмас эди.

Мен Шарафиддин Уздара ва унинг ўғли ҳузурига одамларимдан бир нечтасини юбориб, бундай дейишни буюрдим: "Сизлар ҳақингизда Султоннинг фикри ўзгарди. Чунки сизлар унга ёрдам бермай қўйдингизлар ва хизматини адо қилмаётибсизлар. Шу сабабли аҳволни яхшилаш, Султоннинг сизларга муносабатини ўзгартириш, камчиликларни бартараф этиш борасида амир Ҳусомиддин Хидир билан маслаҳатлашдим. Шунинг учун иккаланглиз ҳам унинг ҳузурига келинглар, ундан мен айтган маслаҳатни эшитинглар, Султон ишончини қозониш мақсадида у билан биргаликда ҳаракат қилинглар".

Шундан сўнг мен Ироққа кетдим. Улар мен йўллаган номани олгач Хидирнинг ҳузурига келибди. У эса ота-болани ҳибсга олдирибди ва шу тариқа Сурмарини эгаллабди. Бу ҳақдаги хабар Табризда пайтимда етиб борди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] *Аржиш* — Туркиядаги шаҳар, Ван кўлининг шимолий қирғоғида жойлашган.

[2] *Кўноқ* — Сурмарининг жанубий-шарқ қисмидаги қалъа. Туркиянинг ҳозирги Қора қалъа харобаларининг ўрнида бўлган.

88-БОБ

ҲИЛОТ БОСИБ ОЛИНГАНИДАН КЕЙИН ОЛИЙ ДЕВОНДАН ЭЛЧИЛАР КЕЛГАНИ БАЁНИ

Султон Олий девон (халифалик)нинг элчилари Фалакиддин ва Саъдаддин олиб келган фахрий кийим-бошларни кийиб кўрганидан кейин, ўз навбатида, улар ёнига иккита элчисини қўшиб, халифаликка жўнатди. Бу ҳамроҳ элчилар амир-охур Нажмиддин Ўдоқ ва Жамолиддин Али ал-Ироқий эди. Улар Олий девонга бориб, юборилган совға-саломлар, фахрий кийим-бошлар учун Султон номидан миннатдорлик билдиришлари керак эди. Айни пайтда, Султон ҳам халифаликка улар орқали тотор отларини совға қилиб юборди. Бу отлар, Султон назарида, ҳар қандай бойлик ва совғалардан қадрлироқ ҳисобланарди.

Боғдоддан қайтишда бу элчиларга Олий девондан Муҳйиддин ибн ал-Жавзий ва Саъдаддин ибн ал-Ҳасан ал-Ҳожиб ҳамроҳлик қилдилар.[1] Улар йўлда келаётганда икки гуруҳга ажралишлари буюрилганди. Султон элчилари Озарбойжон орқали йўлдан Жалолиддин ҳузурига қайтиб келишлари, халифаликнинг элчилари эса Харронга ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига боришлари мўлжалланганди. Элчилар буюрилгандай иш тутишди.

Олий девон элчилари Султон Ҳилотни босиб олганидан кейин ташриф буюрдилар. Бу пайтда шаҳарда ғамлаб қўйилган ҳеч нарса йўқ эди, гўё ҳамма нарсани ялмоғиз ямлаб кетгандай шип-шийдам эди. Элчилар учун ейишга ҳам озиқ-овқатлар етарли эмасди. Ана шу қийинчилик сабабли биз Султонга маслаҳат солдик. Меҳмондўстлик мажбуриятларини ҳам амалга оширолмаслигимизни тан олдим. Султон шу сабабли бундай деди: "Биз уларнинг ишларини етти кунда ҳал қиламиз ва шундан кейин уйларига қайтариб юборамиз. Шу учун уларни қабул қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган пайтимизда сахийлик кўрсатинглар ва хазинамиздан олтинларни аямангларʼʼ. Элчиларнинг бу ерда бўладиган пайтига сарфланадиган маблағ тахминан икки минг динор атрофида белгиланди. Султон эса уларга икки ярим минг динордан маблағ беришни буюрди. Бу динорларни элчиларга мен ва Султоннинг Ироқдаги ноиби Мухтасиддин ибн Шарафиддин олиб бориб бердик.

Султон уларнинг ишини етти кундан ҳам олдинроқ ҳал қилиб берди. Икки элчи ҳам Султон билан ал-Малик ал-Одил Абу Бакр ибн Айюбнинг ўғиллари — Мужириддин ва Тоқиаддин тақдири ҳақида маслаҳатлашдилар. Элчилар Мужириддин ва Тоқиаддинни ўзлари билан ҳамроҳ қилиб Боғдодга олиб кетиш таклифини айтдилар. Султон улар илтимос қилган талабларнинг ҳаммасига рад жавобини беришни ўнғайсиз деб ҳисоблади ва улар билан Тоқиаддинни бирга қўшиб жўнатишни лозим топди.[2] Жалолиддин улар билан хайрлашганидан кейин Маназжирд томонга от сурди. У бу шаҳарни қамал қилишни Шарафулмулкка ва Ироқ ҳамда Мозандорон қўшинларига буюрган эди.

---

[1] Муҳйиддин Абу Муҳаммад Юсуф ибн ал-Фараж Абдураҳмон ибн Али ал-Жавзий (1184—1258 йиллар. Мўғуллар томонидан ўлдирилган). Халифа ал-Мустасимнинг саройида устоздорлик қилган (1242—1258 йиллар). Боғдод мухтасиби бўлган. Ал-Мустансирия мадрасасида фақиҳлик қилган.

[2] Тоқиаддин Боғдодга кишанлаб юборилган. Халифа уни эҳтиром билан кутиб олган. У Боғдодда Хоразмшоҳнинг мағлуб бўлгунича қолган. Мужириддин эса Хоразмшоҳ билан ниҳоятда яқин бўлган ва у акалари ҳузурига 1231 йилда жўнатилган.

89-БОБ

СУЛТОННИНГ АР-РУМГА ЮРИШИ ВА БУ ЕРГА ЁЗДА ЕТИБ КЕЛИШИ БАЁНИ. УНИНГ ҚЎШИНИНИНГ АШ-ШОМ ВА АР-РУМ ҚЎШИНЛАРИДАН МАҒЛУБ БЎЛИШИ

Султон Ҳилотни босиб олганидан сўнг Маназжирдга йўл олди ва уни қамал қилишга тайёргарлик кўрди[1]. Шу пайт унинг ҳузурига Арзон ар-Румнинг ҳукмдори Рук-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лдин Жаҳоншоҳ ибн Тўғрул иккинчи бор ташриф буюрди. У Султонга аш-Шом ва ар-Рум ҳукмдорларининг унга қарши иттифоқ тузганлигини маълум қилди ҳамда шундай деди: "Бизлар уларга қарши юришни улар тўпланунга қадар бошласак, ақллироқ иш қилган бўламиз. Шундай қилсак ишончлироқ ҳам бўлади. Уларнинг ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида ҳужум қилсак, яъни улар бирбиридан узоқда пайтда, ҳали тайёргарлик вақтида бостириб борсак, ғалаба қўлга осонгина киради. Бу уларнинг мақсадини, биргаликда ҳаракат қилиш ниятини амалга оширишга имкон бермайди".

Султон унинг фикрини қўллаб-қувватлади ва унинг ўзига содиқ эканлигига ҳам ишонч ҳосил қилди. Келишувга мувофиқ Рукниддин тезлик билан Арзон ар-Румга қайтиб кетадиган ва юришга тайёргарлик кўрадиган, Султон эса унинг кетидан беш кундан сўнг етиб борадиган бўлди. Шундан кейин улар қўшинлари билан Хартберд қасабасига бориб тўхтайдиган бўлиб, ва аш-Шом ҳамда ар-Рум қўшинларини кутиб туришга келишдилар. Бу ердан туриб душманларнинг биринчи етиб келган қўшинига зарба берадиган, уларнинг қўшилишига имкон қолдирмайдиган бўлдилар.

Бундай қарор қабул қилинганидан кейин Султон мени ҳузурига чақириб шундай деди: "Мен биродарим Рукниддин номига Хартберд вилоятининг Каъбан ва Харсин (Харишин) қасабаларини бериш тўғрисида ёрлиқ ёзгин!"[2] Мен ёрлиқни ёзиб Султонга узатдим. У унга муҳрини қўйди. Рукниддин ўрнидан туриб Султон қўлини ўпди ва тезлик билан хайрлашиб йўлга равона бўлди.

Султон ўз човушлари ва паҳлавонлари орқали қўшинлар амирларига қизил ўқларни юборди. Бу уларга юриш бошлаши ва тўпланиши учун Султон томонидан берилган буйруқ белгиси эди. Кейин у Хартбердга томон йўл олди ва бу ерда туриб қўшини йиғилишини кута бошлади. Хартбердда у оғир касалга чалинди ва тўшакка михланиб қолди. Унинг соғайиб кетишига умид қолмади. Амирлар ва хонлар ҳар куни эрталаб раият юзасидан унинг эшиги олдида тўпланишарди. Агар бирор кор-ҳол юз бергудек бўлса, улар мамлакатнинг турли жойларига тарқаб кетишга тайёр эдилар. Чунки Султон ўлими ҳақидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

хабар эълон қилингудек бўлса, улар мамлакатнинг бирор томонига йўл олиб, уни эгаллашга, ҳукмдорлик қилишга интилишлари аниқ эди.

Арзон ар-Румнинг ҳукмдори Рукниддин номидан эса кетма-кет мактуб келарди. У мактубларида Султонни йўлга чиқишга ундар, душманнинг иккала қўшини ҳам қўшилиш мақсадида юриш бошлаганидан огоҳ этарди. Аммо Султон бу мактубларни ўқишга ҳам, унинг мазмуни билан танишишга ҳам мадори йўқ эди. У сал соғайганидан кейин, душман қўшинлари ўзаро қўшилганидан сўнг йўлга тушди. Лекин аввал бўлганидек, бу гал ҳам душманга қарши зарур тадбирларни амалга оширмади.[3] Зотан, қуйидаги гапни ким айтган бўлса ҳам топиб айтган:

Омад кулиб боқдими, демак, барча тарафдан
зафарлар шабадаси елади тинмай.
Омад юз ўгирса энг осон иш ҳам
ранжу риёзатдек туюлар оғир.

Султон Шарафулмулкни ўз ва Ироқ қўшини билан биргаликда Маназжирдда қолдирди, Хой иқтосининг эгаси Тегинни Беркрига қўшини билан жўнатди. Бунгача у Аррон, Озарбойжон, Ироқ, Мозандорон қўшинларидан айримларига мамлакатларига қайтиб кетишга рухсат берганди. Кейин ҳам уларни эътиборсизлик қилиб, ўз сафига чақирмади. У қисқа йўллардан тезлик билан олға юрди. Қўшиннинг илғори сифатида Утурхонни икки минг лашкар билан олдинга юборди.

Утурхон Ясси Чаманда Арзинжон ва Хартберд қўшинлари билан тўқнашди.

Кутиб олди ул қаҳр ила беаёв тиғдор,
Қув оқарди юзлар гўё оппоқ туз мисол,
Заҳар шимган найзаларга кўкраклар нишон,
Жанг бошланди, жангки қонли ҳамда беомон.

Румликлар мағлуб бўлиб қочдилар ва қочганларнинг ҳаммаси қиличдан ўтказилди.[4]

Мен ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин Фози ибн ал-Малик ал-Одилдан қуйидаги сўзларни эшитдим: "Султон Аловуддин Қайқубод ҳузурида тўпланганимизда у

www.ziyouz.com kutubxonasi

изларга бундай деди: "Мен жўнатган қўшин душман
илан тўқнашганда мағлуб бўладиганлардан эмас. Чунки
ар менинг одамларим, менинг қаҳрамонларим ва сара-
анган қўшиним. Улар менинг таянчим ҳисобланади. Улар
ашриқнинг атанган лашкарлари, улар ҳали ғолиб бўлиб
айтадилар!"

Аммо унга қўшинларининг мағлуб бўлгани ҳақидаги
охуш хабар етиб келди. Шунда у ўзини йўқотиб қўйди,
ндаги вазминликдан асар ҳам қолмади. Бизлар уни таш-
вишли ва ғамгин ҳолатда кўрдик. Қўлидан мадор кетди,
руҳан кучсизланди. У орқага қайтишга қарор қилди. Унинг
иммасига орқада қолган тоғ йўлларини ҳимоя қилиш
азифаси юкланган эди. Биз уни изтироблардан халос
этишга, иродасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик. Ле-
кин унинг кўнгли безовта эди. Бизлар унинг ҳузуридан
жангга тайёргарлик кўриш мақсадида тарқалдик. У эса
жанг тез орада бошланиши ҳақида ўйламас ҳам эди. Би-
роқ эртасига бизни тонг қолдирган нарса унинг (Жало-
лиддиннинг) қўшинининг бетўхтов қилган ҳужуми бўлди.
Биз тўсатдан қилинган ҳужум олдида ғафлатда қолдик.
Унинг қўшини эса етиб келиб ўз жойини эгаллай бошла-
ди. Агар улар келиши билан бирдан ҳужум қилганларида
борми, аҳволимиз тузалмайдиган касалнинг ҳолидан ҳам
баттар бўларди, уларга қарши туришимиз қийин кечар-
ди. Барчамизни мусибат қамраб олган бўларди. Аммо бун-
дай бўлмади, бизлар ҳам отларимизга миниб қўшинлари-
мизни сафладик".[5]

Шундай қилиб иккала қўшин тўқнашди, Султон қўши-
нининг ўнг қаноти душман қўшинининг чап қанотини
мағлуб этди ва жанг майдонида муҳим аҳамиятга эга
бўлган тепаликни босиб олди. Душман чекинаётган чап
қанотига ёрдам учун лашкарлар юборди. Натижада улар
Султон қўшинининг ўнг қанотини тепаликдан қувиб,
водий томонга суриб ташлади. Улар ҳужумни давом эт-
тирдилар, Султон лашкарлари бунга чидаш бера олмай
қоча бошладилар. Уларнинг бу қочиши чавандозлар то-
монидан қўрқитилган, бўриларнинг ўткир тишларига
нишон бўлган кийиклар тўдасининг қочиши сингари эди.
Қуваётганлар Султон қўшинининг қочишининг ҳақиқий-
лигига ишонмадилар. Улар бу аввалдан ўйланган айёр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, деб ўйладилар. Бироқ Султон мағлубияти аниқ бўлди, асирлар ҳам пайдо бўлди. Мағлубиятдан кейин ўлжалар ҳам оқиб кела бошлади. Қўшин қочаётганларни таъқиб этди. Найзалар қочаётганлар баданларига аёвсиз санчилар, қиличлар қонга бўлган ташналигини қондирарди, атроф, бирор марта туғлар илинмаган, оёқлар ва туёқлар етиб бормаган жойлар ҳам ўликлар билан тўлди.

Бу аҳвол қуёш уфққа бош қўйиб, унинг ўрнини ой эгаллаганига қадар давом этди.[6] Лашкарлардан кўпчилиги ҳийла домига илиндилар, улар туркий ва арабий отларнинг беадад чопишлари, тўқнашувларидан, жанг тўзонларидан ҳолсизландилар. Улуғхон, Атлас Малик сингари таниқли лашкарбошилар асир олиндилар. Ар-Рум ҳукмдори Аловуддин буйруғига кўра уларнинг бошлари таналаридан жудо қилинди.

Арзон ар-Румнинг ҳукмдори ҳам душман ўрамидан қолиб асирга тушди. У мардларча олишди. Аловуддин уни кишанбанд қилишни ва хачирга миндириб олиб келишни буюрди. У вақт отлиғ ҳакам туфайли қисматнинг аччиқ шаробидан сипқоришга мажбур бўлди, тақдир бошига нени солса, шуни кўрди. У ноҳақ ўлдирилди ва Оллоҳ марҳаматига сазовор бўлган ҳолда дафн этилди.

Ҳа, бу замон ана шундай: унинг бизга ҳадя этадиган бахтсизликларидан ҳайратга тушиб ҳам, мусибатларини бартараф этиб ҳам бўлмайди. Аслида бу бизга берилган бир совғадир. Бу совға бизга бир шарт, қайтиб олиш шарти билан берилган. Яъни, унга эга бўлишнинг ўзи ундан маҳрум бўлиш билан омухталашгандир. Чунки инсонга бирор нарса, у қайтиб олинмас экан, берилмайди. Инсон ҳам бирор нарсани бузилмасдан аввал қуриши керак бўлади. Шу сабабли фаросатли, ақлли одам ўз бошига тушадиган ташвишни ўзига берилган муддатнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб яққол англайди. Яъни, у бирор бойликка эга бўлган пайтдаёқ уни йўқотишини ҳам теран ҳис қилади.

---

[1] *Манажжирд* — Туркияда жойлашган. Ҳозирги номи Малазгирдт. Бу ерда 1071 йилда салжуқ султони Алп Арслон Византия императори Роман Диогенни мағлуб этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каъбан — Туркияда жойлашган. Хартберддан ғарб томонда. 100 километр узоқликда жойлашган.

[3] Ҳилотнинг босиб олиниши султон Жалолиддиннинг шу ерга яқин вилоятлар ҳукмдорлари ўртасида сиёсий мавқеини кучайтирмади, аксинча у бу ердаги гирдоб бағрига чуқурроқ чўкди ва воқеаларга ўралашиб қолди. Жалолиддин билан тинчлик, ҳамкорлик борасида музокаралари муваффақиятсиз якунлангач, Қўниё султони Аловуддин Қайқубод I айюбий султонлар билан иттифоқ тузишга киришади. Бунда унга амакиваччаси Рукниддин Жаҳоншоҳнинг сотқинлик қилиб Хоразмшоҳ томонга ўтиб кетиши оғир таъсир қилади. Тарихчи Ибн Восил Рукниддиннинг хоинлиги Қайқубод I нинг Хоразмшоҳга нисбатан муносабатини ўзгартиришга кучли таъсир кўрсатди, деб ёзади.

Рукниддин Хоразмшоҳга унга қарши тузилган иттифоқ тўғрисида маълумот берар экан, душманларнинг ўзаро қўшилишига қаршилик кўрсатиш хусусида маслаҳат солади. Уларнинг ҳар қайсисига қарши алоҳида юриш бошлаш зарурлигини айтади. Аммо Хоразмшоҳнинг касаллиги бу режани амалга оширишга ҳалақит қилади. Вақт эса бой берилади. Иттифоқдошлар қўшинлари Сивосда тўпланишиб Арзинжон томонга қараб юрадилар. Шарқ томондан худди шу йўлдан Жалолиддин қўшинлари уларга қарши бордилар.

[4] Ясси Чаман тоғи этагидаги (Арзинжон яқинида) жанг 627 йилнинг рамазонининг 25 кунида (1230 йил 7 августида) бўлиб ўтади. Жанг тафсилотлари Ибн Биби, Сибт ибн ал-Жавзий асарларида ҳам берилган.

[5] Хоразмшоҳ мағлуб бўлган душманни таъқиб қилмади. Ясси Чамандаги жангдан кейин Жалолиддиннинг бамайлихотир ҳаракат қилиши иттифоқдошлар қўшинини мағлубиятдан асраб қолди.

[6] Жалолиддин ва иттифоқдошлар қўшинлари ўртасидаги асосий жанг 627 йил рамазоннининг 28 кунида (1230 йил, 10 августида) бўлиб ўтди. Хоразмшоҳ қўшинлари тор-мор этилди ва бўлиб ташланди. Жалолиддин қўшинини ташлаб Ҳилотга қараб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай у қўшинининг қолган-кутганини олиб Озарбойжон томонга қараб йўл олди.

Жангда Жалолиддин қўшинига қарши Аловуддин Қайқубод I ва ал-Малик ал-Ашраф қўшинларидан ташқари Ҳимса ҳукмдори ал-Мансур Иброҳим Ширкуҳ (1246 йилда вафот этган), Ҳартабирт ҳукмдори Нуриддин Уртуқшоҳ, Халаб ҳукмдори Шамсиддин Савоб (1243 йилда вафот этган), Майафориқин султони ал-Музаффар Шиҳобиддин Ғозий (1247 йилда вафот этган), Банйас султони ал-Азиз Усмон (1232 йил вафот этган) лашкарлари ҳам курашганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жалолиддиннинг жангдаги мағлубияти ҳақида Ибн ал-Асир, ибн Биби, Сибт ибн ал-Жавзий, ибн Восил, ал-Макризий, Рашидиддин, Абул Фидо сингари тарихчилар асарларида батафсил маълумотлар берилган.

90-БОБ

АЛ-МАЛИК АЛ-АШРАФНИНГ ҲИЛОТГА САФАРИ. УНИНГ СУЛТОНГА ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ТЎҒРИСИДА НОМА ЙЎЛЛАШИ БАЁНИ

Шундан кейин ал-Малик ал-Ашраф Аловуддин билан хайрлашди, уни бу ерда қолдириб қўшинининг бир қисмини олиб Ҳилот сари йўл олди. Султон эса жанг майдонидан кетганидан кейин аввал Маназжирдга келди. Бу ерда Шарафулмулк билан учрашди. У Маназжирдни қамал қилиб бир неча манжаниқлар ўрнатган эди. Лекин шаҳар аҳли қутилмаган қувончли воқеадан хабардор бўлишди, Султон Шарафулмулкни қўшинлари билан бирга Ҳилотга олиб кетди.

Улар бу ерга келганларидан кейин Султон олиб кетиш мумкин бўлган бойликларнинг ҳаммасини олдирди. Юк ташийдиган ҳайвонлар етишмаслиги сабабли қолган бойликларни оловга ташлаттирди. Шаҳарда қолиб бўлмасди, вақт оз қолганди. У Ҳилотни тарк этиб Озарбойжонга йўл олди.

Султон Суқмонободга етгач, Шарафулмулкни қўл остидаги лашкарлари ва ироқликлар билан бирга қўшиннинг илғори сифатида шу ерда қолдирди. Булар Султон билан уни таъқиб этаётганлар ўртасида тўсиқ бўлиши лозим эди. Жалолиддиннинг ўзи Хойда тўхтади.

Бир пайтлари содиқ ва ишончли ҳисобланган хонлар, таниқли аъёнлардан бирортаси на ўзаро ҳамкорлик қилдилар, на улар биргалашиб Султон қанотига кирдилар. Аксинча, улар йўлларда оғирлик қилган нарсаларини ҳам ташлаб қочдилар, қўрқув ва жон талвасасида Муқонга бордилар. Улар ҳатто ўз Султонини ҳам йўлдаги ҳар бир муттаҳам ва оч қолган қароқчи учун ўлжа сифатида ташлаб кетдилар.

Ал-Малик ал-Ашраф Шарафулмулкнинг Суқмонободда эканлигидан хабар топгач, нома йўллаб, унга нисба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган алоҳида илтифотли муносабатда бўлди. У номасида бундай деб ёзди: "Ҳақиқатан, сенинг Султонинг исломнинг ва мусулмонларнинг султонидир. Уларнинг асосий таянчи ҳисобланади. У мусулмонлар ва тоторлар ўртасидаги тўсиқ ҳамда девордир. Бизга сир эмаски, унинг отасининг ўлими туфайли исломнинг қудратига ҳамда мусулмонларнинг бирлигига зарар етди. Биз унинг кучсизлиги исломнинг кучсизлиги эканлигини, унга етказилган зарар барча одамларга етказилган зарар бўлиб чиққанлигини ҳам биламиз. Сен эса даврнинг барча синовларини бошдан кечиргансан, унда нима фойдали, нима зарарли эканлигини биласан, унинг қувончларидан ҳам, аламларидан ҳам баҳраманд бўлгансан. Наҳотки, сен унинг кўнглида "интилишларимизни бирлаштирайлик, бу энг тўғри йўл ва энг тўғри сўздир", деган истакни уйғота олмасанг?" "Ва сен нима учун уни ҳамкорликка даъват этмайсан, ахир бу Оллоҳга яқинлашиш йўлида аввалида ҳам, охирида ҳам фойдали ишлардан эмасми?"*

Мана, мен Султон ҳузурига Аловуддин Қайқубод ва акам ал-Малик ал-Комил номидан юборилган вакилман. Мен унга қандай ёрдам берсак, уни қай даражада қўллаб-қувватласак қаноатлантира олишимизни билмоқчиман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг кўнглидан ёмон ниятларни чиқариб ташлашга эришмоғимиз зарур. Нифоқ келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, кўнгилларни низолардан тозалаш учун ҳам узоқда бўлсин, хоҳ яқинда бўлсин ҳар қандай ишни қилишга тайёрман".

Шундан кейин ҳам у илтифот кўрсатишда давом этди. Ҳа, Оллоҳ унинг ризқини мўл қилсин. Яхшилик шароби туфайли кўнгли қувончга тўлсин, унинг қарахтлигидан ҳиммати янада ошсин, у дилдан олижаноблик байроқдори бўлиб қолсин! Унинг номасидаги сўзлар Султонга маъқул бўлди. Орада тинчлик, ҳамкорлик сулҳи тузилгунча элчилар алмашишда давом этдилар.

Ал-Малик ал-ашраф томонидан Султон ҳузурига тинчлик ҳақидаги битимни якунига етказиш мақсадида сўнгги элчи сифатида аш-Шом ат-Тикритий келди.[1]

Айни шу пайтда мен ҳам Ҳилотдан қайтиб келдим. Бу ерга баъзи масъулиятли ишларни бажариш учун боргандим, бу хусусда мавриди келганда тўхталиб ўтаман. Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

ат-Тикритийни Табризда учратдим. У бу пайтда Султоннинг ал-Малик ал-Ашраф билан ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги қасамини олган эди. Бу қасам билан бирга Ҳилот ва унинг атрофидаги ерлар ҳақидаги баҳслар ҳам ўз якунини топганди. Бироқ Султон Аловуддин Қайқубод билан ҳамкорлик қилиш борасида қасам ичишдан бош тортди. Шу сабабли ат-Тикритийнинг қайтиб кетиши орқага сурилди. Орадан бир ой ўтди, лекин Султон ўзининг рад жавобида қаттиқ туриб олди. У бу ҳақда шундай деди: "Мен сизга ўзингиз хоҳлаганингиз бўйича қасамёд қилдим. Эндиликда мен билан ар-Рум ҳукмдори орамизда турманг". Ат-Тикритий яна бир марта Қайқубоднинг номига қасам ичишини илтимос қилди, лекин Султон қасам ичмади. Бу ҳол тоторлар Ироққа етиб келгани ҳақидаги маълумот келгунча давом этди. Шундан кейин Султон ар-Рум ҳукмдори номига қасам ичди ва унинг мамлакатига ҳужум қилмаслик шартини қабул қилди. Султон ал-Малик ал-Ашраф номига қасам қабул қилганда Ҳилот ва унинг атрофидаги ерларни унга қайтариб беришга кўнганида Сурмарини ўз қўлида олиб қолишга интилди. Чунки бу шаҳар қадим-қадимдан Озарбойжоннинг қасабаларидан бири ҳисобланарди.

Ат-Тикритий Сурмарини қайтариб бериш тўғрисида қатъий туриб олди. Негаки унинг ҳукмдори ал-Малик ал-Ашрафга бўйсунарди. Ҳукмдор буни Шарафулмулкнинг солиқларидан қутилиш, унинг ўз билганча иш тутишларидан ҳимояланиши учун шундай қиларди.

Султон битта шарт билан бунга кўнди, яъни у Сурмарини ал-Малик ал-Ашрафга бериш тўғрисида ўзи фармон чиқарадиган бўлди. Ат-Тикритий ҳам бунга розилик билдирди. Фармонни унинг қўлига тутқазишганда у Султон ҳузурида ер ўпди.

---

[1] Элчининг тўлиқ исми Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Карим ат-Тикритий. У 1240 йилда ўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

91-БОБ

ИРОҚҚА ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН БОРИШИМ БАЁНИ

Менга бир қанча топшириқлар юкланган эди. Шулардан биринчиси қуйидагича эди: Аламут ҳукмдори Аловуддиннинг Фалакиддан лақабли элчиси Ҳилот босиб олинганидан кейин Султон саройига ташриф буюрди. Элчи ўзи билан бирга улар учун белгиланган ўлпоннинг бир қисмини, йигирма минг динорни олиб келганди. Аслида улар йилига ўттиз минг динор беришлари талаб этиларди ва улар зиммасида икки йиллик қарз бор эди. Улар юқорида айтганим миқдордаги пулни олиб келган, қолганини бермаслик учун ўзларини оқлаб, бир қанча сабабларни рўкач қилишганди.

Шу сабабли мен улар юртига бориб, қолган пулларни талаб қилишим ва уларнинг баъзи хатти-ҳаракатлари учун огоҳлантиришим керак эди.

Берилган топшириқлардан яна бири бундай эди: маълумки, Султон Олий девон олдида ал-Жибал ҳукмдори Имодиддин Паҳлавон ибн Хазорасп ва Иваъийя йўлбошчиси Шиҳобиддин Сулаймоншоҳни халифаликка бўйсунувчи ҳукмдорлар сифатида тан олган, уларга ҳукмфармолик қилмаслик, улардан ёрдам сўрамаслик ҳақида сўз берганди. Кейинчалик у ўзининг бу ишидан афсуслана бошлади. Негаки, Ироқ ноиби Шарафиддин Олий девоннинг бу икки ҳукмдорни ўзиники қилиб олиш ҳақидаги илтимосини қондириш борасида Султонга берилган маслаҳатни нотўғри деб ҳисоблади. Бунда асосий маслаҳатчи Шарафулмулк бўлган эди. У (ноиб) Султонга агар бу икки ҳукмдор унга бўйсунмайдиган бўлса, унинг Ироқ устидан ҳукмдорликни сақлаб қолиши қийин кечишини уқтирди. Шундан кейин Султон уларни аввалгидек ўзига бўйсундириб, хизматига қайтариш истагини билдирди. Аммо у халифаликка бу ҳақда нома йўллашдан олдин бу ҳукмдорларнинг фикрларини, ўзига бўйсунадими ёки йўқми эканлигини билмоқчи бўлди.

Султон уларнинг кимга бўйсунишини исташини яхши билмагани сабабли булар билан ҳам мактуб ёзишиш йўли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни маъқул топмади. Шу сабабли Исфахонга одам жўнатишга қарор қилди. Бу юборилган одамга улар ҳам ишониши, у билан ўз номаларидан бемалол музокара олиб боришлари керак эди. Бу одам эса уларнинг Султонга нисбатан муносабатини аниқлаши зарур эди.

Бу ишни бажариш масъулияти менинг зиммамга тушди. Мен Ироққа жўнадим. Султон менга дастлаб Исфахонга боришни ва у ерда Ироқ ноиби билан учрашишни буюрди. Шу ерда туриб иккала ҳукмдорга мактублар ёзишим керак эди. Агар улар иккаласи ҳам айбларини бўйнига олган ҳолда Султон хизматига қайтиш истагини билдирсалар, шундан кейин улардан, Ёзд ҳукмдори, Ироқ ноибидан ҳарбий ёрдам олган ҳолда Қазвин томон юришим талаб этиларди. Сўнг мен Аламутга боришим, Аловуддиндан Султон номини хутбага қўшиб ўқитишни талаб қилишим ҳамда товон пулининг қолган қисмини олишим керак эди. Агар у товон пулини тўлашдан бош тортадиган бўлса, унинг вилоятига қўшин кириши, бу юртни талаб, мулкларга ўт қўйиб, қон тўкиб, мамлакатни босиб олиши мўлжалланганди.

Мен Аламут сафарига шу тариқа ўзим истамаган ҳолда йўл олдим. Қазвинга борганимда Ироқ ноиби Шарафиддиннинг ҳожибларидан бири кутиб олди. Унинг қўлида Шарафиддиннинг мамлакатнинг барча вилоятлари ноибларига йўллаган мактуби бор эди. Ҳожиб жойларда мени иззат-ҳурмат ва меҳмондорчилик билан кутиб олиш ишларини ташкил қилди. Жойлардага ноиблар унинг буйруқларини сўзсиз бажардилар ва улар ҳатто меҳмондорчиликда сахийликни ошириб ҳам юбордилар. Уларнинг бош ноиби Шарафиддин эса бу борада ўз даврининг барча аъёнлари ва таниқли садрларидан ҳам ошиб тушди.

Мен Исфахонга бир қўним йўл қолганда, Син қишлоғида эканимда унинг бир қанча ҳожиблари ҳузуримга келиб, тўхтаб туришимни маслаҳат беришди. Негаки, Исфахон аҳолиси мен билан учрашувга тайёрланиб улгурмаган экан. Аммо мен улар айтгандай қилмадим, отимга миниб, уни чоптириб шаҳар томон йўл олдим. Шундан сўнг уларнинг одамларидан бири келиб отимнинг юганидан тутиб тўхтатди ва мени тезроқ юришга ундади. Мени шаҳар қозиси, раислар, амирлар, садрлар ва кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

инг сонли оломон билан биргаликда Шарафиддинни кутиб олишга шоширди.

Мен шаҳарга олти юз йигирма еттинчи йил рамазонининг 28 кунида (1230 йилнинг 10 августида) келдим ва бу ерда ал-Жибал ҳамда ал-Иваъиййа ҳукмдорлари ҳузурига юборилган чопарлар қайтиб келгунча турдим. Чопарлар ҳар иккала ҳукмдор ҳам Султонга бўйсунишга тайёр эканликларини билдирдилар. Ҳукмдорлар ҳатто ўзларининг исм-шарифлари Султоннинг умумий рўйхат дафтаридан тушириб қолдирганидан хафа ҳам бўлибдилар.

Бир неча кундан кейин улар ёрдамга юборган лашкарлар ҳам етиб келдилар, Ёзд ҳукмдори Маҳмудшоҳ ҳам ташриф буюрди.[1] Кейин унинг хотини Кирмон ҳукмдори Бароқнинг қизидан мактуб келтиришди. У мактубида отаси Ёзд ҳукмдори йўқлигидан фойдаланиб, бу вилоятга юриш бошлаганини, унинг кўнглидаги ёмон ниятларни, нафснинг қулига айланганини маълум қилганди.

Шарафиддин билан маслаҳатлашиб, Маҳмудшоҳнинг орқага қайтишига рухсат бердик ва уни оқибати ёмонлик билан тугаши мумкин бўлган воқеалардан огоҳлантирдик. Бу сўзларимиз учун Маҳмудшоҳдан, вазири Сафиулмулк орқали минг динор пул, отлар ҳамда газламалар олдик. Шундан кейин мен Ироқ ноиби ва қўшин билан бирга Аламутга яқин бўлган шаҳар — Қазвинга йўл олдим. Ноиб ва қўшин Қазвинда қолди, мен эса Аламутга жўнаб кетдим.

---

[1] *Маҳмудшоҳ ибн Абу Мансур (1219—1231 йиллар)* — Ёзд отабеги, Қоқваҳийлар сулоласидан.

92-БОБ

АЛАМУТГА БОРИШИМ ВА СУЛТОН ТОПШИРИҒИНИ ҚАНДАЙ БАЖАРГАНИМ БАЁНИ

Султон Аламут ҳукмдори Аловуддиндан дарғазаб бўлди. Бунинг сабаблари кўп эди, шуларнинг ичида энг асосийси Аламут ҳукмдорининг ваъдасига вафо қилмагани, Султонга укаси Ғиёсиддинни қайтариб бераман деб берма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гани бўлди. Бунинг устига унинг Ғиёсиддинни керакли миқдорда отлар ва қуроллар билан таъминлаб, ҳамма томонини бутлаб Алимутдан чиқариб юборгани оловга ёғ қуйгандек таъсир қилди.

Менинг Аламутга бу ташрифим намойишкорона талабнома эди. Султон мени бу ерга юборишда бир неча талаблар қўйганди, яъни мени Аловуддиннинг ўзи кутиб олмаса, Аламутга кирмаслигим, у билан учрашганда қўлини ўпмаслигим тайинланганди. Бунинг устига менинг музокаралар ва ўзаро суҳбатлар пайтида элчилик раиятларига амал қилмаслигим, уни бузишим, уларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишим шарт қилиб қўйилганди.

Мен зиммамга юкланган бу талаблар хусусида Ироқ ноиби Шарафиддинга айтдим, шунда у бундай деди: "Сен улардан Султон буюрган шартлардан ҳаммасини бажаришини талаб қилишга ҳақлисан. Улар сенинг бу шартларингни рад қилолмасликлари аниқ. Лекин улар бу борада бир нарсага кўнмайдилар: Аловуддин сени кутиб олишга чиқишга рози бўлмайди. Бунга кўнмаслигининг сабаби бор: уларнинг ҳукмдорлари учун от миниш борасида ёш белгиланган, яъни улар маълум ёшга етгандагина отга минишга рухсат этилади. Уларнинг ҳозирги ҳукмдори эса ҳали от миниш ёшига етгани йўқ. Агар сен улар олдига бу талабни қўйсанг ва бу шарт бажарилмагунча қалъага кирмайдиган бўлсанг, уларни қийин аҳволга солиб қўясан ҳамда элчиликдан ҳеч қандай манфаат кўрмайсан. Лекин мен улар ҳузурига одам йўллайман, у Султон буйруғида кўрсатилгандек кутиб олишга алоҳида эътиборни қаратади. Сен эса менинг чопарим ортидан эргашиб борасан ва уларнинг розилигини кутиб ўтирмасдан ҳузурига кирасан. Агар улар кутиб олишга рози бўлсалар, бунга ишонмайман, биз учун айни муддао бўлади, агар кутиб олишга рози бўлмасалар, сен улар ҳузурида элчилик фаолиятингни давом эттираверасан".

Мен у айтгандай қилдим. Қалъага кириб бордим, мени давлат акобирлари кутиб олдилар. Қолган ишлар ҳам Шарафиддин айтганидай давом этди. Дастлаб мен ҳузуримга вазир Имодиддин ал-Муҳташам келди ва номани беришимни сўради. Ундаги саволларга ҳукмдори номидан ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

жавоб бериш истагини билдирди. Аммо мен у айтгандай қилмадим. Уч кундан кейин тунда тоғ тепасида Аловуддин билан учрашдик. Мен унга номани унда битилган қиддий талаблар асосида топширдим. Талаблар бир неча қисмдан иборат эди. Жумладан, унда Улуғ султон (Аловуддин Муҳаммад) давридаги сингари Султон номини бу ерда хутбага қўшиб ўқитиши шарт қилиб қўйилганди.

Мен улар Султон номини хутбага қўшиб ўқитишни рад қилишларини олдиндан билар эдим. Лекин Улуғ Султон томонидан Аловуддин Муҳаммад III нинг отаси Жалолиддин ал-Ҳасан ҳузурига юборилган одам қози Мужириддин ҳали тирик эди. У ўшанда ал-Ҳасан ҳузурига Улуғ султон номини хутбага қўшиб ўқитиш ҳақидаги буйруқ билан келиб, бунинг амалга ошишига эришган эди. Мен бу ҳақдаги Мужириддиннинг мактубини ҳам олгандим. Унинг мактубини бу ердагиларга кўрсатганимда улар қозини алдамчиликда ва инсофсизликда айбладилар.

Вазир Имодиддин ал-Муҳташам Аловуддиннинг ўнг томонига ўтирди, мен эса унинг чап томонидан жой олдим. Вазир номадаги ҳар бир саволга жавоб берар, Аловуддин эса унинг жавобларини диққат билан тинглар, кейин ундан бирор сўзни тушириб қолдирмасдан ва унга қўшмасдан эшитганларини такрорлар эди. Хутба ҳақида гап борганда, улар Султон буйруғини рад қилишдан бошқа бирор сабаб топа олмадилар. Султон номининг хутбага қўшиб ўқилиши кундай равшан ва аввалдан маълум бўлган иш эди: буни ҳамма, хоҳ тоғда бўлсин, хоҳ боғда бўлсин, дуч келган ҳар қандай одамдан сўрасангиз ҳам биларди. Бундан ташқари, ҳар йили Султон хазинасига юз минг динор миқдорида товон пули юборилишидан ҳам ҳамма хабардор эди.

Номадаги сўз юритилган масалалардан яна бири қуйидагича эди: Аловуддиннинг сафдошларидан бири Бадриддин Аҳмад ҳукмдори номидан Мовароуннаҳрда турган тоторлар ҳузурига элчи қилиб жўнатганди.[1] Шу учун Султон номасида бундай деганди: "Аловуддин юқорида номини эслатганимиз одамни тоторлар ҳузурига жўнатган. Мен йўлланган мактубнинг мазмунини билишим керак. У ҳақдаги хулосамни шундан кейин айтаман".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар бу ҳақдаги гапларга жавобан бундай дейишди: "Султон яхши биладики, бизнинг мамлакатимиз тоторлар билан чегарадош. Шу сабабли улар томонидан келадиган офатларни бартараф этиш учун музокаралар олиб боришимизга тўғри келади. Агар Аловуддиннинг тоторлар ҳузурига элчи юбориши Султон давлатига зарар келтирувчи хатти-ҳаракат бўлиб чиқса, бу борада Жалолиддин эмас, бизнинг айбдор бўлишимиз аниқ. Шунда Султон бизнинг айбдор эканимизни исботлаш имконига эга бўлади ва ўшанда у бизни хоҳлаган йўсинда жазолаши мумкин".

Номада яна бир масала — белгиланган товон пулининг қолганини тўлаш ва уни тўла ҳолда Султон хазинасига олиб бориб топшириш шарт қилиб қўйилганди.

Шунда улар Ферузшоҳ қалъасининг ҳукмдори (волийси) Аминиддин Рафиқ ал-Ходим Кўҳистондан Аламутга келаётган юкларни тортиб олинганини, бу юклар орасида ўн беш минг динор бўлганини исботлашга тушдилар.[2] Мен уларга эътироз билдириб, Аминиддиннинг юкларни тортиб олиш воқеаси икки ўртада тинчлик ўрнатилиб, ҳамкорлик битими тузилганга қадар бўлиб ўтганини айтдим. Улар бунга жавобан бундай дейишди: "Наҳотки, бизлар бирор-бир жойда Султон давлатига душманлик қилган, унга бўйсунмаган ёки у билан ҳисоблашмаган бўлсак? Наҳотки, Султон бизни ҳар икки шароитда ҳам — қувончли ва мусибатли кунларимизда ҳам, тўқчилик ва йўқчилик пайтимизда ҳам муносабатларимизни синовлардан ўтказмаган бўлса? Ахир Султон Ҳиндистонда пайтида, Синд дарёсидан кечиб ўтганидан кейинги оғир шароитда бизнинг одамларимиз ҳам унга хизмат қилмадими? (Султон бу ҳақда кейинчалик эшитганидан кейин уларнинг ўша вақтда ўзига сидқидилдан хизмат қилганини тан олди.) Ахир Улуғ султонга содиқлигимиз ва унга бўлган муҳаббатимиз туфайли унинг душмани Шиҳобиддин ал-Ғурийни бизлар ўлдирмадикми?"

Мен уларга жавобан дедим: "Ҳақиқатан, Шиҳобиддин ал-Ғурийни сизлар ўлдирдингизлар, лекин бу ишни унинг мамлакатингизни хонавайрон қилиб, халқингизни қирғинбарот этгани учун қилмадингизми? Бироқ нима бўлмасин, юқорида айтилган сабаблар сизларнинг товон пулини тўлашдан халос бўлишингизга асос бўлолмайди".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундан кейин улар ўзлари учун белгиланган товон пулини Шарафулмулк ўн минг динорга туширганини айтди. Бунинг учун мен ёзган ва Шарафулмулк муҳр босган ҳужжатни кўрсатдилар. Шунда мен уларга бу пуллар Султоннинг ўзига тегишли эканлигини, унинг маълум қисмини чегириб ташлаш учун Жалолиддиннинг ўзининг ёзма топшириғи бўлиши лозимлигини билдирдим.

Улар бунга жавобан: "Султоннинг барча пуллари Шарафулмулк фармойишига мувофиқ у хоҳлаган нарсага, истаган одамга сарфланиши мумкин. Бу борада ҳеч ким унга норозилик билдиролмайди ва уни айбдор қилолмайди. Унинг пулни ўз истаклари ва ҳузур-ҳаловати йўлида ишлатиш ҳақидаги топшириқлари ҳам сўзсиз бажарилади. Бас, шундай экан, унинг бизга алоқаси бўлган иш хусусидаги ёзма фармойиши инобатга олинмайдими?", дейишди.

Бу савол-жавоблардан кейин улар йигирма минг динорни санаб топширадиган, қолган ўн минг динорни эса Султон билан маслаҳатлашиб олгунча тутиб турадиган бўлишди. Улар белгиланган йигирма минг динорни Фиёсиддин ал-Ғурийнинг олтин тангалари бўйича ўлчашди. Бу тангалар ар-Рукннинг тангаларига нисбатан афзалроқ эди.

Бу учрашувда Султон номасида кўрсатилган бошқа масалалар бўйича ҳам сўз юритилди, кўплаб баҳслар, тортишувлар, келишмовчиликлар бўлди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида сўз юритишнинг зарурати йўқ.

Ироқ ноиби Шарафиддин менга ҳамроҳликка Камолиддин ал-Муставфий номи билан машҳур бўлган кишини қўшиб берган эди. У ноиб ҳузурида вазир Сулаймоншоҳ ўрнини эгаллаган бўлиб, Ироқ масалалари билан шуғулланарди. У учрашувда гапиришга рухсат сўради. Рухсат берилганидан кейин нима дейишини билмай дудуқланиб қолди. Аслида у фикри теран, сўзга чечан, нотиқлиги билан машҳур одам эди. Бу ердан чиққанимиздан кейин унга "Сенга нима бўлди, тилинг калимага келмай қолди? Шу сенмисан, ахир?" дедим. У бундай деди: "Сенинг Аловуддин билан суҳбат пайтидаги кескин гапларингдан ваҳимага тушдим ва қалтироқ босди. Ахир у Хусравларнинг додини берган, қанчадан-қанча зўравонларни пи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чоқ дамига торттирган сулоланинг вакили бўлса. Яратганга беадад шукурлар бўлсинким, мен бу ердан тирик қутилиб чиқаман деб ўйламагандим".

Аммо иш натижаси Камолиддин ўйлагандан бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Аловуддин менга Султоннинг бошқа элчиларига нисбатан кўпроқ ҳурмат-иззат ва самимият кўрсатди. У сахийлик кўрсатиб, менга одатдагига нисбатан совға-саломлар, фахрий кийим-бошларни икки ҳисса кўпроқ бердирди ва бундай деди: "Бу ҳақиқатгўй одам, унга кўрсатиладиган сахийлик самарасиз кетмайди".

У менга совға қилган буюмлар ва пулнинг жами миқдори уч минг динор миқдорида эди. Совғалар орасида икки сидра фахрий кийим-бош бўлиб, уларнинг ҳар бир сидраси атлас чакмон, алвон кийим, мўйнали пўстин, фаржия (унинг биттаси атласдан, иккинчиси хитой ипагидан тикилганди), қиймати икки юз динор турадиган иккита камардан иборат эди. Булардан ташқари, етмишта ҳар хил кўйлак, эгар-жабдуқ ва барча анжомлари билан безатилган иккита тулпор, минг динор пул, устига ёпинчиқлари ташланган тўртта от, туялар учун занжирлар ўрами, сафдошларим учун ўттиз сидра фахрий кийим-бош ҳам берилганди.

Мен Хуросондаги қалъамда хонақо қурдиргандим. Шу хонақо вақфи учун Аламутдан қўйлар сотиб олишни ният қилдим. Негаки, Хуросонда тоторлар босқини туфайли қўйларнинг кўпи қирилиб кетганди. Бу ниятимдан Аловуддин хабар топгач, ҳузуримга одам юбориб, қуйидаги сўзларини етказдирди: "Менга хонақо учун қўйлар сотиб олаётганинг ҳақидаги хабар етиб келди. Биз ҳам сенинг бу савобли ишингга бош қўшиш ниятидамиз. Шунинг учун сенга қанча қўй керак бўлса, шунчасини биз ўзимиз юборамиз". Мен қўйлар сотиб олмадим, лекин у ўзининг ваъдасининг устидан чиқишига ҳам ишонмадим. Шу сабабли унинг Аламутдан қўй сотиб олишимга қаршилик қилишининг сабаби нима экан, деб кўп ўйладим.

Бу ердан кетганимдан кейин бир неча кун ўтгач, Қазвинда эканлигимда бир неча жавония (Аловуддиннинг мамлуклари) тўрт юзта семиз қўйларни ҳайдаб келиб қолишди.[3] Мен уларни ўз қалъам томонга юбортирдим. Лекин улар нотинчликлар алғов-далғовлар туфайли қалъага етиб бордими ёки йўқми, билолмадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар томонидан элчи сифатида мен билан Асадиддин Маудуд қўшиб юборилганди. Бу ҳақда Султон мени огоҳлантириб бундай деганди: "Агар улар сен билан бирга биз томонга Асадиддин Маудудни қўшиб юбормоқчи бўлса, уни рад қил ва ўзинг билан бирга олиб кела!"

Мен бу огоҳлантиришнинг сабаби нима эканлигини билмадим, лекин Султоннинг айтганларини уларга етказдим. аммо улар элчисини орқага қайтармадилар, бунинг устига Асадиддиннинг ўзи ҳам Султон ҳузурига боришга иштиёқманд эди. Шоир айтганидек:

Аллоҳ ўзи яратдими не истаса қилади,
Ақл-заковат эгаси бўлсангда, фойдаси йўқ барибир.
Қисмат кўндаланг қўйган барча кўнгилсизликларни,
Етти ўлчаб, бир кесиб ўтиб кета билсанг ҳам.
У истаса оқилни айлантирар нодонга
Тола сочни юлгандек тортиб олар ақлни.

Аслида Асадиддиннинг бу ерга келишидан кузатган ўз мақсади бор эди: у Султонга Шарафулмулк устидан шикоят қилди. Улар назарида, Шарафулмулк исмоилийларни Султонга ёмон отлиқ қилиб кўрсатадиган, шу тариқа Хоразмшоҳни ҳам ўзларига нисбатан қайрайдиган, хуллас, икки ўртадаги муносабатларни чигаллаштирадиган одам эди. Шарафулмулк ҳам ундан бу иши — чақимчилиги учун ўч олди.

Воқеа шундай кечди. Султон кутилмаганда тоторлар Занжонга етиб келгани ҳақида хабар олди ва тезлик билан Табризни тарк этди. Асадиддин эса бу пайтда Табризда қолди. Султон Муқонга етиб келганида Шарафулмулкдан мактуб олди. Унда бундай дейиларди: "Аламут элчиси тоторларга бир неча қисмдан иборат мактуб ёзибди. У мактубида тоторларни бу ерга тезроқ етиб келишга ундабди. Мен бу мактубни қўлга киритдим ва элчини ёнидаги одамлари билан бирга ўлдиртирдим".

Тақдир ҳукми шу бўлди, яъни Ибн Доро айтганидек, "қилич бир сирпанди, ҳаммани нариги дунёга жўнатди".[4]

---

[1] Бадриддин Аҳмад ҳақида 60-бобга қаранг.

[2] *Ферузкуҳ* — Дамованд тоғи этагидаги қалъа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[3] *Жавония* — Аламутда ҳукмдорлик қилган исмоилийларнинг мамлуклари.

[4] *Салим ибн Доро* — Ғотфон қабиласидан етишиб чиққан шоир. Унинг шеърларидан аччиқ киноя, заҳархандалик етакчилик қилган.

93-БОБ

ИЗЗИДДИН БАЛБОН АЛ-ХАЛХОЛИЙ ВА УНИНГ ЎЛИМИ БАЁНИ

Балбон ал-Халхолий ҳақида, Султон уни Ферузобод қалъасида қамал қилгани, сўнгра ўзининг мард ҳамда довюрак лашкарларини унга қарши жангда қурбон қилмаслик мақсадида Иззиддинга омонлик ваъда этгани, унинг гуноҳларидан ўтиб, кечиргани тўғрисида аввал ҳам сўз юритган эдик.[1]

Балбон маълум муддат Султон хизматида бўлди. Жалолиддин Туғтобда тўхтаганида у тунда унинг хизматидан қочиб Ҳилотга, ҳожиб Али ал-Ашрафий ҳузурига борди. Ҳожиб унга бошпана берди, хавфсизлигини таъминлаб, зарур нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилди. Шундан кейин уни Озарбойжонга жўнатди. Балбон Занжон тоғларига йўл олди, бу ерда у йўловчиларни қўрқитиш, карвонларни талаш билан шуғулланди. Султон мени Ироққа жўнатар экан, Балбоннинг кўнглини ўзига оғдириб олиш, шу тариқа унинг талончиликларига бардам бериш мақсадида унинг номига ёрлиқ ёздирди. Шу билан бирга унга қуйидаги мазмунда нома ҳам юборди: "Агар сен Ироқда туришни истасанг, марҳамат, биз ўзимизнинг у ердаги ноибимизга сенга ва одамларингга мулк иқто қилиб беришни буюрдик. Ўйлаймизки, бу сенинг ҳамма талабларингни қондиради". Султон менга эса бундай деб тайинлади: "Сен Занжон тоғларига борганингда, унинг ҳузурига одамларингдан бирини мана шу ёрлиқ билан жўнат. Ўша одаминг уни бу ёрлиққа ишонтирсин ва Исфахонга боришга кўндирсин".

Балбонга аввал ҳам панд-насиҳат қилиб кўришган, лекин бу ўгитларнинг бирортаси унга таъсир қилмаганди. Уни яхшиликка чорловчи кўп сўзлар айтишган, бироқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўларнинг ҳеч қайсиси унинг кўнглини ром эта олмаган-и. Аммо Яратганнинг унга ўлчаб берган фурсати битиб, бир ёрлиққа алданди. Тўғри, дастлаб у бу ёрлиққа ҳам шонқирамади, лекин тунда тонггача дайдишлар, хавф-атар билан юзма-юз келишлар, бир жойдан иккинчи ойга кўчишлар, қилинган ишлар олдидаги виждоний азоблар ва умумий аҳвол унинг ҳам жонига теккан эди. Шунинг учун у эндиликда ором олишни ва бундай марҳа-атдан фойдаланишни истади. Унинг истаклари қайсар-игидан ғолиб келди:

Эвоҳ! Алдамчи экан-ку тишининг оқини кўрсатгани ҳам
Арслон эркалаши ортига яширинган каби қаҳри, ғазаби.[2]

Балбон мен юборган одамнинг сўзига ҳам ишонди ва Исфаҳонга йўл олди. Султон эса Шарафиддинга нома йўллаб, агар Балбон Исфаҳонга боргудек бўлса, калласи-ни олиб ўзига юбориш тўғрисида фармойиш берди. Ноиб Султон айтганидек қилди.

---

[1] Бу ҳақда 74-бобга қаранг.

[2] Ал-Мутанаббийнинг шеъридан ўзлаштириб олинган. Ас-лида бу икки мисра "Арслоннинг иржайган тишлари унинг хур-сандчилигидан нишона эмас" деган мақолга айланиб кетган мисраларнинг бошқачароқ шаклда ифодаланганидир.

94-БОБ

ЖАҲОН ПАҲЛАВОН ЎЗБЕК ТОИЙНИНГ ҲИНДИСТОНДАН ИРОҚҚА КЕЛИШИ БАЁНИ

Юқорида биз Султон қўшинларининг Ҳиндистондаги йўлбошчиси Жаҳон Паҳлавон Ўзбек Тоий ҳақида эслатиб ўтган эдик.[1] Султон Ҳиндистонни тарк этганида уни ўз мулкларининг бу ердаги ноиби сифатида қолдирган эди. У бу ерда кўп йиллар давомида турди, мамлакатни яхши бошқарди. Шунинг учун унинг ҳурмат-иззати на-фақат мамлакати теграсида, мулкидан четдаги ўлкаларда ҳам ошди. Унинг мавқеи Лаҳор, Деҳли ва Кашмирнинг тоғ йўлларига қадар чўзилган вилоятлари ҳукмдори Шам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиддин Элтутмиш устига қўшин тортиб келгунга қадар юксак бўлиб келди. Элтутмиш уни (Жаҳон Паҳлавонни) Ҳиндистондан қувиб чиқарди.

Султонга хизмат қилишга астойдил бел боғлагани учун, саройига етишиш мақсадида унинг ҳузурига йўл олди. Султоннинг бошқа лашкарбошилари, жумладан, Вафо Малик лақаби билан танилган ал-Ҳасан Қорлуқ ва яна бир қанчалари эса бу ерда қолди ҳамда Элтутмиш тарафга ўтдилар.[2]

Жаҳон Паҳлавон Ироққа мен Қазвинда туриб Аламут ишлари билан шуғулланаётган пайтда келди. У менга ва Ироқ ноиби Шарафиддинга нома йўллаб келганини билдирди. У билан бирга ўлимлардан омон қолган, уруш гирдобидан халос бўлган етти юзта лашкар бор эди. Шарафиддин унинг талабларини қондириш ва харажатларига ёрдам учун Ироққа хазинасидан беш минг динор юбориш нияти тўғрисида менга маслаҳат солди. Бироқ, мен Шарафиддинга у юбормоқчи бўлган пул миқдори кам эканлигини айтдим. Жаҳон Паҳлавоннинг Султон олдида мавқеи юксаклигини ва Жалолиддин ҳам унга эътибор билан қарашини англатдим. Бир нарса аниқ эди, Жаҳон Паҳлавон Султон ҳузурига борса, Хоразмшоҳ уни ҳаммадан устун қўярди.

Шундан кейин унга йигирма минг динор юборилди. Орадан бир неча кун ўтганидан кейин Султон номидан Жаҳон Паҳлавонга Ироқ хазинасидан йигирма минг динор юбориш тўғрисида фармойиш келди. Шу билан бирга унинг қишни Ироқда ўтказиши, одамлари дам олиб, отлари кучга кириши учун имкониятлар яратилиши хусусида буйруқ берилганди. Шундан кейин у баҳорда Султон хизматига бориши таъкидланганди.

Унинг Ироққа келиши Султоннинг юқорида айтиб ўтганимиз ар-Румдан қайтиши даврига тўғри келди. Жаҳон Паҳлавоннинг қайтиши билан хотиржамлик учун ишонч пайдо бўлади, деган умид уйғонди. Аммо тақдир чеки биз истагандек тушмади. Тоторлар Султон ва Жаҳон Паҳлавон ўртасидаги мақсадларга тўсиқ бўлди.

Бу воқеалар тоторлар олти юз йигирма саккизинчи йил (1230—1231 йиллар) Суқмонободга келиб тушгандан кейин рўй берди.[3]

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] Бу ҳақда 40-бобга қаранг.

[2] Ҳасан Қорлуқ ҳақида ҳам 40-бобнинг изоҳида маълумот берилган.

[3] 40-бобда воқеалар санаси ҳижрий 627 йил деб берилган.

95-БОБ

ИРОҚ НОИБИ ШАРАФИДДИН БИЛАН ҚАЗВИНДА АЖРАЛИШИМ ВА ИМКОНСИЗ ҲОЛДА ОЗАРБОЙЖОНГА БОРИШИМ БАЁНИ

Аламутда берилган пулларни олиб Қазвинга қайтдим. Аламут ҳукмдорининг элчиси ал-Асад Маудуд ҳам мен билан бирга Султонга мўлжалланган беҳисоб совғаларини олиб бу ерга келди.[1] Худди шу пайтда тоторлар Хуросоннинг вилоятларидан бири Исфароинга келганликлари ҳақидаги хабар етиб келди. Бу лаънатилар Султон қўшинининг ар-Румда мағлуб бўлганини ва тарқалиб кетганини эшитган заҳотиёқ унинг кучсизлигидан фойдаланиб устига юриш бошлаган эди. Шарафиддин бу ҳақда эшитганидан кейин мен билан хайрлашиб, Рай томонга кетди. Унинг мақсади вақтдан унумли фойдаланиб, шаҳарда тартиб ўрнатиш ва унинг мудофаасига тайёрланиш эди. У менга Ироқда пайтимда ҳимоя қилувчи одамлар юборишни ваъда этди. Чунки бу пайтда йўлларда юриш ниҳоятда хавфли бўлиб, ўғрилар кўпайган ва йўлтўсарлар ҳар қадамда пистирмадан чиқиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Аммо тоторлар ундан илдамроқ ҳаракат қилдилар, улар Райга тунда ҳужум уюштирдилар. Шарафиддин тун қоронғилигида отга миниб, туяқуш сингари қўрқоқлик қилиб, Исфахон томонга қочди.

Бу ҳақдаги хабар менга Қазвинда пайтимда етиб келди. Бундан гўё қуёш нури кўз олдимда зулматга айланди, менинг бу ерда туришим ҳам, ҳаётим ҳам хавф остида қолди, бамисоли тик қирғоқда турибману у ҳар дақиқада ўпирилиб тушадигандек эди. Негаки, мен ҳақимдаги маълумот ва Аламутда олган пул тўғрисидаги хабар бутун Ироқ бўйлаб тарқалганди. Бунинг устига менинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахсий бойликларим ҳам Султон хазинасига топшириладиган пулдан кам эмасди. Бироқ мен шунга қарамай ҳаётимни хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, Холбор, Жулдиз ва бошқа жойлардаги қароқчилик масканларини оралаб ўтувчи йўл орқали Ироқдан Озарбойжонга боришга чоғландим:

Жинлар анжумани бу. Улар орасига Сулаймон алайҳиссалом
Тушса, тушунмасди таржимонсиз бу жинларнинг тилини.[2]

Менинг ёнимга Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳнинг укаси, ўша вақтда Мозандоронда вазирлик қилаётган Нусратиддин ҳам қўшилди.[3] У ўзи билан бу вилоятнинг йиллик фойдадан тўплаган маблағини олиб бораётганди. Унинг ёнида Султон саройидан Мозандорондаги аҳволни кузатиш учун юборилган мулозим Сафиаддин Муҳаммад ат-Туғроий ҳам бор эди.[4]

Биз йўлни ҳаммом, овқат нималигини унутиб, муздай сув билан жон сақлаб босиб ўтдик ва ниҳоят, Султон ҳузурига, Табризга етиб келдик. Биз келганимизда ал-Малик ал-Ашрафнинг элчиси Шамсиддин ат-Тикритий саройда эди. Шунда Султон менга Аламут элчиси олиб келган пул ва совғаларини ўзига ат-Тикритий иштирок этаётган анжуманда киритиб беришини ташкил қилишимни буюрди. Мен у айтгандай қилдим. Ўзим ҳам олиб келган юкларни гувоҳ ёрдамида Султонга топширдим. Ат-Тикритий бу анжуманда қатнашиб, ушбу воқеаларни кўрди ва айтилган гапларни эшитди.

---

[1] Асадиддин Маудуд ҳақида 71-, 92-бобларда ҳам маълумотлар берилган.

[2] Ал-Мутанаббийнинг форс ҳукмдори Ададуддавла Абу Шужа Хусровга (949—983 йиллар) бағишланган қасидасидан олинган байт.

[3] Низомулмулк Носириддин Муҳаммад ибн Солиҳ ҳақида 11, 12, 13, 18, 62, 82-бобларда ҳам маълумотлар берилган.

[4] Сафиаддин Муҳаммад ат-Туғроий ҳақида 64, 67-бобларда ҳам маълумотлар мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

96-БОБ

ТОТОРЛАР ҚЎШИНИ ИЛҒОРИНИНГ ОЗАРБОЙЖОН ЧЕГАРАСИДА ПАЙДО БЎЛИШИ ВА СУЛТОННИНГ ТАБРИЗДАН МУҚОНГА КЕТИШИ

Султон паҳлавонларидан бири Йилон Буғуни Ироққа тоторлар ҳақида маълумот тўплаш учун отлантирди.[1] У Занжон ва Абхор оралиғидаги Шарвиёз водийсига етганида тоторлар қўшинининг илғорига дуч келиб қолди.[2] Йилон Буғу ёнида ўн тўрт одами бор эди. Шундан фақат унинг ўзи қочиб қутилди ва Табризга ваҳимали хабар билан қайтди.

Султон тоторлар Ироқда қишлайди ва Озарбойжонга баҳорда ҳужум қилади, деб ўйлаганди.[3] Аммо у ўзини шундай алдамчи хаёллар, ҳақиқатдан йироқ ўйлар билан овунтирган эди. Аслида бу ёмон хабар унга у ар-Румдан қайтганидан кейин, мағлубиятдан сўнг ҳали қўшин талофатини бартараф этиб улгурмаган, ҳар томонга тарқалиб кетган лашкарларни йиғишга фурсат етмаган, бошқа ишларни ҳам тартибга солиб бўлмаган пайтда етиб келганди. Султон шу сабабли Табриздан Муқонга, қўшинлари қишлаш учун тарқалиб кетган масканга кўчиб ўтди. У ат-Тикритий билан хайрлашди ва унга ўз томонидан элчи сифатида Ироқ ноиби Мухтассиддин ибн Шарафиддин Алини қўшиб юборди.

Хавф шунчалик тез яқинлашиб келардики, Султон яқин одамлари ва ҳарамидагиларнинг тақдири ҳақида ўйлашга, уларни қўл остидаги хатарсиз, мустаҳкам қалъалардан бирига жўнатишга ҳам имкон тополмасди. У уларни Табризда қолдирди ва ўша кунни ўзига яқин бўлган одамлар билан охирги учрашув деб ҳисоблади. У Шарафулмулкни ҳам Табризда қолдирди ва фақат шахсий мулозимлари билан бирга Муқонга йўл олди. Султон йўлда бир зум бўлса ҳам тўхтамади, унинг мақсади тарқалиб кетган қўшинлари ва лашкарларини тўплаб улгуриш эди.

Ўша кунлари девон хизматчилари орасидан фақат мени ёнига олди. Йўл давомида у билан бир одам ажралмас суҳбатдош бўлиб борди — бу Мужириддин Ёқуб ибн ал-Малик ал-Одил эди. У билан ёнма-ён юриб бир нарсани

www.ziyouz.com kutubxonasi

англадимки, агар Мужириддин Султон ёнида бўлмаса, унинг кўзларидан ёш оқиб, юзларини юварди. Назаримда, Султон ҳокимияти қулаётганини ҳис қила бошлаган, ўлими яқинлашаётганини англаб етганди. У яқинлари ва оиласидан ажралаётгани хусусида ўйлар, уларни бошқа кўра олмайман деб қайғурарди. Уларни очиқ осмон остида, душман билан юзма-юз ҳимоясиз қолдириб кетаётганидан афсусланарди.

Орминан қишлоғига етганимизда Султон отдан тушди.[4] Уни қаергадир олиб кетишди ва бироздан кейин у мени ҳузурига чақирди. Мен унинг ёнига борганимда Занжон қасабасининг Ёлдуқ қалъаси ноибидан олинган номани қўлимга тутқазди.[5] Унда бундай дейилган эди: "Тоторлар Абхор ва Занжон оралиғида Йилон Буғу билан тўқнашганидан кейин Марж Занжонга келди. Мен улар тарафга одам юбориб қанча эканлигини аниқлатдим. Улар етти юзта отлиқ лашкар экан".

Султон бу хабарни эшитиб елкасидан тоғ ағдарилган одамдек хурсанд бўлди. Ва бундай деди: "Бир нарса аниқки, улар қўшинининг бу қисмини юбориш билан Занжонни эгаллаш ва унда мустаҳкам ўрнашиш мақсадини кўзлашган". Мен эса унга бу лашкарлар тоторлар қўшинининг илғори (ёзоқ) бўлса керак, асосий қўшин эса унинг кетидан келса керак, дедим. Аммо менинг бу гапим унга ёқмади. Гапимга жавобан у бундай деди: "Тоторлар биз томонга қўшин илғорини юбормоқчи бўлса, етти юз одамини эмас, етти мингдан ортиқ лашкарларини юборган бўлардилар". Бу вақтда Султон билан ҳақиқий аҳвол хусусида баҳслашиб ўтириш мавриди эмасди. У билан, айни пайтда, унинг кўнглидаги дард-аламларни енгиллаштирадиган гапларни гаплашиш мумкин эди.

Султон Орминандан Муқонга йўл олди ва орадан кўп ўтмай бу ерга келди. У бу ерда қўшинларининг тарқалиб кетганини билди: унинг бир қисми Муқонда жойлашган бўлса, яна бир қисми қишлаш учун Ширвонга кетганди, ҳатто баъзи бир хазора, сада ва даҳалари Мулонқургача бориб етганди. Султон уларнинг кетидан паҳлавонларининг қўлига қизил ўқ бериб жўнатди, бу қўшинларни ҳузурига тўплаш ва жангга ҳозирлик кўриш учун хабар эди. Бироқ тоторлар унинг лашкарларига улар тўпланғунга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадар ҳужум қилдилар. Шу учун Султоннинг қўшинни тўплаш ҳақидаги нияти ушалмади, режаси барбод бўлди. "Оллоҳ бирон қавмга ёмонлик — бало юборишни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун ундан ўзга ҳоким йўқдир".*

Бир гал Султон Муқонда овга чиқар экан, олдиндаги тепаликни менга кўрсатиб бундай деди: "Ҳов, анови тепаликка мендан олдин етиб ол! Ва менинг номимдан Ардобил ноиби Шарафулмулкка ҳамда Ферезобод қалъаси ноиби Ҳусомиддин Тегинтошга ёрлиқ ёз! Ёрлиқда биз Хуросон шихнаси, амир Йўғон Сунқур ва Мозандорон шихнаси, амир Арслон Паҳлавонни қўшинлари билан торлар юришларини кузатиш учун ёзоқ сифатида юбораётганимизни билдир! Биз улар иккаласига ҳам Ардобил ва Ферузободда бу ёзоқ қўшин учун отлар тайёрлашни, уни ҳамда лашкарларга зарур бўладиган бошқа нарсаларни етказиб беришни буюрамиз".

Мен тепалик устига от чоптириб чиқдим ва бу ёрлиқларни ёздим. Султон тепалик устига келганда ёрлиқлар тайёр бўлган эди. Мен уларни Султонга бердим ва у ёрлиқларги муҳрини босди. Юқорида номларини айтганим амирлар ёрлиқларни жўнатиш учун олдилар. Аммо кейинчалик менга келган хабарларга кўра иккала амир ҳам торлар Муқонда Султонга тўсатдан ҳужум қилиб, уни оғир аҳволга солгунларигача уйларида бўлган эканлар. Султон эса ёзоқ қилиб юборилган иккала амиридан ҳам душмани хусусида маълумот кутар эди.

---

[1] Йилон Буғу кейинчалик султон Аловуддин Қайқубод I хизматига киради.

[2] Шарвиёз номи ёнида асар матнида "Ширвон" номи ҳам мавжуд.

[3] Ибн ал-Асир асарида мўғулларнинг Озарбойжонга ҳужумини 628 йилда (1230 йил сентябридан — 1231 йил октябригача) рўй берди, деб ёзади. У айни пайтда, мўғуллар юриши ҳақида қуйидагиларни ҳам маълум қилади: "Жалолиддин Аловуддин Қайқубод I ва ал-Ашрафдан мағлуб бўлиб қочди. Шундан кейин исмоилийлар йўлбошчилари тоторларга Жалолиддиннинг жанг майдонидан қочгани, кучсизлиги ҳақида маълумот юбориб, уларни унга, кучсизланган қўшинга қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

тезроқ юриш бошлашга ундайди ва ғалабанинг нақд эканлигини таъкидлайди.

Жалолиддин бадхулқ одам эди, у мамлакатни ҳам ёмон бошқарди. У қўшни ҳукмдорлардан бирортаси билан келишмасди, уларнинг ерларини босиб олиб, душманига айланганди. Жалолиддин улар учун оқибатсиз, кўнгилсиз қўшни эди. Шу сабабли уларнинг ҳаммаси у билан ҳамкорлик қилмадилар ва унга ёрдам қўлини чўзмадилар".

Ибн ал-Асир Хоразмшоҳларга нисбатан ёмон муносабатда бўлган. У кўпроқ Чингиз қўшинлари ва ғалабаларини улуғлашга мойил бўлган. Шу сабабли барча Хоразмшоҳларнинг фаолиятини, жумладан, Жалолиддин ҳукмдорлигининг айрим жиҳатларини салбий баҳолаб, уни бўрттириб кўрсатган. Жалолиддиннинг ёнида юрган муншийси ан-Насавийнинг асарини ўқир эканмиз, Султон ҳақидаги бор ҳақиқатдан огоҳ бўламиз. Қўшни ҳукмдорларнинг Жалолиддинга нисбатан муносабатига келсак, бу кўрқоқларнинг ботирга нисбатан ҳасадгўйлигидан бошқа нарса эмаслиги аён бўлади.

[4] *Орминан* — Табриз ва Ахор оралиғидаги йўл бўйидаги қишлоқ.

[5] *Ёлдуқ (Болдуқ)* — Табриз ва Ахор оралиғидаги қалъа. Орминан қишлоғи ва Ёлдуқ қалъаси ҳақида Қазвинийнинг асарида ҳам маълумот берилган.

97-БОБ

ТОТОРЛАРНИНГ СУЛТОНГА ШИРКАБУТ ЧЕГАРАЛАРИДА ҚИЛГАН ҲУЖУМИ БАЁНИ

Султон айғоқчиларини маълумотлар йиғиш, паҳлавонларини эса лашкарларини тўплаш учун жўнатганидан кейин ов билан машғул бўлди. Унинг атрофида одам кам қолганди: шахсий лашкарларидан мингга яқин отлиқ бор эди.

Бир гал тунда у Ширкабут яқинига чодир тиктирди. Ширкабут Муқондаги энг баланд тепаликлардан бирига қурилган қалъа эди. Қалъанинг атрофини катта ва чуқур хандақ ўраб турарди. Бу хандақдан сув оқиб чиқар ва у атрофдаги ерларни суғоришга сарфланарди. Қалъага кириш учун ҳандақ устидаги кўприкдан ўтиш керак бўларди. Кўприк керак бўлган пайтда кўтариб ҳам қўйиларди. Қалъани тоторлар бу ерларга биринчи марта бостириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келганида бузган эдилар. Аммо уни Шарафулмулк Араксдан канал қаздириб, унга ўз номини берган пайтларда қайта қурдирганди.

Султон Ҳилотни қамал қилиб турган пайтда силаҳдор Декчакни Хоразмга айғоқчилар сарханги қилиб жўнатганди.[1] Уни жўнатишдан мақсад тоторлар ҳақида маълумот йиғиш эди. Декчак Хоразм теграсида бир неча тоторларни банди қилиб олди. У улардан кўпчилигини ўлдирди ва қолганларини Ҳилотга олиб келди.

Олиб келинганлар орасида битта тотор бор эди, Султон фақат унигина ўлимдан олиб қолди. Султон Ширкабут қалъасига келгач, уни тутишни буюрди. У бу ишни эҳтиёткорлик юзасидан, тотор қочиб кетмасин ва ўзиникилар олдига бориб бу ердаги аҳволдан, қўшиннинг тарқоқлигидан хабар бермасин, деган мақсадда қилдирди. Бу тоторнинг оиласи ва болалари Хоразмда тоторлар қўл остида эди.

Султон уни менга топширар экан, бундай деди: "Уни Ширкабут қалъасига олиб чиққин ва у ерда занжирбанд қилиб қўй. Сўнгра уни Шарафулмулк томонидан бу қалъага тайинланган волийга топшир!" Мен Султоннинг бу буйруғини бажардим. Лекин кун кеч бўлгани сабабли тунаш учун қалъада қолдим. Менинг одамларимдан ёнимда учтаси бор эди. Қолган йўлдошларим ва бу сафарга олиб чиққан нарсаларимнинг ҳаммаси — бойлигим, отларим, чодирим Султон қароргоҳида қолганди.

Тонг оттач, хизматни давом эттириш учун қароргоҳга қайтдим. Аммо не кўз билан кўрайки, чодирлар бўм-бўш, барча буюмлар сочилиб ётар, чита (гепард)лар боғланган, лочинлар қафасга қамалган эди.

Яъни:

Ҳеч кас бўлмагандек гўё ал-Ҳужун ва ас-Сафо оралиғида,
Макка оқшомларида ҳеч ким суҳбат қурмаган гўё.

Шунда мен биз доим хавотир ила кутган воқеа рўй берганини англадим: Султонга тунда ҳужум қилишган эди. Мен унга нима бўлганини билмадим. Айни пайтда, мен Ширкабут қалъаси тоторларнинг қамалига чидаш бера олмаслигини яхши билардим. Шу сабабли Султон кетган йўлдан ва уни таъқиб этаётган тоторлар кетидан боришга қарор қилдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Менга кенг ер торлик қилиб қолди"* ва мен нимаики нарсам бўлса, ҳаммасини ташладим. Мен бораркан-ман бир нарсага ишончим қатъий эди: Султонни таъқиб этиб бораётган тоторлар олдимда, уларнинг беҳисоб сонли қўшинлари эса орқамдан келарди.

Шундан кейин "Султон жўя" канали бўйига етиб келдим. Бу каналнн Шарафулмулк Аракс дарёсидан Султонга бағишлаб қаздирганди. Унинг кўпригидан туркманларнинг қўйлари ўтаётган эди. Улар шу даражада кўп, беҳисоб эдики, кўприкдан ўтишга имкон тополмадим. Мен таваккал қилиб отимни дарёга солдим. Оллоҳ насибамни кўпроқ берган эканми, ҳар қалай, ундан сузиб ўтдим. Шундан сўнг Бойлаконга етиб келдим. Шаҳарга киришдан олдин бу ерда Шарафулмулк борлигини билдим. Султон ҳарамидагилар ва хазина бойликлари ҳам унинг ҳимоясида эди. Улар билан учрашиб дард ва ташвишларимни кўпайтирмаслик, муносабатларни кескинлаштирмаслик мақсадида шаҳарга кирмасликни маъқул кўрдим.

Бойлаконда бир неча отларим ва кийим-кечакларим бор эди. Уларнинг ҳам баҳридан ўтиб, тунда ҳам йўлимда давом этдим ва ниҳоят, Ганжага етиб келдим.

Тоторлар бу ерга мендан икки кун кейин етиб келди. Бу пайтда Шарафулмулк билан ҳамроҳлик қилиб келаётган девон мулозимлари, акобирларининг вазир ҳақида, худди мен каби, фикрлари бутунлай ўзгарган эдилар. У тоторларнинг босқини кучаяётгани ва уларнинг бу ерларда мустаҳкам ўрнашаётганини кўриб, Султонга нисбатан очиқдан-очиқ исён кўтарибди. Шарафулмулк қўл остидагилардан пул талаб қилибди, уларни чилвирга боғлатиб, ертўлаларга ташлатиб, яна турли усуллар билан қийноққа солибди. Агар Шарафулмулкнинг Хайзон қалъасидан чиқиши пайтида бу ерда Султон пайдо бўлиб, Оллоҳ вазир қўл остидаги одамларнинг умрини узун қилмаганида эди, улар бу ҳаёт билан видолашган бўларди.[2]

---

[1] *Декчак* — силаҳдор. У ҳақда 7-бобда маълумот берилган.

[2] *Хайзон* — Аррон вилоятидаги қалъа. Бойлаконга яқин ерда жойлашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

98-БОБ

СУЛТОН МУЖИРИДДИН ЁҚУБНИ УНИНГ АКАСИ АЛ-МАЛИК АЛ-АШРАФ МУСО ҲУЗУРИГА ҚАНДАЙ ЖЎНАТИШИ БАЁНИ

Юқорида баён қилганимиздек, Султон Табриздан Муқонга борганида ўзи билан бирга Мужириддинни ҳам олиб кетди. У иштирок этган давраларда Султон ҳурсанд бўларди. Султон қароргоҳга келган пайтларида Мужириддин у билан бирга овга чиқар, кун чиқишидан ботишигача унга ҳамроҳлик қилар эди. Ўз навбатида Султон ҳам уни даврасига шаробхўрлик қилгани чақирарди. Бу аҳвол тоторлар уларга Ширкабут яқинида ҳужум қилиб, қочиб қутилганларига қадар давом этди. Шундан кейин Султон унга тоторлар босқини туфайли юз берган офат нафақат ўзининг ва қўл остидаги мамлакатнинг, балки ҳамманинг бошига тушган ташвиш эканлиги хусусида айтди. Агар уларга (тоторларга) қаршилик кўрсатилмай фурсат бой берилса, барча ислом мамлакатлари қирғин остида қолиши мумкинлигини билдирди. Шунинг учун Мужириддин акаси ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига борадиган ва унга зулм чақмоқлари чақилиб, офат олови алангаланганини, буларни барча мусулмонларнинг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро иттифоқчиликдаги кураши бартараф этиши мумкинлигини тушунтирадиган бўлди.[1] Ҳа, бу айни ҳақиқат эди. Ахир бу "дуо ўқиб қўйгувчи бирон киши борми деб сўраладиган, шунинг ўзи ажралиш эканини англатадиган, оёқ оёққа чалишадиган бир пайт эмасми?[4]*

Лекин шуниси ғаройиб эдики, Султон ёрдамни рақибидан — қалбини найза билан яралагандан сўраётганди, учқур қанотларини қўли билан синдирганга илтижо этаётганди.

Шундай қилиб Мужириддин Султон хизматидан жўнаб кетди.[2] Султон унинг Шарафулмулк ҳузурига боришини тайинлади ва одамларидан қўшиб берди.

Султон Шарафулмулкка Мужириддин билан бирга элчи қўшиб жўнатишни, элчини жўнатишдан олдин унга нималарни айтиш зарурлигини тушунтиришни буюрган эди. Шарафулмулк у билан ўз акобири Муиниддин ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қумийни бирга қўшиб жўнатди. Унинг қўлига берган мактубда эса Султон мақсадларига қарама-қарши тарзда ўз истакларини билдирди. Гап шунда эдики, Шарафулмулк яхшиликка ёмонлик, нокаслик билан жавоб бериш йўлига ўтганди. У ор-номусни унутган, шайтоний васваса-саларга учиб, хиёнаткорлик йўлига кирганди. Унинг бошида қора ниятлар чарх ураради.

Шу сабабли у нафрат оловини янада кучайтириш мақсадида унга ўтин қалаш билан банд эди. Бу билан у дўстлик ипларини узди, ҳамжиҳатликка барҳам берди. Аммо Оллоҳнинг каромати, тақдирнинг иноятини қарангки, у муваффақиятларга эриша олмай ўзи ёққан оловда ўзи қоврилди.

---

[1] Ибн ал-Асир ёзишича, 1231 йилда мўғуллар Мароғани босиб олганлар ва ўз одатларига кўра шаҳар аҳолисини қирғинбарот қилганлар, талаганлар. Ибн ал-Асир бу ҳақда бундай деб ёзади: "Мусулмон мамлакатларнинг ҳукмдорлари орасидан бирортаси тоторларга қарши муқаддас уруш — жиҳод қилишга қодирини кўрмадим. Бундай истак уларнинг ҳеч қайсисида йўқ эди".

[2] Мужириддин Ёқуб Жалолиддин қўлида асирликда пайтида Султон билан жуда яқин бўлиб қолди. Айниқса, бу яқинлик Султон Ясси Чамандаги мағлубиятдан кейин янада кучайди. Мўғулларнинг навбатдаги босқинидан кейин Жалолиддин унга Дамашққа, акаси ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига кетишга рухсат беради. Айни пайтда, у акасига мўғулларга қарши курашда иттифоқдошлик зарурлигини тушунтириши, Жалолиддинга ёрдам беришга кўндириши ҳам керак эди.

Шу билан бирга Жалолиддин атрофдаги ҳукмдорларнинг ҳаммасига ёрдам сўраб чопар жўнатади. Чопарлардан юборилган номада бундай дейилганди: "Бу галги тотор қўшинлари аввалгиларга қараганда бир неча баробар кўп, ушбу мамлакатларнинг лашкарлари эса уларга қарши ўзлари курашишга қўрқмоқдалар. Агар сизлар лашкарлар ва қурол-аслаҳалар билан ёрдам бермасангизлар, бу ерда уларга қарши девор мисоли турган менга қийин бўлади. Мен мағлуб бўлганимдан кейин эса сизларда уларга қарши курашиш имкони қолмайди. Ўзингизга, болаларингизга ва барча мусулмонларга раҳм қилиб, ҳар бирингиз бир гуруҳ лашкарларни туғингиз билан бирга ёрдамга юборинглар. Зеро, тоторларга бизнинг ўзаро келишувимиз ҳақида хабар етса, улар бундан оз бўлсада зарба оладилар. Айни

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтда, бизнинг лашкарларимиз ҳам бу далдадан кучга киради-лар. Агар бунда сал бўлса-да бепарволикка йўл қўйилса, бошингизга нима тушишини ўзингиз кўрасиз".

Рашидиддиннинг асарида келтирилган бу номада Жалолиддиннинг мақсадлари ёрқинроқ намоён бўлган.

99-БОБ

ТОТОРЛАР МУҚОНГА ҲУЖУМ ҚИЛГАНИДАН КЕЙИН СУЛТОННИНГ АҲВОЛИ БАЁНИ

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тоторлар Султонга Муқонда ҳужум қилдилар. Шундан кейин Султон Аракс дарёси томонга қараб кетди ва тоторларни алдади. Тоторлар Султон дарёдан кечиб ўтиб Ганжага кетди, деб ўйлашди. У эса йўлда Озарбойжонга томон айланди ва Махонда тўхтади.[1] Бу ерда ов учун парранда ва даррандалар кўп эди. У шу ерда қишлади.

Шоҳи қалъасининг ҳукмдори Иззиддин унга бўйсунишни истамасди. Бунинг сабаби бор эди: бир неча йил илгари Шарафулмулк Дарбандда бўлган пайтида одамлари билан бирга тунда унинг қалъасига ҳужум қилган, вилоятини эса талон-тарож этганди. Шунга қарамай у Султонга Махонга келган пайтида садоқат билан хизмат қилди. Уни керакли озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлади, Султонга тоторлар ҳақида маълумотлар юбориб турди. Султон ундан ниҳоятда миннатдор бўлди ва бу ҳақда шундай дерди: "Агар бизнинг ишимиз яхшиланиб, тоторлар хуружидан қутила олсак, мен уни хизматлари ва маслаҳатлари учун олий даражада катта мукофот билан тақдирлайман ҳамда унга шундай марҳаматлар кўрсатаманки, замондошлари, тенгдошларига унга ҳавас билан қарайдиган бўладилар".

Қиш ўтгач Иззиддин Султонга тоторлар Учондан чиқиб ўзи томон келаётгани хабарини етказди.[2] Тоторлар Султоннинг Махонда эканлигига қатъий ишонган эдилар. У Султонга Арронга қайтишни маслаҳат берар экан, унинг тоғлари ва даралари бағрида қўшиннинг қайтадан куч-қувват тўплаганлигини айтди. Бундан ташқари, бу ерда туркманлар ҳам кўп эди. Агар улар йиғилса, чумолилар тўдалари сингари ҳамма ёқни эгаллашини, чигирт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

калар булути мисоли атрофини босиб кетишини эслатди. Султон Аррон томон йўл олди ва кўп ўтмай Хайзонга яқинлашди. Шарафулмулк Хайзонни қайта қурдирган ва унинг арки учун ниҳоятда кўп пул сарфлаганди. Унга сарфланган маблағ шу даражада кўп эдики, ҳатто шоҳлар ҳам бунча пул сарфлашдан ўзини тийган бўларди. Бу қалъа қадимда заминдаги энг мустаҳкам қўрғонлардан бири ҳисобланган. Аммо вақт, даврлар ўтиши билан у вайрона ҳолига келганди. Унинг одамсиз ҳувиллаб қолганига ҳам кўп ойлар ва йиллар бўлган эди. Шарафулмулк Султоннинг оиласига мансуб одамларни ва унинг ғазнасини хазинабонлари билан бирга туркманларнинг Аррондаги бош амири Ҳусомиддин Қилич Арслон қўл остидаги қалъаларга бўлиб юборди. Султон оиласи учун эса Синд Саворих қалъасини танлади. Бу қалъа ичидаги баланд тоғ чўққиси бағрида катта ғор бор эди. Ғор ичида булоқ бўлиб, унинг суви тегирмонни айлантирарди. Бу тегирмон қалъа ичида бўлгани сабабли қадим замонлардан бери сақланиб келинарди.

Айтишларича, бу ғор узоқ тарихга эга бўлиб, худди шу ерда форс шоҳи Қайхусров ўзининг она томондан бобоси, туркийлар шоҳи Афросиёб устидан ғалаба қозонган эмиш.

Шарафулмулк Султон оиласи ташвишларидан халос бўлгач, ҳувиллаб ётган Хайзон қалъаси томон йўл олди. У қалъани қайта тиклатди ва Султонга очиқдан-очиқ бўйсунмаслик йўлига ўтди. Унинг Султонга қарши исён кўтаришининг бир неча сабаблари бор эди: аввало, Султон кейинги икки йил давомида сарф-харажат борасида уни жиловлаб олган эди. Чунки унинг сарф-харажатлари ҳаддан ошиб кетганди. Бойликни совуриш борасидаги фаолиятини ҳеч нарсага тенглаб бўлмасди. Лекин Шарафулмулк учун тарки одат амри маҳол эди, ортиқча сарф-харажат қилишдан ўзини тия олмас, бунинг учун бутун бойликни ўз қўлига тўплашни истарди. Бунга эса Жалолиддин халақит берарди. Қолаверса, у тоторларнинг Султонга Муқондаги ҳужуми уни бу ерлардан узоқ Ҳиндистонга итқитиб ташлайди, шу тариқа у билан қўшин ўртасидаги алоқалар узилади, бу ерлар эса менга қолади, деб ўйлаганди. Шу учун Шарафулмулк катта мулк

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгалари бўлган ҳукмдорларга номалар йўллаб, уларга ўзининг Аррон ва Озарбойжонга ҳукмдор бўлиб қолаётганини билдирди ҳамда бу ерда хутбани улар номи билан ўқитишга ваъдалар берди. Шундай қилиб, шайтон унинг ақл-ҳушини эгаллаб олди, қалбига васвасалардан иборат уруғ ташлади ва бу уруғ ўз самарасини берди. Шарафулмулк ёвуз ниятларини амалга оширишга киришди. У Аловуддин Қайқубод ва ал-Малик ал-Ашрафга мактуб юбориб, бу иккала ҳукмдорга ҳам тобе эканлигини билдирди. Ўз Султонини эса мактубда ҳимоясиз қолган ёвуз деб атади.

Бу мактубларнинг айримлари чекка ўлкаларнинг нойиблари йўллаган хатлар билан биргаликда Султон қўлига келиб тушди. Бу ишларнинг охир-оқибати шу бўлдики, ўша ғала-ғовур пайтда Шарафулмулк қалъаси яқинидан ўтган Султон одамларини тутишга буюрди. Тутилган одамлар қаттиқ сиқувга олинди, ҳар хил азобларга дучор қилинди, натижада улар бор бойлигидан ажралиб, унинг ҳузуридан қуруқ гавда билан шўппайиб чиқдилар.

У (Шарафулмулк) Ҳусомиддин Қилич Арслонга нома юбориб, унга қўл остида бўлган Султон ҳарамидагиларни ва хазинаси бойликларини эҳтиёткорлик билан сақлашни буюрди. Уларни ҳатто Султоннинг ўзига ҳам бермасликни тайинлади. У бу хатида ҳам Султонни ҳимоясиз қолган ёвуз деб атади.

Бу мактубларнинг ҳаммаси Султон қўлида тўпланди.

Айни пайтда, барча ўлкалар, мулкларнинг ҳукмдорлари, амирлари, вазирларига Султоннинг мактуби юборилди. У мактубида уларни Шарафулмулкнинг хатти-ҳаракатларидан огоҳлантиради ва унинг буйруқларини бажармасликка чақиради. Султон уни мактубларида "Билдирчин" деб атайди.[3] Бу ҳақоратомуз лақаб Шарафулмулкка у ҳали ҳеч кимга танилмаган пайтларда берилган эди. Шундан кейин улар ўртасида душманлик янада кучайди.

Султон у турган қалъага яқинлашар экан, унинг ҳузурига одам йўллаб, унга бу ердан чиқишини тайинлаб, қуйидаги гапларни айтишни буюрди: "Сен қандай сабабга кўра менинг ҳузуримга имиллаб ва кечикиб чиқаяпсан?" Султон бу билан ўзини гўё у қилган ишлардан бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хабардай, ҳаммага маълум қилмишларини билмайдигандай, бошқа ишлар билан бандлиги сабабли унинг ёвузликларини англамагандай кўрсатишга ҳаракат қилди.

Шарафулмулк шу заҳотиёқ нодонлиги ва аҳмоқлиги туфайли, қалъадан пастга тушди. Аслида унинг кафани елкасига осилган эди. Шуниси ғаройиб эдики, Шарафулмулк аввал садоқатли одамдан қанчалик тез исёнчига айланган бўлса, эндиликда охир-оқибатни, бошига тушадиган офатни ўйламай шунчалик тез даражада исёнчидан Султонга тобе кимсага айланганди. Агар у ўша куни ўз сўзида туриб, Султон ҳузурига тушмаганида, қалъа эшикларини очмаганида, эртасига эрталаб Султон тоторлар таъқибидан халос бўлиш ниятида бу ерлардан узоқлашиб кетган бўларди.

У қалъадан пастга тушганида Султон одатига хилоф равишда унга шароб тўла қадаҳ узатди: гарчи Хоразмшоҳлар вазирлари шаробхўрлик қилсалар ҳам, одатда султонлар даврасида ичмас эдилар. Шарафулмулк эса Султоннинг бу ишидан хурсанд бўлди ва унинг қўлидан қадаҳни олар экан, бу иш менинг қадр-қимматимни оширади, унга яқинлик шуҳратимни, обрўйимни улуғлайди, деб ўйлади. Лекин, узоқ йиллик тажрибалардан шу нарса маълум эдики, шоҳ, султон қўлидан шароб олиб, уни ичган вазир кейинчалик унинг қўл остида вазир бўлиб ишламаслиги аниқ эди.

Шарафулмулк қаъладан чиққанидан кейин Султон Аррон томонга йўл олди. Лекин Жалолиддин олдида қандайдир бир муҳим муаммо туғилса, вазирини маслаҳатга чақирмайдиган, сирларини унга ишонмайдиган бўлди.

---

[1] *Махон* — Ўрта асрда қурилган қалъа. Эрон Озарбойжонининг Қоратоғга яқин жойида жойлашган.

[2] *Учон* — Шу номдаги дарёнинг юқори қисмида жойлашган, ўрта асрда барпо этилган қалъа.

[3] Шарафулмулкнинг бу лақаби манбааларда икки хил ёзилган: "Билдирчин" ва "Юлдузчи". "Билдирчин" деб бедананинг макиёнига айтилган. "Юлдузчи" мунажжимликни англатади. Ан-Насавий асарида "Билдирчин" дейилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

100-БОБ

ШАМСИДДИН АТ-ТУҒРОИЙНИНГ ТАБРИЗДАГИ ФАОЛИЯТИ БАЁНИ

Юқорида таъкидлаганимдек, Шамсиддин ат-Туғроий табризликларнинг нафақат кундалик ишлари, мол-мулклари, бойликларини ҳал қилишда, ҳатто уларнинг ҳаёт йўлларини белгилашда ҳам фаол иштирок этарди.[1] Улар эса унинг аждодларига бўлган эҳтиром, оиласига нисбатан ҳурмат, ўзига бўлган содиқлик туфайли ҳукмфармолигига сидқидилдан қулоқ осишарди. Одамлардан ҳатто инсоф ва диёнат кетган, ўзаро ҳурмат йўқолган, кўнгилларда ёмон ниятлар кўпроқ намоён бўла бошлаган пайтларда ҳам халойиқ (омма) унинг эшигига юкиниб келиб топшириқ ҳамда буйруқларини сўзсиз бажарарди.

Табриз аҳли тоторларга яхши кўриниш, ўзларини уларнинг ғазаб ва нафратидан омон сақлаб қолиш ниятида шаҳарда хоразмликларга шерик бўлганларни (атба) ўлдириш ҳаракатига тушдилар. Оломоннинг бу фикрига ат-Туғроий мансабидан туширилганидан кейин Султон томонидан вазир қилиб тайинланган Баҳовуддин Муҳаммад ибн Башир Ёрбек ва бошқа вазирлар ҳам қўшилдилар. Баҳовуддин ҳам қора халқ орасидан етишиб чиққанлардан бири эди. Лекин ат-Туғроий уларга бундай қилишга йўл бермади, айрим кимсалар ўйлаб топган бу жирканч ишнинг амалга ошишига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. У бировларнинг қонини тўкмоқчи бўлган, яхшиликни бадном этишга уринган қора кучларга қарши чиқди, хоразмликларни ҳимоясига олди. Бир гал оломон ғалаён кўтариб илгари аҳолига ёмонлик қилган хоразмликни ўлдирганида, унинг ўзи майдонга чиқиб, қора кучларнинг иккита етакчисининг бошини кесдириб, уларнинг майитларини кўчага ташлашни буюрди. У буни халқ ҳимоячиси ва валинеъмати Султонга қарши, яхшиликка қарши қаратилган иш деб эълон қилди. У шу тариқа катта хунрезликнинг олдини олди. Бошқа шаҳарларда эса қон дарё сингари оқди, пул ва бойликлар беадад таланди.

У асосий кучини Табриз ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратди. Шаҳарни ҳимоя қилиш учун соқчи лашкарларни кўпайтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Султонга тинимсиз равишда мактублар йўлларди. Султоннинг эса унга муносабатлари беқарор эди: гоҳ уни улуғласа, гоҳ эътибор бермасди. У мактублари, бу ишлари туфайли Султон олдида янада ҳурмат-иззатли бўлди. Султон эса у ҳақдаги туҳмат-бўҳтонларга ишониб унга марҳамат кўрсата олмаганидан уялар, сиқиларди. У Оллоҳ ҳузурига чорловчи чопар келиб, ўлим хабари бошига келгунча шундай ишлар қилди. У тақдир инъом этган ҳаётни яхшилик билан якунлади ва ўлим кафанини осойишталик билан кийди.

Унинг ўлимидан кейин ноиб ва қора халқ Табризни, худди бошқа шаҳарлар сингари тоторлар қўлига топширди.[2]

---

[1] Шамсиддин ат-Туғроий ҳақида 47-, 49-, 52-, 85-бобларга қаранг.

[2] Ибн ал-Асир Табризнинг мўғуллар қўлига топширилиши воқеасини бундай баён қилади: "Тоторлар ҳукмдори қўшини билан Табриз яқинига жойлашгач, шаҳар аҳлига бўйсунишни, акс ҳолда қаттиқ ўч олиш нияти борлигини билдирди. Улар ундан омонлик сўрашди ва унга кўп пул, совғалар, ҳар хил ипак кийимлар, турли буюмлар, шароблар юборишди. У уларга миннатдорлик билдирди ва йўлбошчилари ҳузурига келишини талаб қилди. Унинг ҳузурига шаҳар қозиси, раиси ва яна бир қанча аъёнлар боришди. Шамсиддин ат-Туғроий эса кўп нарса ўзига боғлиқ эканлигини билгани ҳолда боришни истамади. Унинг боришининг имкони йўқ эди. Шаҳар йўлбошчилари тотор ҳукмдори олдига борганда у ат-Туғроий келмагани сабабини сўради... Улар "У бу дунёнинг одами эмас, энди унинг шаҳар раҳбарлигига ҳеч қандай алоқаси йўқ, асосий раҳбарлар бизлармиз!" деб жавоб беришди".

101-БОБ

ГАНЖАДАН КЕТИШИМ ВА СУЛТОН ХИЗМАТИГА ҚАЙТИБ БОРИШИМ БАЁНИ

Юқорида айтилганидек, мен Муқонда Султон хизматидан маълум муддат кетишга ва Ганжага боришга мажбур бўлдим. Мен бу ерда уч ой яшадим. Лекин шу муддат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичида менинг киприкларим уйқу учун юмилмади, бир жойда ором олиб ўтиролмадим десам хато бўлмас. Доимо Султон хизматига шошардим. Аммо унинг хизматига етишиш мен учун қийин эди. Чунки Аррон тоторлар билан тўлиб тошганди.

Қиш ўтиб баҳор келгач, ҳамма ёқ яшиллик бағрига бурканиб, гўзаллик тароватини ёйгач, Султондан хизматига тез етиб боришим ҳақида топшириқ олдим. Тоторлар кўплиги туфайли Аррон орқали ўтиб боришим қийинлиги эслатилиб, бундай дейилганди: "Иване ал-Қуржи ҳузурига бор, унга нома йўллаб, сени бизнинг хизматимизга ўтказиб юборишни тайинлаганмиз"[1]. Мен ўйлай-ўйлай гуржилар томонга бормасликка қарор қилдим. Уларнинг аҳдига вафо қилмаслигидан хавфсирадим. Бу пайтга келиб ҳатто Ганжа аҳли орасида ҳам хоразмликларга нисбатан душманлик кучая бошлаган эди. Мен агар аҳвол шу ҳолда давом этса Ганжада давлат одамларининг кўпчилиги ўлимга юз буришини яққолроқ англаб етдим.

Ганжага келган кунимдан бошлаб ёвуз ниятли одамларнинг ғалаёнидан қўрқиб Султоннинг қалъа ичида жойлашган саройларидан бирида турдим. Шу билан Қуръони каримда айтилганидек, "сизлардан фақат золим кимсаларнинг ўзигагина етмай, балки барчага етадиган балодан сақландим".

Ганжадан кетганимдан кейин мен аввалдан ўйлаб, ҳадиксираб, қўрқиб юрганим воқеа рўй берди. Бу ерда яшаётган мусофирлардан бир неча киши ўлдирилди ва уларнинг бошлари тоторларга жўнатилди. Ганжаликлар ўзларининг Султонга бўйсунмасликларини эълон қилди. Оломон, тўда устидан тартиб-интизом, қаттиққўллик ўрнатилмас экан, уларнинг турфа томонларга оғиб кетишлари, ўз одатларига кўра ёмонлик йўлларини тутишлари шубҳасиздир. Шу учун Оллоҳ Қуръони каримда "Эй, мўъминлар, аниқки сизлар мунофиқларнинг дилларида Оллоҳдан кўра қўрқинчлироқдирсизлар. Бунга сабаб, улар Оллоҳнинг қудратини англамайдиган қавм эканликларидир", деганида ҳақ. Бу айтилган гапларга Умар ибн ал-Хаттобнинг (Оллоҳ ундан рози бўлсин) сўзларини ҳам қўшиш мумкин. "Оллоҳ куч-қудратини Қуръондан кўра ҳукмдор, давлат орқали кўпроқ намоён қилади", дейди у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен Оллоҳнинг ёрдамидан умидвор бўлиб Дара қалъасига етиб боргунча кундуз кунлари яшириниб ётиб, тунлари йўл юрдим[2]. Бу қалъада Султоннинг ўғли Манкатуйшоҳ, Доя хотун, ходим Сирожиддин Маҳфуз ва мушриф ал-мамалик Тожиддин бор эди. Султон ҳақида маълумот олиш учун аркка чиқдим. Улар менга Шарафулмулкнинг ушбу қалъа ҳукмдори Ҳусомиддин Қилич Арслонга йўллаган, Султонга хоинлик руҳида ёзилган мактубини берди. Улар мендан ушбу хатни олиб кетишимни ва Султонга беришимни илтимос қилди. Мен уларнинг илтимосини рад қилиб, дедим: "Шарафулмулкнинг умри поёнига етмоқда, унинг ҳаётидан саноқли кунлар қолди. Шу учун у қилаётган ишлар, ғалаён кўтаришлари, бошқаларга хиёнаткорона хат ёзишлари — ҳаммаси аҳамиятсиз нарсалар. У бу ишлари учун азобларга гирифтор бўлиши, жабр тортиши аниқ, у бундан қочиб қутулолмайди. Лекин мен унинг ўлими ўчун заррача бўлсин сабабчи бўлишни истамайман. Шу сабабли бу хатни Махондаги Султонга бирор бир ғулом орқали жўнатинглар".

Шундан кейин мен Султонни Зарис қалъаси атрофида учратдим[3]. Унга Аррон тоторлар билан тўлиб-тошгани, кофирлар ниҳоятда кўп экани ҳақида гапириб бердим. Тунда мен келар эканман, уларнинг гулханлари йўл ёқасида бениҳоя кўп эди. Оловдан ҳамма ёқ ёришганди, мени, тунги йўловчини тутиб олишларига оз қолганди.

Султон бу янгиликларни эшитар экан, қатъияти сўниб, ниятлари пучга чиқиб, отдан тушиб катта чодирга кирмади, кичик чодир тиклаттирди. У бу чодирга кириб мендан Аррон воқеаларини суриштира бошлади. Бу оғир кунларда рўй берган хуфя воқеалар ва одамлар қалбидан кечган ўй-фикрлар билан қизиқди. Кейин менга турли жойларнинг ҳукмдорларига ёрлиқлар ёзишни ва уларнинг баъзиларида Шарафулмулк хиёнаткорлиги ҳақида эслатиб ўтишни буюрди. Мен мактубларда, ёрлиқларда унинг номини Фахриддин ал-Жандий деб тилга олдим. Кейин бу ёрлиқлар ва хатлар Султонга муҳр босиш учун киритилди.

Сўнг Султоннинг яқин одамларидан бири унинг ҳузуридан чиқиб, менинг олдимга келиб деди: "Сен Шарафулмулкнинг "Билдирчин" деган лақаби борлигини бил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

майсанми? Султон уни айни кунларда шу лақаб билан атаётганидан хабаринг йўқми?" Мен унга шундай дедим: "Икки сабабга кўра унинг номини шундай деб ёзмадим. Биринчи сабаби: у қалъадан чиқиб, хизматга қайтиб келди ва эндиликда Султоннинг менга муносабати яхши, ўтган гаплар ўтиб кетди, деб ўйлади. Шу учун агар у ўзини "Билдирчин" лақаби билан атаётганимизни билса, ҳеч шубҳа йўққи, душманлардан бири томонга қочиб ўтади ва яна ғаламисликларини бошлайди. Иккинчи сабаби: агар унинг бу лақабини бошқалар эшитса, Султон уни бундай ҳақоратмуз лақаб билан атагани ҳолда қандай қилиб ўзига вазир қилиб олди экан?", деб ҳайрон бўлмайдими?".

Менинг бу гапларимни Султонга айтишганда у индамасдан тайёрлаган хатлар ва ёрлиқларга муҳр қўйиб берди. Кейин ўша куни кечқурун атрофига энг яқинлари йиғилган пайтда мени ҳузурига чақирди. Жалолиддин яқинлари мени Арронга жўнатиб, тарқалиб кетган қўшинни бир байроқ остига тўплашим учун буйруқ беришга Султонни кўндирди. Мен у ерда қўшин билан бирга туркманларни ҳам йиғишим керак эди.

Мен улар ҳузурига кирганимда Султон бу хусусда фикрим қандайлигини сўради. Мен унга ҳаммасини сиз ҳал қиласиз, деб жавоб бердим. Шунда у бундай деди: "Биз Арронга одам юбориш масаласини ҳал қилганмиз. Бу одам қўшинни ва туркманларни тўплаши лозим. Улар тўпланганидан кейин биз Ганжага юриш бошлаймиз. Унинг яқинида бу лаънатилар (тоторлар) билан жангга киришамиз. Шунда ё тақдир бизга кулиб боқади, ё омад биздан юз ўгиради. Лекин биз ўша қўшин ва туркманларни йиғишга борадиган одам, нима бўлмасин, пул биланми, совғалар биланми уларнинг кўнглини топа оладиган бўлишини истаймиз. Атрофимдаги одамлар орасидан бирортасини бу ишни қилишга қодир дея олмайман!" У бу гапларни яна такрорлай бошлади, шунда Султон бу хавфли ишни мен ўз зиммамга ихтиёрий равишда олишимни истаётганини тушундим. У мени бу ишни бажаришга хоҳиши йўқ, деб ўйлаётганди. Унга бундай деб жавоб бердим: "Дарҳақиқат, ҳукмдорлар қўл остидаги хизматкорлар ва қуллар қуролга ўхшайдилар, улар гоҳида хожасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқ йиллар яхши хизмат қиладилар, гоҳида эса бир зарбдаёқ ишдан чиқади".

Шундан сўнг менинг номимга ёрлиқ битилди ва тунда йўлга чиқдим. Бир гуруҳ хонлар, амирлар, туркман отлиқлари қошидан иккинчисининг ёнига ўтдим. Тоғлар, боғлар ошдим, туркман уруғларидан кўпчилигини бу ишга даъват этдим. Султон хизматига бир неча кундан кейин қайтиб келдим. Шунда Султон қароргоҳи одатдагидан жонланганини, бу ерда минглаб янги лашкарлар пайдо бўлганини, қўшинлар сафи кучайганини кўрдим.

Аррондаги тоторлар Султон қўшинлари йиғила бошлаганини эшитгач, Учонга, беҳисоб кучлари тўпланган жойга қайтиб келдилар. Тоторлар аллақачон Фахриддин Ҳамза ан-Нишопурийга ва Бойлаконнинг султонига элчи юбориб, уларни ўзларига бўйсунишга даъват этган эди. Султон водийдаги Каркар (Ғарғар) дарёси бўйида тўхтаганида, Фахриддин тотор элчисини унинг ҳузурига юборди[4]. Элчининг тақдири Султон эътиборига ҳавола этилди. Бу элчи лаънати Ётмаснинг вазири, ўз динидан қайтган ат-Тоҳир эди[5].

Элчи байроқлар остига келтирилгач, Султон у билан гаплашишни, лаънати Чормағун бошчилигида келган қўшиннинг сони, улардан қанчаси тажрибали, жанг кўрган лашкарлар эканлигини сўрашни менга буюрди. Султон унга "Агар сен тўғри гапирсанг, ҳақиқатни айтсанг, ҳаётингни сақлаб қоламан", деди. Ундан бу ҳақда сўрадим, у бундай деб жавоб берди: "Чормағун Султонга қарши курашга тайёргарлик кўраётган, юришга ҳозирланаётган пайтда Бухорода лашкарларни кўрикдан ўтказди. Шунда қайд дафтарига йигирма минг лашкарнинг номи битилди, булардан ташқари, катта миқдорда кўнгиллилар ҳам бор эди". Унинг айтганларини Султонга такрорлаганимдан кейин Жалолиддин менга: "Уни тезлик билан йўқ қилинглар, бизникилар тоторларнинг сони қанча эканлигини билиб, қўрқиб қочиб кетмасинлар" деди.

---

[1] Жалолиддин ҳақиқатан ҳам бу хусусда Иване Мхаргрдзелига мактуб йўллаган. Бу мактубни Иване ал-Малик ал-Ашрафга юборган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[2] Ан-Насавий асарида қалъанинг номи "Зибатра" деб ёзилган. Бу номдаги қалъа юқорида айтилган жойда бўлмаган. У Кичик Осиёда жойлашган. Бу ерда эса ўша пайтда "Қалъаи Дара" бўлган. Унинг харобалари ҳозирги Шуша яқинида.

[3] Зарис қалъаси ҳам Шуша яқинида жойлашган.

[4] Каркар (Ғарғар) дарёси Ағдам тоғларидан бошланган.

[5] Ётмас нўён ҳақида 61-бобга қаранг.

102-БОБ

ШАРАФУЛМУЛКНИНГ СУЛТОН ТОМОНИДАН ЖАРБАРД ҚАЛЪАСИДА БАНДИ ҚИЛИНИШИ ВА БИР ОЙДАН КЕЙИН ЎЛДИРИЛИШИ БАЁНИ

Султон Аррон теграсида бўлган Жарбард қалъасига яқинлашгач Шарафулмулкни қўлга олишга қарор қилди. Хоразмшоҳ қалъанинг аҳволини кўздан кечириш ниятида унга томон йўл олди. Бу ерга келгач Шарафулмулкнинг қалъада эканлигини билди. У билан бирга қалъа тепасига кўтарилди. Кейин Султон қалъа волийси Сахлан Солиқбек билан учрашди. Бу ёвуз ниятли, қаттиққўл, кекса одам эди. Султон унга қалъадан чиқаётган пайтда Шарафулмулкнинг олдини тўсиш, уни қўлга олиб, занжирбанд қилиб қалъага қамаб қўйиш ҳақида хуфя тарзда буйруқ берди.

Султон, агар уни тутиб банди қилишолмаса аҳвол оғирлашади, у бирор томонга қочиб кетади ва яна ғалаёнларни келтириб чиқаради, деб ҳадиксирарди. Жалолиддин кўнглида унинг кейинги тақдирини ҳам ўйлаб қўйган, бу ҳақда шундай дерди: "Ҳозирча, тоторлар тинчигунга қадар бандиликда сақланиб турсин. Кейин уни озод қиламиз ва вазирлик ишини топширамиз. Лекин у мамлакатнинг ушр, солиқ ишларига аралашмайдиган бўлади. Унга ойига минг динор ҳақ тўланади. У халифа вазири сингари чиқим харажатларининг ҳисоб-китобини қилади, холос!".

Волий уни (Шарафулмулкни) қалъага қаматтирди. Бундан кейин, бир неча кундан сўнг волийни қалъа ташқарисидаги йиғинга таклиф этишди. Қалъа ташқарисида одамлар худди уяси бузилган қушлар, ҳаддан қайтаётган карвондаги зиёратчилар сингари бақириб-чақирардилар. Унинг устидан беҳисоб шикоятлар йиғилганди. Султон

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса сукут сақлар, шикоятчилар гапларига қулоқ тутмас, бу золим, лекин кекса волийни ўша пайтда қандай сақлаб қолиш йўлини ўйларди. Кекса волий эса Султон мени волийликдан олиб ташлаб, ўрнимга бошқани қўймоқчи деб ўйлаб, ҳеч кимдан ижозат сўрамасдан қалъага қайтиб кетди.

Султон Шарафулмулкни тутқунликка ташлаттирганидан кейин унинг мамлукларини Утурхон қўлига топширди. Унинг мамлукларининг бошлиғи Носириддин Қуштемир эди. У бир кун Утурхон ҳузурига Шарафулмулкнинг узугини олиб келди. Бу узукни қалъа ҳукмдори кекса волий берганлигини таъкидлади. Кекса волийнинг сўзларини ҳам унга етказди: "Мен сенинг ҳукмдоринг (Шарафулмулк) билан уни озод қилиш ҳусусида келишдим. Бизлар гуржилар билан тил топишиб, тинчлик битими туздик. Улар унга (Султонга) қарши ғалаён кўтарадиган, жанг қиладиган ва ундан аламларини оладиган бўлди. Бу ишда ким Шарафулмулкка ёрдам бермоқчи бўлса, қалъага келсин".

Султон бу ҳақда эшитганидан кейин бунга қарши нима қилишини, нима тадбир белгилашини билмай боши қотди.

Кекса волийнинг ўғли Султон паҳлавонлари ва жамақдорлари сафида хизмат қиларди[2]. Султон уни ҳузурига чақирди ва отасини ёмон ниятлардан, хоинлик йўлидан қайтариш учун унинг ёнига юборди. У отасига Султоннинг қилган яхшиликлари, саховати, мурувватн хусусида эслатди. Отасининг қилаётган ишлари яхшиликка ёмонлик, дўстликка душманлик эканлигини, бундай аҳволнинг юзага келишига ҳеч қандай сабаб бўлмаганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг бу ғулом Султон ҳузурига келиб отасининг ўз ниятларидан қайтганлигини, адашиб, ўлимга маҳкум этувчи ёмон йўлларга кириб қолганлиги учун афсус чекаётганлигини етказди. Агар Султон бу гуноҳкор банданинг айбини кечирса, уни волийлик лавозимида қолдирса, унга содиқ қул бўлиб хизмат қилишини айтди. У қилган барча гуноҳлари учун кечирим сўради. Султон унга чопар юбориб бундай деди: "Агар сенинг гапларинг, тавба-тазарруъларинг рост бўлса, менга Шарафулмулкнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошини юбор". У чопар билан бирга унинг ўғлини ва бешта сипоҳсоларни қўшиб қалъага жўнатди.

Ҳақиқатан, улар уни боқий дунёга жўнатдилар, у машҳур одамлар сингари ўлим топди. Шарафулмулкнинг хос мулозими, унинг ҳаётининг охирги дақиқаларигача ёнида бўлган Муҳаммад Оҳий бу ҳақда менга бундай ҳикоя қилиб берганди: "Улар унинг олдига кирганларида у ўз жаллодлари келганини билди. У таҳорат олиш ва икки ракаат намоз ўқишга рухсат сўради.

Кейин мен унга сув иситиб бердим. У сувнинг ниҳоятда тоза бўлишига эътибор берарди. Бу гал ҳам, гарчи унинг бошига ўлим соя ташлаб турган бўлса ҳам сувни текшириб кўрди. Кейин у таҳорат олди ва икки ракаат намоз ўқиди. Сўнгра Қуръондан бир парча қироат қилди. Кейин уларга киришга рухсат берди ва бундай деди: "Мендан олинаётган бу қасд кофирларнинг сўзига ишонган одамнинг ишидир!". Улар ундан: "Бўғиб ўлдирайликми, қиличда чопайликми, сенга қайси бири маъқул?", деб сўрашди. У: "Қилич билан ўлдирганингиз яхши", деб жавоб берди. Шунда улар: "Амалдорларни қилич билан ўлдиришмайди, бўғиб ўлдириш сен учун осон" дейишди. У: "Билганларингизни қилинглар!" деди.

Улар уни бўғишди ва танаси совисин деб ташқарига чиқишди. Кейин улар унинг калласини кесиб Султонга олиб кетиш учун қайтиб киришди. Лекин улар киришгач унинг ўлмаганини, ўзига келиб, ўтирганини кўришди. Шундан сўнг унинг калласини олишди. У шу тариқа Яратганнинг ҳузурига йўл олди, қилич уни гуноҳларидан, хиёнаткорона ишларидан халос этди. Ҳақиқатан ҳам, унинг ўлимидан кейин давлат, сарой ишлари бироз бўшашди. Муъаййиддин Абу Исмоил ат-Туғроий қуйидаги мисраларни гўё унга атаб ёзгандек эди[3].

Шавкатли салтанат барбод бўлди шу тахлит,
Ўз-ўзини кўз-кўзлаб чарчаб қолди саховат.
Аллоҳ марҳаматига умид боғлаб кутдингиз,
Каҳрафтор дунё асло сизга вафо қилмади.
Сизга сабоқ бўлмадими Бармоқийлар қисмати?
Гугурт чўпидек осон синдирдилар уларни.
Бошин эгиб, Эзгулик кетди белгисиз ёққа,
Ўлимтиклар тусига кирди тун ёпинчиғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агарда шу тун сизни бағрига олиб яна
Хавф-хатар шарпасини маҳв этиб олса эди,
Аввалги улуғворлик тикланар эди такрор,
Саховатда сизга тенг келолмас эди ҳеч ким.
Буюклик ва қабиҳлик тенгдир вақт қошида
Бу фано оламининг у якка ҳукмдори.
Бировнинг қўли билан йўқотади бировни,
Кушандасиз ҳеч нарса мавжуд эмас оламда.
Чиқмоққа чора йўқдир андуҳ комидан гарчанд,
Сиз ҳақда хотиралар яшаб қолди барибир.

---

[1] *Жарбард* — ўрта аср қалъаларидан бири.

[2] *Жамақдор* — Султон девон ал-хассининг хизматчиларидан бири. Султоннинг шахсий мамлуги ёки шахсий қўшини лашкари.

[3] *Мўъаййиддин Абу Исмоил ат-Туғроий (1061—1121 йиллар* — салжуқий султонларнинг сарой шоири.

[4] *Бармоқийлар* — Аббосий халифалар ас-Саффоҳ, ал-Мансур, Хорун ар-Рашид даврида уларнинг вакиллари вазирлик қилган. Хорун ар-Рашид даврида бармоқийлар сулоласининг ҳаммаси ўлдирилган.

[5] Жувайний, Рашидиддин маълумотларига кўра, Шарафулмулкни вазирликдан четлаштириб, уни қатл қилганларида Жалолиддин бундай деган: "Мен Билдирчинни хор-зорликдан улуғворликнинг юксак нуқтасига қадар кўтардим, унга яхшиликлар қилдим, у эса менга бу учун ёмонликлар қайтарди".

103-БОБ

ШАРАФУЛМУЛКНИНГ ҲАЁТИ ВА ФЕЪЛ-АТВОРИДАН АЙРИМ ЛАВҲАЛАР

Шарафулмулк олийҳимматли ва сахий одам эди. Унинг учун пул қадрсиз бир нарса ҳисобланарди. У пулни олиш имкони бўлмаган жойдан олиб, сарфлаш лозим бўлмаган жойга сарфларди. У олимларни ва дарвишларни ҳурмат қиларди, улардан ҳеч нарсасини аямасди, уларга нафақалар (ал-идрарат) белгилар, совға-саломлар улашарди. У кўнгли юмшоқ, ҳакимтабиатли одам эди, Қуръонни ўқиса ёки бирор диний ваъз эшитса, ҳўнграб йиғлашдан ўзини тия олмасди. Унинг вазирлиги даврида нафақалар миқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дори доимий кўпайиб борди. Агар Султон уни бу лавозимдан четлаштирмаганида девоннинг барча даромадларини нафақалар учун сарфлаган бўлар эди.

Хоразмшоҳлар даврида нафақа тўлашда бир одат бор эди: улар ўзлари белгилаган нафақалардан ташқари қадим замонлардаги ҳукмдорлар, ҳатто душманлари томонидан жорий этилган нафақаларни ҳам тўлардилар. Шу учун Хоразмшоҳлар қўл остидаги мамлакатда салжуқий султонлар, ҳатто ундан олдин ҳукмдор бўлган Маҳмуд ибн Собуктегин давридаги белгиланган нафақалар ҳам ҳисобга олинарди[1]. Улар белгиланган нафақани тўламаслик мамлакат учун ёмон иш, ҳукмдор учун уят деб ҳисобларди.

Юқорида айтганимиздек, Шарафулмулк вазирлиги даврида нафақа миқдори олдинги пайтлардагига нисбатан бир неча баравар ошди.

Бир гал унинг ҳузурига совға олиш учун шайх фақиҳ Зайниддин Абу Ҳамид ал-Қазвиний келди. Бу воқеа Бойлаконда бўлиб ўтганди. Мен шайхни вазир ҳузурига у дўстлари билан ўтирган пайтда олиб бордим. Ал-Қазвиний улар ҳузурида ваъз ўқиб, шундай сўзларни айтдики[6], Шарафулмулк буларни эшитиб йиғлади. Кейин шайх бундай деди: "Менинг хотиним Ироқда энг билимдон фақиҳ ҳисобланган, Рафъон номи билан танилган, "Шарҳ алважиз" асарини яратган Имомиддиннинг қизи. У менга бешта фарзанд ато қилди[2]. Учта қизим, иккита ўғлим бор. Улар балоғат ёшига етай деб қолди. Аммо уларга берадиган маблағим йўқ".

Шунда Шарафулмулк Қазвин девони орқали унинг ҳар бир қизига икки юз, ўғиллари учун юз динордан пул тайинлади. Бу ҳақда ёрлиқ ёздирди. Улар бу пулни ҳар йили нафақа сифатида оладиган бўлди.

Шайх унинг қўли очиқ ва сахий эканлигини кўргач, қўшимча қилди: "Биз кексалар — ота-онанинг айбимиз нима эканки, бундай мурувватдан четда қолсак?". Вазир уларга ҳам йилига юз динордан йиллик нафақа тайинлади.

Ҳа, аҳвол ана шундай эди. Бу девон маблағларини аёвсиз сарфлаш эди, у узоқ келажакни кўра олмасди, шу кунги кун талаби билан яшарди. Аслида унга мамлакатдаги амирларни бошқариш вазифаси юклатилганди. Ле-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин у саховатлилиги билан ном чиқарган, бу борада кўп ишларни қилиб улгурганди. У ҳужжатларни тайёрлашни билмасди, ахлоқий жиҳатдан ҳам етарли тарбия топган деб бўлмасди. Ҳисоб-китоб ишларига, умуман, ақли етмасди. Аслида, бу вазирлар ва котиблар учун энг керакли соҳа ҳисобланарди. Агар у форсийда бир қатор гап ёзса, ўнлаб хатоларга йўл қўярди.

Унинг кайфияти тез-тез ўзгариб турарди: дўстга ҳам, душманга ҳам муносабатда қатъий эмасди, гоҳ дўстга душманлик қилса, гоҳ душмани билан дўст бўлиб ҳам кетаверарди. Туркийларга нисбатан ҳурмати юксак эди ва туркийда ниҳоятда яхши гапирарди. У бировга таъна қилмасди.

Унинг султонларга йўллайдиган мактубларига, номаларига қўядиган тамғасида "Улуғ Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!" деган сўзлар бор эди. Девон буйруқлари, қарорларига эса "Бунга ишон!" деган сўзлар битилган тамғасини босарди. Шахсий мулклари ноиблари, бошқарувчиларига йўллайдиган топшириқларидаги тамғада "Ишон!" (Иътимод конид!) сўзи форсийда ёзилган бўлиб, унинг тепасида "Абулмакарим Али ибн Абулқосим Амир ал-Мўъмининнинг содиқ қули" деган сўзлар битилганди. У рўйхатлар, ҳисоб-китобларга "Бу тўғри!" (Саҳиҳун залика) сўзли тамғасини босарди.

Султон дастлаб унга ишонди, сўзларига қулоқ солди, маслаҳатларини қабул қилди, ишларни унинг таклифлари асосида амалга оширди. Девонни бошқаришда унга рақиблик қилғувчи бўлмади. Султон узоқ вақтгача унинг таъсири остида бўлди. У нимани хоҳласа, Султон орқали шуни қилдирди. Агар у интилган мақсади йўлида, фикр юритишда бачканаликлардан халос бўлиб, ўз куч-қудратини давлат зиммасига юклаган вазифаларни бажаришга қаратганида эди, чинакам бахтга мушарраф бўларди. Бунинг учун унда барча иқтисодий имкониятлар мавжуд бўлиб, бу имкониятлар уни шер каби қудратли, бургут мисол баландпарвоз қила оларди. Бу ҳолда, аҳвол бутунлай бошқача кечарди. Аммо унга Оллоҳ инъом этган тақдир бошқача бўлиб чиқди, азалий битик ўз ишини қилди: "Дарҳақиқат, фазлу марҳамат Оллоҳнинг қўлида бўлиб, уни фақат ўзи хоҳлаган кишиларгагина ато этади". "У истаган нарсасини амалга оширгувчидир"*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] *Яминаддавла Маҳмуд ибн Собуқтегин* — ғазнавийлар сулоласининг еттинчи султони, 998—1030 йилларда ҳукмронлик қилган.

[2] *Имомиддин Рафъон* — Абул Қосим Абукарим ибн Муҳаммад ал-Қазвиний (1160—1227 йиллар) — шофиъия мазҳабидаги таниқли фақиҳ. У ал-Ғаззолий асарига "Китаб фатҳ ал-азиз фи шарҳ ал-важиз" деб номланган 16 та жилддан иборат шарҳлар китобини яратган.

104-БОБ

СУЛТОННИНГ ГАНЖАГА ЖЎНАШИ ВА УНИ ИККИНЧИ БОР БОСИБ ОЛИШИ БАЁНИ

Ганжалик бир гуруҳ ярамас, разил одамлар (авбошлар) шаҳардаги хоразмликларни ўлдирганликларидан кейин ғалаённи кучайтириб, ўзларининг ёмон ниятларини намоён қила бошладилар. Уларга Бандар номи билан танилган одам бошчилик қиларди, қора ниятли авбошлар унга қулоқ соларди. У бошқаларнинг яхшиликларига ёмонлик билан жавоб қайтарди, одамларни жарималар тўлашга мажбур қилди. Ўзига ҳамроҳ бўлмаганларни қаттиқ жазолади. Манманлигидан қалбига қулоқ солмади. "Оқибатда ҳалокатни зиёда қилди"*.

Султон мени ва ҳожиб ал-хасс Хонбердини улар ҳузурига йўллар экан, шундай буйруқ берди. Бизлар Шутур қишлоғига, уларга яқин жойга бориб тўхташимиз, уларни итоатгўйликка чақиришимиз, бўйин эгмасликнинг оқибати ёмонлик билан тугашидан огоҳлантиришимиз керак эди. Бир неча кун давомида Ганжа атрофида бўлдик, улар билан музокаралар олиб бордик, адолатсизлик эшигини очиш ёмон оқибатларга сабаб бўлишини тушунтирдик ва огоҳлантирдик. Ҳақиқатан, кураш йўлига кирган одам сабр-тоқатли бўлмоғи керак. Ким курашда тинчлик йўлини тополмаса, унинг ўйлашга ва йўл танлашга имкони бўлса, қийинчиликлар билан тўқнашув, жанг бошлаш олдидан бошқа йўлларни ҳам излаб кўриши зарур. Шу сабабли итоат қилмайдиганлар охир-оқибатда қандай ёмонликларга дуч келишлари ҳақида ўйлашлари лозим. Низолар ҳамиша кўздан уйқуни, танадан қалбни,

www.ziyouz.com kutubxonasi

инсондан мол-мулкни ажратишга қаратилган. Шунинг учун хавфли ишларга қўл урмаслик, кўнгилсиз воқеаларга интилмаслик керак.

Бизлар уларнинг ҳузурига борганимизда "улар бармоқларини қулоқларига тиқиб, кийимларига ўралиб-чирмалиб олдилар, оёқ тираб турдилар ҳамда кибру ҳаво қилдилар".*

Бизнинг ҳузуримизга раис Жамолиддин ал-Қумий болалар билан бирга чиқди, бизлар бу разил одамлар билан тил топишишдан умидимизни уздик. Шундан кейин Султон одамлари билан бирга келди ва Ганжанинг боғларидан бирида тўхтади. Султон ғалаёнчилар ёнига изма-из чопарлар жўнатди, исёнчилар низоларни тўхтатса қилмишларини кечиришга, уларга яхшиликлар қилиб, омонлик беришга ваъдалар берди. Унинг берган ваъдаларини эшитса, қоялардаги музлар эрир эди, аммо бу ғаламисларнинг кўнгли юмшамади. Уларнинг ақл-ҳушларини бошқа нарса эгаллаб олган эди. Уларнинг йўлбошчиси Бандар ўз ғаламислигини давом эттирди. Яъни, "Улар Ерда мутакаббирлик қилди ва ёмон макр-ҳийла этишди. Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур".*

Авбошлар шунинг ўзи билан ҳам қаноатланмади. Удар бизни ҳақорат билан кутиб олдилар, ҳатто жанг қилиш ниятини ҳам билдирдилар. Улар боғ деворлари ёнига келиб, Султон чодирига қарата бир неча ўқ ҳам уздилар. Султон шу заҳотиёқ ўз яқинлари билан уларга қарши от миниб чиқди. У бу авбошларни яхшилик, панд-насиҳат, ҳақиқатгўйлик билан тартибга келтириб, қон тўкишнинг олдини олиб бўлмаслигини англаб етди. Улар панд-насиҳатни тушунишдан йироқ кимсалар эканлиги маълум бўлди.

Айтишадики:

Ҳақ гап: ёмон ҳузурида ортиқча мўмин-қобиллик —
нодонлик[1].

Султон кетидан унинг шахсий лашкарлари, хос мулозимлари ҳам авбошлар устига ташланишди. Бу лашкарлар ёш, тоғни урса талқон қиладиган, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ва қайтмайдиган, Султон учун жонини қурбон қилишга тайёр туркий ўғлонлар эди. Улар аёвсиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

жанг қилдилар, авбошлар устига ўлим ёғдирдилар. Улар ҳам Султон лашкарларига ташландилар. Лекин орадан кўп ўтмай мажақланган гавдалар ва узилган каллалардан авбошларнинг чекинаётгани маълум бўлди. Улар кўз етган жойга, гўё бўрилардан қўрққан қўйлар тўдаси, бургутлар ҳужумидан эсанкираган қушлар галаси сингари қочдилар. Отлиқлар пиёдалар билан, ҳужум қилувчилар ҳимоячилар билан аралашиб кетдилар.

Султон улар билан бирга қўшилиб шаҳар ичига бостириб кирди. Исёнчилар дарвоза олдида кўплаб тўдаланиб қолдилар, бундан фойдаланган Султон уларнинг дарвозани ёпиб олишига имкон бермади. Лашкарлар шаҳарни таламоқчи бўлдилар, аммо Султон бунга йўл қўймади.

Шундан кейин Султон шаҳарнинг бойлари ва таниқли кишиларини ҳузурига чақиртирди. У уларга бу ғалаёнларни келтириб чиқарганлар ва унда иштирок этган йўлбошчиларнинг исми шарифларини ёзиб беришни талаб қилди. Улар ўттизта одамнинг номини ёзиб беришди. Аслида исёнда кўплаб одамлар қатнашганди, исёнчилар сафида яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам бор эди. Ғаламислар ўз сафига давлатга зиён етказганларни ҳам, унга фойда келтирганларни ҳам қўшиб олгандилар. Бу оломон эди, у подага ўхшарди. Бу оломондан биттаси қолган мингтасини орқасидан эргаштириши мумкин эди.

Султон номлари ёзилган ўттизтасини арк дарвозаси олдида каллаларини чопишни буюрди. Уларнинг оёғидан судраб шаҳар дарвозаси олдига олиб келишди, Султоннинг айтганини қилишди.

Исённи кучайтирган ва унга раҳбарлик қилган, Муҳаммад ибн Маликшоҳ даврида қурилган ҳамда ўрнатилган Султон тахтини буздирган Бандар эса халқ кўз ўнгида қатл қилинди[2]. Унинг танаси майда бўлакларга бўлиб ташланди.

Султон Ганжада воқеалар кейинчалик қандай кечишини кутиб ўн етти кун турди. Шундан кейин бу ердан кетиш ҳақида қарор қабул қилинди. Айни пайтда, тоторларга қарши курашда ал-Малик ал-Ашраф Мусодан ёрдам сўрашга келишилди. Султонга бу хусусда Утурхон ва яна бир гуруҳ қўрқоқ хон ҳамда амирлар маслаҳат беришди. Султон уларнинг маслаҳатига ташқаридан қара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда кўнгандай бўлиб кўринса ҳам, кўнглида бунга қарши эди. Жалолиддин Килокун орқали Ҳилотга қараб йўл олди, йўл-йўлакай гуржилар мамлакатига ҳужум қилди, шаҳар ва қалъаларида қолган бойликларни ўзи билан олиб кетди.

Султон ал-Малик ал-Ашрафга ёрдам сўраб изма-из чопарлар жўнатди. Аслида бундай ҳолатда ёрдам сўраш бефойда эди. Чунки одамлар кўнглига бир марта муҳрланган ёмонлик уларни тарк этмаслиги ва ҳатто бу ёмонлик аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиши ҳам мумкин эди. Бунинг устига душманга қарши курашда ўзига нисбатан ёмонлик билан қаровчилардан ёрдам сўраш жазирама иссиқдан қочиб оловга тутилишдек гап эди.

Ал-Малик ал-Ашраф душманга қарши курашда ёрдам бериш талаби билан ўз ҳузурига чопарлар жўнатилганини эшитгач, Мисрга кетди ва ўша ерда қолди[3]. Султон элчилари эса Дамашқдан нариги томонга ўта олмадилар. Уларга ал-Малик ал-Ашраф мактуб йўллаб, "биз яқин кунлар ичида Мисрдан қўшинлар билан бирга йўлга чиқиб, Султон хизматига етиб борамиз", деган хабарни етказди:

Жимирлаган саробга ўхшар эди ширин ваъдалар,
Бу ҳол шу алфозда куну ойлар этар эди давом.

Ҳа, аҳвол худди шундай эди. Султон эса йўлида давом этиб, Иване ал-Куржининг ўғли Авак жойлашган Бжни қалъасига етиб келди. У қалъа яқинида бир соат тўхтади. Бу вақтда Авак қалъадан чиқди ва узоқда туриб ерни ўпди. Шундан кейин у қалъага қайтиб кетди ва Султонга совғалар юборди.

Қўшин Валашжирдга етганида одамлар кун иссиқлиги ва ёмғир ёғмаганидан нолий бошладилар[4]. Бунинг устига пашшалар одамлар ва ҳайвонларни чақиб қийнадилар. Шунинг учун улар бу ердаги тошлар ёрдамида ёмғир ёғдиришга қарор қилдилар[5]. Дастлаб биз ёмғир ёғдирувчи тошлар борлигига, унинг ёмғир ёғдиришига ҳам ишонмадик. Лекин уларнинг ёмғир ёғдириш учун ҳаракатлари тақдир шарофати туфайли амалга ошганига бир неча бор гувоҳ бўлдик. Эҳтимол, бу бир ҳийла ёки афсундир. Аммо бу афсун остидаги ишлар ҳақиқат эди. Уни кўрган одамлар ҳайратдан ёқасини ушлар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Валашжирд яқинида турган пайтимизда ёмғир ёғдирувчи тошларни Султоннинг ўзи ҳаракатга келтирди. Шундан кейин ёмғир ёғди, ҳатто шу даражада ёғдики, бир неча кун кечасию кундузи тинмади, ёмғир одамларнинг жонига тегиб кетди. Одамлар тошларнинг ҳаракатга келтирилиб, бу даражада ёмғир ёққанидан афсуслана бошлади. Атроф сув ва лой бўлиб кетганидан Султон чодирига бориш ҳам қийинлашди. Ўша кунлардаги ёғингарчилик хусусида Доя хотуннинг айтган қуйидаги сўзларини эшитдим: "Мен султонга "Сиз ҳақиқатан ҳам худованди оламсиз! (Одамлар ҳақиқатан ҳам унга шундай деб мурожаат қилишарди.) Аммо ёмғир чақиришда Сиз моҳир эмас экансиз. Чунки Сиз ёмғирни кўп ёғдириб одамларни қийнаб ташладингиз. Сиздан бошқалар эса керакли миқдорда ёмғир ёғдиришарди, холос" дедим".

Шунда Султон менга: "Бу иш сен ўйлагандай осон эмас. Тошлар воситасида ёмғир ёғдириш инсондан астойдил ҳаракат ва иштиёқни талаб этади. Албатта, менинг бу борадаги ҳаракатим ва иштиёқимга қўл остимдаги одамларнинг ҳаракати ва иштиёқини тенглаштириб бўлмайди. Уларникига қараганда менинг иштиёқим юксакроқ", деди".

Ўша кунларда ал-Малик ал-Ашраф ҳузурига жўнатилган асосий элчи Мухтассиддиндан мактуб келди. Бу мактуб Жалолиддиннинг ал-Малик ал-Ашрафдан кутаётган ёрдам борасидаги умидини йўққа чиқарди. Элчи ал-Малик ал-Ашраф Мисрдан Султоннинг тоторлар билан муносабати, кураши у ёки бу томон бўлганидан кейин: ё Султон тоторларни енгиб қудратли давлатга айлангач, ё душман билан курашда мағлуб бўлиб, унинг давлати барҳам топганидан сўнг бориш нияти борлигини ёзган эди. Шу билан бирга у Султон эндиликда элчиларидан жавоб кутмай ўз ишлари билан банд бўлиши зарурлигини ҳам таъкидлаганди.

Султон шундан сўнг мени ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин Ғозий ибн ал-Малик ал-Одил Абу Бакр ибн Айюб ҳузурига юборди. Менинг зиммамга уни ва унга чегарадош мулклар — Амид ҳамда Мардин ҳукмдорлари бўлган амирларни қўшинлари билан ёрдамга чақириш вазифаси юкланган эди. Мени улар ҳузурига йўллар экан, бундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

деди: "Агар улар хизматимизга етишадиган бўлса, ал-Малик ал-Ашрафнинг ёрдамига ҳожат қолмайди". Шундан сўнг қўшимча қилиб деди: "Менинг номимдан ал-Малик ал-Музаффарга қуйидаги гапларимни етказ: "Менинг ҳузуримга ёрдам бериш учун шошилгил, тоторларга ҳужум қилишда мени қўллаб-қувватла! Дарҳақиқат, агар Оллоҳ, у ҳамма нарсага қодирдир, менга тоторлар устидан ғалаба ато қилса, мен сенга аканг доимо орзу қиладиган энг яхши мулкни — Ҳилот ва унинг атрофидаги ерларни ҳадя қиламан. Аслида бу мулк мен сенга берадиган нарсалар олдида арзимас нарса бўлиб қолади".

У барча хон ва амирлар олдида менинг зиммамга ушбу масъулиятли ишни юклади. Машваратда иштирок этганлар кетганларидан кейин Султон иккаламиз қолганимиздан кейин у менга бундай деди: "Уларнинг бизга ҳеч қачон ёрдам қилмаслигига ва бошқалар устидан ғалабага эришишимизга имконият бермаслигига бирор марта бўлсин шубҳаланмаганмиз. Бизга ёрдам бермайдиганлардан гинакудурат қилиб ўтирмаймиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, баъзилар (Султон бу ўринда ўз сафдошларидан — амирлар, лашкарбошилари, акобирларининг айримларини назарда тутмоқда) четдан ёрдам келса, оғир жангга кирмаймиз, ўлим билан юзма-юз бўлмаймиз деган пуч умидлар билан ўзларини овунтирмоқдалар. Улар бундай алдоқчи орзулар билан бизнинг ҳам асл мақсадларимизга эришишимизга халақит бермоқдалар. Шу сабабли мен сени элчи қилиб танладим. Сен белгиланган юртга бориб, у ердан афсус-надомат билан, умидсиз ҳолда қайтиб келасан. Натижада ҳавойи орзулар барҳам топади. Шундан кейин биз Исфахонга борамиз ва ўша ердагина кучимизни тўплаб, мадад олишимиз мумкин".

Мен элчи сифатида йўлга отланганимга қадар Султон олти минг отлиқ лашкарини Хартбард, Арзинжон, Малатия шаҳарларини талаш учун юборганди. Натижада бу лашкарлар ушбу шаҳарларни талон-тарож этиб, катта ўлжа билан қайтдилар. Шундан кейин мол нархи ниҳоятда арзонлашиб кетди, йигирмата қўйни бир динорга пулладилар. Султон бу ишни Аловуддин Қайқуободдан жаҳли чиққани, унинг мактублар ёзиб Ҳилотни қайтариб бериш ҳақида доимий равишда илтимос қилгани, ўзи эса

www.ziyouz.com kutubxonasi

унга ёрдам бермай ал-Малик ал-Ашрафга ён босгани учун қилганди.

Бу воқеалардан кейин ҳам ал-Малик ал-Музаффар ҳузурига бордим ва унга номани топширдим. У номани олганидан сўнг бундай деди: "Ҳақиқатан ҳам, мен Султонга содиқ бўлиш ҳақида қасам ичганман. Лекин Аловуддин Қайқубод ҳузурида ҳам шундай қасамёд қилганман. Мен яқинда Султон лашкарларининг Қайқубод мамлакатига ҳужум қилганини ва ўлжа олинган бойликларнинг Султон қароргоҳига олиб борилганини билдим.

Бундай ҳужум бизга ҳам бўлмаслигига кафолат борми?

Тўғри, мен ҳар иккала қасамимга ҳам содиқман! Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам мен ўз фикримни мустақил равишда айтиш имкониятига эга эмасман, чунки бу ерда мен акаларимнинг тайинлаб қўйган бир ноибиман, холос. Шундай экан, мен уларнинг рухсатисиз Султонга қандай қилиб ёрдам бераман? Қолаверса, менинг қўшиним Султон лашкарлари олдида денгиздан бир томчи, кўплаб чавандозлар олдида ёлғиз чавандоз кабидир.

Амид ва Мардин ҳукмдорларига келсак, улар менинг буйруқларимни эшитмайди ҳам, бажармайди ҳам. Уларнинг Султон билан мактублар ёзишиши бизга сир эмас. Шундай экан, Султон уларни ўз хоҳишларига кўра сафига қўшиб олсин, ўзига нисбатан садоқатини тоторларга қарши биргаликда курашда синаб кўрсин. Улар иккаласининг содиқлик ҳақидаги онтлари ёлғон, ўзлари иккиюзламачи, дини ислом йўлидаги ниятлари холис эмаслигини Султон ҳам билиб қўйсин. Ал-Малик ал-Ашраф эса Султонга хизмат қилиш ниятида ҳаракат қилмоқда. У ўз сўзида турадиган одамлардан. Унинг Мисрга кетиш сабаби эса Миср қўшинларини Султон хизматига олиб келишдан иборатдир".

---

[1] Ал-Мутанаббийнинг ал-Файюм ҳукмдори Абу Шужа Фатакка бағишланган қасидасидан. (Абу Шужа 960 йилда вафот этган).

[2] Ғиёсиддин Муҳаммад I ибн Маликшоҳ I (1106—1118 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган) — салжуқий султонларнинг еттинчи авлодига мансуб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

[3] Ал-Малик ал-Ашраф Дамашқдан Мисрга 628 йил жумади аввал ойининг 10 кунида (1231 йилнинг 16 мартида) кетган.

[4] *Валашжирд (Валашгирд)* — Туркиядаги шаҳар. У Харпутдан шимол томонда жойлашган.

[5] Ёмғир ёғдирувчи тошлар ҳақида Жувайний, Рашидиддин ҳам маълумотлар берганлар.

105-БОБ

ТОТОРЛАРНИНГ БЕРКРИГА СУЛТОННИ ИЗЛАБ ДАРЁДАН КЕЧИБ ЎТГАНИ ҲАҚИДАГИ ҲИЛОТДАН МАЙАФОРИҚИНГА КЕЛГАН МАЪЛУМОТНОМА ВА МЕНИНГ АЛ-МАЛИК АЛ-МУЗАФФАР ҲУЗУРИДАН ҚАЙТИШИМ БАЁНИ[1]

Мен ал-Малик ал-Музаффар билан хайрлашишим арафасида унга Беркридан маълумотнома келди. Унда тоторлар Султон қаердалигини билиб, уни изма-из таъқиб этиш мақсадида дарёдан кечиб ўтиб шаҳарга йўл олганлиги эслатиларди. Ал-Малик ал-Музаффар бу маълумотномани менга йўллар экан, чопарига бундай дейишни буюрганди: "Ёғий (тоторлар) Ҳилот атрофига бориб Султонни изламоқдалар. Яқин кунлар ичида уларнинг тўқнашуви муқаррар. Шу учун балким сен бу ерда қоларсан. Кейин нима қилишни қандай воқеалар рўй беришига қараб ўйлаб кўрардик".

Мен чопарга Қуръони Каримдаги "Оллоҳ жиҳод қилгувчиларни ўтириб олувчилардан улуғ мукофот — Ўз томонидан бўлажак юксак даражалар, мағфират ва марҳамат билан афзал қилди", деган сўзларни эслатдим. "Менинг ҳаётим Султонникига нисбатан қадрлироқ эмас ва мен ундан кейин жонимни асраб қолувчилар тоифасидан эмасман", дедим. Бу гапларни ҳукмдорига етказишни тайинладим.

Унинг (ал-Малик ал-Музаффар) ҳузурига хайрлашиш учун кирганимда суҳбатимиз бундай давом этди: "Султоннинг аҳволи эндиликда ё ундай, ё бундай кечиши аниқ — у ё ғолиб бўлади, ё мағлуб бўлади. Лекин бу ҳол қандай кечишидан қатъий назар, унинг ғалабаси ҳам, мағлубияти ҳам сизлар учун қийинчиликлар келтириб чиқаради", дедим. "Нима учун ҳар икки ҳолатда ҳам бизга қийин бўлади?" деб сўради у. "Агар у ғолиб бўладиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса, ўз вақтида ёрдам бермаганларингиз учун унинг кўнглини олиш мақсадида барча бойликларингизни оёғининг остига сочганларингизда ҳам муддаоларингизга эриша олмайсизлар. Агар у мағлуб бўлса, тоторлар билан қўшничилик зарбаларини тотиб кўриб, уни эслайсизлар, афсуски, унда афсус-надоматлар сизларга ёрдам бера олмайди", дедим. "Бу сўзларингнинг ҳақлигига шак-шуҳба йўқ, аммо нима ҳам қила олардим, ахир мен ўзим бировларга қарам бўлсам", деди.

Шундан кейин мен у билан хайрлашиб Хони томонга от чоптириб кетдим[2]. Чунки бу ерларга узлуксиз келиб турган маълумотлар Султон байроқлари Жабахжур чегараларида пайдо бўлганлиги ҳақида хабар берарди[3]. Қуёш ботиш арафасида мен Мағора деб номланган қишлоқда тўхтадим. Бу ерда тўхташдан мақсад, отларга дам бериб, уларни тўйдириб олишим, кейин кечаси билан йўл юришим керак эди. Шу жойда кўзим илиниб, туш кўрибман. Тушимда каллам тиззаларим устида эмиш, сочим ва соқолим худди куйган каби йўқ эмиш. Шундан сўнг тушимда бу тушнинг таъбирини ўзимга ўзим айтиб бундай дермишман: "Бошим — бу Султон: у ҳалок бўлади, уни ўлимдан асраб қолиш имконияти йўқ. Соқолим — бу Султон хотинлари: улар асир қилиб олинадилар, тутқинликда сақланадилар. Сочларим — бу бойликлар, улар талон-тарож қилинадилар". Кўрган бу тушимдан даҳшатга тушдим, шу учун қўрқиб уйғондим. Мен йўлимда давом этдим, қайғумнинг чеки йўқ эди. Тун бўйи бир оғиз ҳам гапирмадим, шу тариқа Хонига етиб бордим. Бу ерда водийда қўшин юклари ва лашкарлар хотинларини ортган аравараларга дуч келдим. Шу ерда Султон Жабахжурда пистирмада ётганлиги ҳақида эшитдим. Унга тоторларнинг яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар беришган экан. Бундан олдин тотор амирларидан бири, хазора — минг отлиқ лашкарнинг бошлиғи Кўкэ Бижкэм бир айб иш қилиб қўйиб, ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун лашкарлари билан тоторлар сафини тарк этиб, Султон қўшинига келиб қўшилган. У тоторларнинг отларини тақалиб, сафар учун жиддий тайёргарлик кўришганини, Султонни қаерда бўлишидан қатъий назар таъқиб этиб, тутиш нияти борлигидан огоҳ қилган. У Султонга тоторлар учун йўлда ўлжа қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диришни, ўзи эса пистирмада туришни, улар ўлжани талаш билан банд бўлиб турган пайтда бирдан ҳужум қилиб, қириб ташлашни маслаҳат берган. Бу тўғри маслаҳат, оқилона тадбир эди. Шу учун Султон Утурхонни тўрт минг отлиқ лашкарга бош қилиб қўшиннинг илғори сифатида отлантирди. Жалолиддин Утурхонни ўзига яқин олар, унинг мардлик ва садоқатига ишонар, бошқаларга нисбатан унга меҳр билан қарарди. Султон Утурхонга тоторлар яқинига бориб уларни ортидан эргаштириб, пистирма яқинига — ўлим сиртмоғига бошлаб келишни буюрган эди. Бироқ Утурхон қайтиб келиб Султонга, тоторлар Маназжирд чегараларидан орқага чекиниб кетибди, деган хабарни етказди. Бу алдов эди. Ҳа, бу Утурхоннинг қўрқув олдидаги ожизлиги, олчоқлиги туфайли туғилган ёлғон эди.

Султон ҳақида, унинг Жабахжурда пистирмада эканлиги тўғрисидаги хабарни эшитганимдан сўнг унинг хизматига шошилдим. Мен уни юк аравалари томон келаётган пайтда йўлда учратдим. У биринчи бўлиб сўз бошлади ва номасига қандай жавоб беришгани хусусида сўради. Мен унга ал-Малик ал-Музаффардан нима эшитган бўлсам ҳаммасини айтиб бердим, шундан кейин тоторларнинг дарёдан кечиб Беркрига келганлиги ҳақидаги маълумотнома тўғрисида эслатдим.

У менга Кўкэ Бижкэмнинг лашкарлари билан сафига келиб қўшилиши, унинг тоторлар ўзига ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётгани ҳақидаги маълумоти, маслаҳат асосида пистирма қурдиргани, лекин душманни авраб олиб келиши керак бўлган қўшин илғорининг қуруқ қайтиши, тоторларнинг Маназжарддан чекингани хусусидаги хабар — бу ерда бўлиб ўтган ҳамма воқеалар тўғрисида гапириб берди. Мен унга: "Тоторларнинг бу ерга жанг қилиш учун келиб, жангга кирмасдан орқага қайтиб кетишига ишониб бўлмайди, бу ғалати ҳол!", дедим. Султон бунга жавобан: "Бунда ҳеч бир ғалатилик жойи йўқ. Тоторлар биз билан жанг қилгани Ҳилотга келган, лекин бизларнинг аш-Шом мамлакатининг марказида эканлигимизни билганидан кейин, улар бу мамлакатлар ҳукмдорлари биз билан қўшилиб иттифоқ тузибди, деб ўйлаган ва натижада орқага қайтиб кетишган", деди. Мен Сул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тоннинг бу фикрига қўшилмадим. "Тоторлар жанг қилмасдан қайтиб кетиши мумкин эмас!", дедим. Бу айни ҳақиқат эди!

---

[1] *Майафориқин* — Туркиядаги шаҳар.

[2] *Хони (Хон)* — Туркиядаги шаҳар, у Хорпутдан шарқ томонда жойлашган.

[3] *Жабахжур* — Диёр Бакрдан шимолий-ғарб томонда, Хонидан жанубда жойлашган вилоят. Ёқутнинг асарида унинг номи "Жабал Жур" деб ёзилган.

106-БОБ

ЖАЛОЛИДДИННИНГ АМИД ҚАСАБАСИДА ТЎХТАШИ, УНИНГ ИСФАХОНГА ЖЎНАШ ҲАҚИДА ҚАРОР ҚИЛИШИ, АМИД ҲУКМДОРИ АЛ-МАЛИК АЛ-МАСЪУДНИНГ ЭЛЧИСИ КЕЛГАНИДАН КЕЙИН УНИНГ БУ ФИКРДАН ҚАЙТИШИ, ТОТОРЛАРНИНГ СУЛТОНГА ҲУЖУМ ЭТИШИ БАЁНИ

Султон Хони шаҳрида тўхтаганида чодирига хонлар ва амирларни тўплади, кейин менга элчилигим натижаси ҳақида, юборган номасига берилган жавоб қандай бўлса, шундайлигича такрор айтиб беришимни буюрди. Мен уларга умидсизлик руҳидаги ғазаллардан ўқиб бердим. Яқин-атрофдан ёрдам ҳам, кўмак ҳам бўлмаслигини, уларнинг умидворлик билан ёрдам кутиши қиздирилмаган темирга болға урушдай гап эканлигини англатдим. Шундан сўнг улар юклар ортилган араваларни Диёр Бакрда қолдириб, хотинлари ва болаларини ўзлари билан олиб тезроқ бу ердан Исфахонга кетишга келишиб олдилар. Уларнинг бундан кузатган мақсади бор эди: илгарилари ҳам улар ё мағлуб бўлиб, ё чарчаб-толиқиб Исфахонга келганларида бу ерда куч йиғиб, лашкар тўплаб, қудратли қўшинга айланардилар, бу гал ҳам шундай бўлади, деб ўйлагандилар. Бу воқеадан икки кун кейин Султон ҳузурига Амид ҳукмдорининг лақаби "Касаб ас-Суккар" ("Шакарқамиш") бўлган Аламиддин Санжар исмли элчиси мактуб олиб келди[1]. Мактубда ҳукмдор ўзининг Султонга хизмат қилиш ва унга тобе бўлиш нияти борлигини бил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирган эди. Бунинг учун у Султонни ар-Румга қарши юриш қилишга, бу мамлакатни босиб олишга даъват этиб, бундай деб ёзганди: "Ҳақиқатан, ар-Рум сизнинг мақсадларингиз ушаладиган мамлакат, бу ўлкага юриш қилсангиз бас, уни ҳеч қандай қаршиликка учрамай босиб олишингиз аниқ. Унга ҳукмронлик қилишда ҳам сизга тўсқинлик этувчи бўлмайди. Агар сиз ар-Рум малиги устидан ғолибликни қўлга киритсангиз қипчоқларнинг дўстона муносабатларидан ҳам баҳраманд бўласиз. Улар ҳам сизга хизмат қилиш ниятидалар. Қипчоқлар билан бирлашганингизни эшитса, тоторлар ҳам сизга ҳужум қилишга ботина олмайдилар. Бу эса ғалаба деган гап!".

Шу билан бирга Амид ҳукмдори мактубида, агар Султон бу ишга қарор қилса, унинг ўзи тўрт минг отлиқ лашкари билан Хоразмшоҳ хизматига келиши, бу давлат унинг қўлига бутунлай ўтгунга қадар хизматида бўлиши тўғрисида эслатган эди.

Бунинг сабаби бор эди: ар-Рум ҳукмдори шу йили Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуднинг қўл остидаги бир неча қалъаларни босиб олиб, унда ўзига нисбатан ғазаб уйғотганди.

Султон унинг сўзларига ишонди ва Исфахонга бориш тўғрисидаги илгариги қароридан қайтди. У Амид томонга қараб юрди ва шаҳар яқинидаги кўприк ёнида тўхтади. Уни суза олмаслиги туфайли хасга ёпишиб чўкаётган одамга қиёслаш мумкин эди. У ўша куни тунда (628 йилнинг шавволи ўртасида — 1231 йилнинг 17 августида) шаробни кўп ичиб маст бўлиб қолди. Мастлик туфайли боши айланиб ўзини ўнглай олмай қолди, нафас олиши оғирлашди. Унинг кайфи тарқаб, ҳушёр тортиши қиёматга қолди.

Ярим тунда Султон ҳузурига бир туркман келиб бундай деди: "Мен сенинг кеча турган жойингда бошқа қўшинни кўрдим, уларнинг кийимлари сенинг лашкарларинг кийимига ўхшамайди. Уларнинг отларининг аксарияти кулранг тусда эди". Бироқ Султон уни ёлғончиликда айблаб, "Бу бизнинг ушбу мамлакатга келишимизни истамаётганларнинг ўйлаб топган ҳийласи", деди. У бутун тун бўйи то тонггача базмни давом эттирди. Эрталаб эса уни ва қўшинини тоторлар ўраб олдилар. Айтишадики:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хайрлик тун тилади. Чўзилди пардек юмшоқ тўшакка,
Тонг отар-отмас қаттиқ ерда ётгандек бўлди гўё.
Рўёдек эди бу: найза тутган қўллар кўтарилди-ю
Хинога бўялгандек бармоқлар кўринди элас-элас[2].

Султон қўшини гулларнинг хуш ифори тонг еллари туфайли таралиб кетгани, афсоналар оғиздан-оғизга ўтиб халқлар орасида ёйилгани каби турли томонларга тарқалиб кетдилар.

Мен ўша куни тунда узоқ ўтирдим, мактубларни тартибга солдим. Тун ярмидан оққанда ухладим. Тонгда қаттиқ ухлаган эканман, ғуломлардан бирининг: "Отлан! Қиёмат қўпди!" деган қичқириғидан уйғониб кетдим. Тезда кийиниб, шошиб ташқарига чиқдим. Ҳамма бойликларим, кийимларим, нарсаларим чодир ичида қолди. Ўз-ўзимга дедим:

Биз агар яхши ниятни йўлдош қилиб қайтаётган бўлсак,
Яхшиликка умид боғласагу аммо ишончимиз саробдек бўлса,
Шунда энг улкан ўлжа ўз қалбимиз бўлар. Негаки,
Қалб аслига қайтади — ғурур ва шармисорликни ўзига
жойлаб.

Отимга минганимдан сўнг тоторларнинг бир гуруҳ лашкарларининг Султон қароргоҳини ўраб олганини кўрдим. Султон эса бу пайтда маст ҳолда ухлаб ётар эди. Шунда бирдан кутилмаганда лашкарлари ва туғи билан Урхон пайдо бўлди. У тоторларга ҳужум қилиб, уларни Султон қароргоҳидан узоқлаштирди. Султоннинг бир неча мулозимлари чодирга кириб, уни қўлларидан ушлаб олиб чиқдилар. У оқ яктакда эди. Уни отга миндириб, отни чоптириб олиб кетдилар. Жалолиддин эса бу пайтда фақат битта одам — отабек Саъднинг қизи, форс маликаси — хотини ҳақида ўйларди. У Темур Қийиқ ва амир-шикор Дўрт Обага бу қочишдан кейин малика (хотини) қаерда бўлишидан қатъий назар ўша ерда унинг хизматида бўлишни буюрди.

Султон тоторлар қўшини ўзларини таъқиб этаётганини кўрганидан кейин Урхонга лашкарлари билан сафдан ажралиб чиқишга буйруқ берди. Бу билан Султон тоторлар уни (Урхонни) таъқиб этишни давом қилдиради, мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса қутилиб қоламан, деб ўйлаганди. У лашкарларидан ёлғизланиб, бир неча одами билан ажралиб кетди, бу унинг хатоси эди. Урхон ундан ажралганидан сўнг сафига катта куч келиб қўшилди. У Ирбилга етиб борганида сафида тўрт мингдан ортиқ отлиқ лашкарлар бор эди[3]. Бу қўшин билан у кейинчалик Исфахонга йўл олди. Бу шаҳарни босиб олиб, то тоторлар унга ҳужум қилганга қадар ҳукмронлик қилиб турди. Шундан сўнг Урхон то мана шу йилгача, яъни олти юз ўттиз тўққизинчи йилгача (ушбу асарга тартиб берилган пайтгача, 1242 йилнинг ёзигача) Форсда асирликда сақланди.

Султон Урхондан ажралишганидан кейин унинг ёнида Утурхон, амир-охур Талсоб, шахсий отбоқари Маҳмуд ибн Саъдаддин кабилар қолган эди. Улар кейинчалик менга ўша пайтда Султон бошидан кечган воқеалар ҳақида сўзлаб бердилар. Шундай қилиб, Султон Урхондан ажралишганидан сўнг ҳимояси мустаҳкам ҳисобланган Амид томонга йўл олади, тоторлар эса уни таъқиб этадилар. Амидда бу пайтда алғов-далғов бошланган, шаҳар аҳолиси хоразмликлар ҳужум қилиб келаётганмиш деб таҳликага тушган эдилар. Шунинг учун улар Султонга қарши бош кўтариб чиқадилар. Шаҳар деворлари устидан туриб Султонга қарши тошлар отадилар, уни бу ердан кетказишга ҳаракат қиладилар.

Унинг шаҳарга кириш умиди қолмаганидан кейин, Амиддан чап томонга қараб йўлга тушади. Содиқ одамлардан юзга яқин отлиқ лашкарлар унинг сафига қўшилади. Кейин улар тоторлар таъқибидан қутилиши учун Жазира чегараларига қадар боришади[4]. Бу ерда йўллар мустаҳкам қўриқланарди, у томонга ўтишга имкон беришмайди. Бундан ташқари, дараларда, жарликлардаги йўллар, сўқмоқларда ҳам Султонни қўлга тушириш ниятидаги кимсалар уни кутиб ётишарди. Шундайлардан бири қанчаси Ҳамадон шихнаси Сарир Маликни тутиб олиб ўлдиришади.

Кейин Утурхон Султонга орқага қайтишни маслаҳат беради, "Бугунги кунда биз учун энг хавфсиз йўл бу тоторлар бизни таъқиб этиб келган йўл", дейди. У унинг маслаҳатига амал қилган ҳолда ўша йўлдан орқага қайтади. Бундан келиб чиқиб, Султоннинг ўлими ҳамма жиҳатдан Утурхон ишлаб чиққан режа асосида амалга ошган

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейиш мумкин. Султон орқага қайтиб, Майафориқиннинг қишлоқларидан бирига етиб келади. Қишлоқнинг ғалла йиғиладиган хирмонларидан бирида тўхтайди. Отларини ўтлатиш учун яйловга қўйиб юборади, кейин яна йўлида давом этмоқчи бўлади. Шу ерда Утурхон олчоқлиги ва қўрқоқлиги туфайли Султонни ташлаб кетади. У (Утурхон) ал-Малик ал-Музаффар Шиҳобиддин Fозий билан мактуб олишиб, ҳамкорлик қилишга келишган эди. Бу ҳамкорлик улар ўртасида ўзаро ҳурмат-эътибор, садоқат асосида мустаҳкамланиши керак эди, аммо унга дарз кетди, дўстликка путур етди. Кейинчалик Утурхон асир олинади ва занжирбанд ҳолда сақланади. Ал-Малик ал-Комил Амидни босиб олганидан кейин ал-Музаффардан уни ўзига талаб қилиб олади. Уни ҳузурига Мисрга чақиради. Утурхон ўша ерда томдан йиқилиб ўлади.

Султон ўша тунда хирмонда қолади, тун уни душманлари кўзидан яширади. Тонгда эса яна тоторлар пайдо бўлади. У отига миниб улар кўзидан йироқлашади. Лашкарларининг бир қисми отларига минишга улгуролмай қолади, тоторлар уларни қириб ташлашади.

---

[1] Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуд ва унинг элчиси Аламиддин Санжар ҳақида 85-бобда ҳам маълумот берилган.

[2] Бу мисралар ал-Мутанаббийнинг қасидасидан олинган. Унинг дастлабки икки мисраси 33-бобда ҳам берилган.

[3] *Ирбил* — Шимолий Ироқдаги шаҳар.

[4] *Жазира* — Тигр ва Эвфрат дарёларининг оралиғида, унинг шимолий қисмида жойлашган ўлка.

107-БОБ

СУЛТОН БОШИДАН КЕЧГАН ВОҚЕАЛАР ВА УНИНГ ҲАЁТИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ БАЁНИ

Тоторлар ҳужуми натижасида Султон билан ажралишганимдан сўнг мен уч кун давомида ғорда яшириниб жон сақладим. Кейин қўрқув аралаш Амидга бордим. Икки ой давомида Амиддан ташқарига чиқмай яшадим. Сўнг Ирбилга кетдим. Бу ердаги кўплаб мусибатлар ва ташвишлардан кейин Озарбойжонга ўтдим. Шундан сўнг бир қанча

www.ziyouz.com kutubxonasi

қийинчиликларни бошдан ечириб, пулсиз ва маблағсиз ярим яланғоч ҳолда Майафориқинга етиб бордим. Мен Султон мамлакатларидаги қайси уйда бўлмай, қайси жойда яшамай, ҳамма ёқда халқ Султоннинг ҳаёт экани, қўшинларини йиғаётгани, тоторлар устига юриш бошлашга тайёрланаётгани ҳақида гапираётганини эшитдим. Бу гаплар ёлғон, у ҳақдаги умидлар сароб эди. Булар Султонга бўлган муҳаббат, эътиқод, садоқат туфайли туғилганди. Мен бу гапларни Майафориқинга етиб келгунга қадар эшитгандим. Бу ерга келгач Султоннинг ўлганига ишондим. Шунда унинг ўлими учун тақдири азалнинг ёзғитларидан, ҳаётнинг бевафоликларидан нолидим. Оғир нафас олар эканман, алам билан дедим: "Оҳ, агар Муҳаммад (пайғамбар)нинг яратувчиси Муҳаммад (муаллиф)ни яратмаганида эди!" Агар унинг ўлим фурсатини қандайдир тарзда орқага суриш имкони бўлганда эди, мен ўз умримнинг бир қисмини унга берган, унга отилган ажал ўқини ўзимга олган бўлардим. Аммо мен буларни ўйлаётган пайтимда ажал уни жиловлайдиган қудратли қўлдан чиқиб, нишонга бориб урилган эди. Эндиликда кўнгилдаги аламларни мисраларга тизилган дардлардан оламан, шу тариқа юракни ғамлардан бўшатаман, зеро, бўлак иш қолмаганди:

Каромат қилгандим, сендан сўнг авж олишин олов,
Сен кетдинг, о Қулайб, анжуманлар бағри тўлди,
Бахс майдонида улар донолик либосин кийди.
Сен бўлсайдинг, улар бўлар эдилар соқов[1].

Юқорида айтганимиздек, тоторлар Жалолиддинга қишлоқда ҳужум қилишади. Унинг асир қилиб олинган сафдошлари тоторларга, қочганлар орасида Султон ҳам борлиги ҳақида маълумот беришади. Тоторлар унинг кетидан таъқиб этиш учун ўн бешта отлиқни юборади. Булардан иккитаси унинг кетидан қувиб етади, лекин Султон уларни ўлдиради, бошқалари эса уни тутишдан умидини узиб орқага қайтишади.

Шундан сўнг Султон тоққа кўтарилади. Тоғ йўлларида эса курдлар талончилик мақсадида пистирмалар қурган бўлади. Улар, одатдагидек, Султонни ҳам тутиб олишади ва худди бошқаларни талагани каби унинг ҳам бор-йўғини тортиб олишади. Улар Жалолиддинни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлдиришмоқчи бўлганда, у йўлтўсар босқинчиларнинг бошлиғига махфий равишда бундай дейди: "Мен, ҳақиқатан ҳам Султонман, тақдиримни ҳал қилишга шошма, сен учун бир қанча имкониятлар бор: хоҳласанг мени ал-Малик ал-Музаффар Шиҳоббиддин ҳузурига олиб бор, у сени тақдирлайди, хоҳласанг мен билан қўл остимдаги мамлакатлардан бирига юр, энг бадавлат одамлардан бирига айланасан".

Босқинчилар йўлбошчиси уни Султон мамлакатларидан бирига олиб боришга кўнади. Шу учун у Султонни уруғ-аймоқлари яшайдиган чодирга олиб боради ва уни хотини ёнида қолдиради[2]. Ўзи эса тоққа от олиб келиш учун кетади.

Бу одам чодирда йўқ пайтида бу ерга бошқа бир ғаламис, ифлос, қўлига найза ушлаган курд кириб келади. У аёлдан: "Бу хоразмлик ким? Нега уни ўлдиришмади?" деб сўрайди. Аёл унга: "Унинг кимлигини айтишмади, аммо эрим уни Султон деб раҳм-шафқат қилди", дейди. Шунда курд унга: "Сизлар унинг Султонлигига ишондингизларми? У султон эмас. Ҳилотда менинг бундан юз чандон яхши бўлган укам ўлиб кетди. Бу нима бўлибди", дейди ва найзасини унга шундай санчадики, бошқа найза санчишга зарурат қолмайди. Шу тариқа унинг жонини боқий дунёга йўллайди.

Шундай қилиб бу ёвуз кимса сўз билан ифодалаб бўлмас жиноятга қўл урди, заминни улуғ инсоннинг қони билан бўяди. У бу қилмиши билан барча қалбларда оғриқ уйғотди, гўё ҳаёт отлиғ шарбатни тўкиб нобуд қилди. У туфайли ислом биноси вайрон бўлди, имон байроғи туширилди. Имон ўғлонлари аслида само бағрини тилиб ўтадиган чақмоқ мисол эдилар, уларнинг шамширларидан кофирлар ҳам, қора ниятли кимсалар ҳам қўрқардилар.

У қанча ўлкалар, қанча мамлакатларда аёвсиз жангларда қатнашди, ўлимларга чап берди, мусибатлардан халос бўлди. Аммо ҳаёт билан видолашиш мавриди келганда бу қудратли арслон ночор тулки панжалари остида жон берди. Ҳа, нима ҳам дейиш мумкин. Бу дунё, бу замоннинг қувончу кулфатлари, тақдир ўйинлари — ҳамма-ҳаммаси қудратли Оллоҳдан, улуғ Яратувчининг марҳаматидандир! Ҳа, худди шундай!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орадан бироз вақт ўтгач ал-Малик ал-Музаффар одамларини тоққа юборди. Улар Султоннинг буюмлари — оти, эгар-жабдуғи, машҳур қилич ва сочини солиб юрадиган найчасини топадилар. Бу буюмлар ал-Малик ал-Музаффар ҳузурига олиб келиниб, ўша кунлар бу ерда ҳозир бўлган Султон мулозимларига, шунингдек Утурхон, амирохур Талсоб ва бошқа яқин кишиларга кўрсатилганда, улар ушбу нарсалар Султонники эканлигини тасдиқлайдилар. Ал-Малик ал-Музаффар шундан кейин одамларини Султон майитини олиб келишга юборади. Улар Султон майитини Майафориқинга олиб келиб кўмишади[3].

Ҳақиқатан, бу ифлос, разил кимса ўз қилмиши билан энг катта бахтсизлик келтириб чиқарди, оламни Жалолиддинсиз етим қолдирди:

Эй, сен, ғанимлар бўғзидан қон тирқиратувчи!
Ўзингку ўлдинг, оқиздинг ёш ўрнига қон.
Чархи кажрафтор унинг маҳобатини намоён қилса,
Ислом олами, давлатлар ҳолига бир боқ энди,
Англарсан не ҳол: ислом таянчидан мосуво,
Давлатлар кун-паякун, шуҳрат юлдузи сўнди.

---

[1] Исломгача бўлган давр араб шоири ал-Мухалхил ибн Робиъанинг шеъридан. У машҳур Имрул Қайснинг тоғаси. Ал-Мухалхилнинг аксарият шеърлари акаси Кулайб ибн Робиъага бағишланган.

[2] Бу ўринда сўз Майафориқин яқинидаги Айн Дор қишлоғи ҳақида бормоқда. Султон Жалолиддин Мангуберди мана шу қишлоқда 628 йилнинг шаввол ойи ўртасида (1231 йил августнинг ўртасида) ўлдирилган.

[3] Шиҳоббиддин Ғозий Хоразмшоҳнинг тоғаси Утурхондан: "Ҳақиқатан ҳам ўлдирилган Жалолиддинми?" деб сўради. У майитнинг кимники эканлигини билди ва "Ҳа, бу Жалолиддин" деб йиғлаб юборди. Улар Султонни тунда Майафориқин яқинига кўмишади ва унинг қабрини мўғуллар Султон хокини хўрламасин деган мақсадда текислатиб юборишади.

Ал-Малик ал-Ашрафга Жалолиддиннинг ўлими ҳақида хабарни хурсандчилик билан етказишганда у бундай деди: "Сизлар мени унинг ўлими билан қутлаяпсизларми? Бироқ энди сизлар бунинг самарасидан баҳраманд бўласизлар. Оллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, унинг ҳалокати тоторларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ислом мамлакатлари ерларини босиб олишларига йўл очиб беради. Энди Йаъжуж ва Маъжуж билан бизнинг ўртамизда девор бўлиб турадиган Хоразмшоҳдек инсон йўқ". (Бу сўзлар Сибт ибн ал-Жавзий, ибн Тагриберди, ал-Айний асарларида ҳам келтирилган.) Шиҳобиддин Ғозий Жалолиддин ўлдирилган қишлоқнинг барча эркакларини қиличдан ўтказдиради ва қишлоқнинг ўзини ёқиб юборишга буйруқ беради.

Жалолиддиннинг ўлими ҳақида Киракос Ганзакеци, Вардан, Себастаци, Ибн ал-Ибрий, Абул Фидо, Жувайний, Рашиддиддин, ал-Умарий, шунингдек, грузин, албан, арман, араб ва бошқа халқлар тарихчиларининг асарларида ҳам маълумотлар берилган.

Ибн ал-Асир машҳур "Солнома"сини ("Комил ат-тарих" асарини) Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда вилоятларининг биринкетин тоторлар истилосига дучор бўлаётгани ҳақидаги ғамгин тасвирлар билан якунлайди. Ибн ал-Асирнинг бу ғамгин тасвирлари ортидаги воқеаларнинг давомини ундан 50 йил кейин яшаб ўтган бошқа бир тарихчи Ибн Восил ўз кўзи билан кўрди. У 1258 йилда мўғуллар Боғдодни истило қилиб, уни вайрон этганликларининг гувоҳи бўлди. Шу сабаб Жалолиддинни қоралаб, бундай деб ёзади: "Шубҳасиз, Оллоҳ Жалолиддинни гуноҳлари учун жазолади, унга айбларини ювиш учун муҳлат бермади, аксинча, уни ҳалокатга маҳкум қилди. Аммо унинг ҳалокати мусулмонлар мамлакатларининг тоторлар томонидан истило қилинишига сабаб бўлди. Унинг отаси Аловуддин Муҳаммаднинг ўлимидан кейин, тоторлар мамлакатларни вайрон қилиб аҳолисини қирганларидан сўнг Жалолиддин Ҳиндистонга қочди, кейин орқага қайтди. Унинг куч-қудрати ошиб, давлати мустаҳкамланди. У Кирмон, Ироқ ал-Ажам, Озарбойжон, Арронни забт этди, қудратли қўшинга эга бўлди. Агар у тартибли ҳаёт кечирганида, адолат билан иш юритиб, кўп қон тўкмаганида тоторларга қарши жанг қилган бўларди. Чунки у мусулмон давлатларини тоторлардан ҳимояловчи тўсиқ эди. Аммо унинг бу ердаги ҳаёти ёмон кечди, гуноҳлар қилди, қўшниларига нисбатан душманлик, адолатсизликни кучайтирди, ўзини ёмон тутди, норозиликларни келтириб чиқарди. Бу унинг ўлимига ва қўшинининг ҳалокатига сабабчи бўлди. Шундан кейин тоторларнинг истилоси ва уларнинг ислом давлатлари устидан ғалабаси бошланди. Агар Оллоҳ бирор нарсани хоҳласа, у унинг сабабларини ҳам тайёрлайди".

Ушбу сўзлардан Ибн Восилнинг ҳам, Ибн ал-Асир каби Хоразмшоҳларга ғайирлик билан қараганини кузатиш қийин эмас. Акс ҳолда мусулмон ўлкаларининг, Боғдоднинг мўғуллар томонидан босиб олинишида, ан-Насавий ёзганидек, халифа ан-Носирнинг Чингизхон билан Хоразмшоҳларга қарши тил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бириктирганини, хоинлик қилганини, Жалолиддин қўшнилари бўлган ҳукмдорлар ҳам мўғулларга хизмат қилиб, Султонга сотқинлик қилганларини англаган бўлар эди. Лекин нима бўлмасин, Хоразмшоҳларга қарши бўлган тарихчилар ҳам уларнинг тарихдаги буюк ролини, хусусан, Жалолиддиннинг қудратини, мардлиги, мўғулларга қарши курашда ислом давлатлари олдидаги хизматларини эътироф этишга мажбур бўладилар.

108-БОБ

ЖАЛОЛИДДИННИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУҲРЛАРИ ҲАҚИДА, ШУНИНГДЕК, УНИНГ ХАЛИФАГА, БОШҚА ДАВЛАТЛАР ҲУКМДОРЛАРИГА ВА АЙНИ ПАЙТДА УЛАРНИНГ СУЛТОНГА НИСБАТАН МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

У буғдойранг, ўрта бўйлик, туркий қиёфалик ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, юқорида ҳикоя қилганим жанглардаги фаолиятини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, қўрқмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У ювош, мулойим одам эди, жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапирарди. У ҳақгўйликни, адолатни улуғларди, аммо у яшаган даврдаги ғалаёнлар, алғов-далғовлар феъл-атворини ўзгартирди. У қўл остидаги одамларнинг оғир ҳаётини енгиллаштиришни хоҳларди, аммо у яшаган давр қонунлари уни зулм қилишга мажбур этарди.

Жалолиддин Ҳиндистондан келганидан кейин халифага йўллаган дастлабки мактубларида, гарчи бу пайтда Олий девон билан унинг ўртасида худди отаси давридагидек муносабатлар яхши йўлга қўйилмаган бўлса ҳам нома охирига: "Сизнинг итоатгўй хизматкорингиз султон Санжарнинг ўғли Мангуберди" деган сўзларни ёздирарди. Халифа уни Ҳилотда пайтида султонлик фахрий кийимлари билан сийлаганидан кейин, бу ҳақда олдинроқ баён қилганмиз, Султон унга йўллайдиган номаларида "Сизнинг қулингиз" деб ёздирадиган бўлди. Шу билан бирга унга (халифага) мурожаати қуйидаги сўзлардан иборат бўларди: "Бизнинг муҳтарам жанобимиз ва ҳомийимизга, Амир ал-мўъмининга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

муслимлар имомига, олам ҳукмдорининг элчиси ворисига, Машриқ ва Мағрибнинг имомига, Мўъайян ибн Ғолиб сулоласининг энг улуғига".

Жалолиддин Аловуддин Қайқубодга. Миср, аш-Шом ҳукмдорларига нома йўллаганда ўзининг ва отасининг номларини тўлиқ ёздирар, ўзини Султон деб атар эди. Уларда мактубларда битиладиган одатдаги "хизматкорингиз", "дилдан севувчи", "акангиз ва укангиз" каби сўзлар ёзилмасди.

Унинг фармонлари, ёрлиқларидаги тамғасида "Ёрдам фақат ягона Оллоҳдан" деган сўзлар битилганди. Агар у Мўсул ҳукмдори Бадриддин ёки шу кабилар билан ёзишмалар олиб борадиган бўлса юқоридаги сўзлар чиройли қилиб битилган тамғасини босарди[1]. Тамғадаги сўзлар чиройли битилиши учун қалам учи иккига ажратилган бўлиб, бунда ёзилган ҳарфлар йирик кўринарди.

У Ҳиндистондан қайтиб келган пайтларда халифа унга йўллаган дастлабки номаларида "Муҳтарам жаноб ҳоқон!" (ал-жаноб ар-рафиъ ал-Ҳоқони) деб мурожаат қилганди. Жалолиддин улардан ўзига доимо фақат Султон деб мурожаат қилишларини илтимос этарди. Аммо Олий девондагилар унинг бу илтимосини қабул қилмадилар. Чунки ундан олдин ўтган бирорта улуғ ҳукмдорга бундай мурожаат этилмаганди. Жалолиддин буни талаб қилиб туриб олганидан кейин халифа уни фахрий кийимлар билан тақдирлаганидан сўнг "Муҳтарам жаноб шоҳаншоҳ!" (ал-жаноб ал-али аш-шахиншоҳ) унвонини ҳам бериб, унга шу унвон билан мурожаат қила бошлади.

У олти юз йигирма саккизинчи йил шаввол (1231 йил август ойи)нинг ўртасида ҳалок бўлди. Бу ниҳоятда оғир йўқотиш, бахтсизлик эди. Бундай йўқотишдан агар тонг шафағи ўзининг қонталаш ёпинчиғини йиртса, ой юзини юлиб, бағрини доғ қилса, само азалик кийимини кийса, юлдузлар ёниб кулга айланса арзирди. Негаки, бу уларни шундай куйларга солишга арзийдиган энг оғир мусибат, фожиа эди. Ўйлайманки, булар тонг маҳали бир жойга тўпланиб ушбу мусибат учун алам билан бўзлайдиган бўлсалар, ҳар қандай тош қалбларга ҳам оғир қайғу индирган бўлардилар. Абу Таммомнинг қуйидаги мисрлари ҳам худди ана шу ҳолатга бағишлаб ёзилгандек:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нур ярқ этди, бу дара сўқмоғи битди,
Паймона тўлиб Оллоҳ йўлига етди.
Бўз йигит умрига нуқта қўйди шамшир,
У ўлди, ўлим эса ғалабага тенг эрур.
Гарчи ғолиблик уни четлаб кетди.
Ажалга тик боқди, мерос қолди найза,
Тим қора найза унга ташлолмас соя.
Ўлим ботқоғига оёғини аста қўяркан,
Деди: "Қиёмат оёғинг остида, қара".
Тонгда кетди ул, дуолар либосга айланган маҳал.
Йўлидан адашмади, мукофот бўлди кафан![2]

Оллоҳнинг марҳамати туфайли унинг охирати обод бўлсин, қабри нурга тўлсин, руҳи ором олсин. Оллоҳ йўлидаги хизматлари, дини ислом ҳимояси ва уни равнақ топтиришдаги интилишлари ижобат бўлсин. Оллоҳ ундан рози бўлиб, у дунёда ҳам марҳаматини аямасин. Мен чин кўнгилдан, ҳурмат-эҳтиром ва садоқат билан кўзда ёш ила ўқиган дуоларимни унга бағишладим. Бу дуоларим Оллоҳ ҳузурида унинг бошига соябон бўлсин.

Оҳ дўстгинам, абадий, мангу!
Бу андух, чексиз изтироб тарк этмас мени!
Биз бор-будимиздан ажралдик, бошқалар эса
Кечагина имомлик рутбасига эга бўлиб бойиди.
Қайга ҳам беркинардинг? Фақат қабрми,
Кофирлардан ҳимояловчи энг сўнгги маскан ...
Ахир у салтанат безаги эди,
Ҳаммадан устун эди ақлда, заковатда.
Қаро ер қанча салтанатларни ютиб юборди,
Даҳшатлар ичида энг даҳшатлиси шу[3].

Еру самони ва дунёдаги барча нарсаларни яратган, марҳамати билан буюк ишларни мукаммал даражада амалга оширган, меҳрибон ва раҳмдил бўлган Оллоҳга ҳамду саноолар бўлсин. Оллоҳ бизнинг жаноби пайғамбаримиз Муҳаммаддан ва унинг авлодларидан қиёмат кунигача рози бўлсин, бу дунёдаги яхшиликларини у дунёда ижобат қилсин. Унинг умматларидан то қиёматгача илтифотини аямасин!

Битди! Асарнинг асл қўлёзмаси олти юз олтмиш олтинчи йил сафар ойида (1267 йил 22 сентябрь — 21 октябрь оралиғи) ёзилди (?).

www.ziyouz.com kutubxonasi

[1] *Бадриддин Лўлу (1233—1259 йиллар ораси)* — Мўсулнинг ҳукмдори. У ҳақда 85-бобда ҳам маълумот берилган.

[2] Абу Таммомнинг халифа ал-Мўътасимнинг лашкарбоши-си Муҳаммад ибн Хумайда ат-Тусийга бағишланган қасидасидан парча. Бу лашкарбоши 829 йилда Бобак билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

[3] Султон Жалолиддин ўлимидан кейин ҳар хил миш-мишлар тарқалди. Гўё ўлган Хоразмшоҳ эмас, унинг яроқбардори деган гаплар айтилди. Ибн ал-Ибрий, жумладан, бундай деб ёзади: "Баъзилар айтишича, ўлган Жалолиддин эмас эмиш. Ҳалок бўлган унинг яроқбардори (силоҳдор) дейишади. Унинг ўзи сўфийлар кийимини кийиб вилоятма-вилоят кезиб юрармиш. Одамлар Хоразмшоҳни фалон мамлакатда, фалон шаҳарда кўрдик, деган гапларга ишона бошлашди. 652 йилда (1254—1255 йиллар оралиғи) бир гуруҳ савдогарлар Жайхун (Амударё)-нинг кечиш жойидан ўтаётганда соқчилардан бири ўтаётганлар орасидан номаълум бир одамни тўхтатади. Соқчи ундан кимсан деб сўраганида, у Хоразмшоҳ Жалолиддинман деб жавоб беради. Соқчилар уни уриб, қийнаб ҳақиқий исмини айтишни талаб қилади. Аммо у айтган сўзидан қайтмайди ва қийноқлар остида ҳалок бўлади. Аммо у Хоразмшоҳ эмас эди, унинг сўзларига ишониб бўлмасди. У ўзини Жалолиддин номи билан атаб юрганлардан бири эди". (Бу маълумотни Рашидиддин ҳам келтиради).

Жувайний ҳам шундай воқеалардан бирини келтирар экан, бу воқеани султон Жалолиддиннинг Ироқдаги вазири Шарафиддин Али ат-Тафириший махсус текширганини маълум қилади. Жувайний бунга қўшимча қилиб 633 йилда (1235—1236 йиллар оралиғи) Устундарада (Мозандорон) ўзини султон Жалолиддинман деб атаган одам ғалаён кўтарганини айтади: "Чин Темур ҳукмронлиги пайтида тотор амирлари бир қанча одамларини ўша томонга юбордилар. Улар ўша одамни кўрдилар ва унинг Султонга ўхшаш эканлигини билдилар. У ўз ёлғони, алдови туфайли қатл этилди".

Султон Жалолиддин ўлимидан кейин унинг қўшинининг деярли ҳаммаси султон Аловуддин Қайқубод хизматига ўтди. Аммо Қайқубод ўлимидан кейин унинг вориси Қайхусров ўзига суиқасд тайёрлашда айблаб хоразмликлар қўшинининг лашкарбошчиси Баракатхонни асир олдирди. Шунда амирлар Соруҳон, Қирхон, Кушлихон ва Бердихон хоразмлик лашкарларни унинг мамлакатидан олиб чиқиб кетдилар. Улар чиқиб кетаётиб йўлида учраган барча жойларни талон-тарож қилиб, ёндириб кетдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

624 йил (1236—1237 йиллар оралиғи)да хоразмликларни ал-Малик ал-Комилнинг Амид, Хусн Кайф ва Харрондаги ноиби, унинг ўғли ал-Малик ас-Солиҳ ўз хизматига қабул қилди. Бироқ кейинги йили хоразмликлар унинг хизматидан чиқдилар ва мамлакатини тарк этдилар. Бундан фойдаланган Мўсул ҳукмдори Бадриддин Лўълу ал-Малик ас-Солиҳ устига юриш уюштирди, ас-Солиҳ яна хоразмликларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Хоразмликлар Мўсул ҳукмдори қўшинини мағлуб қилдилар, бунинг эвазига ас-Солиҳдан Харрон ва ар-Роҳуни бошқариш ҳуқуқини олдилар.

633 йил (1240—1241 йиллар оралиғи)да хоразмликлар Халаб теграсига ҳужум уюштирдилар. Дамашқ ҳукмдори ал-Малик ал-Муъаззам Туроншоҳ уларга қарши чиқди. Аммо унинг қўшини хоразмликлар томонидан мағлуб этилиб, ҳукмдорнинг ўзи асир олинди.

638 йилнинг рамазони (1241 йилнинг март-апрель ойлари)да ар-Ракки яқинидаги жангда Хомс, Дамашқ, Халаб ҳукмдорларининг бирлашган қўшинлари хоразмликлар устидан ғалаба қозондилар.

640 йилнинг сафар ойи (1242 йилнинг июль-августи)да хоразмликлар ва унинг иттифоқдоши — Майафориқин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффар ғозий лашкарлари Халаб ва Хомс қўшинидан енгилади.

642 йил (1244—1245 йиллар оралиғи)да хоразмликлар Зоҳир Бойбарс билан ҳамкорликда Ғози қасабасида Дамашқ, Хомс ва салбчилар қўшинларига қарши жанг қилади. Жангда хоразмликлар душманларини мағлуб қиладилар ва Дамашқни қамал этади. Кейинги йили Дамашқ босиб олинади ва таланади. Ал-Малик ас-Солиҳ хоразмликлар учун ваъда қилган иқто ерларни бермайди. Оқибатда хоразмликлар унинг хизматидан кетишади. Аммо орадан кўп ўтмай хоразмликлар қўшини ҳукмдорларнинг бирлашган қўшинидан мағлуб бўлади. Баракатхон ўлдирилади ва қўшинининг қолган қисми тарқалиб кетади. Хоразмликларнинг бир қисми Каракка йўл солади ва ал-Малик ан-Носир хизматига киради. Қушлихон бошчилигидаги яна бир қисм лашкарлар мўғуллар хизматига ўтади. Баракатхоннинг ўғли бошчилигидаги хоразмлик лашкарлар халифага хизмат қилишга қасамёд қиладилар.

Бу ҳақдаги маълумотлар ал-Мокин, Абул Фидо, Рашидиддин, ибн Шаддод, ал-Мақризий, ас-Сулук, Ибн Тагриберди кабиларнинг асарларида ҳам учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўзбоши. *Камол МУҲАММАД ЁҚУБ.* Султон тарихининг тадқиқи 5
Муқаддима 17
1-БОБ. Лаънати тоторлар, улар Ватани ва ишларининг илк баёни. .. 24
2-БОБ. Чингизхон ва унинг икки дўсти қўзғолон кўтарганидан кейин бунинг оқибати нималарга олиб келгани баёни. 27
3-БОБ. Қушлухоннинг Чингизхондан ажралганидан кейинги тақдири баёни. 28
4-БОБ. Қушлухоннинг Чингизхон ўғли Душихон қўлида олти юз йигирманчи йилда ўлим топиши баёни. 32
5-БОБ. Султоннинг олти юз ўн тўртинчи йилда Ироқ мамлакатига қандай юриш қилгани баёни. 36
6-БОБ. Султоннинг Ироққа юриши ва бу ерда бўлиб ўтган воқеалар баёни. 41
7-БОБ. Отабек Ўзбекнинг ишлари, унинг Исфахондан кетиши ва ҳаётига хавф туғдирган асирлик тўридан қутулиши баёни. . 43
8-БОБ. Нусратиддин Муҳаммад ибн Пиштегиннинг асир олингандан кейинги тақдири қандай кечганлиги баёни. 47
9-БОБ. Форс ҳукмдори отабек Саъд ибн Зангининг бандиликдан қутилиши баёни. 49
10-БОБ. Султоннинг Боғдодга юриши ва ундан қайтиб келиши баёни. 51
11-БОБ. Султон Ироққа юриш қилишдан олдин қонуний жиҳатдан ва эҳтиёткорлик юзасидан қандай тадбирларни амалга ошириб улгургани баёни. 54
12-БОБ. Султоннинг Ироқдан қайтиб келганидан кейинги воқеалар баёни. 64
13-БОБ. Низомулмулкнинг вазирликдан четлаштирилганидан кейинги аҳволи баёни. 70
14-БОБ. Султоннинг Мовароуннаҳрга қайтиб келганидан кейин рўй берган воқеалар баёни. 74
15-БОБ. Савдогарлар ўлдирилганидан кейин Чингизхон элчиларининг Султон ҳузурига келиши баёни. 77
16-БОБ. Чингизхон қўшинлари ҳужумини билгандан кейин Султон уларга қарши қандай нотўғри тадбирлар қўллагани баёни. . 79
17-БОБ. Чингизхон фойдасига ва Султон зарарига ишлатилган бир айёрлик натижасида Хоразмшоҳнинг ўз амирларидан шубҳаланиши, уларни ташлаб кетишга мажбур бўлиши ҳамда ажралиши баёни. 83
18-БОБ. Туркон хотуннинг олти юз ўн олтинчи йилнинг охирги кунларида Хоразмни ташлаб чиқиши баёни. 85
19-БОБ. Туркон хотун ҳаётининг баъзи бир жиҳатлари ва унинг феъл-атвори. 91

www.ziyouz.com kutubxonasi

20-БОБ. Султоннинг Чингизхон Бухорони эгаллаб олганини эшитганидан кейин Калифдан кетиши баёни. 92
21-БОБ. Султоннинг Қулзум денгизидаги оролда вафот этганига қадар қандай ташвишларни ва мусибатларни бошидан кечиргани баёни. 96
22-БОБ. Шиҳобиддин ал-Хивақийнинг Хоразмдан Насага келиши, тоторларнинг уни ўлдириши ва Наса аҳолисини қириши баёни. 102
23-БОБ. Султон қочганидан кейин Хуросонда рўй берган воқеаларнинг қисқача тафсилоти. 108
24-БОБ. Султоннинг ўғли Жалолиддин Мангубердини тахт вориси қилиб белгилаши ва Қутбиддин Ўзлоғшоҳни тахт ворислигидан четлатиши баёни. 111
25-БОБ. Туркон хотуннинг Хоразмдан кетиши ва ундан кейин бу ердаги аҳвол баёни. 112
26-БОБ. Жалолиддин ва унинг укалари Ўзлоғшоҳ, Оқшоҳнинг Хоразмга қайтиши ҳамда уларнинг низо сабабли икки қарама-қарши гуруҳга бўлинган ҳолда бу ердан жўнаб кетиши баёни. 113
27-БОБ. Низомиддин ас-Самъоний ва унинг Хурандизга вақтинча ташриф буюриши ҳамда қўрқув туфайли уни тезлик билан тарк этиши баёни. 115
28-БОБ. Жалолиддиннинг Хоразмдан кетиши ва бунинг сабаблари баёни. 118
29-БОБ. Жалолиддин кетганидан кейин Қутбиддин Ўзлоғшоҳ ва унинг укаси Оқшоҳнинг Хоразмдан қочиши, бунинг сабаблари ҳамда улар иккаласининг кейинги тақдири баёни. 120
30-БОБ. Жалолиддиннинг Нишопурга келиши ва шаҳардан чиқиб Ғазнага йўл олиши баёни. 123
31-БОБ. Бадриддин Инонжхоннинг Бухородан қутилиб чиққанидан кейин Хуросонда ва бошқа жойларда бошига тушган ташвишлар ҳамда Солмон дарасида ҳалок бўлишига қадар кечган аҳволи баёни. 127
32-БОБ. Султоннинг ўғли, Ироқ ҳукмдори Рукниддин Ғурсанжтий аҳволи ва у билан рўй берган воқеалар баёни. 132
33-БОБ. Ғиёсиддиннинг аҳволи ва унинг Кирмонга юриши баёни. 137
34-БОБ. Ғиёсиддиннинг Форсга юриши, бу вилоятдаги босқинчиликлари ва қўшинларининг бу ерда қилган жинояткорона ишлари баёни. 142
35-БОБ. Жалолиддин Ғазнага келгунча бу ерда рўй берган воқеалар баёни. 145
36-БОБ. Жалолиддин Ғазнага қайтиб келганидан кейинги воқеалар баёни. 148
37-БОБ. Жалолиддин ва Чингизхон ўртасида Синд дарёси бўйида бўлиб ўтган энг оғир ҳамда жуда кўп ғам-кулфатлар келтирган даҳшатли жанг баёни. 153

www.ziyouz.com kutubxonasi

38-БОБ. Жалолиддиннинг Синд дарёсидан ўтиши ва 619 йил воқеалари баёни. 156
39-БОБ. Жалолиддин билан Қубача ўртасидаги ҳамкорлик ва низолар баёни. 159
40-БОБ. Жалолиддин Қубачани мағлуб этганидан кейин улар ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ва унинг Ҳиндистондан кетиш арафасида Шамсиддин Элтутмиш билан муносабатлари баёни. 164
41-БОБ. Тоторларнинг Хоразмни 617 йил зулқаъдасида қамал қилиши ва уни 618 йил сафар ойида босиб олиши баёни. 168
42-БОБ. Жалолиддиннинг Ҳиндистондан чиқиши, олти юз йигирма биринчи йилда Кирмонга кириб келиши ва унинг Ироқни босиб олгунича бўлиб ўтган воқеалар баёни. 172
43-БОБ. Ғиёсиддиннинг ўз мамлакатидаги ҳаёт тарзи ҳақида. 179
44-БОБ. Фахриддин Али ибн Абул Қосим ал-Жандийнинг вазирликка бўлган фаолияти ва унинг вазир бўлиши, Шарафулмулк Хожа Жаҳон лақабини олиши баёни. 183
45-БОБ. Султон (Жалолиддин) саройига келишим сабаби ва хизматга киришим баёни. 187
46-БОБ. Султоннинг укаси устидан ғалаба қозонганидан кейин Хузистондаги ҳарбий юришлари баёни. 193
47-БОБ. Султоннинг Озарбойжонни босиб олиши баёни. 196
48-БОБ. Султоннинг гуржиларни қандай мағлуб қилгани баёни. 201
49-БОБ. Султоннинг Двиндан Табризга қайтиши ва олти юз йигирма иккинчи йилнинг ражабида қўшиннинг баронғорининг гуржилар мамлакатида қолдирилиши баёни. 207
50-БОБ. Султоннинг Ганжани ва Арроннинг бошқа шаҳарларини қандай босиб олгани баёни. 212
51-БОБ. Султоннинг Тўғрул ибн Арслоннинг қизи билан никоҳдан ўтиши баёни. 213
52-БОБ. Табриз қозилигидан Қавомиддин ал-Жидарийнинг четлатилиши ва Иззиддин ал-Қазвинийнинг бу мансабга тайинланиши сабаби баёни. 215
53-БОБ. Султоннинг гуржилар мамлакатига қайтиши ва Тифлисни босиб олиши баёни. 219
54-БОБ. Султоннинг Кирмонда Бароқ Ҳожибга ҳужум қилишга интилиши ва Кирмонни қўлга киритолмай қайтиши баёни. 223
55-БОБ. Султон йўқ пайтида гуржилар мамлакатида қолган қўшинлар бошидан кечган воқеалар баёни. 225
56-БОБ. Олти юз йигирма учинчи йилда Мағриб элчиси Шамсиддиннинг келиши баёни. 232
57-БОБ. Олти юз йигирма тўртинчи йилда Султоннинг Бойлакон ва Ардобилни ҳамда уларга яқин бўлган жойларни Шарафулмулкка мулк қилиб бериши баёни. 235

www.ziyouz.com kutubxonasi

58-БОБ. Отабек Ўзбекнинг ўғли Малик Хомуш ва унинг Султон хизматига келиши баёни. ... 236
59-БОБ. Ироқ акобирларининг Султоннинг Ироқдаги вазири Шарафиддин Али ат-Тафриший устидан шикояти баёни. 238
60-БОБ. Урхоннинг исмоилийлар томонидан Ганжада ўлдирилиши баёни. ... 240
61-БОБ. Султоннинг олти юз йигирма тўртинчи йил Ироққа юриши ва унинг тоторлар билан Исфахон остоналарида юзма-юз келиши баёни. ... 244
62-БОБ. Султон билан укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ўртасидаги бўлиб ўтган низолар ҳамда унинг Султон ҳузуридан кетгандан кейинги тақдири баёни. ... 252
63-БОБ. Аламут ҳукмдори Аловуддиннинг Султонга дўстона муносабат билан фидойилар юборган баёни. ... 260
64-БОБ. Сафиаддин Муҳаммад ат-Туғроийнинг Хуросон вазирлигидан четлаштирилиши ва унинг ўрнига Тожиддин Муҳаммад ал-Балхий ал-Муставфийнинг тайинланиши баёни. ... 261
65-БОБ. Менинг Наса вазири этиб тайинланишим ва натижада Диёулмулк билан орамизда бўлиб ўтган воқеалар баёни ... 265
66-БОБ. Султоннинг қози Мужириддинни бир сеҳрнинг остида нима борлигини аниқлаш учун Боғдодга юборгани баёни. 267
67-БОБ. Аррон ва Озарбойжондаги воқеалар баёни. ... 269
68-БОБ. Тўғрулнинг қизи Маликанинг аҳволи ва унинг тақдири баёни. ... 271
69-БОБ. Ар-Румдан элчи Имодиддиннинг келиши баёни. ... 274
70-БОБ. Султон Ироқда пайтида Шарафулмулк томонидан Озарбойжон ва Арроннинг босиб олиниши баёни. ... 276
71-БОБ. Султон Ироқда пайтида Шарафулмулкнинг Озарбойжонда исмоилийлар савдогарларини ўлдириши баёни. ... 278
72-БОБ. Олти юз йигирма тўртинчи йилда ал-Ҳожиб Али ал-Ашрафийнинг Хуршда Шарафулмулкка қилган ҳужуми, унинг Арронда ўз бойликларини ташлаб қочиб қутилиб қолиши, одамларининг тарқалиб кетиши баёни. ... 281
73-БОБ. Ал-ҳожиб Али ал-Ашрафийнинг Озарбойжоннинг айрим вилоятларини босиб олиши ва Шарафулмулкнинг унга ҳужум қилганидан кейин ораларида бўлиб ўтган воқеалар баёни. ... 286
74-БОБ. Иззиддин Балбон ал-Холхолий ва унинг ҳаётининг якуни баёни. ... 294
75-БОБ. Имом аз-Зоҳир биъамриллоҳнинг элчилари Нажмиддин ар-Розий ва Рукниддин ибн Атторнинг келиши баёни. ... 299
76-БОБ. Султоннинг Озарбойжонда қишлаши, бу ерда Шарафулмулкнинг хатоларидан огоҳ бўлиши ва у ҳақда фикрларининг ўзгариши баёни. ... 300
77-БОБ. Гурхоннинг Султон хизматига келиши баёни. ... 302

www.ziyouz.com kutubxonasi

78-БОБ. Шарафулмулк Султоннинг ўзига нисбатан муносабати ўзгарганини билганидан кейин Муқонда қилган ишлари баёни. 305
79-БОБ. Ширвоншоҳ Афридун ибн Фарибурзнинг келиши баёни. 307
80-БОБ. Султоннинг гуржилар мамлакатидаги Лори шаҳрига юриши баёни. 309
81-БОБ. Баҳром ал-Куржининг қалъаларининг Султон томонидан қамал қилиниши баёни. 312
82-БОБ. Султон устоздор Ихтиёриддинни қандай банди қилгани баёни. 313
83-БОБ. Султоннинг Нахичевонга йўл олиши ва мол-мулкларини катта қўшин билан биргаликда Қағизвон орқали Ҳилот томонга жўнатиши баёни. 316
84-БОБ. Султоннинг Ҳилотга томон юриши, уни қамал қилиши ва босиб олиши. 318
85-БОБ. Ҳилотни қамал қилиш пайтида бўлиб ўтган воқеалар баёни. 320
86-БОБ. Султоннинг олти юз йигирма олтинчи йилнинг охирида Ҳилотни босиб олиши баёни. 345
87-БОБ. Ҳилот босиб олинганидан ва талонганидан кейин Султоннинг бу ердаги фаолияти, шаҳар атрофидаги ерларнинг иқто қилиб бўлиб берилиши баёни. 352
88-БОБ. Ҳилот босиб олинганидан кейин Олий девондан элчилар келгани баёни. 355
89-БОБ. Султоннинг ар-Румга юриши ва бу ерга ёзда етиб келиши баёни. Унинг қўшинининг аш-Шом ва ар-Рум қўшинларидан мағлуб бўлиши. 356
90-БОБ. Ал-Малик ал-Ашрафнинг Ҳилотга сафари. Унинг Султонга тинч-тотув яшаш тўғрисида нома йўллаши баёни. 362
91-БОБ. Ироққа топшириқларни бажариш учун боришим баёни. .. 365
92-БОБ. Аламутга боришим ва Султон топшириғини қандай бажарганим баёни. 367
93-БОБ. Иззиддин Балбон ал-Халхолий ва унинг ўлими баёни. 374
94-БОБ. Жаҳон Паҳлавон Ўзбек Тоийнинг Ҳиндистондан Ироққа келиши баёни. 375
95-БОБ. Ироқ ноиби Шарафиддин билан Қазвинда ажралишим ва имконсиз ҳолда Озарбойжонга боришим баёни. 377
96-БОБ. Тоторлар қўшини илғорининг Озарбойжон чегарасида пайдо бўлиши ва Султоннинг Табриздан Муқонга кетиши. 379
97-БОБ. Тоторларнинг Султонга Ширкабут чегараларида қилган ҳужуми баёни. 382
98-БОБ. Султон Мужириддин Ёқубни унинг акаси ал-Малик ал-Ашраф Мусо ҳузурига қандай жўнатиши баёни. 385
99-БОБ. Тоторлар Муқонга ҳужум қилганидан кейин Султоннинг аҳволи баёни. 387
100-БОБ. Шамсиддин ат-Туғроийнинг Табриздаги фаолияти баёни.391

www.ziyouz.com kutubxonasi

101-БОБ. Ганжадан кетишим ва Султон хизматига қайтиб боришим баёни. 392
102-БОБ. Шарафулмулкнинг Султон томонидан Жарбард қалъасида банди қилиниши ва бир ойдан кейин ўлдирилиши баёни. 397
103-БОБ. Шарафулмулкнинг ҳаёти ва феъл-атворидан айрим лавҳалар. 400
104-БОБ. Султоннинг Ганжага жўнаши ва уни иккинчи бор босиб олиши баёни. 403
105-БОБ. Тоторларнинг Беркрига Султонни излаб дарёдан кечиб ўтгани ҳақидаги Ҳилотдан Майафориқинга келган маълумотнома ва менинг ал-Малик ал-Музаффар ҳузуридан қайтишим баёни. 410
106-БОБ. Жалолиддиннинг Амид қасабасида тўхташи, унинг Исфахонга жўнаш ҳақида қарор қилиши, Амид ҳукмдори ал-Малик ал-Масъуднинг элчиси келганидан кейин унинг бу фикридан қайтиши, тоторларнинг Султонга ҳужум этиши баёни. 413
107-БОБ. Султон бошидан кечган воқеалар ва унинг ҳаётининг сўнгги кунлари баёни. 417
108-БОБ. Жалолиддиннинг феъл-атвори, унинг ўзига хос хусусиятлари, муҳрлари ҳақида, шунингдек, унинг халифага, бошқа давлатлар ҳукмдорларига ва айни пайтда уларнинг Султонга нисбатан муносабатлари тўғрисида. 422

Адабий-бадиий нашр

Шиҳобиддин Муҳаммад Ан-Насавий

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЁТИ

Муҳаррирлар *Р. Парфи, М. Аҳмедов*
Рассом *Ю. Габзалилов*
Бадиий муҳаррир *Ю. Габзалилов*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Мусаҳҳиҳлар *Ш. Жумабоева, Ф. Ортиқова*
Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*

Теришга берилди 10.08.99. Босишга рухсат этилди 27.09.99. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Тип. Таймс гарнитураси. Шартнома № 45-99 ("Ёзувчи" нашриёти), №169-99 ("Ўзбекистон" нашриёти). Офсет босма. Шартли б.т. 22,68. Нашр т. 22,99. Нусхаси 5000. Буюртма № 376
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг "Ёзувчи", "Ўзбекистон" нашриётлар, 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусобод дахаси, Муродов кўчаси, 1 уй

www.ziyouz.com kutubxonasi